

ТОҲИР МАЛИК

ОҶИБАТ



ТОҲИР МАЛИК

ОҚИБАТ

Қиссалар

«Sano-standart» нашриёти
Тошкент – 2019

УЎК: 821.512.133-32(081)

КБК: 84(5Ў)6

M22

Малик Тоҳир.

Оқибат. Қиссалар. – Т.: «Sano-standart» нашриёти,
2019. – 576 бет.

Мазкур китобга ёзувчининг “Энг кичик жиноят”, “Хазонрезги”, “Аксиома”, “Фалак”, “Ов” деб номланган асарлари киритилди. Дастлабки қиссада ризқ излаб узоқ юртларга борган одамларнинг кутилмаган азобларга дуч келишлари тасвирланган.

Одамзот айрим айбларини “арзимас” деб хаспўшлашга уринади. Ўйламайдик, ўша арзимас айби, арзимас туюлган гуноҳи ёки арзимас кўринган кичкинагина жинояти учун ҳаётини остин-устун қилиб юборишга қодир жазо тайин туради. Буни “оқибатуламр” дейдилар. Қисса шу хусусда баҳс юритади. Бошқа асарларда ҳам адиб китобхонларни турли ҳаётий воқеалар ва фожиалар мисолида дунё муаммолари ҳақида баҳс юритишга чорлайди.

Масъул муҳаррир:

Орзиқул Эргаш

Муҳаррир:

**Абдумурод Тилавов,
филология фанлари номзоди**

УЎК: 821.512.133-32(081)

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-5468-6-8

©Малик Тоҳир

© «Sano-standart» нашриёти, 2019

ЭНГ КИЧИК ЖИНОЯТ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Билингларки, бу ҳаёти дунё бир нафаслик ўйин-қулги, зеб-зийнат, ўрталарингиздаги ўзаро мақтаниш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришидир холос.

(Ҳадид сурасидаги 20-оятнинг маъноси)

“Эй Одам фарзанди!

Агар сенга ажратиб қўйилган ризққа қаноат қилсанг, ризқнинг ўзи келади ва Мендан ҳам мақтов оласан. Бордию бу тақсимга қаноат қилмасанг, дунёни сенинг устингдан султон ва сени унга хизматкор қилиб қўяман.

Дунё учун чўлдаги ваҳший ҳайвонлар каби югурасан, аммо сенга тақсимлаб қўйган ризқимдан ортиғи келмайди ва ўзинг ҳам Менинг олдимда уялиб қоласан.

(Ҳадиси Қудсийдан)

*Ажаб маккорадир дунёи фоний,
Минг алвон жилва бирла алдар они.
Ўшал маккораким, солса қўйниға,
Севингандин кирар шайтон ўйунға.*


(Сўфий Оллоҳёрдан)

Тинтув

“Келиб-келиб рўзанинг биринчи куни ўғирликка тушасанми, уйинг куйгур! Мен бу пулларни ўлимлигимга деб йиғятувдим, илойим ўлимлигингга буюрсин!”

Шундай деб қарғанаётган Моҳина кампир сочилиб ётган матоларни сандиққа тахлай бошлади. Ўғри сандиқни титиб ташламаган эди. Очган-у пулни олган, бошқа нарсага тегмаган. Милиса деганлари битта сандиқ камлик қилиб, уйнинг тит-питини чиқариб юборди-я! Итига ҳар бурчакни ҳидлатиб чиқди. Ит Сухробга қараб бир вовуллаган эди, бола бечорани сўроққа тутиб кетишди.

Моҳина қараса, милиса гапни айлантира айлантира набирасини ўғрига чиқариб қўядиган. Ана шуниси таъдиди-



май, бирам шовқин солдики, милиса деганлари келганига пушаймон еб, жўнаб қолди.

– Ўғрини топсак, хабар берамиз, – деб ваъда қилишди.

– Мен ўғрингни пишириб ейманми, сен менга пулимни топиб бер!

Моҳина кампир шундай деб жавраганича қолаверди.

Қуёш ботиб, шом азони эшитилса-да, ифтор қилиш хаёлига келмади. Моҳина бу дунёда етмиш уч йил яшаб, бугун биринчи марта рўза тутиши эди. Уйини йиғиштирар экан, Аллоҳга даъво қилиб қўйишни ҳам унутмади: “Намозингни ўқимай, рўзангни тутмай юрганимда индамаган эдинг. Гапингга кириб, рўзангни тутганимда, топганимга барака бериш ўрнига шўргинамни қуритасанми-я?”

Буни “бандага қўндоқда теккан касал”, дейдилар. Банда яхшиликлари туфайли топаётган савобларини эринмай санаб юради ва бунинг эвазига тезроқ мукофотини олишни истайди. Умри савдо-сотик билан ўтган Моҳина дунёни бир бозор деб ҳисобларди. Шу боис бир кун тутган рўзасининг савобига мукофот ўрнига жазо олгани энг улуғ адолатсизлик бўлиб туюлди. Бир-икки сўм фойдани деб паттачилар билан жанжаллашишга одатланиб қолган нодон кампир бу онда энди Худо билан ҳақ талашарди. Савдода насияга мол бермагани каби бугун олажак ажрининг ҳам эртага қолдирилишини истамас эди. Рўза фарз бўлган ёшидан бери ўтган ибодатсиз йилларининг жазолари кутиб турганини эса фаҳм этмасди.

Дам ўзига-ўзи гапириб, дам уф торта-торта тинтувдан кейинги уйини тартибга келтирай деганда эшик шашт билан очилди-ю ичкарига Холниса ўқдай отилиб кирди.

– Ҳой, менинг боламга туҳмат қилмаган битта сиз қолувдингизми? Сиз аввал ўзингизнинг гўрсўхтангизни эплаб олинг, кейин менинг боламга осилинг!

Ҳам эшикнинг тарақлаб очилиши, ҳам қўшни хотиннинг отилиб киришидан чўчиб тушган кампир Холнисанинг даъвосини эшитиб гангиб қолди. Аммо унинг бу

ҳолати узоқ давом этмади. Қайси бозор кўрган хотин бировни жавратиб қўйиб, ўзи довдираб қолибдики, Моҳина кўзларини мўлтиллашиб маъсумалик билан жимгина қараб тураверса? Аччиқни аччиқ кесганда, шаллақиликни шаллақилик даф этолмас эканми? Моҳина ҳам обдон синовдан ўтган шу қуролни ишга солди:

– Ҳой, Холниса! Ўпкагинангизни босиб олинг! Менинг болам арпангизни хом ўрдими, бунча бобиллайсиз?

– Бобилламай, кулайинми? Сизнинг касрингизга менинг ўғлимни олиб кетишди. Бир марта қамалса ўла-ўлгунча ёмон бўлиб юрадими? – Холниса шундай деб худди кампирни дўппослашга шайлангандай у томон бостириб келди.

Моҳина унинг бу шаштидан чўчиб, бир қадам орқага тисарилди-ю ўзини тутиб олишга улгурди. Қўлларини белига қўйиб, ўттиз йил аввалги Моҳина келбатида қўшнисини дадил қарши олди:

– Болангиз нимага менинг касримга қоларкан? Унингизни ўғирликка мен ўргатибманми?

Холниса юлишга ташланишдан аввал муҳим масалани ҳал қилиб олмоқчидай тўхтаб, сўради:

– Қайси ўғирликни айтяпсиз?

Қўшнисининг попуғи бироз пасайганини сезган кампир ҳам юмшади:

– Бу нима деганингиз? Бир марта ўғирлаб, бир марта қамалган-да.

– Ўшанда икки марталаб туҳмат бўлувди. Ўғирликни бўйнига қўйишолмаган. Уруғимизнинг қони тоза, биздан ўғри чиқмайди. Наша ташлаб қўйиб қамашган. Энди сиз туҳмат қилиб қаматмоқчимисиз?

– Қанақа туҳмат? – кампир қўлларини белдан тушириб, ажабланган ҳолда у томон бир қадам босди.

– Уйингизни ўғри урдими? Милиса чақирдингизми? Милиса ўғрини топиши керакми? Уйингизнинг тўғрисида тайёр ўғри турибди-ку? Қидириб овора бўлиб юришармиди? “Кимдан гумонингиз бор?” деб сўрашдими сиздан?

– Сўрашмади. Ўғлингиздан гумоним бўлса, милиса чақириб ўтирармидим? Шарт бўйнигинасини узиб ола қолардим, ер ютгурни.

– Боламни қарғаманг! Нима деб сўрашди? Ўғлимдан бекорга шубҳаланишмагандир?

– Неварангизнинг оғайниларидан кимлар кириб-чиқиб турарди, деб сўрашди. Ражабни ҳам айтдим. Лекин ўғри демадим.

– Ўғлим уйингизга йилда бир кирса киради, бўлмаса йўқ. Нега уни айтасиз?

– Нега йилда бир кирар экан? Кунда – шунда-ку?

– Неварангиз ҳам уйимга кунда минг марта кириб-чиқади. Битта игнам йўқолса ҳам энди Сухробингизнинг ёқасидан оламан!

– Менинг Сухробим бировнинг молига ола қарамайди, сизнинг игнангизга зор ҳам эмас. Худога шукр, ота-онаси нақ Американинг ўзида ишлаб, пул топяти.

– Ха-я, билмабман, – деди Холниса лабини буриб. – Ота-онаси нақ Америкада жарақ-жарақ пул топяпти-ку, бувиси бечорани бозорда офтоб уриб қовжиратяпти. Билиб қўйинг, мен ҳозир адвокат ёллайман, пулини сиз тўлайсиз!

– Нега мен тўларканман?

Моҳина кампирнинг дағдаға оҳангидаги бу саволига Холниса жавоб беришга улгурмади. Даҳлиздан Муаттар кампирнинг овози келиб, иккови бараварига ўша томон қаради. Тўртта мантини пахта гулли косага солиб, устига тўртта сомса қўйиб сочиққа тугиб олган Муаттар остонадан ҳатлаётганда ичкаридаги машмашанинг бир улушини эшитди. Жанжалнинг боисини англамаган бўлса-да, икки қўшни орасидан қора мушук ўтганини сезиб, аввалига изига қайтмоқчи ҳам бўлди. Кейин “шундай улўғ айём кунда ҳам уришадиларми-я, яраштириб қўйсам, савобга қоламан”, деган ниятда кириб келаверди. Унинг пайдо бўлиши Моҳинага ёқди, Холнисанинг эса энсасини қотирди. Ҳар кўрганида “Аллоҳнинг чизган чизиғида юринг, синг-

лим, енгсиз кўйлак кийиш сизнинг ёшингиздагиларга ярашмайди. Шим кийиб юришингиздан ёшлар кулишадиди”, деб танбеҳ беравергани учун Муаттарни кўрса четга бурилиб кетадиган бўлиб қолган эди. Муаттар Моҳинага бундай танбеҳ бермас эди. Аммо кун ўтган сайин ўлим яқинлашаётганини эслатиб, охират савол-жавобларига шайланиш шартлигини кўп уқтирарди. Моҳинанинг бугун биринчи марта рўза тутишга жазм қилгани ана шу даъватларнинг меваси эди. Аслида бундай даъватлар олдинги йили, ундан аввалги пайтлари ҳам бўлган, аммо қуруқ гапнинг таъсири сезилмаганди. Бундан ўн кунча муқаддам Моҳина кўшнисига ҳасрат дафтарини очиб, алақ-чалақ тушлар кўраётганини, Америкадаги қизи билан куёвидан ташвишда эканини билдирди. Унинг гапларини диққат билан тинглаган Муаттар ҳаётда яхши ниятга эришиш учун Яратганнинг амрини адо этиш шартлигини айтди. Ҳадемай етиб келинадиган улуғ ибодат онлари – ўн бир ойнинг султони аталмиш Рамазон кунлари ҳидоят йўлида туришнинг афзаллигини тушунтирди. Моҳина бу ойнинг биринчи даҳасида Аллоҳ ҳидоятдаги бандаларининг бошлари узра раҳматларини ёғдиражагини, иккинчи ўн кунлигида мағфират ёғдириш баробаринда тавбаларини қабул қилиб, гуноҳларини кечиражагини, учинчи даҳасида эса чин дилдан ибодат қилган бандаларини охиратда дўзах азобларидан Ўзи қутқаражаги ваъдаси борлигини англагандай бўлиб, ибодатга шайланган эди. Энг муҳими – бир ойлик тутган рўзаси савоби эвазига қизи билан куёвининг мусофирликда тинч-омон яшаб, бой-бадавлат қайтиб келишлари мумкинлиги уни бу йўлга жалб қила олган эди. Муаттар кампир бу тонг унинг эшигини қоқиб, уйига олиб чиққан, биргаликда саҳарлик қилган эдилар. Шом чоғи ифторликни ҳам бирга қилишга келишиб эдилар.

Моҳина Рамазон ойида бозорга чиқмасликка аҳд қилган эди. Саҳарликдан кейин тўйиб ухлаб тургач, ҳовлида бир пас ивирсиган бўлди-ю бозорнинг оҳанграбоси

тортдими ё шайтон васвасасига дош беролмадими, “бирров тушаман-у чиқаман”, деган баҳонада аҳдини бузди. “Бирров тушиб-чиқиши” тушликка қадар давом этиб, ўғрининг ишини битириб олишига кифоя қилди. Ўттиз кунлик ибодати мобайнида топган савобини қизи билан куёвининг эсон-омон қайтишига бағишлашни ният қилган кампир бозордан келиб, сандиғини очиқ ҳолда кўрди-ю юрак ўйноғида қолди. Пул тугилган тугуннинг ўғирланганини билиб ҳушидан кетмаса ҳам, ибодат ойи ҳам, савоб ҳам, мусофирликдаги қизи билан куёви ҳам унутилди. Милисани чақириб пулнинг ўлимликка аталганини қайта-қайта таъкидлайвергач, баённома ёзаётган йигит “ўлимлик пули”нинг қанча экани билан қизиқди. Пулнинг миқдори икки миллион сўм эканини эшитган милиса йигит, “кампир оширвормадимикин?” деб иккиланиб, ёзишдан тўхтади-да, маълумотни аниқлаштириб олиш учун сўради:

– Онахон, бунақа пулга ўнта ўлик кўмса бўлади-ку?

– Ҳой, сен кимсан ўзинг, кеча бурнингни артишни ўрганиб, бугун менга ақл ўргатасанми? Ақлинг ошиб-тошиб кетаётган бўлса айт-чи, битта ўлик неча пул билан кўмилади?

Йигит кампирнинг гапидан ғашланмади, елкасини қисиб қўйиб дадил жавоб берди:

– Ҳассолга ўн-ўн беш мингдир, гўрковга йигирма мингдир, гўр тепасида Қуръон ўқиб берадиган қорига ҳам ўн минг берилар. Ҳар ҳолда эллик мингга чиройли қилиб кўмиб қўйса бўлади.

Сандиқни титиб кўраётган ёши каттароқ одам улар томон ўгирилиб суҳбатларига ҳазил оҳангида қўшилди:

– Хашаки одамга эллик минг етади. Юз мингга шоҳона қилиб кўмса ҳам бўлади. У ёғи эса текин.

“У ёғи текин”ни Моҳина ўзича англаб, тутоқди:

Йигирма, қирқ, йил оши, ўртада икки ҳайит, “Лайлак келди”, “Қор ёғди”ларни милисаларинг ўтказиб берадими?

– Хафа бўлманг, онахон, сиз “ўлимлик” дедингиз, биз шуни ҳисоблаб бердик. Ўлик лаҳадга киргунгача бўлган харажат ўлимлик бўлади. Муллалар “қолгани исрофгарчилик”, дейишяпти, қайси бири тўғрилигини биз билмаймиз.

Милисалар билан шу тарзда бошланган ғиди-бидини газаб ўқлари отиш билан якунлаган Моҳина кампир кўшниси кириб ғалвасини бошламаганида балки рўзадорлигини эслаб қолармиди. Ҳар ҳолда то Муаттар кампир кўринмагунича дунё ташвишига кўмилганича қолаверди. Ҳатто кампир даҳлизда кўринганида аввалига “энди бунга нима бор экан, кўзим учиб турувди”, деб энсаси қотди. Муаттар кампир остона ҳатлаб ичкари уйга кираётиб “Айланай, Моҳинахон, сизни кута-кута ифторликни қазо қилай дедим-а! Ризқингизни кўтариб чиқа қолдим. Хайрият, тинч экансиз, иссиққина манти, совутмай еб ола қолинг. Холниса, келинг, сиз ҳам”, деб таклиф қилди.

– Вой, Муаттар опа, ҳозир томоғимдан ҳаво ўтмаяпти-ку, овқатга бало борми! Шўргинам қуриб қолди-ку, эшитмадингизми? – деди Моҳина йиғламсираб.

Бу гапни эшитган Муаттар кампир хавотирланиб косани сандиқ устига қўйди-да, ўзи ҳолсизлангандай ёнига тиз чўкди. Ҳуда-беҳудага кўчага чиқавермагани, фарзандлари эса хизматда бўлгани боис ўғирлик ҳақидаги ваҳимали шов-шув унинг хонадонини четлаб ўтган эди.

– Одамни қўрқитмай, айта қолинг, нима бўлди? – деб сўради хавотирли овозда.

Моҳина кўзига ёш олиб, дардини очишга улгурмай Холниса тилга кирди:

– Моҳинахонингиз, – деди киноя билан, – пулларини ўғирлатиб қўйибдилар, энди дунё кўзларига қоронғи бўлиб ётибди. Тўрт-беш сўм пулларини деб менинг боламини милисага бердириб юбордилар. Мен боламдан ажрай деб ўтирибман. Яхши келиб қолдингиз, сиз гувоҳсиз, боламга бир нарсга бўлса, бу хотиннинг уруғини куйдираман.

– Хай-хай, Холниса, яхши ният қилинг. Милиса сўраб-суриштириб қўйиб юборади, Худо хоҳласа.

– Сиз милисанинг кимлигини билмасангиз гапга аралашманг. Кўкармайдиган жойларига уради, тирноқларининг орасига игна санчади, қўлтиғига сигеретининг чўғини босиб яна бешта ўғирликни бўйнига иламан, дейди...

Жўшиб гап бошлаган Холнисанинг хаёлига бирдан “ёлғон айтганларим чинга айланиб, боламни қийнашса-я!” деган фикр урилиб, ўзи ҳам қўрқиб кетди-ю тилини тишлади. Бу жойда бошқа сўз айтиш ортиқчалигини англаб, Муаттарга “сиз гувоҳсиз, билиб қўйинг”, деб таъкидлагач, чиқиб кетди.

Шундан сўнг орага сукунат чўқди. Моҳина дардининг не чоғли аламли эканини изҳор этиш учун йиғламоқчи бўлди-ю, лекин йиғи кела қолмади. Муаттар кампир эса пул ўғирлатган қўшнисини қандай овутишни билмай каловланди. Охири:

– Моҳинахон, келинг, бир қултум сув ичиб, рўзангизни очволинг. Мен чой дамлай, – деди.

– Рўзангиз ҳам қуриб кетсин, рўзангиз менга ёқмади, – деб юборди Моҳина.

Кутилмаганда бундай гапни эшитган Муаттарнинг вужуди музлаб кетгандай бўлди. Қўшнисига ажабланиб қараганича тили айланмай қолди. Моҳина эса “Шу ёшга етганимда менга рўза тутишни ким қўювди” деб минғирлади. Бу гапни Муаттар эшитмади. Бир неча нафаслик гангишдан кейин ўзини тутиб, тилга кирди:

– Бунақа гапларни гапирманг, тавба денг, Моҳинахон...

Муаттар отинойилардан эшитган гапларига амал қилувчи, ўзида илм йўқ кампирлардан эди. Шу боис Моҳинага жиддийроқ танбеҳ беришга журъат эта олмади. Унинг бу онда билгани – қўшниси ҳозир шаккок бўлди, гуноҳга ботди. Бу ҳақиқатни дили ҳам, тили ҳам муҳрланган, ҳидоятдан узоқ кампирга англантишга эса унинг қурби етмасди. Шу боис гапга чечан отинойилар

каби сўзамол эмаслигидан афсусланди. Индамай чиқиб кетишдан ўзга чораси йўқлигини англаб, ўрнидан турди. Остона ҳатлаётганида тўхтаб, орқасига ўтирилди. “Эрталлаб сахарликка чақирайми?” деб сўрашга оғиз жуфтлади-ю Моҳинанинг авзойини кўриб, фикридан қайтди.

Моҳина кўшниси чиқиб кетган томонга қараб туриб лабини бурди: “Бирам кўнгли нозикки, буларнинг! Тўғри гапирсанг ҳам балого қоласан-а!”

У кўшниси ташлаб кетган косани қўлига олганида манти билан сомсанинг ҳиди димоғига урилиб, иштаҳасини очди. Кишининг бошига ҳар қандай ташвиш дўли ёғилганида ҳам иштаҳа кучга кирса, нафс муддаосига етишмагунича қўймайди. Моҳина бугун рўзага ният қилганини, дуо билан оғиз очиши кераклигини ҳам унутиб, битта мантини олиб тишлади. Таъми тотли туюлиб, иккинчи мантини ҳам тик турганича еб олди. Шундан сўнг чанқаб, чой ичиш мақсадида ташқарига чиқди. Зинада туриб “Сухроб!” деб чақирди. Милисалар кетганидан кейин набираси “уйимда ухлаб оламан, кечқурун ишга боришим керак”, деган эди. Уйдаги чироқлар ёқилмаганини кўрган кампир набирасининг ухлаб ётганини ҳам, ишга жўнаб қолганини ҳам била олмай гарангсиб, энди баландроқ овозда “Ҳой, Сухроб!” – деб чақирди. “Тефаль”да сув қайнатиб, чой дамлади. Газчилар ўлчагич қўйганларидан бери, сув қайнатгични яширинча тортилган электр симга улайдиган бўлиб қолган. Ошхонада иккита сомсани еб, устидан бир чойнак чой ичгач, кўнгли ором олди. Қолган манти билан сомсани сочикқа ўраб, набирасига илинди. “Кечаси келганда еб олар”, деб ҳовли тўрига солинган уй айвонига олиб бориб қўйди. “Ишдан кеч қайтадиган” Сухроб шу ерда овқатланишга одатланган.

Бир йилдан бери чўзма лағмондай чўзилиб давом этиб келаётган кинони кўргиси келмай, телевизорни ёқмади. Ўрнини ҳам чала-чулпа солиб, чўзилди.

Пушаймон пўртанаси (Бир ой аввал, Нью Орлеанда)

Табиатан бақувват бўлган, шу пайтгача хасталаниб ётмаган Моҳина “бирортаси менинг ҳам хизматимни қилса эди, ўрнимни солиб, чойимни дамлаб берса кошкийди”, деб орзу қилмасди. Унинг онгидаги “Болаларнинг роҳатини кўриш” тушунчаси кўпчиликнинг фикридан фарқ қиларди. Роҳат деганда у биринчи галда данғиллама иморату шинам автомашинани назарда тутарди. Бу роҳатдан бенасибликни ҳам адолатсизлик, ҳам бахтиқаролик ҳисоблаб, ғоятда сиқиларди. Аввалига толе юлдузининг чароғон эканига ишонган эди. Отаси урушдан қолишнинг йўлини топиб, нон дўконида ишлаётганида у бахтиқаролик ҳақида ўйламаган, аксинча, очликдан қорни таталаб оғриётган дугоналари даврасида ўзини саодатманд деб биларди. Отаси ҳамиша ишни пишиқ қиладиган тадбирли одам эди. Моҳинанинг назарида у умрида бир мартагина калта ўйлади – қизини бўш-баёв йигитга турмушга берди. Идорадаги кичкинагина хизматга ўрганган, озгинагина маошга қаноат қиладиган бу камсуқум одам Моҳинанинг назарида эр эмас, балки бошига битган кулфат эди. Мол-давлат топишга урингани етмагандай хотинининг бозорга чиқишига қаршилиқ қилаверарди. Бозорнинг ҳавосини олган Моҳинанинг тоқати уч йилга аранг етди. Охири “Бунақа эрни ер ютсин”, деди-ю икки ёшли қизи Заринани бағрига босиб, отасининг уйига қайтиб келди. Бошқа оила қуришни хаёлига ҳам келтирмади. Унинг оиласи, хусусан, эри ҳам бозор бўлиб қолаверди. Бозорни бу дунёнинг энг улуғ мўъжизаси деб ҳисобловчи Моҳина иблис алайҳилаъна Аллоҳдан бир масжид сўраганида бозор берилганидан беҳабар эди. Умри шайтоннинг ибодат майдонида ўтган кампирнинг Худодан саодат талаб қилиши ҳидоят йўлидаги одамни ажаблантириши табиий.

Қизини бозорга ўргатаман, деди, фойдаси бўлмади. “Ўқийман”, деб туриб олди. Кейин “ўқиган одамга тегаман”, деб хархаша қилди. Ичкүевликка кўнган йигитни катта олим, деб таърифлашган эди, у ҳам маошга ишлайдиган одам бўлиб чиқди. Моҳина мана шунисига куяди. Қизини эрдан чиқариб олишга уринди ҳам, бўлмади. Йиғиб-териб, топганига эскироқ бир машина сотиб олиб берган эди, куёви шунда ҳам эплаб хизматини қилмади. Америкага бориб ишлаётган одамларнинг бойиб келаётганларини эшитиб, қизи билан куёвини тарғиб қилаверди. Уларнинг кўнглида ҳам шундай ҳавас бор эканми, охири кўнишди. Ҳатто астойдил бўлиб, инглиз тилини ўрганишди. У ёққа боришнинг ўзи бўлмас экан, эски машина сотилиб, харажатларга ишлатилди. Шайтоннинг қудратини қарангки, одамларни жаннатга эмас, уммон ортидаги бир мамлакатга интиладиган қилиб қўйди. Америкага бориш ижозати теккан куни уларнинг уйида тантана бўлди. Зарина ўзини хориж мамлакатидаги энг машҳур педиатор мартабасида, Жўра эса салкам Нобель мукофотига даъвогар физик олим шарафида кўрди. “Ўзга юртнинг подшоҳи бўлгунча ўз юртининг гадоси бўл!” деган ҳикматни унутиб юборганлари учун шоҳона умидлар пардасига ўралдилар-у гулшан деб ўйлаган йўллари тиконзор экани, тиконлар устидан эса ялангоёқ ўтишлари лозимлиги хаёлларига ҳам келмасди.

Умидбахш булут қанотида учиб келган Зарина ҳам, Жўра ҳам Колумбни хайратга солган ерга қадам қўйишлари ҳаманоқ нурли толе излаб юрган юз минглаб бадбахтлар қатори тупроққа қоришиб, чанг зарраларига айланиб кета қолдилар. Зарина болалар доктори у ёқда турсин ҳамшираликка ҳам илина олмади. Моҳина куёвининг касби ҳақида сўз кетса “алламбало нурларни ўйлаб топади”, дерди. Жўра шуғулланган ўша алламбало нур – лазер нурига доир тадқиқотлар бу ердагиларни мутлақо қизиқтирмади. Бир-икки университетга мурожаат қилганида “сиз кашф этмоқчи бўлган нарсаларни бизда талабалар тажриба си-

фатида ўрганишади”, деган жавобни олди. Жўра интернет орқали физика, хусусан, лазерларга доир масалаларни жиддий ўрганган, у илгари сураётган ғоялар эскирган бўлиши мумкин эмасди. Бу ерда баҳслашиб, фикрини исботлашга уриниш имкониятидан маҳрум бўлгани сабабли “Сизларники маъқул”, деб изига қайтишдан ўзга чораси йўқ эди.

Ширин умидлари заҳарга айланган эр-хотин лаллайган ҳолда, бир тийинсиз уйга қайтишни ҳам, бу ердагиларга ўхшаб талашиб, тирмашиб яшашга кўникишни ҳам билишмас эди. Уйда бошларига бирон ташвиш тушса атрофдагилардан меҳр-оқибат кутишарди. Бу ерда кимдан кутишсин? Улардан сал олдинроқ келиб ишлаб юрган танишлари “Бу ерда битта қонун бор – “Ўзинг учун ўл етим!” Бировдан нажот ҳам, оч қолсанглар бир бурда нон ҳам кутманглар”, деб огоҳлантирган эди. Бандадан ёрдам бўлмагач, Худонинг раҳми келиб нажот бердими, ҳар ҳолда иккови ҳам кўчада қолмади. Шараф ва мартаба хусусидаги орзулари ушалмаган бўлса-да, қорин ташвишидан қутилиш ва ортларига қайтиб кетишга етадиган маблағ топиш имконияти туғилиб, қувондилар.

Зарина учун мосроқ иш топилди. Касалманд кампирга энагалик қилиш аввалига унинг учун ўз касби бўйича иш-лашнинг бир тури каби туюлган эди. Шаҳарнинг бадавлат даҳасига эмас, камбағаллар яшайдиган қисмига борганда юраги бир “шув” этди. Уни ишга таклиф қилган оила истиқомат қиладиган жойни кулба деб аташ инсофдан бўлмаса-да, исқиртлигидан кўнгил озадиган икки хонага ўзгачароқ таъриф бермоқлик мушкул эди. Эллик ёшлардаги семиз хотин билан унинг ўттиз ёшлардаги ўғлини “оила” деб атамоқ унданда мушкулроқ эди. Энагалик хизмати ҳақидаги таклифдан қувонган Заринага “бир кампирнинг емоқ-ичмоғига қарайсан”, деб шарт қўйишган эди. Ранги кўмирдан ҳам қорароқ, гавдаси айиқни ҳам ҳуркитадиган, дўрдоқ лаблари ғоят катта оғизни беркитишга ожизлик қилиб турган, ликопчадек бўлмаса-да, пиёладан берироқ

чақчайган кўзлари ёниб турувчи бу хотиннинг кампир ёшида эмаслигини у кейинроқ билди. Қўл-оёғи соппа-соғ бу хотин семизлиги туфайли юришга эринармиди, ҳар ҳолда ўрнидан туришга ҳаракат қилмасди.

Ўзини “Жек” деб таништирган ўғил гапни калта қилди:

“Онамнинг барча хоҳишини сўзсиз бажарасан. Онамдан шикоят эшитган куним думингни тугиб юбораман. Мендан бир сент ҳам ололмайсан. Орқангга бир тепаману чиқиб келган жойингга кириб кетасан!”

Зарина мусофирлик балосига мубтало бўлмай туриб, буларнинг киноларида шунга ўхшаш сўкишларни эшитганда “наҳотки кинода ҳам сўкишса?” деб ажабланган эди. Тил ўрганишни бошлаганида муаллимасидан “ростдан сўкишадими ё таржима нотўғри бўлганми?” деб сўраганида “таржимадаги ифода анчагина юмшоқ, аслини эшитганингизда тепа сочингиз тикка бўлиб кетади”, деган эди. Тилни ўргангач, кўрган кинолари муаллиманинг гапини исбот этди. Бу мамлакатга келгач эса бу ҳақиқат ўз исботини тўлалигича топди. Дунёга ҳукмронликни даъво этувчи мамлакат аҳлининг бу қадар ахлоқсизлигини сира кутмаган Зарина ҳам, Жўра ҳам “Худо буларга бойликни бериб, одамга хос фаросатдан қисган экан”, деган хулосага келган эдилар. Шу боис Жекнинг қўполлиги кўнглини оғритган бўлса-да, чидашга мажбур бўлди.

Кампир ўзини “мисс Ҳамелтон”, деб таништиргач, “сен “лэди” деявер, рухсат бераман”, деб лутф қилди.

Зарина унинг гапини эшитиб гангиб қолди. Аввалига “хато эшитдимми ё кампир янглиш айтиб юбордимми?” деган хаёлга борди. “Мисс”ни хато эшитган бўлиши эҳтимол, чунки “мисис” деган сифатнинг айтилиши ва эшитилишида яқинлик мавжуд. Турмуш қурмаган қизларгагина нисбатан қўлланувчи “мисс” сифатининг қора гумбаздек ўтирган хотинга нисбатан айтилиши ақлсизлик намунаси экани ойдек равшан эди. Бироқ, инглизларда юқори табақа саналувчи лордларнинг хотинига нисбатангина қўлланилувчи

“леди” сифатини янглиш эшитиши мумкин эмасди. Бу хотиннинг йилларча аввал, ёшлигида биронта лордга хотин бўлганини ҳатто тасаввур этиш мушкул эди. Аслида бу хотинни “леди”гина эмас, “қиролича хоним” деб аташи ҳам Зарина учун фарқсиз бўлгани сабабли айти чокда бундай деб улуғланиши песга ўсма қўйгандек ўринсиз туюлиб, гаши келса-да, итоат билан:

– Хўп бўлади, мисис, – деди.

Унинг мутелик оҳангидаги бу жавобини эшитган хотиннинг жаҳли чиқди. Ола-кула бўлган кўзларини Заринага қараб:

– Мисис эмас, мисс Ҳамелтон! Қулоғинг карми? – деб бақирди.

– Хато эшитибман, узр, леди! – деди Зарина довдираб.

Айбини эътироф этиши хотинга хуш ёқиб, жилмайди-да, “отинг нима?” деб сўради. Зарина айтгач, унинг тили келишмадими, ҳар нечук хизматкорига янги исм қўя қолди:

– Бугундан бошлаб исминг “За” бўлади. Ўзинг кимсан, ҳиндуларданмисан?

Ранги қорамағизга нисбатан оқ сариққа мойил Зарина сочини шу рангга мос равишда бўяб олган бўлса-да, хотиннинг ҳиндуларга ўхшатишидан гаши келди.

– Йўқ, – деди бир оз зардали оҳангда.

– Қаердан келдинг?

– Тошкентдан.

– Тошкент? – қора хотин нимадир эсламоқчи бўлгандай ўйланди-да, яна сўради: – Қаерда у Тошкент?

– Ўзбекистонда.

– Ўзбекистонинг қаерда?

– Осиёда?

– Осиё дейсанми? Ҳа-а... – хотин муҳим нарсани кашф қилгандай мамнун жилмайди. – Африкадами, Танзаниянинг пастидами?

– Йўқ...

– Африкада эмасми?

Зарина унинг таажжуб билан берган саволига нима деб жавоб қайтаришни билмай каловланди. Кейин худди Осиёнинг Африкада эмаслигига ўзи айбдордай паст овозда:

– Африкада эмас... – деди.

Буни эшитган хотин сапчиб тушай деди. Жонҳолатда “Жек!” деб бақирди. Унинг қичқириғидан Зарина чўчиб, орқасига тисарилди. Онасининг бундай қичқириқларига кўникиб қолган ўғил эса ўзининг хонасида ўтирган жойидан жилмай, бепарвогина овоз берди:

– Нима дейсан?

– Мен сенга хизматкор албатта африкалик бўлсин, демаганмидим?

– Бу қаерлик экан? – деди Жек пинагини бузмай.

– Осиёликман, деяпти-ку?


– Осиё қаерда экан, Африканинг қоқ киндигида-ку?

– Отанг ҳам ёлғончи эди, сен ҳам каззобнинг ўзисан!

Мени Осиё Канаданинг шимолида жойлашганини билмайдиган аҳмоқ деб ўйлаяпсанми?

– Мисс Ҳамелтон, сен аҳмоқ эмассан, лекин географияни яхши билмайсан. Африканинг марказидан Канада деган дарё оқиб ўтади. Осиё шунинг бўйида. Ишонмасанг, хизматкорингдан сўра.

Қора хотин “шунақами?” деган маънода боққан эди, ишдан ажралиб қолиш хатаридида турган Зарина Осиёни Африка қитъасига кўчиришга рози бўлди. Агар она-боланинг бу мулоқотини бировдан эшитса “лоф қиляпсиз!” деб инонмасди. Ҳозир қулоқларига ҳам ишонгиси келмади. Аммо на чора, ҳақиқат баъзан шунақа аёвсиз бўлади. Зарина мактабда ўқиётган дамларда Америка тўхтовсиз равишда ёмонланса-да, унинг тарихи-ю жуғрофий ўрни ҳақида тўлиқ маълумот бериларди. Ҳатто энг ёмон ўқийдиган боладан сўралса, Миссисипи дарёсининг Америкада эканини айта оларди. Ўртача ўқийдиган бола эса бунга қўшиб Ниагара шоввасини ҳам гапириб бериши мумкин эди. Заринанинг шундай хонадонга хизматкор бўлиб елганини мум-



кинлигини даъватчи иблис ҳисобга олганмиди ё йўқми, ҳар ҳолда Аллоҳнинг ҳузуринда олим ҳисобланган бу иблис ҳам қора хотиннинг билимидан алҳол хайратда қолган бўлиши ҳақиқатга яқин эди.

Зарина эшитганларини ҳазм қила олмай турганида қора хотин унга қараб яна гапира бошлади:

– Бу аблаҳнинг отаси ёлғончи бўлгани билан ҳақиқий эркак эди. Мен нечта эр билан ётганимнинг ҳисобини билмайман. Аммо буларнинг орасида энг зўри ўша эди.

Зарина ёшлигида онаси билан бозорга чиққан пайтларида оғзи бепарда бозорчи хотинлардан айрим ножоиз сўзларни эшитиб, уятдан юзлари ёниб кетай дерди. У хотинларнинг уятли гаплари асосан ҳазил тариқасида бўлиб, гапларини айтиб олишганидан сўнг қаҳқаҳа отиб кулишарди. Бу қора хотин эса... Зарина дунёдаги энг аҳмоқ хотиндан ҳам бу даражадаги аҳмоқона гапни кутмаган эди. Қора хотин ўзининг ширин хотираларига банди бўлиб гапини давом эттирди:

Агар қочиб кетмаганида унга яна камида ўн бешта ўғил туғиб берардим. Битта аҳмоқнинг боқишига зор бўлиб ётмасдим¹.

Америкада “битта ота ўнта ўғилни боқади, аммо ўнта ўғил битта отани боқа олмайди” деган ҳикмат йўқлиги учун бу қора хотин ўн бешта ўғилни орзу қилиб қолган эди.

– Сен икки кулоғинг билан эшитиб ол: Жек билан искашиб қолганингни сезсам, оёғингдан остираман.

Бу огоҳлантириш Зарина учун тухмат бўлиб туюлиб, эътироз билдиришга журъат этди:

– Нима деяпсиз, леди! Мен бу шаҳарда эрим билан биргаман. Жек эса... ўғлим тенги бўлса керак.

– Ўғлинг тенгими ё баломи, фарқи йўқ. Кўзига қон тўлса, менга ҳам ташланадиган одати бор. Менинг ёшим нечада биласанми?

¹ Леди Хамелтоннинг оғзидан чиққан гапларни имкон борича пардали тарзда баён этишга уринсак-да, беҳаёлик захрини баргараф этишга қаламимиз ожизлик қилди. Бу учун мухтарам ўқувчидан узр сўраймиз (Муаллиф).

– Билмадим, леди, балки олтмишдадир?

– Кўзинг кўрми, яхшироқ қара. Эллик иккидаман.

Шунчалик қари кўринаманми?

– Йўқ, леди, менинг онам етмиш учга кирганлар, у кишини ҳам қари демаймиз.

– Етмиш учда? Хизматкорга ташлаб келдингми?

– Хизматкоримиз йўқ. Ҳовлидаги ҳамма ишларни ўзлари қиладилар.

Қора хотин “ҳовлидаги ҳамма ишларни ўзлари қиладилар” деган гапни англай олмади. Зарина эса тушунтиришга ҳаракат қилмади.

* * *

Жўрага насиб этган хизмат Заринаникига нисбатан тузукроқ эди. Нозикбадан хотинининг гумбаздек келади-ган қора кампир тагига тувак тутишини эшитганда этлари жимирлаб, кўнгли айниб кетди. Ўз гўшасида оппоқ халат кийиб мастона юрадиган, шайтон марҳамати билан кибр курсисида ўтирганича истаса саломга алик олиб, истама-са кеккайиб ўтиб кетишга одатланган хотин учун бундан ўзгача “мукофот” бўлмаслигини у идрок қила олмади. Хотинининг хорланганидан афсуслар чекди-ю ўзининг қисматидан рози бўлди.

Шаҳар марказига яқин жойдаги беш қаватли, уч йўлакли уйнинг зиналарини эртаю кеч ёғ тушса ялагудек тозалаб туриш, ҳовлини супуриб, майсаларни парвариш қилиш, оқшом чоғлари итлар сайридан кейин қоладиган қумалоқларни биттадан териб олиш кашфиёт умидидаги физик олим учун тубанлик эканлигини тан олгиси келмасди.

Зиналарни ҳўл латта билан артаётганда бели зирқираб қолса аламдан йиғлаб юбормаса-да, юрагида сим-сим оғриқ бошланарди. Бу томонларга отланган кезлари синфдош дўсти уни янглиш йўлдан қайтариш учун кўп насиҳатлар қилган эди. Банданинг кўз олдига иблис парда тортиб, қалбига эгалик қилиб олган дамларда дўстнинг

насиҳатлари кор қилар эканми? Аслида Жўра Америкага ҳавас қиладиганлар тоифасидан эмасди. Ишидан нолийдиган ери ҳам йўқ эди. Агар жиянининг захархандалик билан айтган ўша гапи бўлмаганда балки юрагини иблисга осонгина бўшатиб бермасмиди...

Одамзот ҳам қизиқ. Биров “кўзингни сот”, деса ёки қулоғига харидор бўлса ғазабланади. Харидорни дўппослаб қолишдан ёки сўкишдан ҳам қайтмайди. Ҳолбуки, қулоғини кесиб сотса кўп нарса йўқотмайди. Агар харидор унинг буйрагини сўраса, ғазабини ичига ютар-у лекин юрагини талаб қилса – томошани кўраверасиз. Миллион-миллиард долларга ҳам сотмайди. Шундайликка шундайку-я, бироқ, қалбига шайтон харидор бўлса кўпам савдолашмайди, кимдандир эшитган бир-икки аччиқ гапдан аразлайди-ю арзонгинага, ҳатто текинга бериб юбора қолади.

Эрининг костюми эскира бошлаганидан ор қилган Зарина янги кийим-бош ғалвасини бошлади. Устидаги кийимнинг қандай бўлишига мутлақо аҳамият бермайдиган Жўра бир-икки гап билан дўконга бора қоладиган бўшанг эрлардан эмасди. “Жиянингиз костюмни арзонроқ қилиб беради”, деб аврайвергач, боришга мажбур бўлди. Жўранинг илм йўлида омади келишмаган жияни ўзини тижоратга ургач, чўнтагига пул тушиб, босар-тусарини билмай қолган, ўзи ерда бўлса-да, димоғи нақ етттинчи осмонга чиқай деб қолганди.

Эр-хотин ичкари киришганда харидор йўқ эди. Дўконнинг ён хонасида ошналари билан пивоҳўрлик қилиб, бу йил ҳажга бориш маслаҳатини пишириб ўтирган жияни уни сал оғриниб қарши олди. Унинг энсаси қотганини сезган Жўра орқасига қайтмоқчи бўлганда Зарина енгидан ушлаб тўхтатди. Жияни уни ўртоқларига таништириб ўтирмади. Тоғаси энг камида туман ҳокими ё ўринбосари, ҳатто оддий солиқ нозири бўлганида ҳам бошқача кутиб, ўзгача фахр билан таништирарди. Лекин унниққан костюм кийиб, йигирма йил муқаддам расм бўлган галстукни бўйнига

боғлаб олган кишининг физик олим эканини қандай фахр билан айтсин? Бири Дубай, бири Италия яна бири Хитой сафарларидан бўшамайдиган, Парижнинг ресторанида киборларча маишат қилган, энди эса ҳожилик мартабасига эришиш ниятидаги тужжорларнинг физик олим билан нима ишлари бор экан? Келса келибди, костюм керак бўлса, ана, чўнтаги кўтарса хоҳлаганини олсину кетаверсин.

Тоғасининг ниятини эшитган жиян унга ажабланиб қаради. Инсоф қилдими, ҳар ҳолда гапини очик айта олмай “майли, кўринг, танланг”, деди. Жўра эмас, Зарина танлади. Жиян уларнинг қўлидаги костюмга қараб туриб заҳарханда қилди:

– Кеннайи, бу кастўм тоғамга бўмайди, – деди мавҳум оҳангда.

– Нега бўлмайди? Лойиқ келди-ку? Жудаям ярашди... – деди Зарина.

– Ярашишга ярашди-ю, лекин... тоғамга бўмайди, бу... жуда қиммат кастўм. Бойваччалар киядиган кастўм.

Шу гапи билан бойвачча жиян тоғасининг устидан бир челак муздек сув қуйиб юборгандай бўлди. Бегона сотувчи шундай деса унга бунчалик таъсир қилмасди. Гўдаклигида эркалаб, опичиб юргани, ўқиб одам бўлсин деб елиб-югургани – шу жиянидан бундай гапни эшитгач, кўз олди қоронғулашиб кетди. “Шу даражада фақирманми? Шу даражада ҳақирманми? Шу даражада ночорманми, ношудманми?” деган аламли ўй вужудини қақшатиб юборди-ю хотини билан қайнонасининг Америкага бориб, бойиб қайтиш ҳақидаги таклифларини рад этмай қўйди. “Эътибор – пул, шуҳрат – пул, одамгарчилик – пул, ҳатто илм ҳам пул” деган адаш фикрнинг қулига айлана бошлади. Охир-оқибат “бизнинг бахтимиз билан ризқимизни Худо уммон ортидаги ерларга тўккан экан, бориб, йиғиб-териб олайлик” деган тўхтама келди. Дўсти Нуриддин донолар ҳикматидан мисол келтириб “Ризқ топмоқда чумолидек кучингга йиғлагил, пашшадек хониш қилиб, ҳар суфрадан

қувланмагил”, деганида истехзо билан кулиб қўя қолди. Нуриддин “фоний дунёдаги умринг бир кунчалик ҳам эмас, шундай экан, ўн йиллик ризқни тўплашга уриниб нима қиласан? Сенга тегишли ризқ Аллоҳ томонидан юборилади. Ўзингга ажратилган ризқни ёлғиз ўзинггина оласан. Бошқа биров илиб кетмайди. Сенга ўша бошқа биров ризқингни илиб кетгандай туюлиб, афсусланасан. Сира афсусланма, дўстим, аслида ўша илиб кетилган нарса сеники эмас, бировники эди”, деганича қолаверди.

Қайнонасининг фатвосига кўра “ризқ ови”га ўғилларини ҳам олиб кетишлари шарт эди. Элчихонадагилар бемехрроқ эканларми, ҳар ҳолда Сухроб бувисининг эркатоёи эканини инобатга олишмади. Ҳарчанд уринилмасин, қанча чиқим қилинмасин, ёши йигирма бешга бо-раётган, аммо ҳалигача йигирма беш танга топишга уқуви етмаётган арзандага рухсатнома берилмади. Сухробнинг ўн олти ёшида ўғриларга қўшилиб, милиция рўйхатига тушиб қолгани панд берди. Ўшанда озгина сарф-харажат билан иш босди-босди қилинган, орадан йиллар ўтиб кетганига қарамай бу тарих унутилмаган экан. Сухробни ўн тўққиз ёшида уйлантиришганда унинг “ўз аравасини ўзи тортиб кетишига” ишончлари бор эди. Бироқ, куёв болада “уйландим, оила бошлиғи бўлдим, уйга бир бурда бўлса ҳам нон топиб келишим керак” деган фикр уйғонмади. Жўра одобли, чаққон келинидан рози эди. У ичкуёв сифатида бу оиланинг қуюшқонга сиғмайдиган одатларига кўникиб кетган эди. Аммо келини бу оила талабларига мослаша олмади. Моҳинанинг “текинтомоққа тоқатим йўқ” деган қонуни Сухробга нисбатан қўлланилмагани ҳолда келинга тадбиқ этилиб, бозорга чиқишга даъват этилганда жувон бечора чидолмай кетиб қолди. Сухробни уйлантиришга яна бир-икки уриниш бўлди-ю совчилар қуруқ қайтишаверишди. Америкага бориш нияти уйғонганида Сухробни ўша ерда муқим бўлиб қолган биронта бойроқ ўзбек оиласига ичкуёв қилиш режаси ҳам туғилди. Элчихо-

нанинг рухсатнома беришдаги ўжарлиги бу режани бўғиб ўлдира қолди.

Америкага келиб, пешоналари деворга “тақ” этиб тегиб, кўзлари очилганда Сухробнинг келмаганига шукрлар ҳам қилишди.

Зиналарни артаётган Жўранинг бели зирқираб, қаддини кўтармоқчи бўлганида юраги ярадор қуш каби потирлаб, ҳолсизланиб қолди. Зинага ўтириб, пешонасини тутқичга тиради. Баданидан муздек тер чиқди. Шунда қулоғига кимдир пичирлади:

“Эй Одам фарзанди! Албатта, ризқ ҳаммаси тақсимланган ва ажал ўлчаб қўйилгандир. Касал бўлган одам дунё лаззати ва неъматларидан маҳрумдир. Бахиллик ҳамма жойда ёмонлангандир ва дунё неъматлари чексиз эмасдир. Ризқ излаб узоқ кетмоқ заҳарлидир ва ризқ бергувчи доим тирик ва қоимдир... Эй Одам фарзанди! Келиб турган ризқингга қаноат қилмасанг, дилингга орзу-ҳавасларни солиб қўяман. Улар ҳеч тугамайди ва сен улардан абадий қутула олмай қоласан...”

Бу овоздан сесканиб, атрофга аланглади – ҳеч ким йўқ. “Алахсираяпманми?” – деб ўйлаб худди иситмаси бор-йўқлигини билмоқчи бўлгандай пешонасига кафтини қўйди. Пешонасини муздек тербосган – иситмаси йўқ. Фақат юраги беҳол тепади. Нафаси сиқилади. Ташқарига чиқиш ниятида ўрнидан кўзғолган эди, кўз олди қоронғулашди. Шунда ўша таниш овоз яна пичирлади:

“Эй Одам фарзанди! Албатта, мен сени онанг қорнида куч-қувватсиз ва ҳаракатсиз ётган вақтингда тарбия қилдим ва онанг қорнидан саломат чиқардим. Токи сен оёққа тургунинггача онангнинг дилини сенга раҳмли ва меҳрибон этиб, сенга мойил қилиб қўйдим. Сен шундай қилиб, катта бўлдинг. Ундан сўнг токи мени ақл билан таниб, қувват билан ибодат қиларсан, деган умидда сенга куч-қувват бердим. Аммо сен катта бўлганингдан сўнг менинг ибодатларимдан юз ўгириб, мен тақсимлаб қўйган

ризқнинг талаби билан машғул бўлдинг. Бас, Ўзимнинг азиз ва улуғ деган сифатларимга қасамёд қиламанки, агар дунё қидириб етти қат ернинг қаърига кирсанг ҳам, Ўзим тақсим қилиб қўйган ўшал ризқдан заррача ҳам миқдорда зиёда қилмасман...”

Эслади...

Бу гапларни дўсти Нуриддин айтган эди. Америкага отланганини билдирганида Нуриддин аввал ўйланиб, кейин бош чайқаганди. Бу фикрдан қайтаришга даъват қилганди. Жўра ўжарлик билан аҳдида қатъий туравергач, мисол тариқасида айтганди бу гапларни. Ҳа, “Бу Аллоҳнинг гаплари!” деб таъкидлаб, баланд овозда айтиб эди. Бу онда нечун шивирляпти? Юртда норози ҳолатда қолган дўстининг овози уммон оша келгунча кучини йўқотиб, ожизланиб қолдими? Овоз-ку, кучини йўқотар. Аммо Аллоҳнинг сўзлари ҳеч қачон ўз қудратини йўқотмайди-ку? Воқеан шундай. Бироқ, қалбини шайтон ихтиёрига берган банда бу қудратни ҳис қила олмайди. Юракнинг беҳаловатлиги ҳам шундан.

Нуриддин билан баҳслаша туриб кетишининг сабабини илмга боғлаган эди. Битта костюмга арзитмаган жиянидан аразлаганини, ўғлига бой келин ахтариш нияти борлигини эса яширганди. Нуриддин буни билганида нима дерди? Хайрлашар пайтларида Жўра “Сен ҳадеб мени айблайверма, Худо кўнглимга шуни солса нима қилай?” деганида Нуриддин “Бекор айтибсан, Худо бунақа бемаъни, аҳмақона ниятни дилга солмайди. Бунақа ният Раҳмоний эмас, шайтоний”, деган эди. Ўшанда Жўра бу ҳикматга аҳамият бермаганди. Умид шамлари бир-бир ўча бошлаганда дўстини эслади-ю, бироқ, у айтган гапларнинг маъзини чақишга уринмади.

Ҳозир юрак ўйноғида ўтирганида ҳам ёдга олди. Дўстининг насиҳатларини қулоққа олмаганига афсусланди. Ғам ботқоғидан қутулиш учун афсусланишнинг ўзи кифоя қилмаслигини эса ўйлаб кўрмади.

Қарз

Моҳина кампир икки қават сочиққа ўралган манти билан сомсани “кечаси келганда еб олар”, деб набирасига илиниб, келинга атаб солинган уй айвонига олиб бориб қўйган дамда Сухроб дискотеканинг рўпарасидаги ошхонада пиво ичиб ўтирган эди. У милицияни кузатиб қўйиш баҳонасида кўчага чиққанича изига қайтмади. Ражабни олиб кетишганини кўрганда ҳам унга яқинлашмади. Аксинча, бу кўчадан тезроқ узоқлашишга ҳаракат қилди. Милициядан қўрққани учун эмас, балки ҳордиқ чиқариш учун шошилди. Кичкина бола уйда бирон айб иш қилиб қўйса, оқибатда жазо олишини билиб, қўрқа бошлайди, ўзини оқлаш учун баҳоналар излайди. Айниқса, онаси “ҳали даданг ишдан келсинлар, айтиб бераман, ўласан!” деб пўписа қилгач, кеч киришини хавотир билан кутади. Ҳатто адасининг келмай қолишини жон-жони билан истайди. Сухробга бундай қўрқувлар ёт, онаси уришиб берган тақдирда ҳам бувиси томонидан ҳимояга олинишини яхши билар эди. Моҳина кампирнинг “Менинг ёлғизим ҳар нарса қилса ҳам ҳақли!” – деган қондаси Сухробнинг онгига “Мен ҳар нарса қилсам ҳам ҳақлиман!” – деган тарзда муҳрланиб қолган эди. Бир оила ҳудудидагина ҳукм суриши мумкин бўлган бу қоида оила чегарасидан чиққанида эса жамият у билан муроса қила олмайди. “Ҳар нарса қилишга ҳақли” одам эртами кечми жиноятга қўл уриши аниқ. Оилада қарор топган бу қоида Сухробни ўсмирлик чоғида қамоққа тикай дегандан кейин ҳам ўзгартирилмади.

Милиционер бошлаб келган ит атрофни искаб-искаб ўзига қараб вовулаганида Сухроб сал чўчиди. Бувисининг итдан қаттиқроқ овозда бақириб бериши эса уни хавотир ботқоғига қулашдан асраб қолди. Ҳозир пиво симириб ўтириб, ночор қолган милиция ходимларидан кулди.

Иккинчи шишани яримлатаётганида рўпарасидаги бўш стулга бир йигит келиб ўтирди. Енгсиз қора кўйлак кийиб, бўйнига ва билагига тилла занжир осган, жигаррангсоч бу йигитнинг кутилмаган ташрифи Сухробга ёқмаса-да, ўрнидан туриб лутф этишга мажбур бўлди. Бу йигит афроилнинг жияни эмас, бор-йўғи қорадори сотишни касб қилган кичик бир тўда бошлиғининг дастёри бўлишига қарамасдан Сухробнинг тинчини буза олишга қодир эди. Болалигида ширзада хасталигига учраганича тузалмай, шу ёшга етиб келган, катта бош билан қоринни аранг кўтариб турувчи қилтириқ суяклардан иборат бу йигитдан бақувват одамнинг чўчиб туриши кулгили ҳол эди. Сухроб унинг асл исмини билмайди, Ражаб “Макс” деб таништирганида “нима учун Макс?” деб ўйлаб ҳар кўрмаган. Бу лақабнинг ўғрилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи фильм қаҳрамонига тақлидан қўйилгани эса уни мутлақо қизиқтирмаганди. Унинг учун энг муҳими – ҳумор жазавасига бу йигит даво топиб бера олади. Ражабнинг гапига кўра “энг арзон “дори”ни фақат Максдан олиш мумкин”.

– Кайф қиляпсизми, акам? – Макс пичинг оҳангида шундай деб ишшайиб Сухробга беписандлик билан тикилди. Ташқаридан қараган киши бу тикилишдан “асли сенам одаммисан, одамга ўхшаб кайф қилишга арзийсанми?” деган маънони уқиши мумкин эди. Бозорда ҳам, маҳаллада ҳам бировга гап бермайдиган кампирга “набиранг тилла занжирли ширзада қаршисида иштонини ҳўл қилиб қўйган боладай ночор ўтирибди”, дейилса ишонмаслиги аниқ эди. Агар тили қисиклик жойи бўлмаганда Сухробнинг ўзи ҳам бу қилтириқсуякни сариқ чақага олмаган бўларди. Ҳозиргидай келиб ўтирса “қоч, бола, беҳос аксириб учуриб юбормай, яна онангникига кириб кетмагин!” деб масхаралиши тайин эди. Ўзидан пастроқ мартабадаги одамга бундай гапларни дадил айта олувчи Сухроб бу он Макс рўпарасида думини қисган ит каби турарди.

Сухроб жавоб бериш ўрнига буфетдан бир шиша пиво олиб келиб, унга узатди.

– Менинг пиво ичганимни кўрганмисан? – деди Макс унинг бу эҳтиромидан ғаши келиб. – Пивоҳўрлик қилгунча қарзингин тўлаб қўйсанг бўларди.

– Ражабга бердим-ку, айтмадимми? – деди Сухроб хавотир билан.

– Ҳаммасини бермабсан-ку?

– Қолганини эрта-индин бераман. Шу пайтгача қарзимни тўлолмай қочиб юрганмидим?

– Қочмагансан... қочиб қаёққа ҳам борардинг, онанг Америкада бўлса, бувингнинг этагига кириб кетасанми? Кеча пул деса ўпкангни кўрсатаётгандинг-ку, бир кунда шунча пулни қаёқдан топдинг?

– Америкадан келди, – Сухроб тўғри гапираётганини исбот қилиш ниятида Максга киприк қоқмай тикилди. Сўнг пивонинг кучи далда бериб овозини кўтарди: – Мен қарзимни тўладим ҳисоб. Пулни қаёқдан олганим билан сенинг ишинг бўлмасин. Мен сендан “дорини қаёқдан оляпсан?” деб сўраётганим йўқ-ку?

– Нега сўрамайсан, сўра, – деди Макс кўзларидан ғазаб ўтларини сочиб. – Қизиққанларнинг анча-мунчаси ётишибди ернинг тагида ачомлаши-иб... Сенам бора қол ўша ёққа.

– Гап келиб қолгани учун айтдим. Менинг нима ишим бор? Агар сен мард бўлсанг, ваъдангни бажар. Иккита болани ўргатиб, сенга рўпара қилдимми? Текинга берадиганингни нега бермаяпсан?

– Текиними? Текини тушингга ҳам кирмасин.

– Ие, ваъдани бузаяпсанми? Ўғил боланинг иши бунақа бўлмайди.

– Менга сен даъво қиляпсанми? Сен ўғил боласан-у мен ҳажикизманми? Балки Босс ҳам ҳажикиздир? Боссга айтиб қўйишим керак, у бечора ҳажикизлигини билмай юргандир ҳали?

– Мен унақа деганим йўқ...

Суҳробнинг попуги пасайиши Макснинг авж пардасига кўтарилишига сабаб бўлди.

– Ҳали чотингдаги безни юлиб олишсин, сен билан ана ўшандан кейин гаплашаман.

Бу ҳукм ҳозирнинг ўзида амалга ошириладигандай Суҳробнинг вужуди жимирлаб кетди. Макснинг қўлларини ушлаб, қаршисида тиз чўкишга тайёр бўлиб қолди.

– Мен унақа деганим йўқ!

Бу сўзларнинг титроқ лаблардан учгани Максга хуш ёқиб, тиржайди.

– Айтдинг, – деди ўжарлик билан, – ўғил бола айтган гапи учун жавоб бериши керак. Ёки... ҳақини тўлаб қўйиши шарт.

Ҳукмнинг юмшатилиши Суҳробни қониқтирди. Бир ютиниб олди-да:

– Қанча? – деб сўради.

Макс унга тикилганича нархни чамалагандай ўйланди. Кейин:

– Эллик... кўкидан, – деди хотиржам оҳангда.

Суҳроб савдолашмади:

– Хўп, қарзга қўшиб қўй.

– Бу ишни қарзга аралаштирма. Ҳозир нақд берасан.

Суҳроб икки кун муҳлат сўради. Макс уч соатдан кейин хўжайини билан учрашиши лозимлигини эслатгач, чўнтагини кавлашга мажбур бўлди. Столнинг панасида пул санаётганида Макс “кучайибсан-ку?” деб қўйди. Маишат учун олиб қолган пулнинг бир қисмидан ажраётган Суҳроб бу онда, гўё юрак томирлари бир-бир юлиб олинаётгандай эзиларди.

Макс пулни олиб, чўнтагига солгач ўрнидан турди. Бир қадам юргач, муҳим нарса эсига тушиб қолгандай жойига қайтди. Қўл узатиб Суҳробнинг ёқасидан ушлади-да, ўзи томон тортиб паст овозда деди:

– Менга рўпара қилган болларингни пишириб е! Сен менга бойларнинг болларини топишинг керак эди. Буларингнинг нимасини оламан? Биттасининг отаси дурадгорми? Кунига бир қопдан пайраха бериб туради-ми? Сен менга ўзингга ўхшаган гадоваччаларни рўпара қилаверма. Тушундингми? Бойнинг арзандасини игнага ўргатиб бергин, ана ундан кейин мен сени бир ҳафта текинга боқаман.

Макс унинг ёқасини қўйиб юбориб, башарасига тупуришга чоғланди-ю бу иш кейинроқ асқотар, деган тўхтама келиб, аҳдидан қайтди.

Суҳроб ёлғиз қолгач, ширзаданинг етти пуштини ҳақорат ботқоғига ботириб хумордан чиққандай бўлди. Шом қоронғуси тушгунича пивоҳўрлик қилиб ўтирди. Дискотека чироқлари ёниб, қорин ва думба рақслари бошланганини англатувчи оҳанглар янграй бошлагач, ўша томон юрди. Икки кун аввал кўз остига олиб қўйган қизга қармоқ ташлаган эди, ови осонгина бароридан келиб қолди.

Кундузги ғам-алам тошларида эзилган Моҳина кампир алақ-чалақ тушлар кўриб ётганда Суҳроб бу қиз билан уйида, ота-онасининг ётоқхонасида, янада аниқроқ айтилса, ота-онасининг тўшагида “ширин суҳбат қуради”. Қоронғу тун бағрида ҳаром билан ҳалолнинг фарқи бормай диган ширакайф йигит билан қизга иблис ҳамхона бўлган онда бу “суҳбат”нинг қандай бўлганини тасвирлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Моҳина кампир одатига кўра барвақт турди. Кечқурун айвонга қўйган таомнинг ейилганини билиб, кўнгли хотиржам тортди. Набирасининг ўрнидан турмаслигини билса ҳам “Суҳроб, мен бозорга кетяпман, хушёрроқ бўл”, деб чиқиб кетди.

Хушёрроқ ётишга буюрилган Суҳроб пешинда уйғонди. Кечаси ёнида ётган қизнинг ғойиб бўлганидан унча ажабланмади. Шимини кийгач, чўнтаги бўшаб қолганини билди-ю аламдан сўкина кетди.

Дастлабки тергов

Бир бозорчи кампирга тегишли сандиқдаги пулнинг ўғирланиши туман милиция бўлими учун фавқулодда ҳодиса эмас. Юқоридан кетма-кет қўнғироқлар бўлмайди, катта-ю кичик ташвишга тушиб югуриб қолмайди. Бироқ, қонунга кўра, эътиборсиз қарашга ҳам ҳақлари йўқ. Шу боис ҳам бугун тергов бўлимининг иш фаолияти Моҳина кампирнинг уйидаги ўғирликка доир ҳаракат билан бошланди. Кеча шу бўлимда иш бошлаган Шухрат кичкина жиноятга тегишли терговни менсимай, сўроқ жараёнини эътиборсиз ҳолда кузатмоқчи эди. Ярим йил аввал амалиётга келганида тергов бўлими бошлиғи капитан Менглиевга маъқул келиб қолгани учун “бу бола бугун иш бошляпти”, деб аяб ўтирмай, худди кўпдан бери хизмат қилаётган ходимларга ишонганлари каби сўроқни унинг зиммасига юклашди.

– Ўзимизга келганинг яхши бўлибди. Ҳар ҳолда синашта бўлиб қолгансан. Унча-бунча ишни ўзимиздан ўргангансан. Сенга ҳар қанақа ишни ишониб топширавериш ҳам мумкин. Биламан, сенга ўхшаган тирранчалар, – Менглиев шундай деб кулимсираб қўйди, “тирранчалар” деган сўзни ҳақорат ёки дашном эмас, эркалаш оҳангида айтгани учун Шухрат ҳам кулимсиради, – катта бир босқинчиликми ё қотилликними очиб дабдаба қилишга шошилишади. Ўзим ҳам шунақа эдим. Лекин сенинг пешонангга мана бу кичкинагина жиноятни очиш ёзилган бўлса, мен айбдор эмасман. Мен сени биринчи кўрганимдаёқ “бу бола илм одами, Академиясида қолса керак”, деб ўйловдим.

– Тўғри ўйлабсиз, шунақа ниятим ҳам бор. Илмга ўтишдан олдин озгина тажриба тўплашим керакка ўхшаб қолди, – деди Шухрат.

– Ҳаракат қилсанг, сендан зўр терговчи чиқади. Лекин олим бўлганинг яхшироқ. Энди бизнинг ишимизни эскичасига юритиб бўлмайди. Академияни бекорга очишмади.

Сенга ўхшаганларга жойимизни секин-секин бўшатиб бераверамиз.

Бу гапдан Шухрат ўнғайсизланди. Капитан ҳозирнинг ўзидаёқ жойини бўшатиб бераётгандек, унга эътироз билдиришга шошилди:

– Унақа деманг, тажрибангизнинг ўзи ўнта академияга асқотади.

– Тажриба-ку бор, лекин у ҳам эскиради, – деди Менглиев бош чайқаб. – Кеча орттирилган тажриба билан бугунги жиноятни очиб бўлмайди. Атрофингга қарагин: олдинлари биз томонларга келадиган жиноятчи Москванинг Қозон вокзалидан ёки Домодедово аэропортидан йўлга чиқса, энди дунёнинг нечта нуқтасидан келиши мумкин? Эллик ё олтмиш йил муқаддам ўғрини бармоқ изларига қараб тутишган. Энди бармоқ изларини қолдирадиган аҳмоқ йўқ. Содир этилган жиноятни кўриб туриб, “ҳеч нарсани кўрмадим”, дейдиганлар эса сон мингта! Эндиги ишимиз денгиз тубидан игна қидириш билан баравар. Манави “Иш” билан таниш. Аслида танишишга ҳам арзитайди, – капитан шундай деб Шухратга синовчан қаради, – арзимаган пул ўғирланибди. Лекин “арзимаган” пулни ўғирлаган ўша “арзимаган” ўғрини топишга мажбурмиз.

Шухрат устозининг “арзимас” сўзига қайта-қайта урғу бериб, пичинг қилаётганини фаҳмлаб, бир неча саҳифадан иборат “Иш”ни олиб варақлади. Менглиев ёш ҳамкасбига чиндан ҳам арзимас вазифа топширгандай, ўз иши билан машғул бўлди. Унга қарамасликка уриниб, столи устидаги қоғозларга тикилди. Шухрат эса дастлабки сатрларни ўқиши биланоқ унга савол назари билан қараб олди. “Иш” билан танишиб бўлгунича бошлиғига бир неча бор таажжуб билан қараб-қараб қўйди. Аммо ажабланганини сездирмаслик учунми, фикрини дарров баён қилмади. Бирон нима сўрашга ҳам журъат қилмади. Менглиев унинг ҳолатини сезиб, қоғоздан бош кўтарди-да:

– Ўтбосаровни биласан-а? – деб сўради.

– Тошматми? Бултур битирган болани айтяписизми?

– Ҳа. Ўзи яхши бола-ю сал шошқалоқроқ. У бошлаган “Иш” менга ўтса бошимни қотириб юборади. Бир болани гумон билан қамаб, “Иш”ни чала-чулпалигича бизга ўтқизди. Болани сўроққа чақирганман. Ҳозир олиб келишади. Ўзинг сўроқ қиласан.

Менглиев гапини тугатмай, эшик аста тақиллади. Шухрат эшикни очиш мақсадида турмоқчи эди, капитан “ўтиравер” деган маънода ишора қилди-да, баланд овозда “кираверинг!” деб қўйди. Тақиллатган киши ҳаялламай эшикни очиб, тезгина ичкари кирди. Шошилиб келганини англатиш учун пешонасидаги терни кафти билан артган бўлиб:

– Узр, бир оз кечикдим, – деб қўйди.

– Хижолат бўлманг, мен шунча йил ишлаб, адвокат зотининг ваъдалашган вақтида аниқ келганини кўрмаганман, – деди капитан ўрнидан қўзғолмай.

Бу танбеҳ ёқинқирамаган бўлса-да, адвокат латифа эшитгандай кулимсираб қўйиб, кўришмоқ учун қўл узатди.

– Жуда унчалик эмасдир, капитан жаноблари, – деб хона соҳибининг норозилигини енгмоқчи бўлди.

Менглиев бир гапириб, дарров чекинадиган тоифадан эмасди. Адвокат билан кўришиб, ўтиришга таклиф қилгач, танбеҳини давом эттирди:

– Гапим лофга ўхшайдими? Бошқаларни кўяверинг, ўзингиз ҳеч вақтида келганмисиз? Сиз билан бешинчи учрашувимми? Ҳа, қойилман, бешинчи марта узр айтиб киришингиз. Гаров ўйнаймизми, беш юзинчи учрашувимизда ҳам мана шунақа узр айтиб кирасиз. Ўн йилдан кейин ҳам сиз тушган автобус йўлда бузилиб қолган бўлади.

– Мен автобусда юрмайман, – деди адвокат киборлик билан.

Менглиевга бу изоҳ ёқмай, қошларини чимирди. Адвокатнинг билагидаги тилла соатга, бармоғидаги қалин узукка назар ташлаб, пичинг қилди:

– Ҳа-я, автобусда юрадиган адвокатлар отам замонида қолиб кетганини унутибман.

Адвокат пичингга жавоб қайтармоқчи эди, Менглиев гапиртиргани қўймади:

– Гап автобусда ҳам эмас. Сизлар янгича усулга ўтиб олгансизлар. Иккита-учта “Иш”ни олволасизлар-да “айб-сиз қамалган одамни ҳимоя қиляпман”, деб керилиб юра-верасизлар. Сиз ҳимоя қилишингиз керак бўлган бечора эса панжара орқасида кўзларини мўлтилладиб “қачон на-жот келаркин?” деб илҳақ ўтираверади. Панжара орқасида ўтришнинг руҳий азобини биздан кўра сизлар яхшироқ ҳис қилишларингиз керак.

– Бугун чап ёнингиз билан турганмисиз, жаноб капитан? Адвокатларни ерга уриб юборманг. Сиз қамаб қўйган одамларнинг дардини тушунмасак, еган нонимиз ҳаром-ку? Кеча қамалган Ражаб Самиевнинг ҳолатини ҳис қилганим учун ҳам сиздан эҳтиёт чорасини ўзгартиришин-гизни сўрайман. Самиевнинг шаҳардан нарига чиқмаслик ҳақидаги тилхати бор, маҳалла ҳам гаровга оляпти, – адвокат гапидан тўхтамаган ҳолда сумкасидан чиқарган қоғозларни капитанга узатди. – Аслида бу расмиятчилик-сиз ҳам қамоқдан чиқариб юборсангиз бўлаверарди. Ҳар ҳолда Самиевни жиноятда айблаш учун етарли далилингиз йўқ. Қўшни хотин унинг эшикни тақиллатаётганини кўр-ган. Ичкарига кириб чиққанини ҳеч ким кўрмаган.

Қўлидаги “Иш” билан шошқич тарзда танишиб чиққан Шухрат бир адвокатга, бир капитанга қараб, баҳснинг натижасига қизиқиб ўтирди. Менглиев гапни чўзишни ёқтирмасди. Шу боис адвокатнинг талабини шартта рад этиб қўя қолди:

– Келинг, сиз ўз ишингизни қилинг, биз ўзимизникини қилайлик. Сиз ҳозир ҳакамликни бўйнингизга оляпсиз.

– Агар янглишмасам... – Адвокат бу сафар Шухратга ҳам маънодор қараб қўйди: – сиз прокурорнинг ҳуқуқини бўйнингизга оляпсиз. Прокурор болани ҳибсга олишга рух-сат берган, агар жинояти исботланмаса, бермасди.

Адвокат яна эътироз билдирмоқчи бўлганида эшик қия очилиб, сержантнинг юзи кўринди:

– Ўртоқ капитан, Самиев олиб келинди.

Менглиев “Олиб кир!” деб буйруқ бергач, эшик каттароқ очилди-да, кишан урилмаган қўлини орқасига қилиб олган Ражаб кириб, ўтирганларга бир-бир қараб олди.

– Мана буерга ўтир, Самиев, – деди капитан Шухратнинг рўпарасидаги бўш стулни кўрсатиб. – Сен туғилганигда доя киндигингни кесаётиб “бировга салом берма”, деб қулоғингга шивирлаб қўйган-а?

– Саломга яраша иш бўлмади, командир, – деди Ражаб тўнглик билан.

– Шунақами? Буни аниқлашга уришиб кўрамиз. Адвокат талаб қилган эдинг, ана, келдилар. Энди сўроқларга жавоб берарсан-а? Лейтенант, бошланг.

Шухрат “Иш”ни четроққа суриб, тоза қоғозларни ёзишга тайёрлаётганида адвокат “нима учун бу йигит тергов қилади?” деган маънодаги савол назари билан капитанга қаради. Менглиев изоҳ беришни лозим топмай юзини дераза томон бурди. Кейин дераза тоқчасидаги гулларнинг чанқагани беҳос ёдига тушгандай ўрнидан туриб, қўлига сув идишни олди. Шухрат эса биринчи мустақил тергови бошланиши олдидан уйғонган ҳаяжонини босишга уришиб, дастлабки саволни берди:

– Исм-насабингиз? Туғилган йилингиз, турар жойингиз?

– Ражаб Самиев, саксон бешда туғилганман. Сада кўчасидаги етмиш биринчи уйда тураман.

– Аввал нима учун қамалгансиз?

Шухратнинг тўсатдан бу саволга ўтишидан ажабланган капитан ўгирилиб, унга қаради. Ражаб эса пинагини бузмай жавоб қайтарди:

– Тухмат билан қамалганман.

– Сиз менга жиноят кодексининг моддасини айтинг.

– Униси эсимда йўқ, лекин тухмат билан қамашган, – деди Ражаб ўзича аниқлик киритиб.

– Иш ёки ўқиш жойингиз?

– Бекорчиман.

– Нега?

– Қамалиб чиққан одамни ҳеч ким ишга олмас экан.

Сизлар олармидингизлар?

– Бирор ҳунарингиз борми?

Аввал жиддий терговчиларнинг исканжасига тушиб кўрган Ражаб Шухратнинг соддалигидан ғаши келиб, уни калака қилмоқчи бўлди:

– Ҳунарим – бекорчилик, – деб ишшайди.

Шухрат унинг мақсадини англаб, энди қатъийроқ оҳангга ўтди:

– Ўн бешинчида, соат ўн бирдан ўн тўртга қадар қаерда эдингиз?

– Уйда эдим.

– Буни ким тасдиқлаши мумкин?

– Ким бўларди, ойим.

– Яна ким?

– Янами? – Ражаб ишшайиб, адвокатга қараб олди: – яна телевизор.

– Қанақа кўрсатув бўлаётган эди?

– Мен кўрсатув кўрадиган “дух”га ўхшайманми? “Дивиди” кўраётгандим.

– Олтмиш саккизинчи уйга нима учун чиқдингиз?

– Сухробни чақиргани чиқувдим. “Эммануэл”нинг янгисини топсанг, чақир, бирга кўрамиз”, девди.

– Сухробникига тез-тез чиқиб турасизми?

– Жуда тез эмас-ку, лекин янги диск олиб келсам чақираман. Уларнинг видиклари эски, дивиди тушмайди. Командир, – Ражаб шундай деб сўроқ қилаётган Шухратга эмас, Менглиевга қаради, – мен кирмадим ўша уйга. Кирганимда итларинг ис оларди-ку? Яна тухмат билан кетаманми?

Бу саволга жавобан Менглиев “сенинг тақдиринг мени қизиқтирмайди”, дегандай тескари қараб олди. Бу ҳолат Ражабга хавотирли туюлиб, энди Шухратга қаради.

– Сизга ҳеч ким тухмат қилаётгани йўқ, – деди Шухрат, хотиржам равишда. – Сиз ҳозирча жинойтчи эмассиз. Гумондаги шахссиз. Агар сизга қўйилаётган айб қонун белгилаган муддатда исботланмаса, сизни ҳеч ким бу ерда ушлаб тура олмайди.

Шухрат сўроқни давом эттириб, воқеани ойдинлаштиришга ҳаракат қилди. Давлат имтиҳонларига тайёргарлик кўраётганида бундай тергов осон туюлган эди. Академиядаги имтиҳон билан, амалдаги синов орасида катта фарқ борлигини энди тушунди. Ўқиш чоғи дўппи тор келиб қолганда ўқитувчиларининг кўнглини “совға-салом” билан юмшатиши мумкин эди. Бу ерда ундан “совға-салом” тама қилувчи йўқ. Аксинча, унга таклиф қиладилар...

Шухратнинг қийналаётганини сезган адвокат унинг бўшанглигидан фойдаланиб қолмоқчи бўлиб гапга аралашди:

– Биз эҳтиёт чораси ўзгартирилишини талаб қиламиз.

Адвокатнинг дадиллиги капитаннинг ғашини келтириб, жойига қайтиб ўтирди-да:

– Сўроқ жараёнига эътирозингиз йўқми? – деб сўради.

– Йўқ, – деди адвокат.

– Лейтенант сўроқ баённомасига имзо чектиринг, – деди Менглиев совуқроқ оҳангда, сўнг адвокатга қатъий қарорини маълум қилди: – Эҳтиёт чораси масаласида бирор кун сабр қилишингизга тўғри келади. Истасангиз, прокурорга шикоят қилинг, бу ҳуқуқингизга ҳеч ким монелик қилмайди.

Баённомага имзолар чекилгач, Менглиев сержантни чақирди. Ражаб олиб чиқилгач, адвокат ҳам изига қайтди. Хонада ўзлари қолишгандан сўнг Шухрат ўз ишига баҳо берилишини истаб, капитанга қаради. Менглиев дарров гап бошламади. Столи устидаги қоғозларга тикилганича ўйланиб ўтирди. Шухрат бетоқатланиб, жойида қимирлаб олгач, унга қаради:

– Амалиётга келганингда менинг тергов қилганимни кузатган эдинг-а? Диққат қилмаган экансан. Энди камчи-

ликларингни билиб ол: исми-насаби, туғилган йили, турар жойини бирданига эмас, алоҳида-алоҳида сўрашинг керак эди. Сен терговчимисан ё жиноятчимисан? У сурбет сенга серрайиб тикилиб ўтирибди. Сен эса саволни берганингдан кейин худди айбдор одамдай кўзингни олиб қочасан. Ундан кўрқдингми ё уялдингми? Чалғитувчи саволлар ҳам бермадинг? Хўп, сўрайдиганингни сўрадинг. Қандай хулосага келдинг?

– Адвокатнинг талабида жон бор. Самиевни қамоқда ушлаб туришнинг ҳожати йўқ. Эҳтиёт чорасини бемалол ўзгартириш мумкин.

– Сенга минг марталаб қойилман! – деди Менглиев пичинг оҳангида. – Мен бунақа хулосага келиш учун нечталаб одамни сўроқ қилиб, бошимни оғритардим. Сен ярим соатда ҳал қилиб ташладинг. Ўқиган одамнинг шунисига беш кетаман-да! Аслида иккаламизнинг фикримиз бир жойдан чиқди. Лекин сен биттагина, кичкинагина сўроқдан кейин дарров шу тўхтамакка келдинг. Сал шошилмадингми?

– Мен аввал “Иш”даги маълумотларни ўқиб, кейин шундай фикрга келдим. Шошилиш масаласида... – Шухрат гапини дангал баён қилишдан хижолат бўлиб, узр оҳангида сўради: – Айтаверайми?

– Айт, айтавер, биласан-ку, мен ўғил болача гапни ёқтираман.

– Самиевни қамоққа олишда шошилишган. Ўтқизиш қўйиш шарт эмасди.

– Энди бу даъвойингни ўртоғинг Ўтбосаровга айтасан. Яхши ҳамки Самиевнинг калласи ишлаб, дарров адвокат ёллади. Ўтбосаров сўроғини адвокат иштирокисиз қилганида Самиев “ўғри менман” деб ёзиб берганини ўзи ҳам билмай қоларди. Ўтбосаровнинг қанақа тарзда ёздирishi мумкинлигини ўзинг тасаввур қила оларсан? Энди бундай қиламиз: пешиндан кейин Самиевни чалғитувчи саволлар билан сўроқ қиласан. Кейин четга чиқмаслик ҳақида тилхат олиб, эҳтиёт чорасини ўзгартириш ҳақида

қарор ёзиб, қўйиб юборасан. Самиевни чиқариб турамиз, лекин унинг елкасидаги гумон олинмайди. Сен оқшомда кампирнинг уйига бориб, вазиятни ўрганасан. Билиб қўй: жиноятчини топсанг, ҳамма раҳмат ўзингга. Тополмасанг, ҳамма сўкишлар ҳам сенга бўлади. Бу ишда мен четдаман.

Менглиев шундай дегани билан ишдан четланолмасди, четланишга ҳаққи йўқ эди. Бу гапни Шухратни чўчи тиш учун эмас, зиммасидаги масъулиятга жиддийроқ муносабатда бўлишга ундаш учун айтган эди. Унинг назарида “ёш мутахассис” деган тушунча бошқа соҳаларда бўлиши мумкин. Жарроҳлар кеча ўқишни битириб келган йигит қўлига тиғ бериб, юракни очишга ундашмайди. Ёш жарроҳ бу ишончга етишмоғи учун йиллар ўтади, юзларча амалиётни устози ёнида ўтказди. Заргар ҳам, хатто дурадгор ҳам шундай. Аммо милициянинг шароити бутунлай ўзгача. Менглиев “жиноятчиликка қарши кураш” деган таъбирни унча хушламай, “бу кураш эмас, урушнинг ўзи!” деб ҳисоблайди. Жиноятчини қўлга олишда ўқ отилса, тиғ санчилса, милиция ходими ўлдирилса – урушдан нимаси кам? Хатто урушдан кўра хатарлироқ. Жангда душман рўпарада туради. Кимни отишни биласан. Жиноят олами билан урушда эса худди арвоҳларга қилич солган каби аҳволга тушиб қоласан. Самиевни қўлга олишда қаршилик кўрсатмабди. Тўппончада ўққа тутса-ю бу ўққа Шухрат рўпара келиб қолса нима бўларди? “Ие, бу ёш мутахассис экан”, деб ўқ изига қайтиб кетармиди?

Шухратнинг бахти бор экан, ишни терговдан бошлади. “Ёш мутахассис” босқичидан “малакали мутахассис” деган мартабага етишиши учун унга жуда оз фурсат ажратилган. Агар буни фаҳмламай, лаллайса, кейин панд еб қолиши мумкин. Менглиев шуни назарда тутиб уни “жанг майдонига” ёлғиз ҳолда рўпара қилмоқчи эди. Шухрат унинг бу ниятини тўлиқ англамаган бўлса-да, ёлғиз қолмаслигига ишончи бор эди. Шу боис дарров ўрнидан туриб кетмади.

– Яна бир нарсани айтиб қўймоқчийдим, – деди маънодор оҳангда.

Ҳозиргина ўзини четга олмоқчи бўлган капитан унга муғомбирлик билан тикилди:

– Қани, айт-чи?

– Мен жабрланувчи оилани биламан.

– “Иш”ни очиб, биринчи саҳифани очганиндаёқ кўзларинг косасидан чиқиб кетай деганидан сезгандим. Ким улар, қариндошингми?

– Етти ёт бегона. Аввал шу маҳаллада турганмиз. Кампирнинг невараси билан олтинчи синфгача бирга ўқиганман.

– Қадрдонларингдан экан-да?

– Йўқ. Шунчаки таниш. Кўришмаганимизга уч-тўрт йил бўлди шекилли.

– Омадли боласан-да, баҳонада эски қадрдонинг билан топишиб оласан. Сен, – капитан Шухратнинг қўлидаги “Иш”га ишора қилди, – бу ердаги гапларга эътибор берма. Терговни янгидан бошлагандай ҳаракат қилавер.

ДОВУЛ

(Йигирма уч кун аввал, Нью Орлеанда)

Зарина леди Хамелтоннинг қилиқларини кузатиб, унда мечкайлик ва дангасалиқдан ўзга жиддийроқ хасталик йўқлигига амин бўлди. Одамзот ички аъзолар бобида бир хил яратилган бўлса-да, ошқозон ва жиғилдон талабини қондиришда турличадир. Бировнинг ошқозонига уч-тўрт кунда бир таом тушса, бошқаники тўлиб-тошиб, ёрилиб кетай дейди. Кўпчилик кунда уч марта овқатланишга одатланган. Нонуштадан то тушликкача, тушлиқдан то кечликка қадар нафс пистирмада ётади. Заринанинг чекига тушган бу қора хотин эса бир марта овқатланади, унда танаффус деган тушунча йўқ – эрталаб уйғонганида кавшашни бошлаб, кечқурун уйқуси келгунига қадар жағи

тинмайди. Фақат нафас олаётган пайтидагина қизилўнғач бечора озгина дам олволади. Зарина унинг еб-тўймаслигидан хайратланиб “Яхшиям Худо барча одамларни шундай яратмаган, тўрт ярим миллиард одам тинмай кавшаниб турса, ердаги тоғу-тошларгача ямлаб ютворармиди”, деб ўйланди.

Хизматкорининг хизматидан мамнун бўлган қора хотин унга яхшилик қилиб қўйиш ниятида ёнига чақирди.

– За, ҳали ўғлим сенга ғалати қаради, сездингми? – деди Заринага синовчан тикилиб. Зарина унинг чақчайган кўзларига дош беролмай нигоҳини олиб қочди.

– Йўқ, леди, – деди паст овозда.

– Лақма экансан! Эркак одам хотинга бекорга бунақа карамайди. Қарашига маҳлиё бўлиб, тўшагига кириб кетма.

Бу гап Заринанинг ҳамиятига тегди-ю “ўғлинг билан қўшмозор бўлларинг, келиб-келиб шу исқиртнинг қарашига маҳлиё бўларканми!?” деб ғижинганича қора хотинга тик қаради.

– Мен унақалардан эмасман, леди.

– Сен хотинсан! Хотиннинг “унақа-ю бунақаси” бўлмайди. Ҳаммасининг нафси бир хил бўлади. Сен пул ишлагани келганмисан? Ҳақингга икки доллар қўшиб берса, ҳамма нарсага тайёр бўласан. Сендан олдингилар шунақа эди, сен улардан ошиб қайга борардинг? Менга ёқиб қолганинг учун сени спиддан асраб қолмоқчиман. Сендан олдингилар Жекка ёпишиб, спидни орттириб кетдилар.

– Леди, мен унақалардан эмасман, – Зарина яна шундай деб ғазабдан титрай бошлади-да, овозини беихтиёр баландлатди: – Менинг эрим бор.

– Спиддан ўлиб кетаётганларнинг эри йўқми? Менга раҳмат айтиш ўрнига Африкадан келганингни унутиб, менга ақл ўргатмоқчимисан, ҳайвон!

Зарина бу ҳақоратга жавобан миннатдорлик билдиришдан ўзга чораси йўқлигини англаб, йиғламсирганича “Раҳмат, леди”, деб ошхона томон йўналди.

Қора хотиннинг тагидаги тувакни олаётганида телевизорда тинмай жавраётган мухбир Мексика кўрфазида янада кучга кирган довулнинг Нью Орлеанга яқинлашиб қолганини маълум қилиб, аҳолини кўчага чиқмасликка даъват этди. Худди шу хабарни кутиб тургандай дераза дарчаси тарақлаб ёпилди.

– Ҳой лаънати! Нега дарчани очиб қўйдинг!? – деб бақирди қора хотин.

Тувакнинг хидидан нафаси қайтган Зарина дарчани яқингинада очган, хонага тоза ҳаво киришга ҳали улгурмаган ҳам эди. Дарча илгагини солаётганда қора хотин ҳатто сўконғич эркаклар ҳам билмайдиган сўзлар билан ҳақорат қила бошлагач, Заринанинг киприклари кўз ёшларини тугтиб қолишга ожизлик қилди.

Изми шамолда бўлишига қарамай, еру кўкка ҳукмини ўтказиш даъвосида сузиб келган қора булутлар орасида нифоқ чиқиб яшин чакнади. Зарина шу шамолни, дераза ойнакларига тасир-тусир урилаётган ёмғир томчиларини довул деб ўйлади. Қоронғу тушиб, бу қора хотиннинг жағи тиниб, уйқуга ётгунча довул ҳам тиниб қолар, деб ўйлади. Вақт ўтган сайин шамолнинг кучайишидан, телевизордаги такрор ва такрор огоҳлантиришлардан ваҳимага туша бошлади. Аввалига “балки ошхонада бўлса ҳам ётиб қоларман”, деб ўйлади. Аммо биринчи учрашувда қора хотиннинг “ҳеч қандай баҳона билан бу уйда ётиб қолмайсан”, деганини эслаб, ташқарига хавотир билан қараб қўйди. Довул кучаймай, барвақтроқ кетиш учун ижозат сўрашга журъати етишмади. Қоронғу тушишини, қора хотиннинг уйқуга ётишини қуш ҳадиги билан кута бошлади.

Кетишга рухсат бераётган қора хотин “эрталаб довулни баҳона қилиб кечиксанг – ҳайдайман!” деб пўписа қилишни унутмади.

Зарина эшикни очиб, ташқарига қадам қўйиши билан кўчага эмас, саркаш дарё ирмоғига дуч келгандай кўрқиб кетди. Кучга кираётган довул уни учириб юборай

деди. Одамлар бекорга “сув балоси ва ўт балосидан асра!” деб Худога илтижо қилишмас экан”, деб ўйлади у. Ўт балосини-ку сув билан даф этиш мумкин. Лекин сув балосидан қутулишнинг иложи йўқлигини Зарина энди англади. Дунёдаги энг кучли мамлакат ўзининг осмонўпар иморатлар-ю ҳар нарсага қодир ҳисобланган техникаси билан ҳам довул қаршисида чумоличалик кучга эга эмас экан, ожиз банда нима қила олсин? Бундай довул билан ўйнашиб бўлмаслигини яхши билган аҳоли уйларида паноҳ топган, кўча кимсасиз эди. Заринанинг юпун уст-боши бир пасда шалаббо бўлди. Зарина тўрт-беш қадамдан кейин ҳолсизланди. Бирон панада жон сақлашга умидвор бўлиб атрофга аланглади. Чироқ ёруғи таралаётган деразаларга нажот кўзи билан тикилди. “Кимдир биронта деразадан қараётгандир, кўчадаги бечора аёлни кўриб раҳм қилар, ёрдамга чиқар”, деган хом хаёли оёғи остидаги жазава-ли оқимда оқиб кетди. Шубҳасизки, ўнлаб деразаларнинг биридан кимдир, албатта, кўчага қарайди. Бировга ёрдам бериш ниятида эмас, довулнинг ҳунарини тамоша қилиш учун ҳам қараб қўяди. Шубҳасизки, юпун кийинган бечора аёлни ҳам кўради. Кўради-ю, бироқ, кўмаклашишни хаёлига ҳам келтирмайди. Нар и борса, “анави аҳмоқнинг юришини қаранглар”, деб қўяди.

Мушукнинг зорланиб миёвлашини эшитиб, беихтиёр тўхтади. Дераза тоқчасида қунишганича дийдираб ўтирган мушук унга қараб ёрдам умидида яна миёвлади. Ўзи ҳам нажотга муҳтож одамдан садо чиқмагач, бу сафар чўзиброқ миёвлади. Гўё “баттар бўл!” дегандай туюлди. Шу онда ичкарида бир йигит кўринган эди, мушук эгасини таниб баландроқ товушда миёвлади. Йигит ойнакка пешонасини тираганича кўча томон қараб, мушукни кўрди. Зарина худди мушук каби унга умидворлик билан қараб қолди. Йигит деразани қия очиб, мушукни ушлади-да, тезгина ичкари олиб, шу тезликда яна деразани ёпди. Зарина гапир-иш учун оғиз жуфтлашга ҳам улгурмай қолди. Йигит му-

шукни бағрига босди. Кейин ўрта ёш бир аёл яқинлашиб, мушукни сочиқда арта бошлади. Бу манзарани кўрган Заринанинг хўрлиги келиб, кўзларидан ёш чиқди. “Одамнинг мушукчалик қадри йўқми?” деб ўйлади. Одамзот ғам пўртанасига тушиб қолганда ҳамиша айбни ташқаридан қидиради. Ўз айби билан пўртанага тушиб қолганини фикр қилмайди. Бир мушукчалик қадри йўқлигидан куйиб йиғлаётган Зарина бу диёрга қадр эмас, пул илинжида келганини унутган эди. Ўй-хаёли, нияти бойликка эришиш бўлган бандага яратган Тангри қанақасига қадр берсин? Уй ичкарасида жон сақлаётганлар ҳам, ташқарида жала остида титраётган, ҳаётдан умидини узаётган банда ҳам Аллоҳнинг “Бир-бирингизга фазлу мурувват қилишни унутманг. Аллоҳ нима қилаётганингизни кўриб-билиб туради”, деган огоҳлантиришидан беҳабар бўлишгач, ўзгаларга қандай меҳр кўрсатсинлар ва муҳтожлар учун қандай нажотдан умид бор?

Довул кучоғидаги ночор аёл ўзини девор томон олиб юра бошлади. Ярим соатлик йўлни икки соатда босиб ўтди-ми ё уч соатдами – била олмади. “Зарин!” деган таниш овозни эшитиб атрофга аланглади. Момақалди роқ гулдираб бу овозни босиб кетди. Ҳолдан тойган Зарина йиқилаётиб яна “Зарин!” деган овозни эшитди. Чақмоқ ёруғида одам қорасини кўрди-ю ҳушидан кетди.

* * *

Довул дарагини эшитган Жўра пешин чоғи ёмғир томчилай бошлаганидан бери хавотир чўғи устида ўтирарди. Хотини каби у ҳам довулнинг ҳақиқий кучини кўрмаган, аммо илмий мақолаларда унинг нақадар фожиаларга дуч қилиши мумкинлигини ўқиган эди. Қош қорайганда шамол кучайиб, адл дарахтлар мажнунтол каби эгилиб қолди. Катта кўча ёқасида виқор билан турган, танаси қулочга аранг сиғувчи дарахт эса эгилган чоғида қувватдан кетди-ю илдизи билан кўпорилиб чиқди. Нажот илинжидаги йўғон

шоҳлари худди бақувват билакли қўл каби электр симларини ушлаб қолмоқчидай бўлди. Симлар бу оғирликка дош беролмай ўзларидан олов чиқариб узилдилар, офат олдида ожиз қолдилар. Буни кўрган Жўранинг хавотири энди талвасага айланаёзди. Талваса оловида ҳарчанд қоврилмасин, хотинининг йўлига илҳақ кўз тикишдан бошқа чораси йўқ эди. Ҳар қандай шароитда ҳам хизмат жойини ташлаб кетиш ҳуқуқидан маҳрум бу банда довул кучайгани сайин Худони кўпроқ эслайверди. Калимаи тавҳид, калимаи шаҳодат, истиғфор каби тушунчаларга бегона бу одамнинг Худони эслаши “Эй Худо, хотинимни паноҳингда асра!” деган илтижодан нарига ўтмас эди. Бу илтижо тўфон чоғида хасга тирмашиб жон сақламоқчи бўлган одамни эслатса-да, Аллоҳни тилга олишнинг ўзида ҳам Раҳмон ва Раҳим сифати томонидан ажр мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Яна Аллоҳнинг “Эй Одам фарзанди! Қачон бало ва мусибатга йўлиқсанг, мени ёдга оласан, лекин қачон у балони сендан кўтарсам, мени ҳеч танимас кишидек эсдан чиқариб юборасан...” деган огоҳлантириши ҳаётда миллиард марталаб исботини топганда Жўранинг айни шуларнинг бири эканини рад қилмоқ ҳам мумкин эмас. Шундай экан, довул тиниб, жон сақланиб қолингач, муножотлар ҳам тинса не ажаб?

Кунларнинг бирида Нуриддин билан суҳбатлаша туриб “Худо хоҳласа, ишларим юришиб кетади”, деганида дўсти кулимсираб “Худо хоҳласа”, деяпсан, баъзан “Гуноҳимни Худо кечиради”, дейсан. Демак, сен Худосиз эмассан. Аллоҳнинг борлигига ишонасан. Ишонасан-у буюрган амалларини бажаришдан бўйин товлайсан”, деб танбеҳ берганида у кўпгина зиёлиларга хос бўлган бир жавобни қайтарганди: “Мен Худонинг энг асосий талабларини бажараман: ҳалол яшайман, пора олмайман, бузуқлик қилмайман. Сен айтган амалларни қулоқларига қадар гуноҳларга ботиб ётганлар бажараверсин!” Нуриддиннинг “ҳар бир одам ўз гуноҳи учун ўзи жавоб беради, ҳар бир қўй ҳам ўз оёғидан осилади-ку?” деган эътирози

унинг эътиборидан четда қолган эди. Ҳозир, дақиқа сайин қудрати ошиб бораётган довул қаршисида ожиз турганида бу гапларни эсламади. Эслаганда эҳтимол афсуслармиди, тили тавбага келиб қолармиди... Тили тавбага келгани ҳамон шайтон қалбини бўшатиб чиқармиди... Йўлкирага етарли пул топиши билан “совға-салом сотиб олиш учун яна озгина пул ишлайлик” деган ниятидан воз кечиб, уйи томон учармиди...

Худодан нажот тилаб ўтирганида Вилли Брауннинг машинаси кўринди-ю умид билан юриб, уни қаршилади. Ҳар куни ярим кечада, баъзан тонгга яқин ғирт маст ҳолда келувчи сочу қош, киприкларигача малла бу одамнинг барвақт қайтишидан ажабланди. Нодон банда бу онда қаерда турганини унутди. Агар уйида бўлганида қўшнисими ё бирон танишими автомашинасида келиб қолса “Ҳа, акахон, ёмғирда нима қилиб турибсиз?” деб сўрарди. “Кеннайинг ёпинчиқсиз кетган экан, ёмғирда қолмасин, бориб олиб келай”, дерди у. Шунда инсоф эгаси бўлмиш қўшниси “Гап йўқ, акахон, ўтиринг, болларимиз касал бўлса дарров кеннайимга чиқамиз, бир хизмат қилсак, қилибмиз-да”, дейди.

Бу ерда-чи?

Вилли Браун деган малла машинадан тушиши билан “Ҳа, мистер Жўра, жалада шалаббо бўлиб кетибсиз-ку, нима ташвишингиз бор?” деб сўрайдими? Шунда Жўра “Довул даҳшатли бўлар экан, хотинимни олиб келишим керак”, дейдими? “Хотинингиз қаерда, азизим?” деган саволга “Икки юз олтмишинчи авеньюда” деб жавоб берадими? “Ҳа, нигерлар яшайдиган кварталдами, унча узоқ бўлмаса ҳам бориб олиб келганингиз маъқул. Юринг, дарров бориб келамиз, ҳар ҳолда оёқда турулмай ҳолда келганимда опичиб бўлса ҳам уйимга кузатиб қўядиган одатингиз бор” дегач, йўлга тушадиларми?

Бу орзудаги одамни Осиёда “хомхаёл” деб кулади-лар. Америкада эса озчилик “Фантастика!” деб ажаблана-

ди, кўпчилик эса бу одамни тентакка чиқаради. Уст-боши шалаббо Жўра шу туришида, шу умидида тентак ҳолатида эди.

“Худо, паноҳингда асра!” деган илтижосига жавобан бу малла рўпара қилинмаган эди. Вилли индамай ўтиб кетмоқчи эди, ночор умидига банди бўлган Жўра уни гапга тутди:

– Салом, мистер Браун, бугун ўйин йўқми, барвақт келибсиз?

– Ўйин бор, – Браун шундай деб курткасига ўраниб қунишиб олди-да, уй томон қадам ташлади. Умидвор равишда эргашиб келаётган Жўрага қарамай гапини давом этди: – Ўйин ҳам бор, калла ҳам бор. Каллали одам ҳозир уйида ўтириши керак.

Жўранинг тўхтаб қолишига шу гапнинг ўзи кифоя қилди.

Ярим тундами ё эрта сахардами маст-аласт келувчиларни уйларига кузатиб олиб чиқиб қўйиш Жўранинг вазифасига кирмас эди. Ундан кунми-тунми фарқи йўқ, булар ташлаган сигарет қолдиғи ёки қусуқни дарҳол тозалаш талаб этиларди. Биринчи тун уйқуси келмай бедор ўтирганида ўзини “каллали одам” ҳисобловчи шу Браун келди. Машинасининг эшигини очиб, бир оёғини туширди-ю қайт қила бошлади. Кейин гавдасини бошқара олмай, қусуқ устига йиқилди.

Жўра беихтиёр ўрнидан туриб унга яқинлашди. Аввалига нима қиларини билмай турди. “Дерасасидан хотиними ё бирон яқиними қараб турган бўлса тушиб олиб чиқиб кетар”, деб ўйлади. Олти-етти дақиқача кутди. Ҳеч кимдан дарак бўлмагач, зил-замбил бу одамнинг қўлтиғига кириб бир амаллаб уйига кузатди. Эртасига кун ёйилган чоғи ҳовлини супуриб юрганида шу одам чиқиб машинаси олдига борди-да, бирданига тўхтаб қолди. Оёқлари остига қаради. У тунда қандай аҳволда келганини, нималар қилганини билмас эди. Эрталаб расвоси чиққан ки-

йимларини кўриб “устимга биров қусибди-да”, деб ўйлаб ғазабланган эди. Машинасининг расволигини кўриб, ҳамма бало ўзида эканлигини англади-да, Жўрани чақирди.

– Мени уйимга сен олиб чиқиб қўйдингми? – деб сўради.

– Ҳа, – деди Жўра.

– Мана бу ерни сен тозаладингми? – деб оёқ остини кўрсатди.

– Ҳа, – деди Жўра.

– Машинани нега тозаламадинг? – деди энди пўписа оҳангида.

– Машинангизни бесўроқ очолмайман, – деди Жўра итоаткорлик билан.

– Тез тозала, бўла қол, имиллама, – шундай деб ёнидан бир доллар чиқариб, гадога бераётгандай узатди.

– Раҳмат, керак эмас, шундай ҳам тозалаб бераман, – Жўра пулга қўл узатмай, челақ билан латта олиб келиш учун шошилди.

– Аҳмоқ экансан-ку? Ё димоғинг баландми? – деди Браун унинг изидан.

Шу ёшга киргунича Жўрани, болалиқдаги беғараз сўкишлар инобатга олинмаса, биров “аҳмоқ!” деб ҳақорат қилмаган эди. Бировнинг кўзига аҳмоқ либосида кўриниш учун асос ҳам йўқ эди. Илм билан шуғулланишдан лаззат олиб, мансабга, маишатга интилмайдиган одамни ким ҳам аҳмоқ дерди? Дарвоқе, қайнонаси айтарди. Моҳина кампир куёвининг маошга қаноат қилиб юришини аҳмоқликдан деб билса-да, юзига тик қараб дангалига “аҳмоқсиз, куёв бола!” демаган. Қизига уч-тўрт марта “эринг ғирт аҳмоқ”, деган, юз мартами ё минг мартами ўзича ғўдираниб “аҳмоқ куёвини” қарғиш балчиғига булаб ташлаган. Буларнинг биронтаси Жўранинг қулоғига етиб бормагани учун ҳақоратланган ҳисобланмайди. Дўсти Нуриддин уни йўлдан қайтариш мақсадида “аҳмоқлик қилма”, деган, лекин гапини ҳақорат оҳангида айтмаган эди.

Димоғдорликда ҳам биров Жўрани айбламаганди. Ажаб-да, жиянининг дўконидан костюм сотиб олишга қурби етмаган олимнинг кибри нима бўларди...

Кечаси ўзининг қусуғига беланиб ётган бу малланинг “аҳмоқ экансан-ку!” дейиши Жўранинг ҳамиятига тегиб, жавоб қайтариш қасдида тўхтади. Лекин ўзининг ҳозирги мартабаси, тақдирининг қил устида тургани уни бу қаҳрамонликдан қайтариб, мутелик жандасига ўралишга мажбур этди. “Ўзинг аҳмоқсан!” деб пичирлашдан ўзга чораси йўқлиги юрак-бағрини эзса-да, Брауннинг машинаси ювиб, тозалаб берди. Машина юриб кетгач, ўрнида қолган шалтоқни тозалади

Иккинчи кеча Браун қайт қилмаган бўлса-да, оёқда туролмай майсазорга гурсиллаб йиқилди. Жўра уни яна ит азобида уйига қадар кузатди. Браун даҳлизга қадам қўйиши билан чайқала бошлагач, Жўра ичкарига кириб, уни белидан қучоқлаб олди. Атрофни тоза тутишга масъул Жўранинг уй ичкарисига киришга ҳаққи йўқ эди. Шу боис Браунни қучоқлаганича нима қилишини билмай туриб қолди. Унинг иккиланаётганини сезгандай Браун сўлагини оқизганича унга буюрди:

– Ошхонага юр!

– Мистер, ичкарига киришим мумкин эмас, – деди Жўра.

– Бу уй меники, мен сенга буюряпман!

Жўра уни суяб ошхонага олиб киргач, суянчиқсиз курсига ўтқизди.

– Менга қаҳва қайнатиб бер! – деб буюрди Браун. Кейин қўшиб қўйди: – Сутсиз бўлсин, шакар солма.

Жўра жавонни очиб, қаҳвани топгач, буйруқни бажариб, финжонни унга узатди.

– Ўзингга ҳам қуй, – деб буюрди Браун.

– Мистер, мен қаҳвани ёқтирмайман, – деди Жўра.

Браун бу гапга тушунмагандай ярим юмуқ кўзларини унга қадади-да, қаҳвадан ҳўплаб, афтини буриштирди.

– Ёқтирмаслигинг билиниб турибди. Қаҳва қайнатишни билмас экансан. Нимани ёқтирасан?

Жўра астойдил сўрамади, жавоб қайтариш шартмас, деган ўйда индамади. Бундан Брауннинг жаҳли чиқиб, бу сафар зардали оҳангда сўради:

– Нимани ёқтирасан, деб сўраяпман?!

– Чойни, – деди Жўра.

– Чойни?.. Кимсан ўзинг? Тўхта, жавоб бермай тур, кимлигингни ўзим айтаман. Эрталаб кўрганимда кимлигингни билганман. Сен Колумбиядансан, тўғрими? Йўқми? Унда... Венесуэланинг гадоларидансан.

– Мен гадо эмасман, – деди Жўра унинг гапини кесиб.

– Жаҳлинг чиқмасин. Венесуэладаги ҳар икки одамнинг бири гадо эканини бутун дунё билади.

– Балки Венесуэлада шунақадир, лекин мен Осиёдан келганман. Ўзбекистон деган мамлакат бор, эшитганмисиз?

Браун бу гапни эшитиб, кўзларини каттароқ очиб қарашга уринди.

– Ростданми? – деди билагига лабини артиб. – Ўзбекистонданмисан?

– Эшитганмисиз?

– Нега эшитмай, демак, сен паловхўр очлардан экансан-да! – Браун шундай деб қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

Бу мамлакатда Ўзбекистондан сўз очилганда кўпчиликнинг тушунмай елка қисишига Жўра кўникиб қолган эди. Брауннинг “паловхўр очлардан экансан-да”, дейиши, айниқса, масхараомуз кулиши уни гангитиб қўйди. Бир нима дейишга ожиз қолди. Шарт бурилиб чиқиб кетишни ҳам, индамай тураверишини ҳам билмай турганида Браун кулгидан тўхтаб, унга қўл узатди:

– Салам алайкум, – деди. Сўнг Жўранинг узатилган қўлини сиқиб бир неча марта силтади. – Мен Ўзбекистонни эшитмаганман. Мен Ўзбекистонда бўлганман. Палов еганман!

Бу гапдан кейин Жўра кўпдан бери кўришмаган қадрдонини учратиб қолгандай қувониб, уни бағрига босгиси келди.

– Қачон борган эдингиз? – деди кулимсираб.

– Ў, бунга анча бўлди. Мен инсонпарварлик ёрдами олиб борган эдим. Бунинг нималигини биласанми? Битта самолётни тўлдириб дори-дармон олиб борганман. Самолёт қўнганида ҳали тонг отмаган эди. Мени нақ министрларингнинг ўзи кутиб олди. “Юкни туширишни бу ердагиларнинг ўзига қўйиб беринг, мен сизни тўйга олиб бораман, қайнонанинг яхши кўрар экан, ошнинг устидан чиқдингиз”, деди. “Менинг қайнонам йўқ, бўлмади ҳам”, десам, “Худо хоҳласа бўлади”, дейди. “Худо хоҳласа хоҳлайверади, аммо мен уйланишни истамайман”, дедим-у “палов” деб аталувчи таомнинг қайнонага нима даҳли бор эканини барибир тушуна олмадим. Мен жуда кўп мамлакатларда бўлганман, лекин эрта тонгда тўй бўлганини ҳеч ерда эшитмаганман. Бир жойда қатор турган одамларни кўриб, очларнинг намоёниши бўляптими, деб ўйлаб яна ажабландим. Чунки эрта тонгда намоёниш бўлганини ҳам учратмаганман. Министр “бу намоёниш эмас, тўй”, деб тушунтирди. Кузатишимча, минг одам келгандир... Сенларнинг вабодан қирилиб кетмаганларингга ҳайрон қолдим. Чумолидай саф тортиб келаётганларнинг ярми ювуқсиз қўл билан овқат ейишди, ярми эса олдингилар ялаб кетган қошиқларда еяверишди. Министрга “Бу қанақаси?” десам, “Бу биродарлик, яқинлик аломати”, дейди. Шахсан менга бундай яқинлик аломати керак эмас! Сен Америкага келиб яхши қилибсан, ҳеч бўлмаса қошиқда овқат ейишни ўрганиб кетасан. “Бу тўй рости билан министр ҳайдовчисининг тўйими?” деб гумонсираган эдим, бу ҳақиқатга мени ишонтириб, “Бу тўйнинг бошланиши, асосийси ҳали кечки пайт бўлади”, дейишди. Шунда мен “Агар автомашина ҳайдовчисининг шундай тўй қилишга қурби етса, инсонпарварлик ёрдамини биз сизга эмас, сизлар бизларга беришингиз керак экан”, дедим.

– Сиз битта тўйни кўргансиз. Бунақа дабдабага кўпчи-
ликнинг қурби етмайди.

– Буни мен билдим. Дам олиш учун мени меҳмонхонада
қолдириб кетишгандан кейин уйқум келмай бир ўзим
шаҳарга чиқдим. Дорихоналарга ҳам кирдим. Мендан ол-
дин юборилган инсонпарварлик ёрдамларини сотувда
кўриб, бунақа тўйлар ниманинг эвазига қилинишини ту-
шундим. Агар министрнинг ҳайдовчиси шундай тўй қилса,
министрнинг ўзи тўйни ё Париждаги ё Лондондаги энг гў-
зал ресторанларда қилади, деб ўйладим.

Браун шу гапларни айта-айта, афтини буришти-
риб бўлса-да, яна бир финжон қаҳва ичиб, сал ўзига кел-
ди. Жўра унинг гапларини маст одамнинг алжираши, деб
қабул қилмади. “Мастлик – ростлик” деганларидай бу вай-
сашнинг тагида ҳақиқат бор эди. Жўра ёшлик йилларидаёқ
дўстларининг бир ишидан норози бўларди. Советлар ҳукм
сурган йилларда Москваданми ё Киевданми бирон олим
меҳмон бўлиб келса, ресторанда меҳмон қилишарди. Бу
ҳам етмагандай чойхонадаги ошга ё тўйга олиб боришар-
ди. Жўра ўшандай даврандан қочишга ҳаракат қиларди.
Айниқса, чойхоналардаги яғири чиқиб кетган кўрпачалар-
да ўтириб, рангини йўқотган дастурхон устида ош ейиш-
га кўнгли бўлмасди. Бу жойларга бориб қолгудай бўлса,
ўша меҳмоннинг кўзларига қарашга уяларди. Дўстлари бу
давраларни европача айтганда “экзотика”, энг яхши урф-
одат сифатида мақташга ҳаракат қилардилар. Меҳмон
ерди, ароқни бўкиб ичарди, совға-саломларни олиб уйига
қайтарди-ю бу меҳмондорчиликларга “ярим ёввойилик”
тамғасини босиб, бу одатларни масхаралаб дўстларига
ҳикоя қилиб берарди. Советлардан кейин дунёнинг бошқа
шаҳарларидан ҳам меҳмонлар тез-тез келадиган бўлишди.
Меҳмондорчилик тарзи эса ўзгармади. Ҳозир Брауннинг
масхараомуз гапларини эшита туриб, уни тўйга олиб бор-
ганларга лаънатлар ўқиди. Руҳи эзилиб, чиқиб кетмоқчи
эди, Браун рухсат бермади. Жўрани ҳам бир финжон қаҳва

ичишга мажбур қилди. Жўрани яхши кўриб қолгани учун эмас, мастликда алжишни яхши кўргани учун олиб қолди. Бу онда унга Жўра эмас, гапларини тинглайдиган бир қулоқ зарур эди.

– Мен сенга битта сирни очайми? Мен олиб борган дори-дармонларнинг ҳаммаси эскиган, ўзимизда сотилмай туриб қолган эди. Ташлаб юборишдан кўра сенга ўхшаганларга берсак, бутун дунёда тилимиз узун бўлади. Буни нега сенга айтяпман, биласанми? Ҳали эрталаб бир доллар узатсам олмадинг, “аҳмоқмисан” десам ранжидинг, сездим. Ана энди ўзингга ўзинг баҳо бергин-у бундан буёғига керилмай юравер.

Боксчилар тили билан айтилганда Браун Жўрани рингнинг бурчагига қисиб бориб жағига ҳал қилувчи зарбани берган эди. Ўшанда Жўра ҳушсизланиб йиқилмади-ю ундан баттар ҳолга тушди. “Сен бораётган мамлакат бутун дунёни қопиб, талаётган, инсон қонларини ичаётган қутурган бир ит-ку! Сен бориб, ўша итни эмиб ётасанми?!” Охирги учрашувларида дўсти Нуриддиннинг алам билан айтган бу гапи Брауннинг ошхонасида жаранглаб, ҳамма ёқни зириллатиб юборгандай бўлди.

– Сен ўзинг кимсан? Эрталаб ҳаракатларингни кутатдим. Оддий фаррошга ўхшамайсан. Бунақа ишларга укувинг йўқлиги сезилиб турибди.

Жўра бошқа бирор касбни айтиши ҳам мумкин эди. Лекин “ҳақиқатни айтсам, бу одам илмнинг қадрига етиб, ёрдам қўлини чўзармикин”, деган илинжда:

– Мен физик олимман, – деди.

Браун “Сен-а?” деб ишонқирамасдан тикилгандай бўлди. Жўра бу қарашдан кейин унинг жилмайишини, олқишламаган тақдирда ҳам гапини хурмат оҳангида давом эттиришини кутди. Бироқ Брауннинг “Демак, яхши олим эмас экансан”, деган совуқ гапини эшитди-ю сахро осмонида сузиб юрган бир тутам оқ булутдан ёмғир умид қилган адашган сайёҳ каби умидсизлик чоҳига қулади.

– Сиз мени яхши билмай туриб нега бундай хулосага келдингиз? – деди Жўра ранжиб.

– Тўғри хулосага келиш учун бировни яхши билиш шарт эмас, – деди Браун ўша совуқ оҳангини ўзгатирмай. – Ҳаёт мантиғини англашнинг ўзи кифоя. Ҳаёт мантиғи нимадан иборат? Америка нимаси билан кучли? Ақл қуввати билан! Дунёдаги энг зўр ақллар шу жойга жамланган. Бирларини бойлик ваъдаси билан жалб қилишган, бошқаларини ўғирлаб келишган. Нима, шуни билмасмидинг? Эйнштейнни Германиядан ўғирлаб келганларини ҳам билмайсанми? Билмасанг нодон экансан! Ҳозир разведка ҳарбий маълумот тўплаб овора бўлмайди. Осмондаги йўлдошдан туриб ҳамма нарсани билиб олаверишади. Разведка ҳозир ҳатто энг қолоқ мамлакатдаги ақли, илмли одамларни аниқлаб, ўғирлаб келиш билан шуғулланади. Сени ўғирлаб келишмабдими, демак, эътиборли олим эмас экансан. Сен ўз юртингда буюк бўлишинг мумкиндир. Лекин сенинг буюклигининг Америка учун сариқ чақалик аҳамияти йўқ... Сенга ўхшаган ўз юртининг улуғларидан юз минглаб ёпирилиб келади Америкага. Булар орасида олими ҳам бор, артисти ҳам бор... Тасаввур қиляпсанми: юз минглаб! Ҳашаки олимлар, бозордан қочган артистлар Америкада ачиб-бижиб ётибди. Миллионлаб пашшаҳўрдалар орасидан битта Эйнштейн чиқмайди, битта Шварцнегер чиқмайди. Сенам шуларнинг биттасисан. Тагин ҳам омадинг келиб бу ишни топибсан...

Ўша тун Жўранинг юрак-бағри эзилиб, ухламай чиқди.

Эртасига Браун яна маст ҳолда келди. Жўра уни кўрса ҳам кутиб олгани чиқмаган эди, Браун бақириб, уни чақирди. Жўра хоҳламаса ҳам уни опичлаб, уйига кузатишга мажбур бўлди.

Индинига ҳам...

Энди эса...

Довул ҳамласи олдидаги чорасизлигидан эзилаётган Жўра энди ўша Браундан нажот кутган эди. Бир неча сони-

ягина яшаган умиди ўлгач, энди ўзидан ўзи нафратланди. Агар уйида қўшнисидан шундай оқибатсизлик кўрганидан уни ичида бўлса ҳам сўкиши мумкин эди. Браунни эса сўколмади.

Оч бўридай увиллаётган шамолнинг нафаси илиқ бўлгани учун уст-боши шалаббо Жўра жойида қотиб тураверди. Кўчада тирик жон қолмади. Машиналар қатнови ҳам тўхтади. Ана шунда Жўра бу жойни тарк этмаслик хусусидаги мажбуриятини унутиб, шамолга қарши юра бошлади. Икки чорраҳани кесиб ўтгач, одам қораси кўринди. Катта дарахтни қўпоришга кучи етган шамол гандираклаганича аста-аста босиб келаётган нозик вужудни кўтариб учишга қасд қилаётган эди. Жўра хотинини таниди, жонҳолатда: “Зарин!” деб қичқирди. Аёл унинг овозини эшитмадимми, яна бир-икки қадам босди. Шунда Жўра уни яна чақирди. Зарина атрофига бир аланглади-ю йиқилди...

Бахт излаб келиб довулнинг қаҳрига учраган эр-хотин тақдирларини лаънатлай-лаънатлай ҳужраларига етиб олдилар. Зинанинг остидан ўтган турли қувурларни ҳимоялаш ва хўжаликка асқотадиган анжомларни сақлашга мўлжалланган ҳужра маошидан беш фоизини чегириб қолиш шарти билан Жўра ва Заринага уй қилиб берилган эди. Боши сиғса оёғи ташқарида қоладиган даражадаги бу тор ҳужра уларнинг чекига тушган “саодат саройи” эди.

Заринанинг ҳушига келиши қийин бўлди. Жўра унинг бетига аста шапатилади, кейин силади. Иссиқ чой дамлаб ичирай деса, электр йўқ. Хонадонлардан биронтасининг, ҳатто анча таниш бўлиб қолган Брауннинг эшигини тақиллатиб, газ плитасида сув қайнатиб олишни илтимос қилишга журъати етишмайди. Заринанинг ҳўл кийимларини ечиб, қуруқ кўйлакни кийдирди. Ҳеч бўлмаса иссиқ чойшаб топилса эди... Жўра ўзининг кийимларини ҳам алмаштиргач, хотинини бағрига маҳкам босди. Шундан кейингина Зарина кўзларини очди. Очди-ю ўзини эрининг қучоғида кўриб, йиғлаб юборди. Бир кишилиқ эски кара-

вот улар учун шоҳона кўшк вазифасини бажарди. Жўра хотинининг ёноғидаги ёш томчиларини кафти билан артиб, меҳр билан ўпиб қўйди.

– Худого шукур, жонимиз омон қолди, энди бу ёғи яхши бўлиб кетади.

Жўра бу гапни хотинини тинчитиш учун айтган эди. Бу ёғининг қанақасига яхши бўлиб кетишини ўзи тасаввур ҳам қила олмасди.

– Ҳаммаси мени деб бўлди, сизни зўрлайвермаганимда балога учрагурларнинг юртига келмаган бўлардик.

– Бу ҳам бир тақдир-да, сенинг айбинг йўқ. Ким билиб ўтирибди?

– Тақдиримиз шунчалик шўрми? Бошқаларнинг омади юришяпти-ку?

– Биз энди келдик, сабр қилиб тур, бизнинг омадимиз ҳам кулиб қолади.

– Омадимизнинг кулишига кўзим етмаяпти. Худонинг бизда бир қасди бор, шекилли...

– Унақа дема... Сенгаям шу атрофдан иш чиқай деб турибди-ку?

– Учрашдингизми?

– Ҳа, бир-икки кун кутинг, дейишди.

Жўра хотинини тинчитиш учун ёлғон гапирди. Кеча уч кўча наридаги кўп қаватли уйдаги хизматчининг ўрни бўшаётганини эшитишганди. Физик олим шу вазифани бажарётган дамларда олий тоифали педиаторнинг қора хотин шалтоғидан қутулиб, бу ишга етишиши ҳам ўзига яраша бахт бўлиб туюлган эди. Шу боис Жўра довул бошланмай туриб, хўжайинининг топшириғини бажариш учун кўчага чиққанида йўл-йўлакай ўша уйга ҳам кириб ўтди. Майсаларни тараётган йигит Жўранинг гапини эшитиб, қаддини кўтарди:

– Ҳа, жой бўшайди, мен кетишим керак. Лекин қачон кетишимни билмайман, яхшироқ иш тополмай турибман. Уйимга эса қайтиб кетолмайман. Уйимга қайтиб борсам, мени “Ватан хоини”деб отиб ташлашади.

– Уйинг қаерда? – деб сўради Жўра ундан.

– Бу ердан унча узоқ эмас, шу сувнинг нариги сохилида, Кубада.

– Илминг борми? Бирон университетга ишга кирмоқчимисан?

Йигит аламли жилмайиб қўйиб “менда илм нима қилади?” деди-да, бошқа гапирмай ишини давом эттирди. Унинг гапи Жўра қалбидаги ярани тирнаб қўйди. Илми йўқ бир йигит бу хизматни ўзига раво кўрмай, яхшироқ иш умидида юрибди. У эса... Дарди ичида... Бировга ҳасрат қила олмайди. Ҳатто хотинига айтолмайди, чунки унинг дарди ҳам ўзига етарли...

Жўра Заринада умид уйғотгандай бўлиб, уни қаттиқроқ қучоқлади. Хотинига далда бўла олувчи бошқа тайинли гап айта олмади. Агар чарх айланиб, шу хужра остонасида Нуриддин пайдо бўлиб қолганда эҳтимол Тангри таолонинг: “Эй Одам фарзанди! Мен доимо сенга хотиржамликни раво кўраман ва айбларингни яшириб тураман. Ваҳоланки, сенга ҳеч қандай эҳтиёжим йўқ. Сен бўлсанг, менга доимий равишда муҳтож бўла туриб, фақат гуноҳ ишларни қилишга мойилсан”, деган калимасини англатишга уринармиди? Бу ҳақиқатни айтган тақдирда булар тавбага юз тутармидилар ёки “нега биз нопок бўлар эканмиз, қайси ишларимиз гуноҳ? Бўйнимизга қўйиб бер!” деб даъво қилармидилар?

Хотинининг эсон-омон уйга қайтганидан қувонган Жўра кундузи бошланган довулнинг эртага қандай кучга эга бўлиши ҳақида ўйлай бошлади. У табиатдаги ҳар бир ҳодисага физик олим назари билан қараб, хулоса чиқарарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Довулнинг бош кўтаришига сабаб бўлган иқлимнинг ўзгариши, иссиқ ва совуқ ҳаво оқимларининг тўқнашуви ва магнит тўлқинларининг ҳаракати каби ўнлаб илмий асосларни хаёлидан ўтказди. Аммо бу ҳодисаларнинг барчасида Тангри таоло қудратидан бир нишона кўриш мумкинлигини ўйлаб кўрмади. Неча миллиард тонна оғирликдаги сувни

булут шаклида осмон йўли билан олиб келиб тўкишга ҳеч қандай фан қодир эмаслигини ҳам хаёлига келтирмади. Фан қудратига ишонган одамларнинг шу довул олдида хас-чалик кучи йўқлигини тасаввур қилмади. Шамолни қўзғаб, булутни ҳайдаган, тўлқинларни кўтарган қудрат эгаси уммонни осонлик билан бу қитъа устига қозон каби ёпиб қўя олишини мулоҳаза қилиб кўрганида тили калимага келиб қолармиди...

Қўрқув титроғидан бир оз қутулган эр-хотинни уйқу элтди. Тун яримлаганда иккови бараварига уйғонди. Ҳужра эшиги тирқишларидан сизиб кирган сув кўтарилиб, каравот устига ҳам чиққан эди. Иккови шошилиб турди-ю тиззасига қадар сувга ботиб “бу нимаси?” дегандай бир-бировига қараб қолди. Жўра эшикни очган эди, енгил тўлқин ёпирилиб, сув сонига қадар чиқди. Зарина кўрқиб, унинг бўйнига осилди. Жўра нажот қаердалигини аниқ билмаса-да, Заринани суяб, ташқарига чиқди. Ҳовли томон юрмай, зиналардан юқорига кўтарилди. Иккинчи қават майдончасига етгач, ҳолсизланиб ўтирдилар. Тонгни муздек зина устида, титраб, қақшаб қарши олдилар.

Безовталиқ

Ҳамишакўнглигароҳатбахшэтибкелганбозоршовқини бугун нечундир Моҳинур кампирга ёқинқирамади. Молининг ярмини ёйганда пайдо бўлган харидор айтилган нархга кўнганида ёнидаги кўшнисини этагидан тортиб қўйди.

– Вой, нима қиляпсиз, Моҳина опа? – деди танбех оҳангида.

– Биринчи қўл, майли сазаси қайтмасин, зора қўли енгил бўлса. Қўшним айтувди, Рамазон ойида сал арзонга берилса савоби кўпроқ бўларкан, – деб изоҳ берди.

Моҳина кампирнинг бу изоҳи кўшни савдогарларга ёқмади.

– Қўшнингиз бекор айтибди, – деди чапдагиси.

– Рамазонда ҳар қанча баланд нарх қўйсангиз кўта-ради. Бир пас сабр қилсак, одамлар ўрганиб, олиб кетаверишади. Рамазон йилда бир марта келади. Шунақа пайтда ишлаб олмасак, қачон топамиз фойдани? – деди ўнгдагиси.

Харидорбундайгапларножоизеканинитушунтирмоқчи бўлган эди, хотинлар бир нафасда гўё ини бузилган ариларга айланишди-ю уни талаб ташлашди. Харидор шайтоннинг уясига чўп суққанини англаб, тезда нари кета қолди. У узоқлашгандан кейин ҳам хотинларнинг жазаваси тинмади. Бу воқеа кеча ёки ўтган куни бўлганида ҳам Моҳина кампир уларга қўшилишган бўларди. Ҳатто сафнинг олд қаторини эгаллаши тайин эди. Кечаги ҳодисадан эзилиб тургани учунми ё бу тун кўрган нохуш тушнинг таъсириданми гапга аралашгиси келмади. Хотинлар сал тинчиган онда Моҳина кампирнинг чап кўкрагида гўё бир қуш бирданига потирлаб кетгандай бўлди. Худди юрагидан ажралиб чиққан жон қушчаси потирлаб, бўғзига қараб интилгандай туюлди. Нафаси қайтиб, “Вой, ўляпман!” деб юборди. Қўшнилари кампирнинг ранги оқарганини кўриб, дарров суяшди. Ўнг томондагиси муздек тер чиқараётган пешонасига кафтини қўйди. Кейин новвот қўйқаси қолган пиёлага термосдан чой қуйиб, кампирнинг лабига тутди.

– Кеча рўза тутиб узилиб қолибсиз, ичиб олинг, – деди.

– Дўхтир чақирсакмикин? – деди чапдаги хотин.

– Дўхтирингиз нимаси, умрим бино бўлиб бир мартаям дўхтирга кўринмаганман, – деди Моҳина кампир ўзини тутишга ҳаракат қилиб.

– Тўғри қиласиз, – деб уни маъқуллади ўнгдаги хотин. – Дўхтир отнинг калласидек қоғозга бир арава дори ёзиб беришни билади. Ҳар битта дориси фалон пул. Анави куни келиним боши қоронғу бўлгани учун дўхтирга борган экан, битта дори ёзиб берибди. Суриштираман, йигирма минг сўм экан. Худди гўрковнинг хизмат ҳақи билан баравар-а! Лекигин дорининг кафолати йўқ, гўрковнинг иши пухта бўлади – суваб ташлайди. Олдирмадим ўша дорини, икки пиёла

новвот чой ичирувдим отдек бўлиб кетди. Келиннинг касалини мен билмас эканманми. Ҳамма келинларнинг касали битта бўлади. Бу касалининг оти – тантиқлик. Буни тушунмаган эси паст қайноналар келини “вой” деса тагига пар тўшак тўшаб, гирди капалак бўлаверади. Келин “вой, касалман”, деса қўлига супурги тутқизиш керак. Бунақа касалнинг давоси меҳнат. Биз шу меҳнат билан чиниқиб кетганмиз, тўғрими Моҳин опа?

Моҳина кампир ноилож тасдиқ ишорасида бош ирғаб қўйди. Чапдаги хотин эса “ҳозир сенинг келининг билан бу кампирнинг нима иши бор?” деб танбеҳ бермай, ўзининг гапини гапира бошлади:

– Ўтган ҳафта биқиним оғриб дўхтирга борсам, аперайса қилиш керак, дейди. Қўрқиб кетдим. “Бошқа иложи йўқми?” десам, “бошқи иложи мазорда”, дейди ишшайиб. “Ҳой, аперайсанг қанча туради?” десам, “сиз яхши хотинга ўхшайсиз, сизга тўрт юз доллар”, дейди. “Аперайсанг билан қўшмазор бўл, ўлсам ўла қолай, ўша тўрт юз долларни болларим худойи-пудойига ишлатар”, деб кетвордим. Бир чойнак кўк чой ичувдим, бинойи бўлиб қолдим.

Суҳбатга бошқа хотинлар ҳам қўшилиб, касални тузатишнинг осон ва арзон йўллари ҳақида гапираверишди. Моҳина иккинчи пиёладаги чойни ичгач, баданига илиқлик югурди. Худди шуни кутиб тургандай уларнинг қаршисида паттачи пайдо бўлди.

– Ҳа, опахонлар, бугуннинг салом-алигини қилиб ола-мизми?

Кўзлари ҳамиша серрайиб боқувчи қўнғизмўйлов йигитнинг салом ўрнидаги бу гапи хотинларга ёд бўлиб кетган. Йигит паттачилик мартабасини эгаллаган биринчи куни уларга шундай деб яқинлашганда Моҳина кампирнинг жаҳли чиқиб:

– Ҳой оповси, онанг сени “ассалому алайкум”дан кейин тукқанми, салом берсанг ўласанми! – деб тергаганда, у пинагини бузмай:

– Мен сизга салом бериш учун ишга кирмаганман. Менинг салом-алигим бошқача: агар шу ўринда тинчгина тирикчилик қиламан десангиз, саломни сиз берасиз. Сизнинг саломингиз – мени кўришингиз билан пулхалтани кавлаб, сўраганимни чиқариш. Менинг жавобим манави патта қоғозни йиртиб, кўлингизга тутқазиш, ҳозир бозор иқтисодими, салом-алик ҳам шунга яраша бўлади, – деган эди.

Паттачининг пайдо бўлишидан энсаси қотган хотинлар унга аввалдан ажратиб қўйган пулларини бир-бир узатдилар. Паттачи Моҳина кампирнинг қимирламай ўтиришини кўриб:

– Ҳа, онагинам? – деб кўк кўзларини унга қадади.

Унинг бу саволини “Ҳа, онагинам, сизга нима бўлди, мазангиз қочдимми?” деб ёки “Ҳа, онагинам, сиз нимага ялпайиб ўтирибсиз, чиқармайсизми пулни?” деб ҳам тушуниш мумкин эди. Бу йигитнинг хулқини яхши билган Моҳина саволдан иккинчи маънони уқиб:

– Ҳозир пулим йўқ, ҳали савдо қилмадим, – деди.

– Савдо-павдо деб бошимни қотирманг. Жойни эгаллаб ўтирибсизми, чиқаринг пулни.

– Пул йўқ, бор, додингни Худога айт!

– Менинг Худога айтадиган додим йўқ, эртага бу жойга бошқа одам қўяман. Додингизни ўлиб кетган додангизга айтиб юраверасиз.

– Мендан бу жойни олиб қўядиган паттачи ҳали додасининг белида юрибди. Бу дунёга чиқадими ё йўқми, Худо билади.

Ойда тўрт-беш марта такрорланиб турувчи бундай даҳанаки жангдан лаззат олувчи хотинлар Моҳина кампирнинг ҳозирги аҳволига ачинишдими, унинг ёнини ола бошлашди.

– Укажон, Моҳин опанинг мазалари қочиб турибди, осилавермагин. Бугун савдо қилмайдилар. Ҳозир уйларига олиб бориб қўямиз.

– Ҳов опахон, мазалари қочяптими, бошқа ёқлари қочяптими менинг ишим йўқ. Хўжайиним нечта жойдан патта олишимни биледи. Бу жойнинг паттасини чўнтагимдан тўлайманми?

– Ҳали бозор қайтишида келасан, савдомиз яхши бўлса, ўзимиз беш-ўн сўмдан тўплаб, сенга садақа қилиб берамиз. Баҳонада Рамазонда савобга етишиб қоламиз.

“Савдомиз яхши бўлса...” Паттачи ақдан озган эмаски, бунинг маъносини англамаса. Хотиннинг гапига ишониб кечки пайт келса нима бўлади? Пулни икки қўллаб тутқазадиларми? Йў-ўқ... “Бугун савсем савдо бўлмади, бир марта патта олмасанг ўлиб қолмассан”, деган “ширин” гапдан бошқаси насиб этмаслигига ақли етмаса, шу бозорни гуллашиб ишлай олармиди? Бозорнинг икир-чикирларини билмаган одам бу ҳолатни четдан кузатиб “паттачи патта пулини ундиролмай асабийлашяпти”, деб ўйлаши ҳам эҳтимол. Кўккўз йигитнинг асабийлашмаслигини, балки бозорчиларнинг жиғига тегиб роҳатланишини ўзидан бошқа яна Худогина билиши мумкин. Бозорчининг қолиб кетаётган чала иши йўқ, шу боис шошилмай гап талаша-верди. Лак-лак қўшин забт этолмаган қалъа битта хотиннинг макри туфайли эгалланганда, тўрт-беш хотин битта кўккўз паттачига бас келолмас эканми? Охири паттачи нари кетди. Аммо мағлуб сифатида эмас, бир оздан кейин нафас ростлаб, яна қайтиб келиб ҳужумни давом эттириш учун бу жойдан сал узоқлашди. Шундан кейин хотинлар яна Моҳина кампирнинг аҳволига эътибор қаратишиб, уни уйга кузатиб қўйишга қарор қилишди. Чап томондаги хотин молларни йиғиштириб қўядиган, ўнгдагиси эса кузатиб қўядиган бўлди. Моҳина “бу ёғига ўзим етиб оламан, сиз бозордан қолманг”, дегач, хотин катта кўчадаги киракаш йигитга кампирни эҳтиёт қилишни тайинлади-ю изига қайтди.

Манзилга етиб келган Моҳина кампир раҳмат айтиб, машинадан тушаётганда киракаш:

– Хола, кира ҳақини бермайсизми? – деб тўхтатди.

– Халиги хотин бермадим, сенга бир нима деяётганди-ку? – деди Моҳина кампир норози оҳангда.

– Пул бермади, “пошшахон опоқингни бошингда кўтаргандай қилиб авайлаб олиб бориб қўй”, деди.

– Зиқна бўлмай кет-а, мен аҳмоқ унинг тўйига алоҳида тугун қилиб борибман-а... – Моҳина кампир шундай деб минғирлаб, камзулининг чўнтагидан икки юз сўм чиқариб узатди.

– Хола, мени масхара қияпсизми? Камида бир ярим минг сўмлик йўл юрдик. Ёшингизнинг ҳурмати учун майли, беш юздан кечдим.

– Қолганидан ҳам кечворсанг рўза кунлари барака топасан. Бир дуо қиламан, кейин бойиб кетасан.

Моҳина кампир шундай деб дуони ҳам насиа қилганича машинадан тушиб ҳовлисига кириб кетди. Минг сўмга куйган киракаш йигит пушаймонлик оловини қандай ўчирсин? Ғўдираниб сўқиниш наҳот кифоя қилса?

Дарвоза эшиги очик бўлгани учун кампир “неварам уйда экан”, деб ўйлаб “Сухроб, ҳой Сухроб, турдингни, болам?” деб чақирди. Жавоб бўлмагач, зинадан кўтарилиб ичкарига қаради. Сухроб уйда бўлса бозордаги аҳволини баён этиб, озгина ҳасрат қилмоқчи, шу баҳонада набирасининг меҳрини оширмоқчи эди. Сухроб кўринмагач, ивирсиб ётган икки кишилик каравотни йиғиштириб, ҳовлига қайтди. Бир оз сўрида ўтирди. Кейин ўзининг уйига кириб, жойига чўзилди. Шу ётганича ухлаб, вақт асрга етганида уйғонди. Ўзини анча тетик сизди. Юракнинг потирлаши тинганидан кўнгли хотиржам тортиб, чой дамлаб ичди. Уйига кириб у-буни йиғиштирмоқчи эди, толиқди. Нафаси қайтди. Ташқарига чиқиб сўридаги бир қават кўрпача устига ёнбошлаганда дарвоза тақиллади. Ўрнидан туриб чиқишга эринган кампир “Ким, кира қолинг”, деб қўйди. Эшик очилиб, милиционер кўрингач, “пулимни топиб олиб келганмикин?” деган умидда қаддини кўтарди.

Шухрат сўрига яқинлашиб, кампирга салом берди. Моҳина алиқ олишни ҳам, меҳмонни ўтиришга таклиф қилишни ҳам, ҳатто яқиндагина ўлим даракчиси беҳаловат қилганини ҳам унутиб, уни саволга тутди:

– Ўғрини топдиларингми?

– Қидиряпмиз, опоқи, – деди Шухрат.

– Бунча кўп қидирдиларинг? – деди Моҳина зарда билан.

– Ҳозирги ўғрилар уста бўлиб кетишган-да, из қолдиришмайди.

– Киноларда кўрсатавериб уларни ўзларинг уста қилиб юборгансанлар. Одам ўлдиришнинг минг хилини, бузуқликнинг миллион хилини кўрсатасанлар.

– Опоқи, кинони биз кўрсатмаймиз, – деди Шухрат узр оҳангида.

– Сен бўлмасанг бошқаси-да! Ўғрини топмаган бўлсанг нега келдинг? – деб бўш келмади кампир.

– Суҳроб билан гаплашмоқчи эдим.

– Суҳробни нима қиласан? Сенам вовуллаган итингга ишониб келдингми? Ўғри кирганида болагинам уйда йўғиди. Шерикларингга айтганман, ёзиб-чизиб кетишган. Боламга осилаверма.

– Суҳробга осилмаймиз, ташвишланманг. Опоқи, сиз мени танимадингиз, Суҳроб билан олтинчи синфгача битта мактабда ўқиганман.

– Кимнинг ўғлисан?

– Хурсанд аканинг. Чарос кўчасида турардик. Бувимни танийсиз – Бибисора опа.

– Э, директорнинг неварасимисан, бувинг мактабга директормиди?

– Боғчага мудира эдилар.

– Ҳа, эсимга тушди, ёғлижойда ишларди. Мендақаларни менсимасди. Димоғи қуртлаб кетганиди. Энди отдан тушгандир? Ё ҳали ҳам кибри-ҳавоси баландми?

– Икки йилдан ошяпти ўтганларига.

Шухрат бу гапни маънос оҳангда айтиб, шунга яраша жавоб кутган эди. Рўмоли елкасига тушиб, бугун тароқ тегмаган оқ сочлари очилиб қолганига эътибор бермаган кампир бу нохуш хабардан мутаассир бўлмади:

– Дунё шунақа, осмонга устунман, деганларни ҳам гўрга тиқиб ташлайди...

Моҳина кампирнинг бу гапида ҳақиқат мавжуд бўлса-да, баён қилиш оҳангида захар мавжуд эди. Шухрат муз устига ялангоёқ тушгандай бир сесканиб олди-да “Ҳали ҳам юрагида сақлаб юрган экан-да?”, деб қўйди. Шухрат бешинчи синфда ўқиётган дамларда бувиси бу кампир билан гап таллашиб, юмдалашишига салгина қолганди. Набирасининг туғилган кунида Моҳинанинг меҳри жўшиб, ҳақиқий футбол тўпи совға қилган эди. Бундай ноёб совғага етишган ҳар қандай бола фақат футбол ўйнаш учун эмас, тўпни кўрсатиб, мақтаниш учун ҳам кўчага югуриши тайин. Тўп янгилигида бу боланинг ўртоқлари олдидаги мавқеи ҳам баланд бўлади. Шундай экан, Сухроб тўпни сандиққа ташлаб қўярмиди? Кўчага олиб чиқди. Мақтанди. Сўнг футбол ўйини бошланди. Шухрат тепган чокда яп-янги тўп йўл ёқасидаги дарахт танасига тегди-ю катта кўчага тушди. Сўнг енгил машиналар орасидан юмалаб бориб, КамАЗнинг ғилдираги остига тушиб, ёрилди. Буни машъум ҳодиса сифатида қабул қилган Моҳина Шухратнинг қулоғидан чўзганича уйига қарийб судраб борди. Набирасининг қулоғи қизариб кетганини кўрган Бибисора Моҳинага айтадиганини айтди. Моҳина тўпнинг пулини беришларини талаб қилди. Агар боланинг қулоғи чўзилиб, азоб берилмаганида Бибисора пулни қизғанмасди. Моҳинанинг шаллақилигидан кейин у ҳам “тўп ўйин пайтида ёрилган, атай тепмаган”, деб қайсарлик қилиб туриб олди. Агар ўшанда Шухратнинг бувиси пулни берганда Моҳина дунёда шундай хотин борлигини унутиб юборган бўларди. Бу олишувдаги мағлублик аламини эсдан чиқариш осон эканми? Орадан йиллар ўтиб ўша хотиннинг невараси милиса ки-

Имида унга рўпарасида турса-я! Моҳина энсаси қотганини **я**ширмай:

– Тоғанг милисамиди, ўлдириб кетишганмиди? – деб **с**ўради.

– Амакимни...

– Ҳа... ажали етганда... Сенам милиса бўлдингми? **К**он тортганда... Асли сенларнинг уруғингдан яхши одам **ч**икмаган бўлсаям керак?

Шухрат кампирнинг ёшини ҳурмат қилиб, унинг **ҳ**ақоратига чидаса ҳам эътироз билдиришдан ўзини тўхта-**та** олмади:

– Милиса бўлиш ёмонми?

– Мен милисанинг яхшисини кўрмадим. Тағинам **ҳ**озир сал попукларинг пасайиб қолди. Олдинлари бозор-**да** тинчлик йўқ эди. Қувлагани қувлаган эди яшшамагур-**лар**. Милисанинг шапкасини узоқдан кўрсам ҳам юра-**гим** зириллаб турарди. Неччи марталаб молимни олиб **к**ўяй дейишган. Менга қолса, дунёда биттаями милиса **қ**олдирмаган бўлардим.

Кампирнинг касб-корини яхши билган Шухрат бу гап-**лар**ни малол олмай, истехзо билан кулиб қўйди:

– Опоқи, дунёда милиса зоти қолмаса, пулингизни **к**им топиб беради?

– Сен олдин пулимни топиб, мана бу ерга қўй, – кампир **ш**ундай деб ён томонига шапатилаб қўйди, – кейин катта **га**пир. Юлдузингга қараганда кичкина одамга ўхшайсан, **қ**ўлингдан бирон иш келармикин?

Ҳаёти давомида ҳалол хизмати билан эл эътиборини **то**пган, фарзандларининг солиҳлиги туфайли одамларнинг **мин**натдорлигига эришган аёл шундай деса ранжимаса ҳам **б**ўларди. Кампирнинг невараси тенги йигитга қўполлик **қ**илиши аслида бунданда қўполроқ жавобга лойиқ эди. Ле-**кин** Шухрат бу сафар ҳам ўзини тутди.

– Сухроб нима қияпти, ўқияптими? – деди унинг га-**пин**и эшитмагандай.

– Ўқиб нима қилади, менга шаҳар олиб берадими? Ана, ўқиганларнинг биттаси отасими? Шунча йил турмуш қуриб хотинига битта иштон олиб беришга қурби етмайди.

Бу гапни Моҳина кампир айтди-ю эшитган Шухрат уялиб, ундан кўзини олиб қочди. Сўнг ишончсиз оҳангда:

– Ишляптими? – деб сўради.

– Ишлаб нима қилади? Ота-онаси Америкада, яқин орада уям кетади ўша ёққа.

– Нега бирга кета қолмади?

Моҳина кампир бу саволга жавоб бергиси келмай жим қолди. Кейин “бу сурбет милиса бошқача ўйламасин”, деб “бунни мен билармидим”, деб минғирлади.

– Рухсат тегмадими? Оёқ олиши чатокрокмиди? – деб саволни давом эттирди Шухрат.

– Нега чаток бўларкан? Милисасанда, а? Хаёлинг дарров ёмонликка тортади. Болам, Худога шукур, ақлли. Ёмон йўлга юрмайди. Фақат чекиши ёқмайди менга.

– Наша чекадими?

– Ҳай-ҳай, нафасингни ел олсин-а! Попирис чекади. Ўзинг ҳам чекарсан?

– Йўқ. Мен ўқиган жойда чектиришмасди. Унча-бунча ичиб ҳам турадими?

– Ҳой, намунча суриштириб қолдинг? Боламга осил-маларинг, дедим-а, сенга?

– Суриштираётганим йўқ, шунчалик гап келиб қолгани учун сўрадим. Опоқи, сандиғингизни кўришим керак.

– Нега кўраркансан? Шерикларинг кўриб кетишган, шу етади сенларга.

– Сандиғингиз иккита экан, ўғри нима учун биттасига тегмаганийкин?

– Бунни мендан сўраяпсанми? Сен ўша ўғрини тутгинда, гирибонидан бўғиб сўрасанг айтиб беради.

– Бирор нарсадан чўчиб шошилиб қолганмикин, дейман-да, – деди Шухрат кампирдан кўз узмай. – Опоқи, Сухроб қаердайкин, бир гаплашиб олишим керак.

– Эрталаб келсанг, кўрасан ўртоғингни. Пешингача ух-
лайдиган одати бор.

Моҳина шундай дейишга деди-ю шуни бекор айтдим,
деб афсусланди. Афсусини сиртга чиқармаслик учун гап
оҳангини бирдан ўзгартирди:

– Ҳой, болам, сен ўзимники экансан, гапимга кулоқ
сол: ўғрини топмасаларинг ҳам майли, олган пули буюр-
масин, жувонмарг бўлсин. Сен пулимни давлатдан олиб
бер. Менам тинч, ўзларингам тинч.

Кампир ҳозиргина ғашини келтираётган йигитга энди
умид билан боқди. Шуҳрат бунинг иложи йўқлигини ту-
шунтиришдан наф йўқлигини билиб: “Опоқи, ўғрини то-
памиз”, деди-да, изига қайтди.

Ишхонасига боришга шошилмай маҳалладаги таниш
йигитлардан иккитасига учрашиб, болалик кезларини
эслаган бўлди. Гап орасида Сухробнинг туриш-турмуши-
дан гап очгач, ўзи учун зарур бўлган айрим маълумотларни
билиб олди.

Олғиртой

Шуҳрат шом қоронғуси тушганда хонасига қайтиб,
чирокни ёқди. Менглиев навбатчига “Шуҳрат келса мени
пойласин, кетиб қолмасин”, деб тайинлаган экан. Бу
топшириқни эшитган Шуҳрат “Мени ёш бола ўрнида кўрар-
кан-да”, деб ўйлаб, ғашланди. Тўрт йиллик ўқиши давомида
бир неча марта амалиётга келган одам милиция идораси-
даги иш оқшомда якунланмаслигини, аксинча, қизишидан
хабардор эмас эканми? Бошлиқдан топшириқ олгач, ал-
батта, ҳисоб бериши шартлигини англамаган ходимнинг
паттасини қўлига тутқазиб юборишлари аниқлигини ким
билмайди?

Шуҳрат узоқ кутмади. Менглиев келгач, аввал кампир
билан бўлган суҳбатни баён қилди. Кампирнинг охирги ил-
тимосини эшитиб, капитан кулди:

– Шунақа дедими? Ўзи ўша сандикда пул бўлганмикин? Ё хаёлидаги гаплар билан бизни чалғитяптими? Уйда бегона бармоқ излари йўқ. Ит неварасига қараб вовуллабди?

– Мендаям шунақа гумон туғилди.

– Ўтбосаров эса “Ўлимликка ҳам шунча пул тўплайдими?” деб ажабланияпти.

– Мен бу кампирнинг қанақалигини сал-пал биламан. Ўн сўм ўғирлатган бўлса, “минг сўмимни ўмариб кетишди”, деб ваҳима қилиши ажабланарли эмас. Бундан ташқари яна бир муаммо бор: кампир ҳамиша бозорда тирикчилик қилган. Бунақа одамларнинг пуллари янада кўп бўлиши аниқ.

– Ўғирлатилган пулни атай камайтириб даъво қиляпти, деб ўйлаяпсанми? – Менглиев шундай деб истехзо билан кулимсиради. – Эсинг жойидами? Бунақа қилиқни катта бойлардан кутса бўлади. Улар “шунча бойликни қаердан ва қандай қилиб топдингиз?” деган саволдан қўрқиб, асл ҳолатни беркитишади. Бир-икки миллион сўм ўғирлатса, бизни овора қилиб ўтирмайди. Билишимча, кампирнинг қишда бировга текинга қор бермайдиган тоифадан.

– Бахиллиги аниқ. Кейин... – Шухрат бошлиғига қараганича мийиғида кулимсиради, – биринчидан, у менинг кампирим эмас, иккинчидан... менинг эсим жойида.

– Ҳазиллашдим, – деди Менглиев, – гапимни дарров малол олдингми, сирканг сув кўтармас экан-ку, а? Қани, эсинг жойида бўлса, фикрингни тушунтир менга.

– Савдогарлар ҳозир фойдани нима қилишади? Дарров долларга алмаштириб қўйишади ёки қимматбаҳо буюмлар сотиб олишади. Ўғри буни билмаганми? Сўмлари сандикда экан, долларлари-чи? Нега қидирмаган? Кампирнинг қизи билан куёви Америкада экан. Улар ҳам доллар юбориб туришгандир?

– Неварасидаги гумонни олиб ташламоқчимисан? Доллар қаердалигини билса, уни ҳам оларди, демоқчимисан?

– Гумондан бутунлай воз кечганим йўқ. Қари одамлар ўлимликка атаганларини бошқаларга кўрсатиб қўядилар. Кампир ҳам шундай қилган бўлиши мумкин. Долларни яширган жойини неварасидан яширган бўлса, бу уйда яқин кунларда яна бир ўғирлик содир этилиши эҳтимоли бор.

– Сабаб?

– Маҳалладаги танишларим билан гаплашдим. Кўпчилик ярим ҳазил, ярим чин оҳангида Сухробга “алкаш” деган лақаб қўйиб олибди. “Қуруғидан тортиб турса керак” деган эҳтимол ҳам бор. Хотини билан ажрашган. Ота-онаси уни Америкага олиб кетмоқчи бўлган-у эплай олмаган. Ўзи ҳеч қаерда ишламайди. Қарзга ботган бўлса, энг осон йўл – ўғрилик фаолиятини ўз уйида бошлаган.

– Гумонларингда жон бор. Лекин эҳтимоллик назарияси физикларга асқотиши мумкин, бизнинг ишимизда бир одамни “жиноят”чи деб айблаш учун гумон асос бўлолмаслигини академиянга ўқитишган бўлса керак?

– Ўқитишган. Эртага эрталабдан бошлаб шу гумонни ҳақиқатга қанчалик алоқаси борлигини аниқлашга киришаман. Битта ишда ёрдамнингиз керак.

– Хайрият, менга ҳам иш қолар экан. Жиноятчини бир ўзинг топиб, мукофотни илиб кетармикинсан, деб қўрқиб турувдим, – деб ҳазиллашди Менглиев.

– Агар кичик бир жиноятни очиш учун ҳам мукофот беришса, учдан иккиси сизники, – деб ҳазилга ҳазил билан жавоб берди Шухрат.

– Худо билади, шу “кичик бир жиноят”ни очган кичик ходимга катта мукофот тайин қилиб қўйгандир? – Менглиев “кичик бир жиноят” деган иборани атай пичинг билан гапириб, сўнг жиддий оҳангга кўчди: – Қандай ёрдамим керак сенга?

– Америка элчихонаси Сухробга рухсатнома бермаганга ўхшайди. Шунинг сабабини аниқлашимиз керак.

– Яхши, аниқлаймиз. Сен яна бир муҳим далилни унутяпсан, шуни ўйлаб кўр?

– Қайси далилни?

– Қайси далил эканини ўзинг аниқла. Айтмоқчи, ўша ёққа борганингда Самиевникига бир қараб қўймадингми? Қамокдан чиқарганингга раҳмат демадимми?

– Кирдим, раҳмат демади, чунки уйида йўқ экан. Онаси бор экан, лекин у ҳам негадир раҳмат демади. Бир-икки нарсани сўраб аниқламоқчи эдим, “адвокатсиз гаплашмайман”, деб туриб олди. Ҳуқуқини жуда яхши биладиган хотин экан.

– Индамай қайтавердингми?

– “Эртага соат тўққизда адвокатингиз билан идорага борасиз”, девдим сал бўшашди.

– Нимани сўрадинг?

– Самиев сўроқ пайтида “ўн бирдан ўн тўртга қадар “Эммануил” деган кинони кўриб ўтирувдим” деган эди. Онаси “тўғри айтибди, менам бирга кўриб ўтирувдим” дейди.

– Шунга ишондингми, келишиб олган бўлиши мумкинмасми?

– Ишонишга ишонмадим. “Ўғлингиз билан бирга шу кинони кўришга уялмадингмизмизми?” десам, “нимасига уяламан, оддий эротика-ку?” дейди. Шунга ҳайрон бўлдим.

– Нима, жудаям уят киноми?

– Уят-ки... инсон зотига кўрсатиб бўлмайдиган нарса.

– Шунга ажабланиб ўтирибсанми? Яқинда яширин фоҳишахонани босган эдик. Элликларга борган бир киши билан ўттизлардаги одамни суриштирсак, қайнота билан куёв бўлиб чиқди. Бунга нима дейсан? Биз қайнота билан куёвни биргаликда бузуқлик қилаётгани учун жазолай олмаемиз. Она билан ўғилнинг бузуқ кино кўриши ҳам биз шуғулланадиган иш эмас.

Шухрат буни яхши билади. Лекин шу бузуқликлар охири оқибат бирон жиноятга олиб боришини ҳам билади. Жиноят содир этилгач, шу жиноят илдизлари қидирила бошланади. Қачондир шу илдизга дуч келингани ва аҳамият

Берилмагани эса ўшанда эътиборга олинмайди. Эртами **индин** бу бўйдоқ йигит бирон қизнинг номусига тегса, **онаси** билан беҳаё кино кўргани жиноят илдизи сифатида **қайд** этилмаслиги ҳам мумкин. Афсусли жойи ҳам шунда... **Шухрат** бошлиғининг гапига иш юзасидан қўшилса ҳам, **мантиқ** юзасидан ҳамфикр бўла олмас эди.

– Шунақа-ю, лекин... – деб эътироз билдирмоқчи эди,

Менглиев гапини шарт кесди:

– Ўша кинонинг бу жинойи ишга алоқаси борми?

– Бевосита алоқаси йўқ, – деди Шухрат бўшашиб.

– Унда Самиевага “оталар сўзи”дан фалсафа сўқишинг-**нинг** ҳожати йўқ эди.

– Фалсафа сўқмадим. Самиевнинг нималарга қизиқиши **унинг** қанақа одамлигини билдирмайдими?

– Унинг қанақалиги, ана, ҳужжатларда аниқ ёзилган.

– Ёзилишга ёзилган. Лекин онаси ҳам, боласи ҳам ол-**динга** “Иш”да тухмат бўлган деб туришибди. Онаси “наша-**ни** тухматчилар атай ташлаб қўйишган”, дейди. “Э опоқи, **юз** грамм қорадорини ташлаб қўйиш мумкиндир, икки кило **нашани** қандай ташлайди?” десам ҳам гапидан тонмайди.

– Сен у ерга эски гапни титгани кирганмидинг?

– Йўқ... – Шухрат шундай деб, айбига иқрор бўлган-**дай** бошини эгди. Кейин ўзини оқлашга куч топди: – Лекин **икки** “Иш” орасида боғлиқлик бўлиши мумкин-ку? Улар-**нинг** олдинги “Иш”ида чалкашлик борга ўхшаяпти. Бал-**ки** шериклари нашани уларникига яширишгандир. Балки **асосий** ишбошилар четда қолиб, жазога Самиевни рўпара қилишгандир. Ҳисоб-китоб ўтгач, қайтадан нашафуруш-**лик** қилишаётган бўлишса-чи? Самиевнинг олдинги “Иш”и қайта тергов қилинса-чи?

– Бу сен билан менинг ишимиз эмас. Нашафурушлар билан шуғулланадиган одамлар бор. Сен ўқиб келган наза-**риянг** билан бошимни қотираверма.

– Унда Сухроб “алкаш” билан Самиевнинг яқинлиги сабабини ўрганишга рухсат беринг.

– Яхши, ўрган, лекин чуқурлашма, вақтни ҳам чўзма. Бўлимнинг зиммасида қанча “Иш” бор, биласанми? Эртаиндин амнистия эълон қилинса, бу ўғирлик бўйича тергов ишлари “кичик бир жиноят” сифатида тўхтатилади. Буни ҳам ҳисобдан чиқарма.

Самиевнинг олдинги жинояти бўйича олиб борилган терговда чалкашликларга йўл қўйилганини Менглиев ҳам аниқлаган эди. Ражабнинг Сухробни кино кўришга таклиф этиши ҳам бежиз эмаслигини ҳам фаҳмлаганди. Шухрат икки жиноят орасида боғлиқлик борлиги ҳақида гапира бошлаганда шогирдидан қувонса-да, унинг шаштини атай қайтарди. Эски “Иш” бўйича терговни қайта қўзғашнинг ўзига яраша мураккабликлари бор, уни ўқишни эндигина битириб келган ёш мутахассис амалга оширолмадлигини билгани учун ҳам кескинроқ, ҳатто қўполроқ гапиришга мажбур бўлди. Ўзининг Самиевлар оиласини ўргана бошлаганини эса яширди.

Шухрат Сухробни учратиш ниятида унинг уйига кун ёйилганда келди. Ўзини кечагидан тетикроқ хис қилган Моҳина кампир бозорига жўнаб бўлган эди. Дарвоза оғзида юк машинаси турганини кўриб Шухрат уйга яқинлашмай, аввал кузатди. Икки йигитнинг уй жиҳозларини ортаётганини кўргач, “кўчиб кетаётибдимми?” деб ўйлаб, қадамини тезлатди. Сигарет тутатаётган ҳайдовчи унга эътибор бермади. Диван кўтариб чиқаётган икки йигит милиция кийимидаги Шухратга аввалига хавотир билан қараб қўйдилар-у кейин “бизнинг вазифамиз ҳаммоллик, гапинг бўлса, ана, хўжайин турибди”, дегандай унинг ёнидан жимгина ўтишди.

Шухратни танимаган Сухробга милициянинг бу ташрифи ёқинқирамади.

– Братан, сизга ким керак? – деб сўради пешонасини тириштириб.

– Менга Олғиртой керак.

Мактабдаги лақабини эшитган Сухроб Шухратга тикилиб қараб қолди-да, истамайгина жилмайган бўлди:

– Шурик, сенмисан?

Узоқ вақт учрашмагани туфайли бир-бирини соғинган **икки** кадрдон дўст бундай ҳолда кучоқлашиб кўришади. **Тўрт**-беш йил кўришмаган бўлса-да, соғинмаган, бир-бирини эсламай яна қирқ-эллик йил яшай оладиган **икки** йигитнинг қўл олиб сўрашиши ҳам катта гап.

– Оббо Шуриг-е, танимабман-а, погонлар зўр-ку? **Ми**лиса академиясига кирганингни эшитувдим. Кейин “**ҳай**далиб кетди”, дейишувди. Батканг зўрда, а? Ўқишни **бит**иргунигча баткангнинг чўнтагини қуритгандирсан? **Шу** иккита юлдузча қанчага тушди энди?

– Анчага, – деди Шухрат муғомбирлик билан кулимсираб.

– Ҳайдалганинг ростмиди, нега ҳайдашувди?

Шухрат ўқишдан ҳайдалмаган эди. Сухроб гапни ўзича чалғитяптими ё ростдан бировдан эшитганмиди, **Шухрат** билишга қизиқмади. Сухробнинг “қуруғидан тортиб туриши” эсига тушиб, гапни шу томонга бурмоқчи бўлди.

– Қуруғидан тортиб турардик, қўлга тушиб қолдим.

– Ҳа-а... академиядагилар тортиб туради, деб эшитгандим. Биттаси ўзинг экансан-да? Ўқишни тиклаганингдан кейин ташлагандирсан?

– Ташладим-у, барибир кўнгил қўмсаб туради.

– Кўнгил қўмсаса ёмон.

– Сен қаердан биласан? Тортганмисан?

Бу саволдан кейин Сухроб кўзларини олиб қочди. Шухрат “Ҳозирча шу етарли, бу мавзудаги гапни давом эттиришдан маъно йўқ”, деган қарорга келиб, “Нима, кўчяпсанми?” деб сўради.

– Қаёққа кўчаман? – деди Сухроб, довдираб. – Пахан телефон қилиб, эски мебелларни сот, деб буюрдилар. Америкадан янгисини олиб келишаркан.

– Америкадан? Шу ернинг ўзида Италиянинг зўр мебеллари тиқилиб ётибди-ку?

– Паханнинг ўзи билади, балки пулни у ёқда топиб, мебелни шу ерда олар?

– Уйлангансан, деб эшитувдим, хотининг кўринмайдими?

– Хотинни бир тепиб келган жойига кетқизворганман.

– Нега?

– Шалава экан, биласан-ку ҳозирги товукларга ишониб бўлмайди.

– Қараб, суриштириб олмайсанми?

– Бабкам топган эди, суриштиришга кўярмиди?

– Бувинг қаердалар ҳозир?

– Биласан-ку бувим деловой бабка. Кунда бир бозорга тушмаса, касал бўлиб қолади.

Машинанинг ён тўсиғини ёпган йигитлардан бири “Хўжайин, бўлдик”, деб қўйди. Сухроб Шухратга “мен ҳозир келаман”, деди-да, аввал машина ҳайдовчисига яқинлашди. Ундан пулни олиб санагач, йигитларга хизмат ҳақини берди. Ҳаммоллар юқорига чиқиб ўтириб, машина ўрнидан жилгач, Сухроб Шухратнинг ёнига қайтди.

– Сен ҳойнаҳой ўғрини қидириб келгандирсан?

– Мен Сухроб деган ўртоғимни кўргани келдим.

– Сухроб деган ўртоғингни унутворгандинг-ку, нечук эсингга тушиб қолди? Бабкамнинг сандиғига ўғри тушишини пойлаб юрувдингми?

– Ўзинг-чи, ўқишга кирганимни эшитган экансан, бир марта борсанг ўлармидинг? Борсанг, ҳеч бўлмаса қуруғига ўргатардим, – Шухрат шундай деб унга айёрона тикилди. Сухроб қўл силтаб қўйди.

– Бўпти, гина қилаверма, қуруғинг ўзингга буюрсин. Агар мени кўргани келган бўлсанг, кетдик.

– Қаёққа?

– Томоғим қуриб кетди. Пиво ичамиз. Сени меҳмон қиламан.

Меҳмондўст одам мезбонга уйида ҳеч бўлмаса бир пиёла совуқ чой таклиф қилгувчи эди. Сухробда бундай

Одоб йўқ, дейиш мумкин эмас. Бувисидан оз-моз бўлса-да, одоб ўрганган. Фақат бошқалар каби “уйимизга киринг, чой ичиб кетинг”, демоқлик ўрнига “уйга кирмай-сизми, те-ез чой қилиб бермайманми?” дейишга одатланган. Ҳозир ўшандай ёлғон манзират билан ичкарига таклиф қилишни истамади. Шуҳрат манзиратнинг сохталигига фаҳми етмай, “уйга кириб бир пиёла чой ичишга” кўнса-ю бу орада бувиси келиб қолса, мебелларнинг сотилгани ошкор этилишидан чўчиди. “Адам телефон қилиб, “мебелларни сотиб юбор”, дедилар”, деган ёлғонга бувисини ишонтириши осон эмаслигини биларди. Бувиси ғазабланиб, бақир-чақир қилмаса-да, бир-икки кун давомида минғирлайвериш оғримаган бошини оғритиб юбориши мумкинлиги учун сирнинг ошкор бўлишини хоҳламаётган эди.

Шуҳратни пивохўрликка таклиф этишидан бошқа мақсади ҳам бор эди. Милиция кийимидаги ўртоғининг ўқиш чоғида наша чекиб тургани унда умид уйғотган эди. Кеча Макс “менга бойваччаларни ўргатиб бер”, деб катта гапирганди. Сухробнинг назарида Худо гўё унга марҳамат этиб, бойваччани унга рўпара қилиб қўйди. Сухроб болалиги шу маҳаллада ўтган ўртоғининг сароймонанд уйда яшашини эшитган эди. Отасининг қандай вазифада ишлашини билмаса-да, давлатмандлар маҳалласида истиқомат қилувчи бу оиланинг бадавлатлиги унда шубҳа уйғотмасди. “Бир марта наша тортса бас, бир ҳафтада “игнага ўтириши” аниқ”, деган ишонч унинг кўнглига қувонч бағишлади. Чунки нияти амалга ошса, бу бойвачча ўртоғи унинг “олтин балиғи”га айланади-ю хизматини қилиб юраверади. Қарздан қутилиши билан бу “олтин балиқ”ни қармоққа илинтириши унга омад эшигини очиб юборгандай бўлди. Қон ҳидидан зийрак тортиб, ўлжа томон талпинган ваҳший ҳайвон каби у ҳам ҳамлага шайланди. “Бу милиса ўртоғим мени лақиллатаётгандир”, деган ўй бир ёришди-ю, аммо унга ҳукмини ўтказа олмади.

Суҳроб йўловчи машина тўхтатиб Шуҳратни ўзи севган масканга олиб борди. Ҳашаматли дискотека яқинидаги номи “қаҳвахона”, бироқ, асосан пиво билан савдо қилувчи кўримсизроқ жой унинг кундузги оромгоҳи эди. Кеч кирганда йўлни кесиб ўтиб дискотекага кирарди. Кеча собиқ синфдошлари билан суҳбатлашаётганда Суҳробнинг бу одатидан хабар топган Шуҳрат соябон остидаги стулга ўтириб, унинг ҳаракатларини диққат билан кузатаверди. Суҳробнинг кунда-шунда эканига кўникиб қолган пивохо-на хўжайини унинг милиционер билан келганидан хавотирланиб, “тез хизмат қил”, деган маънода дастёрига имлаб қўйди. Дастёр бола икки кружка пиво билан ликопчада тўртта қурут келтириб қўйди.

– Қоқбалиқ йўқми? – деди Суҳроб унга норози қиёфада қараб.

– Тамом бўлибди. Ҳозир олиб келишлари керак.

Дастёр нари кетгач, Шуҳрат кружкани Суҳроб томон сурди:

– Мен ичмайман.

– Нега? – деб ажабланди Суҳроб. Кейин пичинг қилди: – Ота ўғил бўлиб француз конъягига ўрганган одам пивони назарга илармиди?

– Хўжайиним пивонинг ҳидини ёмон кўради, ҳозир ишга боришим керак, – деди Шуҳрат соддалик билан.

– Унда нима ичасан? Ие, ментлигинг эсимдан чиқибди. Ментлар қаҳва ичишса керак, а? – Суҳроб саволига жавоб кутмай ўрнидан турди-да, ичкарига йўл олди. Дам ўтмай бир шиша “Фанта” кўтариб қайтди. – Булар ментларнинг қаҳва ичишини билмас экан. Шуни эрмак қилиб тур, ҳозир қўшниларидан топиб келишади.

– Бу ерда обрўйинг зўрга ўхшайди, а? – деди Шуҳрат шишанинг қопқоғини оча туриб.

– Обрўйи йўқ эркак эркакми, ўзимга ярашаси бор. Лекин... ҳафа бўлмагин-у устингдаги кийимингни ечиб қўйсанг, сени биров икки пулга олмаса керак.

– Катта кетма, – деди Шухрат зардали оҳангда. – Менам кўча кўрган эркакларданман. Бу кийимни бир-икки ойдан кейин барибир ечиб ташлайман. Шунча йил адамнинг кўнпулларига қарадим, энди менинг кўнглимга қарашсин. Отаподшоҳ, ўғил қул эмас, мен бу ҳақиқатни амалга оширмагунимча қўймайман.

Шухратнинг бу гаплари Сухробга ёқди. Энди олтин балиқ унга умид билан боқиб, думини ликиллатганича “қармоқ ташламайсизми, акахон?” деяётгандай бўлди.

– Олдинлари ҳам шунақа ўғил болалигинг бор эди, айнимабсан, қойилман. Шунча умрингни совурганингга яраша бир-иккита ўғрини ушладингми?

– Ишни энди бошладим-ку, ўғрини ушлаш осонми?

– Унда бизникига тушган ўғри нима бўлади? Кўшнимизни олиб кетишувди, чиқариб юборишибди-ку?

– Ҳа, чиқариб юборишди.

– Нега?

– У ўғирламаган.

– Ким ўғирлаган?

– Ҳеч ким.

– Бу нима деганинг?

– Уйлариנגга ҳеч ким кирмаган. Бувинг пулни бошқа ёққа беркитиб, гангиб қолганлар. Ҳали қараб тур, эрта-индин пулларини бошқа бир қавақдан топадилар. Қариганда одам шунақа склероз бўлиб қолади. Икки ой олдин кўшнимиз “пулларимни ўғирлатдим”, деб вой-войлаб қолди. Лекин милиса чақирмай, фолбинга борибди. Фолбин фол кўриб “пулингизни келинингиз олган”, дебди. Келиннинг отаси салкам миллионер бўлса ҳам уни ўғрига чиқаришди. Туппа-тузук яшаб юрган эр-хотинни ажратиб юборишди. Келин уйига кетгандан кейин пул топилди. Саксонга бориб қолган одамнинг эси нима бўларди, ўзи беркитган жойни унутиб ғалва қилиб юрибди. Бувинг ҳам шунақа қияптилар.

Ўртоғидан кўз узмай гапираётган Шухрат унинг чехраси ёришаётганини сизди. Хавотирдан қутулиш умиди

туғилган Сухроб ишончини қатъийлаштириш мақсадида сўради:

– Бу сенинг гумонингми ё хўжайинларинг шунақа дейишяптими?

– Хўжайинларим шунақа дейишяпти. Яқинда амнистия эълон қилинса, “Иш” ёпилади.

– Пул топилмаса, бабкам куйиб қолаверадиларми?

– Сен ўша пулни кўрганмисан?

– Бабкам пул кўрсатадиган соддалардан эмаслар.

– Бувинг бозорни яхши биладилар, шунча пуллари бор экан, нега долларга айлантириб қўймаганлар?

– Олдин айлантирардилар. Тўплаганларини адам билан ойимнинг Америкага кетишларига сарф қилиб юборибдилар.

Шу пайт Шухрат учун кутилмаганда уларнинг яқинида Ражаб пайдо бўлди. Ражаб “Бу мент нима қилиб ўтирибди?” деган ўйга бормай тўғри келаверди. “Қалайсан?” деб Сухробга қўл узатгач, Шухрат билан ҳам сўрашди:

– Милиса пивоходнада сўроқ қилса ҳам бўларкан-у мени қафасга тиқиб, эзиб ташладиларинг-а?

– Сизни мен қамаганим йўқ.

– Биламан, сиз чиқардингиз. Лекин мен учун бунинг фарқи йўқ. Энди навбат буникими? Ишни шу ерда пишитасизми ё буни ҳам бир-икки кун тиқиб қўясизми?

– Нафасингни совуқ қилма, Шухрат менинг қиз ўртоғим, олтинчигача бирга ўқиганман. “Иш”инг Шухратга тушган бўлса, омадинг бор экан, бу қитмирлик қилмайди. Чиқариб юборгани учун битта банкетга қарзсан, ўтир, хода ютганмисан, биттадан ичамиз.

– Гап йўқ, битта банкет мендан. Лекин ўтириб чиққаним учун сенам битта банкетга тушасан.

– Мен нега тушарканман?

– Мен сенинг касрингга қолдим, ҳақини тўлайсан.

– Нима деяпсан?

– Бўпти, буни кейин гаплашамиз. Кеча Максга бир **шима** ваъда қилган экансан. Пойлаб турибди, ҳозир **ми-**
нистрга учрашиши керак экан.

– Ўзи қани? – деди Сухроб атрофга аланглаб. Ра-
жабнинг келиши, “Макс” деган исмни тилга олишидан
гашланганини Шухрат сездди. – Ваъда берган бўлсам, бажа-
раман, ҳовлиқмасин.

– Юр, пойлаб турибди, – деди Ражаб энди кескинрок
охангда.

Сухроб истамайгина ўрнидан турди. Лекин Ражаб-
га дарров эргашмади. Кружкани қўлга олиб, икки қултум
пиво симирди-да, лабини кафтига артгач Шухратга “Ҳозир
келаман”, деб юрди. Бу орада дастёр финжонда қаҳва
келтириб, Шухратга узатди. Сухроб кетган томонга орқа
қилиб ўтирган Шухрат Макс дегани ҳам, Ражаб ҳам гумон-
сирашлари мумкин, деб дарров ўгирилиб қарашдан ўзини
тийди. Лекин Макс деган одамни кўришга қизиқиши куч-
лилик қилиб, ўтирилди. Аввал Ражаб, унинг изидан Сухроб
муюлишдан бурилиб, кўздан йўқолишди. Ҳозир министр-
га учрашиши лозим бўлган одамнинг беркиниб туриши
Шухратда шубҳа уйғотди. “Бир пивохўрдан ниманидир
илтимос қилган одам министр қабулига кира олармикин?
Бунақаларни министрнинг қоровули ҳам яқин йўлатма-
са керак? “Министр” балки кимнингдир лақабидир? Улар
мени кўришган. Самиев тап тортмай келди. У панада қолди.
Менга кўринишни истамадимми? Нега? Бирон нимадан чў-
чидими? “Иштонсизнинг ҳадиги чўпдан” деган мақол бор,
булар нимадан ҳадиксирашади?”

Шу саволлар гирдобидида ўтирган Шухрат орқасига яна
бир ўгирилганда Сухроб кўринди. Шухрат унинг қўлидаги
гугуртга эътиборини қаратди. Сухроб ўртоғининг қараб
турганини кўриб, гугуртни чўнтагига солди. Яқиндагина
ўзини бойвачча ҳисоблаётган одам Максга учрагандан ке-
йин пулдан айрилиб, аламдан ёнаётган эди. Гарчи қарздан
кутулган бўлса-да, бу унга кўнгил хотиржамлигини берма-

ган эди. Чунки ҳадемай яна қарз халтасининг очилишини биларди. Макс “нега мент билан ош-қатиқ бўлиб ўтирибсан?” деб дағдаға қилганида у “яхшилаб таниб ол, кейинги ҳафтада уни сенга лаққа гўшт қилиб топшираман”, деб поугини пасайтириб қўйди.

Бу гаплардан беҳабар Шухрат “Макс деганинг ким, нима иши бор экан”, деб суриштириб ўтирмади.

– Қаҳваси зўр экан, сенинг обрўйингдан фойдаланиб, маза қилиб олдим, – деди кулимсираб.

– Мен билан юрсанг шунақа маза қилаверасан. Уйланганмисан?

– Уйлансам сени тўйга айтмасмидим?

– Айтмаслигинг ҳам мумкин. Сен академияда ўқиган одамсан. Биз ўқимаган лақмамиз... ўқимаган бўлсак ҳам, уққанларданмиз.

Бу пичинг Макс билан бўлган учрашувнинг ҳосиласи эканини билмаган Шухрат “қани, гапиравер-чи” дегандай кулимсираб ўтираверди.

– Нега шу пайтгача уйланмадинг?

– Уйлантирамиз дейишганда қуруғидан тортиб туришим фош бўлиб қолиб, қиз томон айнаиди. Кейин адам “аввал ақлингни йиғиб ол”, дедилар. Ақлимни йиғиб олувдим, энди дурустроқ қиз топилмаяпти.

– Шуни проблема деб юрибсанми? Бугун кечқурун дискотекага кел, на любой вкус. Хоҳласанг, бир кунлик хотин, истасанг, бир-икки йилга ярайдиганини топиб бераман.

– Зўрсан-ку? Кўнгилни қитиқлаб қўйдинг, қани битта чектир.

Сухроб унга сигарет узатди. Кейин ўнг чўнтагидан ёққични чиқариб ёққанда Шухрат чап чўнтакдаги гугуртнинг вазифасини англагандай бўлди.

Кечки пайт идорага борганида бўлиб ўтган гапларни баён қилгач, Менглиев унга қараб муғомбирлик билан жилмайди:

– Ёлғончиларнинг пири экансан-ку? Хўп, ёлғонни-ку тўқибсан. Ишонади деб ўйлаяпсанми?

– Дискотекага таклиф қилди-ку? Ишонмаса таклиф қилармиди?

– Яхши, дискотекага таклиф қилибди. Энди наша чекишга таклиф қилса-чи? Чекаверасанми?

– Бунинг йўли ҳам топилиб қолар? – Шухрат бошлиғига айёрона боқиб, кулимсиради.

Йигитнинг ҳар бир саволга дадил жавоб топиши Менглиевга бир латифани эслатди: Марайим қарол оладиган маошидан қоникмай бойга шикоят қилиб дебдики: “Хўжайин Абдурайимдан кам хизмат қилмайман. Тонгда бадавара тураман, тунга қадар тиним билмайман. Лекин унга кўпроқ маош берасиз, мени нечун камситасиз?” Бой “Гапинг тўғри”, деб ўйга толибди-да сўнг буюрибди: “Кўчага чиқиб қара-чи, одам зоти бормикин?” Марайим қарол шошганича чиқиб, дарров қайтиб маълум қилибди: “Кўчада бир арава кўринди”. Бой яна буюрибди: “Чиқиб бил-чи, от арава эканми ё эшак аравамикин?” Қарол яна чиқиб билиб қайтди: “Бой ота, от арава экан”. Бой яна буюрибди: “Аравага нима юкланибди?” Қарол яна чиқиб аниқлаб қайтибди: “Аравага қовун-тарвуз ортилибди”. Шу зайлда бой буюраверибди, қарол кўчага чиқиб аниқлаб қайтаверибди. Шундан сўнг бой Абдурайимни чақириб “Кўчага чиқиб қара-чи, одам зоти бормикин?” деб буюрибди. Қарол “Хўп бўлади, бой ота”, деб чиқиб дам ўтмай қайтиб ҳисоб берибди: “Бой ота, кўчамиздан қовун-тарвуз ортилган от арава ўтяпти. Кўктерақлик Мусавой деҳқон Эралибойнинг от аравасини ижарага олиб бозорга кетаётган экан. Ўнта босволди, ўнта бўриқалла қовунни бир тангадан, ўнта тарвузни ярим тангадан сотиб келмоқчи. Хўжайин, шу қовун-тарвузларни деҳқон айтган нархга олиб қолиб, эртага бозорга ўзимиз олиб чиқсак, анча фойда қоларди. Бозорда бу йил қовун-тарвузнинг нархи пича баландроқ”. Бу гапларни эшитган бой Марайим қаролга қараб дебди: “Эшитдингми? Сен ўн марта кўчага чиқиб билган нарсани Абдурайим бир чиқишда аниқлаб қайтди. Шу чиқиб-келишида фой-

да олиш йўлини ҳам ҳисоблаб қўйди. Мен икковингнинг хизматингга бир хил ҳақ тўлайман, аммо Абдурайимнинг зеҳнига қўшимча маош бераман”.

Менглиев бу латифани ёшлик пайтида эшитган бўлса-да, ундаги ҳикматдан таъсирланиб, ёдига муҳрлаган эди. Милицияда ишлаган пайтида хизматга келиб-кетган кўп ёшларни учратди. Шулар орасида Марайим қаролга ўхшаганларни кўрганда гаши келаверарди. Баъзиларига “Дунёда “мантиқ” деган илм бор, биласанми?” деб танбеҳ ҳам берарди. Шухрат ўқиш чоғи бу бўлимга икки марта амалиёт учун келгандаёқ Менглиев унинг зеҳнига, зийраклигига тан берган эди. Дастлабки мустақил ишда довдирамай, тўғри йўлга тушиб олганидан мамнун бўлиб, елкасига енгил уриб қўйди.

– Ўртоғингнинг лақабини нима дединг?

– Болалигида ҳамма Олғиртой дерди. Кўзига нима яхши кўринса, илиб кетаверарди. Қорни оч бўлса, сомса еб турган боланинг қўлидан юлиб олаверарди. Айниқса, қаламга ўч эди. Чўнтақдан бир учи чиқиб турса бўлди, илиб олганини сезмай ҳам қолардик. Ким стол устида унутган бўлса бир нафасда йўқоларди. Кейин бу қаламларни кўкрак чўнтагига қатор териб, керилиб юраверарди.

– Фақат қалам ўғирлармиди?

– Бу ўғирлик эмас-ку? Очиқчасига шумлик билан олиш ҳалос.

– Битта сен эмас, кўпчилик шунақа деб ўйлайди. “Боланг шўх бўлса бўлсин-у шум бўлмасин”, деган ҳикматни эшитганмисан? Шўхлик чегарадан ошса, шумлик бошланади. Шумлик билан жиноятчилик орасида мустаҳкам чегара йўқ. Шумлик жиноят жарининг ёқасига ўхшайди. Жар ёқасида юраверган одам бир кунмас бир кун йиқилади. Эрталаб бир илтимос қилувдинг, натижасини нега сўрамаяпсан?

– Улгурмагандирсиз, деб ўйлабман.

– Мен шогирдларнинг топшириғини тез бажаришга одатланганман, – деди Менглиев ҳазиллашиб. – Эшит:

Олғиртойинг ўз номига муносиб иш қилган. Шумлик чегарасини ўнинчи синфда бузиб ўтган. Дия Шайхутдинова деган ўқитувчиларинг бормиди?

– Ҳа, тарихдан ўқитардилар.

– Шу Дия опанг маош олган куни ҳамма пули суммасидан ўғирланган. Олғиртой далил-исбот билан ушланган. Ота-онасими ё ўша шаллақи бувисими, елиб-югуриб қамоқдан олиб қолган. “Иш” ёпди-ёпди бўлган деб қувониб яраверишган. Синган косани чегалаб шўрва ичиш мумкин, лекин синиқ изи қолади. Элчихона ўша изга эътибор қилган.

– Сухробни кўрганимдан бери ўйлаб, бир саволимга жавоб тополмаяпман: отаси олим, онаси врач бўлса-ю, бола ўқишни истамаса. Иш деса афтини бужмайтирса.

– Дунёда “ота-онаси яхши бўлса, боласи ҳам яхши бўлади”, деган қонун йўқ. Болалар қамоқхонасига борганингда “туппа-тузук оилалар”нинг фарзандларини кўрардинг. Ўзи “туппа-тузук” бўлиб боласига тарбия бермаса ҳам “яхши ота-она” деяверамиз, а? Маҳалламизда бир домла борлар. Кўрсанг, ҳавас қиласан. Юзларидаги нурга қараб кўзинг роҳатланади. Лекин ўғлини кўрсанг, “афтинг курсин”, деб тескари қарайсан. Авал “шундай яхши одамнинг боласи нега ароқхўр?” деб ўйлардим, энди “шундай иймонли одамнинг боласи нега жиноятчи?” деб бош қотираман. Бир даврада шайх билан ўтириб қолган эдим, шу бошқотирма саволни бердим. Жавоби оддий экан, ўйлаб ҳам ўтирмай қисқагина бўлиб жавоб берди: “Егал луқмасига қачондир ҳаром аралашиб қолган. Буни ўзи вақтида билмаган бўлиши ҳам мумкин”. Кампирнинг пулини Олғиртойинг ўғирлаган бўлса, шу жиняоти учун қамалади. Бу жиноятни келтириб чиқарган омилларни биз “Иш”га тиркамаймиз, суд ҳам кўриб чиқмайди. Биз илми саёз дўхтирларга ўхшаб ишлаймиз. Дўхтир иситмаси кўтарилган беморга тана ҳароратини туширадиган дори беради. Нима учун иситма чиқаётганини яхшилаб ўрганмайди. Оқибатда ичдаги ка-

сал кучаяверади. Ўладиган ҳолга келган беморни энг зўр дўхтир ҳам тузатолмайди. Биз ҳам жиноят кўчасига кириб бўлган одамни яхши йўлга қайтара олмаймиз.

– Биздан ҳеч ким буни талаб қилмайди, вазифамиз бошқа, – деди Шухрат устозининг гапини бўлиб.

– Ҳа, талаб қилмайди. Шунинг учун дўхтир ўлим ҳақидаги қоғозни ёзиб берганидай биз “бу одам жиноятчи, жазо олиши шарт” деган қарор ёзиб бериш билан чекланамиз. Дўхтир жисмоний ўлимга далолат беради, биз маънавий ўлимга.

Шухрат устозининг ҳозирги гаплари ва кайфиятига тушуна олмади. Терговчи ўз вазифасини ҳалол бажарса кифоя эмасми?

Жиноятчининг шериги

(Яна Нью Орлеанда)

Нонуштадан сўнг леди Ҳамелтонни ювинтириб бўлган Заринани Жек хонасига чақирди-да, зар қоғозлар билан чиройли қилиб ўралган қутичани узатиб:

– Бугун қадрдон дўстимнинг туғилган куни. Кечаси билан юрагим санчиб чиқди, мен боролмайман, сен ҳозир бу совғани уйига ташлаб келсан, – деб буюрди.

– Ледидан рухсат олиб беринг, – деди Зарина, айбдор қизчанинг ҳадикли овозида.

– Сени мен ишга ёллаганман, ҳақни ҳам мен тўлайман. Демак, менинг айтганимни сўзсиз бажаришинг керак! – деб бақирди Жек.

Ўғлининг овозини эшитган қора хотин ётган жойида:

– Нима гап, Жек? – деб бақирди.

– Ҳеч гап йўқ, – деди Жек жеркиб. – Ҳамелтон, За бир соат уйда бўлмайди. Галва қилмай, жим ўтир.

– За менинг хизматкорим, уни бирон ёққа жўнатишга ҳаққинг йўқ.

– Бир соат мен сенинг хизматкоринг бўлиб тураман.

– Қанақасига хизмат қилишингни биламан. Ҳозирнинг ўзида қорангни ўчирасан, сен аблах! – Ҳамелтон шундай деб чала ғажилган олмани шу томон отди.

– За қайтгунича қорамни ўчирмай ўтиришга ваъда бераман, – Жек онасини шундай деб тинчитгач, Заринага совғани қаерга олиб боришини тушунтирди.

Ташқарида қуёш чарақлаётган бўлса-да, кеча тинган довулнинг асорати ҳали сақланиб турарди. Кўчаларга уюм-уюм қилиб тўпланаётган балчиқнинг сассиқ ҳиди Заринанинг кўнглини айнитди. Димоғини рўмолчаси билан пана қилиб юрди. Ҳамма ёқни ахлат қоплаб ётганида юпқа рўмолча кишини бадбўйдан ҳимоя қила олармиди? Бир овоздан сўнг рўмолчани чўнтагига солиб, қадамни тезлатди. Ярим соат деганда Жек тушунтирган даҳага етиб борди. Бу ердаги уйлар Жек яшайдиган даҳадаги кулбалардан фарқ қилар, иморатлар ҳашаматли бўлмаса-да, батартиб одамлар яшашидан дарак бериб турарди. Зарина учинчи қаватга кўтарилиб, қўнғироқ тугмасини босиши билан унинг ташрифини кутиб тургандай, эшик дарҳол очилди. Жекка нисбатан қорароқ ва бадбашарароқ одамни кўриб, Зарина чўчиб кетаёзди. “Сенга нима керак?” – деган дағал овоздан ўзига келиб, бир оз довдираган ҳолда:

– Мистер Эденбург керак, – деди.

– Менман Эденбург, нима дейсан?

– Мистер Ҳамелтон сизни туғилган кунингиз билан табриклаб, совға юбордилар.

– Ўзи нима учун келмади?

– Касал эканлар.

– Кечаси билан юраги санчиб чиқибдимиз?

– Ҳа.

– Шунақа аҳмақона касали бор, қани, кир ичкарига.

Бу таклифдан ҳадиксираган Зарина бир қадам тисарилди:

– Нега? Совғани бердим, энди кетишим керак. Леди Ҳамелтон ғазабланишлари мумкин...

– Леди дедингми? – Эденбург шундай деб тиржайди. У тиржайган пайтда қозиқ тишлари кўриниб, янада

қўрқинчли тус олгани учун Зарина беихтиёр юзини бурди. У эса гапани давом эттирди: – У сассиқ чўчқа ҳали ҳам тирикми? Чўчқанинг “леди” бўлганини энди эшитишим. Сен кармисан? Ичкарига кир, деяпман!

– Киrolмайман.

– Қўрқма, мен фақат совғани очиб кўраман, мен сенинг кимлигингни билмайман-ку, балки совганинг ярмини йўлда ўмариб қўйгандирсан?

Бу тухмат тоши зарбидан гангиган Зарина “Мен ўғри эмасман”, – деди-ю овозининг титраб кетганидан ўзи ҳам ажабланди.

– Ўғри эмаслигингни билишим учун ичкарига киришинг шарт.

Зарина остона ҳатлаб икки қадам қўйди-да, даҳлиз ўртасида тўхтади. Эденбург чўтагидан пичоқча чиқариб тугмасини босган эди, тиғ “шиқ” этиб очилди. Тиғ худди ўзига санчилиш учун очилгандай Зарина чўчиб тушди. Эденбург аёлнинг қўрқувидан лаззатланиб, иршайди. Кейин чиройли тасмаларни узиб, зарқоғозни ёғимлаб ташлади-да, кути қопқоғини очди. Шу он кутилмаганда эшик ташқари томондан зарб билан тепилди. Эшиқмашуғи узилиб чиққан эшик Заринанинг орқасидан урилди-ю, у нима бўлганини англашга улгурмай, ҳушини йўқотиб, йиқилди.

– Нью Орлеан полицияси! Гапирмаслик ва адвокат ёллаш ҳуқуқига эгасан! – деган овозни узоқ-узоқдан эшитгандай бўлди.

Димоғига урилган ўткир ҳиддан ҳушига келиб кўзини очганда ўзини даҳлизда эмас, кенг хонада кўриб ажабланди. Қимирламоқчи бўлган эди, қўлига кишан урилганини билиб, қўрқувдан юраги қинидан чиқиб кетаёзди.

– Нью Орлеан полицияси, сен гапирмаслик ва адвокат ёллаш ҳуқуқига эгасан, – деди унга яқин ўтирган йигит.

Агар милиция бўлганида Зарина унинг поғонидаги юлдузчаларга қараб мартабасини билиши мумкин эди.

Бу йигитнинг полицияда қандай мартабага эга эканини **фарқлай** олмай нима деб мурожаат қилишни билмади. По-
лициячи унинг гапиришини кутиб ўтирмай ўзини тани-
тишни талаб қилди.

– Зарина Норова, мистер Жек Хамелтоннинг хизмат-
кориман.

– Мана бу қутини сен олиб келдингми?

Зарина стол устидаги қутига қаради. Қутини безаб
турган зарқоғоз шилиниб олингани учун бир нима дейиш-
га иккиланди:

– Мен туғилган кунларига совға олиб келувдим...

– Қанақа совға? Қанақа туғилган кун? Мен январда
туғилганман! Ҳеч қанақа Жек Хамелтонни билмайман! –
деди Эденбург бақириб.

– Хамелтонни сен билмасанг, биз биламиз. Қани, кет-
дик, агар қамокда ўлиб кетмасанг, энди бу уйга йигирма
йиллардан кейин келасан, – деди полициячи.

Даҳлиз остонасида турган полициячи Эденбургнинг
орқасига ўтиб, елкасига туртди. Эденбург унинг амрини
бажо этишдан олдин Заринага ғазаб билан тикилди. Зари-
нанинг назарида унинг кўзларидан учқунлар сачрагандай
бўлди. Аёл бу учқунлар оқимига дош беролмай юзини бур-
ди. Эденбург:

– Бу қанжиқ иғво қияпти, ҳали ҳамманг пушаймон
бўласанлар! – деб бақиргач гарданига мушт тушиб ган-
дираклади. У олиб чиқиб кетилгач, Зарина бўшатилишга
умид қилиб аввал қўлидаги кишанга, сўнг полициячига
илинж билан қаради. Аёлнинг умидвор бу қарашига поли-
циячи совуққонлик билан:

– Сен ҳам биз билан борасан, – деди.

– Нега? – деди Зарина йиғламсираб.

– Жиноятчиларга шерик бўлганинг учун, – деди поли-
циячи ўрнидан туриб.

Бу айбловни эшитган Заринанинг тили қотиб, гап-
га айланмай қолгандай бўлди. Мажолсиз киприклар кўз
ёшларига тўсқинлик қила олмади.

– Жиноятчиларга? – деди йиғламсираб. – Ахир мен уларни танитайман-ку?

– Бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқ, – деди полициячи хотиржамлик билан, – наркобизнесда мингларча наркокуррьерлар бор, улар ҳам ўз “босс”ларини танитайдилар. Қўрқма, агар полиция билан ҳамкорлик қилиб, судда айниб қолмасанг, буларчалик кўп ўтирмайсан.

“Кўп ўтирмайсан?.. Бу нима дегани? Анавинга йигирма йил ўтирасан, деди. Мени қанчага қамамоқчи?” Шу фикрнинг ўзиёқ Заринанинг жонини суғуриб олгандай бўлиб, кўз олди қоронғилашди. Полициячи уни турғизиш учун қўлтиғидан ушлаганда эса ҳушидан кетди.

Ҳушсиз аёл маҳкамага олиб келиниб сўроқ қилинаётганда Жўра ҳовлини тозалаш билан банд эди. Довулдан олдин яшнаб турган майсазор устини балчиқдан уч сидра тозалаб чиққан бўлса-да, эрталаб хўжайин унинг ишидан кўнгли тўлмаётганини айтди. Балчиқдан бўғилган майсазор қуёш нурида жонланиб қолишини тушунтира олмади. Захлаб кетган кулбасида суяклари қақшай бошлаган Жўрага офтобда ишлаш ҳуш ёқди. Майсазорнинг ярмини тараб чиққанида кўчада тўхтаган полиция машинасига кўзи тушди-ю, аҳамият бермай ишини давом эттираверди. Машинадан тушган икки полициячининг бири йўлкадан юрмай, майсазорни кесиб ўзи томон яқинлашаётганини кўргандан сўнг ишни бас қилиб, қаддини ростлади. Полициячи унга яқин келиб худди дўкондаги буюмни танлаб олиш учун синчиклаб кузатаётгандай бошдан оёқ қараб чиқди-да, “сенам одаммисан?” деган оҳангда:

– Норов сенмисан? – деб сўради.

Эрталабдан бери юраги сиқилиб турган Жўрага бу ташриф хавотирли туюлиб, аъзойи бадани бўшашиб кетди. Довдираб қолганини сезган полициячи саволини такрорлагач, паст овозда “ҳа, менман”, деб жавоб берди.

– Юр уйингга, мен тинтув ўтказишим керак, – полициячи шундай деб уни биллагидан ушлади.

– Менинг уйим йўқ, – деди Жўра.

– Уйинг йўқлигини биламан. Яшаётган жойингга бошла.

Ўз юртида тинтув ўтказиш учун прокурорнинг рух-
сатномасини талаб этишга ҳаққи борлиги Жўрага маълум
эди. Аммо бу мусофирликда шундай ҳаққа эгами ё йўқми,
билмасди. Жўра бўйнига сиртмоқ ташланган кул аҳволида
полициячига эргашди.

“Уй” деб аталмиш жойни тинтув қилиш учун овора бў-
либ келишнинг ўзи тентаклик эканини полициячи ичка-
рига қарабоқ англади. Лекин начора, буйруқни бажариш-
га мажбур бўлгани учун ҳам кулбани уч қайта тинтишдан
эринмади. Жўранинг чўнтақларини, ҳатто пойабзали
остини ҳам икки марта қаради. Ниҳоят, ўз ишидан ўзи
ғашланиб, лабига сигарет қистирди-да, тутатди. “Бу одам
бир англашилмовчилик туфайли кулбани титяпти, ман-
зилни адаштирган шекилли”, деган фикрда турган Жўра
шундан сўнг:

– Мистер, нимани қидиряпсиз? – деб сўрашга журъат
этди.

– Нима қидираётганимни ўзим биламан, – деди поли-
циячи кўрслик билан, кейин Жўранинг кўзларига тикилди:
– Нима қидираётганимни билмаяпсанми? Беркитган жо-
йингни ўзинг кўрсатсанг, қисматинг анча енгиллашарди.

– Нимани яширибман?

Соддадиллик билан берилган бу савол полициячининг
ғазаб оловига мой сепди. У Жўранинг жағига чанг солди:

– Ит! Мени лақиллатмаган битта сен қолувдинг?!

Жўра кутилмаган зарбадан гандираклаб ўтириб қолди.

– Наркотиклар қаерда? – полициячи шундай деб
бақириб, уни тепди. Кулба тор бўлгани сабабли тепкиси
кўнгилгидай чиқмай янада ғазабланди-да, Жўранинг гар-
данига мушт туширди. Эшик ташқарисида турган полици-
ячи сал инсофлироқ эканми, шеригини қўлидан тортиб,
тўхтатди.

– Сенам бир қара, – деди хансираётган полициячи
ташқарига чиқиб.

Иккинчи полициячи ичкарига қадам қўйгач, Жўра бо-
шини ушлаб, ўрнидан туришга уринди.

– Менда наркотик нима қилади? – деди у инграб. –
Бу ерга яқинда келганман. Агар кимёгар бўлганимда ҳам
сунъий наркотик тайёрлашда гумон қилсангиз бўларди.
Мен физикман. Лекин бу ерда атом бомба ясаганим йўқ.
Мен лазерлар бўйича мутахассисман.

– Атом бомба ясашни билганингда бу ерга биз келма-
ган бўлардик.

– Нега бу ерда наркотик қидиряпсизлар, тушунмаяпман?

– Хотининг қаерда?

– Ишга кетган. У мистер Ҳамелтоннинг уйида хизматчи.

– Хизматчими ё наркокуръерми?

– Бу нима деганингиз?

– Ё ўзинг лақмасан ё бизни лақиллатмоқчи бўляпсан.
Хотининг маҳкамада сўроқ қилиняпти. Ақлинг бўлса, ад-
вокат ёлла, пулинг бўлса гаровга чиқариб ол, – полициячи
шундай дегач, шериги билан биргалашиб машинаси томон
юрди.

Унинг гапи Жўрага тепкидан ҳам баттарроқ таъсир
қилди. Гарданидаги оғриқни ҳам унутиб, унга эргашди.
Хотинининг қайси маҳкамада эканини сўраган эди, поли-
циячи қисқагина қилиб тушунтириб берди-ю машинасига
хотиржамлик билан ўтириб жўнаб қолди. Хўжайинидан
ижозат олишни ҳам унутган Жўра машина кетган томонга
юрди. Маҳкамадан тайинли маълумот ололмади. Хотини
билан учрашишни сўраб ялинишлари ҳавога учди. Унинг
бу ерда адвокат ёллашга ҳаққи бор эди. Лекин қайси пулга?
Гаровга пул қўйиб Заринани судга қадар чиқариб олиши
мумкин экан. Лекин қани ўша пул? Ҳали бу юртга отлан-
май туриб “Америкада яхши яшаш имконияти бор, бироқ,
адвокат ёки врачга иши тушган ҳар қандай миллионер
бир ойда қашшоққа айланиши ҳам мумкин”, деган гапни
эшитган эди. Адвокат ёллаш ҳақидаги таклифни эшитгач,
ўша гап эсига тушди-ю юраги увишди.

Меросхўр

Идорадаги ишларини ниҳоясига етказган Шухрат **маъдасига мувофиқ дискотека томон юрди. Сухроб уни пундузи пиво ичган жойида кутиб ўтирарди.**

– Бу жой сенинг номингга муҳрланганми? – деб **ҳазиллашди Шухрат, қўл олиб кўришар экан.**

– Кўча кўрган эркак ҳеч ерда хор бўлмайди, – деди **Сухроб ғурур билан. Кейин Шухратни ўтиришга таклиф этди.**

– Дискотекага кирмаймизми? – деб ажабланди Шухрат.

– Ҳали вақт бор. Бизбоп қушчалар энди учиб келишади. Ўтир. Яна милисанинг кийимида келармикансан, деб **чўчиб турувдим. Туппа-тузук одамга ўхшаркансан-ку, а? – ўзининг бу ҳазилидан мароқланган Сухроб хузурланиб кулди. – Битта пиво ичволасанми, энди хиди келади, деб хўжайинингдан кўрқмасан?**

– Хўжайиндан кўрқмайман. Пивонинг хиди қушчаларингга ёқмаса-чи? – **Шухрат шундай деб муғомбирлик билан кулимсиради.**

– Вей, сен қайси осмондан тушгансан? – деди **Сухроб. – Агар оғзингдан ароқ хиди келиб турмаса, ҳозирги қизлар сени эркак ўрнида кўрмайди.**

– Мен пивонинг ҳидини айтяпман. Сен ароқ ҳидини айтяпсан. Эркакнинг фарқига борадиган қушча конъякнинг ҳидига учиб келса керак, деб юрардим.

– Шунақами? – **Сухроб унга савол назари билан тикилди-да, сўнг баҳсда мағлуб бўлган одам каби икки қўлини кўтарди: – Унда конъяк чақирамиз. Фақат... чиқими сендан.**

– Хўп. Ўрисларда “ташаббус ҳамиша жазоланади”, деган мақол бор, – **Шухрат шундай дегач, Сухробга тақлид қилиб, икки қўлини кўтарди.**

– Кўнглингга келмасин. Бугун сени мен меҳмон қилишим керак эди. Лекин бир қадрдон келиб “қарзимни

икки соат ичида тўламасам ўлдиришади”, деб кўз ёши қилиб туриб олди. Бор пулимни бериб юбордим. Дискотекага олиб кириш мендан, у ёғи сенинг гарданингга. Эртага сени ўзим бўктириб, бугуннинг хиссасини чиқараман.

Бу гапни эшитган Шухрат кундузи “министр билан учрашишга шошилиб турган” номаълум кимсанинг нимага келганини англади. Қаҳвахонанинг беркитиладиган вақти келиб, йиғиштирила бошлангач, юз граммдан коньяк, биттадан шоколаднинг таъсирида хушҳол бўлган икки йигит ўрнидан туриб, дискотека томон юрди. Шовқин хукмронлик қилаётган дискотека ёшлар билан тўлиб тошмаган эди. Дискотекаларни “ёшларнинг маданий дам олиш маскани”, деб ҳисобловчи кимсалар деворга чизилган суратларни кўрсалар, ўз фикрларида қатъий қолардиларми ё йўқми, Худо билади. Шарқ миниатюралари услубида ношуд рассом томонидан чизилган ишқий лавҳалар маданий масканни эмас, фоҳишахона кўркини оча олиши баҳс талаб этмайдиган ҳақиқат эди. Тинмай ўчиб-ёнаётган рангоранг чироқлар ва рокмуסיқа таъсиридан маст йигит-қизлар бу ерга кўп келавериб кўзлари пишиб кетганми, ё суратдаги-га нисбатан ҳаётда бунданда батарроқ ишқий лавҳаларни кўравериб ҳирс оловлари ўчиб бўлганми, ҳар ҳолда суратларга бефарқ эдилар. Шухрат суратларга разм сола туриб, Сухробнинг тикилганича кузатаётганини сезди-ю қишлоқдан шаҳарга келиб довдираб қолган содда одам ҳолига тушмаслик учун нигоҳини рақсга тушаётганлар томон олди.

– Ёқмадими? – деди Сухроб, суратларга имлаб қўйиб.

– “Интернет”га кирмаганлар учун қизиқдир, – деди Шухрат ҳафсаласизлик билан.

– Тўғри айтасан, бунақа расмларни боғчага чизиш керак.

Сухроб атрофга зийраклик билан назар ташлади-да, сўнг “ҳозир келаман”, деб нари кетди. Кўп ўтмай ғоят тор ва ғоят калта юбка кийиб киндигини очиб олган икки қизни бошлаб қайтди.

– Танишинглар, менинг жонажон оғайним Сандро!
“Кишмиш” фирмасининг хўжайини! – деб таништиргач,
жавкланиб кулди.

– Зулька, ўзбекчасига Зулфира, – қизларнинг бири шундай деб нозланганича кўришиш учун эмас, ўптириш учун кўлини узатди. Шухрат узатилган кўлни ушлаб ўзига тортди-да, қизнинг лабидан оҳиста ўпди. Унинг бу қилиғидан кувониб кетган Сухроб елкасига уриб қўйди.

– Қойилман! Зулька сеники!

Иккинчи қиз ҳам кўлини узатиб ўзини “Диля” деб таништирди-да, “Сандро? Ўзбекчасига нима бўлади? Санжарми?” деб сўради. Шухрат гапга оғиз жуфтламай туриб Сухробнинг ўзи жавоб қайтарди:

– Немисчасига ҳам ўзбекчасига ҳам Сандро!

– Сандро, кўзимга пр-риятно иссиқ кўриняпсиз. Олдинги вторникда “Леопард” ресторанига қора “Лассетти” да келмаганмидингиз?

– Сандро “Лассетти”да юрадиган лохлардан эмас, мошинаси оқ “Мерс”, билиб қўй! – Сухроб баландпарвоз оҳангда шундай деб “бопладимми?” дегандай Шухратга қараб кўз қисиб қўйди. Кейин иккала қизни елкасидан кучиб, ўзига тортди: – Дискотека ва қизлар – эркак кўнглини ҳушлар! Нима қилдик, олдин бир шўнғиб чиқамизми?

Сухробнинг рақсга таклиф қилиши қизларга ёқинқи-рамаганини сезган Шухрат гапни илиб кетди:

– Диско, нарко ва қизлар йигит кўнглини хушлар, – деб қизларга кўз қисди.

– Ў, мана бу жентельменнинг гапи бўлди! – Диля шундай деб Шухратнинг ёноғидан ўпиб қўйди.

Бу таклиф Сухробнинг кўнглига мойдек ёққан бўлса-да, ўзича нозланди:

– Наркота билан бошимни қотирмаларинг, яхшиси элликта-элликта виски ичайлик.

– Вискини бизга нянкаларимиз эрталаб яслида завтракка беришган, так что, ичиб олганмиз, – деди Зулька қошларини чимириб.

– Нима, наша чекмоқчимисан? – деди Сухроб жеркиб.

– Причем тут наша? – деб дугонасини ҳимоя қилди Диля. – Как всегда порошок. Нима, духинг етмайдами?

– Мен сенга духни кўрсатиб қўяман! – Сухроб уни билагидан сиқиб силтаб қўйди-да, Шухратга қараб “юр, четроққа чиқайлик”, деган маънода имлади. Ҳолироқ жойга ўтишгач, атрофга олазарақ қараб олди: – Айб ўзингда, ўлган илоннинг бошини қўзғаб қўйдинг. Энди топиб бермасам, булардан қуруқ қоласан. Пулинг етадими, суриштириб кўрайми?

– Шу ерда топиладими? – деб сўради Шухрат, ўзини гўлликка солиб.

– Пул бўлса, гўр ҳам топилади.

– Қанчага тушади?

Сухроб тўрт кишига мўлжалланган кукуннинг нархини айтгач, Шухрат ўйланиб, ўзича чамалаб кўрди-да ёнидан пул чиқарди:

– Уч кишига олавер, мен ҳидламайман. Бўлса, менга наша топганинг яхши.

– Топишга топарман-у, лекин бу ерда чектиришмайди. Тутундан ишқал чиқади, порошок беҳитроқ.

– Сен бир тортишга етадиган бўлса ҳам топавер, мен кўчага чиқиб чекиб келаман.

– Хўп, суриштириб кўраман. Энди бориб тур олдиларига, яна учириб юборма. Мени кўришинг билан ҳожатхонага олиб тушаверасан, ўзлари билишади.

Шухрат қизларнинг ёнига шодон кайфиятда қайтди.

– Ну как? Топарканми? – деб сўради Диля.

– Топилмайдиган нарса бор эканми? Зулька, сени қаердадир кўргандай бўляпман. Иқтисодиёт университети битирмаганмисан?

– Фу! – Зулька шундай деб нозланиб кулди. – Мен шунақа қарига ўхшайманми?

– Биз бу йил лицейга кирамиз, – деб пичинг қилди Диля.

Лицей ёшидан ўтиб қолган бу қизларнинг кўриниши, қилиқлари ёқмаётган бўлса ҳам Шухрат ўзини бахтиёр йи-
пит каби кўрсатишга мажбур эди. Сухроб кўп куттирмади,
беш дақиқага қолмай эшик томонда кўриниб, имлади. Ер-
тўладаги хожатхонага тушишгач, қизларга шаффоф халта-
чадаги кукунни бериб, Шухратни эркаклар бўлмасига бош-
лади-да, қулоғига қистирилган папиросни олиб унга узат-
ди:

– Пивохона томонга ўтсанг, беҳитроқ жой бор, – деб
тайинлади-да, яна огоҳлантириб қўйишни ҳам унутмади:
– Чекиб олганингдан кейин товукларга ментлигингни бил-
дириб қўйма.

– Ментлардан кўрқишадими?

– Ментнинг ўзидан кўрқмайди. Мент нафсини қонди-
риб бўлганидан кейин ҳақини насия қилиб қочворади. Сен
унақа хилиданмассан, лекин барибир билдирма.

Шухрат тайин этилган томонга ўтиб, қоронғуликни
эмас, ёруғлик тушиб турган жойни танлади. Назарида
Сухроб изидан кузатиб тургандай бўлиб, аланглаб олди.
Унинг сезгиси бир озгина адашган эди. Уни Сухроб эмас,
дискотеканинг иккинчи қаватидаги дераза ёнида турган
Ражаб кузатаётганди. Пивохона томонга ўтиб тутатиш-
ни ҳам Сухробга Ражаб тайинлаганди. Сухробнинг “Ил-
гари наша тортиб, Академиядан бир марта ҳайдалган,
энди игнага ўтқазиб осон бўлади”, деган гапига у
ишонқирамаганди. Ўзича “агар айтилган гапга кириб
қоронғида чекса, демак, тажрибаси йўқ экан. Қоронғида
чекаётган одамдан дарров шубҳаланилади. Ёруғда чекса
бировнинг эътиборини тортмайди”, деб ўйлаб, уни шу
зайлда синамоқчи эди. Папирос тамакисига меёридан
кам наша аралаштириб, гап орасида “зўр эканми?” деб
сўраб кўришни ҳам тайинлаганди.

Айни чоқда синовдан ўтаётганини тахмин қилаётган
Шухрат Сухробнинг осонлик билан кукун ва наша топиб
келгани сабабини билолмай ҳайрон эди.

Дискотекага қайтганида Сухроб қизларни буфет ёнида гапга солиб турарди. Даврага кўшилиши билан гап “Эммануэл” фильми устида бораётганини билди. Сухроб оғиз кўпиртириб таассуротларини сўзлар, қизлар эса бепарк тинглашарди. Қорадори кукунини ҳидлаб, нафслари ором олгач, кўнгилларини шайтоний ҳис чулғаб, энди шўх-шондон ўйнаб-кулишни ишташаётган эди.

– Сандро, Зулька Эммануэлга ўхшайдими ё йўқми? – деди Сухроб унинг елкасига қўл ташлаб.

Шухрат қизни энди кўраётгандай бошдан оёқ разм солди-да, ҳазил оҳангида:

– Кўзлари ўхшайди-ю киндиги ўхшамайди, – деди.

– Нега? – деб ажабланди Диля дугонасининг киндигига ажабланиб қараб.

– Эммануэлнинг киндиги французчасига кесилган, – деди Шухрат муғомбирлик билан.

– У қанақа бўлади? – деб баттар ажабланди Диля.

– Французчаси думга ўхшаб чиқиб туради, – деб гапга кўшилган Сухроб ўз ҳазилидан ўзи ҳузурланиб мириқиб кулди.

– Танса тушмаймизми? – деди бу ҳазилдан энсаси қотган Зулька.

– Вақтида айтилган энг тўғри таклиф шу бўлди, – деди Шухрат. – Суюқ дориларнинг қоғозига “ичишдан олдин чайқатиб олинг”, деб ёзилади. Қизларни “ичишдан” олдин тансада чайқатиб олиш шарт.

– “Ичишдан” олдин сотиб олиш керак, – деб фикрга аниқлик киритди Зулька.

– Сотиб олишдан олдин дўхтирдан рецепт ёздириб олиш керак, – Шухрат шундай деб қизни эркалагандай бўлиб, елкасидан қучди-да ўзи томон тортди.

Зулька аввал майлини унга берди-ю кейин димоғига наша ҳиди урилиб, ўзини тортди.

– Фф-у! Анашами? Терпеть не могу! Деревеншиной пахнет. Бизарни қишлоқдаги чуваклар ўтирарди ҳамма ёқни ваят этиб. Сандро, сен ахир культурнийсан-ку?

– Бу ҳали наша эмас, – деди Шухрат Сухробга қараб бош қайқаб. – Ҳали нима дединг? Вискини яслидаги нонуштада ичганмиз девдингми? Менам бунақа нашани боғчада чечардим. Сухарик, ошнанг аферист экан, бунақа маза учун бир сўм ҳам бермаслик керак.

Балиқ овига чиққан одам қармоқни таваккалига ташлайди. Кўлнинг ёки дарёнинг айни шу ерида балиқ борлигини тахмин қилади. Ови юришмаса, афсус билан қайтаверади. Шухрат ҳозирги гапини айтганида қармоқни ишончсиз тахмин билан ташлаган эди. Омади юришиб, балиқ хўракка осонгина алдана қолди. Ёшлар қизларнинг даврасида ўзларини мард ва танти қилиб кўрсатиш учун мақтанишни ёқтирадилар. Қармоғига итбалиқ илинган балиқчининг лаққа тутдим, деб керилиши табиий ҳол бўлганидек, спирт ичиб, ичаклари куйиб кетса ҳам “шу ҳам спиртми, ароқдан ҳам баттар-ку!” деб катта кетувчилар оз эмас. Ана шундай мақтанчоқлар йўлидан фойдаланган Шухратнинг ҳозирги гапи ашаддий нашавандларникидан фарқ қилмагани учун ҳам Сухроб таажжубини яшира олмай “Қўявер, ҳали мен унинг терисини шилиб оламан”, деб қўйди.

Ярим соатча рақс тушишгач, Сухроб “Эркин ҳаёт қўйнига шўнғиш”ни таклиф этди. Дискотекада эканида Шухрат енгил кайфият чодирига бурканаверди. Бу ерга хизмат юзасидан келганини унутмаган бўлса-да, шу қизлар, шу йигитлар каби ўйнаб-кулишни хоҳлайверди. Ташқарига чиқишгач, бу кайфият уни тарк этганда “нашанинг тутуни менга таъсир қилдими? Ташқарига пуфланган тутун шунча таъсир қилса, ичга тортиб чекилса одамни қандай аҳволга соларкин?” деб ўйлади.

Қизлар шаҳар чеккасида яшайдиган танишлари уйида тонгга қадар айшу ишрат қуриш мумкинлигини айтишгач, Сухроб машина тўхтатмоқчи бўлди.

– Сандронинг оқ “мерс”и қани? – деди Диля ажабланиб.

Шухрат савол назари билан Сухробга қаради, у эса ўйлаб ҳам ўтирмай жавоб қайтарди:

– Оқ “мерс”ни кеча бир ҳариф пачоқ қилган, икки кундан кейин тузалади.

Кира қилинган машинанинг орқа ўриндиғида, икки қиз ўртасида ўтирган Шухрат бошини Зулканинг елкасига қўйиб аста шивирлади:

– Зулка, сен менга ростданам ёқиб қолдинг. Иккала-миз алоҳида маишат қилишимиз керак, буларни аралаштирма, нима дейсан?

Зулка “маъқул” деган маънода бош ирғаб қўйгач, Шухрат давом этди:

– Сухаринг бугун қуп-қурук, чўнтагида хемири ҳам йўқ. Насияга ҳам кўнаверасанларми? Текинга мушук офтобга чиқмайди. Демак, кўнмайсан, тўғри қиласан. Мен ҳам қарз бўлиб юришни хоҳламайман. Шунинг учун борган жойимизда бехитгина қилиб қочворсанг ҳам жаҳлим чиқмайди. Эртага бир ўзинг кечқурун тўққизда “Леопард”га келасан. Тушундингми?

Зулка яна бош ирғагач, Шухрат ғижимлаб ўтирган пулни унинг кафтига тутди.

Манзилга етиб келишгач, Зулка йигитларга қараб “Сизлар кутинглар, жой тайёр бўлгач, чақирамиз”, деб Диляни бошлаганича тўққиз қаватли уйнинг ўрта йўлагига кириб кетди.

– Кайфиятларини чамандай очиб юбординг, порошокнинг додаҳўжасидан берувдингми? – деб сўради Шухрат.

– Додаҳўжасимас, доим тортиб юрадигани. Дискотеканинг шунақа оҳанжамаси бор. У ерга кирган одамнинг баҳри дили яйраб кетаверади.

Сухробнинг бу гапидан кейин Шухрат ўзидаги ўзгаришнинг сабабини аниқлагандай бўлиб, кўнгли равшанлашди.

Қизлардан дарак бўлавермагач, Сухроб асабийлашган бошлади.

– Қанжиқлар мени лақиллатишмоқчими?! Ҳозир то-
шиб чиқаман! – деб йўлак томон юрганда Шухрат билаги-
дан ушлаб уни тўхтатди:

– Ярим кечада қайси уйдан топасан?

– Ҳамма уйни бир-бир титиб чиқсам ҳам топаман! –
Сухроб шундай деб катта кетиб қўйиб, Шухратга қаради: –
Менга қара, юр, сен милисасан, уйларга кириб текширишга
ҳаққинг бор.

– Шу ачиган туршаклар олдида паст кетасанми?!
Кидиришмас, чақириб қўйишингга ҳам арзимамайди.

Шухрат шундай деб уни қўлтиқлади-да, кўча то-
мон юрди. Кўча кимсасиз эди. Анча йўлни пиёда босиб
ҳолдан тойишганда орқа томонда арава ғилдирагининг
ғижирлашини эшитиб тўхташди. Молбозорга эртароқ бо-
риш учун барвақт йўлга чиққан аравакашнинг марҳамати
билан катта кўчага етиб олдилар.

Эрталаб ишга кечикиброқ келган Шухрат бошлиғига
батафсил маълумот бермади. Менглиев бошқармага шо-
шиб тургани сабабли уни саволга тутмади. Қисқа фурсатли
учрашувдан сўнг Шухрат кеча мўлжаллаб қўйган учрашу-
вига йўл олди.

Аслида бу жувон билан учрашиши, уни ўтмиш хоти-
раларига қайтариб, ярасини янгилаши шарт эмасди. Чун-
ки йиллар аввал Моҳина кампирникига набира келин бў-
либ тушган бу жувон қайнона бувисининг сандиғидан пул
ўғирланганини ҳатто эшитмаган ҳам эди. Унга бир-ик-
ки савол бериб, олинадиган жавоблар орқали гумонини
ҳақиқатга айлантириш ниятидаги Шухрат мактаб директо-
рига учрашганидаёқ адашганини ҳис қилди. Милициядан
келган йигитнинг физика муаллимасидан сўрайдиган гапи
борлигини эшитган директор ҳали саволлар нимадан ибор-
рат эканини билмасданоқ дарров шубҳа чодирига ўралиб
олди. Шубҳасини ойдинлаштириш мақсадида кўпчиликка
хос йўлни тутиб, кўпчилик берадиган саволни берди:

– Нима гап, тинчликми?

Шухрат ҳам бунақа ҳолатда кўп қўлланиладиган сўз билан жавоб қайтарди:

– Тинчлик.

Директорни бу жавоб қаноатлантормади. Шухрат эса унга мақсадни очиқ баён этишни истамади. Лекин жувонни директор томонидан ташланган шубҳа тўрига ўралиб қолишини ҳам хоҳламади.

Бу мактаб директори кўпгина ҳамкасблари қатори қўл остидаги муаллимларининг ўзига фақат тобе эмас, муте бўлишларини талаб қиларди. Бу мактабдаги муаллимлар ҳарбийдаги итоаткор аскарлар каби директор чизиб қўйган чизикдан чиқмасликлари шарт эди. Кибернетика институтида илм билан шуғулланиб юрган Нилуфар ўзи ўқиган мактабга физика муаллимаси бўлиб қайтиб келгач, бу чизикдан юришни истамади. Қирқ йиллик умри мактабда ўтган директор чизган чизикдан ёш муаллиманинг юрмаслиги табиий бўлса-да, жамоада бу ҳол фожиа каби қабул қилинарди. “Педсовет” деб аталмиш муаллимлар кенгаши Нилуфар келгунига қадар бир хилда бошланиб, бир хилда якунлангувчи эди. Асосий нотик ҳам, қарор қабул қилгувчи ҳам директорнинг ўзи бўлгач, бу йиғинни “кенгаш” деб номлашнинг ўзиёқ кулгили эди. Нилуфар келди-ю гўё кўлмакни чайқатиб юборди. Йиғинда директор бўёк учун болалардан пул тўплашни буюрганда Нилуфар ота-оналар хузурида иснодга қолишга тоқати йўқлигини айтиб, бу ишдан бош тортди. Ўша йиғинда бу буйруқдан норозилар оз эмасди, лекин барчалари дардларини ичларига ютдилар, ҳеч ким ёш муаллиманинг ёнини олмади. Чунки директорнинг қаҳрига учрашдан кўра ота-оналарнинг норози боқишларига чидаш осонроқ эди. Гарчи Нилуфар ёлғиз бўлса-да, директор эртами ё индинми унинг сафига бошқаларнинг қўшилишидан чўчиб қолди. Муаллимани ишдан ҳайдагиси келди-ю, лекин баҳона-сабаб тополмай қийналди. Кеча туман халқ таълими бўлимининг мудирининг синфларга бир-бир кириб чиқди. Физика хонасига кирга-

нида ашёлар орасида эски физика дарслигига кўзи тушиб қолиб, кўзлари ола-кула бўлди-ю “Нима учун эски дарслик бу ерда турибди, ҳали ҳам эски дарсликлардан фойдаланипсанларми?!” деб кекса муаллимга дағдаға қила кетди. Физика хонасига шу муаллим масъул бўлгани учун ҳамма бало дўли унинг бошига ёғилди. “Пенсияга чиққан бўлса, уйида ўтирсин!” Мудирнинг бу ҳукмини директор ўша ондаёқ амалга оширишга тайёр эди. Гарчи бу машмашада Нилуфарга ҳатто дашном берилмаган бўлса ҳам у чидаб туролмади, бир пайтлар ўзига дарс берган муаллимнинг ёнини олди. “Эски дарслик турган бўлса, бунинг нимаси жиноят? Эски дарсликда ҳам янгисида ҳам Ньютон қонуни бир хил-ку!” деди. Мудир бу маҳмадана жувонга ўқрайиб қаради-ю “сен билан пачакилашиб ўтирмайман”, дегандай юзини бурди. Мудирнинг ўрнига директор ҳужумга ўтди. Нилуфар бўш келмай “Сиз янги дарслик бўйича ишлашга мажбурсиз. Чунки эски дарслигингизда қўшма гапга Горкийдан мисол келтирардингиз. Худди Горкий ўзбек тилида ёзгану худди Абдулла Қодирий асарларида қўшма гапга мисол йўқдай эди”, дегач директор портлаб кетаёзди. Мудир “ички масалларни ўзингиз кейин ҳал қиласиз”, демганида директорнинг портлаши тайин эди. Фақат портлаш натижаси қандай бўлиши мавҳум эди.

Кечаги портлашолди ҳолатидан ҳали қутула олмаган директорга милиция ходимининг келиши нажот кемаси каби кўринди. Агар милиция Нилуфарни бирон жиноятга алоқадор деган гумонда сўроқ қилмоқчи бўлса ҳам ишдан бўшатиб юборишга сабаб топилади, деб қувонди. Шухрат мактабдаги воқеалардан, хусусан, директорнинг кўнглидан ўтган фикрдан беҳабар бўлса-да, “нима гап, тинчликми?” деган саволидаги оҳангдан “тинчлик эмас, муаллимангиз қамалиши керак”, деган жавобдан умидвор эканини сизди.

– Қайноталари Америкада ишлаётган эканлар, илмий ишларига доир бир-икки нарсани сўраб, аниқлаб олмоқчиман, – дегач, директор “ростдан-а?” дегандай унга тикилиб қолди.

– Давлат аҳамиятига эга сирни олиб чиқиб кетибдими? Оилавий масала майдалашиб, миш-мишга айланмасин, деган мақсадда гапни чалғитмоқчи бўлган Шухрат директорнинг бу саволидан сўнг “сиёсатга буриб юборди-ку?” деб бир оз гангиди. Айтилган сўз айтилган, камон ўқи сингари директор истаган мўлжал сари учиб борарди. Шухрат директор кўнглидаги нишон нимадан эканини тасаввур қилмасди, шунга қарамай айтиб юборган гапининг нотўғри акс-садо беришини ҳам хоҳламасди. Шу боис “ўқ”ни бошқа томонга буриб юбориш учун ўзини кулимсирашга мажбур қилди-да:

– Давлат аҳамиятига доир махфий иш билан шуғулланган одам четга осонлик билан чиқарканми, ўйлаб гапиряпсизми? – деди.

Бу дашном директорга малол келиб, пешонасини тириштирди:

– Нилуфар ҳозир дарсда, сиз милиса экансиз-ку, Худоси келиб қолса ҳам дарсни бузишга йўл қўйиш мумкинмас.

Директорнинг кўрс муомаласидан Шухрат ранжимасди, аксинча уни қўллаган бўлди:

– Тўғри қиласиз, сўрайдиган гапим дарсни бузишга арзимамайди ҳам, мен ташқарида кутиб тура қоламан.

Танаффус пайтида Нилуфар мактаб ҳовлисига чиқиб, баскетбол тўсинига суянганича болаларнинг ўйинини томоша қилаётган Шухратга яқинлашди. Милициянинг ташрифидан норозилигини яширмай қуруқ оҳангда:

– Менда гапингиз бормиди? – деб сўради.

– Ҳа, вақтингиз бемалол бўлса, собиқ эрингиз... Сухроб ҳақида гаплашиб олсак...

– Собиқ эрим... – Нилуфар қошларини чимирди. – Собиқ эрим ҳақида гаплашадиган гапим йўқ. Собиқ қайнотам ҳақида гаплашмоқчи экансиз-ку?

– Директорингизга атай шунақа девдим. Аслида...

– Гапингиз зарурми?

– Зарур бўлмаганда сизни безовта қилмасдим.

– Яна бир соат дарсим бор. Хоҳласангиз кутинг. Фақат бу ерда эмас, эски кинохонанинг ёнида туринг.

Нилуфар шундай деб жавоб кутмасданоқ қайрилиб кетди.

Шухрат бир кўришдаёқ унга маҳлиё бўлди. Оқ юзли, қишлари қалин, чарос кўзлари узун киприklar билан шоталанган сарвқомат бу жувоннинг хусни ҳар қандай лигит хушини олар даражада бўлгач, Шухратнинг юраги “жиз” этмасинми! Агар эр кўрган жувон бўлмаганида Шухрат унга совчи қўйишни ўйлаб қолиши ҳам мумкин эди. Ҳозир унинг изидан қарай туриб Сухробнинг нодонлигидан аччиқланди. Шундай жувон билан ажрашиб, кўчадаги шилталар билан нафсини қондириб юрувчини водон деб атамоқ камлик қилар, ҳатто аҳмоқ демоқлик ҳам етарли эмасдир. Бу бузуқликнинг нақадар улуғ гуноҳ эканини, бу гуноҳнинг жазоси ҳам оғир кечажагиши Шухратга биров тушунтирмаган. Тушунтирганда эди, Сухробни нима деб аташни ўзи биларди. Ҳеч бир банда бузуқ бўлиб туғилмайди. Афсус шуки, бузуқ ҳолида ўлиши мумкин. Бу қисмат пешонасига ёзилган бўладими? Йўқ, банданинг тақдир ёзуғида поклик кўчаси ҳам бор. Бу кўчага юрмай, иблисга бандалик қилиб бузуқликни ихтиёр этибдими, демак, бузуқлик ҳолида ўлмоқликни ўзи истабди, ўзи танлабди. Эҳтимол бу йўлни танлашида ҳидоят йўлида тарбия бермаган ота-оналарининг ҳам ҳиссалари бордир, валлоҳи аълам?!

Шухрат ҳозир бу ҳақда ўйламади. Шундай гўзалнинг бир аҳмоқ туфайли бахтсиз бўлиб қолишидан афсусланди халос.

Авваллари ҳамиша гавжум бўлувчи кинохонанинг атрофи энди файзсиз эди. Бир соатдан сўнг Нилуфар келди. “Милициянинг муҳим гапи бор экан” деган хавотирда шошилиб келмади. Одатдагидай шошилмасдан юриб келиб, яқинлашди. Бир жойда туриб гаплашиш ўтган-кетганнинг диққатини тортиши мумкин, боши очиқ аёлнинг, яна гў-

зал жувоннинг бир йигит билан гаплашиб туриши эса янги миш-мишлар дўлини ёғдириб юбориши тайин эди. Шу боис икковлари ҳам худди кўз қарашлари билан келишиб олгандай аста юра бошладилар. Шухрат мақсадини дарров ошкор эта олмади.

– Қайнотангиз билан бирга ишлаган экансиз? – деб сўради Шухрат.

– Ҳа, бир тажрибахонада лазер муаммолари билан шуғулланардик.

– Америкага кетишганларини эшитувдингизми?

– Эшитдим. ҳайрон ҳам бўлдим.

– Нега?

– Америкада ишлайдиган даражадаги олимлардан эмасдилар.

– Балки илмни ташлаб бошқа иш қилаётгандирлар. Бир машҳур артистимиз дўконда фаррошлик қилаётган экан.

– Нима иш қилаётганларини эшитмадим. Ҳар ҳолда фаррошлик қилмасалар керак.

– Бунақа ишлардан ирганадиларми? Димоғдорמידилар?

– Сиз мендан бошқа нарсани сўрамоқчийдингиз. Тезроқ сўранг, сиз билан узоқ юра олмайман.

– Сиз қайнотангизга ёқиб қолганингиз учун бу хонадонга келин бўлганмисиз?

– Энди бунинг аҳамияти йўқ. Бўлар иш бўлиб ўтган.

– Сухроб билан нега ажрашиб кетдингиз?

– Агар менга совчи қўйганингизда шундай деб сўрашга ҳақли эдингиз. Шунда ҳам жавоб қайтармасликка ҳаққим бўларди. Милисага тегишли зарур саволингиз бўлса сўранг, шахсий ҳаётимга аралашманг.

Нилуфар жавоб қайтармасликка ҳаққи борлигини бежиз таъкидламади. Эрдан чиққанидан бери совчиларнинг ташрифидан бешиб кетган жувон ажралиш сабаби албатта сўралишини билар, жавоб қайтаришни эса истамас эди. “Эрим такасалтанг эди” ёки “қайнона бувим молпараст”

пулпараст эди”, дейиш бошқаларга осон туюлиши мумкин, лекин бу гапларни айтиш Нилуфарни ўша кўнгилсиз кунларга қайтариб, ярасини тирнаб, туз сепгандай бўларди. Турмуш қуриши мумкин бўлган одамга-ки айтишни истаманга гапларни етти ёт бегона милиса йигитга айтсинми? Ҳасрат қилсинми?

Жувондан дашном эшитган Шухрат довдираб қолди, ҳатто пешонасидан тер чиқиб кетди. Назарида дарахт панасида капитан Менглиев беркиниб тургандай, унинг аҳволидан кулиб “тўрт йил ўқибсан-у укмабсан, савол бериш илмини ўрганмабсан, укам!” деб танбеҳ бергандай бўлди.

– Сухроб ҳеч ерда ишламас экан, тирикчиликларингиз қандай бўларди?

– Сухробни нима учун суриштириб қолдингиз? Шу гапингизга қараб, кейин жавоб бераман. Агар “ишга таалукли сирни очишга ҳаққим йўқ”, десангиз хайрлашамиз.

– Сир йўқ. Моҳина опоқининг уйини ўғри урибди. Ўғрини қидиряпмиз.

– Сухробнинг нима алоқаси бор? Ҳа... ундан гумонсираяпсизми?

– Жиноятчи топилмагунча шу хонадон атрофидагиларнинг ҳаммаси билан қизиқиб кўришга мажбурмиз.

– Балки аразлаб кетиб қолган келинлари ўғридир?

– Пичинг қилманг, илтимос. Гапимни диққат билан эшитинг, хоҳласангиз жавоб беринг, истамасангиз зўрламайман.

– Сўранг.

– Уйда емоқ-ичмоқдан ташқари йигит кишининг кўчадаги харажатлари бўлади. Сухроб тўйдан кейин чилла тутиб ўтирмагандир. Кафе, дискотека, пиво, сигарет... ҳаммасига пул керак. Пулни қаердан оларди?

Нилуфар бу гапни эшитиб Шухратга ялт этиб қаради-да:

– Сиз буни қаердан биласиз? – деб сўради.

Шухрат Сухроб билан синфдош бўлганини айтгиси келмай “унинг қилиқларини ўрганишга тўғри келди”, деб

қўя қолди. Нилуфардан жавоб кутиб уч-тўрт қадам жим юрди. Кейин саволини қайтарди.

– Пулни қердан оларди?

Пулни қаердан оларди...

Онасидан оларди. Етмаганига бувисини эритишга ҳаракат қиларди. Бувисининг эриши осон эмасди, лекин шунга қарамай минғирлаб-минғирлаб, кўп бўлмаса-да пул бериб турарди. Сухроб ярим кечада уйга ширакайф қайтганда унинг оғзидан анқиётган қўланса ҳиддан Нилуфарнинг кўнгли айнирди. Алмойи-алжойи гапларидан энсаси қотарди. Олимнинг ўғли бу қадар бевош, бу қадар бузуқ бўлишини хаёлига ҳам келтирмай турмуш қуришга кўнгани учун ўзини ўзи лаънатлаб чиқарди. Қайнотасига эътирози йўқ, мўмин одам ҳар қандай келиннинг орзуси. Қайнонаси ҳам ёмон эмас. Лекин ўғлини бенуқсон инсон деб билиб, Нилуфарни гапиртиргани ҳам қўймасди. Келиннинг “Ойижон, ўғлингизга пул берманг, шунда кечалари санқиб юрмайдилар” деган нолалари унга таъсир қилмасди. Қайнона бувиси эса “эр каравотингга боғлаб қўйилган итми, кўчага чиқмай думини қисиб ётиши керакми?” деб вайсагач, Нилуфар ундан нажот кутмай қўйганди.

Милиса йигитга шуларни гапирсинми?

Онасига айтмаган, отасига айтмаган дардларни бу йигит олдида дастурхон қилиб ёйсинми?

Йўқ, айтмайди. Лекин нимадир дейиши керак...

– Пулингиз қолмаса, ўзингиз кимдан сўрайсиз? Ойингизданми? У ҳам шунақа эди. Қайнотамда ортиқча пул бўлмасди. Қайнонамга касалхонада унча-бунча тушиб турарди. Шунини ҳисобидан ўғилни эркалатардилар.

– Бувиси-чи?

– Бувисими? Қишда қор сўрасангиз бермайдиган хилданлар. Бувидан пул олганини кўрмаганман.

– Эҳтимол бувисининг беркитган пулларида яширинча олиб тургандир?

– Буви пул топишга уста эдилар. Яширишга эса ундан ҳам уста эдилар. Бир куни қайнонамга пул зарур бўлиб қолиб, ўйни тит-питини чиқариб қидирганлар. Бир тийин ҳам тополмаганлар.

– Ҳар ҳолда калаванинг учини тополмаяпман. Сухроб ҳамини боқиманда бўлиб яшаган. Тўйни ҳам ота-онаси қилиб берган. Кўчадаги юришлари... нашанинг ўзига фалон пул кетгандир?

Шухрат шундай деб жувонга тикилиб қаради. Наша ҳақидаги гапни эшитиб Нилуфар сескангандай бўлди. Бу ҳолатдан фойдаланган Шухрат саволни давом эттирди:

– Наша чекармиди ахир?

Нилуфар дарров жавоб бермади. Икки-уч қадам ташлагач, Шухратга қарамай “Билмайман, мен нашанинг нима-лигини билмайман”, деди. Кейин яна савол берилишидан чўчиб, суҳбатни бас қилди:

– Бўлди, мен ўнгга кетишим керак, хайр.

Шухрат “яна саволларим бор”, деб унинг йўлини тўсмади. Аксинча, миннатдорлик билдириб, илиқ хайрлашди. У жувондан керакли маълумотни олган эди. Нилуфар собиқ эрининг нашаванд эканини яширишга урингани билан кўзларининг саросима билан жавдираши ҳақиқатни ошкор қилиб қўйган эди. Шухратга ҳозир бу ҳақиқатнинг кераги йўқ, Сухробнинг наша чекишини, қорадори куқунини ҳидлашини яхши биларди. Унинг учун икки нарса қоронғу эди: биринчиси, нашавандликни уйланмасидан олдин бошлаганмиди ё кейинми? Иккинчиси, шунча йил наша чекиб юрган одам игнага ҳам ўтганми ё йўқми? Агар игнага ўтган бўлса, харажатлари ошади. Харажатлари ошгач, қарзга ботади. Қарзга ботгач, энг жирканч ишлардан ҳам қайтмай, ўзини бошқара олмай қолади. Бувисининг ўлимликка асраб қўйган пулини ўғирлаши ўша жирканч ишларнинг бошланишими?

Ишхонасига бориб, эндиги режаларини ўзича пишитди. Менглиев келиб қолса маслаҳатлашмоқчи бўлиб, уни

анча кутди. Вақт асрдан ошса ҳамки бошлиғидан дарак бўлавермагач, таваккалига иш юритмоқ учун Сухробнинг суюмли маскани пивохоно томон йўл олди.

Адашмаган экан, навбатдаги шишани яримлатган Сухроб стулга ястаниб ўтириб олганича ўтган-кетганларни томоша қиларди. Эрталаб уни бувиси уйғотиб “жувонмарг бўлгурлар “пули тўланмаган”, деб телпонни ўчириб қўйишибди, ойинг бояқиш бизларга телпон қилолмай эзилиб кетмасин, ҳозир бориб тўлаб кел, ўша ер ютгурларнинг ҳақини”, деб ўн минг сўм ташлаб кетган эди. Чўнтаги тамом қуриган Сухроб учун бу пул катта хазина бахтини беролмаган бўлса ҳам кечгача нафсини алдаб туриш учун етарди. Нафс ғалаён қилиб турган пайтда “онаси бояқиш”нинг телефон қилолмай эзилишини у тасаввурига ҳам сиғдиrolмас эди. Бир шиша пивони бўшатгач, чўнтагини қоқиб олган Макс билан Ражабни бўралаб сўқди. Баралла овозда эмас, пичирлаб сўккани учун кўнгли роҳатланмади. У телефон ҳақи учун қолдирилган пулни ишлатиб қўйиб, бувисидан хижолат бўлишни ўйламасди. “Телпон идорасига бораётиб автобусда пулни ўғирлатиб қўйганига” бувисини бир бало қилиб ишонтиришига амин эди. Бувисининг жаврай-жаврай яна пул беришини ҳам биларди. Унинг ташвиши ўн минг сўм пулнинг маишат бошланмай туриб дарров тугаб қолишида.

Шу ташвишда ўтирганида Шухратни кўрди-ю валинеъматини учратгандай суюниб кетди. Шухрат ҳам бу учрашувдан мамнундай бўлиб, у билан кўришди.

– Хотининг ўғил туғдими, жа-а хурсандга ўхшайсан? – деди Сухроб унинг елкасига қўл ташлаб.

– Ўғил туғиб берадиган қизга уйланадиганга ўхшаб турибман, – деди Шухрат унинг рўпарасига ўтириб.

– Тўғри қиласан, сен тез уйланишинг керак. Қизларни аврашни эплай олмас экансан. Кечаги қанжиқлар сенин айбинг билан қўлдан чиқди. Чиқимига ўзинг куйдинг, менга барибир.

– Шунга ҳам чиқим деб юрибсанми?

– Ҳа, энди сенга ўхшаган бойваччаларнинг ёнидан ел ўтмайди. Лекин бугун мен уларнинг терисини шилиб оламан, сен жим турасан.

– Бугун шу ерга келади, деб ўйлаяпсанми? Энди улар шаҳардаги ҳамма дискотекаю ресторанларни бир-бир айланиб, менга ўхшаган лақмаларни сувга олиб бориб, суғормай чиққандан кейин бу ерга келади. Демак, орадан камида бир ой ўтади. Унгача ҳовурингдан тушиб қоласан.

– Лақмалигинг тўғри. Лекин хоҳласанг мен уларни шу бугун топиб келишим мумкин.

– Қўй, ўшаларингни. Сенга ёқадиган бошқа зўр гап бор.

– Зўр гапинг бўлса гапир, мазгамни қотириб нима қиласан?

– Бувингнинг пулларини ўғирлаган одам топилди.

Шухрат шундай деб Сухробдаги ўзгаришни кузатиш учун унга тикилди. У кутгандай Сухроб чўчиб ҳам тушмади, қизиқиши ошиб ҳаяжонланмади ҳам. Эътиборсиз, ҳатто ишончсиз тарзда:

– Зўр-ку! Ким экан? – деб қўйди.

Шухрат жавоб беришга шошилмай, унга тикилиб ўтираверди. Бу тикилишдан энсаси қотган Сухроб кўзларини олиб қочиб:

– Лағмондай чўзма, айт айтадиганингни, – деди.

– Бувинг бечорани ўзинг қақшатгансан. Ўғри сенсан, – деди Шухрат муғомбирлик билан илжайиб.

Бу гапдан кейин ҳам Сухроб чўчиб тушмади. Аксинча, Шухратга тухматдан ғазабланган каби норози қиёфада тикилди. Ундан кўз узмаганича шишани кўтариб, пивони охиригача ичди-да, лабини кафти билан артди. Кейин масҳара оҳангида гап бошлади:

– Одамни қўрқитманг милиса амаки. Шунақаям ҳазиллашасизми, юрагим шувиллаб кетди-я! Иштонимни бўктиришимга сал қолди! Ҳазил-ҳазил билан мен бечорани қамаб қўйманг тагин?

Шу пичинглари билан Шухратни масҳаралмоқчи бўлди-ю, лекин унинг қарашига бардоши етмади.

– Кўзларингни олиб қочма, – деди Шухрат.

– Сенам менга бунақа тикилма. Мени ўғри деяпсанми? Аввал исбот қил!

– Исботим бор. Лекин мен сени қамоққа олмайман. Милиция идорасига ўзинг борасан. Айбингни бўйнингга оласан. Энг муҳими – аввал пулни жойига қўйиб, бувингдан кечирим сўрайсан.

– Жа-а катта кетвормадингни, ошна?

– Мен катта кетган бўлсам, сен жуда паст кетибсан. Сен оддий ўғри эмассан. Бувисининг ўлимликка асраганини ўғирлаган пасткаш одамсан.

– Сен менга валдир-вулдир қилма, бунақа олифта гапларингни милиса ошналарингга бориб гапир. “Ўлимлик-ўлимлик” деб бошимни қотираверасанми?!

– Бошингни қотираётганим йўқ. Бувингнинг гапларини айтяпман.

– Бабкам қолоқ кампир, тилига келганини қайтармай валдирайверади. Ўлимлигига пулнинг нима кераги бор? Гўрковга пулни ўзи бермайди-ку? Ўлса биз кўмамиз, харажатини ҳам ўзимиз тўлаймиз. Сен эса менга жириллама! Тирноқ орасидан кир қидиришингнинг фойдаси йўқ. Бу кичкинагина, арзимаган жинойт. Сенларнинг тилларинг билан айтилганда “майда ўғирлик” дейилади.

– Бувинг даъво қилаётган пулнинг миқдори “майда ўғирлик” доирасига сиғмайди.

– Бабкам озгина мошенница, атай ошириб айтган. Сандиқдаги пул бир миллионга ҳам етмасди.

– Сен қаердан биласан?

Суҳроб гапидан илинганини сезиб, довдиради. Шухрат ундан жавоб кутди. Суҳроб одамзотга керакли аллақанча фазилатлардан бебахра бўлгани билан ёлғончилик иллатидан бенасиб эмасди. Таъбир жоиз бўлса, бувиси ёлғончилик булоғидан тўйиб-тўйиб сув ичишни ўргатган эди. Шундай экан, кечагина иш бошлаган тажрибасиз милицио-

нер олдида гапини йўқотиб ўтирармиди? Қўрққан олдин мушт кўтарар, деганларидай у эски усулни қўллаб, дағдаға оҳангига кўчди:

– Ойим Америкага кетаётганида бабкам “ўлимликка тўрт юз минг сўм асраб қўйганман”, деганди. Бўлдими? Гапимга ишондингми?

– Ишондим. Мебеллар-чи? Нега сотдинг?

– Мабел меники, хоҳласам ўтираман, хоҳласам сотаман. Мен шу уйнинг меросхўриман. Ҳамма нарса меники! Одам ўзининг мулкани сотса ҳам қамайверасанми? Қонунларингда шунақа ёзилганми?

– Китобдаги қонунда бунақа ёзилмаган, лекин...

Шухрат “виждон қонуни ҳам бор-ку?” демоқчи эди, бу гапи шамолга қарши қичқириш каби зое кетишини билиб, тилини тийди. Сухроб эса унинг дилида қолган гапни тушуниб етгандай, афтини бужмайтирди:

– Сен менга тир-пир қилиб, бунақа сафсата сотма. Бошқа гапинг бўлмаса, боравер, ойинг хавотир олмасин.

Сухроб шундай деб қопқоғи очилган пивога қўл узатган эди, Шухрат чаққонлик қилди, шишани олиб, икки-уч қултум ичди. Сухроб унга “пиво ичмас эдинг-ку?” дегандай савол назари билан қаради. Шухрат муғомбирлик билан илжайиб қўйди.

– Ойим хавотир олмайдилар. Бугун дискотекада мажлисим бор, Сухроб деган танти ошнам бор, тонггача меҳмон қилади, деганман.

Ҳозиргина дағдаға қилаётган милисанинг бу оҳангга кўчиши Сухробни гангитиб қўйди. Қайси гапи ҳақиқат-у қайсиниси майнавозчилик эканини билолмай қолди. Шухрат эса хотиржам равишда яна икки қултум пиво ичди.

– Сендан қарзим борми, нега меҳмон қиларканман? – деб тўнғиллади Сухроб.

– Мабелнинг пулига шерикман, – деди Шухрат, – кеча ошнанг алдаган эди, бугунги хуморбосди сенинг хисобингдан.

– Валдирама!

Шухрат ўзини мажбур қилиб кулди.

– Чумчуқюрак бўлиб қолибсан-ку, ошнам, – деди у кула-кула, – шу гапимга ишондингми? Мен ошнасини қамоққа рўпара қиладиган пасткашга ўхшайманми?

– Ишонганим йўқ, гапингга яраша жавоб қилдим, – деди Сухроб ўзини оқлаб.

– Мен сени қаматмайман, лекин “ҳисобли дўст айрилмас”, деган гап бор. Қамоқдан олиб қолганим учун бир ярим йил мени текини билан таъминлаб турасан.

– Нима? Нима дединг?

– Ошначилик ҳурмати бор бўлгани учун бир ярим йил, дедим. Қамалсанг, камида уч йилга кетасан. Уч йилдан олиб қолганим учун уч йил боқинг керак эди, бир ярим йили сенга сийлов.

Шухратнинг шундай деб безбетларча тикилишидан ғазабланган Сухроб уни бўш шиша билан уриб юборишига сал қолди. Шухрат яна кула бошламаганида уриб қолиши тайин эди.

– Ўзингни бос, – деди Шухрат бирдан жиддийлашиб. – Агар ошначиликни бузишни хоҳламасанг мен ҳақимда бунақа ёмон хаёлга борма. Каллангни ишлатиб кўр: сени ўғирликда айблаганим билан исбот қила олмайман. Далил йўқ, гувоҳ йўқ. Мен сенга аввал ҳам айтдим: умуман, ҳеч қандай ўғирлик йўқ. Бувингнинг ё эси айниб қолган, ё “Пулимни ўғирлатдим”, деб давлатдан ундириб олмоқчи. Эрта-индин амнистия эълон қилинса, бу “Иш” умуман ёпилади. Мени бир ярим йил эмас, бир ярим кун ҳам боқолмаслигингни биламан. Сен бечорага ўлигини ташлаб оладиган хароб одамга ўхшайманми? Менга пулинг керак эмас. Менга ҳалол улфат керак. Пул ҳамма ёқда тикилиб ётибди. Кўнгилга ёқадиган улфатни топиш қийин.

Шухрат “улфат”ининг чакнай бошлаган кўзларига қараб гаплари мойдек ёққанини англади-ю ўзининг ишидан ўзи мамнун бўлиб жилмайди. Дискотекада кечқурун кўришажагини маълум қилиб хайрлашди.

Идорасига қайтиб Менглиевга салом бериши билан капитан алик ола туриб “ичганмисан?” деб сўради.

– Олғиртойнинг ишончини тўла оқлаш учун озгина пиво ичишимга тўғри келди. Кейин озгина фарс ҳам ишлатдим.

Шухрат шундай деб ўзи ўйлаб топган, “фарс” деб аталмиш қалтис ҳазил баёнини айтиб, бошлиғидан бу “кичик саҳна асари” учун мақтов кутди.

Менглиев мақташга шошилмади. Лейтенантга тикилганича жим қолди. Сўнг:

– “Фарс” шунақа бўладими? “Ҳазилнинг таги зил” бўлишини ҳисобга олмадингми? – деб сўради.

– Сухроб эшитган гапларини мулоҳаза қилиб кейин хулоса чиқарадиган хилиданмас. У менга ишонди. Энди ўртоқларини ҳам ишонтиради. Мен уларнинг орасига қириб оламан.

– Сен қайси бўлимда хизмат қиласан? Қайси “Иш”ни тергов қиляпсан, адашиб кетмадингми? Гиёҳвандлик билан шуғулланадиган бўлим бор, ўзининг мутахассислари бор.

– Буни биламан. Лекин бир жиноят иккинчи жиноятни фош қилишга хизмат қилса-чи? Юз ўгириб кетаверамизми? Биринчи жиноятнинг илдизи иккинчи жиноятга тақалса-чи?

– Хўп, тақалди ҳам дейлик, нима қилмоқчисан?

– Дискотека билан жиддийроқ шуғулланиш керак.

– Олдин ўғирликни бир ёқлик қилиб ол-чи? Бугун эрталаб кампир шаҳар бошқармасига шикоят қилиб борибди. Кечаги гапинг тўғри чиқди, кампирга пули қайтариб берилса бас, ўғрини топиш-топмаслигимиз билан иши йўқ. Топмасак, қайтага қувонади, “икки миллион ўғирлатдим, пулимни топиб берасанлар” деб даъво қилиб юраверади.

– Ўғри ўзининг невараси. Бунга шубҳам йўқ. Унинг маишатига сандиқ тўла пул ҳам камлик қилади. Гиёҳвандларга даллоллик қилиб тирикчилигини аранг ўтказиб юрибди. Дискотека кўп сирларни ошкор қилиши мумкин.

– Гумонларингни айт-чи?

– Аввало дискотеканинг асосий иши кечаси бошланади. Ҳокимнинг қарорига кўра, бунақа жойлар соат ўн бирда ишини тугатиши керак. Булар эса асосий маишатни ўн бирдан кейин бошлашади. Бу жойларни текшириб турувчи профилактика нозирларини ҳам бир элақдан ўтқозиш керакмикин? Ҳар ҳолда дискотека ёнидан ўтишаётганда кўзларини бекордан бекорга юмиб олишмаса керак?

– Сен бу томонга шўнғима, бўладиган гапни айт.

– Дискотекага кирган одам бир оздан кейин ўзгаряпти. Ғалати ҳолга тушяпти. Мен ҳам ўзимни бошқача ҳис қилдим.

– Нега ажабланасан? Музиканинг шовқини гангитиб қўяди. Рок-музика ҳам ўзига ҳос наркотик ҳисобланади.

– Мен бошқача хулосага келдим. Дискотекага қорадори кукуни сочилса керак.

– Қандай қилиб?

– Ҳаво совутгичлар пуфлаб бериши мумкин. Бу ерга келадиганлар ана шу енгил кайфга ўрганишганга ўхшайди. Бунақаларни қорадорига ўргатиш осонроқ бўлади.

– Таклифинг?

– Дискотекадаги ҳаво таркибини текшириш керак. Ундаги доимий мижозлар кузатилса, сотувчиларнинг изига тушиш мумкин. Олғиртой билан Ражабнинг муносабатлари алоҳида кузатилиши керак. Сухроб менга қармоқ ташлади. Ўзимни лақмаликка солиб илинмоқчиман. Улар фош этилса, ўғирлик ҳам ойдинлашади.

– Хўп, сен ўзингни лақмаликка солавер. Лекин аслидачи? Улар сендан аҳмоқроқми?

Шухрат бошлиғининг мақсадини англамай елка қисдида, мужмаллик билан жавоб қайтарди:

– Шунақа бўлса керак...

– Агар ўзингни улардан ақллироқ деб ҳисобласанг, ўйинга аралашмаганинг маъқул. Ақллиларнинг аҳмоқлар қўлидан ўлим топишига тарих кўп гувоҳ бўлган. Сен ўлишга шошилма.

– Жуда-а ваҳима қилиб юбордингиз-ку? – деди Шухрат жилмайишга ҳаракат қилиб.

– Ваҳима эмас. Олғиртойинг билан Ражаб Самиев итбалиқ бўлиши мумкин. Лекин уларнинг ортида наҳанг тишини қайраб турибди. Бу сенга боғчадаги “уруш-уруш” ўйини эмас. Улар учун инсон жонининг бир сўмлик ҳам қадри йўқ. Шу гапларимни ўйлаб кўр. Қандай ўйинга аралашмоқчи бўлаётганингни аввал ўзинг тушуниб ол. Ана ундан кейин таклифларингни қоғозга тушириб, бошлиққа билдирги ёз, мен маслаҳатлашиб кўраман.

Менглиев Шухратнинг гапларини эътиборсиз тинглагандай кўринган бўлса-да, унинг зийраклигидан мамнун эди. Аслида, Ражаб дастлаб сўроқ қилинаётган дамдаёқ бу оиланинг қорадори сотиш билан шуғулланишини гумон қилиб эди. Шухрат Америка элчихонасининг Сухробга рухсатнома бермагани сабабини аниқлашга ёрдам беришни сўраганида “яна бир муҳим далилни унутяпсан, ўйлаб кўр”, деб айнан шуни назарда тутганди. Шухратнинг ўйлаб кўриб, калаванинг бир учини топишини кутмасдан Самиевлар оиласига доир маълумотлар билан қизиқди. Холниса Самиеванинг йигирма беш йил муқаддам катта шаҳарга кўчиб келгани, “Райком бува” деб номланмиш амалдорнинг тўшагини обод қилиб юриб бир ўғил туғиб олгани ва бу хизматлари эвазига ҳозир яшаб келаётган ҳовлига эга чиққани Менглиевни кўпам қизиқтирмади. Ўз ҳусну малоҳатидан шу тарзда самарали фойдаланувчи аёллар ўтган замонда кам эмасди. Ҳозир ҳам етарли. Гарчи улар зинокорликда айблансалар-да, жисмоний жазога тортилмай қўйилганлар. Бундайларни Худо қачон жазолашни ҳеч бир банда, хусусан Менглиев ҳам билмайди. Билишга қизиқмайди ҳам. Қизиққанда эди, Холнисанинг ўтаётган умри жазонинг аввали эканини сезган бўларди.

Холнисанинг ўтмиш замондан жабр кўргани ҳақидаги даъвоси ажабланарли эди. Менглиев Ражабни биринчи марта сўроқ қилишга тайёрланаётган пайтда идорага

шовқин солиб кирган Холниса “пахта иши”да жабр кўрганини қайта-қайта таъкидлаган эди. Комсомолда ишлаётган шўх-шодон қизнинг “Райком бува” назарига тушгач, иқтидорли ёш мутахассис сифатида компартиянинг район кўмитасига ишга олинганини, кунлардан бир кун сарко-тиб билан мажлис маърузасини ёзаётган пайтида фаррош “билмасдан” устларидан қулфлаб кетганини, оқибатда кекса ошиқ билан ёш маъшуқа ҳақида дostonлар тўқилмаган бўлмаса-да, миш-мишлар тарқаганини Менглиев билмасди. “Пахта иш”и бошланиб, “Райком бува” ҳибсга олинганда Холниса шаҳарда яшарди. “Райком бува”нинг юраги хастамиди ё кўрқувдан ёрилиб кетдими, ҳар ҳолда турмага тушган тун ёстикқа бош қўйди-ю турмади. Ўлим “Райком бува”ни Сибир турмаларининг азобларидан, хотини ва ўйнашларини эса тергов азобларидан қутқариб қолди. Холниса “пахта иши”дан жабр кўрганини айтганида буларни назарда тутмаган эди. Бокира умрини мол-дунё хавасига алмаштирган бу жувон қаричи билан ўлчанганда у кўрган жабру жафонинг чеки йўқ эди. Ҳар ойда худди маош каби оладиган пул, ҳар ҳафта келиб турадиган гўшту ёғ “Райком бува”нинг фожиасидан сўнг узилгач, ўзини жабрдийдалар сафида кўрди.

Менглиев бу аёл ҳаётига хос икир-чикирлар билан қизикмади. Билгани: амалдорнинг ўйнаши бўлган, ўйнаши турмада жон берган. Яна билгани: олий ўқув юртини қизил диплом билан битирган, эътиборли идораларда ишлаган аёл энди қурт-писта сотиб тирикчилик қилади. Менглиев мана шунисидан ажабланди. Ажабланиш билан кифояланмай, бугун эрталаб Холниса савдо қиладиган жойга бориб кузатди.

Ёқилғи қуйиш шаҳобчаси яқинида омонат тикланган автоустахона гавжум, барча ўз иши билан банд эди. Менглиевнинг зийрак нигоҳи катта чинор дарахти соя солиб турган майдончага, болалар аравачаси ва пастак ёғоч курсидан иборат Холнисанинг “савдо маркази”га қаратилганди.

Айрим автомашиналар ёқилғи қуйгач, айримлари усталарга учрагач Холниса ёнида тўхтаб ўтишарди. Айримлари эса худди бошқа ерда сигарет йўқдай, атай шу ерга келиб олишарди. Холнисанинг мижозлари асосан қимматбаҳо машиналарда келаётган ёшлар эканини фарқлаб олиши қийин бўлмади. Бойвачча йигитларнинг гугурт олишларига бошқалар эътибор беришмасалар ҳам, милиция ходимининг бефарқ қараши мумкин эмасди.

Капитан Менглиев идорасига қайтиб, бу кузатув натижаларини ўзича таҳлил қилиб ўтирганида Шухрат келиб, гумонларини баён қилгач, жиноятга доир занжир ҳалқаларини бир-биридан узган ҳолда аниқлаш мумкин эмаслигига амин бўлди. Шухратнинг билдирги ёзишини кутмай, бошлиқ хузурига йўл олди.

Саховат илинжи
(Яна Нью Орлеанда)

Набирасини уйғотиб, телефон ҳақини тўлаб келишни тайинлаган Моҳина кампир ён қўшниларникига чиқиб “Америкадан телпон бўлган-бўлмаганини” суриштирди. Қизи Америкага кетаётганида “Телпонимиз жавоб қилмаса қўшниларга сим қоқавер”, деб тайинлаган эди. Америкада кечаси телефон алоқаси арзонроқ бўлгани сабабли Зарина бу томонларда субҳ кирган чоқда қўнғироқ қиларди. Ҳар тун нохуш туш кўраётган кампир ҳар тонг телефон қўнғироғини кутиб, юраклари эзилиб кетди. Назарида бу тонг қизи қўшниларга телефон қилгандай туюлиб, умид билан эшик қоқди. Қўнғироқ бўлмаганини билиб, умиди синган ҳолда бўшашиб кетаётганида рўпарасидан Муаттар чиқиб, истамайгина тўхтаб, сўрашди.

– Айланай, эсон-омонгина юрибсизми? Кеча Ҳалима-хонларникида ифторликда учрашармиз девдим, кўринмадингиз-а? Бирам хавотирландим, ифтордан кейин хабар олай десам, уйингизнинг чироқлари ўчиқ экан.

– Вой, ҳозир ифторингиз юрагимга сиғадими?

– Яна нима бўлди, айланай?

– Нима бўларди?.. – Моҳина қизидан хавотирда эканини унга айтгиси келмади. – Гўрда чиригур ўғрини ҳалиям топишмади.

– Сабр қилинг, топилиб қолар. Сабр яхши нарса. Кеча отин ойи бирам чиройли маъруза қилиб берди, чиққанингизда эшитардингиз.

– Сиз чиқиб эшитибсиз, оламга татийди, – деди Моҳина. Муаттар бу кесатикқа эътибор бермай, унинг энсасини баттар қотириб, тассуротини айта кетди:

– Сабри йўқ одамнинг дини ҳам бўлмас экан. Бир куни ҳазрати Умар Пайғамбаримиз алайҳиссаломникига келиб қарасалар, қамишдан тўқилган бўйра устида ётган эмишлар. Юзларига, қўлларига қамиш ботиб кетганмиш. Хумчадаги сув билан бир сиқим арпаларидан бошқа озик-овқатлари йўқ экан. Шунга қаноат қилиб яшарканлар. Буни кўриб ҳазрати Умар йиғлаб юборибдилар...

– Яна бир ифторликка борсангиз эшитганларингизни бира тўласи қўшиб айтиб берарсиз, ҳозир бозорга етиб бормасам, жойдан қуруқ қоламан, – деди Моҳина унинг апини шарт кесиб. Бозорга икки-уч дақиқа кечикиб борса, осмон узилиб ерга тушмаслиги аниқ бўлса-да, тилига бошқа баҳона келмагани учун шундай деди. Муаттар ўзини кечадан бери хаяжонга солган ҳикматларни айтиб бера олмаганидан пушаймон бўлиб қолаверди. Ўтган йили қўшнисини рўза тутишга даъват қилганида Моҳина кампир “рўзангиз тушмагур ярим кунлик бўлганида жон-жон деб тутардим. Саҳардан шомгача очликка чидай олмайман, ичакларим узилиб кетиши мумкин”, деганида “вой ўлайин, Худонинг буйруғига бунақа аралашманг, тавба қилинг”, дейиш билан чекланган эди. Кечаги ифторда отин ойи айтиб берган ривоятни эшитиб, қўшнисининг бултурги гапини эслаган, бу ривоятни унга, албатта, айтиб беришни кўнглига туккан эди. Эшитган ривоятига кўра,

фақирлардан бири “Йа Расулаллох, фақат хурмо еявериб, ичимиз куйди, ҳар доим мева еймиз”, деб нолиганида Пайғамбаримиз алайҳиссалом “Мен ҳам худди сизлар каби икки ойдирки, мева ейман. Уйда ейишга бошқа нарса йўқ”, дедилар. Яна бир киши очлик туфайли қорнига тош боғлаб юраркан. Иссиқ тош қоринга боғланганида ошқозондаги очлик азоби бироз чекинарган. Ўша одам қорнидаги тошни кўрсатиб, очликдан шикоят қилганида Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳам муборак қоринларига боғлаб олган тошларни кўрсатган эканлар. Бу ривоятдан мутаассир бўлган Муаттарнинг Моҳина кампирга аталган гаплари айтилмай қолиб, афсусланди.

Бозорга шошаётган Моҳина бир неча кун илгари худди шу пайтда Нью Орлеан полис маҳкамасида қизининг азоб чекиб ётганини тасаввур ҳам қила олмасди.

Қорадорифурушларга дастёрлик қилишда айбланган Зарина узоғи билан кечгача озод бўлишидан умидвор эди. Гарчи бу мамлакат қонунларини билмаса-да, қорадори савдосига аралашиш барча юртларда жазоланишидан хабардор эди. Кечгача икки марта сўроқ қилдилар. Сўроқ якунида “энди сиз озодсиз, камчилик биздан ўтибди, узр” деган жонбахш гапни кутиб, илтижо билан тикилди. Иккинчи сўроқ якунида сержант:

– Аслида сени ҳам, шерикларингни ҳам ҳибсга олиш, суд қилишнинг ҳеч ҳожати йўқ эди, – деганда умидвор кўзларида нур чақнади. Аммо кейинги гап нурни сўндирди, ҳатто жонини суғуриб олгандай бўлди: – Ўша жойнинг ўзида отиб ташлаш керак сендақаларни. Американинг бошига битган балосанлар сенлар!..

Сержант бу заҳарли гапини Ҳамелтон ёки Эденбургга айтса ўринли эди. Бироқ, айбсиз заифага бундай дейиши ўтмас пичоқ билан сўйишдан баттар азоб эди. Зарина совуқдан эмас, қўрқувдан қалт-қалт титраб, панжара ортида ғужанак бўлиб, қисмат ҳукмини кутарди. Ҳатто дарчаси ҳам бўлмаган ҳибсхонада куннинг ўтганини билиш муш-

кул эди. Зарина тун кирганини тахмин қилиб, тонг отишини умид билан кутаётганда панжара эшигини шарақлаб очиб, гавдаси аёлга нисбатан қўпол эркакни эслатувчи жувонни киритдилар-да, “қўлинг қичишаётган бўлса, ана, хуморингни бос”, деб нари кетдилар. Зарина бу гапнинг маъносини тушунишга улгурмай, эркакшода жувон унга яқинлашиб, бошига мушт туширди. Кейин тепди. Заринанинг хушдан кетишига шунинг ўзи кифоя қилди. Бу хотиннинг кимлиги, нега қамалгани, уришдан муроди не эканини билишга уринолмай ҳам қолди. Ҳушига келиб кўзини очганда ҳибсхонада нотаниш хотин кўринмади. Темир панжара ортида турган полициячи “Биров урса индамай ётаверасанми, нега ёрдамга чақирмадинг?” деб қўйди-да, кимгадир қўнғироқ қилиб “жиноятчининг ҳушига келганини” билдирди. Дам ўтмай сержант келиб, шу ернинг ўзида яна сўроқ бошлади. Саволлар маъноси кечагидан фарқ қилмади. Сержант асосан Ҳамелтон ва Эденбург алоқа қилган одамлар билан қизиқди. Зарина бу ерда ҳеч кимни танимаслигини айтса ҳам, бу жавобдан қоникмади. Терговни чўзмай, “янги қўшни келгунига қадар эсингни йиғиб ол”, деб бўлажак азобдан огоҳ этди.

Полис маҳкамаси атрофида умидвор кезаётган Жўра бу онда саҳродаги қуруб қолган қудуқдан сув тошиб чиқишини кутаётган телба ҳолида эди. Нью Орлеан довул ҳукмида қолган кечаси иккинчи қават зинасида дийдирашиб ўтиришганда Зарина: “Шунақа ҳам бўладими, “одамисан” дейдиган бир меҳрибон ҳам топилмайдими бу юртда?” деб алам билан хўрсинганида Жўра:

– Меҳрибон дейсанми? Валади зинолар билан тўлган, эркак билан эркак, аёл билан аёл никоҳланадиган юртда қандай меҳр-оқибат бўлиши мумкин? – деб асабий тарзда жавоб берган эди.

Жўра бу гапларни ўша тун беихтиёр айтиб юборганди. Ўз ақлининг маҳсули бўлмаган бу фикрни у сафар арафасида дўсти Нуриддиндан эшитган эди. Полис маҳкамасининг

эшигидан хотини чиқиб келишини умид билан кутаётган Жўра ўша гапни яна эслади. Сўнг бу ерда ўтираверишдан наф йўқлигини англаб, “чиқмаган жондан умид” деганларидай биронта меҳрибонга йўликтиришни Худодан сўраб шаҳар маркази томон юрди. Катта дўкондаги иш юритувчининг ёрдамчиси сифатида топиш-тутиши ёмон бўлмаган ҳамшаҳридан яна ёрдам сўрашга қарор қилди. Бу юртга отланганларида қайнонасининг узоқ қариндоши бўлмиш Ҳамробекдан умидлари катта эди. Ҳар ҳолда Ҳамробек уларга қўлидан келганича ёрдам берди. Аммо кеча “Сизга шунча пулни ким бериб туради? Хўп, берди ҳам дейлик, қарзни қандай узасиз?” деб Жўранинг умид чиннисини синдиришдан ўзга чораси қолмади.

Полис маҳкамасидаги бесамар кутишдан сўнг Жўра синдирилган ўша умид чиннисини гўё тупук билан чегалагандай яна Ҳамробекка рўпара бўлди.

– Сиз ўртага тушиб қарз топиб бераверинг, мен Тошкентга телефон қиламан. Қайнонам уйни сотиб, пулини юборадилар. Мен бировнинг ҳақини еб кетадиган номард эмасман.

– Ака, бу гапингиз Тошкентга ярашади. Бу ернинг битта қоидаси бор...

– “Ўзинг учун ўл етим”ми? Бир марта айтгансиз, – деди Жўра асабийлашиб. – Нима, етимлар индамай ўлиб кетаверишлари керакми? Ватандош дегани бир-бирини қўлламайдими?

– “Ватандош” дегани тилдаги ёки газетдаги гап, – деди Ҳамробек унинг ҳақиқатни тушунишга ожизлик қилаётганидан ғашланиб.

– Бу ёққа келмасимдан олдин телефонда гаплашганимизда ваъда қанақа бўлган эди? – деди Жўра таъна оҳангида.

– Мен ваъдамни бажардим: кутиб олдим, университетга рўпара қилдим. Илмингиз уларнинг талабига жавоб бермаса, мен айбдор эмасман-ку?

– Ҳаммаёқ ғирром! Ҳаммаёқ муттаҳамлик! – Жўра шундай деб ижирғанди-да, бир оз тин олди. Кейин ўзини босиб сўради: – Нью Йоркка бориб келсам-чи? Абдуолим деган одамнинг бир жамияти бор экан, деб эшитдим, ё у ҳам ёрдам бермайдими?

– Билмадим...

Ҳамробек Абдуолимнинг ёрдам бермаслигини биларди. У одам сиёсий баҳона билан ўзини “қувғин” либосида кўрсатганларнигина паноҳига оларди. Жўрага ёки Заринага ўхшаб пул илинжида келганлар билан иши йўқ эди. Ҳамробек бу ҳақиқатни айтсаммикин ё индамай қўйсаммикин, деб иккиланди. Кейин “яна бекордан бекорга сафарга отланмасин”, деган хавотирда бор гапни айтиб, тушунтирди.

Жўра Абдуолимни яхши билмаса ҳам жамиятининг вазифасини қисман биларди. Шу боис Ҳамробекнинг айтганлари унга фавқулодда янгилик бўлиб туюлмади.

– Биз ҳам ўзимизни “қувғин” деб эълон қилсак-чи?

– Қанақасига? – деб ажабланди Ҳамробек.

– Масалан, менинг сиёсий қарашларим учун илмий ишларимга тўғаноқ бўлишган.

– Шуни исбот қила оласизми?

– Қанақа исбот керак?

– Билмадим. Бир артист қувғинлигини исбот қила олмаган экан, деб эшитувдим. Ҳар ҳолда бугун бориб “мени қувғин қилишди”, деганингиз билан эртага қўлингизга пул тутқизиб қўйишмаса керак. Билишимча, сиёсий ишларига ярасангиз қанотига олади, бўлмаса дийдиёйингизни айтиб, чапагингизни чалиб қолаверасиз.

– Унда нима қилай? – деди Жўра бўғилиб.

– Кутишдан бошқа иложингиз йўқ.

– Нимани кутаман?

– Судни. Бу ерда терговни чўзишмайди. Полисинг исботи заиф бўлса, суд хотинингизни озод қилиб юбориши мумкин.

Ҳамробекнинг бу гапи ҳадик билан тепаётган юракка хотиржамлик бера олмасди. У омади юрилмаган олим ватандошига бундан ўзгачароқ жўяли маслаҳат бера олмас ҳам эди. Тўғри, у пулдан ёрдам бериш имконига эга эди. Эҳтимол Тошкентда шундай зарурат туғилса хасислик қилмасди. Лекин мусофир юртда беражак ёрдамнинг оқибатда саҳро қумига сингиб кетган ёмғир томчиси каби йўқ бўлиб кетишини билгани учун ҳам ўзини бундай ҳотамтойликдан тутишга мажбур эди.

Жўранинг тупук билан ямаган умид чинниси энди парча-парча бўлиб сочилиб кетди. Синиқ кўнгил билан бошпанасига қайтганда хўжайинининг ғазабига дуч келди. Майсазорга кимдир сигарет қолдиғини ташлаган экан, Жўра балого қолди. Жўра хотини бошига тушган фожиани айтиб, узр сўраган эди, уй хўжайини эшитишни ҳам истамай, яна шу ҳол қайтарилса, ишдаб ҳайдаб юборажагини маълум қилди. Жўранинг ҳозир ишдан ҳайдалиши мумкин эмас эди. Чунки ишдан ҳайдалса кулбадан ҳам ҳароброқ бу бошпанасидан ажралиб қоларди. У кечгача вазифасини бажариб юрди. Қўли ишда бўлса ҳам кўзи кўча томонда эди. Хотинининг жилмайиб келишини умид билан кутди. Қош қорайгач эса Вилли Браунни кута бошлади.

Браун одатича ярим кечада келди. Маст бўлса ҳам оёқда турар ҳолда эди. Шунга қарамай, Жўра одати бўйича уни суяб хонасига қадар кузатди. Эшик очилиб, Браун ичкарига қадам қўйгач, остонада тўхтаган Жўра:

– Мистер Браун, қаҳва қайнатиб берайинми? – деб сўради.

Бу таклифни эшитган Браун орқасига ўгирилиб, Жўрага ажабланиб қаради:

– Қаҳва ичгинг келяптими?... Ё... менда гапинг борми?

– Ҳа, мистер Браун, маслаҳатингизга муҳтож бўлиб қолдим.

– Бугун кайфиятим яхшилигини билиб сўраяпсанми? Қани, кир, аввал виски ичамиз, кейин қаҳва...

Брауннинг хоҳишини бажо келтириб, унинг эзмалигига дош беришга мажбур бўлди. Унинг “нима гапинг бор?” деб сўрашини сабр билан кутди. Ниҳоят, савол сўралди. Мақсад айтилди. Қаҳванинг ўрнига виски хўплаб ўтирган Браун тобора қисилиб бораётган кўзларини унга қадаб жим қолди. Жўра гапим таъсир қилди шекилли, деб сал жонланди. Ҳа, гап таъсир қилган эди, бироқ, Жўра умид қилгандан кўра ўзгачароқ тарзда эди бу таъсир. Бир неча нафасдан сўнг Браун қандай мутаассир бўлганини ошкор этди:

– Сен... жиннироқмисан? – деди-да, саволига жавоб кутмай давом этди: – Шунча пул бериши мумкин бўлган аҳмоқ бор, деб ўйлаяпсанми?

Жўра “Кимнинг ҳиммати баланд бўлса, кадр-қиймати ҳам баланд бўлади”, деган ҳикматни эшитмаган эди. Эшитганда эди, кадр-қиймати тубан одам ҳузурида паст кетмаган бўларди. “Кимга олийҳиммат берилган бўлса, унга ҳамма нарса берилган ҳисобланади. Кимга берилмаган бўлса, унга ҳеч нарса берилмаган бўлади”, ҳадисига мувофиқ Браун гарчи бадавлат кўринса-да, аслида инсонни Яратган ҳузурида азиз ва мукаррам этувчи барча нарсалардан бебаҳра эди. Бу ҳақиқат на унинг ўзига, на марҳамат кутиб ўтирган Жўрага маълум эди. Саховати йўқ бой суви йўқ ариққа ўхшайди. Бу мамлакатда бойлар кўп, шунинг баробаринда сувсиз ариқлар ҳам кўплигини Жўра энди-энди фаҳмлаётганди. У Брауннинг гапидан гашланиб:

– Қарз бериб, ҳожат чиқарадиган одам аҳмоқ бўладими? – деб эътироз билдирмоқчи бўлди.

– Ҳа, албатта аҳмоқ бўлади, – деди Браун янада қатъийлик билан. – Агар ақл билан пул топган бўлса, аҳмоқлик билан сарфламаслиги керак.

– Камбағал одам бирон нарсага муҳтож бўлса нажот топмай ўлиб кетаверадими? – деди Жўра.

– Аҳмоқ одамнинг ўлиб кетишдан бошқа яна қандай чораси бор?

Бу шунчаки савол эмас, маст одамнинг алжираши ҳам эмас, дунёни ўз қаричи билан ўлчаб, ўз кўзи билан кўриб, ўз ақли билан мушоҳада этувчи одамнинг ақидаси эди. Бу ақида хусусида у билан баҳс этишнинг ўзи нодонлик эди. Жўра у билан бошқа гаплашгиси келмай, ўрнидан турди.

– Сен физикани озми-кўпми биласан, лекин ҳаётни тушунмайдиган одамсан, – деди Браун. – Менга бегона бўлатуриб қарз сўраяпсан. Агар туғишган акам бўлганинда ҳам сенга бермас эдим бу қарзни. Лекин битта маслаҳат бераман. Шу яқин ўртада мусулмонларнинг ибодатхонаси бор, деб эшитганман. Ўшаларга учраб кўр, балки ёрдам беришар.

Жўра унинг гапини эшитгиси ҳам келмаётган эди. Лекин охириги маслаҳати хуш ёқиб, кўз олдидаги қоронғулик ойдинлашгандай туюлди. Масжид борлигини у ҳам эшитган эди, бироқ пешонаси саждага тегмагани сабабли у жойга боришни шу пайтга қадар ўйлаб ҳам кўрмаганди. Ўз уйида эканида муҳтожларнинг масжидларга мурожаат қилганлари ва ҳожатлари раво бўлгани ҳақида эшитиб юрарди. Брауннинг ақли етган нарсага ўзининг фаросати калталиқ қилганидан афсусланди. Зина остидаги бошпанасига кирмай ташқарида у ёқдан бу ёққа юрди. Масжидга боришни, унда нима дейишни ўйлаб, пишитган бўлди. Тун ярмидан оғиб, вақт субҳи содиқдан ҳам ўтганди. Тонг ёришганида у иш жойида бўлиши шарт эди. Шу боис соатига қараб олди-ю масжид томон шошилди. Масжидга яқинлашганда ичкаридан азон товуши эшитилди. Жанозаларда иштирок этиш учун масжидга бориб турган Жўра намоз ўқиш у ёқда турсин, ибодатга қандай тайёгарлик кўришни ҳам билмасди. Майитни кўтариб масжидга боришгач, жаноза намозини ўқишни кутиб ташқарида туришарди. Ҳозир ичкарига кирмаганидан, ҳеч бўлмаса, намоз тартибларига разм солмаганидан афсусланди.

Йигирмага яқин одам бирин-сирин ичкари кириб кетгач, имомнинг қироати эшитилди. Намоз ўқиб бўлинган-

да тонг ёриша бошлаган эди. Қора танли, оқ танлилардан иборат қавм тарқала бошлагач, Жўра ичкари кириб, имомни сўради. Бошига оқ тўр дўппи кийган, жингалак сочли, соқоли сийрак қора танли одам “Имом менман”, деб унга жилмайиб қаради. Имом масжидга кираётиб Жўрани кўрган, унинг намозга қўшилмаганини ҳам сезган эди. Шунга қарамасдан “Нега сафимизга турмадингиз, бу ерга келишдан мақсадингиз нима?” деб сўрамади. Аксинча, мулойим оҳангда “Кўринишингиздан мусофирга ўхшайсиз, қаерликсиз, биродар?” деб сўради.

– Ўзбекистонданман, – деди Жўра.

– Ҳа, ҳазрати Бухорий юртиданмисиз, келинг, унда бошқатдан кўришайлик, улуғ жойларнинг ҳавосини олиб келибсиз.

Ибодатсиз кимсанинг улуғ жойлар ҳавосини олиб келиши маҳол эканини имом билса-да, ўша табаррук ва шарафли масканлар ҳурматидан Жўра билан кучоқлашиб кўришишни маъқул топди. Ер юзида шарафланган шаҳарлар, зиёратгоҳлар оз эмас. Аҳли диёнат ўша жойларни бир мартагина бўлса-да, кўришга интилади, бу зиёратни насиб этишни Худодан сўраб, муножотлар қилади. Миллионларнинг қалбини ўзига тортиб турган ўнлаб масканларда яшовчиларнинг айримлари эса қандай улуғ жойда истиқомат қилаётганини ҳис эта олмайди. Имом бу ҳақда кўп ўйлар, ибодатсизларни бошқалар каби айбламас, билакс, уларга ачинарди. Айблайдиганларга танбех берардида, “Худо уларни синов дарёсига ташлаб, ғарқ қилишни ихтиёр этган бўлса, “ўлганни устига тепган” қабилида айблашимиз инсофдан эмас. Бунинг ўрнига Аллоҳдан сўрайлик, уларни чўктирмай, ҳидоятнинг йўлига солсин”, дер эди.

Ҳозир ҳам Жўрани биродарлик муҳаббати билан бағрига босиб, унга ҳидоят тилади. “Бир ҳожат юзасидан келганигни билиб турибман, ҳожатингни мен раво қила олмайман. Ғам-ташвишларингни кўтаргувчи ёлғиз Аллоҳдир, шундай экан, унинг уйига яқин келганинг ҳолда,

ичкари кириб нечун саждага бош қўймадинг, Яратганнинг кули эканингни тасдиқ этмадинг? Бу аҳволда нимадан умид қиларсан?” деб унинг боши узра маломат тошлари ёғдирмади. Омонлашиб бўлгач, ўтиришга жой кўрсатиб, ўзи ҳам унинг рўпарасидан жой олди-да:

– Исмим Муҳаммад Абдуллоҳ, Аллоҳнинг шу уйида баҳоли қудрат имомликка ўтиб тураман, – деб таништирди.

Гарчи “дардингизни айтаверинг”, демаган бўлса-да, бу таништирувдан сўнг Жўра гапни айлантирмай муддаого ўтиши лозимлигини англади. Аввал ўзини таништиргач, аҳволини баён қилди. Гапи якунида юракда тўпланган ҳасрат тутунини бир “уфф” билан чиқармоқчи бўлди. Муҳаммад Абдуллоҳ уфф тортмоқ шунчаки дард изҳори эмас, ношукурлик аломати ҳам эканини, ҳар қандай азобга дуч келган тақдирда банда шукр қилмоғи шартлигини айтиб, насиҳат бошламади. Маст одамга ичкиликнинг харомлигини тушунтириш мумкин бўлмаганидек, бошига тушган кулфатлардан гангиб ўтирган бу одамга насиҳат қилиш ортиқча эканини у англаб турарди.

Одатда бировга дардини айтган одамнинг кўнгли сал равшанлашади. Жўра эса бошига тушган кулфат баёнини охирига етказиб, баттар эзилди.

– Адолатсиз мамлакатдан адолат тилаб юрибман. Бу ёғи нима бўлишини билмайман... – деди аламли овозда. Сўнг “Бегона одамга ҳасратимни дастурхон қилишим тўғри бўлдими?” деган хаёлга бориб, бошини эгди. Дўсти Нуриддин “Агар томирларингдаги қонда меҳр тўлқини жўшиб турмаса, у қон эмас, балчиқ суви экан”, деб такрорлашни ёқтирарди. Жўра бу онда дўстининг шу ҳикматини эслаб, “Бу одамнинг томирида қандай қон оқар экан?” деб ўйлади.

Жўра учун оқ дўппили бу қора одам нотаниш бўлгани билан, нажот илинжидаги бу дардли киши Муҳаммад Абдуллоҳнинг назарида бегона эмасди. “Ер юзидаги миллиард-миллиард инсонлар Одам Ато ва Момо Ҳавво фа-

рзандларидир, барчалари бир-бирларига биродардирлар”, деган ақидага кўра яшовчи бу одам дардли биродарининг мушкулини шу ондаёқ осон қилиб беришга ожиз бўлгани билан, ҳасратига бефарқ қарай олмасди.

Бошига кулфат тошлари ёғилаётган биродарининг кейинги аламли гаплари уни танбеҳ беришга мажбур қилди.

– Бир-икки инсофсиз одамга дуч келганингиз ҳолда бутун мамлакатни адолатсизликда айблашингиз тўғримикин, биродар? – деди у ҳилмлиқ ила.

Муҳаммад Абдуллоҳ саволига жавоб кутиб эмас, меҳмоннинг ўйлаб олишига фурсат бериш учун сукут сақлади. Жўра ҳозир фикрлайдиган, ҳаёт фалсафасини таҳлил қиладиган ҳолатда эмас эди. Шунинг учун:

– Билмадим, бу қанақа миллат экан, ақлим етмаяпти, – деб хўрсиниш билан чекланди.

– Американи айтяпсизми? – деди имом ажабланиб. – Дунёда инглиз миллати бор, деймиз, рус миллати, испан миллати... Лекин америка миллати йўқ. Бу қитъага қадим асрларда оврупонинг ҳамма мамлакатларидан одамлар бойлик илинжида бостириб келаверишган. Америка мамлакатининг пойдеворини ана ўша нафс бандалари қўйганлар. Бизнинг аждодларимизни эса қул қилиб ҳайдаб келганлар. Сиёсат мантиғига кўра, Америка бирлашмиш штатларига тобе одамлар бор, миллат эса йўқ. Руҳият мантиғига кўра эса бунда сиз айтган адолатсизлар билан бир қаторда адолат ва инсоф эгалари ҳам истиқомат этадилар. Менга қолса, дунёни ҳозиргидай миллатларга бўлмасдим. Мен учун инглиз ҳам, рус ҳам, бошқа миллатлар ҳам йўқ. Мен учун аҳли диёнат бор, диёнатсизлар бор; саховат эгалари бор, хасислар бор; меҳрибонлар бор, зулмкорлар бор... Сиз иккинчи тоифага дуч келибсиз-у дунё кўзларингизга қоронғу бўлиб кўринибди. Қоронғулик ортида ёруғлик борлигини фаҳм этмабсиз. Сизга меҳрсиз бўлиб кўринган одамлар аслида саховатсиз кишилардир. Аммо уларга бу ҳақда гапирсангиз, айбларини тан олмаслар,

чунки саховатни исроф деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, саховат исрофгарчилик ва хасислик ўртасида турган фазилат. Афсуским, буни кўпчилик англамайдир ва шариатга кўра мақтовга сазовор бу хулқни инкор этадир. Кимдир ўзида саховат хулқини ҳосил қилмоқчи бўлса бунинг учун у сахийлар ҳаётини ўзлаштирмоғи, яъни молни Аллоҳ йўлида сарфлашни ўрганмоғи лозим. Нафсга юкланган бу меҳнат то табиатга сингиб, хулққа айланиб кетгунча улкан сабр керак бўлади. Қачонки киши қилган саховатидан лаззат олса, бу саховатнинг юксак даражасидир. Ҳақиқий сахий молини сарфлар экан, лаззатланади. Оғриниш, қийналиш унга бегона.

Бу гапларни эшитаётган Жўра имомга ажабланиб қаради. Агар Жўра бой бўлиб, бирон ватандошининг ҳожатини чиқаришдан бош тортаётган, хасислик қилаётган бўлса, бу насиҳат жоиз эди. Ҳозир бу гапларга не ҳожат бор эди?

Муҳаммад Абдуллоҳ меҳмоннинг таажжубини англаган бўлса-да, фикрлари баённи давом эттирди:

– Мол-дунё бамисоли сув. Бирон ташнанинг чанқоғини қондириш учун саховат аҳли уни ушлаб туради, бирон муҳтожнинг ҳожатини раво қилиш учун уни сарфлайди, бераётганида заррача қийналмайди. Аксинча, лаззатланади. Қайси қалб шу даражага етибди, демак, Аллоҳ уни саломат сақлабди.

Муҳаммад Абдуллоҳ “гапларимга тушундингизми?” дегандай меҳмонига қаради. Жўра “бу гапларнинг менга нима зарурати бор?” деб юбормаслик учун кўзларини олиб қочди. Имом бир оз сукут сақлагач, Жўранинг яширин фикрларини ўқигандай яна гапира бошлади:

– Бошқаларнинг сахийлигидан умидвор одамга бу ҳикматлар ортиқча туюлар. Бироқ, Аллоҳдан нажот тиланган онингизда “Раббим! Бугун мен ёрдамга муҳтожман. Эртага ҳожатим раво бўлгач, мени ҳам эҳсон тарқатувчи саховат аҳлидан қил!” деб ёлборинг. Бугун сиз эҳсонга ташна сиз. Умидсиз бўлманг, қалби саломат сақланган би-

родарлар топилади, инша Аллоҳ. Ўн бир ойнинг султони ҳукм сураётган кунларда хайр-эҳсон қилувчилар, закот берувчилар кўп. Сўнг муборак Ҳаж мавсуми арафасида эҳсон қилувчилар янада кўпаяди.

– Ҳажга борадиган одам бировга пул берарканми? Бунақасини энди эшитишим, – деб юборди Жўра.

– Биродар, бадбин фикрлардан қутулишга интилинг, – деди Муҳаммад Абдуллоҳ танбеҳ оҳангида. Сўнг овозини кўтармасдан давом этди: – Бир муслим Ҳаж йўлида пирга йўлиқибди.

– Эй йўловчи, қаерга кетяпсан? Ғурбат борлигини қаёққа олиб боряпсан? – деб сўрабди пир.

– Ҳажга кетяпман, икки юз дирҳам пулим бор, – дебди йўловчи.

– Эй йўловчи, пулларингнинг бир қисмини Аллоҳ йўлидаги муҳтожларга, ғарибларга, бечораларга бўлиб бер. Уларнинг кўнгилларини ол, руҳларининг уфқи очилсин! Шу йўл билан илк дафъа кўнгилнга ҳаж қилдирган бўлурсан. Шундан кейин тоза кўнгил билан Ҳаж сафарингни давом эт, – деди. Яна дедик:

– Агар сенинг қалб кўзинг очик бўлса, кўнгил Каъбасини тавоф қил. Сен тупроқдан деб ўйлаган Каъбанинг асл маъноси кўнгилдир. Жаноби Ҳақ кўзга кўринадиган сурат Каъбасини тавоф қилишни кўнгил Каъбасини кирлардан тозалаш учун фарз қилгандир. Шунини яхши билки, агар Аллоҳнинг назаргоҳи бўлган бир кўнгилни инжитсанг, кейин Каъбага пиёда борсанг ҳам, ундан олган савобинг ранжида бўлган кўнгил гуноҳини юва олмайди... Аллоҳнинг ҳузурига олтин тўла мингларча коса олиб борсанг ҳам Жаноби Ҳақ “Бизга бирор нарса келтирмоқчи бўлсанг, рози қилинган кўнгил келтир. Чунки олтин ва кумуш биз учун маъносиз нарсадир. Агар бизни ва розилигимизни истасанг, бунини кўнгилларни ишғол қилиш билан амалга ошишини унутма!” деб марҳамат қилади. Валлоҳи аълам!

Муҳаммад Абдуллоҳ бу ривоятни ҳар эслаганида “Би-

родарлар, бу ҳикматни қалбингиз тўрига муҳрлаб олинг ва ҳамиша амал қилиш пайида бўлинг!” деб хитоб қилгиси келарди. Ҳозирги ҳолатда хитобга муҳтожлик йўқ эди. Шу боис гапини бас қилиб, муҳтож мусофирга кўмаклашишга ваъда берди-да, қўлларини баланд кўтариб: “Расулуллоҳнинг ўрнак шахсидан ва руҳоний дунёсидан бир ҳисса олиб, эҳсон туйғусига қовушганлар нақадар бахтиёрлар! Аллоҳим, бизларни шундай бахт билан шодлантир!” деб дуо қилди.

Қуёш кўтарила бошлаганини кўрган Жўра ташвишланиб, кетишга ижозат сўради. Имом унга бир сент ҳам пул бермади, фақат қалбида умид шамчироғини ёқди. Шу шамчиноқ Жўранинг қоронғу оламини ёритишга асқотди. “Ишларим юришиб кетса, хотиржам ўтириб, шу одамнинг суҳбатини оламан”, деб ният қилди. Бироқ, ниятининг амалга ошмаслиги мумкинлигини, дийдор энди қиёматга қолажагини ўйлаб кўрмади.

Масканига қайтишда хўжайинининг қаҳрига йўлиқишдан ҳайиқди. Бахтига бу уйда истиқомат қилувчилар ҳам, хўжайин ҳам ширин уйқуда эди.

Таъқиб

Кичик бир ўғирликни арзимас ишдай назарига илманган Шуҳрат бошлиғи Менглиевнинг гапларини эшитиб, хайратини яшира олмади. Бу хайрат нима экан, “арзимас иш”нинг бу қадар кенг қулоч ёйишини кеча оқшомда шаҳар бошқармасига чақирилган Менглиевнинг ўзи ҳам кутмаган эди. Бошқарма бошлиғи хонасида гиёҳвандликка қарши кураш бўлимининг ходимлари ҳам ўтирганларини кўриб, ўтган кунги таклифи бўйича чақирилганини англади. Шу боис бошлиқ “юритувдаги “Иш” бўйича ахборот беринг”, деганида Моҳина кампирнинг уйидаги ўғирлик тафсилотига батафсил тўхтамай, Суҳроб билан Ражабнинг гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчи гуруҳ билан алоқаси борлиги ҳақидаги тахминларига ўтди. Бошлиқ ўғирлик тафси-

лоти тўлиқ баён қилинмаганига эътироз билдирмай, ахборотнинг гиёҳвандликка доир қисмини диққат билан тинглади-да:

– Таклифларингизни ўрганиб чиқдик, – деди. – Лейтенантнинг дискотекадаги зийраклиги мени қувонтирди. Ҳаво таркиби ўрганилди, экспертиза унинг тахминини исботлади. Ҳаво таркибида чиндан ҳам гиёҳванд моддалар мавжуд. Лекин дискотекани ҳам, Самиевларни ҳам ҳозирча тинч қўямиз. Бизга ижрочилар эмас, ишбошилар керак. Шу сабабли мазкур “Иш” бўйича махсус тезкор гуруҳ тузилди. Гуруҳ ҳаракатларини шахсан ўзим бошқараман. Менглиев, лейтенант шогирдингиз дўстидан айрилмасин. Жиноий оқимнинг қуйи қисмини шу йигит орқали кузатамиз. Фақат ўзбошимчалик қилманглар. Лейтенантнинг ҳавфсизлигини таъминлаш чорасини кўринг. Самиевлар унга теголмаса ҳам, орқадаги куч йўқотишга ҳаракат қилиши мумкин... Майор Толипов, йиғилганларни қўлингиздаги маълумот билан таништиринг.

Менглиевнинг қаршисида ўтирган майор ўрnidан турди-да, йиғилганларни эмас, балки бошлиқнинг ўзинигина маълумот билан таништираётгандай ундан кўз узмаган тарзда гапира кетди:

– Самиев қамоқ жазосини ўтаб чиққандан кейин ҳам ҳунарини давом эттираётгани ҳақида ишончли кишиларимиздан маълумот олганимиздан кейин кузатишни бошлаганмиз. Онасининг қурт-писта сотиш баҳонасида наша ёки кукун сотишидан беҳабар эдик. Бунинг учун капитан Менглиевга раҳмат айтамиз.

– Сиз раҳматингизни айтаверинг, биз эса лалайганингиз учун сизга танбеҳ берамиз, – деди бошлиқ унинг гапини бўлиб. Майор айбини бўйнига олгандай бошини эгган эди, бошлиқ “давом этинг” деб қўйди. Бу ижозатдан далда олган майор гапини яна дадил давом этди:

– Самиев кейинги бир ой ичида Маҳманёров деган шахс билан икки марта учрашди. Аниқлашимизча, Маҳманёров

Тожикистон фуқароси, муқаддам судланган. Бир ҳафта олдин Самиев Маҳманёров билан учрашувга Сухроб Норовни ҳам олиб борган. Шундан кейин биз унинг изини йўқотдик. Юртига кетган деган тахминимиз бор. Наркокуръер сифатида келган бўлса... бу ердаги ишни пиширгач, эҳтимол мол олиб келгани кетгандир? Лейтенант Асроров Норов билан дўстлигидан фойдаланиб, балки бу масалани ойдинлаштириб берар?

Майорнинг бу таклифидан кейин бошлиқ “Нима дейсиз?” деган маънода Менглиевга қаради.

– Назаримда лейтенантимиз бу масалани ойдинлаштириб бера олмайди, – деди Менглиев ўрнидан туриб.

– Нега? – деб ажабланди майор.

– Агар Маҳманёров мол олиб келиш учун кетган бўлса, унинг қачон ва қанча мол олиб келишини хўжайинлар Норовга айтади, деб ўйлайсизми? Норов арзимас бир дастёр. Хўжайинларнинг ким эканини билмаса ҳам керак. Асроровнинг айтишича, у асосан мижоз топиш билан шуғулланади.

– Таклифимизни дарров рад этмай, ўрганиб чиқсангиз яхши бўларди, – деди майор ранжиб.

– Албатта ўрганамиз, – Менглиев шундай ваъда бердида, баҳсни чуқурлаштирмаслик мақсадида жойига ўтирди.

Менглиев бошқармадаги бу гапларнинг ҳаммасини Шухратга айтиб ўтирмади. Вазифани қисқа тарзда баён қилгач, ҳазил оҳангига кўчди:

– Сенинг баҳонангда мен раҳмат эшитдим. Раҳматнинг тенг ярми сеники.

– Ҳаммасини олаверинг, сиз – устозсиз, – деди Шухрат кулимсираб.

– Бошлиқ топқирлигингга қойил қолди.

– Қайси топқирлигим?

– Дискотекада совутгич орқали қорадори кукуни пуркашларини гумон қилганингда, тўғриси айтсам, ёш боланинг лақмалиги, деб ўйловдим. Лекин “шу боланинг кўнгли чўкмасин, иш чиқмаса ҳам майли, нари борса, хўжайинлардан сўкиш эшитарман”, деб таваккал қилувдим.

“Иш” яхши якунланса, юлдузчаларинг кўпайиб қолиши ҳеч гапмас. Ҳозирча Олғиртой билан ошначилигингни давом эттирасан. Фақат эҳтиёткорликни оширишинг керак бўлади. Олғиртой ёки Самиев билан бирга бўлган пайтингда атрофда йигитларимиз ҳимояга шай туришади. Хатар сезишинг билан хабар қилишинг шарт. Кучингга ишонма. Агар гуруҳ Самиев билан Олғиртойдангина иборат бўлганида “Иш”ни иккаламиз бир ёқлик қила олган бўлардик. Катта жиноий гуруҳнинг изига тушиляпти. Талаб шунга қараб катта бўлади.

Шухрат билан Менглиев бўлажак вазифалар ҳақида гапириб ўтиришганида телефонлари ишламаётганидан хуноб бўлган Моҳина кампир набирасини уйғотиш билан банд эди. Аввал ховлида туриб уч-тўрт марта чақирди. Жавоб бўлмагач, зинадан кўтарилди. Бу зинадан тушиб-чиқиш унга қийин эмасди, аммо бу сафар нафаси сиқиб, чап курагида санчиқ тургани учун ўзини беҳол сизди. Айвондан ўтаётганида санчиқ босилгач, бу ўзгаришни ҳам унутди. Уйга кираётган кампир остона ҳатлади-ю ичкари бўм-бўшлигини кўриб, ўзини йўқотиб қўяёзди. Назарида бир неча кун аввал сандиғини қуритган ўғри бу тун кириб мебелларни ҳам ўмариб кетгандай туюлди. Жонҳолатда:

– Сухроб! Ҳой Сухроб! Фафлат босиб ётаверасанми, тур ўрнингдан! Шўргинамиз қуриб қолибди! – деб бақирди.

Дераза томонда ётган Сухроб кўзларини очишни истамай ғашланди-ю қимирламай ётаверди. Моҳина кампир “шўргинаси қуриб қолганини” такрорлаганича набирасига яқинлашиб, уни турта бошлади.

– Бабуль, бунча хархаша қилаверасиз, ухлагани кўясизми ё йўқми? – деди Сухроб қаддини кўтариб.

Ваҳм пардасига ўралган кампир уни елкасидан ушлаб турғизмоқчи бўлди:

– Тез милиса чақир, уйни ўғри урибди!

– Қанақа ўғри? – деди Сухроб эснаб.

– Кўзингни очиб қара, мебелларни ўғирлабди.

– Қанақа мебеллар? – Сухроб шундай деди-ю қилган қилиғини эслаб, бир сесканиб тушди. Лекин ўзини йўқотиб қўймади, аввалдан тайёрлаб қўйган баҳонасини айтди: – Мабелларингизни тузатишга бериб юборганман.

– Яп-янги мебелларнинг нимасини тузатасан, қаери синибди?

– Билмайман, адам телпон қилиб айтдилар, мен ба-
жардим. Қаери синганини ўзларидан сўранг.

– Аданг айтдими? Қачон телпон қилди? Савил қолгур
телпонимиз ишламаяпти-ку?

– Айтганларига анча бўлувди, яхши устани энди топ-
дим.

Набирасининг хотиржам оҳангда айтган бу гапига
ишонган кампир энди бошқа мавзуга кўчди:

– Телпоннинг ҳақини тўлаб қўйдингми?

– Тўладим.

Сухроб бу сафар ҳам ишонарли оҳангда жавоб
қайтаргани билан кампир сўроқни давом эттирди:

– Унда нима учун ишламаяпти у савил қолгур?

– Кабелни узиб, ўғирлаб кетишибди. Янги кабелга пул
тўлаб қўйдим. Бабуль, Ражабдан қарз олиб тўладим, бугун
қайтаришим керак.

– Телпончи кабелини ўғирлатган бўлса, сен нега пул
тўлайсан, меров!

Шу тарзда бошланган буви ва набира баҳси барибир
Сухробнинг фойдасига ҳал бўлди.

Бу онда Моҳина кампирнинг дарвозасидан нарироқ-
даги муюлишда кечаси билан турган сариқ “Жигули” жой-
идан жилиб, ўрнига чап қаноти сал пачоқланган оқ “Тико”
келиб тўхтади. Сариқ “Жигули”даги икки йигит дискоте-
кадан ярим тунда чиққан Сухробни кузатиб келиб, мижжа
қоқмаган эди. Кутиш азобининг навбати энди “Тико”даги
йигитларга қолди. Ярим соатдан сўнг дарвоза эшиги очил-
ганда улар сергакланишди. Моҳина кампир кўриниши би-
лан бу янгиликни рация орқали марказга маълум қилиб,

кузатишни давом этишди. Улар кутаётган одам – Сухроб салкам уч соатдан сўнг кўринди. У хотиржам равишда кўчага чиқиб, дарвоза эшигини қулфлади-да, калитни чўнтагига солиб, катта кўча томон юрди.

– Жуда хотиржам-ку? Атрофига аланглаб ҳам қўймади, – деди кузатаётганларнинг бири.

– Учдан бири: ё ҳеч нарсани билмайди ё лақма ё ўзига ҳаддан зиёд ишонади, – деди иккинчиси сўнг рация билан боғланди: – Мен тўртинчиман. Объект кўринди. Гулистон кўчаси бўйлаб кетяпти. Изидан борамиз.

Сухроб қандай касофатга аралашиб қолганини, милиция томонидан ҳар бир ҳаракати кузатилаётганини ўйлаб ҳам кўрмаганди. Кеча Ражаб бир меҳмонни кутиб олишни илтимос қилди. Кимлигини айтмади. “Ўзи сени танийди. Катта соатнинг тагида турсанг, келиб кўришади. Кейин таксига ўтириб, бизникига бошлаб келаверасан”, деб кира ҳақини ҳам берган эди. Эрталаб бувисининг уйғотиб хархаша қилишидан тинчи бузилган Сухроб яна икки соат ухлаб олган бўлса ҳам аъзойи бадани қақшаётгани учун кўчага чиқишни ҳам истамаганди. Кеча Ражаб “Яқинда омадинг кулиб бахтиёр бўлиб қоласан”, деб кўнглида умид чироғини ёққани учун ўзини ўзи мажбурлаб, буюрилган вазифани бажаришга отланди. Катта кўчага бурилишдаги дўконга кириб бош оғриғини босиб чиқди. Сўнг троллейбус кутди. Йигирманчи троллейбусга чиқиб темир йўл шоҳбекати томон йўл олгани рация орқали марказга маълум қилинганда у ердагилар Сухробнинг мақсадини англагандай бўлишди. Бир соатдан сўнг келиб тўхтайдиган “Душанбе-Москва” поездни кутиш учун кетаётганига шубҳа қолмади. Поездда ким келади? Маҳманёровми? Қора дори олиб келиб топширадими? Ҳар ҳолда шоҳбекатда топширмаса керак. Унда қаерга боришади?

Сухроб шоҳбекатда поезд келишини кутаётганида марказдагилар шу саволларга жавоб топиш билан банд эдилар.

Поезд келди.

Кетди ҳам.

Катта соат тагида турган Сухробга ҳеч ким яқинлашмади. Бундан Сухробнинг ўзи ҳам, кузатаётганлар ҳам ажабланишди. Бесабрлик билан чекавериб сигарет қутисини яримлатган Сухроб охири “Ражаб мени лақиллатибди” деган хулосага келиб ғазабланди-да, яна троллейбусга ўтириб, изига қайтди.

Бувисининг “узилган телефон кабели” учун берган пули асқотиб, пивохонода кечгача ўзини овутиб ўтирди. Кўчада ҳаракат сийраклашиб, дискотека атрофи гавжумлаша бошлаганида Шухрат келди. Сухроб жойидан жилмай, унга қўл узатиб кўришди:

– Энди келмассан, қоранг ўчиб кетгандир, деб ўйлаётувдим.

– Каттани энг катта чақиртирган экан, келишини кутдим. Бугун адам билан орани очик қилиб олдим.

– Уришиб қолдингми?

– Йўқ, милисадан бўшашимга розилик олдим. Ҳозирча катта бозордаги “стоянка”ни берадиган бўлдилар. Паттачиликни сенга атаб қўйдим.

Сухроб бу марҳаматдан оғринди. У катта бозордаги “стоянка” деб номланмиш қўналға майдонидан тушадиган фойдани чамалай оларди. Паттачининг топар-тутари ёмон эмаслиги ҳам унга маълум эди. Шунга қарамай бу вазифани ўзи учун ор деб билиб пешонасини тириштирди:

– Паттачилигингни пишириб е! Индамасам жа-а тупроққа қориштириб юборасан-а? Мен балчикдан чиққан шумшук эмасман. Аданг бу ерда додахўжа бўлса, менинг адам билан ойим Америкада олимлик қилиб юришибди, сенинг сарқитингга муҳтожлигим йўқ.

Шухрат “Ростданми? Зўрсан-ку?” деган маънода унга истехзо билан қараб кулимсиради-да:

– Унда тенг шерикликка олайми? Бунинг харажати бўлади, чидайсанми? – деди жиддийлашиб.

Бувисининг пулига қарам бўлиб қолган йигитга харажат ҳақида гапирилиши дарё гирдобига тушиб қолган ночор одамдан ёрдам сўрашдай кулгили ҳол эди. Сухроб ўзини гирдобда эканини билса ҳам ночорлигини тан олишни истамасди. Ҳозир Шухрат “харажати бўлади, чидайсанми?” деб шу ночорлигини атай эслатгандай туюлди-ю ғазабланганини яширмай унга ўқрайди:

– Сен олдин ўзингни эплаб ол. Эрта-индин бир иш бошляпман, чидасанг, сени шерикликка олишим мумкин.

Шухрат унинг ғазабланганини сезмагандай, гапидан астойдил қувонгандай жилмайди:

– Бўлди, гап йўқ! Мен милисадан эсон-омон бўшаб олай. Иккаламизнинг ишимизни тарозига солиб кўрамиз. Қайси бири зўр бўлса, ўша томонни урамиз. Шарт битта бўлади: сеники зўр чиқса, харажатдан сен кечасан, меники зўр чиқса, мен кечаман.

Бу тантилиқдан кейин иккови дискотека томон юрди. Дискотекада узоқ қолишмади. Буфетдан “Фанта” олиб ичишаётганда Шухрат рақсга тушаётганларга қараб чалғиди-ю эшик томонда Ражаб кўриниб, Сухробни имлаб чақирганини сезмай қолди. Ражаб олдинлари ҳам худди шундай имлаб, ёнига чақириб оларди-да бирон бир мижоз ҳақида гаплашарди. Шу боис ҳам Сухроб ҳозирги чорловдан ажабланмади. Аксинча, Шухратни таажжубда қолдириб “Ҳозир келаман”, деганича кўча томон юрди. Шухрат Сухробнинг бу ҳаракати замирида кутилмаган сир борлигини сезса-да, ўша заҳоти изидан эргашишга иккиланди. Бир неча дақиқалик иккиланишдан сўнг тайин бир қарорга келиб кўчага чиқди.

Атроф кимсасиз эди. Менглиевнинг гапига кўра шу атрофда кимдир бўлиши шарт эди. Аммо ўша “кимдир” ҳам кўринмади. “Устоз адашган шекилли, одам кўйишга улгуришмагандир?” деб ўйлаган Шухрат Сухробнинг пайдо бўлиб қолишига умид қилиб турди.

Менглиев адашмаган эди. Зарурат туғилган онда

Шухратни ҳимоя қилувчи одам Ражабнинг ичкарига тезгина кириб чиққанидан сергакланиб, бу ҳақда марказни огоҳлантираётган онда Сухроб пайдо бўлганди. У пивоҳона томон юрган Ражабга эргашганида кузатувчи ўша ерда гаплашиб олишса керак, деб ўйлади. Аммо Ражаб ҳам, изидан бораётган Сухроб ҳам пивоҳонани четлаб ўтиб қоронғу кўчага бурилдилар. Шошилганича уларга эргашган кузатувчи машина эшикларининг ёпилганини эшитди. Чироқлари ёқилмагани учун машина рақамларини кўра олмади.

Ражабнинг бу сирли ҳаракатидан ажабланган Сухроб машинага ўтириши билан:

– Ҳа, тинчликми, ит қувлаган гадойдек ҳовлиқиб қолдинг? – деб сўради.

– Ит қувлаган гадой мен эмас, сенсан, аҳмоқ! – деди Ражаб жеркиб.

– Ҳа, мен аҳмоқман. Бугун мени росманасига аҳмоқ қилдинг. Меҳмонингни икки соат кутдим, – деди Сухроб.

Ражаб унга жавоб қайтармади. Манзилга етгунча индамай борди. Шаҳардан ташқарига чиқишганда Сухроб ташвишланди, бироқ кўркувини ошкор қилиб қўймаслик учун жим кетаверди. Қачонлардир катта жамоа хўжалигининг молхонаси бўлган овлоққа етишганда машина тўхтаб, аввал ҳайдовчи тушди. Бостирма томон бориб келиб, Ражабга:

– Бу ёғи бехит, тушаверларинг, – деди.

Сухроб Ражабдан кейин тушиб, унга эргашди. Бостирмада одам қораси кўринди. Сухроб аввалига унинг кимлигини ажрата олмади. Бетон охур ёнида тўхташгач “Келдингми итнинг ялоғи?” деган овоздан Максни таниди. Кўнгли бир шумликни сезиб, тиззалари қалтирай бошлади.

– Келишга келдим-у, лекин нега келганимга тушунмай турибман, – деди.

– Ҳозир чиққан жойингга кирғизворганимдан кейин тушунасан, – деди Макс таҳдид оҳангида.

Сухроб: “Нима гуноҳ қилдим? Қарзимдан қутилганман. Секин-секин мижоз топяпман”, – деб ўзини оқлай бошла-

ди. Макс эса унинг гапларини эштишни ҳам истамади:

– Сен ахлат ошнангга ишониб, бизга хиёнат қилдинг.

– Ошнам мени алдамайди. Бугун ишдан бўшайман, деб ариза берган. Мен бир ҳафтада уни игнага ўтқазиб берман.

Суҳроб шундай дейиши билан жағига мушт тушиб, гандираклар кетди. Муштнинг кичиклиги ва заифлигидан Макс урганини билди.

– Ахлат ошнангни қорадорига аралашгани учун икки йил олдин Академиядан ҳайдашганмиди? Бизни шундай деб лақиллатувдингми? Ҳа, ошнанг сени алдамайди, биз ҳам сен валаки-салангга ишониб кетаверамиз. Академия эса “лақманинг синфдоши ҳайдалмаган, яхши ўқиб битирган”, деяпти-ку, нима қилайлик, кимга ишонайлик?

– Билмайман, мен бориб текширганим йўқ, – деб ғўдиранди Суҳроб.

– Сен текширмаган бўлсанг, биз текширдик. Бугун орқангдан одам тушганини билмадингми, хунаса! “Кўчамда бир ёни пачоқ “Тико” нима қилиб турибди?” деб ўйлаш учун ҳам ақл керакми?

Суҳроб бу машинани кўрган, лекин аҳамият бермаган эди. Ҳозир “Ростданам изимга тушишганми? Шунинг учун вокзалда ҳеч ким менга яқинлашмадими?” деб ўйлаб, юраги кўрқувдан тўхтаб қолаёзди.

– Энди тўғриси айтасан бизга: ахлат ошнанг сендан нимани сўради?

– Ҳеч нима. Милисадан бўшаб катта бозордаги стоянкани олар экан, шуни айтди.

– Нашани қаердан олишингни сўрамадими?

– Сўрамади.

– Чўпчагингни аммангнинг эрига бориб айтасан!

Суҳробнинг жағига яна мушт тушди. Бу сафар мушт каттароқ, зарбаси ҳам кучлироқ эди. Ражаб муштлидими ё машина ҳайдовчисими, Суҳроб сезмай ҳам қолди. Ёнбошига йиқилиб, чаккаси бетон охурга урилди. Хушини

йўқотаётган пайтда томоғидан тепки еб хириллаб қолди.

Шундан сўнг...

Қоронғу бостирма бирдан ёришди. Ён атрофида Макс ҳам, Ражаб ҳам кўринмади. Ҳатто молхона ҳам кўздан йўқолиб, жазирама сахро барханлари кўринди. Қум тепалигидан бир одам тушиб кела бошлади. Суҳроб диққат қилиб қаради: адаси! Адасини от қилиб миниб олган бола эса... ўзи! Болалигида адаси уни елкасига миндириб олиб ўйнатарди. Лекин... бу сахро қаердан пайдо бўлди? Бир бархандан тушиб келган адаси иккинчисига кўтарила бошлади. Шу онда иккинчи бархан тепасида қучоқ очиб турган бувиси кўринди. Кейин бувисининг ғазабли овози жаранглаб, сахрони тўзитиб юборди:

“Келиб-келиб рўзанинг биринчи куни ўғирликка тушасанми, уйинг куйгур! Мен бу пулларни ўлимлигимга деб йиғятувдим, илойим ўлимлигингга буюрсин!”

Суҳроб бувисининг бу қарғишини пулни ўғирлаган куни ўз қулоғи билан эшитган эди. Ҳозир қайта-қайта жаранглаб, акс-садо бераверди:

...уйинг куйгур!

...ўлимлигимга деб йиғятувдим, илойим ўлимлигингга буюрсин!

...ўлимлигингга буюрсин...

Бувисининг ғазабли товуши сўнди. Қарғиши ҳам қумга сингиб кетгандай бўлди...

Бувисини бепоён сахро ютиб юборгандай бўлиб, кўзга кўринмай қолди.

Энди сахро сукутини Макснинг овози бузди:

– Нима бўлди? Ўлиб қолдими?

– Шунақага ўхшайди...

– Хириллаяпти-ку?

– Хирилламаяпти, тинчиди.

– Хашакнинг устига ташлаб, ёқиб юбор, туққан онаси ҳам танимайдиган бўлсин.

Суҳроб узоқдан эшитилаётган бу гапга жавобан “Мен тирикман!” деб ҳайқирмоқчи бўлди. Овози чиқмади...

Одамлар Кадр кечаси неъматларидан бахраманд бўлаётган онда Сухроб жон таслим қилган, жасади эса куйиб кетган эди.

Уч кун ўтгач, эчкисини ўтлатиб юрган кампир унинг ирий бошлаган мурдасини кўриб қолди. Кийимларидан тушиб қолган уй калити туфайли мурданинг кимлиги аниқланди. Унга қадар эса...

Қуёш томон учган одам *(Ўша кун, Нью Орлеанда)*

Ярим тунда келган Вилли Браун машина эшигини очиб, бир оёғини ерга қўйди-ю, аммо ташқарига чиқиб қаддини кўтаришга қуввати етмади. Йиқилиб тушишдан қўрқиб Жўрани чақирди. Жўра уйғоқ эди. Авваллари бу малла майхўрни ё опичиб ё қўлтиғига кириб, уйига олиб чиқиб қўярди. Муҳтожлиги ва иложсизлиги важҳидан қарз сўраганида ундан эшитган гапларни ҳазм қила олмади. Уни кўргиси ҳам, алмойи-алжойи гапларини эшитгиси ҳам келмай қолди.

Жўрадан дарак бўлавермагач, Браун машинасидан бир амаллаб тушиб, гандираклаганича юра бошлади. Уй эшигига етгунича икки марта йиқилиб, сўкинди. Остона ҳатлагач, зина остидаги бошпанага қараб, Жўрани яна чақирди. Жавоб бўлмагач, баралла сўкиниб, зинага оёқ қўйиши билан гурсиллаб йиқилди. Шундан кейин Жўра кулбасидан чиқишга мажбур бўлди. Брауннинг лаби зина қиррасига урилиб қонай бошлаган эди. Жўра уни уйига олиб чиқди-да, сочиқни муздек сувда намлаб, лабига босди. Браун одати бўйича вайсашини бошлагач, “ҳозир келаман” деган баҳонада изига қайтди.

Тонгда одати бўйича туриб, вазифасини бажарди. Кун ёйилганда Брауннинг машинаси ёнида полис машинаси тўхтаганини кўриб “Заринани қайтариб олиб келишдимикин?” деган умидда қараб қолди. Машинадан тушган икки

полис ходими Жўрага таниш эди. Зарина қамалган куни келиб зина остидаги бошпанасини тинтиб чиққан бу икки полиснинг яна пайдо бўлишидан ташвишланди. Лекин парвосиз равишда ёнидан ўтиб, уйга кириб кетишгач, хотиржам бўлиб, майсазордаги ишини давом эттирди. Ярим соатлардан сўнг полиснинг бири ташқарига чиқиб Жўрани чақирди. Жўра яқинлашганда “қўлларингни узат!” деб буюрди. Жўра нима учун қўлларини узатиши кераклигининг сабабини сўрашга улгурмай билагига кишан урилди. Иккинчи полис бу пайтда зина остидаги кулбани тинтув қилишни бошлаб юборган эди. Кутилмаган бу кулфатдан гангиб қолган Жўра: “Яна кокоин қидиряпсизми?” – деб сўрашга ўзида куч топди.

– Йўқ, – деди полис, сўнг пичинг билан қўшиб қўйди: – атом бомбаси ҳам қидирмаяпман. Нима излаётганимни ўзинг биласан. Агар бизни қидиртирмай ўзинг олиб берсанг, суд бу марҳаматингни ҳисобга олади.

– Нимани?

– Мистер Брауннинг уйидан ўғирлаб чиққан пулни айтяпман, хўш, қаерга беркитдинг?

Бунақа пайтда “ҳазиллашяпсизми?” ёки “жинни бўлганмисиз?” дейиш ҳам ўринли. Бу юртда оз бўлсада яшаб одатларини тушуна бошлаган Жўра уларнинг ҳазиллашмаслигини, жинни ҳам эмаслигини биларди. Шу сабабли таажжубини қандай изҳор этишни билмай соқов одам ҳолатида тураверди. Полис бу сукутни “гуноҳига иқрор бўлди” деган маънода англаб, кўзларига тикилганича жавоб кутди.

– Пул қаерда? – деди орқа томонда турган полис унинг курагига қаттиқ туртиб. Кутилмаган зарбадан Жўра қалқиб кетди. Иккинчи полис елкасидан ушлаб қолмаганида йиқилиб тушиши аниқ эди. Полис уни йиқилишдан асраб қолиш учун ушлаб қолмаганди. Чап қўли билан елкадан ушлаган полиснинг ўнг мушти Жўранинг қорнига тушиб, энкайтириб қўйди. Шундан сўнг иккала полисда инсоф фа-

зилати уйғондими ё иқроп учун икки мушт кифоя деб ўйлашдими, ҳар ҳолда бошқа уришмади.

Зинапояда қадам товушлари эшитилгач, Жўра қаддини кўтариб чуқур-чуқур нафас олди. Ёрилган лабига малҳамқоғоз ёпиштириб олган Браунни кўриб, унга нажот-талаб кўзи билан қаради-ю малланинг авзойида шафқат нуруни илғамади. Дод деб юборгиси келди, бироқ бу нола томоғидан ўтмади, хириллаган овоз чиқариш билан чекланди. Сўнг ундан кўзини узмаган ҳолда деди:

– Мистер Браун, тушунолмайд қолдим: менга нима учун тўхмат қиялмасиз? Мен сиз билан амал талашмаётган бўлсам, обрў талашмаётган бўлсам. Шу кулбадан бошқа ҳеч нимам бўлмаса... Мени йўқотиш сизга нима учун керак бўлиб қолди?

– Сени йўқотишми? Жиноятчи қамоқда ўтириши керак. Мен ҳам ҳайронман: пулни ўғирлабсан, майли, лекин мени нега урдинг? Қаршилиқ қилдимми?

– Мен сизни... урибманми? Мен умримда бировга қўл кўтармаганман.

– Унда лабим ўз-ўзидан ёрилдими?

– Ахир... эсингизда йўқми? Мана шу ерда, шу зинага йиқилиб тушдингиз. Мен сизни кўтариб уйингизга олиб чиқдим. Оқаётган қонни тўхтатдим. Сочикни муздек сувда намлаб босдим.

– Шу ерга йиқилдими? Лаби шу ерда ёрилдими? Унда қон излари қани? – деб сўради полис.

– Мен... зиналарни ювганман.

– Нега ювасан? Жиноят изларини беркитиш учунми?

– Қанақа жиноят изи?.. Мен ҳар куни уч марта ювман бу зиналарни. Бугун тонгда ювганман.

– Сен ҳам ўғри, ҳам зўравон, ҳам ёлғончи экансан, – деди Браун нафрат билан. – Лекин мен бундан ажабланмайман. Чунки ёлғончи бўлмасанг, ўғирликни эплай олмас эдинг. Сен катта хатога йўл қўйдинг. Шу пулни сенга ёрдам учун бермоқчи эдим. Энди ўзингдан кўр. Ҳозир

қайтармасанг, турмада ўлиб кетасан.

Полис кулбани титишни давом эттирмоқчи эди, Браун уни тўхтатди:

– Бу ердан қидиришнинг фойдаси йўқ. Ўғирлашни билган одам яширишни ҳам билади. Олиб кетинг. Иқроп қилишнинг йўллари ўзингиз биласиз.

Гарчи Брауннинг полисга буйруқ беришга ҳаққи бўл-маса-да, жабрланувчи сифатидаги гапи уларга маъқул келиб, Жўрани машина сари судрашди.

Панжара ортига ташланган Жўра кўрқинчли туш кўраётгандай сесканиб-сесканиб тушарди. Бу юртга келмасидан аввал ширин тушлар кўрарди. Ҳатто бир марта рангли туш кўриб, иқболи кула бошлаганига ишонч ҳосил қилган эди. Энди ширин тушлар чекиниб, кулфат тушлари ҳукм юрита бошладими?

Кошки эди булар туш бўлса!

Бундан баттар кулфатларга ҳам дош бера оларди.

Уйқудан уйғониши билан даҳшатли туш исқанжасидан қутилиш мумкин.

Бу исқанжадан қачон қутилади?

Тергов давом этарди. Бир хил саволларга бир хил жавоб беравериб чарчади. Брауннинг уйида унинг бармоқ излари мавжудлигини, кўйлагиде эса Брауннинг қони қотиб қолганини сержант далил сифатида келтирарди. Пулга муҳтож бўлиб қарз сўраганини, ҳатто Майкл Антонийга мурожаат қилганини айтганда Жўра ажабланди:

– Мен унақа одамни танитайман, – деди.

– Нега танитайсан? Мусулмонларнинг ибодатхонасига бормаганмисан?

– Борганман... Лекин Антоний деган одамни кўрмаганман. Мен Муҳаммад Абдуллоҳ билан гаплашганман.

– Муҳаммад Абдуллоҳ деганинг Антонийнинг ўзи. Пулга муҳтожлигини у ҳам тасдиқлади.

Бу далилларнинг биронтасини рад этишга Жўранинг қурби етмасди. Полис қўлида чўқмор вазифасини бажа-

раётган далилларни қуруқ сўз билан даф этолмасди. Охирги сўроқдан сўнг сержант “бугун тиникиб ухлаб ол, эртага суд тақдирингни ҳал қилади”, дегач, аянчли тақдирининг хотимаси не бўлажагини ўйлаб, мижжа қоқмай тонг оттирди.

Эрталаб уни чақириб, панжара эшигини очишганда судга олиб кетишяпти деб ўйлаб, кўрқувдан баданини муздек тер босди. Нафаси сиқилиб, кўз олди қоронғулашди. Шу онда қулоғига Брауннинг овози эшитилгандай бўлди. “Ҳушимдан кетяпманми, алаҳсираяпманми?” деб ўйлади.

Йўқ, ҳали ҳушидан кетмаганди. Алаҳсирамаётган ҳам эди. Тўсиқ ортида чиндан ҳам Браун гапираётганди. Бир неча дақиқадан сўнг Жўра озод этилганини эшитиб, қулоқларига ишонмади.

– Англашилмовчилик юз берибди, – деди Браун узр оҳангида. – Пулимни ўша тун Жаклиннинг уйида қолдирган эканман. Таниш: бу хоним менинг хотиним, сенларнинг тилларингда никоҳсиз хотиним.

Сочларини тилла рангга бўяб олган кўҳликкина жувон жилмайиб, Жўрага қўл узатди.

– Сиз Виллини кечиринг. Асосий айб менда. Виллини кузатганимдан кейин мен Канадага учган эдим. Кеча кечкурун қайтсам, жавон тепасида пул турибди. “Нега пулларингни олиб кетмадинг?” деб телефон қилсам, бу нохуш воқеани айтиб берди.

Кечирса-кечирмаса бўлар иш бўлиб ўтган эди. Энди вовайло айтмоққа не ҳожат? Жўра кўчага чиқиб қаерга боришни билмай гангиб турганида Жаклин биргаликда нонушта қилишга таклиф этди. Бу онда Жўранинг томоғидан бир қултум сув ҳам ўтмас эди, шу боис лутфан қилинган таклифни рад этди. Браун бу рад жавобини қабул қилмай, уни билагидан ушлаб, машинага бошлади.

Кичикроқ қаҳвахонага боришиб, ичкари кирмай айвонида ўтирдилар. Жўра ўзини зўрлаб бир тишлам ширин нонни юта олди. Қаҳва ичмади. Илтифотлари учун раҳмат айтиб ўрнидан турмоқчи бўлганида Браун уни тўхтатди.

– Бугунча ишингга бормасанг ҳам бўлади. Хўжайининг ўрнингга бошқа одам олибди. Сен ташвишланма. Бугун ё эртага бошқа иш топиб бераман. Унгача уйингда ётиб туришинг мумкин. Бугун эрталаб мен уй хўжайинидан рухсат олдим.

Жўра пиёда кетмоқчи эди, Браун қўярда қўймай машинасига ўтқизди. Уйга етгач, “ишлатиб тур”, деб бир даста пул берди. Жўра пулга қараб ҳам қўймай машинадан тушди. Зина остидаги кулбасига қандай етиб борганини билолмади. Нафаси сиқилди. Аввал курагида, сўнг ошқозонида қаттиқ оғриқ қўзғолди. Кулба эшигини очди-ю тинтувдан сўнг йиғиштирилмай қолган ўринга ўзини ташлади. Аввалига осмонларда учаётгандай бўлиб роҳатланди. Сўнг ерга қайтиб тушиш ўрнига янада юқори учаверди – Қуёш томон учди. Оқибатда бадани куя бошлади...

Шомга яқин уйга Муҳаммад Абдуллоҳ яқинлашиб янги фаррошдан Жўрани сўради.

– Ҳали келган эди, уйида ётибди шекилли, – деган жавобни эшитиб ўша томон юрди.

Муҳаммад Абдуллоҳ пешиндан сўнг Заринанинг аҳволи билан танишиш учун полис маҳкамасига борган, бирон тайинли гап эшитмагач, Жўрадан хабар олгани у ётган маҳкамага ҳам ўтган эди. Эрталаб озод этилганини эшитиб, шукрона айтиб қувонганича бу томон келганди.

Кулбага яқинлашиб, Жўрани чақирди. Жавоб бўлмагач, эшикни очиб ичкарига қаради. Жўранинг ҳаракатсиз ётганини кўриб, шошилганича иягига кафтини қўйди. Сўнг “инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун”, деб пичирлаганича очик қолган кўзларни кафти билан ёпди-да, мурданинг жағини боғлаб қўйди.

Оқибат

Осмон чиройини очиб турган оппоқ булут парчалари тўзиб кетди. Бирдан кўтарилган кучли шамол фалакни фитнага солаётган қора булутларни суриб келди. Фитна да-

ракчиси бўлмиш момақалдирок еру кўкни ларзага солди. Худди шуни кутиб тургандай ўн карнай, тўрт сурнай, икки ноғора, олти чилдирма жўр бўлиб ғалати оҳангни бошлади. Осмонда момақалдирок, ерда кибр даракчилари бўлмиш карнай-сурнайлару ноғора-чилдирмалар баҳси бошланиб, осмондаги фитнадан ердаги кибр устун келди – қоп-қора булутлар бир томчи ҳам ташламай сузиб кетдилар.

Яна қуёш чарақлаганини кўрган Моҳина кампир қувонди. Кечқурун мағзавага уйтиб қўйган кирини ювиб қўймоқчи бўлди. Тоғорани кир ўра яқинига қўйиб иш бошлаганида ўра ўпирилди-ю кампир ўзини биқсиб ётган мағзава ичида кўрди. Ҳарчанд уринмасин, исқирт ўрадан қутулиб чиқолмади. Нафаси қайтиб ўлай деганида...

Чўчиб уйғонди...

Хайрият, туши экан...

Моҳина кампир ёстикқа тирсагини тираб қаддини бир оз кўтарди-да, кўрқувини ҳайдаш учун кўкрагига туфлаб қўйди. Ҳали тонг отмаган эди. Шу боис ўрнидан турмади. Бошига рўмолини ташлаганича ўрин устида чўккалаб ўтираверди. У ҳеч қачон ёлғизликдан кўрқмаган, сиқилмаган эди. Ҳозир ҳовлидаги чироқ нури тушиб турган бўлса-да, атрофини зулмат босгандай юрагига кўрқув оралади. Набирасини чақирди. Бирок, заиф овози дераза ойнақларига урилиб, сўнди. Яна чақирди. Кейин “Худо олсин, бунақа тушни, шунга кўрқяпманми?” деб ўзини ўзи овутди. Ўрнига чўзилди. Кўзларини юмди. Чап кўкрагида ярадор қуш потирлагандай бўлди. Бунақа пайтда кексалик ёшига етиб, охиратни ўйлаб қолган одам калима келтиргувчи эди. Тушида кир ўрага йиқилган Моҳина кампир эса ўлимни ўйлаб ҳам кўрмади, аксинча, кўрган тушини йўйиш билан банд бўлди. “Тушида ҳожатхонга тушиб кетган одам ўнгида бойиб кетади”, дейишарди. Кир ўра ҳам балки шунақадир. Балки Америкадаги қизим бойиб кетгандир?” деган ўй ўзига маъқул келиб, кўнгил хиралиги бир оз тарқалганда дарвоза эшиги ғийқиллаб очилди. “Сухроб келди шекил-

ли, бу дайди болани ота-онаси олиб кетса яхши бўларди”, деб ўйлади. Суҳроб келганда зиналарни босиб, уйига кириб кетгувчи эди. Бу сафар унинг қадами товушлари эшитилмади. Бундан ажабланган кампир қаддини кўтараётганда ташқаридан “Опоқи!” деган овоз келди. Моҳина кампир кўшни аёлнинг овозини таниб, шошилганича ўрнидан турди:

– Рухсора, сизмисиз, ярим кечада нима бўлди, тинчликми? – деди деразанинг бир қаватини очиб.

– Сизга Америкадан телпон қилишяпти. Сизга тушишолмаётганмиш, – деди аёл уйқули овозда.

– Телпоним ўлгур ишламаяпти, сими узилган эмиш, жувонмарг бўлгурлар пулни еб кетганми, шу пайтгача улашмаяпти, – Моҳина шундай деб жавраганича ташқарига чиқди-да “Зарина телпон қилияптими?” деб сўради.

– Заринамас, кимлигини танимадим.

– Зарина бўлмаса эридир-да?

– Куёвингизмас, отини бир нима деди-ю, лекин яхши эшитолмадим.

Моҳина оёғига эски калишни илиб, кўшни аёлга эргашди. Телефон гўшагини қулоғига тутиб “Ҳов, ким бу?” дейиши билан “Ассалому алайкум, кеннайи, бу мен Ҳамробекман”, деган овозни эшитди.

– Ҳамробек, ҳа, ярим кечада нега ҳовлиқиб телпон қилипсан? – деди. – Зарина ёнингдами?

– Заринами? Йўқ... – Ҳамробек шундай деб жим бўлди. Кейин иккиланган оҳангда қўшиб қўйди: – Ҳали чиққани йўқ...

Бу гапга кампир тушунмади. “Телпон қиладиган жойга чиқмадими?” деб ўйлади:

– Ўзи чиқмаса эри чиқса ўлармиди?

– Заринанинг суди ҳали бўлмади.

Бу гапни эшитган кампирнинг баданига муз югурди:

– Қанақа суд? Довдираяпсанми?

– Довдираганим йўқ. Куёвингиз айтмадиларми?

– Нимани айтади? У лалайган бир гап айтгунича қиёмат бошланиб, тамом ҳам бўлади-ку? Чайналмасдан гапирсанг-чи!

– Заринани қамаб қўйишган.

Унча-бунча шумхабарга довдирамайдиган кампир бу он тилдан қолгандай бўлди. Ҳамробек унинг бу аҳволини сезгандай шошилганича далда беришга киришди:

– Кеннайи хавотир олманг, англашилмовчилик бўлди. Эрта-индин чиқиб, уйга кетади. Унгача маслаҳатлашадиган зарур гап бор. Айтаверайми?

– Юрагимни қон қилиб юбординг-ку! Айтсанг айт! – деб бақириб юборди кампир.

– Куёвингиз... ўлиб қолди...

Моҳина кампир куёвини ёқтирмагани билан бу хабарни эшитиб йиғлаб юборай деди. Ҳамробекка гапиришга ҳоли ҳам қолмади.

– Кеннайи, нима қилайлик, бирор қариндоши келиб олиб кетадими ё ўзингиз беш-олти минг доллар юборсангиз... Кеннайи, эшитяпсизми?

Моҳина кампир эшитаётган эди. Лекин Ҳамробекнинг овози тобора узоқлашиб борарди. Кўз олдини эса зулумот опларди. У телефон устига мук тушди. Рухсора уни ушлаб қолишга улгурмади.

Моҳина кампирнинг юраги катта харажат дарагини эшитгач ёрилдими ё куёвининг вафоти ҳақидаги шумхабарданми – Худо билади. Ожиз бандага сир бўлиб қолувчи ҳақиқатни кампир ўзи билан гўрга олиб кетди.

Моҳина кампирни маҳалла аҳли дафн этди.

Тўрт кундан кейин ўликхонадан Сухробнинг жасади олиб чиқилиб, унинг ёнига кўмилди.

Дафн маросимида қатнашган Шухрат одамлар тарқалиб кетганидан сўнг ҳам Сухробнинг қабрига тикилганича туриб қолди. Энг кичик жиноятнинг бундай якун топиши унинг учун мутлақо кутилмаган ҳол эди. Сухроб билан унинг орасида қадрдон дўстлик робитаси йўқ эди.

Шундай бўлса-да, унинг қисматига ачинди. Сухробнинг бундай ўлим топиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмагани, дискотекадаги сўнгги кечада зийраклик қила олмагани учун ўзини ўзи айблади. Энг муҳими – биринчи мустақил ишининг муваффақиятсизлик билан тугаши уни руҳан эзаётган эди. У “Иш” омадсизлик билан якунланди”, деб янглишаётган эди. “Иш”нинг янада мураккабланиши, гиёҳвандлик қаторига энди қотиллик ҳам қўшилгани, бу жиноятларни очишдаги иштироки давом этажанини жанозадан қайтиб боргач, бошлиғи капитан Менглиевдан эшитгандан сўнг, кўнгли бир оз таскин топади. Орадан кўп ўтмай катта миқдорда мол олиб ўтаётган наркокуррьер бу шаҳарда эмас, жанубда, тоғлар орасидан ўтаётганда қўлга тушади. Бир ҳафтадан сўнг эса Сухробнинг қотиллари қамоққа олинади...

Эгасиз ўлик (*Яна Нью Орлеанда*)

Жўранинг мурдаси олиб кетилгач, Муҳаммад Абдуллоҳ полис ходими берган саволларга жавоб қайтарди-ю масжидга шошилди. Пешин намозидан сўнг ёлғиз қолиб, нима қилиши лозимлигини ўйлади. Жўранинг адолатсизлик ҳақида куйиниб гапираётиб ҳамшаҳрини тилга олганини эслади-да, Ҳамробекни излаб кетди. Катта дўконга кираверишдаги майдончада кутиб турган Муҳаммад Абдуллоҳ Ҳамробек чиқиб ўзини танитгач, унга “ўша беоқибат сизмисиз?” деган маънода қараганича шумхабарни маълум қилди. Бунини эшитган Ҳамробек гангиб, довдираб қолмади. Чўнтагидан телефонни чиқарди-да “ҳозир” деганича Моҳина кампирнинг рақамини терди. Уч қайта рақам териб боғлана олмагач, кампирнинг қўшнисига қўнғироқ қилиб, шумхабарни етказди. Кампирнинг бирданига жим бўлиб қолишидан, атрофдан эшитилган хавотирли гаплардан қандай кулфат юз берганини англаб, Муҳаммад

Абдуллоҳга қараганича жим қолди. У рақам тераётганда ҳам, гаплашаётганда ҳам сукут сақлаб турган Муҳаммад Абдуллоҳ бу сафар ҳам шошилмади – кутди.

– Кампир ўлиб қолди, шекилли? – деди Ҳамробек. – Тўхтанг, яна аниқлай...

Муҳаммад Абдуллоҳ “ҳа, албатта аниқланг”, дегандай бош ирғаб унинг қарорини маъқуллади. Тўрт-беш дақиқадан сўнг Ҳамробек кампирнинг қўшнисига яна боғланиб, янглишмаганига ишонч ҳосил қилди.

– Жўра акамизнинг бошқа қариндошларини билмайман, – деди Ҳамробек “Энди нима қилдик?” деган маънода Муҳаммад Абдуллоҳга қараб. Кейин худди ўзига ўзи гапирётгандай давом этди: – Қариндошларини топганим билан биронтаси келиб ўликни олиб кетадими ё йўқми? Балки... хотини чиққунича ўликхонада тура турсинми?

– Мумкин эмас, – деди Муҳаммад Абдуллоҳ унинг гапини бўлиб. – Майит тили қотмай туриб қабрга қўйилиши шарт.

– Унда... ҳукуматнинг ўзи... ёқиб, кулини кўмиб қўя қолар? Эгасиз ўликни шундай қилишади, деб эшитувдим.

– Астаффируллоҳ! – деб юборди Муҳаммад Абдуллоҳ. – Нега ундай дейсиз, биродар?! Нега эгаси бўлмас экан? Муслмончиликда ўлик куйдирилмайди. Масжидимиз жамоти жаноза ўқиб, муслмонлар мазорига ўзи дафн этади.

– Мендан қандай ёрдам керак? Кафанлик олиб берайинми?

– Сиз маҳбусадан хабар олинг, тирикнинг ғамини енг...

Муҳаммад Абдуллоҳ шундай деб изига қайтди. Ҳамробек “Жўра ака бу одамни қаердан топибди?” деган ўйда қолаверди.

Полис тиббий экспертизаси Жўранинг ўз ажали билан вафот этганини тасдиқлагач, жасад масжидга олиб келиниб, ювилиб, кафанланди. Йигирмадан зиёд муслмон жаноза намозини ўқиб, нотаниш мусофирни дафн этди...

Муҳаммад Абдуллоҳнинг илтимоси билан холисона хизматга бел боғлаган адвокат уч кундан сўнг бўлиб ўтган

суд жараёнида маҳбусанинг бегуноҳлигини исбот этгач, Зарина озод этилди.

Заринанинг тупроғи қуримаган қабр устида фарёд этишдан ўзга чораси йўқ эди.

Кўзларидан қон ёшлари оқизиб, юртига қайтди.

Қайтишидан икки кун олдин Моҳина кампирнинг уйига кутилмаганда ўт тушди.

Шухрат Моҳина кампирнинг долларга айлантрилиб беркитиб қўйилган пуллари ҳам борлигини тахмин қилиб янглишмаган эди. Бироқ, афсуским, бу тахмин тасдиғини топмади. Ёнғинда неча минг доллар пулнинг кул бўлгани сирлигича қолди...

Муаллифдан

Аллоҳимга шукр!

Ният қилинган баён Раббимнинг марҳамати туфайли охирига етказилди. Ожиз бандаман, хато-камчиликларга йўл қўйган бўлсам, Тангри таоло ҳузурида тавба қиламан, сиз, азизлардан эса узр сўрайман.

Кўнглим сезиб турибди: Сухробнинг қисмати шундай тугаши керак эди, дегувчилар оз эмасдир. Аммо Зарина билан Жўранинг тақдири бўйича баҳс юритувчилар топилса керак. “Четга чиқиб ризқини топиб юрганлар кўп-ку, ана, фалончи қариндошимиз Россияга бориб минг доллар ишлаб келди”, дегувчиларга биз нима ҳам дея олардик? Дунё ҳаммага бир хилда кулиб боқавермайди. Ҳақиқат шуки, четга чиқувчиларнинг барчаси бойиб қайтаётгани йўқ. Маълум миқдорда маблағ топяптилар. Аммо узоқларда бир сент ёки бир копейка топмоқ учун меҳрга ташна юраклари юрт ва қариндошлар соғинчи билан қанчалар азоб чекаётганини уларнинг ўзлари биладилар.

Яқинда Россия телевидениесида кўрдим: “Газел” микроавтобуси ҳалокатга учраб, тирик жон қолмабди. Йўловчиларнинг барчаси қурилишда ёлланиб ишлаётган юртдошларимиз экан...

Бир йигит отасининг норозилигига қарамай Кореяга бахт излаб кетибди. Қуруқ чўнтак, аммо оғир хасталик билан уйига қайтибди. Отасининг топган пули уни шифолашга сарфланаётган экан...

Кўнгилни поралаб ташловчи яна бир воқеа: андиджонлик бир жувон олти ойлик қизчасини сотмоқчи бўлаётганида ҳибсга олинибди. Россиянинг Екатеринбург шахрига бахт излаб борган бу аёл мазкур жинойти учун камида ўн йил умрини қамокда ўтказди. Бошқа бир жувон эса ўзи туққан боласидан қутилиш учун чақалоғини совуқ ўрмонда қолдирибди... Бунақа воқеалар кам учраётган бўлса-да, ҳар бири ҳақида маълумот эшитганимизда юракларимиз зириллайди. Бошқаларни билмайман, бироқ мен бу каби хабарларни эшитганимдан иснод гулханида куяман.

Яна баъзи биродарларимиз асарни ёзишдан мақсад – хорижни, хусусан Американи ёмонлашдир, деб эътироз билдиришлари мумкин. Қўлга қалам олишда каминада бундай ният бўлмаган. Чунки ўзга мамлакатни ёмонлаш учун менда асос ҳам, ҳуқуқ ҳам йўқ. Кимгадир қайсидир жой ёқар экан, унинг кўнгил истагига қарши бориш бизнинг вазифамиз эмас. Яна бир ҳақиқат борки, Америка америкаликлар учун, Олмония немислар учун, Россия россияликлар учун суюмли ва қадрлидир. Яна ажабки, биздаги айрим одамлар Россияга ризқ излаб бораётган дамда, россиялик ўз бахтини Америкада қидиряпти. Америкадан Оврупога келаётганлар ҳам бор... Дунё шунақа ажабтовур бўлиб қолди. Ризқ ва бахт излаб дунё кезиб юрганлар айрим-айрим одамлардир. Уларга қараб миллатга баҳо бериб бўлмайди. Ҳозир Оврупонинг кўпгина мамлакатларида ризқ излаб келаётганларга қарши миллатчилик ҳаракатлари ҳам мавжуд. Бу ҳаракатларга қараб ҳам ўша миллатга баҳо бериш хатоликдир.

Айримларга бахт макони бўлиб туюлувчи Америка Қўшма Штатлари ҳақида кейинги юз йил ичида турли қарама-қарши фикрлар баён қилинган. Рус ёзувчиси Мак-

сим Горкий бу мамлакатни “Сариқ иблис шаҳри” деб атагандан бери қарийб юз йил вақт ўтди. Бу вақт давомида Америка иқтисодий жиҳатдан янада бойиди, аммо маънавий жиҳатдан иблисга янада батарроқ кул бўлганини майли, биз айтмайлик. Шу юрт адиби Ролф Эмерсоннинг фикрига қулоқ тутайлик: “Биз мансуб бўлган миллат оломонга айланиб қолди. Биз ҳанузгача комил инсонни кўра олганимиз йўқ. Унинг маънавий-руҳий ҳолатини ҳам ҳали тўғри тасаввур этолмаймиз. Комил шахсни фақат орзу қиламиз. Лекин у ҳақидаги хабардан нари ўтолмаймиз. Унга хос бўлган қувват ва сеҳрли қобилият биз учун мубҳам ва номаълумдир”.

Рус ёзувчиларидан бири яқинда АҚШга борганида Кубадан қочиб ўтган муҳожирлар билан гаплашибди. Уларнинг биттагина гапини баён этсак кифоя қилар: “Биз Кубада қашшоқ яшасак-да, бахтли эдик. Бу ерда ҳам қашшоқмиз, ҳам бебахтмиз”.

Мазкур сатрлар ёзилаётган онда кимдир узоқ хорижда бахт излашни хаёл қилиб ўтиргандир. Биз уларнинг аввал ўйлаб, сўнг бу йўлга қадам қўйишларини истардик... “Ҳар ерни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу турузу”, деган мақолни унутмасак ёмон бўлмас.

Асарни ўқиб бўлганингиздан сўнг “шу воқеалар ростдан бўлганми ё ёзувчи тўқиб чиқарганми?” деб ўйлашингиз табиий. Ҳар ҳолда китобхонлар билан учрашувларда шундай саволларни кўп эшитаман. Шу боис, саволларнинг олдини олиб, айтиб қўя қолай: воқеалар тўқилмаган.

Фақат... Заринанинг тақдирини ўзгартириб ёзишга қарор қилдим. Аслида... Зарина Америкадаги полис турмасида вафот этган, мурдаси куйдирилиб, қутичадаги кули ҳамшаҳрига берилган эди. Қариндошининг кулини олиб келиб, ғойиб жаноза ўқиттирган, сўнг эса Моҳина кампирнинг ёнига кўмдирган одам бу аянчли воқеани менга ҳикоя қилиб берган эди. Мен у одамнинг асл исмини яшириб, асарда “Ҳамробек” деб қўйдим.

Шундай оқибатсиз одамларнинг мусофирликда ҳамроҳ бўлишидан Аллоҳ асрасин!

Асардаги сўнгги сатрларни ўқиётганингизда қандай руҳий ҳолатга тушганингиз каминага қоронғу.

Мен эсам... кўнглимни эзган бир туйғу билан сўнгги нуқтани қўйдим.

Хитобим шуки: фоний дунёда энг кичик жиноят учун кичик жазо кутмоқлик нодонликдир. Гуноҳлар “катта” (гуноҳи кабира) ва “кичик” (гуноҳи сағира) деган турга бўлинади. Юракка ханжар санчилгандаги ҳам, кичик игна санчилгандаги ҳам оқибат маълум.

Каттами кичикми гуноҳ қилиб қўйишдан сақланган одам саодат эгасидир. Аллоҳим барчаларимизга шу саодатни насиб этсин! Омийн!

Ҳамиша сиз – азизларнинг ҳақларига дуода бўлувчи биродарингиз Тоҳир Малик, деб билгайсизлар.

ХАЗОНРЕЗГИ

*Чарчади юрак, ақл-чи... толди,
Манзилга етишга озгина қолди...*

Ҳаловат истаган юрак тўхтади.

Турмуш ташвишлари билан банд юрак ҳаловат билан жимгина хайрлашди.

Эм игнасига дори тортаётган ҳамшира қариянинг қотиб қолган қорачиғини кўрди-ю, бармоқлари титраб кетди. Оғир-оғир нафас олаётган беморнинг бирданига жимиб қолиши вужудида қўрқув титроғини уйғотди. Ўқишни битириб, шифохонада ишлай бошлаганига ярим йилдан ошган бўлса-да, ўлимга биринчи марта дуч келиши эди. Қишлоқ шифохонасида оғирлашиб қолган беморни яқинлари “ўлса ҳам уйда хотиржам ўлсин, дўхтирлар қорнини ёриб кўрмасин”, деб олиб кетгувчи эди. Бу қарияни эса беҳуш ҳолда олиб келишди. Врач қон босимни ўлчади, юракни эшитиб кўрди, кардиограмма тасмасига тикилиб қарай-қарай бош чайқаб қўйгач, қандай дорилар берилишини тайинлади-ю, чиқиб кетди. Ҳамшира дастлабки дориларни эм игнасида билакка юборгач, ярим соатча танаффус қилиб, энди томчи дори юборишга киришмоқчи эди. Қариянинг оқара бошлаган юзига қараб қўрқуви баттар ошди, нима қиларини билмай “Ойдин опа!” деб қичқириб юборди.

Дераза томондаги каравотда ётган беморнинг томирига дори юбораётган ўрта ёшлардаги ҳамшира чўчиб, ўгирилди. Ҳамшира “ўлди” демоқчи бўлди-ю, титроқ лабларидан бу сўз учмади. Жон тарк этган танага тикилганича довдираб тураверди. Ўрта ёшли ҳамшира игнани томирдан суғуриб, беморнинг билагини букди-да, бу томон ўта туриб, “Анвар акангни чақир, тез чақир!” деб буюрди. Қўрқувдаги қиз чиқиб кетгач, қариянинг бўйин томирига бармоғини қўйди. Кейин шошиб кўкрагига кафтини қўйиб, куч билан босди.

Даҳлизга отилиб чиққан ҳамшира йўлда бир қарияни беҳос туртиб юборди. Унинг “хай-хай қизим, кўзингга қарасанг-чи” деган танбеҳига қулоқ солмай, узр сўрашни ҳам унутиб, югуриб кетди.

* * *

Шифохонада бу воқеа юз берган пайтда дўстининг тақдиридан беҳабар Мамасоли чошгоҳ нафл намозини ўқиб бўлиб, мутолаага тутинган эди. Дадасининг хайрли ният билан “Муҳаммад Солиҳ” деб қўйган исмини ҳали ҳеч ким тўлиқ айтмаган, “Муҳаммад Мусо”ни “Матмуса”, “Муҳаммад Амин”ни “Мадамин”, “Муҳаммад Раҳим”ни “Марайим” дейишни одат қилган қишлоқ аҳли “Мамасоли” деб чақирганда у ажабланмас ҳам, кўнгли оғримас ҳам эди. Болалиқдан бирга катта бўлган улфатларининг янада қисқартириб, “Соли” дейишларига ҳам кўникиб кетган.

Мамасоли кўлидаги китоб сатрларига кўз югуртирди-ю, иккинчи саҳифага ўтмай, чуқур хўрсинди. Сўнг “астағфируллоҳ” деб пичирлаб қўйиб, нигоҳини яна ўша сатрларга қадади. Бу сафар кўзларига ёш қуйилиб, ҳарфлар кўринмай қолди. Тили истиғфор билан банд бўлди. Чуқур-чуқур нафас олди. Бўйнига ташлаб олган оқ рўмолининг учи билан кўзларини артиб, ўйга толди. Лекин хаёл булутида узоқ уча олмади, юрагини серхатар титроқ босиб, яна китоб саҳифасига қаради. Энди пичирлаб ўқиди: “Боқий Зот фонийларга бахт ато этди. Ўлимни муттақийлар учун нажот ва учрашув ваъдалашилган манзил қилди. Қабр эса бадбахтлар учун зиндон, то яхшилик ёмонликдан ажраладиган жазо кунигача тор ҳибсхона бўлди... Ўлим – қисмати, қабр – қароргоҳи, тупроқ – тўшаги, Мункар ва Накир – суҳбатдоши, қурт-қумурсқалар – улфати, ер ости – хосхонаси, маҳшаргоҳ – ваъдалашган жойи, жаннат ё дўзах – сўнги манзили бўлган ҳар бир кишининг фикру зикри – ўлим, тадбиру тадориги ҳам ўлим учун бўлиши табиий. Унинг бутун диққат-эътибори ўлимга қаратилган, қўрқинч ва қувончи ҳам ўлимдан, у ўлимга мунтазир. У нафсини ўлик-

лар қаторида санаб, ўзини қабрда кўради. Чунки келувчи нарса доимо яқин, келмайдигани эса узоқдир. Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи васаллам, дедилар: “Нафсини тергайдиган ва ўлимдан кейинги ишларни ўйлаб амал қиладиган киши асл зийракдир”...¹

У китобни хонтахта устига қўйиб, бошини эгганича ҳаракатсиз туриб қолди.

Китобдаги сатрларни ўқиб, ўлим эсига тушиб кетдию, юраги қўрқув тўрига ўралди, дейиш ёлғон бўлур эди. Аввали шуки, эсга тушиши учун олдин унутиш керак. У муқобилида ўлим борлигини ҳеч маҳал унутмаган. Урушда куёнюраклик қилиб хандаққа писиб олган йигитларни кўрганида: “Пешонангга ўлим ёзилмаган бўлса, устингдан танк босиб ўтса-да ўлмайсан, умринг калта бўлса, Азроил пусиб ётган жойингдан ҳам топиб олади. Ўлимдан қўрққанинг билан ундан қутулолмайсан. Шунинг учун қўрқмай ўлган афзал”, дерди. Қайси бир китобда “Одам совуқ лаҳадда ётишини тасаввур қилса, қўрқувдан тилига қадар терлаб кетади”, деган гапни ўқиб, “яхши одам қўрқмайди, кўп гуноҳ қилган осийнинг аҳволи шунақа бўлиши мумкин”, деб қўйган эди.

Тўғри, унда ҳам қўрқув бор, лекин лаҳадда ёлғиз ётиш қўрқуви эмас.

Волга дарёсидан то Элбага қадар бўлган қонли жангтоҳни пиёда босиб ўтган одамнинг ҳозирми ё эрта-индинми ўлиб қолишидан қўрқиши мантиқсиз ҳамда ишонарсиз бир ҳолатдир. Ўликни кўрганда даҳшат дўлига учраб, лабига учуқ тошадиганлар ҳам бор. Мамасоли ундайлардан ҳам эмас. Урушдаги ўликларни ҳисобга олмаганда ҳам, қайтганидан кейин қанча яқинларининг жағини ўзи боғлади. Қишлоқда ўлик ювучи қолмагани учун ғассоллик қилган вақтлари ҳам бўлди. Бу хизматни вақтинча деб ўйлаган эди, ўғли вояга етгунига қадар савоб ишдан бўйин товламади. Хотини бир-икки хонадонга совчиликка борганида “ўлик ювувчи билан

¹ Абу Ҳомид Ғаззолий ҳазратларининг “Ихйоу улумид-дин” (“Дин илмларини жонлантириш”) асарларидан Абдурашид Зоҳид таржимаси.

куда бўламизми?” дегандай гап қилишибди. “Ҳар бирингни бугун бўлмаса эртага кимдир поклаб, охирги сафарингга кузатиб қўйиши керак. Бугун мен билан куда бўлишдан ор қиялсан. Эртага ишинг тушиб қолса, уялмайсанми?” – деб танбеҳ бермоқчи бўлди-ю, қилган ишлари миннат бўлиб, савоблари учиб кетишидан кўрқди. У ғассоллиги учун ҳақ олмасди. Бу хизматдан тирикчилигини яхшилаб олишни орзу қилган бир киши топилиб қолди-ю, “бахтимдан ўргилай”, деб ўзини четга олди. Шунда ҳам яқинларини ўзи ювиб, ўзи кафанлашдан бўйин товламади. Билагида ҳали қувват бор эди, лекин тенгқурларини ювиш чоғида кафти қалтираётганини сизди.

Улфатдаги дўстларининг бирин-сирин кетиши унга яқин келажак хабари эди...

Лекин бу хабарлар уни талвасага сололмас, ташвиши бўлак эди.

Мамасоли билиб-билмай қилган гуноҳлари учун маҳшаргоҳда уялиб қолишдан кўрқади. Кўп тавба қилади. Лекин Раҳмли зот бу гуноҳларни не қадар кечирганини биллолмайди. Ота-онасига яхши хизмат қила олмади. Йигит ёшига етганда урушга кетди. Ота-она дуоси билан кетиб эди, уйига етим ўғил бўлиб қайтди: ота-онасининг қуруқшаган лабларига бир томчидан сув томизиш, қабрларига бир кафт тупроқ ташлаш унга насиб этмади. Буни айб деб билмаса ҳам, кўнгил ғашлиги ҳалигача кўтарилмайди. Устозининг кулфатга учрашида гуноҳи борлиги эса аниқ. Отаси ҳарф танимаса-да, олимларга ихлоси баланд эди. Ўғли шўро мактабида ўқиши баробарида дин илмини олишини ҳам истарди. Афсуски, дин илми ҳеч қаерда ўқитилмасди. Қишлоқда илмли бир киши бор эди. Бироқ, болаларни ўқитмасди, советнинг қонунига кўра қамалиб кетиши мумкин эди. Отанинг қайта-қайта илтимослари таъсир қилдими ё илми қизғаниш гуноҳлигидан кўрқдими, ҳар ҳолда у киши Мамасолига Қуръон илмини ўргата бошлади. Бир куни мактаб мудири Мамасолини чақириб ғоят хушму-

омалалик билан гапга солди: “Сен мактабимиз фахрисан, катта ўқишларда ўқийсан, катта олим бўласан. Қуръонни ҳам ёдлаётган эмишсан, бу ҳам жуда яхши. Менга битта кичкина сура ўқиб бер-чи?” деди. Мамасоли бу ширин сўзга учиб, кичик эмас, “Таборақ”нинг ярмини ўқиб бериб, яна “олқиш” олди. Бола бечора мудирнинг сотқин эканини қаёқдан ҳам билсин? Устози уни тонг палласи, ҳали қишлоқ уйғонмай туриб ўқитарди. Эртаси субҳи содиқда унинг уйига борганида ҳибсга олиб кетишаётганини кўрди. Кўрди-ю, бу кулфатда ўзининг ҳам ҳиссаси борлигини англаб, чинқириб юборди. Устози унга бир қаради ўшанда. Кўзларида нафрат йўқ эди, худди “сенда айб йўқ, ўзингни қийнама, бу Аллоҳнинг синови”, дегандай мулойим боқди. Бу қараш хотирасига муҳрланиб қолган. Лекин ўзини ҳануз кечира олмайди. Дийдор Қиёматга қолган экан, ўша учрашув палласини қўрқув билан кутади...

Дунёга муккасидан кетган киши ўлимни эсламас экан. Эслаган тақдирда ҳам бойлиги қолиб кетаётганига афсус қилиб, бунга ўлим сабабчи бўляпти, деган бемаъни хаёл билан жон берар экан. Мамасоли шундайлар сафида бўлмагани учун шукрлар қилади. Ўзини тавба йўлига кирганлар сафида кўриб, ўлимни унутмайди. Шунданмикин, қалби кўрқинчу истиғфорга, айни дамда вужуди хушуъ ва хузуъга лиммо-лим тўлади. Тўғри, баъзан ўлим кўққис келиб, тавбалари охирига етмай, охират озуғининг ғамланмай қолишидан чўчийди. Лекин тавба йўлидаги одамлар қаторида бўлгани сабабли ўлимдан қочмайди. Балки ўзининг қусур ва нуқсонлари сабаб Аллоҳнинг дийдорига етиш каби буюк неъматни бой бериб қўйишдан хавфсирайди. Гўё у суюқлиси рози бўладиган учрашувга тайёрланиш билан машғул бўлиб, висолга кечикишдан чўчиётган кишига ўхшайди. Висолга кечикишдан кўрқиш эса висолни хоҳламаслик эмас...

Мамасоли бир он ҳаракатсиз ўтиргач, яна пичирлаганича истиғфор айта-айта ўрнидан туриб, уй этагидаги бир

учи қайрилиб қўйилган жойнамоз устига борди-да, нафл намозига ният қилиб қўл боғлади. Биринчи ракаатнинг зам сурасини ўқиб, рукуъга борган пайтда темир дарвозанинг эшиги тарақлаб очилиб, бир бола бор овози билан: “Мамасоли тоға! Мамасоли тоға!” деб чақирди. Унга жавобан кампирнинг “Бунча бақирмасанг, тоғангда гапинг борми?” дегани эшитилди. “Пўлатжон тоға қаттиқ оғриб қолибдилар, баннисага олиб кетишибди, шуни айтиб қўйишга келдим”.

Саждага бош қўйган Мамасоли буни эшитиб қаддини кўтарди-да, намози чала бўлса-да, салом бериб ўрнидан тургач, кулранг чакмонини шоша-пиша кийиб ташқарига шошилди. Айтиши керак хабарини айтган шошқалоқ бола унинг чиқишини кутмай, кетиб бўлган эди. Кўчага чиққан Мамасоли у ёқ, бу ёққа қараб турди-да, кейин ош-насининг уйи томон юрди. Пўлатнинг эшиги ташқаридан қулфланмаган, ичкаридан танбаланмаган эди. Уй соҳиби унинг етмиш йиллик дўсти бўлса-да, ҳовлига индамай кириб боришдан ўзини тиярди. Хавотирга тушган юраги безовта бўлаёганига қарамай, бу сафар ҳам одатига хилоф қилмади – эшикни қия очиб “Пўлатжон, ҳов Пўлатжон!” деб чақирди. Бир неча нафас кутди, жавоб бўлмагач, эшикни тақиллатди. Яна сабр қилди. Бирон дақиқа ўтгач, жавоб бу ҳовлидан эмас, қўшни томондан бўлди. Қўшни аёл шошқалоқ хабарчи боланинг гапини тасдиқлади, холос, қандай воқеа юз берганини батафсил тушунтира олмади.

Бу қишлоқ туманнинг чекка ҳудудига жойлашгани сабабли, яна тўрт катта қишлоққа хизмат қилувчи шифохона қурилган эди. Аввалига “касали оғирроқ бўлса туман марказига олиб кетишдимикин”, деб хаёл қилди. Кейин “яқин жой турганда касални толиқтириб узоққа олиб боришармиди”, деган тўхтамга келиб, қадамини тезлатди. “Бирон йўловчи машина келиб қолармикин”, деган умидда дамодам ортига қараб кетаверди.

Мамасоли умиди ушалмай, шифохона томон шошиб бораётган пайтда унинг уч дўсти манзилга етиб бўлишган

эди. Воқеадан илгарироқ хабардор бўлган Мирҳосил қўшни кўчада яшовчи Турғун билан Обидни чақиргач, тракторчи жиянини ишга солган, тракторнинг тиркашаравасида уч ошна шифохонага тезда етиб келишган эди. Турғуннинг “Уччаламиз бостириб кириб ваҳима қилмайлик, Боз кириб секи-ин разведка қилиб чиқсин”, деган таклифи маъқул келиб, шифохона биқинидаги чойхонада ажрашдилар. Улфатлар орасида исми айтилмай, хотин олиб, хотин қўявергани учун “Боз” лақаби билан шарафланган Обид гапни кўпайтирмай, шифохона томон шошилди. Ичкарига кириб суриштираман, деган чоғида реанимация хонасидан отилиб чиққан ҳамшира шу одамга урилиб кетган эди.

Чойхона сари бораётган икки ошнанинг тик қаддига, дадил юришига қараганда “қария” деб атамоқ инсофсизлик бўлар. Айниқса, Мирҳосилнинг кенг елкалари, жарангдор овози, бургутникидек нигоҳи қарилликни ҳали-бери яқинига келтирмайдигандай эди. Қирра бурнининг икки ёнида болалиқдан хотира – иккитадан чечак изини астойдил тикилиб қарагандагина кўриш мумкин бўлса-да, ошналари орасида “Чўтир” деган лақабни ортмоқлаб юради. Аслида бу лақаб бобосидан мерос қолган. Чечак изи бўлмаганида ҳам шу лақабга кўнишдан ўзга чораси йўқ эди. Чунки бу атрофда яшайдиганларнинг барчасида лақаб бор. Бирон одам ҳақида сўз кетиб, “шунинг ақли йўқ”, деса ҳеч ким ажабланмайди, лекин “лақаби йўқ”, деса ишонишмайди. Дарров ота-боболарининг тарихи титкилана бошланади ва қайси бир бўғинда тўхтаб қолган лақаб топиб, меросхўрга берилади. Мирҳосилга нисбатан бўйи пастроқ, гавдаси тўлароқ Турғунга “Буқоқ” деган лақаб шу тарзда инъом этилган. Айтишларича, қайси бир бобосининг буқоғи узун соқолининг ортидан ҳам кўриниб турар экан. Турғунга бу лақаб малол келмади. Ҳар ҳолда қишлоқда “Ҳўкиз”, “Туя”, “Макиён” деган лақаблар бор, шуларга рўпара қилмаганлари учун ҳам лом-мим демаган, ҳозир ҳам индамайди. Аслида лақаб қўйишдан мақсад кимнидир

хорлаш эмас, балки улфатлар учрашганда аския пайровига бир баҳона. Агар лақаб кишининг жисмоний камчилигини масхаралаш мақсадида тўқилганида Турғунга “Буқоқ” дейилмас эди. Урушдан кейин аввал панжасида, сўнг бўйнида пайдо бўлган оқ доғларга ишора қилинарди. Бу ҳолда лақаб ҳазил доирасидан чиқиб, ҳақорат даражасига кўтарилиб қолардики, атроф қишлоқларда бунга сира йўл қўйилмайди. Агар оқ доғларга ишора қилинса, Турғуннинг ўзигина эмас, ошналари ҳам мушт билан жавоб беришдан қайтишмаган бўлишарди.

Мирҳосил Турғунни чойхона ҳовлисига бошлаб киргач, барглари олтиндай сарғайган мажнунтол остидаги сўрига омонат ўтириб, “Кела қол, Боз чиққунча сал нафасни ростлаб турайлик”, деди. Сўрига тўшалган эски шолчанинг титилиб кетганига парво қилмай, омонат ўтирдилар. Қишлоқлардаги чойхоналарда ҳеч ким сўрига гилам тўшашни талаб қилмайди. Эски палос, ёғи чиқиб кетган кўрпачаларда ўтириш ҳеч кимга малол келмайди.

– Булар ҳали ҳам курашиб ётишган экан, – деди Мирҳосил чойхона айвони пештоқидаги шиорга имо қилиб. Турғун шиордаги “1995 йил мўл ҳосили учун курашайлик!” деган сўзларни ўқиб, мийиғида кулганича:

– Булар отасининг белида ҳам курашган, онасининг қорнида ҳам курашган. Курашга сира тўйишмайди, – деб минғирлаб қўйди.

– Чой-пой чақирайми?

– Чойинг нимаси? Боз чиқсин, шунга қараб бир нима қилармиз.

Ичкарида ювилган пиёлаларни ҳафсала билан артаётган чойхоначи кутилмаган меҳмонларни кўриб, ғашланди. Аввалига “у ёқ-бу ёққа қараб чиқиб кетишар” деган умидда қараб турди. Эшонгузарлик Жасур қиморбоз бу кунни банд қилиб қўйган, “ҳатто пашша ҳам учиб кирмасин”, деб тайинлаган эди. Икки қариянинг кириб, бемалол ўтириб олиши уни пича гангитди. Кейин “чой ичгилари келса,

хизматларини тезроқ қилай, тезроқ кета қолишсин”, деган ўйда ташқарига чиқиб, улар томон илдам юрди.

– Келсинлар, тақсирларим, келсинлар, – деб ярим таъзим билан яқинлашиб, қироат билан салом берди.

– Нега “тақсир”лаб қолдинг, мачитнинг имомига ўхшаймизми? – деди Мирҳосил алик олиб.

– Устоз шунақа ўргатганлар. “Чойхонангга кириб келган отахонларнинг мартабаси улуғ бўлади, уларга фақат “тақсир” деб мурожаат қил”, деганлар. Тақсир, ичкарига марҳамат қиладиларми ё бошқа сўрига жой тўшайинми? – деди у қариялар билан қўшқўллаб кўришгач.

– Ичкаринг нимаси, бизларни димлаб барака топмоқчимисан? – деди Мирҳосил норози оҳангда.

– Ҳа, энди куз хавоси-да, – деди чойхоначи.

– Нима бало бўлди, самоворхонангнинг ранги ўчиб кетибди?

– Гапларига тушунмадим, тақсирим?

Турғун дўстининг гапини изоҳлади:

– Самоворхонангда одам йўқ, барака қочдимми, деяпти тоғанг.

– Бу ёқдан қишнинг нафаси келиб турибди, сезон ўлди-да, тақсир...

Чойхоначининг бу гапи қарияларга малол келди. Турғун қошларини чимирди, Мирҳосил эса бобиллаб берди:

– Энанг музхонада тукқанми сени, гапингнинг совуқлигини қара!

– Ия, қандай совуқ гап қилдим, тақсир? – деб ажабланди чойхоначи.

– «Сезон ўлди» деганинг иссиқ гапми? Бу томон касалхона бўлса, қанча одам «Ҳақ!» деб ўлолмаётган жойда ўлимни эслаб нима қиласан? «Ошхўрликнинг мавсуми ўтди» деб қўёвурмайсанми?

– Энди бизлар бир оми одам-да, гап билмаймиз.

Чойхоначи шундай деб изига қайтди-да, бир оздан сўнг тоза шолча билан кўрпача олиб чиқиб ён томондаги сўрига тўшади.

– Бу ёққа ўтсинлар, тақсирларим, ҳозир чой дамлайман, – деб яна ичкарига кириб кетди.

Икки қария эринибгина ўрнидан туриб бу сўрига яқинлашди. Мирҳосил калишини ечгач, тепага чиқиб, чордана қуриб олди. Турғуннинг сўри четида оёқларини осилтириб ўтиришига қараб туриб, Мирҳосил шумлик билан тегишди:

– Ҳа, белдан олдим, тукқан хотинга ўхшаб қолибсан?

– Сен, Чўтир, гапингга озгина туз сепвор. Самоварчига ақл ўргатасан-у, ўзинг нима деб валақлаётганингни билмайсан. Белоғриқнинг тукқан хотинга нима дахли бор?

– Сирканг сув кўтармайдиган бўлиб қолибди, сен Буқоқнинг. Адойи тамом бўлибсан. Ўтиришингни қара.

– Сен ҳадеб бировларга қарайвермасдан ўзингга ҳам бир-икки кўз ташлаб қўйгин. Энди сену мен олма билан ўрик бўлармидик. Самоварчига ўхшатиб айтадиган бўлсам, бизди сезон ҳам ўляпти, ошнам.

– Гапларингни оловга қўйиб, сал иситиб олсанг бўлармиди, а? Бунақа совуқ гапларни қайси халадийнадан оласан?

– Совуқми, иссиқми... умрдан барака кетиб бўлди, – Турғун шундай деб эгилди-да, ердан сарғайган баргни олиб, дўстига узатди: – Ма, ушла.

Мирҳосил беихтиёр қўл узатиб, баргни олди, кейин ажабланганича сўради:

– Нима қиламан?

– Олгин-да, узилиб тушган жойига қайтариб қўй, – деди Турғун маънодор оҳангда.

– Вей, эсларинг жойидами?!

Мирҳосил шундай деб баргни силтаб ташлади. Турғун эса бошини эгганича, худди ўзига ўзи гапираётгандай деди:

– Ҳа... қўёлмайсан... Ҳеч ким қўёлмайди. Бу барг эмас, УМР! Узилдим... Тамом...

Турғун шундай деб хўрсинди. Унинг бу ҳазин кайфияти дўстига ёқмади. Ўтирган жойида бир қимирлаб олиб, жеркиб берди:

– Менга қара, Худо хайрингни берсин, донолик қилмагин шу топда. Юракларни сиқмагин.

Турғун унинг танбеҳига парво ҳам қилмади. Қўлидаги баргдан кўз узмаган ҳолда аввалги хазинликда давом этди:

– Сен буни хазон деб ўйлаяпсанми? Бир сен эмас, ҳамма шундай ўйлайди. Лекин бу шунчаки хазон эмас... балки... ўлим даракчисидир? Ўлим кимни олиб кетади? Ичкарида жон талвасасида ётган одамними ё... балки сенидир?

– Ҳой, буқоқларнинг совуғи дейман, бас қил дейман, донолик қилавурма. Ўладиган бўлсанг ўзинг ўлавур. Ҳар ҳолда мендан беш ойлик каттароқсан. Мен ҳали бери кетадиган аҳмоқ эмасман. Уқдингми?

– Хўп... Гапинг рост, мен адашибман. Худо билади, балки хабар менга келгандир?.. – Турғун шундай деб ошнанинг тутай бошлаган ғазаб ўтини ўчиргандай бўлди.

Чойхоначи гуллари ўчиб кетган қора патнисда чойнак, новвот олиб чиқиб, хонтахтага қўйгач, чойни қайтарди. Дўстига гапириб барака тополмаслигига фаҳми етган Мирҳосил захрини чойхоначига сочиш баробарида бир ўк билан икки қуённи урмоқни маъқул кўрди:

– Ҳой ўғил бола, новвотингга қаҳат келганми? Бунча кам олиб чиқдинг? Бунинг тишимнинг қавагида йўқ бўлиб кетади-ку? Манави тоғанг нимани шимади? Юрганда оёқларининг қалтирашини кўрсанг-чи?

“Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” йўриғида айтилган бу пичинг сўзлар довулини Турғун худди ўзидай кўринишда дўстига қарата сочди:

– Самоварчи ука, тоғанг яқингинада сенга нима деди? «Музхонада туғилганмисан?» дедими? Ўзидан сўра-чи, энаси қаерда туққан экан. Ўзи айтмаса, менгина айтайми? Бу тоғанг шимолий муз океанининг нақ киндигида туғилган. Ишонмасанг, башарасига қарагин-а, онаси чўтир қилиб туғмаган, туғилганида бип-бинойи бўлган. Аммо туғилгани заҳоти афтини моржлар тимдалаб-тимдалаб ташлашган.

Чойхоначига бу гап таъсир қилиб, хохолаб кулиб юборди. Мирҳосил худди ўрнидан туриб ошнасига чанг солмоқчи бўлгандай, жойида бир қимирлаб олди. Чанг солишга қасд қилгани рост, лекин тирноқлари билан эмас, тили билан чанг солмаса хумори босилмас даражага етган эди. Икки ошна эсларини таниганларидан бери бирга, ҳатто урушда ҳам битта бўлинмада хизмат қилиб эт билан тирноқдай ажралмас бўлиб кетишган. Шунга қарамай, “гап келганда отангни аяма”, деган насиҳатни иккови ҳам байроқ қилиб олгани сабабли Турғун гап отганида Мирҳосилнинг жимгина кетганини ҳали бу атрофда биров кўрган эмас. Ҳозир ҳам шундай вазият юзага келди. Бу ерга нима учун келганларини унутишди. Мирҳосил ошнасининг гапига жавобан аввалига асабий тарзда томоқ қиргач, чойхоначи кулгидан шарт тўхтади.

– Гапнинг иссиғини шу тоғангдан оловрасан, – Мирҳосил маънодор оҳангда гап бошлаб, қошларини учириб, буқоқ кўринмаса ҳам, Турғуннинг томоғига ишора қилди. – Кўряпсанми, хумдони ўзи билан-да бунинг.

– Эсимга тушди, тақсир, қойилман, – деди чойхоначи кулиб.

– Нима тушди?

– Бизлар бола эканимизда тўйларда юрардинглар лапар айтишиб, аскиялар айтишиб. Кўпини ёдлаб олган эдим. Сиз бошлардингиз: “Охират бозорига юк боғлаган карвон, буқоқ, олти минг ғиштни пиширган бетутун хумдон буқоқ...” деганингизда оламни қийқириқ босиб кетарди.

– Ҳа, ҳа, шундай бўлган, – деди Мирҳосил кибр билан яйраб. – Эсингдан айланай сенинг.

Ғашланиш навбати энди Турғунга ўтди. Тиззасига ўнг кафти билан шарт уриб, чойхоначига бургут қараш қилди:

– Мен-чи? Мен мум тишлаб ўтирармидим?

Чойхоначи икки ўт орасига тушиб қолганини англаб, салгина довдиради-ю, кейин ўзини қўлга олиб, қувноқ оҳангда давом этди:

– Оҳ, оҳ тақсирим, сиз ҳам жуда-а олардингиз-да! Сира қўймасдингиз, ушлаган жойингизни узибла олардингиз: “Ариларнинг уясини «бет бу», деб алдар чўтир, худди чекичлаб чекилган патир, деб жаврар чўтир”, деганингиз ҳали ҳам эсимда.

– Ҳе, эсинг қурсин сенинг! Қани, менинг жавобимни айт-чи? – деди Мирҳосил унинг гапини шарт узиб.

– Тақсирим, мен эси паст одамга ўхшаяпманми? Жавобингизни айтайми? “Елкасига хуржун осан, хуржуни-да ошқовок, ҳар бири чорак етилган миришкор деҳқон буқоқ...” Шунақа ажойиб тўйлар бўларди-да. Тонготар жилмай ўтирардик.

Икки ошнанинг ўртасида узоқроқ қолса бирон бир ба-лога йўлиқиши мумкинлигини англаган чойхоначи хотира-сини яқунлаб, кетмоқчи бўлиб ўтирилган эди, Турғуннинг: “Тўхта, гапни чала сўйиб ташлаб кетма. Охирига етказиб қўй энди”, деган амри янграб, тўхтади.

– Ағи эсимда йўқ, тақсир.

Шу айёрлиги билан қутулиб кетмоқчи эди, Турғун “Ай-тасан!” деб бўш келмади.

– Қўй, болани қийнама, эси пастлиги кўриниб туриб-ди-ку? – деди Мирҳосил муғомбирлик билан. – Отам замо-нидаги гапларни қаёқданам ёдида тутуди. Дурдона гаплар мияда қолади, шалай-балай гаплар ўчибла кетади.

– Сен тек тур-чи, – деди Турғун дўстини жеркиб, кейин чойхоначига тикилди: – Эсингда йўқми? Қани, ўйлаб кўр-чи? Мен бошлаб берайми: «Бу кеча қайларда қолдинг, бет-ларинг итнинг изи»... Хўш?

Чойхоначи Мирҳосилга хавотир билан бир қараб олиб, Турғунга очиқ чехра билан юзланди-да, давом этди: “Пан-жарагулчин юзингдан айладингми, ор чўтир?”

Бу жавобдан қувонган Турғун “Оҳ-оҳ!” деганича икка-ла кафти билан тиззасига шапатилади:

– Гапнинг хўрози шунақа бўлади. Эсинг баракали экан, сен боланинг.

Чойхоначига бу мақтов маъқул келиб ийиб кетди:

– Яна бир ашулангиз бўларди: «Тоғда қуён отибман ияги йўқ, жонон кўйлак кийибди, жияги йўқ»...

– Ҳой «эсли бола», бўлди қил. Жа-а мияларни ачитибла ташладинг. Бор, новвотингдан олиб чиқ. Белангги тоғангга қувват бўлсин.

– Шошираверма, айтадиганини айтиб олсин.

– Эшитгинг келаётган бўлса, уйингда би-ир палов-хонтўрани дамлаб чақирасан. Эртамаданга довур ликобча чертиб ашула қилиб беради, сен буқоғингни селкилатиб ўйинга тушиб берасан. Хўп базми жамшид қилишасанлар.

Турғун жавобга ҳозирланди-ю, кўзи Обидга тушиб, гапи оғзида қолди. Сўрига яқинлашаётган ошнасининг шашти пастлигини сезган Мирҳосил ўрнидан туриб кетди. Турғун жойидан жилгунича, у пастга тушиб, Обидга пеш-воз чиқди:

– Ҳа, шу ерда эканми?

Обид чойхоначининг саломига руҳсиз равишда бош ирғаб алик олгач, дўстига тикилиб қолди. Унинг бу аҳволдан хавотирланган Турғун Мирҳосил билан кўз уриштириб олгач, уни саволга тутди:

– Шу ерда эканми, кириб чиқоврамизми?

Обид жавоб бермай, сўрига келиб, омонат ўтирди. Бу аҳволдан ғашланган Мирҳосил уни елкасидан ушлади:

– Боз... Обид, Обид дейман, нега машқинг паст?

– Касали... оғирроқ эканми?

– Касалими?.. – Обид хўрсинди-ю, бошини эгган ҳолда паст овозда жавоб берди: – Бу оғайнимизни ҳам Худо бизга кўп кўрди. Пўлатдан... ажраб қолибмиз.

Кутилмаган шумхабарни эшитиб Турғун бир оз карахт ҳолига тушди, сўнг юзига фотиҳа тортди. Мирҳосил эса ишонқирамай, Обиднинг иккала елкасини чангаллаб олиб уни бир-икки силтади:

– Ким айтди сенга? Ўзинг кўрдингми? Ўз кўзинг билан кўрдингми? – Обид бош чайқаб «йўқ» ишорасини қилгач, уни яна силтади: – Сен, ношуд бола, фамилиясини тўғри

айтдингми? «Тоҳиров» дедингми ё «Тоиров» дедингми? Сен, пайтавафаҳм ҳамиша адаштириб юрасан.

– Тақсирим адашганга ўхшайдилар, – деди чойхоначи вазиятни юмшатиш мақсадида. – Бугун бу касалхонада ҳеч ким ўлмади. Ўлса биз ҳам эшитардик.

Аламини кимдан олишни билмаётган Обид бу гапни эшитиб унга бақриб берди:

– Сен кимсан ўзинг? Главврачмисан ё самоварчимисан? Бор, ишингни қиловур сен!

Гапга ножўя аралашганини фаҳмлаган чойхоначи бошини эгганича ўтирилди.

– Бу болага сапчима. Тўғри гапиряпти, – деди Мирҳосил Обидни қўйиб юбориб. – Главврачингдан олдин хабар шу самоворхонага чиқади. Сен хомсан, бола. Ҳамма ишларинг хом. Ўйлаб кўр-чи, Берлинга довур ўт кечиборган одам индамайгина ўлиб кетоврадими? Э, йўқ. Сенга ишонган мен – аҳмоқ! Ўзим кириб чиқаман. Қайси жойда экан?

– Ўликларни тирилтирадиган бўлимда экан, – деди Обид тўнғиллаб.

– А? Нима дединг?

– Нега анграясан? Эшигига шундай деб ёзиб қўйибди. Ишонмасанг, бор ўзинг қара.

– Гапингнинг тузи йўқ: ўликларни тирилтирадиган бўлимда одам ўларканми? – деди Турғун ошнаснинг елкасига енгил туртиб. Ҳозиргина гапга аралашгани учун пушаймон бўлган чойхоначи изоҳ беришдан ўзини тия олмади:

– Тақсирим “реанимация” бўлимини айтяптилар шеклли. Ҳозир шунақа ёзадиган бўлишган. – Шундай деб Обидга қаради-да киноя билан қўшимча қилди: – Главврач бўлмасам ҳам шунақа гапларни сал-пал биламан.

Чойхоначи яна ортиқча гапириб юбориб, исканжага тушиб қолмаслик учун тез-тез юриб кетди. Мирҳосил шифохона томон бурилган эди, Турғун унинг йўлини тўсди:

– Тўхта, сен борма. То топгунингча ўликнинг тили қотади. Боз, бор, ўзинг кириб чиқ. Ўлик бўлса ҳам, тирик бўлса ҳам ўз кўзинг билан кўриб чиқ.

– Ҳаммамиз бирга кироврамиз унда, – деди Мирҳосил ўжарлик билан.

– Ҳовлиқма. Ичкарида пода бўлиб юрмайлик.

Обид бир оз ҳаракатсиз равишда ўтирди-да, кейин оғриниб ўрнидан турди. Ошналарига норози нигоҳини бир-бир қадагач, изига қайтди.

– Гапингнинг совуқлигини қара: тили қотиб қолармиш! – деди Мирҳосил алам нишини Турғунга санчиб.

– Гапимга осилаверма, мен “ўлган бўлса”, дедим.

– Нега ўлади? Сендан сўраяпман: нега ўлади? Кеча туппа-тузук ўтирган одам-а?

– Ҳа, энди иссиқ жон-да. Пов этади – чиқади, кетади. Сен билан маслаҳатлашиб ўтирармиди?

– Агар Пўлат ҳам ўладиган бўлса, дунёйингга қойил қолмайман, ошна. Ўтишга-ку, ҳаммамиз ҳам бирин-сирин ўтамиз-а, омма икки ойнинг ичида улфатдан икки кишини кетма-кет олиб кетиши инсофданмас. Агар жон оладиганларда ҳам план бўлса, ана, дунё деганингда хунасаи даргоҳлар тикилиб ётибди, олсин битта-битта тери-иб.

– Гапларингга туз сепиб гапиргин. Биз киммиз? Биз бир соллотмиз, биздан сўраб ўтирармиди? Кетдик, деса бўлди, бир парча сурпга ўраламизу ёғоч отга миниб «чу!» деймиз, вассалом. Бир зумда Мункар билан Накирнинг саволларига рўпара бўламиз-да, ошнам.

– Ўзинг рўпара бўлавур. Мен бориб қолсам, омма уларингдан олдин ўзимла савол бериб ташлайман: дунёга нима учун ёмонларни қалаштириб ташладиларинг, дейман. Аввал дунёни ёмонлардан тозаламайсанларми, яхшилар тўрт-беш кун яйраб яшаб олмайдиларми, дейман. Одам ўлиб бўлганидан кейин сиқувга олишларинг нима-си, тириклигида суд қил, ёмон бўлса жонини олавур, яхши бўлса умрига қўшиб бер. Сотволдининг нима ёмонлиги бор эди? Ўзини-ку, эна-отаси тилаб-тилаб олган эди. Ўзи ўн беш йил тиланиб биттагина ўғил кўрдими?

– Қўй, энди ошна, гап деб ҳар нарсани гапиравурма. Худонинг иродаси-да. Тақдири шу экан.

– Сен тақдир дейсан, ирода дейсан. Мен ҳам тақдир дейман. Худога қарши чиқмайман. Омма шу тақдир дега-нига тушунмайман-да. Хўп, Худо беришга берди. ЎзигаЙла шукур. Бунақа қайтариб олишига сира-сира тушунмайман.

– «Отамлатсанг отамлатгин – бўтамлатмагин» деган-лари шу-да. Бу ҳам Худонинг бир имтихони экан.

Турғуннинг бу гапи овунтира олмади. Унинг юраги хо-тира туманига танҳо ҳолида шўнғиб, ғавғони бошлаган эди. Агар юрак китоб каби бўлсайди, унинг саҳифаларидан кўп-кўп титроқ сатрларни ўқиш мумкин эди... Ҳаёт оқими ман-гу: унинг ўйинлари ғоят ажабтовур, баъзан эса бешафқат: висоллар ва айрилиқлар, қувонч-кулгу ва қайғу бир-бири-дан нафратланмай, қўшилиб, сел каби бостириб келавера-ди, суриб келаверади... келаверади...

– Ичим ёниб кетяпти, Турғун. Ўлганимда ичимни ёриб кўрсанг, тамоман кўмирга айланиб кетгандирман. Ҳамма яқинларимнинг ўлганлари бир бўлди-ю, Сотвол-дининг кетворгани бир бўлди. Хўп, шунинг жони керак экан, урушда ола қолмайсанми? Шунча куйдирасанми бе-чорани. Ўғлининг жони керак экан, нима қилардинг шу болани унга бериб? Тирноққа зор бўлиб ўтавермайдими? Яна иккита набира бергани нима эди? Афғонга олиб бориб жонини олиш учун берибмиди? Ўликларини темир тобут-ларга солиш учун берибмиди? Ҳаммаларини ўз қўли билан қўйди-я! Ҳеч бўлмаса хотини туриб турса бўлмасмиди? Сотволдимизни ҳеч бўлмаса икки-уч кун ётқизиб, биз би-лан хайр-хўшлашгандан кейин жони олинса бўлмасмиди? Уйқусида ҳам оладими жонни?

– Сен билан мен билиб ўтирибмизми, балки бу Худо-нинг синовидир?

– Ол-а! Синайдиган бўлса фақат Сотволдини синайди-ми? Барибир қойил эмасман.

Ҳаво очиқ, беғубор, осмон табассум қилар, аммо бу-ларнинг кўнгилларини қора булут қоплаб олган эди. Чой-хоначи шумшайиб ўтирган икки қарияга далда бериш

мақсадида ҳовлига чиқиб, сўрига яқинлашди-да, чойнакни ушлаб кўриб, уларга савол назари билан қаради:

– Ие, совубди-ку? Янгилайинми?

– Керакмас, ҳозир кўнгилга чой ҳам сиғмай қолди, – деди Мирҳосил қўл силтаб.

– Кўнгилни кенг қиловринг, тақсир. Бир ашулаларинг бўларди...

– Вей, ашула-пашулангни йиғиштир, бор, самоварингга қара.

Чойхоначи уларга яқинлашганига пушаймон еб, ўғирилди:

– Самоваримга гап йўқ. Худди ўзларига ўхшаб қайнаб турибди...

Мирҳосил минғирлаб айтилган гапни яхши англамай, ошнасига қаради:

– Бир нима дедими? Димоғига қурт тушадиган сортидан эканми, а?

– Ке, қўй, ўзича бир нима деб минғирлади.

– Турғун, берироқ кел, сенга бир гапни айтиб қўяй: қўққис мен ҳам уйқумда жўнаворсам, сен билиб ол, мени Сотволдининг ёнига қўйдирасан. Мен унга кўп оғир ҳазиллар қилганман. Бечора кулиб тураверарди. Энди ўзим армондаман.

– Гапинг тўғри. Баъзан қуюшқондан чиқиб кетардинг. Бир марта аскиянинг орасида эркаклигига писанда қилувдинг. Ёмон бўлганиди ўшанда. Болага тиланиб-тиланиб юрган вақтлари эди. Бошини эгибла қолганиди. Бошқа одам бўлганида каллангни шартта узибла ташлаган бўларди. У бечора индамаган.

– Эсимда... Шунинг учун ҳам ўғил кўрганида суюнчига гилам берганман-ку?

– Гап билан жонини суғуриб олган эдинг, дилнинг ярасига гиламинг малҳам бўлармиди?

– Армоним ҳам шу-да. Уч-тўрт кун касал бўлиб ётганида ҳам розилик сўраб қолардим. Турғун, Сотволди билан ошначилигимиз қаттиқ эди, рози бўлиб кетгандир, а?

– Буни Худо билади.

– Энди армон ейди мени. Манов ерим куядиган бўлиб қолди, – Мирҳосил шундай деб кўкрагига енгил муштлади. – Агар ёнига қўйдирмасанг, у ёқда ҳам тинчимайман, ошна.

Уч-тўрт дақиқа олдин бир-бирини киноя найзаларига илиб отаётган икки ошна энди армон кемасида дардкаш бўлиб ўтирганида ҳамширанинг билегидан ушлаб келаётган Обид кўринди. Йиғламсираётган ҳамшира худди боғча қизалоғидай унга тобелик билан бўйсуниб келарди. Обид сўрига яқинлашиб тўхтагач, қизни олдинга ўтказиб, қарияларга рўпара қилди:

– Қани, ўзинг айт буларга. Мир Мирович, кўнглинг тўғри сезибди. Қара-я, Пўлат ўлмаган экан, тирик экан!

– Ҳа, шунақа! Биттанг ўлди, дединг. Яна биттанг тили қотмасин, дединг, ҳе пайтавафаҳмлар! Нима, қизча адашибдими?

– Адашса ҳам гўрга эди. Айт ўзинг энди!

Қариялар орасига тушиб довдираб қолган ҳамшира баралла йиғлаб юбормаслик учун пастки лабини тишлаб, мўлтиллаганича тураверди. Кейин кимдандир нажот истаб атрофга аланглаб олди. Шошилиб келаётган докторни кўриб, кўзларида умид учқунлари чарақлади. Сўрига яқинлашган доктор қарияларга салом бериб кўришгач, Обидга юзланди:

– Тоға, қўйинг, қийнаманг қизимизни. У адашмаган. Беморнинг юраги чиндан ҳам тўхтаган эди.

– Нега тўхтайди, сен ўзинг кимсан? – деди Турғун унга қовоқ уюб қараб.

– Мен даволовчи врачман. Тоҳировнинг юраклари...

– Сен бола гапни чайнама, айт: ошнам тирикми? – деди Мирҳосил унинг гапини узиб.

– Худога шукр, тириклар.

Бу гап жонларига ҳаловат берди. Кўнгиллари эшигидан мўъжиза мўралаб, табассум қилди, дилларини шодмасъуд этди.

– Ҳа, бу гапнинг эркакчасига бўлди. Пўлат ўладиган боламас-да, ўзи, – деди Мирҳосил. – Кеча оқшом биллаллашиб чой ичганмиз. Ўладиган бўлса ҳам менга айтиб кетарди. Биз у билан биласанми, Берлинга довур билла борганмиз.

Дўстининг ҳаётлигидан кўнгли хотиржам бўлган Обид ҳазилнинг ўрни келганидан фойдаланди:

– Немиска хотинлар билан тозза улфатчилик қилишган бу тоғаларинг, – деди Обид.

– Ҳой! – Турғун “тилингни тий” деган маънода ҳамширани имлаб кўрсатди: – Уят-а...

– Бир ҳазил келиб қолди-да, ҳазил бу.

– Ҳазилинг курсин сенинг. Қўйвор қизимни, юрагини чиқариб юборай дебсан-ку? – Мирҳосил ошнасига қуруқ пўписа қилиб, кейин ҳамширага қаради: – Қизим, сен бунақа совуқ гаплардан эҳтиёт бўлгин, хўпми? Яхши гап бўлса дарров суюнчи ол. Ёмонини ичингга ютовур. Сиқилиб кетсанг ҳам ютовур.

Обиднинг қўлидан бўшаган қиз “хўп бўлади” дегандай бош ирғаб қўйиб, тез-тез юрганича булардан узоқлашди. Ичкаридан чиқиб келган чойхоначи унинг изидан қараб турди-да, сўнг докторга яқинлашиб, сўрашди:

– Дўхтиржон, иш тугадими дейман?

– Ҳа, энди борайлик.

Бу гапни эшитиб ошналар бир-бирларига савол назари билан қараб олишди.

– Қаёққа борасан? – деб сўради Мирҳосил ажабланиб.

– Уйга-да. Иш вақтимиз тугади.

– Дўхтирмисан ўзинг? Менинг ошнам сенинг касалингми? – деди Мирҳосил унга норози нигоҳини қадаб.

– Ҳа.

– Бутунлай тузалдимми?

– Йўқ ҳали.

Доктор бу саволлардан мақсад нима эканини англамай, жим турган икки қарияга қараб олди. Мирҳосил эса саволлар хужумини давом эттирди:

– Тузалмаган бўлса, уни ташлаб қаёққа борасан?

– Қарайдиган навбатчи врач бор.

– Э, йўқ, дўхтирвой, сен тудавой-судавой гапларингни йиғиштир, навбатчи-павбатчи деганингни мен билмайман. Қани, дарров изингга қайт-чи! Ошнам тузалмагунича бир қадам нари-бери силжимайсан. Менам силжимаيمان, буларам силжишмайди. Ошнамни тузатиб берасан, кейин биллалашиб кетамиз.

Бу талаб докторга ғалати туюлиб, “ошналарингизни инсофга чақириб қўйсангиз-чи” деган маънода нажот кўзи билан қаради. Турғунга ҳам, Обидга ҳам дўстларининг талаби маъқул келаётган эди. Булардан ёрдам кутишдан умидини узган доктор ўзини ҳимоя қилишга ўтди:

– Тоға, нима деяпсиз, бир кунда бўладиган иш эмас бу.

– Бир кун бўлмаса икки кундир. Урушда қуршовга тушиб қолганимда тўққиз кун бағримни қорга бериб кутганман. Билиб қўй бола, керак бўлса бир йил ўтирамыз. Бизнинг бошқа қиладиган ишимиз йўқ. Пўлатнинг кимлигини биласанми? Билмайсан. У бизнинг жўрабошимиз! Яхшиликча қайтовур жойингга, ҳа!

– Ука, қайтовринг, – деди Турғун мулойимлик билан. – Бунга йўқ десангиз балоларга қоласиз. Гитлерни ҳам шунинг ёлғиз ўзи бориб инига тиқиб келган. Бунинг кимлигини билмайсиз.

– Бошқалар билмаса ҳам мен биламан, – деди доктор кулимсираб.

– Кимнинг ўғлисан? Мени қайдан биласан?

– Ўтган йили шаҳардаги шифохонада ётувдингиз-ку?

– Ётган бўлсам нима?

– Бир ҳафта даволаниб кейин ётган каравотингизни олиб кетганингиздан хабарим бор.

– Олиб кетганман. Тўғри қилганман. Ўғлим келиб «отамни касалхоналарингга ётқизаман», деса шерикларинг «жой йўқ» дейишдими? Кейин ўғлим пул бериб жойлаштирдими мени? Пул бергани шу жойни сотиб олгани

бўладими? Билмасанг билиб ол! Мен сотиб олган нарсани ташлаб кетадиган аҳмақ эмасман. Турғун, эсингдами, ўша ерда бир ҳафта ётибман-а! Ҳали унақа касал топишади, ҳали бунақасини топишади. Э, ўлиқда ҳам бунақа кўп касал бўлмайди. Ўғлимга «жувоб тегди, мошин олиб кел», дедим. Каравотни ортгирдимужўнавордим. Омма булар орқамдан йиғлаб боришди. Каравотлари испискада тураркан.

– Ҳа, бу ҳазилингиз анча гап-сўз бўлган эди.

– Ҳазил дедингми? – Мирҳосил қошларини чимириб бош чайқади. – Сенларга ҳазил бўлиб туюлдими? Балки сен чалароқ эшитгандирсан. Бир бошдан айтиб берайинми?

– Қўйсанг-чи, эски пахталарни титиб нима қиласан? Бошингдан ўтгани бу дўхтир боламизга тегишли эмас.

– Сен тек тур. Ўша ишимни ҳамма дўхтир билиб, шунга қараб тўн бичиши керак. Дўхтир болам, менга яхшилаб қара-чи, касалим борга ўхшайдими?

Доктор “Мақсадингизга тушунмадим”, дегандай елка қисиб қўйди. Мирҳосил бунга қаноат қилмади, унга “сиз соппа-соғсиз” деган аниқ гап керак эди, шу боис саволини такрорлади-да, бу сафар хоҳлаган жавобини олгач, мамнун равишда давом этди:

– Ҳа, мен ўшанда ҳам соппа соғ эдим, ҳозир ҳам отдекман! Шу ёшга киргунимга қадар дўхтир деганига ишим тушмаган. Шу қиш икки марта аксирган эдим катта ўғлим тушмагурнинг меҳри жўшиб: “Ота сиз ҳам бошқаларга ўхшаб ётиб бир даволанинг”, – деди. Касалхонага ётмасам одам қаторидан чиқаман шекилли, болаларим яна, отасини касалхонага ётқиза олмаяпти экан, – деган маломатга қолишмасин”, – деб, кўна қолувдим. “Йўлланма деган матоҳни олишдаги сарсонгарчиликни билибманми. Боз, сен биласанми, сарсонгарчилик нималигини?

– Сендан бошқа ҳамма билади. Сарсонгарчилик, “чиқим” қилиш дегани. Чиқимсиз мушук ҳам офтобга чиқмайдиган бўлиб қолганини билмайдиган одам уйда туршак шимиб, наъматак қайнатмасини ичиб ўтиравергани дуруст-да.

– Нақ топиб айтдинг. Лекин каттам ўжар-да, ўша чиқимдан қочмай олиб келди йўлланмасини. Мен ҳам одам қаторига қўшилиб, касалхонасига ётдим. Дўхтурлар бирин-сирин кириб, ҳурматимни жойига қўйиб. Нима касалингиз бор, – деб сўрашди. Мен нодон, нима касалим борлигини ўзинг топмайсанми, – деб ўтирмай, – кампиримни соғинишдан бошқа касалим йўқ, – дебман. Шу шу дўхтир зоти менга йўламай қўйди. Менам. Бу дўхтирларда кампирни соғиниш касалига дори йўқ экан-да, – деб ётавердим. Кейин зийраклик билан кузатиб қарасам-ки, дўхтирлар кириб, қуюқ салом беришганда, мен лақмалик қилиб, қуруқ алик олган эканман. Билсам-ки, тузалишни истаган касал дўхтирнинг саломига бошқача алик олиши зарур экан. Астойдил дуо қилиш, юракдан чиқариб раҳмат айтиш ҳисобга ўтмас экан. Раҳмат деганлари чўнтақдан чиқиши шарт экан.

– Мир, қўй энди жуда-а оширвординг, укамизни хижолат қилма, – деди Турғун уни аста туртиб.

– Сен аралашмай тур. Мен кўрганимни айтаман. Бу дўхтир укам у ерда йўқ эди. Демак, гуноҳи ҳам йўқ. Аслида дўхтирларга даъвоим ҳам йўқ. Уларнинг билгани билган. Агар, бозорга бориб, Мирҳосил тоғамиз менга бир тонна раҳмат айтдилар, дейишса, биров бир мисқол гўшт берармиди. Мен анқов ҳам, зиқна ҳам эмасман. Ақлим кирганидан кейин, раҳматни чўнтақдан чиқариб, айтувдим, дорининг хилма хилини ёзиб беришди-ю, омма бунақа дори касалхонамизда йўқ ўғлингизга, айтинг, топиб келсин, – дейишди. Барака топгурлар, касалхонанинг шундай биқинида дорихона очиб қўйишган экан, ўғлим қидириб, сарсон бўлмади.

– Айтганинг эсимда, – деди Обид. – Дорининг нархи гўрковнинг нархи билан бир хил экан. Омма дорининг эм бўлишига ишонч йўқ, гўрковники ишончлироқ, сувабла ташлайди.

– Худди шунақа! – деди Мирҳосил кўрсатгич бармоғини кўтариб. – Яна барака топишсин, илгарилари касалхонага

ётган одамни йигирма тўрт кун даволашарди. Ҳозир икки ҳафтада михдай қилиб юборишяпти. Шуниси ҳам дуруст. Йигирма тўрт кун ётган одам раҳмат айтавериб, охири ўлимлигига асраб юрганини ҳам шу ерга ташлаб кетармиди. – Хуллас, ортимдан катталари ҳай-ҳайлаб, қолишдим... Касалхонангга ётқизишда ўғлимга: “Битта койка фалон сўм”, – деган экансанлар. Ўша пулни тўлаганман. Энди шу койканг меники бўлади” – дедим. Кейин ҳисоб-китобни бошладим: “бармоқдан қон олишга ҳамширангга шунча раҳмат пули, томирдан қон олишга мунча, думбага игна санчишига яна бунча, клизма деган палакатинг бор экан, унга ҳам шунча, ҳожатхонангга кўп тўламай деб икки кунда бир кирадиган бўлиб қолдим. Яхшиям касалхонангда ўлиб бермадим, жағимни боғлашга пулим етмаса, оғзимни ланг очиб, чиқиб кетаверардим. Янаям барака топларинг, кампирларга бир қараб олиш текин экан, кўзларим роса мацца қилди”, дедим, оғзини очганича бақа бўлиб қолди ҳаммаси.

– Боплагансан. Бу дўхтирларнинг қўлига тушган соғ одам ҳам тирик чиқмайди, – деди Обид ошнасини қувватлаб. – Ўрдак балчиқни титгандай титаверишади ичингни. Ташқаридан касал топишолмаса, ичингнинг авра-астарини ағдариб ташлашади. Бурноғи йили қовуғимдан касал топишибди. Нима эмиш – қовуғимни тешиб ичак улаб қўйишармиш. Э, менга қараларинг, дедим, мен яна тўртта хотинни гуллатадиган йигитман, дедим.

Турғун қарасаки, ошналари “ўтлаб” кетадиган. Шу боис жеркиб берди:

– Бўлди, суюлмаларинг. Аччиқ ичакдек чўздиларинг, омма. Дўхтир болам, сиз буларнинг гапларига қараманг, боровринг.

Ҳимоячи топилиб, осон қутилганидан қувонган доктор кетмоқчи эди, Мирҳосил тўхтатди:

– Ҳа, қаёққа? Изингга қайт, бола! Мен битта гапирадиган сортиданман. Жойингга қайтгину, ошнамни тузатгин. Ҳа, орқа томондан уриб кетма, ҳар соатда бориб текшираман-а?

– Борақол дўхтиржон, – деди Обид “иложсизсан” деган маънода кўз қисиб қўйиб. – Гитлер ҳам бу одамнинг гапини икки қилганмас.

– Дўхтир болам, ё Тошкандан дўхтир чақиртирайликми? – деди Турғун.

– Кераги йўқ, ўзи қараб, тузатади, – деди Мирҳосил бош чайқаб. – Тошкандаги дўхтиринг ҳам шу бола ўқиган мактабда ўқиган. Боровур, дўхтир бола.

Доктор изига қайтмоқчи бўлганида Мирҳосил уни тўхтатди:

– Тўхта-чи, бола, менам сен билан бориб ошнамни бир кўриб чиқай.

Бу илтимосдан кейин доктор қатъий оҳангга ўтди:

– Мумкин эмас.

– Нимага мумкин эмас?

– Реанимация бўлимига ҳеч ким киритилмайди.

– Хўп, кирмасам кирмадим. Сен эшикни қиялаб очиб турасан. Мен секингина мўралайман. Ошнам билан кўз-кўзга тушса тезроқ тузалади. “Меҳр – кўзда” деган гапни эшитганмисан?

– Мумкин бўлмаган ишни мендан сўраманг. Шу ерда эканингизни жўрабошингизга айтиб қўяман. Кўнгиллари кўтарилади. Ҳозир у кишини безовта қилсангиз, ўзларига қийин қилиб қўясиз.

– Мени кўрса безовта бўлмайди.

– Ке, қўй, дўхтирга осилавермагин, – деди Турғун ўртага тушиб. – Сиз боровринг ўғлим.

Доктор сал нари кетгач, Мирҳосил Турғунга ола қаради:

– Сен бир нарса дейишдан олдин гапингни чўққа қўйиб дам-пам едириб олгин. Ҳеч замонда деҳқон одамга Тошкандан дўхтир келарканми? Идорада ўтиради-ганлардан бўлганида ҳазилакамига аксириб юборса ҳам Тошкандан ўнтаси учиб келарди. У ёқнинг дўхтирлари арига ўхшайди, фақат ширага ёпишади. Нима дединг, Боз?

– Гапнинг тўнини бичиб қўя қолдинг. Сен гапираётганинда мен кампиримни қучоқлагандай яйраб кетаман, – Обид шундай деб ўзининг гапидан ўзи яйраб кулди.

– Дўхтирлар билан шунақа авжда гаплашмасанг бўлмайди. Сотволдини ҳам шунақа қаттиқ туриб кўрсатганимизда бекорга ўлиб кетмаган бўларди. Оғзимизга пашша қўниб кетса ҳам лаллайиб ўтирадиган лавашанг бўпқопмиз.

– Энди ўзингдан кетдинг, Чўтир. Энди бу гапинг шалтоқ хотиннинг йиртиқ лозимига ўхшаб кетди, – деди Обид норози қиёфада бош чайқаб. – Сотволдига дўхтир эмас, Сотволдига хотин керак эди. Неча марта айтдим, уйлантириб қўяйин, деб. Эркакнинг хотини ўлдими, жанозасини ўқиб, кўмиб қайтаётганида йўл-йўлакай уйланиб келиши керак. Эркак бир нафас ҳам хотинсиз яшамасин.

– Сотволдини сарқитингга уйлантирмоқчимидинг? – деди Турғун уни жеркиб.

– Рисолни айтяпсанми? Нега сарқит бўларкан?

– Еттинчими саккизинчими хотин сарқит бўлмай нима бўларди?

– Санокдан адашма, Буқоқ, Рисол бешинчиси эди. «Сарқит» дея кўрма! Хотинларимнинг ичида жонони шу эди. Худонинг қудратини қара-я, тишим оғриганида битта ўпса, оғриқ таққа тўхтарди. Ўпиши шунақа шифобахш эди. Кайфда уч талоқ қилиб қўйганман. Бўлмаса шунақа хотинни қўйиб бўларканми?

– Вей, сал пастроқ туш. Бунақа эртақларни мишиқи болларга айтсанг ишонишади, – деди Мирҳосил энсаси қотиб. – Сен эркак бўлиб биронта хотинингни ўзингча талоқ қилмагансан. Ҳаммаси сени ташлаб кетган. Оғзингдан чиқадағон носинг сассиғига ит ҳам чидамайди.

Бу гапдан малолланган Обид унга жавоб бериш ўрнига ёвқараш қилиб, белбоғидан носқовоқ чиқарди-да, намоёйишкорона чекди. Кейин кафтини шимиға артиб, кўкрагини кериб қўйди:

– Носди эркакнинг хўр-рози чекади, гапнинг ҳам шалтағини чиқариб юбординг. Эркакнинг хўр-рози хотинга тўймайди. Сенларам юрибсанлар-да, эркакман деб!

– Кўп хотин олганингни билмаган одам сени эркак ҳам демайди, – деб пичинг қилди Мирҳосил.

– Сенинг кўзларинг ёмон, боз, – деди Турғун ошнасини қувватлаб. – Кўчада сени кўрган кампирлар хуркадиган бўп қолишибди. Туновинда хаптобусда қайинсинглимга тикилиб, еб ташлай дебсан.

– Сенам гапнинг шилталарини чиқарворасан-да! Қайинсинглингнинг ёши нечада? Тўқсондан ошдимми?

– Винтларинг анча бўшаб қоптими, боз? Қайинсингил ҳеч замонда поччадан катта бўладими? Хотиним етмиш иккига кирди. Синглиси етмишга бормагандир.

– Ҳа, ана! Олтмиш тўққиз ярим бўла қолсин. Аканг қарағай олтмиш бирга кирганига ҳам кўнмайди, билиб қўй. Етмиш иккига кирган битта кампирига тикилиб ўтирадиган лавашанглар бошқа.

– Ҳа, қойилман, эркак дегани шунақа бўлса-да! Агар ҳақиқий «боз» бўлсанг, энди ўн саккизга кирганига уйлан. Ўладиган дунёда бир яйраб ол. Ёш хотиннинг қўлида ўладиган бўлсанг ҳам мазза қилиб ўласан.

– Олса ҳам онаси ўлиб кетган қизни олсин. Сотволдига ўргатган гапи эсингдами?

– Ўргатган бўлсам гапнинг нақ ўғил боласини ўргатганман. Аввал боши ўзи йиғлаб қолган менга. Қайнонасида грам ақл бўлмаса нима қилсин? Ақли қайнона қизиникига келиб беш кун ҳам ётиб оладими? Сотволди ҳали етмишдан ошмаганди ўшанда. Юбилей қилувдик-ку, эсларингдами? Хотини ҳам аҳмақ-да, онам келиб қолибди, деб онаси билан ётоврибди-да. Ақли бўлса, эр турганида онаси билан бирга ётами? Менга-ку барибир, биттаси онаси билан ётса, биттаси ўзимга қолади. Сотволдига қийин-да, шунинг учун йиғлаб берди. Гапнинг хўр-розини ўргатдим: «Ёлғиз ётиб ўлибла қолсам, жағим очилиб қолса – иснод сизга те-

гади», деган экан, кампиршо дарровла хайр-маъзурни на-
сия қилиб жўнаворибди.

– Пешонасида барибир ёлғиз ўлиш бор экан. Жағини
аранг жойига келтирдим.

– Ҳа, ошнамга жавр бўлди... – Мирҳосил шундай деб
алам билан хўрсинди.

Унга жавобан Обид ўзининг ҳам армонда эканини бил-
дириш учун уф тортди:

– Биттагина хотинга қаноат қилиб нима кўрди бу
дунёда?

Турғун Обидни бир жеркиб тинчитиб қўймочи эди,
чойхона ҳовлисига кириб келаётган Рихсига кўзи тушиб,
гапи оғзида қолди.

– Ие, Рихси, шу ердамидинг? – деди уни қаршилаб.

Рихси уларга тик қарамай сўрашди-да, синиқ овозда
жавоб берди:

– Ҳа, ичкарига қўйишувди, ёнларида эдим, – Рихси ти-
килган кўзларга қарашдан ўнғайсизланиб, бошини эгди.

– Анча тузукми энди? – деб сўради Мирҳосил.

– Ҳа, ўзларига келдилар.

Бу жавобдан сўнг қайғунинг изтиробли шарпаси
аригандай бўлиб, юраклар хотиржам ура бошлаши ке-
рак эди. Лекин ўнғайсизланган Рихсининг кўзини ерга
қадаганича жавоб беришини улар бошқача тушуниб, хаво-
тирлари ошди: умид саробини ханда эмас, ясама илжай-
ишга банд лабдан ахтарсинларми?

– Гапиряптими? – деди Обид ҳовлиқиб.

– Сал қийналяптилару, гапларига тушунса бўлади, –
Рихси шундай деб ўзини зўрлаб жилмайди.

Рихсининг лип этган табассуми ишончли ҳаловатни
баён қила олмади. Аксинча, кўзидан оққан бир томчи ёш
умиднинг дарз кета бошланганидан дарак эди. Турғун ҳам,
Мирҳосил ҳам буни сезса-да, умид кемасида маҳкам ту-
ришга интилиб, юракларидаги хавотирни ошкор этмади-
лар. Қани эди умид ҳаёт уммонини лабига қадар лиммо-
лим тўлдиролса?

– Худога шукр, гапирган бўлса – тузалибди-да, – деди Турғун хотиржамроқ оҳангда.

– Тузалмаганига қўямизми! – Мирҳосил беморни биттагина гапи билан оёққа турғизиб қўйган мард одам оҳангида гапириб, кўкрагини кўтарди. Бошқа пайт бўлганда бу олифтагарчилиги учун Турғундан бир чимдим қалампирли гап эшитарди. Мавриди бўлмагани учун Турғун ошнасига қия қараб олди-ю, яна Рихсига юзланди:

– Ўзи нима бўлди? Кеча туппа-тузук эди-ку?

– Билмасам, саждага бош қўйдилару ёнларига шундайгина йиқилдилар. Ваҳимага ўралашиб қолдим. Кетиб қолдиларми, деб қўрқдим.

– Қаёққа кетади? Индамай жўнаворадиган боламас у, – деди Обид аёлга далда бериш мақсадида. – Рихси, сен хафа бўлмагин-у, ошнам шу ердан чиққанидан кейин суюнчисига битта хотин олиб бераман. Узоқ яшашнинг сирини билиш керак-да! Менинг бобом бир юз йигирма учга кирганлар. Ўн саккизта хотин олганлар. Менинг отам ўн биринчи хотиндан. Отам туғилганларида бобом саксон учда бўлганлар. Битта хотин билан ўтаётган мановларнинг тўқсонга боришларига кўзим етмайди. Сен хўп деявур, эрингни бир юз элликка киритиб бермасам – бетимга тупурасан.

– Тўхта, шу ерда отдан туш, – Турғун жеркиши камлик қилиб, Обиднинг енгидан ушлаб тортди-да, яна Рихсига қараб давом этди: – Ошнамнинг бунақа касали йўқ эди-ку, қўни-қўшнилар у-бу деб аччиғини чиқаришдими? Ёнларингда сув талашадиган хумпар бор эди, ўша яна ғалва қилдими?

– Йўқ, у тинч эди. Ўртоғингизга газитдаги гап ёқмади шекилли?

– Қанақа газит?

– Ўқимадиларингми?

– Газит ўқимай қўйганимга анча бўлган.

– Кеча оқшом почтачи газит ташлаб кетувди. Ўқидиларуғижимлаб қўйдилар. Бир сўкиндилар. Кейин самоворхона-

га чиқиб кетдилар. Газитни қарасам, «Бобомнинг қотили ким?» деган гап ёзилган экан. Сиз биласиз, калтаариклик Собит алкаш дегани бўларди, – Рихси шундай деб Мирҳосилга қараб олди. – Сизларга озгина жамоатлиги бориди шекилли? Ашининг шаҳарда турадиган ўғли ёзибди.

Мирҳосилга бу гап таъна каби туюлиб, худди ўзи айбдордай томоқ қириб қўйди. Бундан фойдаланган Обид гапга қўшилди:

– Э, бўлди, танийман уни. Бурнининг тагига соч қўйган паканагина қўнғиз башара болами? Турқи халадийнадан ҳам совуқроқ бир бола эди.

– Нима деб ёзибди? – Мирҳосил энди тўнғ овозда сўради.

– Қирқинчи йилда бобоси қамалиб, кейин Сибирда ўлиб кетган экан. Миллатпарвар киши бўлган экан. Ўртоғингиз... қулоқ қилдирган эканлар?

– Вой хунаса! Шунақа деб ёзибдими? – Мирҳосил ғазаб билан сўкингиси келди-ю, аёлнинг олдида ўзини тутишга мажбур бўлди. Турғун эса ажабланиб деди:

– Қирқинчи йилда «қулоқ» деган нарса йўғиди-ку?

– Нимага ҳайрон бўласан? – деди Обид. – Ёзган бола Собит алкашнинг ўғлими? Собит алкашдан эсли бола туғилами ҳеч замонда?

– Собит алкашнинг отаси... оти нима эди?

– Урайим ўғри.

– Ҳа, ўша. Савдода ишлаб, дўконни каламушдай кемириб ташлагани учун қамалувди. Ома, тўғри, Пўлат уни бир дўппословди. Мен ажратиб олмаганимда ўлдирибلا қўярди ўшанда, – Турғун Мирҳосилга қараб изоҳ берди: – Сен армияда эдинг. Энам қайтиш қилганда кафанликка берган сурпдан салкам бир метрини уриб қопти-да. Пўлат билиб қолиб тоzza чангини чиқазворди.

– У хунасанинг бобоси миллатпарвар эмас, пулпарвар эди. Пул бераман, деса хотинини бировга қўшиб қўйишдан ҳам тоймайдиган сортидан эди. Ҳа эсизгина-я! Собит алкаш тирик бўлганида шу ёзадиган ўғлини ўзининг кўзи ол-

дида ким ошди савдосига қўйиб юборардим. Кейин юрарди майда қадам бўлиб.

– Ҳа, майли, бўлар иш бўпти. Ошнам тузалаверсин-чи. Ўша болани Тошкандан олиб келиб қўлларини чопмасам юрган эканман, – Мирҳосил “айтганим шунчаки бир гап эмас, қасам!” деган маънода жағини кафти билан силаб қўйди.

Бу онда ташқарида от пишқириб, ҳаммалари ўша томон қарашди. От аравадан тушган Мамасоли чойхона томон қарамай, шифохонага ўтиб кетмоқчи эди, Обид ҳай-ҳайлаб чақирди-да:

– Ҳа, сўфи, мурид овлаб юрувдингми? Бунча ховлиқиб қолдинг? – деб пешвоз чиқди.

– Ошна, хабарни эшитиб, шошиб келовурдик, югурдакни жўнатувдим, яхши уйда экансан, – деди Турғун узр оҳангида. Мамасоли ошналари билан тезгина сўрашиб, Рихсига хавотир билан юзланди:

– Тинчликми?

Аёл аста бош ирғаб қўйиш билан чекланди, Мамасоли бундан қоникмай, аёлга қараш ножоиз эканини унутиб, бесамар тикилди. Коинотнинг муқаддас сирини билиб олиш иложсиз бўлганидек, қайғу пардаси ортидаги қорачиқларда қалбнинг ловиллаган яширин олови алангасини кўриш мумкин эмасди. Рихси унинг тикилишидан ўнғайсизланиб, “ўзингиз айта қолинг”, дегандай Мирҳосилга нажот нигоҳи билан қараб олди. Мирҳосил жавобни ҳаяллатмади:

– Тинчлик. Пўлатнинг сал тоби қочибди.

– Худо шифосини берсин.

Бу ерда узоқ туриб қолишдан хижолат бўлган Рихси Турғунга қараб олди-да “Мен бора қолай”, деб изн сўради.

– Ҳа, сен ёнидан жилма. Дўхтир болага ҳам тайинлаб қўйдик. Яхши қарамайдиган бўлса, дарров бизга чиқиб айт. Биз бу ердан жилмаймиз.

– Вой, сизлар боровринглар, анча тузуклар.

– Биз билан ишинг бўлмасин, – деди Мирҳосил буйруқ оҳангида. – Биз бир яйилишиб ўтираемиз. Ошнам бир касал бўлганда ўтирсак ўтиришибмиз-да. Сен боравур.

Чойнак кўтариб чиққан чойхоначи Рихсини савол назари билан кузатганича сўрига яқинлашди.

– Тақсир, чойни янгилайин?

– Ҳа, энди ичсак бўлади, – Мирҳосил шундай деб жойига чиқиб ўтирди. Унинг мулойимлашиб қолганидан кўнгли хотиржамлашган чойхоначи чойни қайтара туриб, унга жилмайиб қаради:

– Тақсир, ҳали гап чал чала қовди, тўйда айтадиган битта ашулангиз бўларди. Тўйхона қийқириқ бўлиб кетарди:

Тоғда қуён отибман – ияги йўқ,

Жонон кўйлак кийибди – жияги йўқ,

Жияги йўқ жойларидан қўлим солсам –

Билқиллайди қўш анори – суяги йўқ. До-оде суяги йўқ...

– Суюлма, мен бунақанги ашула айтмаганман, – деди Мирҳосил муғомбирлик билан қовоқ уюб. – Айтган бўлса манов тоғанг айтгандир. Бунақа суюқ нарса шундан чиқади.

– Эшитяпсанми? – деди Турғун Обидни енгил туртиб. – Сен айтгин, суюқ гаплар кимдан чиқарди?

– Э, шунинг гапига парво қилиб ўтирибсанми? Бунинг гапи нима-ю, лўли хотиннинг ямоқ лозими нима! – Обид шундай деб қўл силтаб қўйди-да, чойхоначига юзланди. – Менга қара, эркакнинг хўр-рози, бир йиғилишиб қолибмиз, сен ўчоққа дарров ўт қала. Мен ўзим эркаклар ейдиган паловхонтўрани дамлай. Тоғаларинг кампирларини би-ир хурсанд қилишсин.

– Ўтни-ку, ёқвораман. Омма гўшт-ёғ йўқ-да?

– Нега йўқ бўлади? Самоворхонами бу ё хотинларнинг ҳаммомими?

– Энди... кузда одам сийрак... қўй сўйсак...

– Бўпти, сен қозон осовур. Анави шайтонарава сени кими? – Обид айвон устинига суяб қўйилган велосипедга

ишора қилди-да, сўнг Мамасолига қаради: – Ўзим гузарга чиқиб келаман. Сўфи, Чўтирни дуо қилиб бир ош ейлик а?

– Сен нега мени дуога рўпара қияпсан? Эркак бўладиган бўлсанг чиқимини ўзинг кўтар. Бўлмаса тўкма қиловур.

– Агар менинг ўғлим солиқда ишлайдиган бўлса, кунига беш маҳал ош дамлаб берарман.

– Ўғлимни ўртага солма, унинг қозони бўлак. Ана, сўфининг бўйнига ил. Худойиларда оладиган тугунларининг учига тугилган пуллари сасиб қолмасин.

– Сўфига осилма, ҳозир сенга ўхшаган нокаслар пул тугмай қўйишган, – деди Турғун.

– Шунақами, Боз? – Мирҳосил шундай деб қошларини учуриб, Турғунга имлаб қўйди: – Бировларнинг ўғли коррупцияда ишлайди шекилли, а?

– Омма бу гапинг кампирнинг лунжидаги новвотдай ширин бўлди. Ҳозирги ош сендан, нонушталик бундан.

Бу гапни эшитиб Мамасоли ажабланди:

– Ие, ётиб қолмоқчимисанлар ҳали?

– Ошнаميزнинг касали сал жиддийроққа ўхшайди. Ўтирмасак бўлмайди, – деди Турғун. – Ҳарна далда.

– «Улфати чор – анда маза бор». Мен кетдим. Уйларингга одам жўнатиб айттириб қўяман. Бугун кампирларингга дам. «Эртаматан белди бақувват қилиб келишади», дейман. Сўфи, Чўтирнинг сазаси ўлмасин, сен ҳам савобдан қуруқ қолма, чўнтақди бир қоқ.

– Нега?

– Ол, олавер, сенинг пулинг қўшилмаса томоқдан овқат ўтмайди.

Мамасоли чўнтагидан пул чиқариб, санай бошлаши билан. Обид шумлик қилиб ҳаммасини тортиб олди.

– Санайвурма, пулнинг баракаси учади. Сенинг пуллари табаррук, бунга «оби зам-зам» оламин. Буқоқ, оқидан бўлсинми ё қизилиданми?

Бу гапни эшитган Мамасоли ғашланиб, пулини қайтариб олиш учун қўлини чўзди.

– Пулни ол, ҳаром қилма.

– Жойингга ўтир. Сенинг пулингга ичилса ҳаром бўлмайди, – деди Мирҳосил уни этагидан тортиб. – «Ҳаром, ҳаром», дейсан, биз шу арақди кучи билан пошистти инига жойлаб келганмиз.

– Фошистни қанақасига инига кирғизганингни билмайман, мен бошқа фронтда эдим. Лекин ичволиб дўппиларингга қусиб юрганларингни биламан. Буқоқ, сеникида миди? Кўзлари ғилай бўлволиб, хотинини танимай, а? Ўзининг хотинига гап отиб, «шу хотин менга ёқиб қолди, олиб берасанлар», деб йиғлаганлари эсингдами?

– Ўзининг уйида маст бўлволиб «етимман» деб йиғлаганлари ҳам бор. Биз кетамиз, десак, «уйимга олиб бориб қўйларинг», деб ялинганлари ҳам бор. Омма ичволиб ўповардинг-а. Одамди бетини яловриб шилибла ташлардинг. Ит ҳам бунчалик яламас.

– Гапнинг роса хўр-розини айтдинг. Бу кўпроқ Сўфини яларди. Бу тавияни Сотволди бечора опичиб обориб қўярди уйига.

– Майли, бўлди, отам замонидан қолган гапларни кавламаларинг.

– Ие, кавлашни бошлаб қўйиб, бизга ақл ўргатяптими? – деди Обид Турғунга қараб.

– Ёшлиқда ичгани учун тавба қилса, Худо кечирворади, лекин эндигиси... уят. Сенларни ҳозир ичишдан қайтармасам, менам гуноҳга қоламан. Ичволиб, мени ғийбат қилсаларинг, гуноҳларим сенларга ўтади.

– Сўфи, сенинг гуноҳларинг ҳам бизларга табаррук. Қил кўприқдан ўтаётганимизда сеникини рўпара қилиб ўтоврамиз. Ўзимизники запасда туворади. Омма бу пулларингга рози бўлгин.

– У дунё бу дунё розимасман.

– Ма, ол, нокас! – Обид чангалидаги пулни ўртага ташлади. – Хотининг уч марта кетиб қолганида уч марта ўртага тушган мен аҳмоқ. Қирқ саккизинчи йилда қайнотангни

ийдириб, кўндираман, деб икки марта ўзимнинг пулимга ароқ сотиб олганман. Менам ўшанга розимасман.

– Вей, тентак, пулини нега қайтардинг, ол! – Турғун шундай деб пулларга қўл чўзди.

– Тегма, рози бўлмаса олмайман. Бунинг бир нарса-си бор. Сталин ўлган йили қалин қор ёққанди. Сенлар йўғидиларинг. Сотволди икковимиз буни алдаб Сожи сатангникига олиб борувдик. Ичмай тоzza куйдиргани камлик қилиб, ярим кечада бизни ташлаб кетворибди, номард. Бир гап ёқмай, сатанг хайдаб чиқаргани эсимда. Уйлари-мизни тополмай, маҳаллани айланавериб, охири тобутхонага кириб ётибмиз-а! Ўшанда совуқ нафас қилганда бу. Сотволди шунинг учун кетворди. Бўлмаса ўладиган бола эмасди. Хотин олишга кўндирувдим.

– Бўлди қил, минг йиллик гапни лағмондек чўзаверасанми. Пулни, олсанг олавер, нима қилсанг қил. Қиёматда жавобини ўзинг берасан.

Чойхоначи худди отни эгарлаб шайлагандай, велосипедни олиб келиб, жинғироғини чалиб қўйди. Обид ташлаган пулини тезгина йиғиб олиб, чўнтакка урди.

– Самоворхонани тузук юрғизсанг, шайтонарава минмай, мошинда керилиб юрардинг, – деди велосипедни етаклар. – Америкадаги чойхоначилар қанақа мошинларда юришади, биласанми?

– Билмайман, тақсир.

– Шунинг учун ҳам кунинг шу шалоқ шайтонаравага қолган. Умринг шу билан ўтади, сен ношуднинг.

Чойхоначи: “Ундай деманг, тақсир, бизнинг кунимиз ҳам туғиб қолар”, деганича уни кузатиб қўйди.

Мирҳосил пиёлага чой қуйиб Мамасолига узатди:

– Пулингга ачинма, сўфи, пул қўлнинг кири. Ўзинг икки гапнинг бирида “бойликка муккаларингдан кетмаларинг”, деб насиҳат қиласан-ку?

– Худо мени кечирсин. Сенларга қўшилган одамнинг охирати куяди. Куймаганига қўймайсанлар, – Мирҳосил пиёлани олди-ю, бир хўплади.

– Кемага тушганнинг жони бир, ошна, – деди Мирҳосил муғомбирлик билан кўз қисиб. Турғун эса гапни илиб кетди:

– Сен болани онанг аслида инсофсиз қилиб туққан. Болалагингда ҳам бизларга хиёнат қилиб турардинг. Шоюсуф гуваланинг боғи эсингдами? Чўтир, биз боққа тушганимизда бу нима қиларди, а? Иштонини ҳўл қилиб, шумшайиб ўтирармиди?

– Кўрқоқ эди, бола пақир. Қуён ҳам бунга қараганда юраклироқдир.

– Бекор айтибсан. Кўрқмасдим, ҳаромдан ҳазар қилардим.

– Ол-а, ўшанда ҳаром-ҳалолнинг фарқига борармидинг?

– Ҳа, ҳаромдан ҳазар қиларди. Шунинг учун биз олиб чиққан нашватиларни беркитиб ерди.

– Туриб-туриб ҳайрон қоламан: ҳаммамизнинг боғларимизда мевалар сероб эди. Омма Гуваланинг боғига тушишга ишқибоз эдик, а? – Мирҳосил шундай деб жойида қимирлаб олди. – Бошқаларнинг боғига қараб ҳам қўймасдик.

– Гувала раҳматли бошқалардан бахилроқ эди. Боғини каттиқ кўриқлар эди-да. Ўйлаб кўргин, фақат шунинг боғи пахса девор билан ўралганди. Кирганни тош отиб қувирди. Бизларга мана шуниси қизиқ эди-да. Бошқалар индашмасди. Индамаган жойга кириб-чиқишнинг нима қизиғи бор? Омма Гувала ҳам астойдил уришмасди. Эсингдами, Сотволди раҳматлини ушлаб олгани. Тозза калтак ейди, десак, Гувала тушмагур Сотволдининг иштонини ечиб олиб, ўзини қўйвориб ўтирибди. Энди ўйлаб қарасам, ўша пайтда одамларнинг назарлари тўқ экан. Назари тўқ бўлгани учун ҳам қаҳатчилик йилларида қишлоқ қирилиб кетмади.

– Ҳа... шундай одамлар ўтиб кетишди-я... Сўфи, шуларни ўйлагин сен. У дунёга борганинга болалигингдаги қилиқларни қилиб юрмагин.

– Қанақа қилиқ?

– «Мен намоз ўқиганман», деб панага ўтиб олиб, бизларнинг дўзахга тушишимизни томоша қилиб ўтирмагин, демоқчиман.

– Томоша қилиб бўпти. Биз қайга кирсак, бу ҳам ўша ерга киради.

– Бу гапинг тўғри. Сен – қариб қуйилмаганларни инсофга келтиролмаганим учун ҳам Қиёматда жавоб бераман.

– Ҳай Сўфижон, инсоф дедингизми? Инсофга келмайдиганлар бизларми? – Мирҳосил пичинг оҳангида шундай деб қошларини чимирди. – Худойи ошларида уйнинг тўрини бермайдиган Карим каззобингнинг инсофи борда, а? Агар сутга сув қўшадиганни инсофли десанг, майли, бизларни инсофсиз деявер. Омма билиб қўй: биз шу ёшга кириб, бировнинг бир тишлам нонига хиёнат қилмадик. Тўғри, ароқ ичдик, омма етимнинг ҳақини емадик. Бировларни ургандирмиз, сўккандирмиз, омма ёмонлиги учун қилдик бу ишларни. Намоз ўқиб туриб ҳаромдан ҳазар қилмайдиган Карим каззобинг агар жаннатга кирса, мен кирмадим ўша жаннатингга. Сен айтаётган шу инсофсиз ошналарим билан дўзахингда исиниб ўтирганим маъқул. Сенам боравур каззобингнинг кетидан.

Ярим ҳазил, ярим чин оҳангида айтилаётган гапларни эшитиб, Мамасоли бошини эгди. Ошналарининг феъли ҳам, тили ҳам унга маълум. Кўп ножоиз қилиқларига кўникиб ҳам кетган. Лекин ўлим хабари дарвозани қоқиб турганида ҳам бундай гапларни гапираверишларига чидаши қийин бўлиб қолган. Қайриб-қайриб ташлаган вақтлари ҳам уларнинг феълида ўзгариш бўлмади. “Бир тоғнинг ўрnidан кўчиб кетганини эшитсангиз ишонингиз, аммо бир одамнинг хулқи бошқа бўлди, деб эшитсангиз, инонмангиз” дейилганда менинг ошналаримга ўхшаганлар назарда тутилибдими экан?” Шу фикр хаёлига урилгандаёқ вужуди зириллаб кетган эди. Айтса, ишонмасликлари мумкин, бомдоддан кейин “Ёсин”ни ўқиган пайтда бўйинларидан

то иякларигача ҳалқа-кишан солинганлар ҳақидаги оятни тилга олганида юраги безовта бўла бошлайди... “уларнинг бошлари юқори бўлиб ғўдайиб қолган, ерга эгилмайдилар... уларнинг олдиларида ҳам, орқаларида ҳам парда-тўсик яратдик. Бас, улар ҳеч нарсани кўрмайдилар...” Бу тоифа қўрқитилса ҳам, қўрқитилмаса ҳам барибир – иймонга келмайди... Бу калиманинг ошналарига ҳам тааллуқли эканини ўйлашнинг ўзиёқ унинг жонини олгандай бўлади. Кўп марталаб огоҳлантираётган бўлса-да, барибир ўзини айбдор ҳисоблайди. У ўзининг эмас, ошналарининг дўзахга тушишидан қўрқади. Бир валиуллоҳ Худога ёлбориб, “Агар гуноҳларим кўп бўлса-ю, дўзахга тушсам, Сендан биргина ўтинчим бор, эй Тангрим, мени шундай баҳайбат гавда билан дўзахга туширгин-ки, дўзахинг менинг вужудим билан тўлиб, бошқаларга жой қолмасин”, деган экан. Мирҳосил ҳам шундай, агар шу улфат учун маълум бир жой ажратилган бўлса, ўша жойни бир ўзи эгаллашни, дўстларини дўзах азобидан қутқаришни истарди...

Мирҳосилнинг жимиб қолганини “сукут ризолик аломати”, деб билган Турғун захарли сўзларини давом эттирди:

– Биров ўлиб, уйдан йиғи чиқса, каззобинг «булбул сайраяптими?» дейдиган сортидан. Отнинг ўлими – итнинг байрами-да! Ўлган одамнинг хонадони буларни бир йил боқади. Мен болларимга айтиб қўйдим: ўлсам буларга бир пиёла чой ҳам қўймайсанлар, дедим. Меникида булбул сайрамаса сайрамасин.

Бу гапдан кейин Мирҳосил чидаб туrolмади:

– Сал эви билан-да! Кимнинг куни худойига қолибди? Бировга «Худойи қил» дейилмаган. Ўзи қилади, чақиради. Кирмасак хафа бўлади. Есак бир чўқим ош еймиз. Дуойи фотиҳа қиламиз.

– Ўша фотиҳангни ош емай қилсанг ўласанми? Нафсларинг чатоқ сенларнинг. Жаннатга тушсаларинг ҳам ҳамма ёқни шипириб еб тугатасанлар. Сенлар билан жаннатга кирганлар очидан ўлади.

– Бўлди-е, ҳамма ёқни булғатвординг-а!

– Сен жириллама, сўфи. Каззобингнинг сутга сув қўшгани ёлғонми? – Турғун савол берди-ю, жавобни кутмай, давом этди: – Фақат «хабарим йўқ», дема. Буни бутун қишлоқ билади. Мирҳосил, эшитгин-а, туновинда Ҳайдарникига худойига кирувдим.

– Қайси Ҳайдар?

– Ҳайдар хўтикни айтяпман.

– “Ҳайдар эшшак”, дегин. Хўтиклиги қолибдими, ёшлигида хўтик эди. Энди нақ қари эшакнинг ўзи. Боласи тўрт танга топадиган бўлганидан бери ағанаб, ҳамма ёқни булғатади. Одамларнинг ҳақини туя қилиб ҳаромдан топган пулига Худони шерик қилишибди-да.

– Ҳа, энди унисини қўявур. Хуллас, худойига кирсам, тўрни Каззоб эгаллаган. “Нафс ундай. Нафс бундай” деб гуноҳлардан сафсата сўқиб ўтирибди. Менинг тилгинам курсин, бир илволдим.

– Сўқдингми?

– Баттар қилдим. Дедимки, бир бойнинг чўпони қўйларни соғиб бераркану хўжаси эса сутга сув қўшиб пулларкан. Чўпон уни инсофга чақирса, қари кўппакдек қошиб бераркан. Бир куни сел келиб қўйларни олиб кетибди. Ашинда чўпон хўжайинига «Сиз сутга қўшган сувлар тўпланиб келиб, селга айланди-ю, қўйларингизни олиб кетди» деган экан. Шуни айтиб, Каззобга қарасам, башараси қилча ўзгармабди даюсинг.

– Шуни «олдим!» деб керилипсанми? Сен деворга гапиргандай бўлибсан. Энасини бозорга солиб сўкмасанг гап таъсир қилмайди унга. Менга қара, сўфи, ўшани имом, деб этагидан тутиб юришга ор қилмайсанми?

– Сен ўшанга қараб ҳаммага тўн бичма. Қишлоқнинг кичкинагина масжидига яраша чала илми бор. Хато-камчиликлари шу илмига яраша-да. Қулоққа азон айтиш билан жаноза ўқишга яраб турибди-ку, шукр қилавер.

– Сенам унча-мунча ўқигансан. Илминг битта масжидга етмайдими, ўзинг имомлик қилавермайсанми?

– Эй-й... гап деб гапираверасан-а? Имомликнинг масъулияти бор. Вақти келса, намозда орқасида иқтидо қилганларнинг гуноҳи зиммасига юкланиб қолади. Урайимнинг невараси Бухородаги мадрасани хатми кутуб қилиб, энди Тошкентдаги ўқишини тугатай деб турибди. Илмли имомга ёлчиб қолармиз. Пулдорларга инсоф берса, масжидни ҳам янгилаб олармиз.

– Уч йил олдин ҳам шунақа гапни айтувдинг. Хурсандалининг невараси ўқишни битириб келади, девдинг. Тошкентда қолиб кетди-ку?

– Ўзича қолмади, илмга зеҳни ўткир экан, устозлари олиб қолишди.

– Сенинг баҳонанг кўп. Оғзингни тўлдириб валдирайвер. Фақат бизга гуноҳ-гуноҳ деб осилавурма. Билиб қўй: дўзахга тушадиган бўлсанг, каззоб имомингни деб тушасан. Ҳали қараб тургин, бизларди эшшакка мингашиб жаннатга ҳам ўтиб оласан сен, ҳа!

Ҳамма гапларидан ҳам мана шуниси ошиб тушди. Ғазаб ўти бетларигача қизартириб юборди. Агар иймони суст, феъли эса Мирҳосилники сингари бўлганида ўзига яраша жавобни берарди. Шайтон “гап келганда аяма”, деб васваса ҳам қилди. Иймон эса “битта гапинг билан шулар қаторига тушиб қолмоқчимисан”, деб ҳимоялади. Лекин ғазабни нигоҳини ошнасига қадаб туришдан тийила олмади:

– Ҳа, ол-а, ол! Жонларимга тегдиларинг! Чойдан қуй.

Мамасоли пиёлани дўқ этиб қўйиб, юзини буриб олди. Мирҳосил савол назари билан Турғунга қараган эди, у “етар, яна бир нима десанг портлаб кетади”, дегандай имо қилиб қўйди. Мирҳосил “шунга гапирмасам-гапирмадим” деган қарор билан чой қуйиб ғашланган ошнасига узатди. Шу аснода чойхона ҳовлисига кириб келаётган икки йигитга кўзи тушди-ю, аввалига эътибор бермади. Оқ шим, оёғига оқ туфли, устига жигарранг чарм куртга кийган, сочлари орқасига силлиқ таралган қотма йигит “Салют, бобойлар!” демаганида улар билан иши ҳам бўлмас эди.

Сурбетларча кириб келиб, яна бу тарзда саломлашганидан ғаши келиб, алик олмади. Аксинча, қовоқ уюб қаради.

Мирҳосилнинг ғашини келтирган силлиқсоч, қирғий-кўз йигитни болалик чоғлари ҳамма отаси қўйган исмда “Ғани” деб чақирарди. Қиморбозларга қўшилганидан кейин бу исмдан ор қилиб ўзи “Гена” деб ўзгартириб олди. Қиморбозлар орасида йигит ёшига етиб, унча-бунча ютуқлари билан чўнтаги қаппайгач, дам олгали Ялтага борди. Қора денгиз бўйида бир арман гўзали билан танишиб, уч кун маишат қилди. Учинчи кеча гўзал уни шипшидам қилиб кетгач, куп-куруқ чўнтак, аламли юрак ва янги исм билан уйига қайтди. Арман гўзали ўзини “Офелия” деб таништирганида у “Мен эсам “Гамлет”ман”, деб ҳазиллашди-ю, кейин бу исм ўзига ёқиб, “Гена” унутила бошланди. “Гамлет” ўша хузурли ва аламли кунлардан хотира бўлиб қолди.

Гамлетнинг ёнидаги қора қошлари туташ йигитнинг исми Жасур эди. Аслида бўйнидан иягига қадар қизариб турган қизил доғга ишора қилиб “Тожи” бўлиши керак эди. Отасининг исми “Тожибой” бўлгани учун ирим қилиб, қайтармадилар, “Жасур” бўла қолди. У ҳам шериги каби ўсмир ёшига қадар “Жасур” бўлиб юрди. Кейин оз муддат “Жўра”, сўнг эса қартадаги олти чилликка ишора қилиб “Жокер” га ўзгартирилди. Қимордаги иқтидори пастдан кўра сал юқориқроқ, лекин ҳали у тўдага, ҳали бу тўдага суйкалиб юриши туфайли шу номни олган эди.

Буларнинг тўдаси аввал Бўкада, кейин Оҳангаронда асли исми Алижон, лекин ўз оламида Алекс деб донг таратган қиморбоз билан ҳаёт-мамот жангидек ташлашишди. Бир ютиб, бир каттага тушишди. Бугун ҳал қилувчи ўйин учун бегона кўзлардан йироқроқ деб шу чет қишлоқ чойхонасини танлашган эди. Сўрида ўтирган чолларни кўриб аввалига ажабланишди, кейин ўртада битта чойнак турганига эътибор қилиб, “томоқни хўллаб жўнашади” деган фикрда хотиржам бўлишди. Гамлет уларга хушчақчақлик билан салом бериб, жавоб олмагач, шеригига қаради:

– Жокер, гапим ёқмадими, тўрсайиб олишди.

– Саломинг ёқмади. Бунақа саломингни шаҳарлик чоллар кўтаришади. Энди сен шу ерда тура тур, – шундай деб сўрига яқинлашди-да, ўнг қўлини кўксига қўйди: –FrАссалому алайкум, тоғажонлар. Дамликкина юрибсизларми, яхши ҳордиқ чиқаряпсизларми? Худо бизнинг бахтимизга умрларингизни узоқ қилсин.

Унинг узатган қўллари жавобсиз қолмади, алик олиниб, қўшқўллаб сўрашишди.

– Кўзимга иссиқ кўриняпсан, кимнинг ўғлисан, жиян? – деди Турғун унга тикилиб қараб.

– Мен эшонгузарлик Тожибой охуннинг ўғли Жасуржонман, тоға.

– Э, ҳа, Бўғирсоқнинг ўғлимисан? Отанг раҳматли икки лаган паловди кўрдим демай еб юборарди. Жуда баднафс эди. Омма еган овқатига яраша кучи ҳам, гавдаси ҳам бор эди. Сен мунча майдалашиб кетдинг?

– Ким билади, бўлганим шу-да.

– Шеригинг ким? Отаси йўғида онаси чулчут билан дон олишганларданми? – деб сўради Мирҳосил.

– Ҳа, энди тоға, шаҳарлик културний боллардан-да.

– Э, културасига урай уни. Сен бу ғаркўздан нари юравур. Отанг яхши бола эди. Ке, ўтир, чой ич.

– Раҳмат, тоға. Самоворчига учрай-чи, оғайнилар билан йиғилишадиганмиз, пича ўтиришимиз бор эди.

Шошилиб чиққан чойхоначи йигитлар билан кўришди-да, чолларга хавотир билан қараб олгач, меҳмонларини ичкарига бошлади.

Мамасоли чойдан бир хўплади-да, сўнг чўкмай айланаётган шаманинг ҳаракатидан қандайдир маъно уқаетгандай тикилиб қолди. Мирҳосил суяниб ўтирган лўлаболишни орқасидан олиб, ёнига ташлади-да, ёнбошлаб олди. Турғун эса оёғим увишди, чигилини ёзиб келай, деб боғ томон юрди.

Гамлет бошлаб ичкари кирган Жасур остона хатлаши билан чойхоначига “ишлар бошқача бўлиб кетибдими,

тоғажон”, деб норозилигин баён қилди. Гамлет эса худди уриб юборадигандай чойхоначига тик борди-да:

– Бўсс, бу тиррақи чоллар нима қилиб ўтиришибди? Билиб қўй, ошга пашша туширсанг, отечат қиласан, – деб ўдағайлади.

– Мен нима қилай? Келишди, ўтиришибди. Оғайнилари касал экан, кутишармиш.

– Нима деяпсан, сен братан! Бу ер вокзалми, кутади-ган. Йўқот уларни!

– Йўқотолмайман. Биттаси харажатга кетди. Ошга ун-нашяпти.

– Гамлет, вақт борида жойни ўзгартира қолайлик?

– Йўқ, тўртта чолдан кўрқдиларингми, деб бошни оғритишади. Чолларни йўқотиш керак.

– Булар фронтовой чоллар, бас келиб бўлмайди. Ош тезлашса, еб кетишади.

– Гамлет, бир томондан уларнинг ўтираверганлари яхшими, дейман. Хитлар адашиб келиб қолишса, шуларни кўриб қайтаверишади.

– Жокер, бунинг учун сенинг бошинг оғрисин. Бу ёғига ўзинг отечат қиласан, – шундай дегач, яна чойхоначига қаради: – Хўп, айтилган харажатлар естми? Унда пер-вийсига шўрвани бошлайвер. Пока булар кетгунича жойни ичкарига қилавер. Жокер, “оқсоқол”дан биттасини оч. Томоқни хўлламасак бўлмайди. Нардани ол, айвонда бир ташлашайлик. Чолларинг тиқир-тиқирдан бешишса тезроқ кетишади.

* * *

Турғуннинг оёқдан шикоятни бир баҳона эди. Боғ томон сал юргач, йўлни кўча томон олиб, шифохонага борди. Даҳлизда унга ҳеч ким эътибор бермади. Лекин “ўликларни тирилтириш бўлими” деб ёзиб қўйилган эшик ичкаридан қулфлоглик эди. Аста тақиллатган эди, ўзига таниш ҳамшира кўринди. Ташқарига чикди-ю, эшикни ёпиб, кўрғонини ҳимоя қилувчи посбондай туриб олди.

– Қизим, ошнамни бир кўриб чиқай, – деди Турғун ялиниш оҳангида.

– Отахон, иложи йўқ, Анвар акам боя айтдилар-ку, ўзингиз эшитдингиз-ку?

– Жон қизим, биттагина мўралайман-у, «Ошнам, ҳормагин», деб қўяман. Агар яна икки оғзим гапирсам, бетларимни юмдалаб ташлай қол.

– Отажон, сизни ичкарига қўйсам, мени ишдан ҳайдашади.

Турғун қизларнинг бунақа жойга ишга жойлашишлари мушкуллигини, ҳайдалишлари эса оппа-осонлигини эшитган. Шунинг учун ҳамширага бошқа ялинмади. Орқасига ҳам қайта қолмади. Оғир курашда енгилиб бўшашган сингари иложсиз оҳангда сўради:

– Унда тўғрисини айт, қизим, ростданам бир ўлиб, бир тирилдими?

– Ҳа, юраклари бир пас тўхтаб қолди.

– Энди-чи, энди яхши уряптими?

– Ҳозир анча яхшилар.

– Гапиряптими?

– Ҳа.

– Нима деяпти?

– Билмадим... ая билан гаплашяптилар.

– Бизнинг келганимизни биладими? Мени сўрагандир-а? Исми Турғун. «Турғунбой келмадими?» деб сўрадими?

Ҳамшира бир оз иккиланди-да, сўнг саволлар оқимидан осонроқ қутилиш учун жавоб берди:

– Сўрадилар... шекилли.

– Ана сўрабди! Биринчи бўлиб мени сўрайди. Энди олдига кириб чиқмасам бўлмайди.

– Мумкин эмас.

– Сен тушунмаяпсан-да, қизим. Агар бу ошнамиз... кетиб қолса чатоқ, тўғон янаям бузилади. Кетишга-ку, ҳаммамиз кетамиз-а, омма бу биздан кейин қолиши керак. «Нега?» деб сўрамайсанми?

– Вой, отажон, ҳаммангиз ҳам кўп яшанг.

– Сен «бу чолнинг эси оғиб қолибди», деб ўйлама. Ҳаммамиз ҳандалақдек пишиб турибмиз. Узиб олиш қолди холос. Оёқларим бир тортишганида «Ана энди жон ҳам кетди», деб ўйлайман. Оёқ нимага тортишади, биласанми? Бир одам жонни олгани келган Азроилдан нолиб, «Эй Худо жон керак экан, аввалроқ огоҳлантирсанг бўлмасмиди?» деган экан, овоз келибди-ки: «Эй ғофил банда, аввал кўзларингдан нурни олдим, кейин белдан, оёқ-қўлдан қувватни олганим огоҳлантиришим эканини фаҳмламадингми?» Ана кўрдингми, қизим, бизларга хабар аллақачон келган.

– Отаҳон, хафа бўлмасангиз бир гап айтай.

– Айтавур қизим.

– «Хабар-хабар», дейсизу, кимнинг қачон ўлишини Худо билади. Ёшлар ҳам тўсатдан кетиб қолишяпти.

– Шунақа-ку, омма ёшлар яшаши керак. Яхшими – ёмонми, яшасин. Тегирмон навбати билан. Биз кўрадиганимизни кўрдик. Ёйдиганимизни едик. Кетсак ҳам армонсиз кетоврамиз. Омма қизим, сен билмайсан, биз ҳалол меҳнат билан яшадик. У дунёга кўрқмай кетоврамиз. Орқамиздан биров ёмон гапирмайди. Сен яширмай айтовур, қизим, ошнамга балки қон керакдир. Бировлардан қидирма, ўзимиз берамиз. Қонимиз бир ҳаммамизнинг – топ-тоза қон.

– Қон керакмас, отаҳон.

– Қизим, сен билиб қўйишинг керак: бу ошнам оддий одам эмас, мартабаси баланд, ҳа!

– Ҳокиммилар?

– Ҳокиминг нимаси! Шу ҳам мартабами? Бу одам бизнинг жўрабошимиз, ҳа! Аввал улфатимизнинг жўрабоши-си Сотволди эди. Сотволди хайр-хўшни насия қилиб жўнаворди. Энди буниси ҳам кетворса инсофдан бўлмайди. Энди тушундинг-а?

– Тушундим.

– Тушунган бўлсанг кел, хўп де, бир мўралаб олай.

– Отажон, илтимос, мени қийнаманг.

– Сен Абулқосимнинг неварасисан, а? Каттанг жуда мўъмин, гапга кирадиган бола эди. Хаптобусга ҳам калишини ечиб чиқарди, раҳматли. Сен унга ўхшамабсан. Жуда-а қайсар экансан. Каттанг тирик бўлганида айтиб, адабингни бердириб қўярдим-а.

Ҳамшира бу қариядан осон қутулолмаслигини билиб, ўзини сал четга олди-да, эшикни қия очди. Турғун ичкарига мўралаб, дўстини кўрди. Рихси эрининг ўнг қўлини кафтлари орасига олиб силаб ўтирган эди. Унга ҳалал бермаслик учун овоз бериб чақирмади. Бир оз тикилиб тургач, ўзини орқага олди-да, кипригига қўнган ёш томчисини артиб, ҳамширани дуо қилгач, беморга яхши қарашни тайинлаб, бир соатдан кейин хабар олишини ҳам айтди.

Изига қайтган Турғун чойхона ҳовлисига кириб келаётган, қўлига асо тутган, қора кўзойнакли Тўлқинни кўриб, тўхтади. “Ие, бу ерда Тўқим нима қилиб ивирсиб юрибди?” деган хаёл билан уни кузатди.

Тўлқин асосини тўқиллатиб келиб, нарди ўйнаётганлар ёнида тўхтади.

– Биродарлар, йўлдан адашганга ўхшайман. Касалхонага кетаётувдим, қаерга келиб қолдим?

– Чойхонага келиб қолдингиз, бобой, – деди Гамлет нарди тошчаларини ташлаб.

– Бир ўзингиз нимага туртиниб юрибсиз, тоға? – деди Жокер ўрнидан туриб.

– Ошнам оғриб қолибди, омонатим бор, келмасам бўлмас эди.

– Пул олганмиди? Катта пулмиди? – деди Гамлет унга қараб олиб.

– Йўқ, ундан мен қарзман.

– Неваралардан бериб юбора қолмабсизда, – деди Жокер.

– Бу омонатни бировдан бериб юбориб бўлмайди. Биродар, бу ер самоворхона бўлса, бир қултум чой беринг, “сахар”им ошганга ўхшайди, томоғим куриб кетди.

– Чойдан йўқ, бобой. Оқидан ҳам отоврасизми? – Гамлет шундай деб ароқнинг шишасига чертиб қўйди.

– Унда малол келмаса, мени йўлга солиб қўйинг.

– Прямой сообщения қилиб бороврасиз, бобой, – деди Гамлет пиёлага ароқ қуя туриб.

– Мен олиб бориб қўяман.

Тўлқин томон юрмоқчи бўлган Жокерни Турғун тўхтатди:

– Сен ўтиравур, жиян.

Тўлқин овоз келган томон ўгирилди:

– Ким бу? Овозинг таниш... Турғун... сенмисан, Буқоқ?

– Менман, Тўқим, менман. Нега келдинг?

– Пўлат оғриб қолибди, деб эшитдим.

– Оғриси сенга нима? Улфатга яқин келма, деганмизку, эсингдан чиқдимми?

Ёнбошлаб ётган Мирҳосил Тўлқинни кўриб қаддини кўтарди. Мамасоли ҳам шу томон қаради.

– Омонатим бор унда, – деди Тўлқин синиқ овозда.

– Қанақа омонат? – деди Турғун дағал оҳангда. Кейин нотаниш йигитлар олдида гаплашиб туришни эп кўрмай, ҳазар қилгандай енгининг учидан ушлаб, сўри томон бошлади.

– Қанақа дейсан-а... Рози-ризолик сўрашим керак, – деди унга итоат билан эргашган Тўлқин.

Бу гапни эшитган Мирҳосил сўридан тушиб, унга рўпара бўлди:

– Нима деддинг? Розилик, деддингми? Нима, у ўляптийканми? Сен Тўқим, совуқ нафасингни энангдикига бориб қиловур!

– Чўтир... Мирҳосил, сенмисан?

– Ҳа, менман. Нақ ўзимга дуч келдинг. Сен изингга қайтовур. Сени кўрган соғ одам ҳам аччиқланиб ўлиб қолади. Бор, турқинг курсин.

Мамасоли ҳам уларга яқинлашиб, ўртага тушди:

– Мирҳосил, қўй, қаттиқ гапирма. Ошначиликнинг ҳурматини қилиб келибди. Дод десанг, демасанг бу ҳам ошнамиз эди. Тўлқин, юр, бир пиёла чой ич, ҳовурингни бос.

– Бу бизга ҳеч қачон ошна бўлмаган. Бунақа ошна-ни отай десанг ўқ ҳайф. Тириклай кўмиб ташлаш керак бунақаларни.

– Чўтир, сен кариллайверма! Сен билан олди-сотдим йўқ. Пўлат олдида қарздорман. Тавба қилганман. Яна тавба қилгани келдим. Мана мени Худо уриб қўйди, энди сен нам туртовурма. Менга шу жазонинг ўзи етмайдами?

– Етмайди! Сен кўзларингни лўқ қилиб туриб ёлғон гувоҳлик бергансан. Пўлатни сен қаматгансан. Халқ душмани Пўлат эмас, асли сен эдинг. Жўна, кўзимга кўринма, бўлмаса мижибла қўяман. Худойинг тагин ҳам сени аяб урибди. Бўхтон гапларни айтган тилларинг ириб, узилиб тушиши керак эди.

Шу пайтда Обид Шокирни бошлаб келиб, авжига чиқаётган Мирҳосилнинг ҳовури сал босилди. Обид Тўлқинга бир қараб қўйди-ю, омонлашмай, ўчоқбошига ўтиб кетди. Қарияларнинг даҳанаки жангидан завқланган Гамлет нарди тошчаларини ташлаб қўйиб, сигарет тутатганича уларни кузата бошлади. Жокернинг “ичкарига кириб кета қолайлик” деган ишорасига “тўхта, текин кино”, деб қўйди.

Шокир уч ошнаси билан сўрашиб бўлгач, Тўлқинга яқинлашиб, унинг қўлини олди:

– Ҳа, Тўлқин, омонмисан?

– Омон бўлмай ўлсин бу. Сотволдининг ўрнига шуни олмайдами Азроил, – Мирҳосил ўзи берган саволга ўзи жавоб қайтарди: – Ҳа, олмай тўғри қилади, бундан у ёқдагилар ҳам безор.

– Бировга ўлим тилама.

– Бировга тиламайман, омма бунга тилайман. Эллик йилдан бери тилайман. Бундан олдинроқ ўлиб қолсам, у ёқда ётиб ҳам тилайман. Бор, сўфи, менга ақл ўргатма.

– Яна ўша гапми? Мирҳосил, қўй энди, Пўлат буни кечирган. Ораларида низо қолмаган. Худо ҳам кечиради.

– Ким кечирса кечировурсин. Омма дўстга хиёнат қилган одамни мен кечирмайман. Агар иккаламизни ёнма ён кўмсаларинг, буни гўрида ҳам бўғиб ётаман.

– Бўлди, ўпкангни бос, – дўстини шу гапи билан тинчитганига ишонган Шокир ўчоқбоши томон қараб, овозини баландлатди: – Обид, жиззани тезлат, ошна, йўлда туз тотмадим. Қорним пиёзнинг пўсти бўлиб кетди.

– Манави кетсин. Худди мижиб, яйбла ташлайман, – деди Мирҳосил ҳезланиб.

– Ҳеч қаёққа кетмайди, – деди Шокир ҳукм оҳангида. – Бунақа пайтда гинани унутиш керак. Сен «яйбла» қўймасанг ҳам, бараварига етилиб турибмиз. Қани, ўтирдикми, сўфи, бошла.

Мирҳосил бўш келмай, йўлни тўсди:

– Унда ҳов четда ўтирсин якка мохов бўлиб. Менга кўринмасин.

– Бекор айтибсан.

– Домла, қўёвур, четроқда ўтирганим маъқул. Шунинг иси келмасин. Бунга ит бас келмаса, одам бас келолмайди.

Вазиятни юшатиш учун чекиниши лозимлигини англаган Тўлқин шундай деб ўгирилди. Аммо қай томон юришни билмай каловланди. Шокир уни билагидан тутиб, ён томондаги сўрига бошлаб бориб, ўтқизди. Кейин ўзи Мирҳосилнинг ёнидан жой олиб, тажанг ошнасини совутиш мақсадида тиззасига шапатилаб уриб қўйди. Ўчоқбошидан қайтган Обид шишани Мирҳосилга пинҳона бериб, харажатларни четдаги стол устига ёйиб, гўшт-ёғни ҳафсала билан тўғрай бошлади. Мамасоли дуодан сўнг чой қуйиб узатгач, ҳол сўрашга ўтди:

– Ҳа, домлажон, ҳали бир ҳафта юришинг керак эди-ку?

– Ҳа, шунақа эди. Омма кечадан бери юрак сиқовурди. Уйдан бир хабар олмасам бўлмас, деб келдим. Йўлда Обидни учратиб, тўғри шу ёққа келавердим.

– Зап иш қилибсан. Бизни озгина кўрқитди-да. Ҳозир яхши, – деди Турғун. Яқингинада эшикдан мўралаб келганини айтиб мақтанмоқчи эди, Мирҳосилдан балога қолиши мумкинлигини англаб, бошқа гапирмади.

– Дўхтирнинг каттасини ёнига қозикдек қоқиб қўйдим, – Мирҳосил энг катта ишни ўзи бажарганини билдириб

қўйгач, ўчоқбошида шўрванинг ҳаракатини бошлаб юборган чойхоначига қараб бақирди: – Ҳой, самоворчи бола, қайси гўрда ивирсиб юрибсан, меҳмонга қарамайсанми?

Чойхоначи қўлидаги ўтинни ташлаб, қадамини тезлатди. Унинг яқинлашишини кутмай, Мирҳосил ғазаб ўқларини соча бошлади:

– Сен бола шайтонга дарс берадиган бўлиб қолибсанми, а?

– Худо сақласин, тақсир, – чойхоначи худди жаллодга рўпара келгандай таъзим қилиб, ҳукмни кутди.

– Худо сақласин, деб юравергин-чи, уриб қолганида дод демасанг бас. Ҳалигина бизга «Самоворхонам бўм-бўш, ҳеч вақом йўқ» деган сенмидинг? Анави сўлтаматларга топилдимми?

– Улар эртаматадан харажатларини ташлаб кетишувди.

– Бу чўпчагингни катта энангга айтасан. Ўзим чўтир бўлсам ҳам, ақлим путун, кўзларим зийрак. Майли, ҳозир мавриди эмас, кейин атайла келиб гаплашиб кетаман сен билан. Бор чой олиб кел. Тузукроқ дамла, – Тўлқинни имлаб, қўшимча қилди: – Анавинга ҳам алоҳида олиб кел. Омма ҳаққини ўзидан оласан, бизларникига қўшмайсан. Ма, манов зормандани ҳам чойнакка қуйиб чиқ.

Чойхоначи шишани олиб нари кетгач, Мамасоли афсус билан бош чайқади-ю, бу мавзуда танбех бериш шамолга қарши қичқириш билан баравар эканини билгани учун Шокир билан суҳбатини давом эттирди:

– Домла, кетганингдан бери ўйлаб ҳеч ақлимга сиғдиролмаяман. Хўп, ишингга қайтганингга тушундим: уйда зериккансан, мактабинг ҳам чақировриб тинчитмаган. Мактабда сендан бўлак эркак зоти қолмагандир, а? Малака оширай деб ўқишга жўнаганингга ҳайронман-да. Шу ёшга кирганингда малакангни ошириб бўларканми?

– Бўлади. Ўзинг бир ҳадисни айтувдинг: пайғамбаримиз «Бешиқдан то қабрга қадар илм олинглар», деган эканларми? Ҳали қабрга анча бордир, деб умид қиламан.

Бешиқда эса... э, сўфи ошнам, ярамни янгилама. Кейинги пайтда юрагим сиқиладиган бўлиб қолган. Биз биров ўлса дарров мотам тутамиз. Беҳуда ўтган кунларимизга ким мотам тутаети? Ахир беҳуда ўтган кун – ўлик кун-ку?

– Домла, нималар деяпсан? Умримиз нега беҳуда ўтар экан? – деди Турғун ажабланиб. – Худога шукр, нонимизни ҳалоллаб едик. Суягимиз қотмай далада кетмон чопдик. Урушга бордик...

– Ҳа... уруш... Мени «Бу одам ўқитувчи, болаларга билим берсин» деб урушдан олиб қолишти. Сенлар кетдиларинг, мен эсам бу ерда хотинлардан уялиб юрдим. Қишлоққа қорахат келган куни дарс ўтолмасдим. Аслида менам кетворишим керак эди. Ўлиб кетсам, ҳозир бунақа қийналиб юрмасдим...

– Нафасингнинг совуқлигини қара. Сен болларди ўқитдинг. Биздан кўра савобни кўпроқ топдинг. Жаннатига белатинг тайин. Нима дединг, сўфи?

Мамасоли Турғуннинг саволига “Буни Худо билаети”, деб қўя қолди.

– Сенам бир мартагина «хўп» демадинг-да, сўфи. Ичинг тор сенинг, – деди Мирҳосил гапга аралашиб. – Домла, нега совуқ фикр қилиб қолдинг? Айтовур, сен бекорга минғир-минғир қилмайсан.

– Совуқ фикр эмас. Биз «ақлимиз бутун» деб кариллаб юрамиз. Бировларга ақл сўқаверар эканмизу омма, ақлнинг ҳам кўзлари бўлишини, бу ақл кўзларининг ҳам кўр бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрмас эканмиз. Бировларда ақл кўзи жуда кеч очилар экан.

– Бировларники умуман очилмайти. Лаҳадга ҳам тимирскиланиб кириб боради, – Мирҳосил шундай деб Тўлқин томон имо қилиб қўйди.

Шокир унинг бу киноясига эътибор бермай, фикрини давом эттирди:

– Ўйлаб қарасам, ҳаётда яшашдан мақсад – шу ақл кўзларини очиш экан. Ўзинг вақтида ҳаракат қилмасанг,

хаётнинг ўзи бешафқатлик билан очиб қўяр экан. Ҳаёт менга шунақа дарс берди. Қариганимда очди бу кўзларни. Қариганимда кўчага чиқишга, ўқитган болаларимнинг кўзларига қарашга уялиб қолдим.

– Буқоқ, домлангнинг ат-батини чимчилаб кўр-чи, нега алаҳсияпти? Сенинг ақлинг путун, ўйлаб кўр-чи, бу бола уятадиган иш қилганми ўзи? Дарсим бор, деб ошхўрликлардан ҳам кечворадиган одам нега ўқувчиларидан уяларкан?

– ҳайронман, бунинг ота-онаси ҳам, хотин, болачақаси ҳам, ошналари ҳам мактаб эди. Домла, ичимизда ўқиб, одам бўлган фақат сенсан, бунақа гапларинг билан юракларни сиқмагин.

Чойхоначи иккита чойнакнинг биттасини Мамасолининг ёнига қўйиб, иккинчисини Турғунга узатди. Турғун аввал чойнакни ушлаб кўрди, сўнг қопқоғини очиб хидлади-да, Мирҳосилнинг ёнига қўйди:

– Чўтир, ўзинг қуя қол.

– Тўхта, жизза келсин.

Уларнинг бу қилиғидан аччиқланган Мамасоли жеркиб берди:

– Нафсларинг чукилламай қурсин. Гапини бўлмайдик турларинг, юрагидан тутун чиқяпти. Домла, ақлнинг кўзини яхши айтдинг. Бу қалбнинг муҳрланишига ўхшаган бир гап. Худо бир тоифа одамларнинг қўлларини бўйинларига кишанлаб қўяркан. Улар бошларини эгиб юрарканлару омма тўғри йўлни кўролмас эканлар.

– Ҳа, худди шунақа. Бошқаларни билмайман, омма мен шундай бўлдим. Кечикдим. Камида элик йилга кечикдим.

– Қиёматда бизнинг элик минг йилимиз Худонинг бир кунига тўғри келар экан.

– Сўфи, энди ўзинг гапни чалғитмай тур, болалардан нега уялаётганини айтсин, – деди Турғун.

Шокир бу саволга дарров жавоб қайтармади. Ниманидир мулоҳаза қилаётгандай сукут сақлаб, уф тортди:

– Мен болларни хато гапларга ўқитган эканман.
– Нега хато бўлади? – деб ажабланди Турғун.
– «Худо йўқ», деб ўқитган-да. Мана энди Худо дилида-
ги қулфни ечибди, – деди Мамасоли маънодор оҳангда.
– Сўфи, сенга тек ўтир, дейилди. Гапир, домла.
– Сўфининг гапида ҳам жон бор. Лекин менинг уятим
бошқа ёқда. Мен «Саксонинчи йилларда коммунизм бўла-
ди», деб болларни ишонтирганман. «Пул бўлмайди, мили-
са бўлмайди», деб ишонтирганман.

– Ҳа, сен коммунизмни яхши кўрардинг, – деди
Мирҳосил. – Кўчангни ҳам «Коммунизм» деб номлатув-
динг. Қайси бир йили лектор келиб: «Ўртоқлар, биз бир
оёғимиз билан социализмда, иккинчиси билан комму-
низмда турибмиз», деганида мен ҳазиллашиб «Лектор ука,
эҳтиёт бўлинг, бу туришда чотингиз йирилиб кетмасин»
деб сендан балого қолувдим.

– Ҳа, энди гапировур. Мен аҳмоқ ўшанда бу ғоянинг бе-
лидан қарсиллаб синиб, ўлай деб ётганини фаҳмламабман.

– «Одам маймундан пайдо бўлган», деб ҳам ўргатган-
сан, – деди Мамасоли. – Эсингдами, бир куни мен сенга
«Ота томондан маймунмисан ё она томонданми?» деб те-
гишганман.

– «Одам маймундан пайдо бўлган», деганда... –
Мирҳосил шундай деб Тўлқинга ишора қилди, – ановдақа-
ларни назарда тутиб, тўғри айтган. Аслида ановини
хайвонот боғига олиб бориб қўйса ҳам бўларди-ку, омма
боллар кўрқишади-да. Нима дединг, домла? Ҳа, гап сенга,
гапировур.

– Яна нимани гапирай? – Бир оз сукут қилди, ошнала-
ри шоширишмади, давом этишни кутишди. – Екатерина-
сию Елизаветаларининг тарихини сув қилиб ичиб юборган
эдим. Лекин Замахшарий деган улуғ олим ўтганини ўзим
ҳам билмаган эканман. Шунинг учун малака оширувчи
ўқишга бордим. Болларга ҳеч бўлмаса бир кунгина тўғри,
ҳалол дарс берай, кейин ўлсам армоним қолмайди.

Турғун унинг ҳолига ачиниб, бош чайқаб қўйди-да,
далда берди:

– Омма оширвординг, ошна. Сен ўзингни айблама, замон шунақа эди.

– Баъзан ўзимга ўзим шундай тасалли бераман. Омма, ўқитувчининг кўзлари кўр бўлса, болларнинг кўзларини қандай очади? Бу саволга ҳам жавоб беришим керак.

– Ҳах, эзвординг-да! – Мирҳосил шундай деб ўзининг тиззасига бир шапати урди. – Мен сенга минг йилдан бери айтаман-ки, кўп ўқийверма, бола, деб. Ўқовриб, ўқовриб, мияларинг пўла бўп қолган. Давлат сенинг қўлингга китоб бериб, шуни ўқит, дедими, сен ўқитдингми, тамом, шу етарли. Сен “виждон-пиждон” деб юровурма. Уруш бўлдимми, давлат бизга милтиқ бердимми, «от», дедими, биз отдикми, бас, етарли шу. Аввалги йиллари беш-ўн мишиқи чиқиб нима деди? «СССРни ҳимоя қилган, Сталин деб жангга кирган», деб бизларди чиқитга исписат қилдимми? Энди нима бўлди? Унақа эмас экан-ку? Биз дунёни ёмонликдан сақлашга хизмат қилган эканмиз-ку? Бизларни яна эъзоз қилишяпти-ку? Сенам нукул нотўғри гапларни ўқитмагандирсан. Тўғрилари ҳам бордир, а?

– Энди... – Шокир ўзини оқламоқчи эди, Мирҳосил гапиртирмади:

– Бўлди, энди-пендини йиғиштир, бўладиган гапдан гапир: Шожалилни бориб кўрдингми?

– Очиғи... вақт бўлмади.

– Шу-да! – Мирҳосил яна тиззасига шапатилади. – Ош-насини қариялар уйига олиб бориб қўйишибди-ку, бу чала домланинг фурсатлари бўлмабди. Яна “виждон-пиждон” дейди! Э, ўргилдим, сендан!

– Бормай тўғри қилибди, – деди Турғун Шокирнинг ёнини олиб. – Сенам ҳовлиқиб оширворасан. Чолни кўриб, бувам дегансан. Адашгансан. Ўғли олим бўла туриб отасини «Қариялар уйи»га топшириб қўядими?

– Вей Буқоқ, билмайсанми, ҳамма қилиқ шу олимчалардан чиқади. Буруннинг тагига тўрттагина соч қўйиб олишиб, энам кўрмаган ишларни қилишади. Телевизорда

шу кўзларим билан аниқ кўрдим: Тошканда «Қариялар уйи» деган жой борми? Бор. Битта ошнализнинг оти Шожалил – Шалпангқулоқми? Ҳа. Ўзини танимасам ҳам қулоғи билан қошидан танийман уни. Бунақа шалпангқулоқ билан бунақанги бароқ қош дунёда бошқа одамда йўқ.

– Ўзи телевизорда гапирдимми ё фамилиясини айтишдимми?

– Тошканга кетатуриб ҳам шуни сўровдинг, дарров унутдингми? Яна эшит: Ёнидаги ўрис чол гапирди. «Яхши яшаймиз», деди. Мен «Шунақа жойда яхши яшамай ўл», дедим. Бола-чақанг бўлса, ғарибхонада яшайсанми, э сўтак! «Қариялар уйи»миш?! Ўлимни кути-иб ётадиган ғарибхона у ер. Кўча-кўйда хорланиб ўлиб қолмаслик учун уч маҳал овқат еб, ўлимини кутиб ётишдан бошқа иш йўқ. Худо бир тишлам нон берса ҳам, бола-чақа билан биллалашиб ейдиган қилиб берсин. Бола-чақанинг ёнида жон бермайдиган бўлсанг ўлиб ҳам маза қилолмайсан.

Обид иккита ликопчада жизза кўтариб келиб, кичикроғини Тўлқиннинг ёнига қўйиб, каттароғини Мирҳосилга узатди:

– Даклатни оляпсанми, чўтир?

– Сен, ёш бола нарса, эркакларнинг ишига аралашма. Эгнингга шим битганидан буёғига бунақанги доно гапларни эшитмагансан.

– Ол-а, битта кампиршонинг қош-қовоғига олтмиш йилдан бери тикилиб ўтириб, ҳали сен эркак бўлдингми? Айтмоқчи, Чўтир, кеча уйингга бориб сени чақирсам, қайинсинглинг чиқди. Кўриниши ҳалиям қиздеккина-я! Олтмишдан ошмади-ёв, а?

– Ҳа, юракдан урдими, олиб берайинми?

– Раҳмат, ошна. Жон-жон дердим-у, омма бу йил уйланиш плонда йўқ-да. Келгуси ёзгача чидашим керак, шунақа ваъда берганман. Менга қара, шу хотин увол бўлмасин, Обид қувлик билан кўз қисиб қўйиб Тўлқин томон қаради: – Тўқим, ҳали ҳам бевамисан?

– Нима эди?

– Сенга харидор чиқиб турибди. Чўтирга божа бўлмайсанми?

Бу гапни эшитган Мирҳосилнинг кўзлари олайди, худди уриб юборадигандай қўлини пахса қилди:

– Ўчир-е, овозингни! Яна шунақанги шилта гапларни айтадиган бўлсанг, нақ путингни йириб ташлайман. Шунга божа бўлгандан кўра итга божа бўлганим минг марта яхши!

– Жириллама! Сенга божа бўламан, деб ўлиб турганим йўқ, – деди Тўлқин овоз келган томон ўгирилиб. – Ит билан божа бўловур. Ҳар ҳолда бегона эмас, ўзингга қариндошлиги бор.

Бу гапдан ҳузурланиб кулган Турғун пайровни илиб, давом этди:

– Тўқим, озгина хато кетдинг. Итга божа бўлолмайди бу. Отаси «Қариндошдан қиз олма» деб васият қилиб кетган.

Турғуннинг гапидан малолланган бўлса ҳам, Мирҳосил сир бой бермай, кулган бўлди-да, жавобни ҳаяллатмади. Лекин Турғунга эмас, Тўлқинга мурожаат қилди: – Вей, Тўқим, кўр бўлсанг ҳам балосан-а, бунақанги қопағон итни, – шундай деганича Турғунга ишора қилди: – қаердан топа қолдинг? Мен Бекали бурганинг жиянини етаклаб юрибман, десам, сенинг итингни боқиб юрган эканманда, а?

– Адашдинг, Чўтир, ишонмасанг думини кўтариб кўргин, бургаларини кўрасан, – Обид ўзининг гапидан ўзи ҳузурланиб, хохолаб кулди. Кулги босилгач, Мамасоли ош-наларига дакки берди:

– Бўлди-е, тозаям айнидиларинг энди.

– Бўпти, айнимасак айнимабмиз. Чўтир, қани, тупук-дек-тупукдек қуй, – деди Обид ёшланган кўзларини кафти билан артиб.

– Керак бўлса ўзинг қуйиб ичовур. Мен қуймайман ҳам, ичмайман ҳам, – деди Мирҳосил чойнакни нари суриб.

Бундан ажабланган Обид ҳам, Турғун ҳам бараварига сўрашди:

– Ҳа, нима бўлди?

Мирҳосил гарданини силаб туриб, кейин бирдан қўл силтади:

– Настроение бузилди.

– Аразлаган гадонинг хуржунига зиён. Буқоқ, бирга оласанми?

– Ҳамма нима деса – менам шу.

– Уялмайсанларми? У ёқда ошналаринг ётган бўлса, юракларингга маишат сиғаяптими?

– Домла, менга гапирма, Чўтирдан чиққан ғоя бу.

– Мени рўпара қилма, Боз. Домла, буни маишат демагин, дурустми? Ошнам тузалди, шунинг суюнчисига озроқ олармиз, девдим. Ўзи лик этиб кўтариб келибди. Ма, йўқот, – чойнакни узатиб, Тўлқин томон ишора қилди: – Анавинга бера қол. Заҳрига ичсин. Дўзахга тушишига озгина гуноҳи етмай турган бўлса, билетсиз кира қолади.

– Ўзинг ичовур. Ароққа чўмилиб юрганларингни унутдингми? «Ўлсам ўлигимни ароққа ювасанлар», деб юрган одам энди фаришта бўпқолдингми?

– Вей, Тўқим, овозингни ўчирасанми ё оғзингни тикиб қўяйинми?

– Бўлди-е, ўрталарингда шу зорманда сарсон бўлдимми? Шишага солиб, уйга олиб кетаман. Сўфи, ярмини берайинми, невараларингнинг томоғига кампрес қиласан.

– Ўзингга буюра қолсин. Меникига ҳаром нарса кирмайди.

Обид ароқни шишага қайта қуйишдан олдин “тупукдек” отволиш мақсадида чойнакни кўтариб ўчоқбоши томон юрди-ю, кўчадан ўтиб бораётган Шожалилни кўриб, тўхтаб қолди.

– Ие, ие, эшакни йўқласанг қулоғи кўринади, дейишармиди, а? Ҳой, Қулоқ, анқайма, бу ёққа қараб юравер!

Шожалил овоз келган томон қараб, Обидга қўзи тушиши билан чехраси очилди. Сўрида ўтирганлар Шожалилни кўриб, ўринларидан турдилар. Нарди ташлаётган йигитлар

эса уларга бир қараб олиб, ўйинларини бепарво равишда давом эттиравердилар. Гамлетнинг пиёлага ароқ қуйиб ичишини кўрган Мамасоли афсусланиб бош чайқади. Мирҳосилнинг эса қошлари чимирилди. Ошналар кўришаётган пайтда бир йигит пайдо бўлиб, айвонда ўтирганлар томон шошилди. Гамлет ўтирган ерида унга қўл узатди. Йигит ўтирмай, сал энгашганича, унинг қулоғига нимадир деди. Гамлет мамнун ҳолда бош ирғагач, унга ароқ қуйиб узатди. Йигит пиёлани бўшатгач, бир тишлам бодрингни чаппиллатиб чайнаганича бўш ўриндиққа ўтириб оёқларини чалиштириб олди.

Шожалил ошналари билан кўришаётиб, ёшланган кўзларини билинтирмай артди. Аммо Мирҳосилнинг зийрак нигоҳи буни илғади:

– Ҳа, ошна, нима бўлди?

– Кўзимни сал шамоллатибман шекилли.

– Азалдан нозиксан, сен бола. Ёнингдан пашша учса ҳам шамоллаб қоладиган сортидансан, – деди Турғун.

– «Қариялар уйи» совуқдирда, а? Шабадароқ ерда эканми? – деди Мирҳосил жойига чиқиб ўтирар экан.

– Нима деяпсан, тушунмадим? Қанақа қариялар уйи?..

– Мирҳосилнинг рўпарасидан жой олган Шожалил унинг ўткир нигоҳига дош беролмади: – Кўзларинг худди ўқланган тўппончага ўхшайди-я, тепкини боссанг тамом, – деб гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди.

– Қулоқ, сен гапни айлантирма. Хохласанг, хоҳламасанг ҳозир тепкини босади. Зап келиб қолдинг, қонингга ташна бўлиб ўтирувдик, – деди Турғун ҳозир бошланажак довулдан хабар бериб.

– Ҳа... кўрибсанларда. Хўш, нима бўпти? Қариялар уйида яшаш гуноҳми? Давлатга хўп хизмат қилдим, энди давлат ҳам мени боқсин-да!

– Боқадиган давлатингдан айланай сенинг. Фақат боқарканми ё уйлантириб ҳам қўярканми? Ит қарамайдиган баришналар бордир ўша уйингда? – деди Обид.

– Шожалил, бизларам давлатга хизмат қилганмиз, бизларни ҳам олиб бор ўша уйингга. Давлат бизларди ҳам боқсин, – деди Мамасоли.

– Сўфи, сен ўзингни тикиштирма, – деб Мирҳосил уни қайириб ташлади. – Сени мачит боқади. Давлат манавиндақа сўлтаматларни боқади.

– Менга бунча осилиб қолдиларинг? Пўлатга нима бўлди, тузукми?

– Ҳали сенга осилганимиз йўқ, осилмаймиз ҳам. Аксинча, сени осамиз. Аввал ўша олимча ўғлингни шахсан ўзим тумруғидан осаман. Бутун қишлоқ томоша қилиб туради. Керак бўлса, дилбизорда кўрсаттираман. Бемехр ўғилга қандай жазо берилишини одамлар кўриб қўйишсин. Шундан кейин эна-оталарини хўрлайдиганларни топиб битта-битта осавераман.

– Катта кетма, Чўтир, ҳаммасини осисга умринг етмайди, – деди Мамасоли.

– Етади. Худодан сўрайман. Бемехр фарзандларни осиб қуритмагунимча ўлдирмай тур, дейман...

Турғун ошнасининг нафас ростлашидан фойдаланиб, Шожалилга бошланган ҳужумни давом эттирди:

– Қулоқ, сен Мирҳосилдан ранжима. Аччиғи чиққанича бор. Ўғлинг олиб бориб қўйган бўлса ётовурдингми амманнинг бўзагига ўхша-аб. Хом ошқовоқни ишлатмадингми? «Бу ерда ётишим – ошналаримга иснод, ошналарим энди бош кўтариб юролмай қолишади», деб ўйламадингми? Қишлоғимиздан шу пайтгача битта фоҳиша чиқмаган, битта ўғри чиқмаган. Чиқса ҳам унча уялмас эдик. Чунки бундақалар ҳамма ердан потраб чиқиб ётибди. Омма ён-атрофдаги биронта қишлоқдан бир пайтавафаҳм чиқиб «Қариялар уйи»га бориб ётгани йўқ. Бизнинг улфатга ўхшаган улфат бу яқин атрофда йўқ. Сени бир бало қилиб бўлса ҳам боқиб олардик.

– Тўғри айтдинг, жудайла боқолмасак, поезднинг тагига ташлаб қутулиб қўя қолардик. Ё бўлмаса битта бойроқ кампирга уйлаб қўярдик, ўзи эвлаб оларди сен туршакни.

– Ана, қўшмачимиз ҳам тайёр. Омма Чўтир чиндан осадиган бўлса, арқонни ўзимла эшиб бераман.

– Оғайнилар, сизлар тушунмаяпсизлар...

– Ҳали биз тушунмайдиган ҳам бўпқолдикми? «Қариялар уйи»нинг карам шўрвалари ақлингни пешлаб юбордимми? Менга қара, Қулоқ, манов Тўқимни кечиришимиз мумкин. Омма, сени кечириб бўлмайди. Тўқим битта Пўлатнинг ўзига хиёнат қилувди, сен ҳаммамизга хиёнат қилдинг. Билиб қўй, ўша ёқда ўладиган бўлсанг, ўғлинг бу ёққа савлат қилиб кўтариб келмасин. Бу ерда жой йўқ сенга, пойтахтига кўмаверсин. Домла, тўғри гапиряпманми? Сен ҳам бир нима де.

– Чўтир икковинг сайрай бошласаларинг, бу ёқдагиларга навбат тегармикин? Сенларнинг жағларингни Худо резинкадан яратган, безразмерний, – деди Мамасоли танбеҳ оҳангида. Унинг жиддий гапини Обид ҳазилга бурмоқчи бўлди:

– Ўрисча қўшмай гапир, сўфи, ато намозингни Худо примет этмий.

Вазият жиддийлиги учун пайров давом эттирилмади. Сухбатга чорланган Шокир томоқ қириб қўйиб, гап бошлади:

– Ҳар ҳолда яхши иш бўлмабди. «Қариялар уйи» ҳеч кими йўқ чорасиз одамлар учун ўйлаб топилган. Мана, масалан Сотволди борса айби йўқ эди.

– Домла, ўйлаб гапир, нима учун Сотволди бораркан? – деди Турғун.

– Мен мисол учун айтяпман.

– Мисол учун ҳам айтма. Сотволди виждонли одам эди. Одам ўлса виждони ҳам қўшилиб ўлади, деб ўйлайсанми? – деди Мамасоли Турғунни қўллаб.

– Бу Қулоқнинг Сотволди бўлишига минг қовун пишиғи бор, – деди Мирҳосил тўнғиллаб.

– Ҳали мен виждонсизманми? – шундай деб ўрнидан туришга ҳаракат қилган эди, ёнида ўтирган Обид енгидан тортиб, қимирлатмади.

– Жирилламай тек ўтировур, – деди Турғун хужумни давом эттириб: – Сен икки марталаб виждонсизсан. Исбот қилиб берайинми? Биринчи виждонсизлигинг – «Қариялар уйи»га боришлигинг. Домла «чорасизликдан» дедими? Йўқ, домла, сен тўғри айт: виждонсизликдан борилади. Дунёда одам ёлғиз қолиши мумкинми? Бола-чақаси ўлиб кетган бўлса, ёки қарамай қўйган бўлса, ошна-оғайнилари ҳам қолмайдими? Мен бу хунасага кунда бир коса овқат топиб бера олмайманми?

– Гап овқатда эмас.

– Энди тўхта, домла, – деди Мирҳосил. – Сайрасам сайраб олайн: қайси бир йили райком Сотволдига текинга мошин бермоқчи бўлди, эсларингда, а? Ҳаммамиздан кўра Сотволди ҳақлироқ эди. Ордени ҳам кўп эди. Омма олмади ўша текин мошинани. Гаплари эсларингдами: «Мен етим ўсганман, етимлик нималигини биламан. Давлатнинг сағирлари бор, шу мошиннинг пулига сағирларини яхшироқ боқсин. Урушдан тирик қайтишимнинг ўзиёқ менга бир бахт. Мен текин мошин оламан, деб уришмаганман. Урушда жонимни сақлаб қолган Худо пешона теримга ҳам бирон нима берар», деган эдими? Ҳа... омма... ўша мошинни сен олдинг, Шалпангқулоқ. Олдинг-у «Ўғлим билан яшайман», деб шаҳарга жўнавординг. «Қишлоғимиздан битта олим чиқибди», деб индамадик. Ўғлингга ота эмас, ўша мошин керак эди.

– Ўша мошин турибдими ё сотиб юбордиларингми? – деб сўради Турғун пичинг оҳангида.

Шожалилга бу савол кутилмаган бўлгани учун сал доддиради:

– Тур...гандир... Ҳа, турибди, неварам минади.

– Турган бўлса яхши. Чўтир, ўғлини ўша мошинга қамаб ёқиб юбориш керак.

– Суф-е, гап деб гапироврасанларми! – деди Мамасоли аччиқланиб. – “Сотволди”, дейсанлар, “виждон”, дейсанлар... Сотволди тирик бўлганида бунақа кариллай олмас-

диларинг. Оғизларингни ўзи ёпибла қўярди. Сотволди ўлиб кетди, Пўлат бу ёқда. Тахт сенларга қолдими энди? Пўлат ҳам ўтгудай бўлса, Чўтир, жўрабошилиқ сенга қолади, ана ўшанда истаганингча кариллайверасан.

– Совуқ нафас қилма, нега мен жўрабоши бўларканман?

– Буни қўрқитма, Сўфи, қарагин, Азроил нуқул жўрабошиларга ёпишяпти, – деди Обид. – Жўрабошилиқни олса, орқалаб жўнавормасин. Ке, қўй, чўтир бўлса ҳам юраверсин орамизда.

– Бўлди, нафасларингдан муз чиқиб кетди.

– Хўп, гапимнинг «берди»сини айтволай, кейин гапирсам тилимни суғуриб итларга ташлаларинг.

Уларнинг тортишувини диққат билан эшитиб ўтирган Тўлқин “бу тилни ейдиган ит ҳам ўладиган бўлди”, деб қўйди. Паст овозда гапирган бўлса ҳам, Мирҳосил эшитди, лекин чалғимаслик учун унга жавоб қайтармади. Ўқрайиб қараш билан кифояланиб, гапини давом эттирди:

– Бир куни Сотволди бозорга тушиб сабзи олиб чиқибди. Хотини қараса, бу сабзини мол ҳам емайдиганмиш. Хотини «Нега ириган сабзи олдингиз?» деса, «Ахир мен олмасам бошқа ҳеч ким олмайди-да», дебди.

– Боқча қурилишини айтгин, – деб уни қувватлади Турғун. – Хотини овқат қилиб қўйса, қурувчиларга олиб чиқиб берарди.

– Ўзинг айт, Қулоқ, сен шундай қила олармидинг?

– Ўзларинг-чи?

– Биз ҳам қилолмасдик. Шунинг учун Сотволдининг виждонини гапирсак, сен тек ўтировур.

– Шожалил, сен бу ошналарингдан ранжима. Бу партизанларнинг қўлларига милтиқ бериб «От!» дейилса бас, «Кимни отай, нимага отай?» деб суриштирмасдан тепкини дангал босиб юборишовради. Ўғлингни «осамиз, ёқамиз» дейишлари бекор. Ўғлингда айб йўқ.

Шокирнинг бу гапи Шожалилга мойдек ёқиб, чехраси сал ёришди:

– Ҳа, гапир, домла, гапир. Бу пандовақилар нима дейишаётганларини ўзлари ҳам билишмайди. Гитлерга ҳам беш кетмайман баъзан. Шунча уруш қилиб, шунча пул сарфлаб, шу икковига қолганда иккитагина ўққа хасисслик қилса-я! Иккови тузукроқ бўлса ҳам майли эди: биттаси чўтир, биттаси буқоқ. Бир кўрсам кўнглим айниб, ўн кун овқат еялмай юраман.

Турғун «Оляпти-ку!» деган маънода Мирҳосилга им қоқиб, жавобни ҳаяллатмади:

– Одамнинг тузуки сенсан. Телевизорда ишшайиб туриш сенга ярашади.

– Бекор гап, ишшайганим йўқ.

– Мирҳосил, ишшаймаганмиш, ўзинг айт.

– Тўғри айтяпти, ишшаймади, омма қулоқларини локатордай қилиб турди. Буни кўрган одамлар «нима бало, мучали эшак эканми?» деб юришганмиш.

Шожалил булар олдида паст келса, барака топмаслигини билгани учун теппа-тенг олишишга аҳд қилиб деди:

– Эш-шак деб сенларни айтса бўлади. Бир-бирларингни кўрсаларинг ханграшди бошлайсанлар. Ҳа, домла, қўй буларди, нима деятувдинг?

– Ўғлингда айб йўқ, дедим.

– Эшитиб қўйларинг, ҳов...

– Ҳа, ўғлингга даъво йўқ, ҳамма айб ўзингда! – Шокиринг бу гапидан кейин Шожалил бир бўзарди. Унга осилаётган икки ошна юзларини мамнунлик ели силаб ўтди. Шокир бу ўзгаришларга парво қилмай давом этди. – Сен энг аввало бола тарбиясида янглишгансан. Биз ёшларни ёмон дейишга ҳақли эмасмиз. Улар қандай ёмонликни одат қилишган бўлишса, осмондан эмас, ўзимиздан олишган-ку? Улар бизлардан яралдиларми, ахир, одобни, яшамоқ тарзларини бизлардан ўргандиларми. Осадиган бўлсак аввал ўзимизни осайлик, ёқадиган бўлсак аввал ўзимизни ёқайлик. Агар ўғли ёмон бўлса, фақат Шожалил эмас, мен ҳам, сенлар ҳам айбли. Ошнаимиз, деймиз, ака-ука-

миз, деймиз, оғиз-бурун ўпишамиз, маза- бемаза ҳазиллар қиламизу жиянимиз қандай ўсяпти – билмаймиз. Билмай туриб осамиз, ёқамиз, деб ваҳима қиловрамиз.

– Домлажон, сен осмондан туриб гапирма, эсингдами...

– Турғунбой, қўй ошнажон, вақт кўмиб юборган нарсаларни кавлаб чиқарма. Бўлар иш бўлган. Қариялар уйида беш-ўн кун ётгандир. Мана, бурнига сув кириб, қайтиб келибди. Ўзининг уйида яшовради, сенларам ўша бир коса овқатларингни чиқароврасанлар.

– Чўтир, каллага зўр фикр келди, – деди Обид мактаб боласи каби қўл кўтариб.

– Қайнисинглимни бунга тикиштира. Мен энди бунга божа бўлишдан орланаман.

– Яна итга божа бўлмоқчимисан?

– Боз, жуда ўхшатиб топдинг, – деди Шожалил. – Бунга одам зоти эл бўлолмади.

– Яна бошляпсанларми! Қани, турларинг, маза-бемаза гаплар айтовриб, исқиртларинг чиқиб кетди. Шом кирмасидан сойга тушиб, бет-қўлларни ювайлик. Енгил тортамиз. Бирга намоз ўқисак, Пўлатни дуо қилсак савоб бўлади.

– Э, бормисан, Сўфижон, индамасанг буларинг дунёни дўзахга айлантириб юборишади, – таклифдан мамнун бўлган Шожалил биринчи бўлиб жойидан жилди.

Бармоқ излари ҳар хил бўлганидек, туйғулар ҳам бир хил эмас. Шунга қарамай, бу улфатларнинг қалблари меҳр занжири билан боғланган, занжир ҳалқасини фақат ўлимгина узиши мумкин эди.

Мирҳосил ҳам туриб, сўридан тушди-ю, аммо уларга эргашмади.

– Юрмайсанми? – деди Мамасоли.

– Мен сенларга ўхшаб ювуқсиз эмасман. Менинг бет-қўлларим топ-тоза.

– Бунинг бетларини ҳалиги... божалари ялаб қўйишган, – Обид кулганича ўчоқбоши томон юрди.

– Шунақанги ҳафсала билан ялашган-ки, яловриб-яловриб арининг уясидай ўйдим-чуқур қилиб ташлашган.

– Вей, Қулоқ, сенга аския айтишди ким қўйибди, сен сойингга тушовур. Орол денгизидай келадиган қулоқларингни ювишга бу сойнинг суви етармикин?

Мирҳосил шундай деганича сўри яқинида ёлғиз ўзи қолди.

Оқшом уфқ ортига аста судрала бошлади. Кечки шабада умри тугаётган баргларни тортқилаб шивирлайди. Гўё бу барглар видо қўшиғини айтишади... “Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ”, деганларидай Мирҳосил табиатнинг бу ажиб манзарасига парво ҳам қилмайди.

– Мирҳосил, сенам тушсанг бўларди, сал ҳовуринг босиларди. Бугун чап томонинг билан турганмисан, одам зоти кўзингга хунук кўриняпти, – деди Тўлқин.

Мирҳосил нишини кимга санчишни билмаётган гаранг ари ҳолида турганида Тўлқин тилга кириб, бу нишга ўзи рўпара бўлди:

– Одам зоти дедингми? Йўқ, адашдинг, – деди Мирҳосил унга яқин келиб. – Одам зоти кўзимга ҳечам хунук кўринмайди. Омма одам кепатасидан чиққанларга тоқатим йўқ. Биринчи галда сенга, Тўқим. Феълимнинг айниши учун чап томоним билан туришим шарт эмас, сени кўрганимнинг ўзи етарли.

– Ҳадеб кариллайверма, сенга ёмонлик қилмаганман.

– Агар Пўлатнинг ўрнига мен қамалганимда, қутулиб чиққан кунимоқ сени бўғардим. Пўлатни олиб кетишганда, рости, сени ўлдирмоқчийдим, шу боллар йўлимни тўсишди.

– Ўлдировурсанг бўларкан, мени бу азоблардан қутқарардинг. Бир лаҳзалик кўрқоқлигим учун Худо мени бир умрга жазолади.

– Сен ўшанда ўлимдан кўрқдингми?

– Йўқ... – Тўлқин чуқур уф тортиб сукут сақлади. Кейин аламли овозда деди: – болаларимнинг етим қолишидан кўрқдим.

– Иккови бир эмасми?

– Мирҳосил... сўкасанми, урасанми, ўлдирасанми, майли, ҳаққинг бор, сендан ранжимамайман. Сен-ку, сен... мен ўзимни ўзим кечиролмайман. Қанча тунларни уйқусиз ўтказаман. Ҳеч кимга билинтирмай... йиғлайман. Пўлат чиқиб келганда сенлар қувондиларинг. Уни эсон-омон кўриб шодландиму омма сенларга ўхшаб сиртимга чиқара олмадим. Кўкрагимни муздек ерга бериб ётдим. Ер шундайгина ёрилса-ю, бағрига ола қолса, дедим.

– Хоинлардан ер ҳам безор, бағрига олмайди.

– Безорми... барибир олади бағрига.

– Шармандалик юки билан кирасан. Урушда пошистлар «Бу – партизан», деб тахтага ёзиб, бўйнига осиб қўйиб кейин отишган. Агар мендан олдин ўлсанг, уйингга бориб, кафанингга «Бу – хоин» деб ёзиб қўяман.

– Чўтир, бунчалик бешафқат бўлмагин. Ҳар ҳолда биз бегона эмасмиз. Бутун умрим хоинлик билан ўтмади-ку? Бир мартагина адашдим.

Адолат ғалабасини кутиб, тутаб-ёниб битгандан кўра, тил қиличи билан ҳамла қилишни аълороқ деб билувчи Мирҳосилга ошнасининг илтижоси мутлақо таъсир қилмай, давом этди:

– Замон ўзгаргани учун хоинлик қилмай қўйдинг. Сталин ўлмаганида бу ҳунарингни гуллатоврардинг. Эридан яшириб бир марта ўйнашга борган хотин кейин мазахўрак бўлиб қолади.

– Болалигимиз ҳурмати, бунчалар бешафқат бўлма, ошнам.

– Болалагимизни тек қўй. Болалигимиз оппоқ дастурхондай бўлиб қолган. Энди ифлос оёғинг билан босма уни.

Мирҳосилнинг кескир қиличдай сўзларига кўникиб кетган Тўлқин жавоб қайтармай, соғинч оҳангида, худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай деди:

– Мен кўп эслайман. Кўчаларда соққа қувишларимиз...

– Ўша ўйинда ҳам ғирромлик қилардинг.

– Унда ҳаммамиз ғирромчи эдик. Омма дилимиз беғубор эди. Сен чечак билан оғриганингда энанг «юқиб

қолмасин», деб бизларни ҳайдардилар. Биз барибир ёнингга келовардик. Буқоқ сариқ билан оғриганида...

– Ҳа, райсентргача опичиб олиб боргансан. Ҳали ҳам миннат қилиб юрибсанми?

– Миннат учун айтаётганим йўқ. Сариқни тузатиш учун қонни алмаштириш керак, деб эшитиб ҳаммамизнинг қон топширгани борганимизни эслатмоқчийдим. Қон эмас, жон дейилса жонимизни ҳам топширардик ўшанда. Шунақа ахил эдик, беғубор эдик... оппоқ дастурхон дега-нинг ўринли.

– Биз ҳозир ҳам шундаймиз. Фақат сен бўлакчасан.

Ўзаро гап талашаётган қариялар айна чокда гўё дарё-нинг икки соҳилида турарди, аммо умрлари бир дарё су-вида оқиб бораётганини, мавжлар елканлари титилиб кет-ган кемаларини бир манзилга етказиб боражагани ўйлаб кўришмасди. Тил захридан юраги яраланган Тўлқин чуқур уф тортди-да ҳазин оҳангда давом этди:

– Бўлакча эмасман. Ҳозир Пўлатнинг ўрнига жонингни бер, дегин...

– Қўй, Тўқим, жонинг ўзингга буюрсин. Бунақа мард-ликни ёшликда қилиш керак. Эрта-индин ўладиган жо-нинг кимга керак?!

– Қаҳринг мунча қаттиқ, Чўтир? Мусулмон мусулмон-нинг айбини уч кундан кейин кечвориши керак экан.

– Шунақа гапларни ҳам биласанми? Сўфи ўргатдим, дейман? Сўфидан сўра-чи, хиёнатчи ҳам мусулмонга ки-рармикин? Хиёнатчини уч кун кечиришмас, уч кун ичида ўлдирвориш керак.

– Хиёнат деёвриб ҳам жонимни олдинг-да!

– Уч кундан кейин кечириш керак, деб мана бунақа, – Мирҳосил Тўлқиннинг кўзи ожизлигини унутиб, нарди ўйнаётганларни ишора қилди, – ёшларди расвои жаҳон қилдиларинг. Дўстни сотвориш буларнинг ош-овқати бў-либ қолди. Ким нима деса деёурсин, менинг гапим битта: хиёнат сира кечирилмаслиги керак. Хиёнатчиларнинг мо-

зорини ҳам бўлак қилиб қўйиш керак. Ўтган-кетган шу мазорга қараб тупуриб ўтсин. Сен дўстга хиёнатни кичкина гап деб ўйлаяпсанми? Йў-ўқ, Тўқимбой, бугун дўстга хиёнат қилган эртага Ватанини ҳам сотворади. Индинга Худони бозорга солишдан ҳам қайтмайди.

– Сен кечирмасанг кечирмагину омма мени унақаларга тенглаштирма. Орадан эллик йил ўтди-я!

– Ана кўрдингми, сенсиз эллик йил улфатчилик қилибмиз. Сенсиз яна эллик йил бемалол яшашимиз мумкин экан.

– Ҳа... тил сеники, гапиравер, ошнам. Йиллар бўйи дилимни оғритаверишингга кўникиб қолганман, аммо, улуг ёшга етиб феълинг ўзгармаганига ажабланаман, холос.

Қатлама йиллар оралиғига ўтмиш хотиралари чўкиб кетгандай бўлгани билан қат-қат кунларнинг орасида нақшланган излар ўчмайди. Ўтиб кетган вақт ғилдирагининг поёнсиз чуқур изидаги афсуслар ҳам ўчмайди... Довулли кунлар ўтади, зулмат тунлар ҳам ўтади, бироқ, излар мангу қолади. Тўлқин буни билади. Билгани учун ҳам бу ошнаси билан астойдил олиша олмайди...

Мирҳосилнинг сойга тушмай қолишидан мақсади Тўлқин билан гап талашиб эмас, унга айвондаги йигитларнинг ўтириши ёқмаётган, иложи бўлса уларни йўқотишни фикр қилган эди. Тўлқин билан гаплаша туриб у томон дамо-дам қараб, фикри қатъийлашди. Кейинги гапини гапира туриб, уларга баралла тикилиб қолди.

– Тўқим, сен минғирлаб, мен бақириб, барибир муро-сага келолмаймиз. Тек ўтировур. Сиқилиб кетаётган бўлсанг, уйингга жўна. Келганингни Пўлатга айтиб қўярмиз.

Тўлқин унинг талабига жавоб бермади. Даҳанини асога тираб ўтираверди. Мирҳосил эса қандай чора кўришни билмай тикилганича туриб қолди. Гамлет унинг бу туришидан хавотирланиб, соатига қараб олди:

– Вақт бўлиб қолибди. Ну, нима қилдик, Жокер, старё кетадиганга ўхшамайди.

– Қўявер. Буларнинг ўтириши менга ёқпти, – деди учинчи йигит, – мент адашиб келиб қолса, буларни кўради-ю, бу ёққа ўтмайди. Кечаси билан ўтиришса ҳам майли.

Жокер унинг гапини қувватлади:

– Менам шунақа деяпман.

– Эсингдан чиқарма, – деди учинчи одам Гамлетга тик боқиб. – бошқа нарсаларга алахсимамай, оқ қўлқопнинг бармоқларидан кўзингни узмайсан. У қишин-ёзин бекорга қўлқоп киймайди. Бармоқларини аяйди, хунаса. Бир балони сезади бу бармоқлари. Агар ютадиган бўлса, индама, ютаверсин. Лекин катта тушма, ҳовлиқма, – Гамлет “маъқул” ишорасини қилгач, у Жокерга қаради. – Одамларнинг тайёрни?

– Тайёр. Ўша бурилишда кутишади. Пишиқлаб қўйганман.

– Ўлдириб қўйишмасин тагин. Пулни олиб, панжасини эзиб қўйишса бўлди, а?

– Худди шунақа бўлади. Аввал сизни сал-пал папалашади, кейин унга ўтишади.

Ҳоз юриш билан яқинлашаётган Мирҳосилга кўзи тушган Гамлет шерикларини паст овозда огоҳлантирди.

– Полундра! Старё келяпти, – шундай дегач, қўлидаги тошни тахта устига ташлади-да, овозини кўтарди: – Ваҳ! Олтига-олти! Бўлди тамомсан, йиғиштир, – худди Мирҳосилнинг яқинлашганини тасодифан кўриб қолгандай у томон қаради: – Келинг, бобой.

– Вей, «бобой» деганинг нимаси, а? Танглайингни қайси татар домла кўтарган. Боя бир айтдинг, индамовдим.

– Энди бу модний-да, бизлар городской бўлсак...

– Э, городскойингга урайин сени.

– Қани, бобой, ўтиринг, плиз, – деб учинчи йигитнинг ёнидаги бўш ўринни кўрсатди.

– Яна «бобой» дейди-я!

– Тоға, бу боланинг тилини қарға чўқиган, парво қилманг, ўтиринг, пича дам олинг.

– Ҳа, тоға, плиз, чой чақирайми, ё оқсоқолдан юзтаги-на оласизми? Бел бақувватми, чоғингиз келадими биз билан олишга.

– Чоғимми? – Мирҳосил қошларини чимириб, унга ғазаб билан тикилди: – Уйда мишиғингни отанг артармиди ё ўзинг артадиган бўп қолганмидинг? Қани, қуй-чи. Тўлдириб қуй, ҳа. Энди ўзингга қуй. Қани, отдик! – Бир кўтаришда ичиб, “куф” деб қўйди-да Гамлетга қаради: – Ҳа, омайсанми?

– Биз бунақа дикийчасига олмаймиз. Бўлиб-бўлиб оламиз. Ичишнинг ҳам култураси бор.

– Э, културангга урайин сени, оласанми ё йўқми?

– Гамлет, арининг уясини кавлаб қўйдинг, ол энди, гапингга отечат қил, – деди учинчи йигит шеригига танбех бериб.

Гамлет норози қиёфада афтини буриштириб қўйиб, пиёлани кўтарди. Ичаётиб қалқиб кетган эди. Мирҳосил заҳарханда қилди:

– Иликларинг бўш сенларнинг. Биз Ленинград қамалидан чиқаётганимизда...

– Бобой, бобой, пожалуста, политикани қўйинг. Биз отдихга келганмиз, – деди Гамлет лабини кафти билан арта туриб.

– Шунақами?! – Мирҳосил ғазабини яширмай, унга қаттиқ ўқрайди: – бўлмаса яна биттадан қуй.

Гамлет Мирҳосилнинг пиёласига қуйиб, ўзиникини сал четга сурди, унинг бу қилиғи қарияга ёқмади:

– Ўзингга-чи?

– Мен пас, ичмайман.

– Ичасан.

– Зўрлашни закўн кўтармайди, бобой, э, узр, тоға.

– Баққа ол! Э, йигит бўлмай кет сен!

Шишани тортиб олиб, Гамлетнинг пиёласига тўлдириб қуйиб узатди. Гамлет бўйин товламоқчи эди, учинчи йигитнинг бош чайқаб қўйганини кўриб, ноилож олди. Мирҳосил унинг ичишини кутмай, гапини давом эттирди:

– Биз Ленинград қамалида неча кун бўлганмиз, биласанми? Билмайсан. Оч қолганларимизни ҳам билмайсан.

– Илтимос, тоға, политикани тўхтатинг. Терпением до предел бўлди.

– Мен сенга Ленинград қамалини гапиряпман!

– Менга бу политика абсолютно керакмас.

Гамлет илкис айтиб юбормади, билиб гапирди. Ўйинлардан тинкалари қуримай, ишратлардан безмайдиган, овозларидан ҳеч маҳал ҳорғинлик сезилмайдиган бу йигитларни уруш фожиалари, одамларнинг аламли тақдирлари мутлақо қизиқтирмас эди. Бу лоқайдлик, бу бемехрлик билан муроса қила олмайдиган Мирҳосилнинг вужудини ғазаб алангаси қамраб олди:

– Шунақами?

Ғазаб ўтида қоврила бошлаган Мирҳосил кўлидаги ароқни унинг башарасига сепди-да, пиёлани стол устига ташлаб, шу заҳоти йигитнинг ёқасига чанг солди. Йигит ўзини ҳимоя қилишга улгиролмай ҳам қолди:

– Пошистни қандай бўғганимни кўрсатиб қўяйин, кейин биласан, ниманинг абсалутна керакмаслигини!

Гамлет қариянинг чўяндай қаттиқ чангалидан қутулишга уриниб, типирчилай бошлади. Жокер эса “Ўлдириб қўймасин!” деган хавотирда Мирҳосилни қучоқлаб олиб, четга тортмоқчи бўлди. Учинчи йигит қариянинг биллагига осилди. “Бу оламнинг зўрлари бизмиз” деб керилиб юрувчи уч йигитнинг ҳаракати бу қарияга чивиндай ҳам таъсир қилмади. Чойхоначининг ёрдамга келиши ҳам фойда бермади. Агар сойдагилар чиқиб келиб, аралашишмаганида типирчилаётган йигит масаласи ҳал бўлиши аниқ бўлиб қолган эди. Ғазаб оташида ўзини йўқотган Мирҳосил уни худди фашистни бўғгандай бўға бошлаган эди.

Мирҳосилни ажратиб олишгач, уч йигит шошганича ичкарига кириб кетди. Мирҳосил ҳам улар кетига тушмоқчи эди, ошналари бўшатишмади. Қафасдаги шер ҳолига тушган қария аламини кимдан олишни билмай, кўрқувда турган чойхоначига қараб заҳрини сочди:

– Сен хунаса, самоворхонани шунақаларга макон қилиб қўйдингми? Мен ҳали буларди уруғларини қуритаман.

– Ундай деманг, тақсир, ким келса самоворхонанинг эшиги очик. Дам ундай, дам бундай одамлар келишади-да.

– Ҳе ўша очик эшигингга...

Мирҳосил бўралаб сўкишни бошлади-ю, авжига чиққанида бирдан тўхтаб, кўча томон қараб қолди. Бошқалар ҳам ўша томон ўтирилишди. Адолат билан Телманнинг кириб келиши барчаларини хайратга солди. Шифохонага қараб бораётган Адолат қарияларга кўзи тушиб, чойхонага бурилди. Уларга яқинлашиб, гўё ниманидир текшираётгандай бир-бир қараб чиқиб, кейин саломлашди:

– Салом, йигитлар.

– Ие, Адол, ўзингмисан? – деди Турғун ажабланганини яширмай.

– Ҳа, ўзимман.

Қисқа саломлашишдан кейин орага тушган сукутни Шожалил бузди, Адолат томон бир қадам ташлаб, қўл узатди:

– Салом, яхши қиз. Келинг, нечук?

– Пўлатнинг тоби қочиб қолганмиш, деб эшитдим.

– Шунини эшитиб атай шаҳардан етиб келдингми, а? Қайдан эшита қолдинг? Биз шу қишлоқда туриб энди билдик. Сен шаҳарда туриб эшитибсанда, а? Манов ким, ўғлингми?

– Ҳа, ўғлим, танидингми?

Даврага яқинлашган ўғилнинг олазарак нигоҳи йигитлар қолдириб кетган шишага тушиб, қотиб қолган эди.

– Танишга танидим, омма ўғлинг соқов бўпқолганми, дейман?

– Нега? Ҳа... Телманчик, амакиларинг билан дарров саломлаш.

Телман кўзини шишадан узмай “Салом”, деб қўйди. Турғун норози нигоҳини йигитдан узмай яна сўради:

– Адол, бу кимнинг ўғли?

– Меники, дедим-ку?

Телман бу савол-жавобга аҳамият бермай, даврани чет-лаб ўтиб, столга яқинлашди-да, пиёлага ароқ қуйиб ичиб, ўриндиққа ястаниб ўтириб олди. Бу қилиқдан ғашланган қарияларнинг ҳар бири унинг бетига шапалоқ туширишга тайёр бўлса-да, ўқрайиб қўйиш билан чекланишди. Турғун ғазабини ичига ютиб, бошлаб қўйган савол оқимини давом эттирди:

– Ҳа, энди ярми сеники экани аниқ, қолган ярми-чи? Отаси ким, дейман?

– Ҳа, энди билмай қолдингми? – деди Адолат чимирилиб. – Отаси – Пўлат!

– Бунинг туғилганида Пўлат қамокдамасмиди? – деди Шожалил.

– Яна эски пахтани чувяпсанларми? Ўзинг ким бўпсан-ки, сенга ҳисоб берсам? Пўлат қамокдалигида уни икки марта бориб кўрганман. Боланинг отаси кимлигини ўзи яхши билади.

– Тўйда туғилган болага – “Тўйчивой”, йўлда туғилганга – “Йўлчивой” деб исм қўйилади. Унда сеники “Турмавой” бўлиши керак эди. Ҳали ҳам “Телман” деб юрибсанми?

– Қариганингда сассиқ чол бўласан, дердим, янглишмаган эканман.

Ўчокбошидаги ишини тамомлаган Обид Адолатни кўриб, шу томон юрди. Аёлга яқинлашмаёқ гапини бошлаб юборди:

– Адол? Ўзингмисан, Адол? Вой-бў... адо бўлай дебсан-ку, Адол? Юзингни торттириб турардинг, нима, пул қолмадими? Сен бунақа юрма, ўзингга қара. Қанақанги жонон эдинг-а!

– Тўғри айтасан, Обид, – деб гапга қўшилди Шокир. – гўзал қариса бир фожа, амалдор гўзал қариса минг фожа. Бечорага қийин: ҳам чиройдан, ҳам амалдан ажраган.

– Ў, домла. Шунинг ўзи бўлса гўрга эди. Жонон эридан ҳам ажраса-чи?

Шокирнинг ўрнига Шожалил жавоб берди:

– Баттар бўлсин...

– Эрни қўёвур, ўйнашлардан ажрагани чаток.

Адолат кўзларидан нафрат учқунларини чақнатиб, худди уриб юборишга қасд қилгандай Турғунга рўпара бўлди:

– Буқоқ, сенга ким қўйибди фалсафа сўқишни, бас қил!

– Адол, бу ёққа қара-чи, – деди Мирҳосил. – Тўқимни танияпсанми, қара, якка мохов бўлиб ўтирибди. Сенинг ўйнашингни деб ошнасини сотган эди.

– Ўйнаш деган гапни сен аҳмоқлар ўйлаб топгансанлар. Ҳеч қачон ўйнаш бўлмаган менда. Тозалигимни Пўлат билади. Сенлар сасишдан бошқани билмайсанлар.

– Пўлат шу кунгачадовур сени бизга тоза деб келди, – деди Турғун. – Биз ҳам унинг кўнглига қараб «Хўп», дедик. Омма у валдирайверади. Ҳар биримизнинг кўзимиз бор, қулоғимиз бор, фаросатимиз бор. Майли, ўтган иш ўтди, тоза бўлсанг тозадирсан.

– Менга қара, Адол, ўғлинг адо бўпти-ку? – Обид шундай деб Телманга қараб кулди.

Адолат ўғлига яқинлашиб, елкасидан ушлаганича силкиди:

– Ҳа, ичмай ўла-а, шу ерда ҳам искаб топдингми?

– Йигитнинг насибаси кўчада бўлади, мамул, – деди Телман шодонлик билан.

Адолат ҳаракати самарасиз эканидан афсусланиб, Обидга қаради:

– Мени шу куйдириб қаритди.

– Уйланганми, бола-чақа борми?

– Шунга ким тегади, ким чидайди?

– Мен уйланишни ваабше хоҳламайман, – деди Телман қўлини пахса қилиб.

– Сенга қийин бўлибди, Адол. Менга қара, сен бунақа юрма, эрга тег, – деди Обид унинг гапига ҳам, ҳаракатига ҳам парво қилмай. Мирҳосилга бу таклиф маъқул келиб, ошнасини қўллади:

– Боз тўғри айтяпти, ана, Тўқим ҳам бева, икковинг қоронғида топишадиган сортидансанлар.

– Бунга кўнмасанг, ана, Шожалил қулоқ ҳам ғирт бева, нима дейсан?

– Фу, сенлар эр бўлдиларингми ҳали?

– Ўҳ-ҳў, димоқ ҳали ҳам баланд-ку! – деди Турғун ошнасига қараб.

– Баъзилар шунақа кибрли бўладилар. Отдан тушсалар ҳам эгардан тушмайдилар. Омма лаҳадга эгарсиз кўйиладилар, – деди Мамасоли.

– Фу, гапинг қурсин сенинг.

Айтадиганини айтиб бўлган Обид ўчоқбоши томон шошилди. Турғун эса давом этди:

– Адол, қўёвур буларди. Шаҳарда чўрт-пўрт чоллар кўп, ўшаларга теговур. Омма сен бизга бир нарсани айт: хойнаҳой сен Пўлатни кўргани келмагансан. Бу сўлтама-тингни ҳам бекорга бошлаб келмагандирсан? Райсен-трада юрганингни кеча эшитганман.

– Эшитсанг нима бўпти? Мен қишлоғимни соғиниб келдим. Уйга борсам, қўшнилар Пўлатни касал, дейишди. Домланикига борсам, шаҳарда дейишди. Домла, ўқиётганмишсанми?

– Ҳа. Энди... сал чаласи боракан.

– Гапни бурма, – деди Турғун жеркиб. – Яна уйнинг дардида келгандирсан?

– Сенга нима куйкилиги тушди? Уй меники, хоҳласам талаб қиламан, хоҳласам тортиб оламан.

– Бекор айтибсан, бу уйнинг битта ғиштида ҳам ҳаққинг йўқ. Уй ҳаппаи-ҳалол Пўлатники. Биз ўлиб кетганимиздан кейин ҳам арвоҳларимиз сени бу уйга яқинлаштирамайди, билиб қўй.

– Адол, узоқроқ бўлса ҳам қариндошимсан, шунинг учун дангал бир гапни айтай, ранжима, – деди Шожалил. – Ўғлингнинг ароғига пул етмаётган бўлса биз берайлик. Сен кет бу ердан. Сен ошна-мизни бир марта хорлаган хо-

тинсан, энди хафа қилдириб қўймаймиз, ҳа! Касал одамга кўриниб, ярасини янгилама, кет Адол!

– Бекоргиналарни айтибсанлар! Уйга менинг ҳаққим бўлмаса, ўғлимнинг ҳаққи бор. Бекор келиб, бекор кетворадиган аҳмоқ эмасман мен.

– Адол, булар билан ўчакишма, тинчгина кета қол, – деди Тўлқин. – Мен эллик йилдан бери булардан кечирим сўрайман. Булар ҳам кечиришмаяпти, Худо ҳам кечирмаяпти. Сени ҳам Худо уриб қўйганга ўхшайди. Қариганингда қишлоқдаги уйни нима қиласан? Гўрингга орқалаб кетасанми? Кет, энди бу ерларга бошқа келмагин.

– Жинни бўлсан! Қишлоғимни кўришга ҳам ҳаққим йўқми?

– Энди сен бу ерларга бегонасан.

– Шунақами? Буни ҳали кўрамиз!

Шашт билан юрмоқчи эди, Мирҳосил чаққонлик қилиб, йўлига ғов бўлди:

– Қаёққа?

Йўлидаги тўсиқни бир зарб билан маҳв этиб ўтишга кўзи етмаган Адолат худди кўмак истагандай ўғли томон қараб олди. Шишанинг юқини томчилатиб қуяётган Телманнинг онаси билан мутлақо иши йўқ эди. Адолат чорасизлигини ошкор қилмаслик учун захарханда қилди:

– Мен Пўлатни кўришим керак.

– Шу ердан қайтасан. Ана, шеригинг ҳам ўтирибди, ўтолмай.

Телман онасидан кўз узмаган ҳолда ароқнинг юқини ичиб олгач, “Мамул нокаут”, деб кулди. Адолат бу ҳукмни эшитса ҳам, эътибор бермай, Мирҳосилни четлаб ўтмоқчи бўлганида Рихсини кўриб тўхтади. Рихси уни кўриб ажабланганича тўхтади, кейин ўзини қўлга олиб, оғир-оғир қадамлар билан юриб келиб, сал нарида тўхтаб салом берди. Бу ҳолатдан ажабланган қариялар чекиниб, икки аёлни бир-бирига рўпара ҳолида қолдирдилар. Бутунлай четга чиқишга ҳеч бирининг истаги бўлмади.

Адолат саломга алик олмай, Рихсига ўқрайганича турди. Бундан ғашланган Рихси унга тик қарамай, яна сўрашди:

– Адолат опа, келинг...

– Сен ҳам шу ердамидинг? Ҳа... қаерда ҳам бўлардинг...

Бу қопағонларни сен боғлаб қўйган экансан-да?

– Унақа деманг, яқингинада эшитиб келишди.

– Пўлатга нима бўлди?

– Юраклари сал...

– Унда юрак борлигини иккинчи марта эшитишим. Бир марта сен юрагидан урувдинг. Мана энди юрагининг мазасини қочирибсан. Нима қилиб қўйдинг ўзи? Ахир сен...

– кўзларини сузиб қараб, пичинг оҳангига ўтди: – яхши хотин эдинг-ку? Тузукроқ қарасанг ўлармидинг?

– Худо берган дард-да, мен нима қила олардим?

– Мени қўйиб сенга уйланса, худди минг йил бахтиёр яшайдигандай эди. Тўкиб қўйибсан-ку? Мен шунақа бўлишини билардим. Шунақа ётганини кўришга орзуманд эдим. Ҳали бундан баттар хор бўлиши керак.

– Ёмон ният қилманг, опа, Худо сақласин.

– Ёмон ният ёқмайдими сенга, ўша пайтда мени ёмонотлиқ қилганларинг-чи?

– Сизни ёмонотлиқ қилмаганмиз. Ўзингиз... мени ўғрига чиқарган эдингиз.

– Тўғри, ўғри эдинг. Сен менинг энг ноёб нарсамни ўғирладинг: сен эр ўғрисисан.

– Йўқ, опа, мен ўғри эмасман. Сиз «ноёб нарса» деяпсиз. Пўлат ака нарса эмаслар. Лекин сиз у кишини нарса сифатида чиқитга чиқарувдингиз. Сизнинг эрингиз Пўлат ака эмас, амал столи эди. Оилангиз ҳам, болангиз, эрингиз ҳам мансаб эди.

– Валдирама. Тилларинг узайиб қолибдими? Сени ишга олиб, одам қилмаганимда юрардинг ўша йиртиқ калишингни судраб. Сен котиба эмас, айғоқчи эдинг. Мен ҳақимдаги ҳамма миш-мишларни сен тарқатгансан. Сени ўшанда қаматмай чакки қилган эканман. Қамокда чиришинг керак эди.

– Тепамда Худо бор. Шу ёшга киргунимча ҳам тилим-ни тишлаб яшадим. Сизга отилган таёқнинг бир учи Пўлат акамга тегарди. Шунинг учун кўрганларимни кўзларимнинг ортига яшириб қўяверганман.

– Бўпти, яхши, мен Пўлатни кўриб, гаплашишим керак.

– Дўхтурлар қўйишмайди. Улар рухсат берсалар ҳам мен қўймайман.

– Анави, – Телман томон бош ирғади, – Пўлатнинг ўғли, отасини кўришга ҳаққи борми?

– Ҳаққи йўқ. Шупайтгача отасини бир марта йўқламаган ўғил ўғилми?

– Отасининг остонасида бир жодугар бор эди, шунинг учун келолмасди.

– Шунақами?.. – Рихси оғир оғир нафас олиб, энди унга тик қаради. – Жодугар ҳали ҳам пойлаб ўтирибди, бекор келибсизлар.

Адолатнинг назарида бошидаги бахт тожини Рихси аёвсиз қўллари билан юлиб олиб, ўз бошига қўндириб олгандай эди. Шу боис нафратини сочишдан тийилмади. Қалби тош, меҳр чўғи ўчган, ақл шами ҳам жимгина ўчиб бораётган бу хотиндан яна нима кутиш мумкин?

– Яна бир қайтар: **жоду-гар!** Чиройли айтдинг. Сен чиндан ҳам жодугарсан. Эримни жоду қилиб олгансан. Пўлат фақат мени яхши кўрарди. Ёшлиқда берган кўнгилдан ҳозир ҳам кеча олмайди. Сен буни тушуна олмайсан. Сенга нафсини қондиришга бир эр бўлса бўлгани. Мен Пўлатнинг урушдан қайтишини кутдим, қамоқдан қайтишини кутдим... Балки кутадигани бор бўлгани учун ҳам тирик қайтгандир, а? Ўшанда қанча эр чиқди, тегмадим. Сен юлиб олганингдан кейин ҳам эр қилмадим. Чунки менда юрак бор, муҳаббат бор. Сен бунақа туйғуларни тушунмайсан. Сен эски калишини судраб юрувчи қолоқ бир хотинсан.

“Гиналарим кўз ёшларим сингари беҳудадир”, деб ҳисоблаган Рихси “Тақдирда бор экан-да, таънанинг фой-

даси йўқ”, деб яшашга кўниккан эди. Хавотирли юраги қалқиб турган онда Адолатга қарши гап айтгиси келди:

– Тўғри, опа, мен кўп нарсаларни тушунмайман. Ҳозир ҳам ҳайрон бўлиб турибман. Сиз ўзингиз ҳам ишонмайдиган гапга мени ишонтирмайсиз. Сиз учун эр ошиқча бир бўйинтуруқ эди-ку? Сиз эркинликни яхши кўрардингиз. Эсингиздами, ажрашганларингиздан кейин «Худога шукр, энди мен эркин қушман!» деб хохолаб кулган эдингиз. Сиз ўшанда учишга кўнгил қўйдингизу кўниш фурсатини ўйламадингиз. Сизнинг ичингиз афсус, надоматга тўлиб кетган, аммо ёрила олмайсиз. Сиз бу дунёда ҳамма нарсадан айрилгансиз. Аламингиз шундан. Чўкаётган одам хасга тирмашади, дейишади.

Рихси нозик жойдан тутди: ишқ фаслининг ўлчоқлик эканини билмаган Адолат чиндан ҳам ўша пайтлар ўзини ғоят масъуд ҳисобларди, ҳолбуки, умрини пуч хаёллар зиндонида ўтказаётган эди. Бу зиндон эшиги қулфлоғлиқ. Ёпиқ эшик остонасида иблис пойлоқчи эди. Ҳаёти бўм-бўш эканини фаҳм этмас, қулф очқичини топишга уринмасди. Пуч хаёллар зиндонидан озодликка чиққан хотинни нима кутади? Бахтиёрлик йўлини тўсиб қўйганликда айблаб, шум тақдирни лаънатлай-лаънатлай кун кўришми? Азобли охиратга дуч келганида ҳам, айбни бошқалардан қидириб юрибди. Умрини бекорчи ҳаваслар шамолида совуриб қариган хотиннинг қалби уйғонишига, меҳр чашмаси тошиб чиққанига ким гувоҳ бўлган?

Рихси шу пайтгача Адолат билан теппа-тенг олишмаган эди. Уни муте аёл, деб юрган Адолатга кейинги гаплар бетга сочиб юборилган чўғлардек таъсир қилиб, сачраб кетаёзди, унга қаттиқ тикилди: оч нигоҳи қорачиқларнинг ортига яширинган сирларни кавлаб олишга қасд қилгандай эди.

– Нима демоқчисан, Пўлат хасу, мен тирмашувчиманми? Бекор айтибсан. Қўрқма, эрингни сендан тортиб олмайман.

– Уйни-чи?

– Ха... сенинг ташвишинг шуми? Кўчада қолишдан кўрқяпсанми? Ақлинг балога етар экан-ку, а? Эримни тортиб олаётганингда нимани ўйловдинг? Уйли-жойли эр топиб тегсанг ўлармидинг? Менга уй керакмас. Лекин шу кераксиз ўйни сендан тортиб оламан. Кўчада хор бўлиб юришингни бир кўриш учун ҳам қайтариб оламан.

– Адашяпсиз. Уйсиз хотин хор бўлмайди. Вақтида бошқаларга меҳр-оқибат кўрсатмаган одам хор бўлади. Уйни сотиб олиш ёки сотиб юбориш мумкин, меҳр-оқибат сотилмайди, тиллага ҳам топилмайди. Яна оиласининг қадрига етмаган одам ҳам хор бўлади. Худога шукр, менинг оилам бор. Меҳр кўргизадиган яқинларим бор. Қаранг, ўзингиз билган шу улфатлар бизни кўчада қолдиришармикин? Сиз бу ўйни биздан тортиб олинг-чи, ўша дақиқада ҳаммалари уйларини бизга бўшатиб беришади. Сиз бизнинг хорланганимизни кўролмай доғда қоласиз. Бизга хорлик тилагунча Худодан сўранг, опа, ўзингизни хорликдан асрасин. Оила деган неъматни сизга ҳам насиб этсин.

– Мени эрга бермаган фақат сен қолувдинг.

– Оила фақат эрдан иборат эмас-ку?

– Бўлди, бас қил, ақлингни сақлаб қўй. Бошқа жойда асқотади. Қани, нари тур, мен Пўлатни кўриб чиқайин.

Рихси йўлни тўсди:

– Кирмайсиз, уйингизни олсангиз олинг, аммо дадасини ҳозир безовта қилмайсиз.

– Менинг бошқа гапларим ҳам бор.

Адолат шўрлик қалби шу аёл туфайли оёқ ости қилинган деб ҳисобларди. Ха, қалбини “шўрлик” дейиш ҳақиқатга анча яқин. Лекин бунинг Пўлатдан ажралганига ҳеч бир даҳли йўқ. Бу қалбда муҳаббат йўқ эди. Унинг шўри шундан... Буни билмайдими? билади! Фақат тан олгиси келмайди...

Икки аёл орасидаги гап олишувини давом эттиришда маъно йўқлигини англаган улфатлар изларига қайтиб, Адолатни ўраб олдилар.

– Ҳой, Адол, бўлди, хиралик қилма. Кет дегандан кейин кетовур-да. Дардинг уй бўлса, бор ана судга! Судни сотиб олиш қўлингдан келса, уйни ҳам оласан. Омма уйни бузиб, ғиштларини битта-битта ташиб кетасан, – деди Мирҳосил. Бу гап Турғунга маъқул келмай, уни қайириб ташлади:

– Хом гапларни айтма! Уйни бузармиш... Қани, қадам босиб кўрсин-чи! Ҳой, сен Адолмисан ё шоқолмисан, нимасан?

– Ҳали ҳам итликларинг қолмабди. Битта хотинни итдай талашдан уялмайсанларми?

Онасининг бу гапидан сергакланган Телман сапчиб туриб, унга яқинлашди:

– Мамул, ким итдай талаепти? Скази, лично ўзим гаплашаман.

– Хей майда қадам, бор, жойингга ўтир, яна яйиб қўймайин, – деди Мирҳосил.

– Как яйиб қўясиз? Мамул, сази...

– Фу, противний. Бор жойингга, сами разберемся.

– Мамул, ти толко сази, мен буларни как лепешка қилиб ташлайми?

Ўчоқбошидаги ишини тамомлаган Обид йигитнинг бу қилиғи камида бир шапалоқ ёки мушт билан сийланишини англаб “Телманжон, бу ёққа кел-чи, жигарим”, – деб чақирди-да, ўнг қўлида чойнакни кўтариб, чап панжасининг кўрсатгич бармоғи билан томоғини чертиб қўйиб, маъноли равишда имлади. Телман бу сирли имони дарров англаб, онасини ҳимоя қилиш учун турганини ҳам унутди-ю, ўчоқбоши томон юрди. Обиднинг қўлидан чойнакни олиб, қопқоғини очиб ҳидлади. Кейин бурнига ишонмай, жўмракдан симирди. Тўрт хўплам ютгач, чуқур нафас олиб, валинеъматига қараб мамнун жилмайди:

– Гап йўқ, братан.

– Шу таг-туғи билан сенга, жойингга бориб, тек ўтир, уқдингми?

Бу инъом топширилгандан кейин Телманга “тек ўтир” дейиш шарт ҳам эмасди. Шокир унинг ҳаракатини куза-

тиб, Обидга норози қиёфада бош чайқаб қўйгач, Адолатга юзланди:

– Адолат, сен амалдор хотин бўлганингни унут. Оддий хотин кепатасига туш, энди. Умринг ғирромчилик билан ўтди. Энди ҳалоллик таъмини ҳам татиб яшагин.

– Домла, буларнинг ичида тузукроғи сен эдинг. Ўйлаб гапиряпсанми? Мени ғирром дедингми?

– Ҳа, шунақа дедим. Буни ўзинг ҳам биласан, лекин тан олгинг келмайди. Ўнинчи синфда ўқиётганингда нима учун орден олган эдинг?

– Меҳнатимга яраша олганман. Пахтани яхши терардим.

– Яхши терардинг, лекин кунига уч юз кило термагансан. Сен учун териб беришарди.

– Сиёсат шунақа эди. Айб менда эмас. Домла, сен эскиликни титма.

– Сен ҳам ўпкангни бос. Сенинг дардингга бу ерда даво йўқ. Пўлатга учрашганингда ҳам ҳеч нимага эриша олмайсан. Уйни даъво қилсанг, «Ана, ол!» дейди. Шу ёшга етганида ким уй талашади, эсинг борми?

– Менинг бошқа гапим бор, бу ўғриларга.

– Ўғри? Нимангни ўғирлашди?

– Манови, – бармоғини Рихси томонга бигиз қилди. – эримни ўғирлади. Пўлат ёшлигимни ўғирлаган.

– Қўйсанг-чи, Адолат, булар ўғирлагани йўқ, ўзинг арзон-гаровга сотдинг.

Шокирнинг бу гапи чўғ устига сув сепгандай бўлди. Адолатнинг туташдан бўлак чораси қолмади. Пўлат қамалганида ҳижрон дардида сочларини юлмаган эди. Чунки юраги ўша йиллари гўё шароб тўлдирилган коса эди, энди эса эгасиз бўш ётоқ каби... Гоҳо равшан, гоҳо хира оламда дабдабалар мисли момақалди роқ каби ўтдию кетди.

Рўёбга чиқмас умидлар пўртанасига шўнғиган нодон бахтини топа олармиди?

Ўшанда Пўлат қалби эшигини очган эди, Рихси кирди ва тўлалигича эгаллади. Адолатга ўрин қолдирмади. Хиё-нати туфайли бу қалбни ташлаб чиққан Адолат энди дўзах эшигини қоқарми? Маъшукнинг ҳажрида интизорни ан-гласа эди, тили тавбага келар, сўнг умрида пича ҳаловат топа оларди.

Алҳол, ҳақиқат булар томонида бўлганидан кейин гап талашиб нимага эришар эди?

Адолатга мана шу чорасизлик исканжаси азоб бера бошлади. Сукутнинг давом этиши яхшилик аломати эма-слигини фаҳмлаган Шокир ҳукмини баён қилиб қўя қолди:

– Бўлди энди, ҳамма ўтирсин, бу ерда ғалва қилмайлик,
– сўри томон юра туриб Турғунга ўгирилди: – Обидга қарашиб юбора қол, ошни сузаверсин. Адолат, сен ҳам ўтир, ҳаммамиз ошни еб, кейин тарқаймиз.

Бу гап Мирҳосилга ёқмади:

– Сен ошни егину, манов икки моховни, олиб, ўзинг тарқайвер. Биз қоламиз.

Шокир “Бўпти, ошдан кейин гаплашамиз”, деб гапни қисқа қилди-да Рихсига яқинлашди:

– Биз билан ўтирасанми?

– Йўқ, йўқ бора қолай.

– Бир коса сузиб берсин.

– Вой, ош мумкинмас ҳозир у кишига.

– Насибадан қайтма, Пўлат емаса, ўзинг татиб кўрар-сан, дўхтирларга берарсан.

Шокир косага ош суздиргач, уни бир неча қадам куза-тиб бориб, секин сўради:

– Нимага чиққан эдинг, бирон нима бўлдими, яшир-май айтовур.

– Дадаси шу ерга йиғилганларингизни билиб, “чиқиб саломимни айтгин, “жўрабошилиқ амалини бошқага бера-диган аҳмоқ йўқ” деяптилар” деб алоҳида айтгин”, дедилар.

Шокирга шу жавоб кифоя қилиб, бошқа савол-га тутмади. Анча чўкиб қолган, оғир-оғир, бир-бир бо-

сиб узоқлашаётган аёлнинг изидан қараб ўйга толди: “у хок эмас, ғубор эмас, кул ҳам эмас, жони бор, ғамларини бировларга улашмайдиган тирик жон у. Рихси... ўтли ҳасратларининг фиғонлари қуёш ботгани каби, кечанинг сукутига ғарқ бўлиб кета олармикин?.. Бу муштипарнинг вайрона кўнгли умиди нима бўлиши мумкин?”

Катта лаган улфатларга, кичикроғи Тўлқин ўтирган сўрига қўйилди. Адолат уларга нафрат билан қараб тургач, иложсизлик билан Тўлқинга шерик бўлди. У томонда ўтирганларда ҳам, буларда ҳам иштаҳа йўқ эди. Ҳатто бақувват-бақувват ошалайдиган Мирҳосил ҳам чўқилаб-чўқилаб ўтирди. Ош устида ортиқча гап-сўз бўлмади. Мирҳосил чойхона томон қараб-қараб қўйиш билан чекланди. Ош-насининг авзойи чатоқлигини сезган Турғун уни кузатиб, сергак равишда ўтирди. Бир ўзи ўтириб зериккан Телман эса ўрнидан туриб дераза оша ичкарига қаради-да, Обид инъом этган чойнакни кўтариб эшикка яқинлашганда остонада чойхоначи йўлини тўсди.

– Ҳа, биродар, йўл бўлсин?

– Биз ҳам эркакмиз, братан, бир қўл тортамыз.

– Биродар, жойингизда тинч ўтировринг, – деди чойхоначи улфатлар томон хавотир билан қараб қўйиб. Остонада бошланаётган можарони кўриб, Жокер дик этиб ўрнидан турди-да, чойхоначини четга суриб, Телманга ўзи рўпара бўлди:

– Ҳа, акахон, тинчликми?

– Эркак, бир қўл ташлайман.

– Сизни ким чақирувди?

– Ким чақиради? Ти что, братан? Сен инсон ҳуқуқини поймол қилма. Ё ментмисан? Ким хоҳласа ўйнайди. Мен кимман, биласанми? Телман поркерни эшитмаганмисан? Бутун Тошкент мени кўрганда титрайди.

Жокер унинг “покер”ни “поркер” дейишидан кулиб, пичинг қилди:

– Пул борми, “поркер”?

Телман чўнтагини кавлай-кавлай онаси томон қаради:

– Мамул, бабки давай, ҳозир мен буларга сеанс бераман.

– Акахон, озгина дамингизни олиб туринг. Ўйин ҳали бошланмади.

– Как бошланмади? Ўзим кўрдим-ку?

– Кўрганингиз бошқа... бекорчиликда пирра ташлаб ўтирибмиз.

– Поркер ҳам бўладими?

– Бўлади, бошланганида ўзим чақираман. Қани, юзта-юзта отайлик.

– О кей! Менда пул бор. Анави ведма менинг мамулям, унда куча денег.

– Бўлди, дедим-ку, ўйин бошлансин...

Жокер Телманни қўлидаги чойнакни олиб, қўлтиқлаганича ҳозиргача ўтирган жойига қайтаргач, пиёлани тўлдириб ароқ қуйиб берди. Телман ичди-ю, лабини артишга ҳам ҳоли қолмай, бошини қийшайтирганича қотиб қолди. Жокер «қараб туринг» деган маънода чойхоначига имлаб, ўзи ичкарига кириб кетди. Сал туриб, чойхона томон уч киши ўтди. Ўтирганлар уларга эътибор қилишмади. Хавотири кучайган чойхоначи улфатларга икки чойнакда қайноқ чой келтириб, уларнинг нигоҳларида норозилик ифодасини кўрмагач, сал тинчиб, ўчоқбошига борди-да косаларга шўрва суза бошлади.

Ош ейлиб фотиҳа ўқилгач, Мирҳосил “энди кетасанми?” дегандай Шокирга қаради. Шокир бу қарашнинг маъносини англаган бўлса-да, жавоб бермади. Мамасоли нариги сўрига ўтиб, белбоғини жойнамоз қилиб, хуфтон назозини ўқиб олди.

Эски гаплар бошқа қўзғалмади. Бир-бирларидан аразлагандай камгап бўлиб қолишди. Мирҳосил бундай даврада ўтирса юраги тарс ёрилиб кетарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди, жойида бир-икки қимирлаб олгач, сўрининг юқори томонига сурилиб, ёнбошлади. Агар кимдир биров “бағритошсан”, деса, ранжийдиган, бироқ, инсон юраги

билан ўйнаб, озор бериб қўяётганини ўзи сира фаҳм этмайдиган бу одамни ўжарлик отидан тушира олиш ҳалигача ҳеч бирларига насиб этмаган. Турғун оёқларини узатиб, тиззаларини уқалай бошлади. Шу зайлда барчалари олдинма-кейин ўзларига мос тарзда жойлашиб, пинакка кетган пайтларида Пўлат кўринди. Ошналарининг аҳволини кўриб, сал берида тўхтади. Изидан келаётган Рихси атрофга аланглаб олиб, хавотирли овозда деди:

– Вой дадаси, дўхтирлар билиб қолишса, ҳамшира қизни ҳафа қилишади-я?

– Дўхтирлар уйғонгунича жойимга қайтиб ётиб оламан. Аяси, сен тушунгин, ошналаримни кўрмасам бўлмайди. Жуда-жуда соғиндим.

– Бир кунда-я?

– Сен бир кун дейсан, менга бир умр бўлиб туюляпти. Сен буларга қара-я, мени деб шу ерда ётишибди. Демак, мен чакана одам эмас эканман, а? Сен «қўрқиб кетдим» дейсан. Нимадан қўрқдинг? Ўлиб қолишимданми? Бе, шундай ошналарни ташлаб, хайр-маъзурни насиё қилиб кетсам инсофдан бўладими? Қиёматда кўришганимда «Ҳа, номард, шунчалик шошиб турганмидинг?» дейишмайдими? Аяси, сен балки ишонмассан, омма, ётганимда ошналаримни бир-бир кўрдим. Дўхтирлар мени «ўлди», деб ўйлашди. Омма, мен уларнинг ҳамма гапларини эшитиб ётдим. Ётишим ҳам ғалати бўлди: каравотдан шифтга қараб кўтарилдим. Дўхтирларнинг ишларини кўриб турдим. Кейин худди барг қўнгандай аста қўндим.

– Дўхтирлар ҳам қўрқиб кетишди.

– Жон чиқиш осон эмас экан, аяси. Борлиқ билан йўқлик масофаси узоқмас, ҳатто бир қадам эмас, фақат юпқа парда билан тўсилган, омма, ўша парда ортига ўтиш ҳам захмат экан. Биз бутун умр шу парда томон юрамиз. Бу бир чимилдиққа ўхшайди, аяси. Уй чиройли ясатилган бўлса ҳам, юрак шу чимилдиққа қараб интилаверади.

– Сизга аталган балоларга мен бошимни тутиб берайин.

– Ундай дема, аяси. Аввал мен кетай. Сендан кейин қолсам, жинни бўламан, хор бўламан.

– Обид ошнангиз хорлатиб қўймас.

– Тегишяпсанми ё жиддий айтяпсанми? Тегишиб ҳам айтма бунақа гапни. Кўктерақлик Саримсоқни ҳеч кузатганмисан? Остонасида афтодаҳол бўлиб ўтиради. Тирик ўликнинг ўзи. Хотинидан кейин шунақа бўлиб қолган. Мениям шунақа бўлишимни хоҳлайсанми?

Сўри томон шарпасиз юриб, Адолат билан Тўлқинга кўзи тушгач, хотинига ажабланиб қараб олди:

– Бу ким, Тўлқинми? Адолат... Буларнинг келганини айтмовдинг?

– Кўнглингизни хира қилгим келмади.

– Чакки ўйлабсан. Тўлқин билан орамизда гина-кудурат йўқ. Сен унинг ёшлигини билмайсан. Кимга ёрдам керак бўлса, биринчи шу югурарди. Бир марта сойга чўкай деганимда тап тортмасдан ўзини сувга ташлаган. Сузишни менчалик ҳам билмасди. «Ўзим сузишни билмайман-ку, буни қандай қутқардим?» деб ўйламаган ҳам. Балки Худо шу меҳри эвазига икковимизни қутқариб қолгандир, а? Лекин бир марта қўрқоқлик қилди. Балки кўзига болалари кўрингандир? Қўрқоқлик нима, биласанми? Касалликми? Шунақаси ҳам бор. Омма буни ки касаллик эмас. Унинг қўрқоқлиги – онгнинг бир нафасдаги хиралашуви эди.

– Ошналарингиз «Хизматига яраша Худо жазолади» дейишади.

– Ундай дема, аяси. Менга бир марта ёмонлик қилган бўлса ҳам, унинг бундай ҳолга тушишини хоҳламаганман. Қарғамаганман. Мен умрининг охиригача яхши яшаб, оқибатда бахтли ўлим топишини истаганман.

– Бахтли ўлим? Қизиқ. Ўлимнинг ҳам бахтлиси, бахтсизиси бўладими?

– Бўлади, аяси, бўлади. Оиласининг ҳузурида жон бериш, сўнгги сўзини айтиб ўтиш – бахтли ўлим. Изидан

лаънат тошлари отилмаслиги ҳам, одамларнинг яхшилик билан эслашлари ҳам бахтли ўлим. Шу қутлуғ, кенг дунёда кимнинг ўлгиси келади? Одамлардан мангу жудо бўлишни ким истайди? Мангу яшаш ҳеч кимга насиб этмаган, аяси... Аммо тирик қалбларга кўчиб яшамоқ мумкин. Мана шундай оқибат муҳим...

Шивир-шивир қулоғига урилдими ё ёмон туш кўрдими, Турғун чўчиб бош кўтариб, атрофига аланглади. Пўлатни кўриб, кўзларига ишонмасдан сўради:

– Пўлат, сенмисан?

– Менман, ошнам, менман. Ётовриб, юрагим торс ёрилай деди. Ошналаримни би-ир йўқлай, деб ўғринча чиқиб келовурдим.

Турғун шошилиб ўрнидан туриб, пастга тушди-да, ош-насини қучоқлаб олди. Улар кўришаётган онда бошқалар ҳам бирин-сирин уйғондилар.

Рўпарада сўлаги оқиб ялпайиб ўтирган Телман ҳаракатсиз...

Ичкарида қимор ўйини бошлаб юборилган...

Пўлат юқорига чиқишга унамай, сўри четига омонат ўтирди.

– Ҳа, ошнажон, нима бўлди? – деб сўради Шокир.

– Нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Назаримда у дунёга бориб келгандай бўлдим.

– У дунёга борган бўлсанг, энангди кўргандирсан, а? – деди Мирҳосил хушчақчақ оҳангда. Бунга жавобан ошналари, «ҳазилнинг ўрними?» деган норози қиёфада қарашди. Пайровни давом эттиришга ҳамиша ишқибоз бўлган Турғун эса имкониятини бой бермади.

– Ўзиникини кўришга фурсати бўлмабди, – деди томоғини қириб олиб. – Омма сенинг энангди аниқ кўрибди. Энанг нақ дўзах билан жаннатнинг орасида у ёққа- бу ёққа ўтаётганларнинг юзларига дон сочиб ўтирганмиш. Иккала томон ҳам чўтирга тўлиб бўпти. Борадиган бўлсанг, яккаланиб қолмайсан.

Бу жавоб Пўлатга хуш ёқиб хохолаб кулиб юборди. Унинг бу ҳузурланиши ошналарига таъсир қилиб, улар ҳам роҳатланиб кулдилар.

– Энди кулгидан ташқари айтсам, учиб юргандай бўлдим. Шу ердан ҳам учиб ўтдим. Рихси айтмаса ҳам, шу ердаликларингни билдим. Омма, бу ердан учиб ўтаётганимда ҳали етиб келмаган эдиларинг.

– Ҳа, учиб бўлгунингча ҳаммамиз етиб келдик. Чақирилганлар ҳам, чақирилмаганлар ҳам, – Мирҳосил шундай деб Тўлқин билан Адолатга ишора қилди.

– Ҳосил, ўша учиб юрганимда сенга бир гап айтдим, сен эшитмадинг. Ё эшитдингми?

– Қанақа гап?

– Тўлқин билан икковингга тегишли.

– Ярашишми? Минг марта айтгансан.

– Буниси минг биринчиси ва охиргиси, – ўрнидан туриб қўшни сўрига яқинлашди-да, Тўлқиннинг қўлини олиб, Мирҳосилни чақирди, – Бери кел. Болалигимизда покизароқ, ақллироқ эканмиз. Бир кунда ўн марта уришиб, ўн марта ярашардик. Кина-кудурат сақламасдик.

Жимжилоқларимизни қовуштириб биримиз «қиличми, тўқмоқ?» дердик. «Қилич», дейилса «қирқ йилгача», «тўқмоқ», дейилса «тўқсон йилгача ўртоқ», деб ўзимиз ҳукм чиқарардик. Тўқсон йиллик ҳукм баъзан бир соатга бормасди. «Пўм» чиқараверардик, ярашаверардик. Аразимиз жиддийроқ бўлса, бошқамиз орага тушардик. Шулар эсларингдами? Энди бу дунёда кўрган-кечирганларимизни четга улоқтириб, болалигимизга қайтайлик: Ҳосил, қиличми ё тўқмоқми?

– Пўлат, энди орқага қайтиб бўлмайди. Синган чиннига чега урганинг билан изи қолади.

– Сен ўша изини ҳам унут. Тўлқин, қиличми тўқмоқми?

– Тўқмоқ – тўқсон йилгача ўртоқ. Бунинг заҳар тилига ўрганиб кетганман, гапларини малол олмайман. Бунинг гапларига яна тўқсон йил бемалол чидашим мумкин.

Турғун туриб келиб, Мирхосилнинг биқинига аста тур-
тди. Мирхосил ўжарлик пайти эмаслигини англади.

– Болалигингда ҳам айёр эдинг, чўтир. «Хўп» дегинг
келиб турса ҳам, «йўқ», дердинг.

– Хўп. Йигит кишининг сазаси ўлгунича, замбарак-
нинг хартуми синсин. Қилич. Тўқим билан яна қирқ йил
ошначилик қилишнинг ўзи бўлмайди.

– Ҳа, ана, қойилман! Улфатимиздаги хато қатор тўлди.
Жам бўлдик. Энди кўришинглар. Суюнчисига битта палов-
хонтўра мендан.

Пўлатнинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглаёт-
ган, ҳаракатини зийраклик билан кузатаётган Шокирнинг
қалби тўлқинланди: “Ҳаёт чиғриқларидан минг бор ўтган
жафокаш, юраги қийма-қийма, чилпарчин, аламдийда-
нинг дарди ўзига етмасмиди? Ўзганинг қайғусига шерик
бўлиши нимаси?”

Пўлатнинг ишидан мамнун бўлган Тўлқин пастга ту-
шиб, қулочларини ёйди:

– Кел, ошнам, чўтир бетларингни соғиниб қолганман.

Мирхосилнинг ўжарлигини қўймай, совуқ кўришиши-
дан норози бўлган ошналар бош чайқаб қўйишди-ю, танбех
бермадилар. Пўлат эса бу ҳолни сезмагандай бўлди.

– Энди яраштириш навбати менгами? – Мирхосил
қувлик билан кўз қисиб, Адолатга ишора қилди.

– Биз урушмаганмиз, яраштиришининг хожати йўқ.
Адол, сен бекорга уринибсан.

– Мен сенга бутунлай бегонаманми? Булар-ку, аслида
етти ёт бегона. Мен ҳар ҳолда хотининг эдим. Булар билан
ораларингда қуруқ гапдан бўлак ҳеч вақо йўқ. Бизнинг ора-
мизда эса... ўғил бор.

Адолат Телманга қараб олди. Пўлат эътиборсиз ра-
вишда бир қараб қўйди.

– Ҳа, ўғлингга қарагинг ҳам келмаяптими?

– Вей, Адол, бунингга кимнинг қарагиси келади? – деб
гапга қўшилди Турғун.

– Сен қарамай қўявер. Пўлат билан менинг ўртамда хотира ҳам бор.

– Хотира дедингми? Хотиранинг ўзи нима, Адолат, биласанми? Хотира – роҳатми ё азобми? Инсонга хотира нима учун керак? Мен учун хотира азобидан баттарроқ азоб йўқ. Баъзан ўтиб кетган марҳумларга ҳавасинг келади, баъзан уларнинг изидан жўнаворгинг келади. Баъзан эса хотирла-маслик учун онгсиз жониворга айланиб қолгинг ҳам келади. Домла, нима дейсан, ё мен янглишяпманми?

– Хотира мавҳум нарса эмас. Тушкун ҳолат ҳам эмас. Хотира – бир тўлов, инсондан тортиб олинган энг қимматбаҳо нарса учун тўловдир. Бошқача айтсак, хотира – инсоннинг ожизона боқийлигидир.

– Яхши айтдинг, домла. Хотира – ўлимнинг қилмиши учун тирикларга берилган аянчли инъом.

– Жа-а юракларди сиқвордиларинг-ку! – деди Шожалил. – Икковинг гаплашадиган бўлсаларинг юрагим тўхтаб қолгандай бўловради.

– Пича тўхта, Жалил, дардимни тўкволай. Илгари айтмас эдим. Олтмиш йилдан бери юрагимнинг бир чеккаси йиринглаб, азоб беради менга. Уни неча минг марта тушимда кўргандирман. Мен унинг фақатгина қотиб қолган кўзларини кўраман. Шу топгача қайтиб келармикин, кўрармикинман, деб умид қилдим.

– Кимни айтяпсан? Саъдуллани эмасми?

– Ҳа, Саъдуллани. Биз уни босмачининг ўғли, деб ҳисобладик. Отаси Холхўжанинг йигитларидан эди. Дадамнинг қизиллардан бўлганларини биласанлар. Дадам унинг отасини ўлдирмаганлар. У Қашқарга ўтаётганида кўчки остида қолиб кетган. Одамлар «отасини ўлдириб, боласини ўғил қилиб олди», деб бекор айтардилар. Саъдулла бу гапнинг ёлғонлигини яхши биларди. Адол, сен Саъдуллани севар эдинг?

– Бўлмаган гап, мен сени яхши кўрардим..

– Сен унга ўчакишиб, мени яхши кўргансан. Сенга қарамагани учун ўзингча ўч олгансан.

Ҳа, севмаслигини билар эди, ўзини кўп алдади. Адолат унинг кўзларини термултириб, дилини қийма-қийма қилди. У жон риштаси бўлолмади, бирга ин қуришолмади. Пўлат Адолатга жонни садқа қилса ҳам, у муз эди, чўғ беролмади, қалби чанқоғини боса олмади, қуришқоқ лабларига севгининг ҳаётбахш сувини томизолмади. Бу ҳақиқатни Пўлат илгари айтмаган эди. Шу сабабли бу гап Адолатнинг юрагига бигиздай санчилди:

– Менми? Ўч олганманми? Пўлат, жинни бўлибсан! – деди овозини кўтариб.

Пўлат унинг нафратга тўла кўзларини кўришни истамай, бошини бурди. Унинг ўрнига Мирҳосил жавоб берди:

– Адол, менинг аниқ эсимда, Саъдулла комсомолга кираман, деб ариза берганида сен мажлисда гапирган эдинг: «Босмачининг ўғлига орамизда ўрин йўқ», деган эдинг.

– Деган бўлсам, тўғриси айтганман.

– Пўлатга тақаган айбларинг ҳам шунақа эди.

– Ҳосил, бу гапни қўй, Адолга даъво йўқ, ҳозир мен ўзимни айбламоқчиман.

– Сен унда гапирмаган эдинг.

– Ҳамма бало шунда. Бировга ёмонлик қилмаган одам – яхши одамми? Бировга яхшилик қилмаган одамчи? Шуниси ёмонроқ эмасми? Мен индамай туриб, Адолнинг гапларини маъқуллаганман. Ўшанда Саъдулла менга нажот истаб қараган эди. Мен эсам кўзимни олиб қочган эдим.

– Агар шуни гуноҳ десанг, бизлар ҳам гуноҳқормиз. Бизлар ҳам уни ҳимоя қилмаганмиз, – деди Мамасоли ўйчан тарзда.

– У замонда ҳақиқат билан ишонч қоришиб кетган эди, – деди Шокир афсус билан. – Лойқа сув билан булоқ суви аралашса ким айбдор? Лойқа сув билан булоқ сувини ким ажратиб бера олади?

Шокирнинг далда бериш мақсадида айтган бу гапи Пўлатни овунтира олмади:

– Ўша мажлисдан кейин Саъдуллани олиб кетишган эди...

– Замон қалтис эди. Биз уни сира ҳимоя қила олмасдик. Гапирсак-гапирмасак, барибир олиб кетишарди.

– Қисмат-да. Қисматидан ҳеч ким қочиб қутула олмайди, – деди Мамасоли Шокирни қувватлаб.

– Ўша пайтда оддий кўринган воқеа энди даҳшатли фожиа бўлиб туюляпти. Мен қамоқдалигимда ҳам, этапдан этапга ташлашганларида ҳам, маҳкумлар орасидан Саъдуллани қидирардим. Ўша ерларда учратарман, деб ишонардим.

– Пўлат, сен фожиа деб, гуноҳ деб, ич-этингни еяверма, – деди Мамасоли. – Мен кафил бўлай, ҳар ҳолда Саъдуллага қариндошлигим бор. Унинг номидан мен кечдим гуноҳларингни. Сен ҳам ундан рози бўл. Худо ҳар икковингданам рози бўлади, иншооллоҳ.

Турғун уни қувватлади:

– Сен қамоқдан чиқибок, Тўқимнинг гуноҳини кечган эдинг. Саъдулла тирик бўлса, у ҳам ҳаммамизнинг айбимиздан ўтарди.

– Пўлат, сен ҳақсанми ё ноҳақсанми, аниғи шуки, бу ишларнинг бари Тангрининг амри билан бўлган. Масалани ечувчи ҳам Унинг ўзи.

Хотиранинг қора пардасини бир ҳамлада йиртиб, яксон қилиш мумкин эмаслигини билсалар ҳам, кўнгил ярасига малҳам топишга уринишарди.

– Масала шундай ечилса, қани эди... Мен ётиб, нималарни ўйладим, биласанларми?

– Қайдан билайлик, сенга ўхшаб тепада учиб юрибмизми? – деди Мирҳосил.

– Гапимга кулмаларинг: биз ўлмай туриб, би-ир ўлиб олишимиз керак экан, деб ўйладим.

– А? Нима дединг? Алаҳсираяпсанми, ошнам? – деди Обид ажабланиб.

– Тўғри айтяпти, шундай саҳиҳ ҳадис бор. Одам боласи барибир ўладиган бўлганидан кейин ҳисоб-китобга тайёр туриши керак.

– Сўфи, сен тек тур, Пўлатнинг гапини эшитайлик-чи?
– Мен у дунёда ҳисоб-китоб қанақа бўлишини билмайман. Омма, киши ўзига ўзи савол бериши керак экан: одам бўлиб туғилганимдан кейин одамга ўхшаб яшадимми?

Бу гапдан кейин юраги сиқилиб турган Мирҳосил ёрилиб кетай деди:

– Пўлатвой, жа-а тор олиб юбордилар ошнам!

– Хўп, кенгроқ олайлик: афсусларимиз, армонларимиз борми? Мен айтдим, энди сен айт-чи?

– Мен ҳалол яшадим, ўғирлик қилмадим, бузуқлик қилмадим.

– Наҳот афсусинг бўлмаса?

– Билмадим... ўйлаб кўришим керак. Сен ана, Боздан сўра, афсус дегани ўшанда қоп-қоп бўлади, а, Боз?

Мамасоли гапни ҳазилга олаётганидан норози бўлиб жеркиб берди:

– Бозингни қўй, хотиндан бошқа дарду ҳасрати йўқ.

– Мен сенларни имтиҳон қилмоқчи эмасман, – деди Пўлат. – Ўзларинг бир ўйлаб кўрларинг: ҳозир бизнинг улфатимиз эски бир аравага ўхшаб қолган. Биримиз ўтсак, араванинг бир мурвати синади. Аравамиз жуда узоқ юрди. Юровриб шалоғи чиқиб, лиқиллаб ҳам қолди. Бу шалоқ аравани энди ҳеч ким тузата олмайди.

– Тузатишга уринишнинг кераги ҳам йўқ, Аллоҳга таваккул қилиб яшайвериш керак.

Мамасоли ошналарига бир-икки ҳикматни эслатмоқчи эди, Пўлатнинг маҳзун ҳолати гапга аралашиш ўрни эмаслигини англатди.

– Вақти келиб, бирин-сирин ўтамиз. Ўлим – ҳақ! – Пўлат чуқур хўрсинди. Кейин аҳволини ниқоблаш мақсадида жилмайди: Ўзимиз ўтсак ҳам муҳаббатимиз ўлмасин.

Унинг маъюсгина жилмайишини ҳовлидаги битта лампочкадан таралаётган хира-шира нур ўзига ютди. Лекин сўнгги сўзлар титроғи барчаларининг вужудига титроқ уруғини сочди. Сукунат барчалари устига ўлим чодирини

ёпгандай бўлди. Жимлик исканжасидан қутилиш учун Шожалил дўстининг гапини тасдиқ этди:

– Ҳа... бирин-кетин кетамиз. Охирида қолганга қийин, жуда қийин. Биродарлар, мен охирида қолишни истамайман...

Ошналарни ўз домига тортаётган нохуш ҳолатга ҳовлиққанича югуриб келган ҳамширанинг хавотирли овози барҳам берди:

– Вой, эсхонам чиқиб кетди-я! – деб Рихсининг ёнида тўхтади. – Аяжон, бу нима қилганларинг. Энди мени ишдан ҳайдашади. Дўхтиримиз билиб қолдилар.

Пўлат ножўя иши фош бўлган гўдак ҳолига тушиб, ошналарига “энди мени қутқаринглар”, дегандай нажот кўзи билан термулди. Ҳамиша гапга шай турувчи Мирҳосил бу сафар ҳам ўртага тушди:

– Бир пасга чиққанига ота гўрию қозихонами? Қайтага кўнгли яйради.

Унинг бу гапи ҳамширани овута олмади. Аксинча, йиғи бошлашига баҳона бўлди. Яна бир нима демоқчи эди, шошилиб келаётган докторни кўриб тўхтади. Доктор ошналарга парво қилмай, Пўлатнинг қаршисида тўхтади:

– Касалхонанинг тартиб-қоидаси бор-да, тоға, беморларнинг ҳаёти учун биз жавобгармиз.

Пўлат ўзини оқлаш ўрнига бошни эгди. Бундан фойдаланган Мирҳосил “Қўрққан олдин мушт кўтарар” деганларидек, докторнинг ўзини айблади:

– Жавобгар бўлсанг қараб ўтирмайсанми! Сенга «ухлаб ётовур» деб топшириқ берувмидим?

– Ҳосил, тек тур, – Пўлат қўлини кўксига қўйди: – Жиян, айб менда. Шу ошналаримни кўмсаб қолдим. Ҳозир жойимга бориб ётаман, – деб жилмайди-да, ҳазил оҳангига кўчди: – энди одобли бола бўламан.

– Туппа-тузуксан-ку, қайтиб нима қиласан? Кетдик уйга, – деди Обид.

– Бу гап ҳам тўғри, – деди Шожалил.

Қаттиқ-қаттиқ гап айтишни қасд қилиб келаётган доктор ошналарнинг бу таклифидан кейин гангиб қолди:

– Ие, тоғажонлар, карвонсароймас-ку, бу.

– Жиян, тоғаларинг тегишяпти, – деди Шокир. – Ҳеч қаёққа кетмайди. Бир-икки кун даммини олсин. Пўлат, сени кўриб, кўнглимиз тинчиди, сен жойингга боравер, энди биз қайтамыз.

Доктор Пўлатни қўлтиқлаб шифохона сари юрди.

* * *

...Ичкаридаги ўйин ҳам авжига минди. Кетма-кет ютуқлардан руҳланган меҳмон қиморбоз тонготарда ўзини нима кутаётганини ҳис қилмай ўртадаги пулдан нигоҳини узмайди. Унинг кўзларида ёнаётган очофат чўғ худди ўлжасига яқин келган бўри кўзларидаги ўтга ўхшайди...

* * *

Тарқалиш ҳақидаги аҳд эълон қилинган бўлса-да, ҳатто Шокирнинг ўзи ҳам кетишга шошилмади. Барчалари гап-сўзсиз туриб қолишди. Биринчи бўлиб Адолат кўзғолди. Ўғлига яқинлашиб, уни уйғотмоқчи бўлди. Эпложмагач, Шожалилни чақирди. Шожалил эшитмагандай бурилмоқчи эди, Шокир тўхтатиб, “Обид икковларинг бир амалларинг”, деди. Ўзи Тўлқинни етаклади. Кўчага чиқишда Мирҳосил Турғунни тўхтатди:

– Биз кетмаймыз.

– Нега?

– Сен унинг кўзларига қарамадинг. Гапларига эътибор бермадинг. У соғайгани учун чиқдимми?

– Нега чиқди?

– У биз билан хайрлашгани атай чиқди. Кетмайлик, гафлатда қолмайлик, ошнам.

Икки ошнанинг қарорига бошқалар монелик қилишмади.

* * *

Шифохона даҳлизигача бардам юриб келган Пўлат ҳолсизлана бошлади. Реанимация хонасига етганда ганди-

раклади. Доктор ёнида бўлмаганида чалқанча йиқилиши мумкин эди. Орқада келаётган ҳамшира ёрдамга шошилди. Хушидан кетаётган Пўлатни жойига ётқизиб, шошқич муолажани бошлашди. Йиғлаб ўтирган Рихси докторнинг талаби билан хонадан чиқарилди.

* * *

Бу қишлоқ ҳудудидан чиқиб, сой кўпригидан ўтишгач, йўллари айри-айри бўлди.

– Тўлқин, бу кеч бизникида қолавер, эртамантан яна бирга борамиз, – деди Шокир.

Бу таклифни эшитиб, Тўлқин тўхтади:

– Домла, уйингга яқин келдик, шекилли, сен боравер.

– Сен-чи?

– Мен гапингни икки қилмай, деб сенга эргашдим. Ўша ерда қолишим керак эди. Қайтаман.

– Шу қоронғида-я?

– Домла, кўр одамга эрта-кечнинг нима фарқи бор? Тимирскиланиб бўлса ҳам топиб бораман, мендан хавотир олма.

Тўлқин бурилган эди, Шокир унга сўзсиз эргашди.

* * *

Маст одамни уйига олиб бориб қўйиш Обид учун ҳам, Шожалил учун янгилик эмас. Шу учун қилтириқ Телманни суяб юриш уларга оғирлик қилмади. Ёшлиқдаги одатларини канда қилмай, бири мастнинг чап биқинига, иккинчиси ўнг биқинига турта-турта уни қадам босишга мажбур қилишди. Шожалил уларни ўз уйига бошлаб келди. Кундузи қўшнисига учрашиб кетгач, ҳовли супуриб-сидирилган, уйдаги чанг артилган, айвондаги чироқ ёқиб қўйилган, бу уйда узоқ вақт одам яшамагани сезилмай қолган эди. Телманни меҳмонхонага олиб кириб дераза томонга чўзилтириб қўйишгач, Шожалил тахмондаги кўрпа-якандозларни олиб жой солди. Раҳбар кепатасида унинг ҳаракатларини кузатиб турган Адолат ёрдам беришни хаёлига ҳам кел-

тирмади. Телманни бири оёқларидан, иккинчиси елкасидан тутиб, ўринга ётқизишди. Шожалил чойнакда совуқ сув келтириб, унинг бош томонига қўйди. Обид эса ранги ўчган мис чилопчинни олиб кирди. Адолатга “уйни расво қилмасин”, деган маънода қараб қўйиб, оёқ томонига қўйгач, чиқиб кетмоқчи бўлди.

– Обид, уйингга кетасанми, эрталаб биронтасининг машинасини гаплашиб бер. Кетсам кета қолай, – деди Адолат. Хотиннинг бояги авжи пасайганини сезган Обид “маъқул” ишорасини қилди. Ҳовлига чиқишгач, икки ошна бир-бирига савол назари билан қарашди. “Нима қилдик?” деган саволга жавоблари тайёр бўлгани учун олдинма кейин кўчага чиқиб, келган йўлларидан қайтишди. Чойхонага яқинлашганларида ой ёруғида икки одам қорасини кўриб, ошналарини танишди...

* * *

Уйига яқинлашгани сайин Мамасолининг, қадам олиши оғирлашаверди, чойхонада уйғонган дард томоғини бўғаверди. Қоронғу кўчанинг адоғида Пўлатнинг маъюс чехраси бир-икки кўрингандай бўлди. Бўғиш билан кифояланмаган дард кўзларни ёшлантирди. Шу алпозда танбалакманган эшигини очиб ҳовлига кирди. Салқин ҳавога чиқолмай, “вой, белим”лаб қоладиган кампири айвондаги хонтахтага иягини тираганича кўча томон тикилиб ўтирган экан, уни кўриши билан ёшроқ аёлларга хос эпчиллик билан ўрнидан туриб қарши олди. Чироқ нури эрининг кўзларидаги ёшда акс этиб, хавотир билан тўхтади. Иккови бир-бирига тикилганича туриб қолди. Мамасоли бўғзидаги дард чангалини енга олмади. Кампири сўрайдиган саволига шумхабар эшитишдан қўрқиб, сўз бошлашга журъат эта олмади.

– Термосга ҳозиргинада чой дамлаб қўювдим, юринг, чарчоғингизни босинг, – деб айвонга бошлади. Бир пиёла чой фақат чарчоғини эмас, дардини ҳам олгандай бўлди. Мамасоли кампирининг кўзларидаги хавотирли савол назарига қисқа жавоб берди:

– Ошнам, анча тузук. Улфатлар билан бир оз чақчақлашдик. Сен дамингни оловур, мен пича ўтирай.

Кампир кириб кетди. Ўзи ҳаракатсиз ўтирди. “Нега қайтиб келдим, ўша ерда қолсам бўларди-ку?” деган ўй қалбини тирнай бошлади. Чироқ ўчиб қолишига ҳам парво қилмади. Дард билан олишишга руҳий қуввати етмай, аста ўрнидан турди. Пайпасланганича уйга кириб шам ёқди. Қўлига Қуръон олиб, бурни устига кўзойнагини қўндириб ўқий бошлади. Ҳар куни бир саҳифадан ўқирди, бу кеч икки саҳифа ўқиб, Пўлатнинг ҳаққига дуо қилди. Дарди сал аригандай бўлди-ю, лекин ётгиси келмади. Кундузи ўқий бошлаган китобини олиб, белгилаб қўйилган жойидан давом эттирди. Бу сафар тез ўқий олмади. Тўхтаб-тўхтаб, фикрлаб-фикрлаб ўқиди...

...Билингки, ўлимнинг хатари ва даҳшати буюқдир. Одамлар кам фикрлаб, оз эсга олгани учун ҳам ўлимдан ғофилдирлар. Эслаганлар ҳам қалбларини барча нарсадан фориғ қилиб эмас, дунёга машғул бўлганлари ҳолларида эслайдилар. Бундай эслашдан фойда йўқ. Ўлимни ҳақиқий эслаш йўли – ўлимни доимо ёнида билиш, ўлимдан бошқа нарсани қалбдан чиқаришдир. Буни бамисоли сахро ёки денгиз орқали сафарга отланган киши ҳолатига ўхшатиш мумкин. Унинг бутун фикри-зикри сафарда бўлади. Қалб ҳам ўлимни эслаш билан машғул бўлса, бу иш қалбни буткул банд этади. Ўлим билан банд бўлган қалбда айш-ишрат талаби, дунё қувончи камаяди, тошқинлик босилади. Киши ўлимни кўп эслагани сайин ҳар хил ўлим онлари, бу даҳшатли онларни бошидан ўтказган дўстлари, тенгқурларининг илтижо тўла сўнгги нигоҳлари хотирида жонланади. Уларнинг ўлимларини, сўнгги манзилларини эслаб, оғир ўйлар гирдобада қолади: улар ким ва қандай эдилар? Энди уларнинг мавқелари, ҳолатлари қандай? Бу чиройли сиймолар тупроққа қандай сингиб йўқолади? Уларнинг жасадлари қабрларда қандай парчаланади? Улар аёлларини бева,

фарзандларини етим қолдирдилар, мол-дунёларини ташлаб кетдилар. Уларнинг масжид ва мажлислардаги ўрни бўш, қадамлари дунёдан узилган...

Ҳа, киши ўлимни эслагани сайин қалбида шундай узоқ ва яқин ўлимлар, ваҳимали суратлар батафсил жонланаверади. Баъзан ортга қайтиб, уларнинг шижоат тўла ёшлиги, довдирашлари, ҳаётга бўлган майллари ва унда ўзини гўё боқий қоладигандек тутишлари, ўлимни унутишлари, ёшлиқдаги қувват ва ғайратга суяниб қолишлари, ўйинкулгуга берилишлари, шундоқ ёнидаги ўлимдан, унинг кутилмаганда келишидан ғофил бўлганларини эслайсиз. Тирликда вужудини кўтариб турган оёқлар, ҳаракатга сабабчи аъзолар яксон бўлди, энди қандай юрсин?! Тилини қуртлар кемирди, қандай гапирсин?! Оғзига тупроқ тўлган, қандай кулсин?! Ўлиб бўлди, энди нафсга ўлимнинг тадбирини қилишдан не ҳожат?! Шунча йиллар бепарво, ғофил юрди. Ўлим фариштаси эса у кутмаган вақтда келди ва нидо қилди: “Ё жаннат, ё дўзах!”

Ана шу пайтда киши ўзига назар солади. Ўзининг ҳам ўшаларга ўхшашлигини кўради, ғафлати ҳам, оқибати ҳам улар билан бир хил бўлиши мумкинлигини ҳис этади.

...Ўлимни эслайсиз, ўлим ёнгинангизда турганини ҳис қиласиз. Аллақачон ўлимга ҳозирлик кўриш фурсати етганини, дунёнинг эса нақадар алдамчилигини теран англай бошлайсиз. Энди ўлимни номигагина, тил учида эслаб, ибрат ва огоҳлик ҳосил қилиб бўлмаслигини яхши биласиз. Демак, қачонки, қалб дунё билан овуна бошласа, ўша заҳоти ўлимни эсланг, аслингизга қайтасиз...

Мамасоли панжасини китоб устига қўйиб, ёш қуйила бошлаган кўзларини осмонга тикди: кечки осмоннинг қора духобасидаги беҳисоб юлдузларнинг жимирлашига боқиб ўйлади: “Керилиб юрганларнинг аслида ҳеч нимаси йўқ: жавоҳиру тилла матоҳлари ўзига вафо қиларми экан? Ҳатто “ўзимники!” деб қаттиқ ишонгани – кўзу қулоқлари, юрагу жигарлари... ўзиники эмас, лаҳад қуртларининг ризқи экан, керилгани нимаси?”

Куз осмонидаги тўлин ой нури кўнглини ёрита олмай-ди. Ҳазин хаёллар уни эза бошлади.

Ўрнидан туриб, ҳовлига, ундан кўчага чиқди. Кўкда кўз юммаган, уйқуга чўммаган ой уни чойхонага қадар кузатиб борди.

* * *

Пўлат “ўлиш осон эмас экан”, деб эди. Бу сафар тез келди-ю, осон олди. Энди қайтариб бермайдиган қилиб олди.

Чирт узилган ҳаёт ипини қайта боғлашга табобат ожизлик қилди.

Ҳаловат истаган юрак бутунлай тўхтади.

Ўлим хавотири ўрмалаб киргач, юрак ҳаловат билан жимгина хайрлашган эди...

Рихси ичкарига кирганида доктор Пўлатнинг жағини боғлаёган эди. Рихси бир хўнгради-ю, сўнг пастки лабини тишлаб, тинчиди. Доктор имлаб қўйган эди, Ҳамшира уни қўлтиқлаб даҳлизга олиб чиқди.

– Уйга борай, эрталабгача олиб кетайлик.

– Аяжон, пича сабр қилинг, тонг отсин, – деди ҳамшира ялиниш оҳангида.

– Ошналарига хабар қилай, армонда қолишди улар.

Шундай деб ташқарига қараб юрди. Суюкли қиз меҳри билан қўлтиқлаб олган ҳамшира уни ҳоли қўймади.

Ошналари кетгач, Турғун билан Мирҳосил сўрида ёнбошладилар-у, аммо ухламадилар. Хаёлларида умид соялари кўнимсиз санқийди. Киприкларни юма олгувчи туннинг тушлари уларни тарк этган. Касалхона томондан гоҳи-гоҳида эшитилиб турган шарпалардан сесканиб, беқарор эдилар.

Ҳамшира ҳамроҳлигидаги Рихсини кўрган заҳоти Турғун ўрнидан туриб кетди:

– Рихси?!

Шу томон ялт этиб қараган Мирҳосил ҳам турди:

– Рихси! Фақат «ўлди», дема, Рихси!!!

Кўзларидан жавоб излаб, жимгина мўлтиллаб қарадилар.

Рихси ҳеч нима демади...

Умид даракчиси – кўклам жаранги энди эшитилмайди...

Энди ҳаёт баҳор мўъжизаси ила қарши олмайди...

Беҳуда кўз ёшлари...

Мусаффо кўз ёшлари қайғу-аламлари оловини ўчириш учун қуйилади.

Армонларга лиммо-лим тўла муножотлар...

Хазонларни тўкаётган шабада Рихсини четлаб ўтмади, киприкларидаги шабнамни қурита олмади.

* * *

Йиллар шамоли аёвсиз...

Яна куз фасли...

Офтобсиз, рангпар бир кун...

Жонсиз япроқларга ҳазин нуқси урган...

Яна ўша чойхона.

Жимжитлик... Увада булутларнинг чокидан сизиб ўтган кучсиз шуъла ерга қўнган...

Ёлғиз ўзи зериккан чойхоначи нарди тошчаларини бемақсад ташлаб, ўзича ўйнаб ўтирибди. Хассасини дўқиллатиб келган Тўлқин унинг хаёлини бузди:

– Ким бор, бу ер самоворхонами?

– Ҳа, самоворхона, келинг тоға, – чойхоначи шундай деб унга пешвоз чиқиб, етаклади-да, стулга ўтқазиб чой қуйиб узатди: – Чойга қаранг, тоға. Касалхонага кетяпсизми? Кимни йўқлаб келдингиз?

– Касалхонага келмадим, – деди Тўлқин хўрсиниб. – Касалхонада ётадиган улфатлар қолмади... Мен ширин хотирани излаб келдим, болам. Уч йил аввал шу ерда тунаган эдик. Уч йилда араванинг барча мурватлари синиб адо бўлди. Биттагина мен қолдим. Энди шу арава изларини излаб келдим. Сен кўрмаяпсанми, бу изларни?

– Из? Қанақа из? Тушунмадим, тоға, қанақа аравани гапиряпсиз?

– Мен кўр бўлсам ҳам, кўряпман. Сен басир бўлсанг ҳам, ақл кўзларинг сўқир экан. Кўзингни каттароқ оч, болам, бу изларни эҳтиёт қилишларинг керак..

Чойхоначига бу одам телба бўлиб кўринди...

Қуёшнинг ўзи бор-у файзи йўқ. Кечаси яйрайдиган
Ойнинг нури ҳам сўниқ эди. Тўлқинга бу сирли манзара
бегона: унинг кўз олдида ҳамма ёқ зулмат.

Ёлғиз... Ҳеч кимдан нидо йўқ...

Тор кўкрагидаги асир юрак беҳаловат.

Ҳаётнинг заҳмати туганмас-битмас...

Чойхоначидан садо чиқмагач, оғирлик билан ўрнидан
турди:

– Ширин хотирамнинг сўнггиси шу ерда мева берган
эди. Бу ерни зиёрат қилдим. Энди ошналарим ҳузурига
борсам ҳам бўлар.

Кета бошлади...

Шамол турди...

Жонсиз баргларни ерга тўқди...

Бахт куйининг ҳам, бахтсизлик қўшиғининг ҳам
ниҳояси бордир.

Вассалом...

АКСИОМА

*Пўртанали ҳаёт уммонининг
соғинч қирғоқлари ҳам бор.
Пучга чиққан тилаклар қанча...
айтилмай қолганлари ундан-да кўп...*

***(Минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йилнинг
ўн биринчи март куни, Тошкент шаҳри)***

Алдамчи ҳавонинг илиқ нафасига алданган дарахтларнинг қийғос очилиб турган гулларини аямажуз ўпиб ўтди.

Мирзаолим Худодан ўғил тилаган эди. Аямажуз ўз амали билан банд кечада у ниятига етди. Унга қадар илмий фаразлари баёнини Москвага жўнатиб, ижобий жавоб кутаётган эди. Туғруқхонадаги шодлик хабари қанотида ишхонасига учиб келган онда қўлига хат тутқизишди. Минг тўққиз юз ўн еттинчи йили Алберт Эйнштейн бир мақоласида айрим атомлардаги ўзаро нурланиш кучли оқимларининг мутаносиблиги ташқи электромагнит нурланишини келтириб чиқариши мумкин, деган назарий тахминни ўртага ташлаган эди. Турли атомларнинг электронлари бир вақтнинг ўзида ғоят юқори даражада учиб чиқиши мумкинлиги тўғрисидаги бу фараз атомлар тузилишини ўрганиш билан банд бўлган физикларнинг эътиборидан четда қолган эди. Мирзаолим Москвада бўлганида устози Капицанинг кутубхонасида иттифоқо шу мақолага кўзи тушиб, бу илмий фаразга банди бўлиб қолди. Резерфорд тақдим этган тажрибахонани созлаш билан банд бўлган Капица ўзбекистонлик шогирдининг мақоладан олган таассуротларига унча аҳамият бермади. У шогирдининг ўз йўлидан юришини талаб қилгани сабабли моддаларни магнит ва электрик майдонларнинг ғоят кучли таъсирида, совуқликнинг энг паст даражаларида ва жуда юқори босимдаги тадқиқотидан четга чиқишини истамаган эди.

Мирзаолим Тошкентга қайтиб, назарияларга доир адабиётларни ўрганишга шўнғиди. Резерфорд очган, Капица кенгайтирган йўлдан юра бошлаган бўлса-да, хаёлининг бир қисми ҳали очилмаган йўл билан банд эди. Эйнштейн гарчи ўзи шуғулланмаган бўлса-да, кучли нур оқими олишнинг йўли мавжудлигига ишора қилиб қўйган эди. Бир неча ой муқаддам “Физика” журнаlining янги сонида бир ёш олимнинг ўн еттинчи йилдаги ўша мақоланинг таҳлилига бағишланган фикрларини ўқиб, ўзига ҳамфикр борлигидан қувонди-ю, унга мактуб йўллади. Ўғли туғилган куни ўша мактубига жавоб олиб, худди ўша нурни кашф этгандай қувонди.

Икки хушxabардан маст бўлган Мирзаолим дўстларига, “йиғилишиб уйимга боринглар, мен сабзи-пиёзни қовуриб тураман”, деди.

– Дарровла “ювмоқчимисан?” Нуриддиннинг Масковдан қайтишини кутмаймизми?

Нуриддин, уларнинг қадрдон дўсти, Москвада илмий сафарда эди. Мирзаолимнинг илмий фаразлари баён этилган қоғозларни шу йигит Москвадаги олимга етказган, сўнг хушxabарни ҳам ўзи йўллаган эди. Зоирнинг гапи Мирзаолимга маъқул келиб, қайтмоқчи эди, Асқар йўл бермади:

– Бугун чақалоқни “ювамиз”. Хушxabарни эса Нур келганда “юваверамиз”. Иккита яхшиликни битта ош билан нишонлаш эр-йигитнинг шаънига тўғри келмайди.

Бу гап таклиф ёки танбеҳ эмас, ҳукм оҳангида эди. Мирзаолим тобелик билан уйига йўл олди. Асқар билан Зоир кафедрадаги қоғозбозлик ишларини тартибга келтириб йўлга чиқамиз деб туришганда Ҳайдар кириб келди.

– Ёш ота қани? – деди у хонага кўз югуртириб.

– Ёш ота икки марталаб эриш учун уйда илҳақ ўтирибди, сени кутятувдик, кетдикми? – деди Зоир илгичдан плашчини олиб.

– Қаёққа ғойиб бўла қолдинг? – деди Асқар унга норози қиёфада қараб.

– Ошнамит икки марталаб эриганда бизлар икки бармоғимизни бурнимизга тиқиб қуп-қуруқ кириб борамизми? – деди Ҳайдар қувлик билан кўз қисиб.

Асқар Зоирга савол назари билан қараб олиб: “Йўлда ул-бул олволармиз”, деди. Овозидаги ишончсизлик аҳволини ошкор қилиб қўйди. “Маошга қадар тийинни тийинга улаб яшаётган ёш олимлар йўлда нима олишлари мумкин?” Ҳайдар уларга шу саволни бергиси келди-ю, кўнгиллари оғримасин, деб мақсадга ўта қолди. Икки қўлтиғи остида яшириб турган икки шиша коньякни олиб уларга кўз-кўз қилди:

– Сен оладиган “ул-бул”ни мен олақолдим. Муллалар ўғил туғилса, икки қўй сўйилсин, дейишадими? Биз мулланинг гапига қулоқ солмаймиз, биз атеистмиз. Шунинг учун туғилган битта ўғилга иккита коньяк олдим.

– Шу ишни боплабсан! – деди Асқар чехраси очилиб.

– Буларни халтангга солвол, – деди Ҳайдар шишаларни Зоирга узатиб. – Мен сал туриб бораман.

– Тутун қайтарма, бирга кетамиз.

– Ҳозир қўлга тушиб қолдим. Рўпарамдан декан чиқиб, бошимни қотирди. Ҳисобот ёзмаган эканман. Шу бугун столи устида бўлмаса, ректорга шахсан кириб, менинг думимни туғиш масаласини қўяр экан. Ўрта Осиё Давлат университетидеки энг интизомсиз аспирант мен эканман.

– У дағдаға қилаверади, кеча Мирзоолимни ҳам сиқувга олган. Кетдик, эртага ёзиб берасан.

– Йўқ, бу сафаргиси қуруқ дағдаға бўлмади. Сенлар бориб, бошлаб турларинг. Манавининг биттасини думалатгунларингча етиб бораман.

– Биттасини думалатгач, бизни тўхтатадиган азамат топилмайди. Кечиксанг, ўзингдан кўр, – деди Зоир ёлғон пўписа билан.

Зоирнинг ёлғон пўписаси чинга айланди. Иккала шиша бўшаганда ҳам Ҳайдардан дарак бўлмади. Икки шишани думалатган уч азамат ҳам думалади. Аслида икки шиша уч

бақувват йигитга бу даражада таъсир қилмаслиги керак эди. Уларни коньяк эмас, унга қўшилган уйқу дориси енгди.

Ҳайдар деканни кўрмаган, ҳисобот ёзиш нияти ҳам йўқ эди. У бир ҳамла билан илм йўлидаги уч тўсиқни олиб ташламоқчи эди. Уйқу дориси кучини кўрсатган дамда Мирзаолимниқига шайтон етовида кириб келиб, унинг амрини тўла-тўқис бажарди: физика факультетида тўрт иқтидорли аспирант ўрнига биттаси қолиш масаласи оп-па-осон ҳал этилди.

Уч йигитни эрталаб халқ тилида “энкеведе” деб аталувчи шафқатсиз идора офицери уйғотди. Зоир темир каравотда, Асқар пастда узала тушиб ётган эди. Мирзаолим эса столга бошини тираганича қотганди. Стол устидан лаган олинмаган, бир четда эса ғижимланган газета турарди. Офицер газетани текислади: Сталин суратининг пешонаси тешилган, юзига қаламда аллақандай шакллар чизиб ташланган эди.

Офицер Мирзаолимнинг сочини чангаллаганича бошини кўтарди:

– Бу нима?

Боши ғувиллаётган Мирзаолим тушунмади. Офицер бошини силкиб, сўкингач, “билмайман”, деб ғўдиранди. Газета остида саҳифаси очиқ турган китоб бор эди. Ундаги сатрлар остига қалам билан чизиб қўйилганди. Арабий ҳарфларга тиши ўтмайдиган офицер ўзбекчани билмагани учун унга тушунмади, тергов пайтида аниқлаштиришни мақсад қилиб, у ҳақда сўрамади.

Офицернинг буйруғи билан тинтув бошланди. Аввал кийимларини тинтишди. Уччовининг чўнтагидан бир варақ катак дафтарга ёзилган қасамёд чиқди: “Мен Ўзбекистон озодлиги учун тузилаётган ташкилотга аъзо бўлиб кирар эканман, бу йўлда жонимни беришга ҳам тайёрман!” Имзо ўрнига... қонли бармоқ босилган. Офицернинг татар шериги қисқа сатрларни таржима қилиб бергач, кўзлари олайиб кетди. Бир қоғозларга, бир йигитларга қараб

қолди. Қоғозларга тикилгани билан уччала қасамёд бир қўлда ёзилганини фарқламади. Тинтув пайтида ҳовлидаги ўчоқдан тўппонча ҳам топилди.

Газета тагидаги китоб “Ўтган кунлар” эди. Бу китобнинг қайдан келиб қолганини Мирзаолим билмасди. У бирон марта бўлсин бадий китоб ўқимаган, ҳатто қизиқмаган эди. Лекин бу одатига терговчини ишонтира олмади.

– Абдулла Қодирийни бутун ўзбеклар билади, сен билмайсанми?

– Номини эшитгандайман... лекин кимлигини билмайман.

Терговчи китобни узатиб, “Чизган жойларингни менга таржима қилиб бер”, – деди.

Бу идора қўлига тушишнинг оқибати қандай бўлишини эшитган Мирзаолим ҳақиқатни айтиб, ўзини оқламоқчи бўлди.

– Бу менинг китобим эмас, чизгилар ҳам меники эмас.

Вазифаси юзасидан сутнинг қоралигини исботлаши зарур бўлган одамни болаларча бу тониш ғазаблантирди. Мирзаолим жағига мушт тушгач, муте ҳолида китобни қўлига олди. У энди бир мушт билан қутилиб қолишни ўйлади. Биринчи мушт “хамир учидан патир” эканини, олдинда азобли кунлар ва тунлар борлигини тасаввур қилмади. Тагига чизилган сатрларга кўз ташлаганда “Овозингни чиқариб ўқиб, таржима қил!” деган қатъий амрни эшитди.

– “Буродарлар! Ўрус ўз ичимиздан чиқадирган фитна-фасодни кутиб, дарбозамиз тегида қўр тўкиб ётибдир. Шундай маҳшар каби бир кунда биз чин ёвға берадирган кучимизни ўз қўлимиз билан ўлдирсак, сен фалон деб қирилишсақ ҳолимиз нима бўладир. Бу тўғрида ҳам фикр қилғувчимиз борми? Кунимизнинг кофир қўлиға қолиши тўғрисида ҳам ўйлаймизми ёки бунга қарши ҳозирлик кўриб қўйганмизми?

Ҳожи ўзини тутолмай кўз ёшисини оқ соқолиға қуйиб давом этти:

– Мана буродарлар! Сиз ўз қипчоғингиз учун қабр қазиган фурсатда, сизга иккинчилар тобут чопадир. Биз қипчоққа қилич кўтарганда, ўрус бизга тўп ўқлайдир. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб қипчоқни кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимга еткан кўраман...”

Мирзаолим китобда Юсуфбек ҳожи деган доно киши қипчоқ қирғинига қарши туриб шу сўзларни айтганини англамаган бўлса-да, ўрусга қарши фикр баёни тагига бекорга чизиб қўйилмаганини тушунди. Бундан буёнги тақдири қандай бўлишини фаҳмлаб, вужуди титраб кетди. У жимиб қолгач, офицернинг “Таржима қил!” деган қаҳрли амри янгради. Мирзаолим мутелик билан амрни бажаришга киришди. Тергов бошламасидан аввал идорадаги билимдонлар офицерни асар мазмуни билан таништириб, бу сатрларни таржима қилиб берган эдилар. Мирзаолим тутила-тутила таржима қила бошлагач, қўлидаги қоғозга тикилиб турди. Бир-икки сўзларда фарқ учраганини ҳисобга олмаганда Мирзаолим айнан таржима қилиб бергач, “энди мени қўйиб юборасизми?” деган ялиниш нигоҳи билан қаради. Офицер бундай аниқ таржимани кутмагани учун унга тикилиб турди.

– Хўш, ким энг ёвуз душман экан, билиб олдингми?

– Мен... очиғи тушунмадим. Китобни ўқимаганман... – деди Мирзаолим дудуқланиб.

– Ўқимагансанми? Хўп, ишондим. Тагига ҳам сен чизмагансан. Лекин ўзбекларнинг ҳақиқий душмани ким эканига ҳам тушунмадингми? Ёв – русларми?

– Мен унақа деганим йўқ...

– Унақа деганинг йўқ, лекин ўқигансан, сенга бу фикрлар мойдек ёқиб тушган?

– Ундай эмас... Руслар бизнинг улуғ оғамиз. Бизга шундай тарбия беришган.

– Ким тарбия берган?

– Улуғ дохийларимиз... Ленин ва Сталин... – Мирзаолим бу гапларни айтиб тилёғламалик қилмади, дилидагини ти-

лига чиқарди. Унинг болаликда кўрган тарбияси айнан шундай эди. Офицернинг жим тикилиб турганидан кўнгли сал тинчиб, ўзича “гапимга ишонтирдим”, деб ўйлаб, ақидаси янада кучли эканини билдириб қўйиш учун қўшимча қилди: – Менинг устозларим ҳам буюк рус олимлари...

– Капицами? У ҳақда кейинроқ алоҳида ёзиб берасан. Капицанинг буржуа мамлакатада яшаб ишлаганини биламиз. Совет Иттифоқида нисбатан бўлган нафратини, жосуслик фаолиятини ипидан игнасигача батафсил ёзиб берасан...

Ярим тунда бошланадиган терговлар, тепкилар, мушталар, тишларини эгов билан эговланиши азобларига чидарди, лекин офицер ҳали чилласи чиқмаган ўғли билан хотинининг бўлажак тақдири хусусида сўз очгач, руҳан синди. Талаб қилинаётган гапларни ёзиб бергач, кўп ўтмай ўзини Сибир ўрмонларида кўрди. Маҳкама ҳукмига кўра оиласи билан хат ёзишмоқлик ҳуқуқидан маҳрум бўлгани учун уларнинг тақдирлари узоқ йиллар мобайнида мавҳум бўлиб қолаверди. Зоирнинг тергов пайтидаги азобларга чидолмай, билак томирларини тишлаб ташлаб ўлим топганини ҳам, Асқарнинг уруш пайтида “жарима батальони” деб аталган ҳарбий қисмга ўтиб, биринчи жангдаёқ ҳалок бўлганини ҳам билмади. Сталин ўлиmidан сўнг юртига қайтгач, оиласини, дўстларини қидирди. Хотинининг Ҳайдар билан турмуш қурганини, ўғли Ҳайдарни “дада” деб улғайганини билгач, уларга яқинлашишдан ўзини тийди. Асқарнинг ўлимини орадан кўп йиллар ўтиб, ДХХ даги архив маълумотларга йўл очилгач, суриштира-суриштира билди. Зоирнинг аянчли тақдири эса унинг учун сир бўлиб қолаверди.

1

(Етмиш йилдан сўнг, Тошкент шаҳри)

Зилзиладан сўнг шаҳар адоғидаги боғлар ўрнида барпо бўлган маҳалла зоҳиран ҳаловат қуёши нурига бурканган эди. Кўчалар, уйлар бир-бирига ўхшагани билан остона-

нинг ичкари томонидаги бахт ва ташвишлар турли-туман эди. Бир хонадон аҳли қозонига бу ҳафта гўшт тушгани учун Ризқ берувчига шукрлар қилса, қўшниси баҳор ёмғирлари тингач, уйини бузиб ўрнига уч қаватли сарой қурмоқ умидида яшайди. Аввал уйи бозор бўлган, аразчи келин болаларини етаклаб отасиникига кетиб қолгач, мазор сукуна-тига бурканган оила ёшларни яраштириш ташвиши билан яшаса, қўшниси бўйи етиб қолган қизига одоб сепи ўрнига, мол сепи йиғиш билан банд, бой хонадондан совчи кели-шини умид билан кутади.

Ўттиз-ўттиз беш йил олдин ўрнатилган, ора-сира бўяб турилса ҳам, қишки ёғин- сочин, ёзги қуёш тиғига дош беролмай ола-чалпоқ бўлиб қолган дарвозалар ҳам сероб. Шулардан бирининг пешонасига “16” рақами ёзилган ту-нука парчасининг четлари занглай бошлаган. Шу уйда номи дунёга танилган физик олим яшашини маҳаллада биров биледи, биров билмайди. Умаржон Нуралиевнинг номини дунёдаги кўп олимлар эҳтиром билан тилга оли-шади. Ажабки, лазер нури нима эканидан беҳабар қўни-қўшниларга эса “Умаржон ака” маҳалла оқсоқоли си-фатида яхши таниш. Оқсоқол сайланадиган мажлисда маҳалладаги бетартибликлар, ёшларнинг тарбиясига бефарқ қарашлик муаммолари ҳақида фикр билдирганда гаплари йиғилганларга ёқиб қолиб, ҳокимият томонидан мўлжалланган одам ўрнига уни сайлаб юборишди. Куни илмий мунозаралар, баҳслар билан ўтадиган Умаржон “маҳалла” деб аталмиш кема дарғаси бўлишнинг азобини сайловнинг эртасиданоқ ҳис қила бошлади. Икки қўшнини мурасага келтириш халқаро илмий анжуманда физикага доир янгиликни исбот қилиб беришдан оғирроқ экани уни кўп малул этса-да, чидашдан ўзга чораси йўқ эди.

Кеча кун бўйи эзиб ёққан ёмғир хуфтонда тиниб, ос-монга юлдузлар тошганда “Хайрият, эртага қуёш кўри-нар экан”, деб кўнгли хотиржам бўлган эди. Аслида қуёш чарақлайдими ё осмонни булут босадими, унга фарқи йўқ. Унда, Худога шукр, қон босими ё бўғинлар оғриғи деган

хасталик йўқ. Вужуди табиат ўзгаришини ҳис этмайди. Лекин устозининг азоб чека бошлаши уни ғамгин қилади. Илм истагида шаҳарга келган кунларидан бошлаб, ўқишни битириши, номзодлик, кейин докторлик диссертацияларини ёқлагунича, ундан сўнг ҳам, то инспект деган балога учраб қолгунича устозлик қилган Мақсуд Ҳусниевни бултурги хазонрезги пайтида уйига олиб келганидан бери обҳавони кузатадиган бўлиб қолган.

Бундан кўп йиллар муқаддам кириш синовларига тайёргарлик кўриб юрган кунлари ётоқдоши “Ҳусниев деган домлага рўпара келмасликка ҳаракат қилиш керак экан, ҳаётида бировга “уч”дан тепароқ баҳо қўймаганмиш”, деган ваҳимали гап топиб келди. Умаржон билимига ишонгани учун бу ваҳимага унчалик аҳамият бермади. Ҳусниев деган одамга рўпара келмасликнинг иложи қандай бўлишини ҳам билолмади. Имтиҳон бошлангач, кўпчилик биринчи бўлиб киришдан чўчиган онда у “таваккал, ё кирарман ё бурнимни тортиб қайтиб кетарман”, деган аҳдда биринчи бўлиб остона ҳатлади. Саволлар ёзилган қоғозни олиб, сатрларга кўз ташлади-ю, енгил тортди. Бошқалар учун машаққатли туюлиши мумкин бўлган масала унга таниш эди. Қишлоғидаги устози бундан оғирроқ тенгламаларни ечишни ҳам ўргатган эди. Тайёргарликка ажратилган вақт ўтмай, жавоб бериш учун имтиҳон олувчининг рўпарасидаги стулга ўтирди. Муаллим жавобларни диққат билан тинглади. Жавоблар маъқулми ё йўқми, кўз қарашларидан билиш қийин эди. Умаржон унга бир-икки қараб, унинг лоқайд нигоҳидан чўчиди. Довдираб қолмаслик учун кўзларини қоғозга тикиб гапираверди. Тенглама ечими билан таништиргач, муаллим қўшимча савол бериш ўрнига унга тикилганича сукут сақлади. Сўнг Умаржоннинг қўлидаги қоғозни олиб ечим тизимида диққат билан назар ташлади-да, индамай ўрнидан туриб, девордаги қора тахтага бўр билан тенглама шартларини ёзди.

– Еча оласанми? – деди муғомбирлик билан қараб.

Имтиҳон олувчи иккинчи муаллим шеригининг ҳаракатидан ажабланди: “бу тенгламани ечишга айрим аспирантларнинг тиши ўтмайди-ку, қишлоқ мактабида ўқиган болани нега қийнаяпсиз?” деган савол назари билан қаради. Ҳусниев дўстининг мақсадини фаҳмлаб, унга “тек ўтиринг” деган маънода кўз қисиб қўйди.

Умаржон бир қарашда яхши англамади. Икки қайта ўқигач, “ҳаракат қиламан”, деб қора тахтага яқинлашди. Муаллим унинг қўлига бўр тутқазди-ю, лекин жойига қайтмади. Унинг ёнида турди. Умаржон бир озлик тараддуддан кейин қишлоқдаги устозининг таълимларини эслаб, ишончсизлик билан бўлса-да, тенгламанинг ечимига киришди. Муаллим эса имтиҳон давом этиши кераклигини, бошқалар жавобга тайёр бўлганларини унутган ҳолда уни кузатиб тураверди.

Одамзод тарихида машриқда ҳам, мағрибда ҳам улуғ алломалар кўп ўтган. Ҳар бири, танлаган фан йўналишидан қатъи назар, дунёнинг яралишига доир масалаларга қизиққан. Айримлари бу масалаларни ечишга, ҳақиқатнинг тагига етишга уринишган. Маълум бир даврда мутлақ тўғри деб қабул қилинган илмий ғоялар йиллар ўтиши билан замонлар шамолига чидаш беролмай, титилиб кетди. Рад этилган ғоялар эса ўз исботини топди. “Фан тараққиёти замони” деб таърифланган йигирманчи асрда инқилобий ўзгаришлар содир бўлди. Ҳозир Ҳусниев қора тахтага ёзиб берган тенглама шундай инқилобий ҳолатнинг самараси сифатида фан тарихидан ўрин олган. Йигирманчи асрдаги фан даҳоси саналмиш Альберт Эйнштейн илгари сурган ғоянинг нотўғрилигини исботлайдиган бу тенгламани ҳамма ҳам билавермасди. Ҳусниев Умаржоннинг ечим услубларини кўриб, ёшлигидаги бир воқеани эслаган, шу боис йигитчани оғир синовга рўпара қилган эди.

Ўшанда дорулфунуннинг иккинчи босқичида ўқирди. У атоқли олимнинг фарзанди бўлгани учун эмас, математика ва физикага доир билимининг юқорилиги учун кўп-

чиликнинг эътиборига тушган эди. Сабокдошларининг айримлари Ҳусниевнинг қобилиятини иззатлаб, баъзилари эса отасининг мавқеидан фойдаланишни кўзлаб, у билан яқинлашишга интиларди. Отаси ҳам онаси ҳам уни айнан шундан эҳтиёт бўлишга чақиришарди. Ҳаётда қийин тенгламаларни ҳам енгил ечишга ўрганиш мумкин. Лекин дўст танлаш осон эмас, бу жумбоқ одам боласини умрининг охиригача сергак бўлишга ундайди, сергаклик салгина сусайса, паришон қилади. Фикру хаёли кўпроқ илм билан банд бўлган йигит ҳаётнинг бу жумбоғига кўпам эътибор бермас, кўнглига ёққан тенгдошларини ўзига яқин олаверарди. Катта ҳаёт йўлига ҳали чиқмагани учун хоинликнинг аччиқ сувидан татиб кўрмаган эди.

Ёзги имтиҳонларга яқин қолганда отаси ҳовлида келинга аталган янги уй қурилишини бошлади-ю, том ёпилган пайтида тоби қочди. Шифокорларнинг тавсияси ва талаби билан денгиз бўйига даволанишга отланди. Онаси ҳам бирга кетгач, Ҳусниев уйда бир ўзи қолди. Бу ҳам етмагандай, қурилиш ишларини давом эттириш вазифаси ҳам юкланди. Отаси тўхтатиб турса ҳам бўларди, лекин “ўғлим фақат китобни билади, ҳаётни ҳам кўрсин”, деб уни қийин аҳволга солиб кетди. Қурилиш ҳақида мутлақо тушунчаси йўқ йигитнинг “ҳаётни кўриши” усталарга чой дамлаб беришдан иборат эди. Бу вазифа ҳам вақтида адо этилмасди. Катта уста “илм боласи”нинг феълени билгани учун кўпам безовта қилмасди. Уйдан олиб келган таоми ўзига ҳам, мардикорларига ҳам етарди. Чой бўлмаса, совуқ сув ичиб нафсларини қондиришарди.

Уста сомонли лойни бир карра ағдариб чиққач, “эртага сувоқ қиламан, ёрдамларинг керак бўлади, бақувват ўртоқларингдан ҳашарга айт”, деди. Шу топшириққа амал қилиб, икки дўстини чорлади. Уч ўртоқ нонушта қилиб ўтиришганда уста ўрта бўйли, озғиндан келган, лекин кўриниши чайир бир одамни бошлаб келди. У “илм боласи”нинг ўртоқлари ҳам ўзига ўхшаган рамақижондир”, деб лойга

тушириш учун мардикор ёллаб келган эди. Мардикор йигитларнинг саломига алик олиб, кийимини алмаштирдию, ишга киришди. Лойни икки карра ағдариб чиққандан кейин бир пиёла чой ичиб, бир бурда нон еб нонушта қилгандай бўлди.

– Ошнажон, қоринни яхшилаб тўқлаб олинг, лой совуқлик, ёмон чақади, – деди уста унинг бу ишидан норози бўлиб.

– Мен кўрган совуқлик олдида, бу лойда ишлаш жаннатда яшашдай гап-ку, – деб кулимсиради мардикор.

Уста унинг қандай совуқликни кўргани билан қизиқмай ишни бошлади. Ҳашарчилар ҳам ишга енг шимарган эдилар, мардикор уларни қайтарди.

– Битта устага битта мардикор кифоя. Сизлар ўқишдан қолманглар. Дарсни келган жойидан давом эттиринглар.

– Дарс тайёрлаётганимизни қаёқдан билдингиз? – деб ажабланди Ҳусниев.

Мардикор нонушта қилаётиб, стол четидаги китобларга диққат билан қараб олганини у пайқамаган эди. Мардикор унга тикила туриб кулимсиради-да:

– Эйнштейнни ўрганадиган йигитлар лойга аралашмасликлари керак, – деб кетмонни қўлга олди.

Уччала йигит бу гапдан ажабланиб, бир-бирига қаради. Мардикорнинг Эйнштейнни билиши уларни лол қолдирган эди.

– Эйнштейнни ўрганаётганимизни қаёқдан билдингиз? – деди Ҳусниев таажжубини яширмай.

Челакка лой солаётган мардикор унга бир қараб олди.

– Агар ўрганмаётган бўлсангиз стол устида Эйнштейн китоби нима қилиб турибди?

Мардикор гапни шу зайлда калта қилиб, лой тўла челакни кўтарганича янги уй сари юрди. Йигитлар эса, ўз юмушлари билан бўлдилар. Тенглама ечиш жараёнида улар баъзан овозларини баралла кўтариб баҳслашишар, шундай пайтда мардикор уларнинг гапларига ўгринча кулоқ тутарди.

Уста эрталаб келаётиб бир кило қовурға гўшт олволган эди. Йигитлардан бири уқувлироқ экан, қайнатма шўрва солиб қўйди. Пешинда овқатланиб олишгач, уста юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди.

– Мен энди бир пас дам олмасам бўлмайди. Қўлимни лой чақди, асли лойсувоқ қилмаслигим керак эди. Иш чўзилмасин, деб зиммамга олақолгандим.

Шундай деб дарахт соясига эски кўрпачани ташлаб, ёнбошлади. Мардикор эса ерга ўтириб, дарахт танасига суянди. Йигитлар косаларни олиб, ошхонага элтишди. Ҳусниев “косаларни ўзим ювиб жойлайман”, деб уларни изига қайтарди. Икки йигит жойига қайтиб, тенгламалар ёзиб ташланган қоғозларни қўлга олишди.

– Мутлақо нотўғри ишлади, – деди уларнинг бири. – Ҳамманг мақтайсанлар-у, лекин оддий тенгламаларга ҳам тиши ўтмайди. Отасининг обрўси бўлмаса, сену биздан паст бола.

– Ундай дема. Отасига орқа қилмайди. Ўзида қобилият бор. Ҳали зўр бўлиб кетади.

– Отасининг диссертацияларидан қолган оқовалар билан бу ҳам олим бўлиб олади.

Уй эгаси ошхонада уқувсизлик билан бўлса-да, коса ювиш билан банд. Бунда эса ишонган дўстлари ғийбат халтасининг оғзини ўғринча оча бошлаган эдилар. Мардикорда гап пойлаш одати йўқ, лекин икки дўстнинг овозини тўсишдан имконсиз эди. Ошналарнинг ғийбатини чеклаш мақсадида уларга яқинлашди-да, бир варақ қоғозни олиб, кўз югуртирди. Икки дўст гапдан тўхтаб, ажабланиб тикилиб қолишди.

– Ўртоғингизнинг отаси олимми? – деди мардикор қоғоздан кўз узмай.

– Ҳа...

– Ким?

Мардикорнинг бу саволи ғалат туюлди: саводсиз одам физик олимни танирмикин? Шундай бўлса-да, йигитлардан бири унга синовчан тикилганича айтди:

– Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Хусниев. Эшитганмисиз шунақа одамни?

Бу гапни эшитиб, мардикор унга ялт этиб қаради. Кўзлари чақнади. Ҳатто қўллари титрагандай бўлди. Бир неча нафас ҳаракатсиз қолди.

– Шунақа одамни эшитганмисиз?

Иккинчи марта такрорланган савол мардикорни ҳушига қайтарди:

– Ҳа-ҳа, эшитганман. Ўртоғингизнинг... оти нима?

– Оти Мақсуд. Уни ҳам эшитганмисиз?

Мардикор энди ошхона томон тикилиб жим қолди. Ошхонада ерга тушиб синган косанинг овози келгач, сескангандай бўлиб, яна қоғоздаги рақамларга тикилди. Кейин йигитларнинг қўлидаги қоғозларни ҳам олиб кўз ташлагач, биринчи варақ адоғидаги рақамларга кўрсатгич бармоғини қўйиб, кўрсатди:

– Мана шу ерда янглишгансизлар. Бу ёқдаги хатолар шундан келиб чиқади.

– Ана айтдим-ку! – деди ғийбатни бошлаган йигит. – Хатони тан олиш керак!

– Тўғри, тан олиш керак, – деди мардикор. – Лекин хато – фожиа эмас. Энг буюклар ҳам адашишган. Ҳатто Эйнштейн ҳам, – шундай деб ўтирди-да, қўлига қалам олиб, оқ қоғозга ёза бошлади: – Ўн беш миллиард йил аввал бўлиб ўтган буюк қайноқ портлаш ҳақида дарров тўғри ечим топишга одам боласининг ақли етарлимикин? Эйнштейн дастлаб хато фикр билдирган. Лекин Фридман... – Эшитганмисизлар шунақа олимни?

– Эшитганмиз. Лекин яхши билмаймиз.

– Секин-секин билиб оласиз. Фридман тенгламанинг ўзгача ечимини топди ва Эйнштейнга ҳақлигини исботлаб берди. Эйнштейн коинотнинг ҳолати стационар эмаслигини тан олди.

Мардикор худди ўқувчиларига тушунтираётган муаллим каби гапириб, рақамларни ёзаверди. Бу орада Мақсуд келиб, таажжубда турган дўстлари қаторига қўшилди. Тен-

глама ечими охирига етгач, мардикор қоғоздан бошини кўтарди. Кўзи Мақсуднинг нигоҳи билан тўқнашиб унда ажиб бир ўзгариш кўринди. Аввал кўзларида чўғ пайдо бўлгандай ёнди, кейин унинг нурини ёш пардаси тўсди. Мардикордаги бу ўзгаришни, ичида куч олаётган вулқон ўтини қайтариш учун ютиниб қўйганини уч дўст сезмади.

– Сиз буларни қайдан биласиз? – йигитлардан бирининг саволи мардикорни хушига қайтарди.

– Менми... урушдан олдин сал-пал ўқишга тўғри келган.

– Кейин-чи? Уруш тугаганига анча бўлди-ку?

– Кейинми... умр ўтиб кетди. Мен ўрганган билим эскириб қолди, – деди мардикор аламли жилмайиш билан.

– Аниқроқ айтсам... битта лой қоришга етади.

– Биродар, гапни калта қилиб, лойни яна ағдариб қўйинг, берч бўлиб кетмасин, – деди уста у томон норози қиёфада қараб.

– Лойдан хотирингиз жам бўлсин, ҳалимдай бўлиб турибди.

– Сиз болаларга карра жадвалингизни ўргатаверинг-ку, аммо менга лой бўйича ақл ўргатманг.

Бу заҳарли гапдан кейин мардикор яна аламли жилмайди, устага лозим жавобни қайтаришга шайланди-ю, бу ҳолатда гапни майдалаштиришни ўзга эп кўрмай, тилини тийди. Бунинг ўрнига йигитларга ҳазил тариқасида деди:

– На илож, мен бу жанобга ўзимни бир кунга сотганман, амрлари вожиб!

Бошқа сўз айтмай, яна лойга тушди. Шом қоронғусига қадар ишлашса ҳам, тахмон томон сувалмай қолди. Мардикор ювиниб, тараниб кетар маҳалида Мақсуд ундан:

– Эртага ҳам келасизми? – деб сўради.

– Ҳали айтганимдай, мен ўзимни бир кунга сотганман. Эртага сотиб оладиларми йўқми, буниси менга қоронғу.

– Эртага мардикорнинг кераги йўқ, озгина иш қолди, ўзим эплайман.

Устанинг бу қўрслиги йигитлардан бирига ёқмай:

– Эртага ҳам келаверинг, ҳақингизни биз берамиз, – деди.

– Балки... бизникида қоларсиз, жой бемалол, – деди Мақсуд.

– Илтифотларинг учун раҳмат. Лекин уйимга бормасам... балога қоламан. Худо хоҳласа, яна кўришармиз. Сизларга ҳавасим келди. Ёшлиқдаги дўстликни қадрлаш керак. Ҳақиқий олим бўламан, десангиз, ҳасад деган балодан нари юринг. Илм олами ниҳоятда кенг, мартаба талашманг. Буюклик тахти ҳаммага етади. Бир нарсани унутманг: арзимаган гап билан дўстлик иморати бузилса, уни тиклаш мумкин. Лекин ҳасад туфайли бузилса, душманликка айланади. Бу душманлик ҳеч қачон дўстлик мақомига қайтмайди. Шайтон Худонинг энг илмли фариштаси бўлган. Кибрлангани учун нафратга учради, кейин эса ҳасад туфайли одамзотга душман бўлиб қолди. Мана шу ҳикмат тенгламаси сизга дарс бўлсин...

Шундай деб кетди... Мардикорнинг кимлиги уч ошна учун сир бўлиб қолаверди. Унинг нияти амалга ошмади, бошқа учрашишмади. Мақсуд тенгламалар ишланган қоғозларни ташлаб юбормади. Отаси қайтганда бўлиб ўтган ажабтовур учрашувни ҳаяжонланиб гапириб, мардикорнинг ёзувларини кўрсатди. Ёзувга кўзи тушиши билан отасининг ранги ўзгарганини Мақсуд сезмади, бироқ, онаси сезиб, ташвишланди. Отаси бир неча дақиқа давомида ёзувлардан кўз узмади. Мақсуд “тенглама ечимини жиддий ўрганияптилар” деб ўйлади.

– У одам... ўзининг кимлигини айтмадимми? – деди отаси синиқ овозда.

– Айтмади, урушдан олдин сал-пал ўқиган экан.

– Сенинг кимлигинг билан ҳам қизиқмадимми?

– Йўқ... – Мақсуд отасига ажабланиб қаради: – Нега қизиқиши керак?

– Баъзи мардикорлар қизиқувчан бўлишади, шунга сўрадим... Агар учрашиб қолсанг, уйга олиб кел, илмини хор қилиб юрган одам билан танишиб олай.

Учрашишмади. Илмини хор қилиб юрган одам худди эртақдагидай пайдо бўлиб, йўқ бўлиб кетиши ҳам ажабтовур эди.

Яқинда профессор мартабасига етишган Мақсуд Ҳусниев имтиҳонга биринчи бўлиб кирган йигитчанинг жавоблари билан таниша туриб, ўша ғаройиб воқеани эслаган эди. Ана шу воқеа сеҳри бу онда яна жонланди. Умаржон бир нуқтага келганда тўхтаб қолди. Ҳусниев сергакланди. Ўшанда мардикор худди шу нуқтада унинг хатосини кўрсатиб берган эди. Йигитча кўп куттирмади, бир оз ўйлаб олгач, давом этди. Ҳусниевнинг ўшандаги хатосини такрорламади, қора тахтада мардикорнинг ечими пайдо бўлди.

Умаржон сўнгги нуқтани қўйгач, Ҳусниев рақаму белгилардан нигоҳини узиб, йигитчага қаради. Энди унинг қарашида таажжуб ўрнига меҳр нурлари бор эди. Қўлини йигитчанинг елкасига қўйиб, жойига қайтди.

– Қаерда ўқигансан? – деб сўради мулойимлик билан.

Умаржон қишлоқ мактабининг рақамини айтди.

– Қизиқ... – Ҳусниев негадир шундай деб жим қолди. Кейин уларни жимгина кузатиб ўтирган шеригига юзланди. – Масаланинг бу усулдаги ечимини кўп одам билмайди. Қишлоқ мактабида бу даражада билим берилиши мени ажаблантиряпти. Қўшимча саволингиз борми?

– Ҳаммаси равшан-ку? – деди иккинчи муаллим елка қисиб.

Ҳусниев имтиҳон варақасига баҳо қўйгач, иккинчи муаллим ҳам имзо чекди-да, Умаржонга узата туриб, “Сиздек билимдонларни ўқитиш биз учун ҳам бахт”, деб жилмайиб қўйди.

Ётоқдоши даҳлизда хавотир билан кутиб турган эди. Уни кўриши билан тезда яқинлашди:

– Нима бўлди?

Ҳаяжон оғушидаги Умаржон варақага қўйилган баҳога қарамагани учун “Бўлди шекилли...” деб бўшаш-

ди. Ётоқдоши кўлидаги варақани олиб, қаради-ю “Воҳ!” деб юборди. Бу пайтда беш-олти йигит-қиз уларнинг атрофини ўраб олишган эди. Ётоқдоши варақани баланд кўтарди:

– Беш! Имтиҳонни яхши бошлаб берди. Ҳусниевнинг ўзи беш қўйибди!

Номининг ўзиёқ кўпчиликни ваҳимага солаётган муаллимдан “беш” баҳо олганига Умаржоннинг ўзи ҳам ишонмай, варақани қайтариб олиб баҳога қаради: “5 (аъло!) профессор Ҳусниев”... Нима учун “аъло” сўзидан сўнг ундов белгиси қўйилганини кейинроқ билди. Асосий фанлардан аъло олгани ҳам бир бўлди-ю, охириги имтиҳон – иншода “икки” олиб, ўз таъбири билан айтганда, “бурни-ни тортиб, шумшайиб” қишлоғига қайтди.

Қишлоқдаги устози буни кутмаган эди. Умаржондан кўпроқ унинг кўнгли оғриди. Физикадан етарли билим бергани ҳолда, тил-адабиёт бобида ўзининг ҳам ночорлигидан афсус чекди.

– Ранжима, кейинги йил албатта кирасан, – деб йигитчага далда бермоқчи бўлди.

– Ранжиганим йўқ. Кейинги йил ҳам киролмайман, кузда ҳарбийга чақиришади. Унгача тракторчилик қилиб юравераман...

Тракторчилик қилиш тақдирида йўқ экан, Эртасига Ҳусниев уни қидириб келди. Бу ташриф Умаржонни лол қолдирди. Ҳатто салом беришни ҳам унутди. Ҳусниев унинг ҳолига парво қилмай, норози оҳангда сўради:

– Нега индамай кетиб қолдинг?

– Йиқилдим-ку... – деди Умаржон ундан нигоҳини олиб қочиб.

– Ким айтди буни сенга? Йиқилганинг йўқ, сал-пал қоқилдинг. Ҳозир иншоингни қайтадан ёзиб бериб, индинга “мандат”га етиб борасан.

Ҳусниев шундай деб портфелидан иккита дафтар олиб унга узатди. Умаржон иншо ёзилган дафтарнинг биринчи

бетини очди-ю, ёпди. Қарийб “лолазор” бўлиб кетган сатрларга қарашдан истиҳола қилганини сезган Ҳусниев далда берди:

– Сен уялма. Менам аранг “уч” олганман. Физикага “Ёш гвардия” романининг нима алоқаси бор экан, ўзим ҳам ҳайронман. Мен отанг билан гаплашиб олай, сен шошилмасдан, хатоларингни тўғирлаб ёз. Ҳаяжонланаверма, “аъло”га тортишинг шартмас. Бизга “қониқарли”си ҳам етади.

Хатоларини кўриб уялгани рост. Лекин Ҳусниев “отанг билан гаплашиб олай” дегач, шармандалик ўтида ёна бошлади. Асли исми Баҳодир бўлган, болалигида тенгдошлари “Баҳо” деган, кейинчалик эса майхўрлиги учун қишлоқда “Баҳо” эмас, “Бало алкаш” атала бошлаган отаси одатдагидек бугун ҳам маст, уй ортидаги боғда, ариқ лабида думалаб ётган эди. Қишлоқ аҳли ҳузурида иснодга қолгани етмагандай катта бир олим олдида ҳам шарманда бўлиши йигит шаъни учун оғир эди. Шармандаликдан қутилиш ниетида ёлғон гапиришга мажбур эди.

– Отам далада эди... – деди бош кўтармай.

– Яхши, унда устозинг билан таништириб қўясан. Кўчириб бўлгунингча супаларингда ўтираман. Ошхонангни кара-чи, совуқ чой бўлса, олиб чиқ. Чўлладим.

Умаржон меҳмоннинг ҳурмати учун дастурхон солиниши лозимлигини биларди. Лекин ямоқ дастурхонни солишдан истиҳола қилди. Ҳусниев иззатталаб тоифадан эмасди. Йигитнинг тараддудланаётганини сезиб: “Эшитдингми, фақат совуқ чой, бошқа нарсага ҳаракат қилмай, ишга кириш. Устозинг билан танишиб, кечгача қайтишим керак”, деб таъкидлади. Умаржон жўмраги чегаланган чойнакни олиб чиққач, ўзи ҳам супадаги хонтахта атрофидан жой олди. У меҳмонни бу уйдан тезроқ олиб кетиш учун шошилди. Аммо улгурмади. Иш яримламай туриб, боғ томондан отасининг йўтали эшитилди. Дам ўтмай ўзи ҳам кўринди. Супага яқинлашиб, ўғлига бир қараб олгач,

меҳмон қаршисига келиб, кўзларини лўқ қилиб унга тикилиб олди. Ҳусниев сочлари хурпайиб, патак бўлиб кетган, кўзлари-ю юзлари қизарган бунақа майхўрларни шаҳарда кўп кўрган, қишлоқда бир-икки учраши ҳам янгилик эмас, шу сабабли уни хонадонга адашиб кирган майхўрлардан бири деб ўйлаб, саломлашмади.

– Сен кимсан? – деди Бало алкаш бир чайқалиб олгач.

Ҳусниевга бу муомала оғир ботган бўлса ҳам, сир бой бермай, юмшоқроқ жавоб қайтарди:

– Ўзлари ким бўладилар?

– Менми? Мен шу уйнинг хўжайиниман. Манави энағарнинг отасиман.

Ҳусниев беихтиёр “Шу ростми?” деган маънода Умаржонга қаради. Кейин уни хижолатда қолдирмаслик учун, нигоҳини тезгина олди. Уй соҳиби эса чайқалганича саволини такрорлади.

– Мен ўғлингизни Тошкентдаги ўқишга олиб кетгани келдим. Ундан зўр олим чиқади.

– Менга деса нариги дунёга олиб кетмайсанми? Бундан бало ҳам чиқмайди.

Ҳусниев эътироз билдиришга чоғланди-ю, лекин бу киши билан гап таллашиш фойдасиз эканини фаҳмлаб тилини тийди.

– Ўғлимни олиб кетадиган бўлсанг, ҳақини чўзиб қўй.

Бу гапдан кейин Умаржон жонҳолатда сакраб туриб кетди:

– Дада!

Ҳусниев унга ўгирилиб, тинчлантирди:

– Сен ишингни давом эттиравер. Мен ҳаммасига тушуниб турибман.

– Тушуниб турган бўлсанг, пулдан чўз!

Ҳусниев у билан айтишишни истамай, муроса қилишни маъкул кўрди:

– Қанча берай?

– Уч сўм.

- Ўғлингиз уч сўмга арзимаиди, бир сўм бераман.
- Унда бир сўм эллик тийин бер.
- Талашадиган бўлсангиз, ўттиз тийин бераман.
- Бўпти, чўз бир сўмни!

Пулни олиши билан хайр-хўшни насия қилиб, гандираклаганича кўча томон шошилди. Умаржон эса бош эгиб ҳаракатсиз ўтираверди.

Ҳусниев вазиятни тезгина баҳолаб, аниқ бир қарорга келди:

– Нарсаларингни йиғиштир, мен билан бирга кетасан. Иншони шаҳарда кўчириб берасан. Устозинг билан бошқа бир кун таништирасан.

Шундай қилиб Умаржон шаҳарга келиб қолди. Кейинчалик Ҳусниев бирон бир даврада у ҳақда сўз очилса “Менинг бир сўмга сотиб олган шоғирдим”, деб ҳазиллашадиган бўлди.

Бу нохуш воқеадан сўнг кўп йиллар шодликда, хуррамликда ўтди. Бало чақини кутилмаганда чақди: илмий кенгашда минбарда сўзлаб турган Ҳусниевнинг бетлари тортиша бошлади. Кенгашда котиблик қилаётган Умаржон унинг лаблари тортишиб, оғзи қийшай бошлаганини кўрди-ю, ёрдамга шошилди. Минбарга яқинлашганда устози ҳушсизланиб йиқилди. Вақтида тиббий ёрдам кўрсатилгани учунми, ҳар ҳолда Худо жонини қайтариб берди. Лекин жон қайтгани билан “инсульт” деган дард ўзига тегишлисини олди: минбарда тўхтаган тил сўзга айланмади, бир қўл, бир оёқ ҳам ҳаракатсиз қолди. Ўғли ўрнига ундан Умаржон хабардор бўлиб турди. Ҳусниевнинг аҳли аёли билан тўнғич ўғли ўттиз икки йил муқаддам автоҳалокатда вафот этган эди. Шундан сўнг уйланмай, кичигини ўзи тарбия қилиб, вояга етказди. Илм олмига олиб кирди. “Умид” деб аталмиш ташкилот кўригидан ўтган ўғли Англияга йўл олганида беҳад шодланди. Университетдаги ўқиши якунланмай туриб, қандайдир иш топиб, Шотландияга ўтиб кетганини эшитгач эса ўғлидан ғоят ранжиган, у билан

салом-алиги ҳам сийраклашиб қолган эди. Шифохонада Умаржон ўғлингизга хабар берсакмикин, деган маънода гапирганда Хусниев кўз қарашлари билан қатъий рад жавобини билдирди. Шундай бўлса-да, Умаржон ўғилга маълум қилди. Устозининг уйидан хабар олгани кирганида стол устидаги дафтарчани беихтиёр варақлаб, ўғилнинг телефон рақамларига кўзи тушиб, таваккалига терди. Ўғил отанинг аҳволидан ташвишга тушмади. Балки инглизларга хос совуқлик билан:

– Биласизми, жаноб, ҳозирги кундаги ташвишларим мени у томонларга боришимга имкон бермайди. Касалхонадан чиқишларида “Қариялар уйи”га топшира туринг, мен кейинги йил бориб зиёрат қилиш имконини топишга уриниб кўраман. Фамилиянгизни айтинг, харажатлар учун “Вестрн юнион” орқали пул жўнатаман, – деди.

Бу гапдан ғазабланган Умаржон алоқани шарт узди. Кейин дафтарчадаги унинг номи ва телефон рақамларини ўчириб ташлади. Врачлар дастлабки муолажалар ниҳоясига етганини, уйга олиб кетиш мумкинлигини айтишгач, ўйланиб ҳам ўтирмай, устозини ўз уйига олиб келди. Хусниев ўзини унинг уйида кўргач, кўз қарашлари билан норозилигини баён қилганда, Умаржоннинг жавоби қисқа бўлди:

– “Устоз – отангдан ҳам улуғ”, деганлари аксиома. Аксиома эса муҳокама қилинмайди.

Ўшандан бери Умаржон эрта тонгдан устозига қарайди. Ювинтиради, нонуштага олиб чиқади. Хусниев бир нима дегиси келса, қоғозга ёзиб беради.

Бугун ҳам одати бўйича устозини меҳмонхонага олиб чиққач, аввал унга асалчой ичирди. Кейин ўзига қуйди. Холлида ошхонада нонушта тайёрлаш билан банд эди. Умаржон соатга қараб олиб, телевизорни ёқди. Устози ҳар куни шу вақтда “Евроњьюс”ни кўриб, дунё аҳволидан бохабар бўларди. Умаржон эса бу сиёсатларга тоқатсиз бўлгани учун газетани олиб, кроссвордга тикилди.

Телеэкранда дунё янгиликлари бошланди: Арабистондаги отишмалар, кейин манзара ўзгариб, Бразилиядаги карнавал кўринди. Сўнг Европа ўрмонларидаги ёнғин, кейин Хитойдаги сув тошқинлари... Беш дақиқада дунёнинг ола-чалпоқлиги, одамларнинг Одам номига арзимайдиган иллатлари аниқ манзараларда акс этди. Ҳусниев бир экранга, бир шогирдига қараб, уни суҳбатга чорлаш ниятида қоғоз устидаги қаламни қўлга олди-ю, лекин нима учундир фикридан қайтди. Умаржон газетадан кўз узмаган ҳолда чап қўли билан пиёладаги чойқошиқни айлантираверди. Холида патнисдаги ликопчаларда қуймоқ олиб кириб қўйгач, эрининг қўлидаги қошиқни олиб қўйиб норози қиёфада қош чимирди:

– Уф-ф, мунчаям газитга тикилиб қолдингиз? Яна бир пас шунақа ўтирсангиз, қошиқ жонвор ҳам эриб кетади.

– Биринчидан, қошиқ жонвор эмас, иккинчидан чойда эримайди, – деди Умаржон газетадан кўз олмай. – Учинчидан, газитга тикилиб қолганим йўқ, кроссворд ечяпман. Тўртинчидан ва энг муҳими: кроссворд тузган одам ғирт чаласавод. Мана, қаранг, “Атом бомбани яратган америкалик физик олим”, деб шарт қўйибди. Катакчалардан “Эйзенштейн” деган ном чиқяпти. Бунга нима дейсиз, муҳтарама физика муаллимаси?

– Ҳеч нима демайман, менга нима?

– Гап шундаки, хоним, ҳаёт ҳам кроссвордга ўхшайди. Кимдир ҳаёт кроссвордини чалкаштириб юборади, кимдир бечора эса тўғри ечим тополмай боши гангийди, кимлардир эса, “менга нима” деб томоша қилиб ўтираверишади, бу биринчидан. Иккинчидан, олим Эйнштейн билан совет кинорежиссери Эйзенштейннинг фарқига бормаган одам жинни-санғи газета чиқариб, чўнтагини қаппайтириб ўтирса, бу ёқдагилар додини кимга айтсин? Учинчидан, Эйнштейн Америка олими эмас, асосий ишларини Германияда яшаётганида амалга оширган. Тўртинчидан... – Тўртинчисини айтишга улгурмади, устози чой қошиқ билан

пиёла четига уриб “гапни тўхтат” ишорасини қилди. – Тушундим, устоз, ҳаёт фалсафаси дастурхон устида яратилмайди. – Газетани буклаб, четга сурди-ю, оч қолган боладек шошилганича нонуштани бошлади. – Қорин очлигида яратилган ҳаёт фалсафаси рамақижон, бўлади. Рамақижон нималигини биласизми? Ўлимтик дегани.

Мақсуд Хусниев яна қошиқни пиёлага уриб, “чегарадан чиқяпсан” деган танбеҳ маъносида хўмрайиб қўйгач, Умаржон муте бола ҳолида гапдан тўхтади. Холида пиёлага ўзи учун чой қуйди-ю, ичишга шошилмади. Эрига савол назари билан тикилиб ўтирди. Умаржон бу нигоҳдан мақсадни англаган бўлса ҳам, сезмагандай чойини ичаверди. Бу ҳолатдан юраги сиқилган Холида сукутни бузди:

– Ҳозир қаерга борасиз?

– Ҳар бир интизомли одам сингари ишга бораман, – деди Умаржон чойдан бош кўтармай..

– Маҳаллага чиқмайсизми?

– Бугун маҳаллада қиладиган ишим йўқ.

– Аэропортга бирга чиқамизми? Машина тайинлаб қўйдингизми?

– Аэропортга бирга чиқмаймиз. Машина айтиб қўйдим. Ўғлинг самолётдан тушиши билан йигирма бешинчи автобустга чиқса, тўппа-тўғри шу кўча бошида тушириб кетади. Автобусдан уйгача икки юз ўн беш қадам. Соатига бир ярим минг қадам боса олса, етти ярим дақиқада уйга етиб келади.

– Қўйинг, шу гапларингизни.

Холида астойдил аччиқланганини билдириш учун пиёласини зарда билан суриб қўйди. Хотинининг макрига ўрганиб кетган Умаржон эса бу зардага мутлақо аҳамият бермай, хотиржам оҳангда давом этди:

– Мени шу пайгача ҳеч ким аэропортга кузатмаган, кутиб ҳам олмаган. Ўғлим ҳам ўзимга ўхшайди, иззатталаб эмас, Худога шукр.

– Хўп, ўглингиз-ку ўзи келаверади. Меҳмони-чи? Хурматли олим экан, маҳалладаги иномаркаси бор бирон бойваччага айтсангиз, йўқ демайди.

– Агар меҳмони ростданам хурматли олим бўлса, демак, у ҳам иззатталаб бўлмайди. Ўглингга қўшилиб автобусда келаверади. Баҳслашманг, хоним, бу – аксиома! – Мақсуд яна қошиқни пиёлага уриб қўйгач, мағлуб бўлгандай бошини эгди. Бош эгиш зоҳиран мағлубият эди. Аслида эса ўша оҳангидан воз кечмади: – Тушундим, устознинг хурмати учун Абдусалом аканинг ўғлига айтаман, “Запорожец”ида хизмат қилади.

– Нима?

– “Иномарка” деяпсан-ку? “Запорожец” ҳам чет элда ишланган. – Мақсуд энди панжаси билан столга уриб-уриб қўйгач, Умаржон кулиб, икки қўлини кўтарди: – Ҳазиллашдим, устоз. Хонимнинг жиғига тегсам, кун бўйи руҳланиб юраман.

– Шунақами? – Холида аразни ошкор қилиш, эридан ўч олиш мақсадида қошларини чимирди: – Унда мен ҳам руҳимни кўтариб олай.

– Қани, қани? Руҳингни кўтаргин-у, лекин мени кўрқитиб юбормагин.

– Кеча Ҳуриниса чиқувди. Бир парча қоғозини ёзиб бера қолсангиз нима қиларди?

– Сиз айтган бир парча қоғозга у хоним айтган гапларни ёзиб берсам, қоғоз исноддан ёниб кетса-чи?

Умаржоннинг “сиз”лай бошлагани, киноя сандиғининг очилишидан далолат эди. Бу сандиқ очилгач, эрини енгиш қийинлигини билса ҳам, битта гапдан қолгиси келмади.

– Қизи ўз хоҳиши билан уларга қўшилиб кетмаган экан, “одам савдоси” деган тўрга тушиб қолибди.

– Мендаги маълумот эса бошқа. “Амирлик”даги энг янги баланд меҳмонхонани гуллатгани учун тўрт ой камоқхонада ўтирган. Тағин ҳам тошбўрон қилдирмай, уйига жўнатишибди. Унинг одам савдоси тўрига ҳеч бир алоқаси йўқ. Момиқ қуёнчага ўхшамай қўя қолсин.

– У ёқдаги гапни қўйиб, ўша қоғозини ёзиб бераве-ринг. Гуноҳи ўзига.

– Отаси маҳаллага чиқсин, ўзим тушунтириб қўяман.

– Отаси оқ қилибди.

– Оқ қилибди? Энди бундан нима фойда? Оқ қилиш – ўзидан ажратиш, нари қилишми? Қизи аллақачон ота-онасидан нари бўлган-ку? Хуринисангга айтиб қўй, энди оқ қилишадими ё кўк қилишадими бўйниларидаги шармандалик юки қолаверади, қизнинг шунақа бўлишига ўзлари сабабчи. Тағин ҳам эски замонлар ўтиб кетган. Агар ҳаё нималигини билишса, маҳаллада бош кўтариб юролмай, кўчиб кетишган бўлишарди. Исноддан ёнишмаса, маҳалланинг ўзи кўчиртириб юборарди. Отаси оқ қилганда маҳалла ҳам оқ қилмайдими? Тавба... Қизини талтайтириб-талтайтириб энди оқ қилармиш... Эсингдами, “мактабга енгсиз калта кўйлак кийиб келмасин”, деганинда шу Хуринисанг жанжал қилиб, ўзингни юлиб ташлай девди.

– Шу гапларни қўя қолинг. Агар қоғозини ёзиб бермангиз, менинг қулоқ-миямни еб охири инфаркт қилади. Маҳаллага сиз оқсоқолсиз-у, ҳамма бало менинг бошимга ёғилади. Агар шу ишингизни топширмасангиз, эрта-индин жинни бўлиб қоламан.

– Ўзингизни босинг, хоним, Одам Ато замонидан бери ҳали ҳеч бир маҳалла оқсоқолининг хотини телба бўлиб қолмаган.

– Хўп, унда чиқиб кетаётгандаги гапини эшитинг: “Инсон ҳуқуқлари” идорасига устингиздан арз қилармиш. Ўша идоранинг сарсон қилиши керакми сизга?

Умаржон бу гапдан кейин аччиқланиб, кафти билан столга уриб-уриб қўйди.

– Инсон ҳуқуқи?.. Инсонда бузуқлик ҳуқуқи бор эканми? Шундай ҳуқуқни ҳимоя қиладиган идора бор бўлса кўрайин-чи қанақа экан? Мен учун адолат ҳуқуқи бор, ҳалоллик ҳуқуқи бор, виждон ҳуқуқи бор. Ўша Хуринисангиз яна келса, шу гапларимни сўзма-сўз етказиб қўйинг.

Умаржоннинг тилидан учган бу сўзлар ҳавойи эмасди, дардли қалбнинг зарралари эди. Болалигидаёқ адолатсизликларни, хўрликларни кўрган одамнинг юрагидаги чандиқ ҳеч қачон битмайди. Умаржон худосиз-атеистлардан эмас. Лекин илоҳиёт илмидан узоқ, ақлини фақат дунёвий илмларга берган. Ҳаёт нима, одамийлик нима, яхши фарқлайди. Агар Ислом илмидан бир озгина хабари бўлганида ҳозирги хитобини “...адолатли бўлинглар... ўзларингизга ёки ота-оналарингизга ё қавму қариндошларингизга зиён еткудек бўлса ҳам, адолат йўлидан чиқманглар” деган ояти карима билан қувватлантирган бўларди.

Эшик қўнғироғи жиринглаб, эр-хотин можароси якун топди. Холида ўрнидан туриб дарвоза томон юрди. Умаржон эса “маҳалладаги бирор киши дарду хасратини дастурхон қилиб кўтариб келгандир”, деган ўйда жойидан жилмади. Холиданинг “Вой, келинг, келинг амаки-дада” деган овозини эшитиб, шошиб ўрнидан турганича дераза оша ташқарига қаради. Икки қўлида икки халта кўтариб ҳовлига кирган устозини кўриб, кутиб олишга ошиқди. Мирзаолим ўнг қўлидаги халтани Холидага узатиб, бирини ўзида қолдирди. Зина устидаги шиппагини оёғига илганича илдам юриб келган шогирди билан кўришгач, уй томон юрди. Ичкари кириб, Ҳусниевни елкасидан енгил қучиб, саломлашди. Ҳусниев эса бу ташрифдан мамнун эканини кўз қараши билан ифода этди. Мирзаолим ўтириб, дуо қилгач, бўшаб қолган ликопчаларга қараб, афсус билан бош чайқади:

– Аттанг, бир оз кечикибман-а, нонуштага етиб келаман, деб ният қилувдим. Майли, зарари йўқ, сенларнинг қуймоқларинг қоринга юқ бўлмайди. Келин, халтани беринг-чи... – Шундай деб халтадан қаймоқ тўла банкани олди: – Дарров пиёлага солинг. Бу оддий қаймоқ эмас, доривор. Минг дардга даво. – Гапира туриб асал тўла банкани олиб, қопқоғини очди-да, ҳидлаб ҳузурланди: – Бай-бай-бай! Бу оддий асал эмас, асал суви! – Умаржонга маъноли

нигоҳ ташлаб олгач, кейинги пайтда одат қилгани шоирона ифодага кўчди:

“Тиббда уни “молиқаротун” дерлар.

“Қаротун” – сув, “моли” асалким, ерлар.

“Моуъ ул-асал” дейди араблар уни,

Даво топар ундан хотину эрлар.

Пайларга ўрнаса совуқ ногаҳон,

Ёки мияда ғам бўлса бу нуқсон,

Ёхуд бўғин оғриқ қийнаса ногоҳ,

Ёки қусқи келса, фойдаси аён!

Банкани шоирона лутф ила Холидага узатгач, ўз ишидан фахрланганини ошкор этиб, илова қилди:

– Хуллас, минг бир дардга даво!

– Нуқул “минг бир дардга даво” деб мақтанасиз, – деб кулди Умаржон. – Битта одамда мингта дард бўладими?

Мирзаолим “Бу маҳмадананинг таъзирини бериб кўяйинми?” деган маънода профессорга қаради. Ҳусниев шогирдининг гапига қойил бўлдими ё “бопланг”, деган маънода жилмайдими, буни Мирзаолим фарқлаб ўтирмай, ёлғон пўписа қилди:

– Сен бола лазерларингни билавергин-у, табобат бўйича менга ақл ўргатма!

Бу гап Ҳусниевга қачонлардир бошқа бир одамнинг шу каби танбеҳини эслатди, нимадир дегиси келиб, лабларини қимирлатди. Лекин тили ҳам, лаблари ҳам ўзига бўйсунмади. Ҳусниев Умаржоннинг устози билан учрашишни қанчалик орзу қилмасин, турли сабаблар билан бу хайрли учрашув саккиз йилга чўзилди. Шунда ҳам у қишлоққа бормади, Умаржоннинг диссертация ҳимоясида танишди. Уни кўрди-ю, узоқ йиллар илгариги мардикорни ёдлади. Лекин ўтмиш кунлар ҳақида у билан гаплашиш имкони бўлмади. Шундан сўнг кўп йиллар яна кўришишмади. Илмий ишлар билан бўлган Ҳусниевнинг қишлоққа боришга фурсати йўқ эди. Мирзаолим эса шаҳарга кам тушарди. Умаржоннинг никоҳ тўйида учрашишди-ю, бафуржа гаплашиш имкони

яна бўлмади. Умаржон докторлик диссертациясини Москвада ёқлади. Хусниев борди. Мирзаолим эса кўринмади. Учрашувлар тизими хасталик кунларига аталган экан. Умаржон уни шифохонадан олиб чиққач, Мирзаолим ҳар икки ҳафтада бир келадиган бўлди. Хусниевнинг сўрайдиган гаплари кўп эди, лекин қоғозга ёзиб суҳбатлашиш унга малол келарди. Мирзаолим унинг дилида саволлари кўплигини сезиб турарди. Шу сабабли илм ёки ўтмиш ҳақида сўз очилишини истамай, кўпроқ чалғитувчи гап-сўзлар билан банд қиларди.

Мирзаолим профессорнинг билагини аста ушлаб, кўзига қаттиқ тикилиб турди. Кейин беморнинг кафтига қаради-да, хўрсинди:

– Тушунарли. Устоз-шогирд икковларингнинг лойларинг бир жойдан олинган. Мен олиб келаётган дори-дармонлар ахлатга ташланяптими? Холида, қизим, шунақа бўляптими?

– Унақамас, амаки-дада... лекин... – Ҳақиқатни айтишга Холиданинг тили айланмади.

– Жавонга тахлаб қўйяпсизми? Бир ой турар, бир йил турар, барибир ташлаб юборасан. Сиз қизим, ақллисиз, буларнинг бошида лазердан бошқа ҳеч вақо йўқ. Сиз уларга тушунтириб қўйинг: дардни Худо одамнинг боши устидан сочади. Шифони эса дала-даштга, тоғу-тошга сочиб юборган, – шундай деб халтадан бир ўрам ровоч чиқарди-да Умаржонга қаради: – Устозинг шаҳар боласи, лекин сен бунинг нималигини биласанми?

– Зўр савол бўлди-ку? – деб кулди Умаржон.

– Сен кулма. Шаҳарга тушгунингча еганингча егансан. Лекин фойдасини билмайсан, шунинг учун мени масхара қилмай эшит:

*Ровочким, ейилса, иштаҳа очар,
Чанқаган одамдан ташналик қочар.
Қонда ё сафрода ғалаён бўлса,
Босилар, қонига сафолик очар...*

– Маъносига тушундингми? Устозингга кони фойда эмасми?

Телефон жиринглаб, Мирзаолимнинг таърифи чала қолди. Холида гўшакни олиб, узр назари билан унга қараганича жавоб берди:

– Лаббай? Ҳа, уйдалар. Нима? Экскаватор? Қанақа экскаватор? Тўхтанг, ҳозир ўзларига бераман.

Холида “тушунмадим” деган маънода елка қисиб, гўшакни эрига узатди.

– Алло, ҳа, ҳожи бува? Нима? Экскаватор солса, индамай қараб тураверасизми? Тагига ётиб олсангиз ҳам тўхтадинг, ҳозир бораман.

Умаржон гўшакни жойига қўйгач, шошилиб қолди.

– Олим ака, менга узр, сиз келмасингиздан олдин ишга отланиб турувдим. Яна битта ташвиш чиқиб қолди. Тез бормасам бўлмайди. Ўшанақаси ишга ўтиб кетаман. Икки устоз чақчақлашиб ўтиринглар, вақтлироқ қайтаман. Бугун келинингиз ошхонада навбатчи, қулинг ўргилсин Қўқонча палов еймиз.

Эътирозга ўрин бермаслик учун гапдан тинмай, шошилганича чиқиб кетди. Болалик чоғи Мирзаолим уйига олиб келиб, оталик қила бошлагач, Умаржон уни нима деб аташни билмай қийналган эди. Мактабда ҳамма болалар каби “муаллим” дейишга тили келишмай “малим” дерди. Ўйлай-ўйлай унинг кўнглини кўтариш учун бир куни “дада” деб чақирди. “Отанг тирик, мени “дада” дема, сен учун “Олим ака”ман”, дегач, шу муомалага ўрганган эди. Хусниев дастлаб эшитганда “Ёшлари анча катта экан, мен “Мирзаолим ака” десам ярашади, сен “Мирзаолим амаки” деганинг дуруст”, деб танбеҳ берса-да, Умаржон билганидан қолмаганди. Лекин уйланганида Холидага “амаки-дада” дейишни тайинлаган, келин бунинг сабабини суриштирмаган, биринчи мурожаатидаёқ шундай атай бошлаган, Мирзаолим ҳам бунга эътироз билдирмаган эди.

Умаржон чиқиб кетиши билан икки устознинг савол назарлари Холидага қадалди. Кўп оилаларда эрнинг айрим

тушунарсиз қилиқларини шарҳлаш, изоҳлаш хотин зиммасига тушади. Қўни-қўшни ёки қариндошдан бирон нарса сўрашга ҳам хотин балогардон. Ёзилмаган қонун бу оилада ҳам ҳукмрон бўлгани сабабли Холида малолланмасдан тушунтирди:

– Боғчанинг ўрнига яна харидор чиққанга ўхшайди. Бойларнинг қўли узун, укангиз югуриб-югуриб охири беобрў бўлгани қолади. Ҳали келганларида икковлашиб тушунтириб қўйинглар.

Мирзаолим “гапинг тўғри”, деган маънода бош ирғади. Ҳусниев эса дафтарчага нимадир ёзиб, Холидани имлаб чақирди. Холида яқинлашиб ёзувга қаради-да овоз чиқариб ўқиди:

– “Ўйнашмагин арбоб билан”.

Холида енгил “уф” тортиб, “минг йиллик мақолга укангиз тушунмайдилар”, деди-да, чойнакни кўтариб, ошхона томон юрмоқчи эди, Мирзаолим тўхтатди.

– Мен ҳозир чой ичмайман, нонушта қилиб бўлибсизлар, дастурхонни йиғиштириб қўяверинг. Мен бугундан бошлаб устозни бироз қийнайман.

Ҳусниев Мирзаолимдан анча ёш бўлса ҳам, унинг профессорлигини ҳурматлаб, биринчи кўришгандаёқ “устоз” деб мурожаат қилганди. Ҳусниев бундан истиҳола қилиб, “устоз”мас, “Мақсуд” ё “ука” деяверинг” деса ҳам, муомаласини ўзгартирмаган эди.

Мирзаолим беморга яқинлашиб, енгини шимарди-да, елкаларини аста силай бошлади. Ҳусниев бундан ноқулай аҳволга тушиб, қимирлаб олди.

– Худо одамни ҳаракат учун яратган, бунақа ўтиришда чўкиб, тўғнаб қоласиз. Ҳозир бўйнимга осилиб, турасиз, секин-секин, атак-чечак қилиб юришни ўрганамиз.

Бу гапни эшитиб, Ҳусниев “йўқ” деган маънода бош чайқади.

– “Йўқ” дейишингизда маъно йўқ. Мен атай шу мақсадда келганман. Касалингиз дўхтурлар айтганчалик

оғир эмас, ярмингиз соппа-соғ, бутун дунё симметрия асо-сида яратилганми? Одам ҳам шундайми? Демак, хаста то-мон соғ томон сари интилади. Бунинг учун одамнинг ўзида интилиш бўлиш керак. Сизнинг энг катта хатоингиз – касаллигингизга ўзингизни ишонтирганингизда. Бу ишонч-ни йўқотамиз. Сиз касаллигингизга эмас, дардни енга оли-шингизга ишонинг. Агар ўлим ёзилмаган бўлса, Худо ҳар қандай хасталикка шифо беради.

Мирзаолим “эътирозга ўрин йўқ” деган оҳангда га-пира туриб энгашди-да, беморнинг қўлтиғидан билаги-ни ўтқазиб, енгил қучоқлади. Ҳусниев амрга итоат этиб, соғ қўлини унинг бўйнига ташлади. Умаржон ҳам уни бир неча марта шу зайлда кўтарган, юрдиришга уринган. Ҳусниев бирон ери оғримаса ҳам, руҳи имконсизликдан қийналган эди. Ҳозир ундай бўлмади. Назарида жонсиз оёғига жон қайтди. Кўнглига бир илиқлик югурди. Хас-та оёғини ҳаракатга келтира олмаса-да, худди юриб кет-гандай ҳузурланди. Назарида отаси тирилиб келиб, уни қучгандай, елкаларини силагандай туюлди. Мирзаолим ҳам шундай ҳолатда: ўз ўғлини бағрига босиб тургандай эди. Бу онда икковининг кўзларига ёш келди. Мирзаолим қалбини титратган ҳолатнинг сабабини биларди. Ҳусниев учун эса ўз ҳолати тушунуксиз эди...

Мирзаолим беморни жойига қайтариб ўтқизаётганда Холида кириб келди. Мирзаолим унинг ясаниб олганини кўриб, қайгадир отлаганини, ижозат сўрашга ийманаётга-нини англади.

– Сиз ҳам экскаваторчи билан олишгани шайландин-гизми? – деди Мирзаолим ҳазил қилиб.

– Э... қўйинг уларни, – деди Холида қўл силтаб. – Нева-рангиз келиши керак...

Холида бир хўрсиниб олгач, нонушта чоғидаги можа-рони айтиб берди.

– Эрингизнинг феълини ҳали ҳам ўргана олмабсиз-да, уни инсофга келтириш учун баъзан алдаб ҳам туриш керак. Хайрли иш учун ёлғон ишлатсангиз, Худо кечиради.

Холида Мирзаолимнинг ҳазил гапларини чин ўрнида қабул қилиб, ажабланди:

– Нима деб алдайман?

– Масалан... – Мирзаолим қувлик билан кўз қисиб, Ҳусниевга қараб олди. – Чет элдан машҳур лазерчи олим келяпти экан, десангиз, қанот чиқариб учарди. Кутиб олишга машина эмас, вертолёт ҳам топарди.

– Алдашнинг ҳожати йўқ, чиндан ҳам шундай. Жаҳонгирга қўшилиб бир чет эллик олим ҳам меҳмон бўлиб келяпти.

– Унақада... – Мирзаолим жавобга иккиланиб, ўйланди, жағини силай туриб Ҳусниевга қаради: – гап уқмас бевош боланинг қулоғидан чўзиб қўйишимиз керак экан.

Ҳусниевга бу ҳукм маъқул келиб, жилмайганича бош ирғади.

– Қизим, устоз ўтира турсинлар, бирга кутиб оламиз. Жаҳонимни жуда-жуда соғинганман.

* * *

Умаржон уйидан шошилиб чиққан онда маҳалла марказидаги кўп йиллардан бери бўш ётган майдонда ажиб ғалва бошланган эди. Неча йиллардир аввал бу ерда боғча қурилиши бошланган, лекин маблағ тугаганми ё бошқа сабабданми, хуллас, биринчи қаватнинг ярми кўтаришганда иш тўхтаган, орадан вақт ўтиши билан терилган ёиштлар ғойибона равишда камайиб бориб, пойдеворнинг ўзи қолганди. Ҳозир ўша пойдевор устида олти мардикор қалдирғоч каби терилиб ўтириб олган, майдон марказидаги даҳанаки жангга диққат билан қулоқ тутиб ўтиришарди.

Ярим соат олдин майдончага ўрмалаб келиб, бир кавш урганича тўхтаб қолган экскаватор қаршисида туриб олган Абдулла ҳожи экскаваторчи йигитга ўқрайганича тикилиб қолган. Сал наридаги оқ “Мерседес” олдида турган ғазабнок Шавкатнинг қошлари чимирилган, лаблари гезарган, ёнида турган маҳалланинг собиқ оқсоқоли Сотим эса уни овутиш йўлини қилолмай саросимада эди.

Абдулла ҳожи улар томон бир қараб олгач, экскаваторчига бақирди:

– Ҳой бола, тушсанг-чи, офтобда миянг қайнаб кетади-ку!

– Биз кичкина одам, амак, – деди экскаваторчи лоқайд бир оҳангда. – Хўжайин туш, деса тушамиз, тушма, деса тушмаймиз. Миянинг қайнаши рост, раҳмингиз келса, бир шиша пиво берсангиз-чи?

– Эсинг борми, аҳмоқ, – деди Абдулла ҳожи унга қўлини пахса қилиб. – Ҳожининг уйида пиво бўладими?

– Ҳожиникида бўлмаса, тожиникида бор-ку, – экскаваторчи шундай деб сал нарида томошабин бўлиб турган қўшниларга қараб олди.

– Э, тушасанми ё йўқми!

Абдулла ҳожи шундай деб бақиргач, қўшни йигитларга қараб уч бармоғини буккан, бош бармоғи билан жимжилоғини очик қолдирган ҳолда ишора қилди. “Ичкилик топиб келларинг”, деган ишорани тушунганлардан бири даврадан чиқиб топшириқни бажаргани қаёққадир кетди. Абдулла ҳожи эса янада қатъий оҳангда амр этди:

– Э, алкаш, туш дегандан кейин туш!

– Ҳақорат қилманг, ҳожи бўлсангиз ўзингизга. Ҳақиқий ҳожи бўлсангиз, олдин юзта-юзта қуйиб беринг-да, кейин “алкаш” дейсизми “малкаш” дейсизми, оғзингизга келганини қайтармай олаверинг, Сизга “ғинг” деган номард.

– Кўп жаврамай туш!

– Мен кичкина одамман. Хўжайин туш деса тушман. Шу экскаваторингда ўл, деса, ўлиб ҳам беравераман. Сиздақа мингта ҳожининг гапи менга бир пул.

Бу ҳолга жимгина қараб туришга тоқати қолмаган Шавкат турган жойида бақирди:

– Жойингдан жилма! – Экскаваторчига шундай буйруқ бергач, Абдулла ҳожига қаради: – Ҳожи ака, иззатингиз борида нари туринг. Йўлни бўшатмасангиз, ҳозир йигитлар кўтариб, оёғингизни ерга тегизмай, уйингизга олиб кириб қўйишади.

– Шунақами? Шунақа зўрмисанлар? – Абдулла ҳожи қўлларини белига қўйганича у томон бир-икки қадам қўйиб, ҳезланди: – Қани биттанг яқинлаш-чи? Соқолимга қараб мени чол деб ўйлаяпсанми? Зўр бўлсанг, олдин ўзинг кел. Сендақалардан беш-ўнтасини яйиб қўйишга ҳали ҳам кучим етади.

Сотим Шавкатнинг енгидан аста ушлаб, шаштидан қайтармоқчи бўлди:

– Бу билан пачакилашманг, илгари милисада ишлаган, обрўйингизни тўкишдан тоймайди.

Шавкат унинг огоҳлантиришига парво қилмай, экскаватор сари бир қадам қўйди:

– Яхшиликча йўлдан қочинг!

– Манавинг тушмаса, маҳалланинг оқсоқоли келмагунча бир қадам ҳам жилмайман.

– Маҳалланинг оқсоқоли мана, ёнимда турибди. Қарорни маҳалла чиқариб берган.

– Бу оқсоқолингни инига кирғизворганимизга анча бўлган. Бу сўлтамат чиқариб берган қарор кавушимга патак ҳам бўлмайди.

Даҳанаки жанг шу чўққига етганида кўча бошида Умаржон кўринди. Можаронинг сабабини билса-да, Абдулла ҳожига яқинлашиб, “нима гап?” дегандай қаради. Кўз қараши билан берилган саволга жавобан Абдулла ҳожи “ана бойвачча билан ўзингиз гаплашинг” дегандай Шавкат томон ишора қилди. Умаржон у томон қаради-ю, жойидан жилмади. Шавкат ҳам жим турди, унинг келишини кутди. Иззатталаблик бир неча нафас шу зайлда давом этди. Ниҳоят, Шавкатнинг тоқати тоқ бўлиб, ғазабини босишга уринган ҳолда улар томон юрди. Саломлашмади. “Қўрққан олдин мушт кўтарар” қабилда қўлидаги қоғозлар тахлами билан Умаржоннинг тумшуғига уриб қоладигандай ҳаволатди.

– Ҳокимиятнинг қарори чиққан, одамларни олинг бу ердан.

Умаржон унинг кибридан ғашланса ҳам, сир бой бермай, савол назари билан тикилди:

– Бу ер боғчанинг ўрни. Сиз нима қурмоқчисиз?

– Ўқинг, отнинг калласидай қилиб ёзиб қўйилибди: тўйхона қурилади!

– Бюрократларнинг мағзава қоғозини ўқимайман. Сиз бу ёққа қаранг: мана бу пойдевор боғча учун қўйилган. Бу боғчада учта маҳалланинг болалари яйраб ўйнаши керак. Мендаги қоғозда шундай деб ёзилган.

– Пойдевор қўйилган бўлса, қурмайсизми?

– Вақти-соати билан қурилади.

– Маҳаллангизнинг болалари катта кўчанинг нарёғидаги боғчага боряпти, шу етади.

– Катта кўчанинг нарёғида тўртта тўйхона бор. Бу етти маҳаллага етмоқ тугул ортади.

– Қўлингиздан ҳеч нима келмайди, ҳокимиятнинг қарори менинг номимга чиқарилган, бу жой меники, нима қуришни ўзим биламан.

– Яхши, қарорда жой номингизга муҳрлаб берилган бўлса, майли, олий мақомдаги хусусий боғча қура қолинг.

Бойваччанинг иззатини қилиб сал нарида турган Сотим гапга аралашингизга эҳтиёж сезиб, Умаржонга яқинлашди-да, паст овозда огоҳлантирди:

– Умаржон, ади-бади айтишмай қўяверинг. Бу йигит Тўхтасиновга тегишли. Буларнинг йўлини тўсиб бўлмайди.

– Қайси Тўхтасинов? Чала ҳокимми? – деди Умаржон овозини атай кўтариб.

– Унақа деманг-е, деворнинг ҳам қулоғи бор.

– Ҳокимликка тасдиқланмаган одам “чала ҳоким” дейилади-да.

– Тилингиз ёмон-да, яна ўзингиз биласиз. Аввал бошда маҳалла фаоллари рози бўлиб, қарор чиқариб беришган. Ҳақиқат булар томонда.

– Фаолнинг биттаси сизми? Ўша қарор қанақа дастурхоннинг устида ёзилган, эслай оласизми?

– Энди тухмат қияпсиз, менга.

– Тухматми, тухматмасми, бунақа қарорга қуруқ столнинг устида қўл қўйилмаслигини кичкина бола ҳам биларди. Ўзингизни гўлликка солмасангиз-чи? – Умаржон шундай дегач, ундан юз ўгириб, Шавкатга қаради: – Энди гап бундай, укахон, бу акахонингизнинг фаоллари қўл қўйган қарорни маҳалланинг янги фаоллари бекор қилганлар. Бу қарорнинг асли юқори идораларда, нусхаси ишонган тоғингизнинг столида турибди. Истасангиз, мен ҳозир ўзларини чақираман, масалани шу ерда ҳал қила қоламиз.

Умаржон Абдуллага қараб, “ортимдан юринг”, деб имлаб сал нари боргач, тўхтади:

– Тўхтасинов келгунича буларни бир бало қилиб йўқотинг. Бойваччанинг ўзи қолсин.

– Қанақасига йўқотай, йигитлар ур калтак-сур калтак қилсинми?

– Йўғ-е, ғалва чиқмасин. Йўлини топинг, шунча йил милисада ишлаб, тўртта одамни йўқотиш йўлини билмай-сизми?

– Биладан, биладан, Тўхтасиновни олиб келгунингизча бу ёқ теп-текис бўлади.

Умаржон чўнтақларини пайпаслаб кўриб, афсус билан бош чайқади:

– Телефоним уйда қолибди, сизникидан қўнғироқ қилиб ола қолай, – деди-да, уй томон юрди. Абдулла ҳожи унга эргашди. Сотим билан Шавкат “булар қандай балони бошламоқчи” дегандай бир-бирига савол назари билан қарадилар. Сотим иккиланган ҳолида уларга эргашмоқчи эди, Шавкат уни биллагидан ушлаб, тўхтатди.

* * *

Умаржон дарвозахонадаги телефон рақамларини тараётган онда “чала ҳоким” деб аталган Содиқ Тўхтасинов бу маҳалладан хабар кутиб, бетоқатланиб ўтирган эди. Бу ташвиши камлик қилгандай, милиция бошлиғининг ўринбосари кирди-ю, кечаги топшириқни бажариш қийин бўлаётганини айтиб, дилини баттар хуфтон қилди.

– Агар ўша олифтачалар айтганимизни қилишмаса, қарор чиқартириб бераман, ярим соатда дўконларини буздириб ташлайсиз, – деди қалин қошларини чимириб.

– Биттасининг иши осон, – деди майор. – Лекин “Саховат” дегани Мусахўжаевга тегишли экан, шунинг учун димоғига қурт тушган.

– Бекор айтибсиз! Мусахўжаев бунақа майда дўкончаларга аралашмайди.

– Менам шунақа деб ўйладим. Йигитлар суриштиришяпти, кечгача бунинг тагига етишади.

Содиқ майорга ғазаб тошларини отишга шайланган пайтда телефони жиринглаб, шаштидан қайтди. Нотаниш телефон рақамига қараб, иккиланган ҳолда тугмани босиб, қулоғига тутди-да, қуруқ оҳангда “ха” деди.

– Мен Умаржон Зоҳидовман, “Парвоз” маҳалласидан.

Содиқ савол назари билан майорга қаради. У “кетаверайми?” деб ўрнидан қўзғолиб эди, “ўтиринг” ишорасини қилиб, қайтарди.

– Ҳа, Зоҳидов жаноблари, тинчликми? Сўфи таҳорат қилмай, бизларни йўқлаб қолибсиз? – деди пичинг оҳангида.

Умаржон пичингга жавобни ҳеч қачон насияга қолдирмаган. Бу сафар ҳам анъана бузилмади:

– Шунақа бўлиб қолди. Шавкат Тиллаев деган бир додахўжа бойвачча сўфининг таҳорат қилишини кутмай, боғча ўрнига экскаватор соладиган бўлиб қолибди. Менам сўфини кутмай, сизни безовта қилдим, узр энди.

Ўзидан пастроқдагиларнинг муте ҳолида туришини истайдиган Содиқни бу жавоб ғазаблантирди:

– Биров экскаватор солмоқчи бўлган бўлса, асоси бордир? – деб бақирди.

Умаржонга бу муомала малол келса-да, ўзини тутиб, хотиржам оҳангда жавоб қилди:

– Гап шундаки, асоси эскириб қолган, бу асосни маҳалланинг янги фаоллари бекор қилган. Янги қарорнинг асоси сизга, нусхаси шаҳар ҳокимига берилган.

– Берилгани билан ҳали кўриб чиқилмаган, демак, аввалги қарор бекор қилинмаган, кучда турибди.

– Буни биламан. Лекин... сал шошилмай турилгани маъқулмикин? Одамлар норози бўлишяпти.

– Маҳалладаги одамлар билан ишлаш сизнинг вази-фангиз, мен нима қилишим керак?

– Гап шундаки... бу одамлар билан ишлаб бўлмайди. Яхши гап билан илон инидан чиқиши мумкин-у, лекин буларни яхши гап билан уйларига қайтариш мумкинмас.

– Бу нима деганингиз?

– Мен ҳам ғафлатда қолдим, воқеани эшитиб боргунимча, одамлар бойваччанинг оёқ-қўлини боғлаб, экскаваторнинг ковшида осмонга кўтариб қўйишибди.

– Нима?

– Шунақа бўлиб қолибди, бола пақирни фақат сиз озод қилармишсиз. Мени яқинига ҳам йўлатишмади.

Содиқ телефонини жаҳл билан стол устига ташлади. Бўғилганидан юзи бўғриқиб кетди. Бир сўкиниб, ҳовури сал пасайгандай бўлгач, эшик томон юрди:

– Кетдик, бир-иккита одамингизни олволинг.

– Тинчликми? – деди майор ундаги ўзгаришдан хавотирланиб.

– Зоҳидов яна бир қилиқ чиқаряпти.

– Сизни огоҳлантирувдим, бунақаларга амал бериб бўлмайди.

– Мен берибманми унга бу амални?! Маҳалла қўймади. Ҳоким бўлиб тасдиқланган куним кавушини тўғрилаб қўяман! – Асабий тарзда шундай деб, майорга ўгирилди: – Қамокхонангизда бўш жой борми? Бир-иккитасини тиқиб қўйсақ, ҳаммасининг эси жойига тушади.

Остона ҳатлашга улгурмади, телефони жиринглаб, кўринган рақамларга кўз ташлади-ю, шошилиб қолди. Телефонни қулоғига яқин олиб боришга улгурмаёқ саломаликни бошлаб юборди:

– Ассалому алайкум, акажон! – деб беихтиёр таъзим қилди. – Саломатликларингиз яхшими, кеннойим...

Астойдил лутф қилишга йўл берилмади. У томондаги “акажон” гапини бўлиб, қисқа тарзда буйруқ бергач, алоқа шарт узилди.

– Ҳоким акамиз, – деди Содик майорнинг савол назарига жавобан. – Бош вазир катта кўчадан ўтиб қолиши мумкинмиш. Чиқиб туришим керакмиш. Сиз ҳам қолинг. Маҳаллага тўрт-беш одамнингизни юборинг. Оламон тўпланиб турган бўлса, жамоат тартибини бузгани учун икки-уч фаолини тиқиб қўйишсин.

– Нуралиевни ҳамми?

– Нуралиевми? – Содик пича ўйланиб, оғир масаланинг ечимини топгандай, чеҳраси ёришди. – У ўн беш сутка билан қутулмаслиги керак. Камида ўн беш йилга тортадиган “Иш” очасиз.

– Ўн беш йилга? – деб ажабланди майор.

– Ҳа, нега лалаясиз? Одамларни берухсат тўплаш, қонунга зидми? У одамларни ҳукуматга қарши кўтаряпти! Агар каллани ишлатсангиз, “159”га тортади. Сотим акани ишга солинг, битта-иккита гувоҳнинг кўрсатмаларини тўғирлаб беради.

Бу буйруқни эшитиб, майор гарданини қашиб қолди.

– Ҳа, шуни ҳам эплай олмайсизми?

– Қийин бўларов... номи чиққан олим экан... – деб мужмалланди майор.

– Бунақа олимларнинг минг-минги ачиб-бижиб ётибди. Биттаси йўқолса, осмон узилиб ерга тушмайди. Менга олим керакмас, тинчлик керак, ҳаловат керак! Боринг, бажаринг!

– Содик ака... одам юборишдан олдин Шавкатжоннинг ўзига бир қўнғироқ қилиб бермайсизми? Ҳар ҳолда... боғлаб, осиб қўйишга журъат қилишолмас...

* * *

Умаржоннинг ёлғонни дўндириб, “чала ҳоким”нинг ҳаловатини бузиш нияти йўқ эди. Унинг осмондан туриб беписанд гаплашишидан ғаши келиб, жиғига теккиси

келди. Телефон гўшагини жойига қўйиши билан, Абдулла хожи унга қараб, “аттанг” дегандай бош чайқади.

– Сал оширвормадингизми, Умаржон иним?

– Шунақа демасам, келмайди, галга солиб, чалғитади. Булар эса пайт пойлаб, ишларини бошлаб юборишади. Ҳозир келиб, одамлар билан ўзи гаплашсин. Юқорига юборган хатимизга жавоб келмагунича бизга вақт керак. Буларга бўш келсак, ҳамма ҳаракатимиз чиппакка чиқади.

– Омма, яхши фикр айтдингиз, у баччағарни ростданам ковшга оёғидан осиб қўйсакмикин?

– Бунақа гапни ҳазиллашиб ҳам гапирманг-е!

– Бу бир гап-да! Омма роса қизиқ томоша бўларди.

– Мен “чала ҳоким”ни гузарга бориб кутволай, сиз мардикорларни бир ёқлик қилинг.

Умаржон кетгач, Абдулла хожи салмоқли қадам ташлаб, ишчиларга яқинлашди. Уларга бир-бир тикилиб қараб, калта соқолини силади.

– Сенлар бу ерда бекор ўтирмай, бошқа тирикчилик қилларинг.

– Биз байлашиб қўйганмиз. Ишни қилиб, пулни олиб, жўнаймиз, – деди мардикорларнинг бири.

– Байлашганинг яхши-ку, лекин пулга қўшиб бир дарди балони ҳам ортмоқлаб кетасанлар бу ердан. Сенларга раҳмим келганидан айтяпман. Бир балога учрамайин десаларинг, тинчгина кетларинг. Ризқларингни бошқа жойда териб оласанлар.

– Қанақа бало?

– Бу худо уриб қўйган жой. Жинлар макон қурган. Сенлардан олдин ҳам тўрт-беш марта бузамиз, деб келишган. Биттасининг оғзи қийшайиб, бештаси шол бўлиб кетганини ҳамма кўрган. Ўшандан бери қаровсиз ётувди, энди шол бўлиш сенларнинг пешаналарингда бор экан. Гапимга ишонмасаларинг, баттар бўлларинг, оғизларинг қийшайиб, кўзларинг олайиб қолганда, қариндош-уруғларинг замбилга солиб олиб кетар. Ҳа, ўтираверларинг!

Абдулла ҳожи “буларга шу гап етарли” деган қарорга келиб, яна салмоқли қадамлар билан ортига қайтди. Ишчилар эса бир-бирларига маънодор қараб, аста-аста ўринларидан қўзғолдилар. Буни кўрган Шавкат ғазабланиб, уларнинг йўлларини тўсмоқчи бўлди.

– Шу гапга ишондиларингми, ҳе галварслар! Жин нима қилади бу ерда? Жин чалса, шунинг ўзини чалмайдими?!

– Хўжайин, ишонсак-ишонмасак, жанжалли ишга ўхшайди. Тинчгина кета қолайлик.

– Агар кетсаларинг, уруғларингни қуритиб ташлайман!

– Хўжайин, жаҳлингиз чиқмасин, жанжал тинчиса, хабар берарсиз, бир кун текинга ишлаб берамиз.

Мардикорлар кетишгач, Шавкат бўралаб сўкинди.

– Ўзинг ёш бўлсанг ҳам, адангдан баттар тажанг экансан.

Бу янгиликни кутмаган Шавкат беихтиёр унга ялт этиб қаради:

– Нима? Адамни қаёқдан биласиз?

– Ие, нега билмас эканман? Аданг Шойим девонанинг эшагини трамвай босиб кетган куни туғилган. Ўшанда мен ўн икки ёшда эдим, аниқ эсимда.

Шавкат ғазаб билан қўл силтаб, машинаси томон юрди. Абдулла ҳожи эса худди хира бола каби унга эргашди:

– Ука, бунақа ишлар дағдаға билан битмайди, ҳозир ҳоким келар экан, бу ёққа юр, мен сенга йўл-йўриқ ўргатай, сиз ҳам куймасин, кабоб ҳам.

Шавкат иккиланиб тургач, “бирон маънили гап чиқиб қолар”, деган умид билан унга эргашди. Абдулла ҳожининг имлаб қўйганини кўрган томошаталаб қўшни йигитлар экскаваторчига яқинлашдилар. Сал олдин уйига кириб кетган йигит тўрт шиша пиво кўтариб чиқди. Пивони кўриши билан кўзлари мошдек очилиб кетган экскаваторчи таклифни кутмаёқ пастга тушди. Шавкатни эргаштириб келаётган Абдулла ҳожи дарвозахонадан ўтгач, ҳовлидаги дарахт соясига қўйилган стол-стулга яқинлашди. Нонуштадан кейин дастурхон усти йиғиштирилмаганидан хижолатлигини билдириб қўйиш учун узрнок оҳангга ўтди:

– Ивирсиққа қарама, опоқинг ўлганидан кейин ит ётиш мирза туриш бўлиб қолган. Келин вақтли ишга кетган. Ҳаётда пул топиб, ақл топмаганлар кўп. Хафа бўлмагин-у, сенам ўшаларга ўхшайсан. Сен қарор чиқариб берганларни рози қилгансан, маҳаллани рози қилишга ақлинг етмаган.

– Қанақасига рози қиламан? Оқсоқолингиз оладиганга ўхшамайди, маҳалла идорасини оқлатиб-бўятиб берай, деса ҳам яқинига йўлатмаса.

– Ука, сен ҳамма нарсани пул билан ўлчашдан қайтмасанг, ҳаётингни хорлик билан яқунлайсан.

– Совуқ нафас қилманг-е!

Абдулла унга чой қуйиб узата туриб гапининг оҳангини ўзгартирмай, давом этди:

– Қайноғи сал ўлибди, сен шоҳона дастурхонларга ўргангансан, кўнглинг кўтарса ич, гапимдан ранжима. Мен билганимни гапираман, хорланиб ўлганларнинг кўпини кўрганман.

– Хорланадиганлар бошқалар. Мен ўғирлик қилмаяпман. Сизнинг қозонингизга чўмич солмаяпман. Ҳа, бойман, қўлингиздан келса, сиз ҳам бой бўлинг.

– Қўлимдан келмайди, – деди Абдулла ҳожи мийиғида кулиб. – Менинг бойлигим – адолат. Терговда ишлаганимда мендан бу бойликни тортиб олишга кўп уринишган, лекин эплашолмаган. Пенсияга чиққанымдан кейин беш-ўн ҳикмат ўргандим, бу ҳам бойлик. Ўрни келса, бошқалар билан баҳам кўраман. Тоҳир Малик деган ёзувчининг китобларини ўқиганмисан? Ўқисанг кам бўлмайсан. Яхши ҳикматларни топиб ёзади. Аслида бу ҳикматларни ўзи тўқимаган, ўтиб кетган улуғ одамларнинг китобларидан олиб, сену менга илинган. Шуларнинг биттасини сенга атадим, эшит:

Шавкат керакмас, дегандай ғашланиб, қимирлаб олди, Абдулла ҳожи буни сезса-да, унга парво қилмай, стол устида очиқ турган китобни қўлига олиб, ўқий бошлади:

– Бир одам қутурган туядан халос бўлмоқ учун жар устига эгилган икки шохга осилиб, жар ёқасига оёқ қўяди-ю, оёғи остидаги индан тўрт илон бош чиқариб турганини кўради. Жарнинг тубига назар ташласа, у ерда бир аждаҳо оғзини катта очиб, унинг тушишини кутиб турибди. Юқорига қараса, оқ ва қора сичқон у осилиб турган шохларни тўхтовсиз кемирмоқда. Бу аҳволдан қутилиш йўлини ўйлаётган онда сал нарироқдаги асалари уясига кўзи тушади-ю, боши узра тўпланаётган бало булутини ҳам унутиб, бармоғини болга ботириб, ялай бошлайди. Асалнинг ширинлиги унинг бошини шу даражада айлантиради-ки, натижада, у ўзининг қандай аҳволдалигини унутади. Тундунингми? – Абдулла ҳожи китобдан нигоҳини узиб, Шавкатга савол назари билан қараб олгач, ундан жавоб кутмай давом этди: – Даҳшатли ва чуқур жарлик нима? Бу – дунё. Қора ва оқ сичқон – кеча ва кундуз. Улар инсонлар умрини озайтириш, ҳалок этиш учун узлуксиз бир-бирини алмаштириб туради. Тўрт илон – борлиқнинг моҳиятини ташкил этган тўрт унсур: ҳаво, тупроқ, ўт, сув. Булардан биронтаси ўз мувозанатини йўқотса, инсон ўша заҳоти йўқ бўлиб кетади. Асал – азоби кўп, фойдаси кам бўлган, одамларни тўғри йўлдан оздириб, уларга нажот дарвозаларини беркитган бойликдир. Аждаҳо – ҳеч ким қочиб қутула олмайдиган ўлимдир.

– Бунингизни бошқаларга айтинг. Мен тўйхона қуриб, одамларга хизмат қилмоқчиман. Савоб олмоқчиман.

– Маҳалланинг розилиги йўқ жойдан савобни қидирма. Маҳалланинг дуосини оламан, десанг, Умаржоннинг айтганини қил: чиройли боғча қуриб бер. Тўйхонага кўнглинг кетган бўлса, ана, “Муборак” деган тўйхона сотилаётган эмиш, янгисини қуриб, чанг ютгандан кўра тайёрини сотиб олавермайсанми?

– Ақлингиз етмаса, насиҳатларингизни иштонбоғингизга қистириб қўйинг. Шу тўйхона яхши бўлса, эгаси сотармиди?

– Вой-бўй, даъвоинг баланд-ку, сен боланинг, эҳтиёт бўл, димоғингга қурт тушиб қолмасин.

Шавкат кирганига пушаймон бўлиб, жаҳл билан ўрнидан турди.

– Кетмай тур, Тўхтасинов акахонинг келяпти-ку, ўзинг кутиб ол.

Шавкат унинг гапига эътибор бермади, ғўдираганича сўкиниб эшик томон юрганида телефони жиринглади. Рақамга қараб олгач, тўхтамади, юра туриб салом берди:

– Ассалому алайкум, Содикжон ака! Ҳа, тинчман. Эскаваторнинг ковшига? Кимни осишибди? Нима? – Остона хатлаётиб тезгина ўгирилди-да, Абдулла ҳожига савол назари билан қараб олгач, давом этди: – Ким лақиллади? Мардикорлар кетиб қолишди. Кетаверайми? Бир ой кўп эмасми? Бир ойдан кейин бошласам, бу ёғи қишга бориб қолади-ю? Хўп-хўп...

“Акахон”нинг ланжлигидан ғазабланган Шавкат “Хўп-хўп”, деб гапни қисқа қилди-ю, телефони ўчириб сўкинди. Қўшнилар даврасида пиво ичиб ўтирган эскаваторчини кўриб, уни тепкилагиси келди. Лекин яна бир сўкиниш билан ғазабини босгандай бўлди. Машинасига боргунга қадар, Абдулла ҳожи томон яна икки марта ўқрайиб қараб, хайр-хўшни насия қилиб, машинага қоровулдай турган Сотимга ҳам индамай, жўнаб кетди. Эскаватор соясида эскаваторчини сийлаётган йигитлар Абдулла ҳожига қарашди. У имлаб қўйгач, барчалари бараварига ўринларидан туришди. Бундан ажабланган эскаваторчига қараб улардан бири: “Сенинг иш вақтинг тугабди, ошна, пивога тўйдинг, энди уйингга бориб тўйиб ухлаб ол!” дегач, ҳаммалари тарқалишди.

* * *

Умаржон институтга келди-ю, қўли ишга бормади. Ҳар турли рақамларга тўла қоғозларга кўз югуртиришга ҳуши бўлмади. “Ҳаёт ҳам оппоқ қоғоздаги тенгламага ўхшайди, – деб ўйлади у. – Ҳамма ўз тенгламасини ечиш билан банд.

Бу ҳаракати, топган ечимининг жамиятга нафи борми-йўқми, ўйламайди. Ҳаёт тенгламасини ечишда ҳаётнинг карра жадвалини аранг ёдлаганлар ҳам, ҳаётнинг олий математикасини биладиганлар ҳам теппа-тенг тириша-веради. Кўпчилик бу тенгламани нотўғри ечади-да, юраги дардга тўлиб, “тенглама нотўғри берилган”, деб ҳаётни лаънатлайверади. Тўйхона қурмоқчи бўлган бойваччага тенгламанинг тўғри ечими кўрсатиб берилса ҳам, ўз йўлидан қайтмайди. Чунки у карра жадвални “икки карра икки – беш!” деб ёдлаган. “Ўрни аламашгани билан қиймати ўзгармайди” деган қоида ҳам унга тўғри келмайди. Унинг қоидаси ўрнини алмаштирадиган амалдорларнинг мартабасига боғлиқ. Тенгламасидаги қавс ичидаги рақамлар ҳам ўзгача, ҳали “илдиз остидаги” рақамлари бор. “Катетлар йиғиндиси – гипотенузага тенг” деган назариянинг ҳам унга уч пуллик қадрини йўқ. Унинг гипотенузаси – пулчангаллаган қўли, бир катети – чала ҳоким, иккинчиси яна бирон амалдор. Демак, гипотенузаси узунроқ бўлишига ишонади. Тўғри бурчакнинг бузилишини эса ўйламайди... “Қўшув = фойда”, “олув = фойда”, “бўлув = фойда”, “кўпайтирув = фойда” – унинг ҳаётдаги теоремаси шу. “Ҳаёт = ўлим” деган қонун борлигини эса тан олгиси йўқ...”

Илмий-текшириш институти директори йўқлаб, эртага Паркентга бориши зарурлигини эслатгач, маҳалла ташвишларини нари суриб, илм ҳудудига қайтди. Шогирдларининг Паркентдаги тадқиқотларга доир илмий ҳисоботларини қўлга олган пайтда телефон жиринглади. “Уйдандир, бекажон хоним ғазаб ўқларини сочишни ихтиёр этгандирлар”, деган хаёл билан гўшакни қулоғига тутди. У қисман адашди, “бекажон хоним” чиндан ҳам ғазаб ўқларини тайёрлаб қўйган, лекин ўғли билан меҳмоннинг хизматига банд бўлгани учун, бу ўқларни сочишни қанчалик ихтиёр этмасин, фурсати йўқ эди.

– Домлажон, дамликкина юрибдиларми? – деган саволни эшитди-ю, овоз эгасини дарров таниб, пешонасини

тириштирди. Йўқ, овоз эгасини ёқтирмагани учун эмас, балки кўнғироқдан мақсадини билгани учун нохушланди. Овоз эгаси – кўшни маҳалланинг оқсоқоли. Ҳокимликда ҳар пайшанба оқсоқолларнинг йиғини бўлади. Ҳоким мақтагиси келгани мақтайди. Сўкадиганини бўралаб сўкади, онадан олинса ҳам ғиринг дейилмайди. Қурбақа босилса, “вақ” дейди-ю, ҳокимнинг мажлисида чурқ этилмайди. “Қурбақанинг вақиллаши” кейинроқ бошланади. Оқсоқолларнинг “кўнгил ёйилди” давраси бор. Аслида “гап” аталиши мумкин, аммо бу йиғин уйда эмас, чойхонада бўлгани сабабли “улфат”, деб номланади. Умаржон оқсоқолликка сайлангач, ҳокимиятдаги дастлабки мажлисдан кейиноқ бу улфатга “ихтиёрий-мажбурий” тарзда киритилган, турли пичинглардан сўнг “аъзоликни ювиб”, ош ҳам қилиб берган эди. Оқсоқолларнинг аксари бир пайтларда савдо соҳасида ишлаган бўлганлари учун, бундай улфатчиликка жонларини ҳам бериб юборишлари мумкин эди. Улфатчиликдаги суҳбат мавзуи унча кенг эмас, аввал ҳокимнинг мажлисдаги сўкишларига жавоб қайтарилади. Ҳоким оналарини эслаган бўлса, булар унинг катта бувисигача қадар роҳатланиб “эслашади”. Кейин бозордаги нарх-наволарнинг муҳокамасига ўтилади. Жуфт-жуфт ҳолда ўтириб олиб, “пирра” деб номланмиш қарта ўйини билан банд бўлиш бу ширин суҳбатларга ҳалал бермайди. Кўзлар қартага тикилгани билан қулоқ суҳбатда, демак, тил ҳам шунга яраша тиш ошиб туради. Ош сузиб келингунча Умаржоннинг юраги тарс ёрилиб кетай дейди. Лекин “Кемага тушганнинг жони бир” деган мақолга амал қилиб, чидайди. Аввалига ишни баҳона қилиб, улфатга кеч келиб, барвақт кетадиган бўлди. Кейин оралатиб келиб, дашномлар остида қолди. Оқсоқоллар унинг ҳаракатини “бу олим дўстимиз бизларни менсимайди”, деган маломат тошлари билан тақдирлашди. Бу тошлардан сақланиш учун пешонани тириштириб бўлсада, улфатга боришга мажбур эди.

Ҳозирги кўнғироқ бугунги улфатчиликни, демакки, юракни сиқувчи соатлар яқин эканини эслатув эди.

– Домлажон, бугун бизнинг навбатимиз, девзира-ни ўзим дамлайман-да. Анжандан дўстлар келишган, суҳбатингизга маҳтал ўтиришибди. Улар ҳам жаҳонгашта, эрталаб Италиядан учиб келишди.

Умаржоннинг “дўстларингиз олимларданми?” деган саволига оқсоқол кулди:

– Ўзларининг ишига олим. Омма, сиздақа олимларни италянларнинг дадахўжа костюм, туфлилари билан кийинтиришади.

Умаржон “суҳбатга маҳтал ўтириш” ҳақидаги гап кўнгил учун айтилганини фаҳмлаб, пешонасини силади-да, узрини айтди:

– Жаҳонгашта дўстлар билан бошқа бир кун отамлашармиз. Ҳозир хўжайин билан аэропортга чиқиб кетяпмиз. Англиядан олимлар келяпти, кутиб олишимиз керак.

– Уларни ҳам олиб келаверинг, ўзбекнинг ошини кўриб қўйишсин.

Кўпчиликнинг одати шу: четдан меҳмон келса, чойхонадаги улфатчиликни кўрсатиш билан мақтангиси келади. Илгариги даврда Москвадан келганларни олиб боришарди. Ёғ босган кир кўрпачалару дастурхонларда ўтиришдан изза чекишмасди. Энди меҳмонларнинг доираси кенгайди. “Шу меҳмон бизнинг бу ўтиришимиздан хайратга тушмайди, балки маданиятсизлик белгиси деб кулиб кетади”, деган ҳақиқат уларнинг онгларини ёритмаганидан Умаржон ғашланади. Гарчи ҳозир ёлғон гапирган бўлса-да, таклифдан яна ғаши келди. Лекин кўнгил хиралигини сездириб қўймаслик учун гапни ҳазилга бурди:

– Улар ош ейишмайди, холестрини ошиб кетишидан кўрқишади.

Оқсоқолга ҳазил маъқул келиб, кулган бўлди-да, гапини давом этди:

– Хўп, бугунги узрингиз қабул. Лекин эрталабги ош эсдан чиқмасин.

– Қанақа ош эди?

– Ана холос! “Шабнам” маҳалласининг оқсоқоли кимлигини биласиз-а? Жуда гиначи одам-да. Эрталаб қудасиникига боришимиз керак. “Уч юзта одам олиб келаман”, деб керилиб қўйган экан. Рўйхатда борсиз.

– Оббо... Икки юз тўқсон тўққизта борса, биров билиб қолмас?

– Биров билмайди-ю, омма Мақсудхон акамдан қутулмайсиз-да.

– Назиржон ака, япон эркаклари юз йилдан кўпроқ умр кўришар экан, сабабини биласизми?

– Улар балиқни кўп ейишади.

Умаржон бу саволни ҳазил тариқасида берган, ҳазил жавоби ҳам тайёр эди. У гарчи адабиётдан узоқ бўлса-да, қайси бир даврада айтилган тўрт қатор шеърни дарров ёдлаб олиб, бошқаларга айтиб, кулиб юрган эди. Ҳозир ҳам шунни айтмоқчи эди:

– Гап балиқда эмас. Битта шоир айтган экан:

*“Нега япон юз йил яшару
Ўзбек бунча ёшга бормайди?
Чунки япон биздек қоронғу
Саҳар туриб ошга бормайди”.*

Оқсоқол хахолаб кулса-да, ҳақиқатни тан олишдан бўйин товлади:

– Бу шоирларнинг гапи-да, улар олиб қочишга уста бўлишади. Омма, япон юз йил яшагани билан уларда меҳр-оқибат йўқ. Биз меҳр-оқибат билан яшаймиз. Менинг опоқ дадам бир юз ўн иккига кирганларида ҳам, саҳардаги ошга борганлар. Гап қоринда эмас, гап – меҳр-оқибатда. Ойлаб, йиллаб кўришмаганлар ош баҳонасида топишадилар.

– Бу гапингизга таслимман. Эрталаб уч юз биринчи бўлиб сафда тураман, – деди Умаржон кулиб. – Мени кири-тишмаса, сиз жавобгарсиз.

Бу ҳазилга оқсоқол тушунмади:

– Обрўйингиз бор, домлажон, сафнинг олдида бўласиз.

– Ўтган замонда бир хасис одам тўй қилиб, ўртадан турган қариндошдан “куёв бола эртага нечта одам билан келади?” деб сўрабди, “йигирмата”, дейишибди. Эртасига тўй эгаси остонада туриб олиб, меҳмонларни биттадан санаб ўтқазибди. Келганлар йигирма битта экан. Йигирма биринчисини ўтқизмабди. Ажаб савдо бўлибди. Ўша йигирма биринчиси куёв экан.

Ана шу ҳазил билан телефондаги мунозара барҳам топди. Умаржон битта азобдан осон қутулганидан қувониб, уйига шошилди. Ҳорижлик меҳмон ҳақидаги баҳонасининг ярми ёлғон, ярми чин эди. Аэропортга кутгани чиқмади, ўғли уни уйга бошлаб келгани аниқ. Устозларига “барвақт келаман”, деб ваъда қилган эди, чойхонага боргандами... Профессорнинг норози нигоҳи, Мирзаолим акасининг ҳар сўзи чимчилаб узиб оладиган пичинглари... ниҳоят, бекажоннинг “махсус атаб қўйилган” оловли сўзларига кўксини қалқон қилиб, пора-пора бўлиб кетиши керак эди.

“Ваъдага вафо – марднинг иши”, дейдилар. Албатта, ваъда қилинган жойга ўз вақтида бориш гўзал фазилат. Кечикиш ёки бормаслик айб саналади. Ваъдасига вафо қилмайдиганларни “бебурд” деб маломат қиладилар. Лекин шундай ҳолат бўлади-ки, киши ваъдасига вафо қилишни истаса-да, бажаролмайди. Ўзи кутмаган, ўзи хоҳламаган бир иш билан андармон бўлади. Ҳозир айти шундай воқеа юз берди. Уйига шошилаётган Умаржонни телефон қўнғироғи тўхтатди. Гўшакни кўтаргиси келмай, қараб турди. Қўнғироқ тинмай жаранглайвергач, истамагина қўл узатди. Маҳалла котибаси экан:

– Боғ кўчада турадиган Идрисовнинг қудалари келишибди. Сизни пойлашяпти. Мен яраштирув комиссиясининг аъзоларини чақиртирдим.

– Чақиртирган бўлсангиз, ўзлари ҳал қила қолишсин, боришим шартми?

– Қуда томоннинг авзойилари жуда чатоқ. Яраштирадиганга ўхшашмайди.

– Иккита ёшни яраштиришдан олдин, иккита нодон қудани яраштириш керак.

– Шунақа-ку...

Котиба нима дейишни билолмай қолди. Умаржон ҳозирги гапи билан уни қийин аҳволга солиб қўйганини англади: яраштириш унинг иши, котибанинг қўлидан нима ҳам келарди?

– Ярим соатда етиб бораман, унгача чой-пой қилиб, ҳовурларини сал босиб туринг. Қуда томоннинг одамлари орасида маънилироқ қариялари борми?

– Учта хотин...

Котиба бу аёлларни ўзи атайин бошлаб келгандай айбли оҳангда айтди. Умаржонга бу хабар ёқмай, “оббо!” деганича гарданини қашиган бўлди. Оила муаммосини аёллар иштирокида ҳал қилиш ғоят оғир бўлгани сабабли ғашланди.

– Уч талоқ қўйган бойвачча ҳам келдими?

– Ярим соат олдин онаси бирров хабар олиб кетувди, келиб қолишар.

Умаржонга бу мужмал жавоб ҳам ёқмай, гапни но-хуш кайфиятда яқунлади-да, ён дафтарчасини очиб диний идоранинг телефон рақамини излади. Ўтган ҳафтада шаҳар ҳокимиятидаги бир йиғилишда идора вакили ёш оилаларнинг қўйди-чиқдиси ҳақида гапириб, “куёв тўралар билиб-билмай “уч талоқ қўйдим” деб юбориб, кейин афсусланяптилар”, деган эди. Бундай воқеаларга ўзи ҳам гувоҳ бўлган эди. “Талоқ” деган сўзни эшитган, ажралиш шу ҳукм билан бошланишини ҳам биларди, бироқ, унинг моҳиятини тушунмагани сабабли ёшларга бу борада жўяли гап айтишга ожиз эди. Ўша мажлисдан кейин диний идора вакили билан танишиб, маҳаллага таклиф этганди. Вакил таклифни қабул қилиб, бу мавзуда ёшлар билан атроф-лича суҳбат қуришга ваъда бериб эди. Умаржон вакилга қўнғироқ қилиб, ўша ваъдасини эслатди. “Суҳбатда кўп одам қатнашмайди, лекин сизнинг гапингиз билан битта

оилани бузилишдан сақлаб қолиш мумкин”, дегач, вакил бир соатда етиб боришини билдирди.

– Машинани қаерга юборай? – деди Умаржон.

– Машинам бор, ўзим бораман.

Умаржон унга яна бир карра миннатдорчилик билдиргач, “имомларда машина бўлади-да, физик олимни чақирсанг, машина топиб юборишинг керак”, деб ўзига ўзи танбеҳ берди-да, гўшакни кўтариб, уй телефонининг рақамларини тера бошлади.

* * *

Умаржон янглишмаган, ўғли меҳмонни тўғри уйга бошлаб келган эди. Холида “меҳмон меҳмонхонага жойлангач, пича дам олар, кечга қадар тайёргарлик кўриб қўярман”, деб режа қилган эди. Ўғлининг уйга бошлаши уни шошириб қўйди. Тезлик билан камтарингина дастурхон тузалиб, енгил тамадди қилишаётган пайтда телефон жиринглади. Холида ўғлига қараб: “Аданг бўлсалар керак”, деди умид билан. Жаҳонгир шошганича гўшакни олиб қулоққа тутиб одати бўйича салом берди. Кейин у томондан келаётган узук-юлуқ овозга жимгина қулоқ тутиб, Мирзаолимга ажабланиб қаради:

– Опоқдада, сизни сўрашяпти. Қўшнингиз эмиш.

– Ҳа... қўшним бўлиши керак. “Бир гап бўлса телпон қиларсан”, деб келувдим.

Мирзаолим гўшакни қулоғига тутиб, у томондаги одамни овозидан дарров таниди:

– Ҳа, Эшматбой, тинчликми? Бўпти, мен йўлга чиқдим ҳисоб, сен эҳтиётдан мол дўхтирни айттириб қўй.

Мирзаолим гапни қисқа қилиб, Мақсудга узр нигоҳи билан қаради:

– Сиз билан баҳузур отамлашмоқчи эдим. Сигирнинг ой-куни бугунга тўғри келиб қолибди. Эшматбойнинг сигири туғолмай ўлган эди, шунга хавотирланиб чақиряпти. Борайин-чи, эртами-индин “оғиз” олиб келаман.

Мақсуд “бехижолат бораверинг”, деган маънода бош ирғаб қўйди. Холида эса “Сабзи-пиёзни эрталаб қовуриб қўйган эдим, ҳозир гуруч солиб юбораман, бир чўқим ош еб кетинг”, деганича қолаверди.

Меҳмон – доктор Озодий, боболари ўтган асрнинг йигирманчи йилларида хорижга чиқиб кетган ўзбеклардан, тилни билгани билан урф-одатлар ҳақидаги билими юзаки эди. Шу боис Мирзаолимнинг гапларини тушунмади, шошилиб кетишидан ажабланди. Озодий профессор Хусниевни сиртдан биларди. Мирзаолимнинг пешвоз чиқишини кутмаган Жаҳонгир уни меҳмонга яқинроқ таништиришга улгурмаганди.

Мирзаолимни кузатган Холида ошхонага ўтди. Жаҳонгир “Мирзаолим ака қишлоқдаги мактабда адамга физикадан дарс берганлар”, деб гап бошлаган онда Мақсуд дафтарчасига нимадир ёзиб, Озодийга узатди. У олиб, кирил ҳарфларини ўқий олмагани сабабли, кекса устозни хижолат қилмаслик учун Жаҳонгирга “ёрдам берасизми?” деган маънода нажот кўзи билан қаради. Жаҳонгир буни тушуниб, дафтарчани олгач, сатрларга кўз ташлаб олиб, сўнг меҳмонга боқди:

– “Доктор Кержнернинг аҳволи қалай, тажрибахонасини тиклаб олдими?” – деб сўраяптилар.

– Хўжа афандим таниюрмилар доктор Кержнерни?
– Озодий саволни Жаҳонгирга бериб, жавобни эшитиш учун Мақсудга қаради. Профессор мамнун чақнаётган кўзлари билан “танийман” ишорасини қилгач, Жаҳонгир изоҳ берди:

– Ҳали Берлин девори йиқилмай туриб, танишганлар. Қуёш физикаси бўйича Ослода бўлган халқаро симпозиумда баҳслашиб қолишган экан.

– Ҳа, доктор Кержнерга бул одат хосдир. Баҳслашмакни чўх хуш кўриюрлар, – деди Озодий кулимсираб. – Ул хўжамга фақат ва фақат ўзин йўллари тўғридур ва бул йўлнинг ҳимоясинда ғоят қатъий собитдурлар. Танқидни

фикри ғараз билиюрлар, холис таклифларни-да мутлақ ва мутлақ қабул этмаслар. Тажрибахоналарининг портлашинда оппонетларнинг қўли вордур, дея ҳали ҳамон даъво қилиб юриюрлар. Ҳолбуки, бу бир ўринсиз гумондур. Эксперт текширувлари дедик, ул портлаш тажриба пайтинда йўл қўйилмиш бир хато туфайли юз бермишдир. Кержнер афандимнинг илмий ғояси бу кезларинда боши берк кўчага кириб қолмиш эса-да, ул хўжам ҳамон ўжарликларин давом эттирмишлар.

Мақсуд афсус билан бош чайқаб, Жаҳонгирдан дафтарчани олди-да, саҳифага ёза бошлади

“Илм кибрни, демакки, ўжарликни ҳазм қила олмайди, – деб ўқиди Жаҳонгир. – Фақат ўзимники маъқул, дейдиган одам ўсишдан тўхтайдди. Ўжарлик пардаси олим рўпарасидаги ҳақиқат йўлини тўсади”.

Холида хориж одатига кўра патнисдаги уч финжонда қаҳва олиб кириб стол устига қўйдди. Врачлар Мақсудга қаҳва ичишни ман этганлари сабабли унинг финжонига чой қуйилган эди. Холида уларнинг суҳбатига ҳалал бермаслик учун тезгина изига қайтмоқчи эди, телефон қўнғироғи тўхтатди.

– Ҳа, адаси, тинчликми? – деди гўшакни қулоғига тутиб. – Келишди... – шундай деб ўғли билан меҳмонга қараб олди: – Яхши учишибди, қўниш ҳам яхши бўлди. Амаки-дадам билан кутиб олдик. Амаки-дадамми? Шошилиб кетдилар. Сигирлари туғадиган экан, – кейинги гапларни эшита туриб ранги ўзгара бошласа-да, меҳмон олдида ўзини тутиб, гапни қисқа қилди: – Яхши-яхши, жуда яхши. Хўп, хўп, – гўшакни қўйиб, меҳмонга ва ўғлига узр маъносида қаради: – Аданг... қийналмай келишдимми, яхши кутиб олдингми, деб сўраяптилар. Адангнинг келишларини кутмай, ошни сузаверар эканман.

– Қаерда эканлар?

– Қаерда бўларди, маҳаллада-да. Иккита қўйдди-чиқди бормиш. Ярани вақтида тузатмаса, газак олар эмиш...

Холида юмшоқроқ гапиришга уринди. Кўнглидан эса: “Икки қадам йўл, уйга кириб, меҳмон билан кўришиб, бир чўқим ош еб, кейин борсалар ҳам бўларди-ку, ажрашадиганлар бир соатдан кейин ажрашса, осмон узилиб ерга тушарканми?” деган норозилик тўфони кўтарилди. Агар маҳалла идорасида заҳарли сўз ўқларини тил замбаракларига жойлаб ҳаёт-мамот жангига тайёрланиб ўтирган хотинларни кўз олдига келтирганида балки кўнгил тўфони кўтарилмасмиди...

Очиқ қолган дарвоза эшигидан кириб келган ҳамширага кўзи тушган Холида шошиб қолди. “Устоз, укол оладиган пайт бўлди, биз чиқайлик”, деб у томон юрган эди, Жаҳонгир чаққонлик қилиб, аравачага онасидан аввалроқ яқинлашди. Беморни қўшни хонага олиб чиқиб қўйгач, меҳмондан узр сўраб, финжонни қўлига олди, аммо совуб қолган қаҳвани ичмади.

– Мен муҳтарам доктор афандим Мақсуд Хусниевнинг илмий мақолаларин инглиз тилидаги таржимаси билан таниш эдим. Ўзларин бу аҳволда кўриб чўх таажжуб эдим-ким, ўзлари ҳақинда ҳеч нима билмас эканман. Муҳтарам афандимиз, хешларингиз ўлурми?

– Аслини олсак, қариндошликлари йўқ, – деди Жаҳонгир ноқулай аҳволда қолган одамнинг узрли оҳангида. – Лекин менга бобо, адамга ота ўрнидалар. “Устоз отангдек улуғ” деганларини эшитганмисиз?

– Алҳол, оилаларин хусусинда сўрамак истаги туғилди-ю, аммо бир андиша сўрамакдин тўхтатмиш ўлди.

– Сўрамаганингиз яхши бўлибди. Оилани эшлаш, опоқдадамга жуда оғир... – Жаҳонгир тақдир тарихини титиб ўтирмай, устознинг хотинлари билан бир ўғли автохалокатда вафот этганини айтиш билан чекланди-да, афсус билан илова қилди: – Инсульт деган дарди бедаво устозни шунақа аҳволга солиб қўйган. Ўғиллари ҳозир Шотландияда. Телефонда боғланиб, қариялар уйига бермоқчи экан, адам уйимизга олиб келдилар.

– Нега? “Қариялар уйи” ёмон эмас-ку? – деди Озодий ажабланиб.

– Сиз яшайдиган юртда шундай. Бизда ориятли одамлар бундай қилишмайди. “Ўғли бемехр бўлса, шогирдлари йўқмиди?” деган маломатга чидаб яшай олмайдилар.

– Ажиб... ажиб... Адангиз... муҳтарам афандим алҳол қайда эканлар, хоним афандимни англай олмадим. Маҳалла... қўйди-чиқди... демишларми?

– Маҳаллани билмайсизми? – Озодий “айблиман, билмасман”, дегандай кулимсираб, елка қисди. – Қизиқ... тўғри, сиз томонларда йўқ, лекин... ҳеч эшитмаганмисиз?

– Эҳтимол эшитган ўлурман, аммоким, аҳамият бермаганим эҳтимолдан узоқ эмасдир.

– Сизнинг нечта қўшнингиз бор, биласизми?

– Учтадир, эҳтимол, бештадир, санамакни лозим билмасман, нечун сўрамақдасиз?

– Сизникига борганимда ён йўлақдан тобут олиб чиқишаётганда “Қўшнингиз ўлибди”, деганимда “мен уни танимайман”, деб ўтиб кетаверган эдингиз. Ҳолбуки, йўлақ бошқа бўлгани билан ораларингизни битта девор ажратиб турарди. Донишманд боболаримиздан нечта хонадон қўшни бўлади, деб сўрашганида “ўнг томондан қирқ, чап томондан қирқ, рўпарадан қирқ, орқа томондан қирқ хонадон яқин қўшни бўлади”, деб белгилаб беришган. Саҳоват қилмоқчи бўлган одам яхшилигини энг биринчи қўшниларга қилиши керак. Қўшниларнинг жипс ва ахил бирлиги бизда “маҳалла” дейилади. Жамият ичидаги жамият, десак ҳам бўлади.

– Англадимки, бул “маҳалла” атаганингиз, янги пайдо бўлган жамиятнинг янги бир кўринишидир?

– Янгича кўриниш олгани тўғри, лекин маҳалланинг узоқ тарихи бор. Шаҳарларимизнинг тарихи икки-уч минг йилдан ошар экан, демак, маҳалланинг тарихи ҳам шунча. Биларсиз, одамлар яшайдиган жой шаҳар аталиши учун аҳоли ададининг кўплиги муҳим бўлмаган. Балки, ўн-

дан зиёд турдаги ҳунармандлар ва илм аҳлининг яшаши шаҳар аталиши учун асос бўлган. Қадимда ҳунармандлар ёнма-ён яшашган. Тошкентдаги Ўқчи маҳалласида қурол-яроғ ишловчилар бўлган. Яна бешикчилар, сандиқчилар маҳалласи бўлган. Кейинроқ миллатига қараб маҳаллага бирлашганлар, Қашқар маҳалла, Тожик маҳалла, Қозоқ маҳалла... Вақт ўтиши билан маҳаллаларнинг номларигина сақланиб қолди. Энди маҳалла давлат сиёсати даражасида. Буни “ўз ўзини бошқариш” сиёсати дейилади. Ўзимизнинг илмий тилда айтсак, маҳалла жамиятнинг ядроси.

– Ажиб муқояса. Нечукдирки, сиз аввал буни менга айтмаб эдингиз?

– Уйингизда айтганимда тушунмас эдингиз. Сиртдан туриб англаш қийин. Айниқса, меҳр-оқибат деган тушунчадан тобора узоқлашаётган Европада тушунмайдилар. Битта мисол айтайинми? Кўп масалаларни ҳал этишни давлат маҳалла ихтиёрига берган. Сиз тушунмаётган қўйди-чиқди шуларнинг бири. Оила бирлиги, ҳаловатини таъминлаш маҳалла зиммасидаги масъулият. Феъли чиқишмаган эрхотин сизлардагига ўхшаб давлат идорасига бориб дарров ажраша қолмайди. Маҳалладаги қўни-қўшнилардан тажрибали кексалар уларнинг арзу даъволарини эшитиб, насихат қилиб, яраштириб қўйишга интилишади. Каминанинг адаси шуларнинг бири, жамоатчилик адами “оқсоқол” деб сайлаб қўйган.

– Ажиб... илм одами учун бу ортиқча даҳмаза эмасми?

– Менимча йўқ. Ўрни келиб қолса, буни адамнинг ўзларидан сўрасиз.

Ҳамшира муолажани якунлаб, кетгач, ошни суздилар. Ҳусниев томчи доридан кейин ҳолсизланиб қоларди, бу сафар меҳмоннинг хурматини қилиб чиққан бўлса-да, икки қошиқ ош билан кифояланди. Бундай ёғли таомга кўникмаган меҳмон ҳам қошиқни четга қўйди. Она-боланинг таомланишлари ҳам шу билан ниҳоясига етдиким, лагандаги ош дўмпайганича қолаверди...

Озодий шу уйда ётиб қолиш таклифини қабул қилмай, меҳмонхонага қайтди.

* * *

Умаржон куда томондан аёллар келганини эшитганда бекорга ғашланмаган эди. “Эски гаплар кўзғолмасин, ёшларни қовуштиришни ўйлаб гапиринглар”, деб қайта-қайта таъкидлагани билан, ҳар икки томон хотинлари гапни совчиликка келинган кундан бошлашарди.

“Остона ҳатлаб ичкари киришлари билан уйнинг ҳар бир бурчагига тикилиб қарайвериб, деворларни илма-тешик қилиб юборишган”.

“Совчиларнинг олдига ҳам суви қочган нонни қўядими, вой тавба!”...

Қуда хотинлар сал муросага кела бошлаганда куёв боланинг инжиқлиги бошланди.

“Шим кийма, десам ҳам кияди. Шим киядиган хотин менга керакмас”.

“Биринчи учрашувга ҳам шим кийиб чиққан эди-ку, нега индамагансиз?”

“Тўйдан кейин киймайсан”, деганман”.

“Тўйдан кейин бир марта кийганман. Ишхонада шанбалик эди, шунда ҳам ўзингиздан сўраб кейин кийганман”.

“Энг яхши кўрган галстугим йўқолиб қолди. Хушторининг туғилган кунига совға қилган”.

“Вой-вой-вой, ўйлаб гапиряпсизми, куёв тўра, қизимизнинг ҳеч қанақа хуштори йўқ. Бор бўлганда ҳам, сизнинг галстугингизни совға қиладими?”

“Билмайман, мен уч талоқ қўйганман. Энди бирга яшамайман”.

Можаро шу нуқтага келганда маҳалла фаолларидан ҳисобланган чўққи соқол киши ўзининг тиззасига шапати билан уриб, барчанинг диққатини бўлди:

– Масала ҳал! – деди қатъий оҳангда. – Уч талоқ қўйибди, энди бу оилани ямаб бўмайди. Бош қотириб, валақлаб ўтиришимиз ортиқча. Қуда пошшалар, эрталаб

мошин олиб келиб, юкларингизни олиб кетинглар, тўрт ой “идда” деган шарт бор. Бир юз йигирма кундан кейин қизингизни бошқага узатиш тадоригини кўраверинглар. Куёб бола агар истаса, эртагаёқ уйланиб олиши мумкин, шариат бунга йўл беради. Қани, омийн, Аллоҳу акбар!

Ўзидан бошқа ҳеч ким дуога қўл очмади. Бу кутилмаган ҳукмдан ажабланган ҳар икки томон нажот кўзи билан Умаржонга қаради. Ҳозиргина “Мен сендан паст келмайман” қабилида можаро қилаётганлар чўққисоқолнинг ҳукмидан бирдай норози эдилар.

– Эломон ака, сал шошилмай туринг.

Умаржоннинг вазмин оҳангда бошлаган гапини чўққисоқол шарт бўлди:

– Шошган шошмаганда барибир уч талоққа бошқа йўл йўқ.

– Эломон ака, мен дин ишларини яхши билмайман, лекин шариат номидан ҳукм чиқаришга ҳақингиз йўқлигини биламан.

– Нега ҳақим йўқ бўларкан, мен ҳожиман! Уч марта ҳажга борганман! Беш вақт намозни масжидда ўқийман.

– Фикри ожизимча, масжидда намоз ўқиганларнинг ҳаммаси фатво беравермаса керак. Фатво учун алоҳида билим талаб этилса керак?

Умаржон шундай деб диний идора вакилига савол назари билан қаради. Вакил бир оз кечикиб келгани учун Умаржон уни йиғилганларга таништирмаган эди. “Бу йигит ким экан?” деб ўғринча қараб-қараб қўяётганлар энди унга савол назарларини қадашгач, Умаржон уни таништирди.

– Фатво бермоқлик муфтий ҳазратнинг ваколатидир, – деди вакил Умаржонга қараб. – Диний идорамиздаги фатво бўлимидаги масъуллар ҳам айрим масалаларни ечишда сизу бизга тўғри йўл кўрсата оладилар, инша Аллоҳ. Айниқса, талоқ масаласида шошма-шошарлик қилмаслик жоиз. Муҳтарам ҳожи акамизни имтиҳон қилиш ниятим йўқ, аммо масалани шариатга кўра ечимини топишга ки-

ришишдан олдин талоққа доир оятлар ва ҳадисларнинг қай биридан хабарлари борлигини билмоқчи эдим.

Вакил ҳилм билан сўзласа-да, чўққисоқолнинг шошқич чиқарган ҳукмидан норози эканини сезиш қийин эмасди. Чўққисоқол бундан ўнғайсизланди, тўғри жавобдан бўйин товлаб, “билсангиз ўзингиз айтавермайсизми, нима қиласиз отангиз тенги одамга осилиб”, деб тўнғиллади.

– Яна бир бора узр, ҳожи ака, мақсадим имтиҳон эмас, билимингиз етарли бўлса, ўзингиз шарҳлаб берарсиз, кейин ақлим етганча тўлдирарман, деган мақсадда сўраган эдим.

– Тақсир, ўзингиз тушунтириш бера қолинг, камчилиги бўлса, ҳожи акамиз сизни тўлдирадилар, – деди Умаржон баҳснинг чўзилиши олдини олиб.

– Бу хонага йиғилганларнинг барчалари хайрли ниётда эканликлари билиниб турибди. Лекин масалани ҳал қилишда ҳар бирлари ўзларини ҳақ деб билиптилар. Ҳолбуки, ҳар қандай масала, айниқса оила тақдири Қуръони карим ва ҳадиси шариф асосидагина ҳал қилиниши керак. Уламолар фатво берганларида айнан шундай қилганлари учун уларнинг хулосалари шарият ҳукми ўрнида қабулдир. Мен кичикроқ бир издиҳомда амри маъруф қиларман, деган ўйда келган эдим. Бундай муҳокамада иштирок этишим ўзимга ҳам сал ноқулайроқ бўлиб турибди.

– Ноқулай бўлмасин, сиз айтган кичикроқ анжуман, худди шу давра иштирокчилари. Бошқаларни билмайман-у, ўзим талоқ, ажралиш ҳақидаги илмдан беҳабарман. Маълумот берсангиз, эндиги ишларимизда ҳам асқотади. Ҳар ҳолда бу укамиздан кейин ҳам хотинини уч талоқ қўядиган азаматлар топилиб қолар. Сиздан узр сўраган ҳолда, домларимиз томонидан йўл қўйилаётган битта камчиликни айтаман: никоҳ ўқиётган домламиз ёшларга талоқнинг маъносини ҳам англашиб қўйишлари керак. Кўпчилик талоқнинг маъносини билмай яшайди ва кунларнинг бирида ғазабланиб «уч талоқсан!» деб юборади.

Шу бир оғиз ҳукм билан оила бузилади. Кейин ярашмоқчи бўлиб боришса, ўша тушунтирмаган домламиз «уч талоқ» дебсиз, қайта никоҳланмайди, деб қаттиқ туриб оладилар. Бу масалада озгина мулоҳазамиз бор-да: бу оила диний талаблар асосида яшамади, шариат нималигини билмайди, шунинг баробарида эр ҳам, хотин ҳам талоқ тушунчасидан беҳабар. Эрнинг билгани: «уч талоқсан, уйингга жўна!» Хотин ҳам битта бўғчасини тугиб, боласини етаклаб, йиғисиғи билан отасиникига қайтаверади. Уларда ҳам, ота-оналарида ҳам, яшириб нима қилдим, бизга ўхшаганларда ҳам «идда», «махр» деган тушунча йўқ.

– Вақтларингизни олишдан хижолатдаман-да...

– Бир келиб қолибсиз, энди илмимизни бойитиб кетинг, – деди чўққисоқол гапга аралашиб. Вакил илтимос холисонами ё пичинг қилиняптими, фарқлай олмаса-да, бу ҳақда ўйлаб ўтирмай, муддаога кўча қолди.

– «Эр-хотиннинг уруши – дока рўмолнинг қуриши» деган мақолни кўпчилик билади. Эр-хотин орасида низо чиқса қисқа муддатда бартараф бўлади, деган маънодаги бу мақол айрим ҳолларда ҳақиқатга айланмай қоляпти. Ёш оилалардаги жанжал «ажралиш» деган фожиа билан якун топяпти. «Фожиа» деб баҳо беришимни баъзи биродарлар маъқулламасликлари мумкин. «Талоқ Аллоҳ томонидан рухсат этилган, оиланинг бузилиши кўнгилсиз ҳол, лекин фожиа эмас», дегувчиларга биз деймизки: «Азим, соатингиз бузилса неча мароталаб бўлса ҳам тузатиш учун устага олиб борасиз. Ҳеч иложи бўлмаса ташлаб юборасиз. Бу фожиа эмас, шунчаки кўнгилсиз ҳол. Лекин оила бузилса, икки ёшни яраштиришга ҳаракат қиламиз, ярашишнинг чораси қолмаса ўртага талоқ тушади. Лекин бу оилани бузилган соат сингари ташлаб юбормаймиз. Яъни жамиятдан суриб чиқармаймиз. Эр ҳам хотин ҳам бошқа оила қуриб яшайверади. Лекин болалар-чи? Тирик етимларнинг охи фожиа эмасми? Қалбларининг парчаланиши фожиа эмасми? Оилани жамиятнинг дурру гавҳари деб

улуғлайдилар. Уйимиздаги дур ва гавҳарларни ардоқлаб асраймиз. Оилани-чи?

– Таксир, бу ёшлар оила қурганига ҳали бир йил тўлгани йўқ, ўртада бола ҳам йўқ, – деди чўққисоқол унинг гапини бўлиб.

– Икки ўртадаги можарони эшитиб, буни англаганман. Айтадиганларим фақат шу оилага хос эмас, маҳаллангиз оқсоқолининг илтимосларига кўра, масъалага доир умумий тушунча бермоқчиман. Хулосани кейинроқ чиқарамиз, инша Аллоҳ.

– Албатта, албатта, шундай давом этаверинг, – Умаржон “бир пас жим ўтира оласизми?” дегандай чўққисоқолга норози қиёфада қараб олди.

Вакил фикрдан чалғимаслик учун энди Умаржонга тикилганича давом этди:

– Никоҳ эр ва хотиннинг ҳаётда шерик бўлишлари хусусидаги аҳд-паймондир. Аҳд-паймон ва шериклик турли соҳа вакилларида ҳам учрайди. Айтайлик, ҳунармандчиликда, тижоратда, зироатда... Агар шериклар аҳдларига вафо қилсалар, хайрли неъматларга эга бўладилар. Орага хиёнат, ғараз ёки тамаъ аралашса, ишларидан барака кетади. Ҳар икки томон ҳам зарар кўради. Никоҳ билан боғланган оила ҳам шунга ўхшашдир. Эр ҳам, хотин ҳам аҳдига вафо қилса, оилада барака бўлади ва бундай оилани биз «фариштали хонадон» деб сифатлаймиз. Уруш-жанжалдан бўшамаган оилани эса «шайтон васвасасидаги хонадон», деб таърифлаймиз. Агар оиладаги нафрат ўти меҳр ва муҳаббат гулини сўндирадиган даражага етса, никоҳ – дастлабки аҳд-паймон бекор қилинади ва бу битим халқда оддий қилиб “ажралиш”, шариат тилида эса «талоқ» деб аталади. Бир нозик нуқатага диққат қилиш керак-ки, бандаларига ижозат берган амаллари орасида Аллоҳнинг Ўзига ҳам энг ёқмайдигани ана шу талоқ ҳисобланади. Лекин, оиладаги жанжал тоқат қилиб бўлмас даражага етгандан сўнг орада талоқ бўлмаса, эрнинг ҳам, хотиннинг ҳам бутун умри ғам

ва қайғуга сарф бўлиб қолади. Ислом динида талоқ эр ва хотинни шундай балодан асраш учун қўлланилади. Баъзан шундай бўлади: хотиннинг нияти яхши. Нодонлиги ёки тажрибасизлиги, қайсарлиги ёки уқувсизлиги туфайли уй ишларидами ё бола тарбиясидами ёки эрига муносабатидами хато-камчиликларга йўл қўяди. Бундай аёлларни кечириш, уларга марҳамат кўрсатиш керак бўлади. Лекин хотин эрига адоват ва хусуматини доимий равишда кучайтириб бораверса-чи? Бу ҳолатда ҳам дарров талоқ берилмайди. Бу хусусда Аллоҳ буюрадики: «...аввало уларга панд-насихат қилинлар, сўнг, яъни насихат кор қилмаса, уларни ётоқларда тарк қилингиз, яъни улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг, сўнгра шунда ҳам сизга бўйсунмасалар уринлар! Аммо сизга итоат этсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманлар». Энди мазкур оят маъзини тушунишга уриниб кўрайлик: демак, хотин томонидан оиланинг ё эр-хотиннинг тинч-тотувлигига раҳна соладиган бирон ҳолат содир бўлса, эрнинг вазифаси биринчи галда насихат қилиб, тўғри йўлга даъват этиши лозим экан. Аёлларнинг кўнгиллари табиатан юмшоқ ва эҳтиросли бўлади. Кўпинча маъқул сўзлар ва дўстона ўгитлардан аёллар таъсирланиб, ёмон ишлардан ва амалларидан қайтадилар. Лекин насихатлар фойда бермаса-чи? Унда жазо сифатида ўрнини бошқа қилиб, унга икки-уч кеча яқинлашмайди ва шу ҳаракати билан қаттиқ норозилигини билдиради. Ақли бор хотин бу ҳолатни қатъий огоҳлантириш ўрнида қабул қилади. Чунки икки-уч кун ўрнини бўлак қилган эр, оқибатда бутунлай ажрашиб кетиши ҳам мумкин. Демак, бу оддий араз эмас, ажралиш эҳтимолидан огоҳлантириш. Қуръони каримда зикр этилганки, айрим эрлар “Бир йил ё икки йил сенга яқинлашмайман” деб қасамёд қиладилар, ундай одамларга тўрт ой муҳлат берилади. Шу тўрт ой ичида хотинларига қайтсалар, бирга яшайверадилар. Энди дили қотиб қолган аёлга бу восита ҳам таъсир этмади. У вақтда хотинни қаттиқ озор бермаслик шарти билан уриш жоиз-

дир. Ҳар ким англаши зарурки, хотин роҳатланиш учун урилмайди, балки уни тўғри йўлга солиш мақсадидагина қаттиқ азоб бермаслик шарти билан қўл кўтаришга ижозат берилади. Лекин табиийки, эрга итоат этишни ўзи учун бурч деб билган аёл ва ўзидан Қудратлироқ бўлган Зот – Аллоҳ кўриб турганига иймони комил бўлган эр бу охириги чорага етиб келмайдилар. “Уриб, дабдала қиламан”, деган фикрдан эр нари бўлиши керак. Унга ҳеч ким хотинини дабдала қилишга ижозат бермаган.

– Узр, домлажон, – деди Умаржон гапни бўлиб, – сиз диний томонини айтдингиз, мен дунёвий томонини эсла-тиб қўяй: – Жиноят кодексида бу масалада алоҳида модда бор. Эломон ака, сиз айтувдингизми, қариндошингизнинг ўғли хотинини ургани учун тўрт йилга қамалганмиди?

– Қариндошим эмас, “Зарбулмасал” маҳалласидаги бир танишимдан эшитувдим.

– Ҳар ҳолда, бунақа модда билан қамалиб турганлар топилади. Хотинни уриш фақат бизда эмас, тараққий этган мамлакатларда ҳам бор экан. Яқинда Европанинг бир неча мамлакатада хотинини урганлиги учун жиддийроқ жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида янги қонунлар қабул қилинди.

Вакил Умаржоннинг гапдан тўхташини кутиб, кейин “давом этаверайинми?” деган маънода қаради. Умаржон гапга қўшилганига хижолат бўлиб, узр сўрагач, давом этди:

– Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ҳадисдирки: «Агарда хотинларингиз шаръий ва савоб ишларда сизларга бўйсунмасалар, уларни мажруҳ қилмасдан ва кўкартирмасдан, қаттиқ озор бермасдан уринглар». Хотин бу чоралардан кейин бемаъни ҳаракатидан тийилса, эр бошқа баҳона қидирмаслиги, ҳаддидан ошмаслиги керак бўлади. Эркак бўлганидан мағрурланиб, асоссиз гумонларга бориб, аёлига зулм ва жафо қилиши ман этилади. Асоссиз жафо қилар экан, жабр чеккан аёлнинг ўчини Аллоҳ олади. Энди, агар малол келмаса, куёв боламиздан сўрайдиган бир икки саволим бор.

Йигит саволга тутилишини кутмагани учун ўзини химоя қилиб чиққан хотинларга нажот кўзи билан қаради. Вакил уни шоширмади. Хотинлар ҳам дарров жавоб бера олишмади. Орадаги қисқа сукутни Умаржон бузди:

– Масалани ойдинлаштириш учун ўзларидан сўраб олганингиз айти муддао.

– Куёв бола, гапингиздан тушундимки, хотинингизни уч талоқ қўйибсиз. “Бир талоқ” билан “уч талоқ”нинг фарқи нима, биласизми?

Йигит билмаслигини айтишга тили бормади, бошини эгди. Бундан фойдаланган чўққисоқол гапга аралашиб, аввалги иддаосини қайтарди:

– Бир талоқ қўйса, кейин ярашса бўлади, уч талоқда мумкинмас. Хотини бошқа эрга тегиб чиқса, кейин ярашиши мумкин.

– Ҳожи акамизнинг бу гапларига озгина қўшимча қиламиз. Аввали шуки, сиз уч талоқ қўйганингиздан кейин келин ўша заҳоти уйга кетдиларми?

Йигит бу саволга ҳам дарров жавоб бермади. Унинг ўрнига келин томонда келган хотин гапга қўшилди:

– Ҳайдаганидан кейин кетади-да! Итни ҳайдасангиз ҳам кетади-ку, бу ит эмас, одам-ку, ахир! Шунчалик ҳам хорлайдими?!

Умаржон қараса-ки, ўртадаги можаро қайта бошланадиган. Шу боис, кафти билан столни икки марта уриб қўйиб, уни тўхтатди.

– Аввал эшитайлик, муҳокамани кейин қиламиз. Домла, давом этаверинг.

– Демокчи эдим-ки, ўртага талоқ тушган заҳоти хотин уйига жўнаб қолмайди.

– Ие, ажраганидан кейин бир-бирига номаҳрам бўлади-ку? – деди чўққисоқол.

– Номаҳрам бўлиши рост. Лекин, ҳожи ака, ҳали ўзингиз айтганингиздек, ўртада “идда” деган муддат бор. Тўрт ой мобайнида хотин шу уйда яшайди. Унинг турмуши

учун яхши шароит яратиб берилади. Хорланмайди, зулм қилинмайди. Куёв бола, никоҳланиш куни келинга маҳр берганмисиз?

– Берилган, берилган, – деди куёв томондаги хотин баланд овозда. – Бир уй, бир даҳлиз, айвони билан, яна бармоқчиларига тилла узук ҳам берилган.

– Анча саҳоват кўрсатган экансизлар, – деди вакил мийиғида кулиб қўйиб. – Энди масала шундай ечилади-ки, берилган маҳр қайтариб олинмайди. Тилла узук ҳам, айвонли уй ҳам никоҳланган ондан бошлаб келиннинг шахсий мулкига айланади. Куёв бола, сиз маҳрга берилган уйда, яъни хотинингизнинг уйида яшаётган бўлиб чиқасиз. Талоқ билан никоҳ бекор қилинса, хотин эмас, сиз уйни тарк этишингиз керак.

– Нега тарк этаркан, бу хонимча уйга битта ғишт қўйибдими ё отаси битта мих қоқибдими? – деди шаддод хотин шарт ўрнидан туриб.

Умаржон бу сафар столга қаттиқроқ урди:

– Тинч ўтиринг, аввал гапни охиригача эшитинг. Бу гапларни домла ўзи тўқиётгани йўқ, диний китоблардан олган. “Никоҳ”, “уч талоқ” деганинглари диний сўзларми, демак, унинг ҳукми ҳам диний китоблар асосида бўлади. Дунёвий ҳаётда оила кодексини бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, диний томондан шу домла айтаётганларига риоя қилиш мажбурий. Бу ёқда никоҳ шартномаларинг бор, дунёвий муаммони ўша шартномага қараб ечамиз, шошмай туринглари.

Хотин ўзича ғўдираниб, жойига ўтиргач, вакил давом этди:

– Маҳалла оқсоқоли тўғри айтяптилар, Аллоҳ таборак ва таоло Бақара сурасида бу ҳақда алоҳида огоҳлантириб айтадики: “Эй эркаклар, сизларга хотинларингизга берган маҳрларингизни қайтариб олишларингиз ҳалол эмас”. Опажон, Аллоҳнинг бу амри муҳокама этилмайди. Оилада можаро чиқса, ҳозир тенглик ҳақида масъала таллашиш

одат бўлган. Мавзудан сал чиқсам ҳам, шу ўринда бир ривоятни эсласак зарар қилмас: тарихда ўтган ҳазрати шайх Ҳотами Асомнинг хотинлари ҳам солиҳа ва каромати зоҳир аёл эдилар. Бир куни Ҳотам ҳазратлари ғазотга кетмоқчи бўлиб, аёлларига:

– Мен тўрт ойлик сафарга кетгайман, шу тўрт ойлик муддатга қанча нафақа истайсан? – деб сўрадилар.

– Тирик қолишимга етгулик нафақа қолдиринг, – дедилар аёллари.

– Тириклигинг ва ўлиминг менинг қўлимда эмас, ҳақ таолонинг измидадир.

– Ундай бўлса, менинг ризқим ҳам сизнинг қўлингизда эмас, жаноби Ҳақнинг измидадир.

Ҳотам ҳазратлари бу жавобни хуш кўрдилар ва аҳли аёлларини дуо қилдилар. Қўшни хотинлар келиб «Эрингиздан нечун нафақа сўрамадингиз?» деб ажабландилар. Жавобан дедиларким: «Ул ҳам мен каби ризқ егувчидир, бергувчи эмасдир».

Эр-хотинлик ўртасида Аллоҳ ҳузуридаги тенглик шундай бўлади. Буни англаган оилага бузилиш хавф солмайди. Эр ўз масъулиятига, хотин ўз масъулиятига тенг жавобгарлигини ҳис этиш керак. Тенг ҳуқуқлилиқ шундан иборат. Эр билан теппа-тенг гап талашини, теппа-тенг олишини – тенгҳуқуқлилиқ эмас, нодонлик. Спорт соҳасида енгил вазндаги боксчи ҳеч маҳал оғир вазндаги боксчи билан олишмайди-ку? Оилада ҳам мана шу қоидага амал қилинса яхши. Аллоҳ таборак ва таоло марҳамат қиладики: «Агар бирон аёл эри томонидан кўнгилсизлик ёки юз ўгириб кетиш содир бўлишидан қўрқса, у ҳолда иккови ўзаро бир сулҳга келишиб олишса, яъни аёл эрининг ҳоли ва хоҳишига қараб ўзи учун эрга малол келадиган даражада нафақа талаб қилмаса, шу билан баробар эр ҳам хотинни ташламасликка, унга зулм қилмасликка рози бўлса, зарарсиздир. Сулҳ ажралиб кетишдан яхшироқдир. Нафслар қизғанишга ҳозир у нозир бўлиб турадилар. Агар аёлларингизга чи-

ройли муомала қилсангизлар ва Аллоҳдан қўрқсангизлар ўзингизга яхшидир. Зеро, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардор бўлган Зотдир». Оятни дурустроқ фаҳм этмоғимиз учун уламоларимизнинг тафсирларига мурожаат қилишга тўғри келади:

Маълумки, турли сабабларга кўра эрда хотинига нисбатан нафрат пайдо бўлиши мумкин. Натижада эр хотинидан ажралмоқчи ёки ундан юз ўгириб, талоқ ҳам қилмай, муомала ҳам қилмай ташлаб қўймоқчи. Хотин эридан ажрашни хоҳламаса, ярашишга уринади. Эрнинг нафратига ёки юз ўгиришига сабаб бўлган ишларни бартараф этиш билан уни рози қилиб, ажралмай қолишга тиришади.

Мисол учун, ҳатто ўз қонуний ҳаққи бўлмиш маҳрнинг ҳаммасидан ёки бир қисмидан воз кечиб юбориши мумкин. Нафақа бермасанг ҳам майли, ёки озроқ нафақа берсанг ҳам талоқ қилмасанг бўлди, дейиши мумкин. Шунга ўхшаш ҳолатга қараб турли таклиф ва муросалар билан сулҳ тузиб ажралмай қолишда гуноҳ йўқ экан. Шунинг учун ҳам оятнинг давомида: «Сулҳ яхшидир», дейилмоқда. Маҳаллангиз оқсоқоли “бу соҳада кўп нарсаларни билмаймиз”, деб тан оляптилар. Воқеан шундай экан, бугунги кунда маҳр нима, нафақа нималигини билмай яшаётганлар нима қилишлари керак? Орага совуқчилик тушишига сабаб бўлган ҳолатни аниқлаб, муолажа қилишдан бошқа чоралари йўқ. Бунақа пайтда кўпроқ аёл кишининг ён босиши лозим бўлади.

Исломда турли усулларни қўллаб, оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилинади. Ушбу чоралар ҳам мазкур рағбатдан келиб чиққан. Оятнинг давомида нафсларнинг қизғанишга ҳозир у нозир эканликлари таъкид этилмоқда. Яъни инсон табиатида қизғанишга мойиллик мавжуд. Одам молу мулкни, чиройли нарсаларни ёки мансабни қизғанади. Ана шу табиий ҳол эътиборга олинса, хотин томондан таклиф қилинган молу мулк ёки айрим қулайликлар эрдаги қизғаниш табиатини қўзғаб, ажралмай қолишга ундаши мумкин. Лекин инсоний алоқалар фақат молу мулк

ёки баъзи бир манфаатлар асосидагина қурилмайди. Балки яхшилик, савоб ишлар қилиш каби ҳолатлар ҳам кўп. Жумладан, хотинидан нафратланиб, уни талоқ қилмоқчи бўлган ёки юз ўгириб тек ташлаб қўймоқчи бўлган эркак шу хотиннинг ажралиш истаги йўқлигини билгач, унга яхшилик қилиб, тақво юзасидан ўзи билан олиб қолса, яхши бўлади. Аллоҳ унга ажр ва савоб беради.

Ҳар нарсанинг меъёри бўлганидек, эрни мол-мулк билан ушлаб туришнинг ҳам чегараси бор. Агар хотин бадавлат оиладан бўлса-ю ҳар жанжалда куёв боланинг кўнглини овлаш учун бирон нима совға қилиб турилса: бир сафар уй, кейин автомашина... Айрим беморлар бир хил дорини ичаверишса, аввалига шифо берган шу дори оқибат таъсир этмай қўяди. Мол-мулк билан кўнгили овлаш ҳам шундай бўлади. Ёки куёв бола қимматбаҳо совғаларга ўрганиб, канага ўхшаб қолиши мумкин.

– Бу гапингиз чиппа-чин тўппа-тўғри, баъзи куёв тўралар нақ кананинг ўзи! Берсанг –ёқасан, бермасанг – тўрсаяди, – деди хотинлардан бири жонланиб.

– Яна бир қайтаринг-чи, нима демоқчисиз?! Ким кана экан?! – деб иккинчи томон астойдил ҳужумга шайланди.

– Мен “баъзилар” дедим, сиз-у бизга алоқаси йўқ.

– “Баъзиларингизни” ўша баъзиларга айтинг, илмоқли гап қилманг бу ерда!

Умаржон яна столни шапатилаб уриб, уларни тинчитгач, вакил хотинлар томонидан “портлатилаётган бомбалар”га парво қилмай, тушунтириш оҳангида давом этди:

– “Никоҳ” билан “маҳр”ни тушуниб олгандек бўлдик. Энди асосийси – “талоқ” ва “уч талоқ” хусусида Қуръони каримда етарли тушунчалар берилган. Ҳозир муқаддас китобимиз ўзбек тилига ҳам таржима қилинган, ғайрат қилиб ўқиб чиқсанглар, нур аланнур бўлар эди. Айниқса, Бақара сурасида келувчи мазкур масъалага доир оятларни қайта-қайта ўқиб, мағзини чақиш керак. Унда дейилади-

ки, талоқи шаръий бир талоқ қилингандан кейин иккинчи талоқ қилмоқдир. Уччаласини бирданига жам қилиш эмас. Биринчи талоқдан кейин эр ружу қилиб, қайтадан хотин қиладими ёки хоҳласа, яхшилик билан қўйиб юборадими, ихтиёр ўзида. Биринчи талоқдан кейин икки томон муро-сага келса, янада яхши, никоҳланиб яшайверишади. Лекин мураса бузилса, табиийки, иккинчи талоқ ўртага тушади. Яна ажрашишади. Кейин ўйлаб-ўйлаб, яна ярашишади. Орадан фурсат ўтиб, яна ажрашишни ихтиёр этишса, бу учинчи талоқ аталадики, эндиги ҳукм муҳтарам хожи ака-миз айтганларидек бўлади. Энди эр хотинни осонлик билан қайтариб ололмайди. “Уч талоқ”нинг маъноси шундан иборат. Билишимча, куёв укамиз тилдагина “уч талоқ” деганлар. Амалда уч талоқ жараёни юз бермаган...

– Нима, энди хотинини қўёлмайди, демоқчимисиз? “Айтилган сўз – отилган ўқ!” деган мақолни билмайсизми? Тилидан “уч талоқ” деган сўз чиқдими, тамом, қўяди шу хотинни! – деди гап талашаётган хотинлардан бири.

– Ҳа, “уч талоқ” дейилган... – деб уни қувватлади чўққисоқол.

Ажрашиш маросими узил-кесил ҳал бўлгандай туюлиб, келин томон бир оз саросимада “бу ҳукмга рози бўлманг”, дегандай вакилга илтижо билан қарашди.

Хотин билан чўққисоқолнинг гапларидан вакилнинг кўнгли оғриди. “Боятдан бери мен тош деворга қараб гапирётган эканман-да”, деган хаёлда ғижиниб, суҳбатни шарт узишни ҳам ўйлади. Лекин Ҳашр сурасидаги “Биз агар бу Қуръонни тоққа нозил қилганимизда эди, тоғнинг Аллоҳ таолодан қўрққанидан пора-пора бўлиб парчаланиб кетишини кўрар эдинг”, деган оятини эслаб “астаффируллоҳ, буларнинг қалблари тошдан ҳам қаттиқми?” деб қўйиб, суҳбатни давом эттиришга аҳд қилди:

– Ҳожи ака, бу опаларимиз ҳидоятдан узоқроққа ўхшайдилар. Сиз наҳот ҳозирги гапларимизни англамадингиз? Бу мисол камлик қилса, уйга борганингизда Каломуллоҳни

қўлга олиб, Нисо, Аҳзоб, Мужодада ва ниҳоят Талоқ сураларини ўрганиб чиқинг, камлик қилса, шарафли ҳадислардан ўрганинг. Маҳалла ишларида фаол бўлганингиз учун айтяпман буни, бир оила тақдирини ҳал қилишда буларни билиш шарт.

Вакил кейинги гапларини кескин оҳангда гапирди. Чўққисоқол ниманидир ўйлаб ўтиргандай, нигоҳини бир нуқтадан узмасдан, жим ўтираверди. Вакил у томондан яна норозилик кутган, шунга яраша жавоб ҳам ҳозирлаб қўйган эди. Бироқ, хужум яна куёв томондан бўлди. Боятдан бери сапчиб-сапчиб кетаётган хотин яна шарт ўрнидан турди:

– Билиб қўйинглар, мен сизларнинг насиҳатларингизга муҳтож эмасман. Биз аҳдимизни ўзгартирмаймиз. Агар ўғлим лапашанглик қилса, гапимни эшитиб олинглар: агар шу хотинни ўғлим қўймаса, мана мен қўйдим!

Умаржон “эй хотин, сен соғмисан, жиннимисан!” деб бақиришни итсади-ю, лекин тилини тийиб, “ўзингиз тинчитинг буни” дегандай вакилга боқди. Вакил бу гапдан ғазабланиш ўрнига жилмайиб қўйди:

– Опажон, ўйлаб гапиряпсизми, бунақаси бўлмайди.

– Нега бўлмас экан?! “Она рози – Худо рози!” мени рози қилмаса, мен уни оқ қиламан. Динда шунақа дейилган.

– Опажон, сиз янглишяпсиз. Ота-она ризолигининг Аллоҳ ризолигига тенглаштирилиши тўғри. Лекин, розилик қайси масъалада бўляпти, шунга эътибор қилиш шарт. Ҳазрати Ҳасан Басрий талоққа доир масъалада, яъни оилани сақлаб қолишда ота-онанинг ортиқча талабларига итоат этиш мажбурий эмас, деб ҳисоблаганлар.

– Менга Ҳасан акангизнинг гапини рўпара қилманг.

– Опажон, сал ўзингизни босинг, бу ерда тўққиз ой қорнингизда кўтариб юрган, икки йил эмизган, тунлари ухламай парвариш қилган фарзандингизнинг тақдирини ҳал қилиняпти.

Бу гап таъсир қилиб, аёл жойига ўтиргач, вакил давом этди:

– Эр-хотиннинг ажраши биргина оилага хос масала эмас. Оиланинг бузилишига жамият бепарқ қараб туролмайди. Ҳар томондан оилани сақлаб қолишга уринишлар бўлади. Ҳозирги йиғинимиз шу фикрга далил. Шу ўринда эр-хотиннинг жанжалидан ўзларини олиб қочувчи биродарларимиз катта хатога йўл қўяётганларини эслатиб ўтиш жоиз. Ҳозирги издиҳомимизга ўхшаган хайрли йиғинлар кўп маҳаллаларда кўп-кўп марта бўлиб туради. Аллоҳ таборак ва таоло яраштиришга доир кўрсатмани ҳам берган: «Агар эр-хотиннинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангизлар, эрнинг уруғ-аймоғидан бир ҳакам, хотиннинг уруғ-аймоғидан бир ҳакам чақирингиз, – деб буюради Нисо сурасида. – Агар улар ислоҳ қилишни истасалар, Аллоҳ эр-хотин орасига иттифоқликни солур. Албатта, Аллоҳ Билгувчи ва Хабардор Зотдир». Бу ояти каримада гап ҳам эр, ҳам хотин томонидан келишмовчилик чиққан пайтида кўриладиган чора ҳақида кетяпти. Шундай ҳолат юзага келдики, энди оиланинг сирини ташқарига чиқармасдан ҳал этишнинг иложи йўқ. Энди бошқаларнинг аралашуви билан оилани сақлаб қолиш чоралари кўрилиши шарт. Эр ўзи рози бўлган қариндошларидан, хотин ҳам ўзи рози бўлган қариндошларидан ҳакам тайин этади. Агар оила ҳали ёш бўлса, бу вазифани ота-оналар бажаришади. Муфассирлар бу ўринда «ўзи рози бўлган» деб алоҳида таъкид этишади. Бунга сабаб, улар тайин этган ҳакамлар даъволарни эшитиб, шунчаки насиҳат қилиб қўйиш билан чекланишмайди. Улар ҳукм ҳам чиқарадилар ва эр ҳам, хотин ҳам уларнинг ҳукмига рози бўлишлари керак. Ҳакамлар танланганида ақллари, илмлари, турмушнинг пасту бандидан ўтиб келган тажрибалари инобатга олинади. Энг муҳими, ҳар икки томоннинг ҳаками Аллоҳдан қўрққан ҳолда адолатли ҳукм чиқаришга ҳаракат қилишлари керак бўлади. Агар ўртада тақво бўлмаса, икки томон ўзи томонга оғиб кетаверса, унда адолат қарор топа олмайди. Бу ўринда тақво адолатни юзага чиқарувчи муҳим омилдир.

Ҳакамларнинг асосий вазифаси эру хотин орасини ислоҳ қилишдир. Шунинг учун ҳам ояти каримада «агар улар ислоҳ қилишни истасалар», деб уларга ислоҳчилик нисбати бериляпти. Айрим уламолар «Ҳакамларга фақат яраштириш – ислоҳ ҳуқуқи берилган», дейдилар. Яна айримлари «Ислоҳ қилишнинг иложи йўқлигига амин бўлишса, эру хотинни ажратиб қўйсалар ҳам ҳақлари бор, шунингдек, улар тегишли жазо чораларини, молу мулкка оид масалаларни ҳам ҳал қилишади», дейдилар. Албатта, ҳакамлар ўзларининг инсоний чекланган илмлари ва имкониятлари доирасида ҳукм чиқарадилар. Ҳакамликка номзод мўлжаллаганда булар ҳам эътиборга олинмоғи шарт. Эр ёки хотин томон ҳакамликка қариндошларидан бирларини танлашгач, унга ажралишга сабаб бўлаётган ходиса ёки гапни баён қила бошлайдилар. Шубҳасизки, мағзава қарши томонга ағдарилади. Ҳакамларни қийин аҳволга солиб қўядиган ҳолат ҳам айнан шунда. Ҳакам донишманд бўлса, айтилганларнинг мағзини чақиб кўради, мантиқ тарозисига солиб чамалайди. Аравани қуруқ олиб қочадиганлардан бўлса, қарши томонни айблашдан бўшамайди. Баъзан бири-бирига мутлақо зид равишда фикрлайдиган ҳакамлар учрашиб қоладиларки, ярашишга умид қилиб ўтирган эр-хотин оқибатда тамоман тесқари бўлиб кетадилар. Камина шунга ўхшаган воқеаларга кўп дуч келганман. Ҳар икки томон ҳакамларининг гўё сув билан олов каби олишганларига гувоҳ бўлганман. Эр-хотин четда қолиб улар ўзаро даҳанаки жангни бошлаб юборишади. Бу жангда ҳеч ким голиб келмайди, оила барбод бўлади холос. Демокчиманки, – вакил аёлларга маънодор қаради: – ҳакамликка гапга чечанларни эмас, сермулоҳаза, доно одамларни танлаш керак. Шу хусусда ўзим гувоҳ бўлганим яна бир воқеа: эр хотинини бузуқликда айблаб ажрашмоқчи. Исломда шунчаки бировнинг гапи ёки гумон билан ўз аёлини бундай айблаш мумкин эмас. Гувоҳлар билан зино устида ушла-сагина даъвоси ўринли бўлади. Ажрашмоқчи бўлаётган эр

айблаиди, хотини бу айбни рад этиб, қасам ичади, айни чоқда эрини тухматда айблаиди. Ҳакамлар иштирокидаги мунозара узоқ давом этади. Шунда маҳалланинг доно оқсоқоли ҳисобланган ҳакамлардан бири эрни ташқарига имлаб чақиради-да, нимадир дейди. Эр ташқарида бир оз ўйланиб тургач, изига қайтиб, хотини билан ярашажани маълум қилади. Бу ҳол кўпчиликни ажаблантиради, оқсоқолдан «Йигитга нима девдингиз?» деб қизиқишади. Аммо оқсоқол орадаги сирни очмайди. Орадан кўп йиллар ўтди, оила тинч-тотув яшади, фарзандлар кўрди. Тўйлар қилишди. Ажрашмоқчи бўлган ўша эр автомобил ҳалокатида жон бергандан кейин, бир куни отахон менга сирни очдилар. Эрни фикрдан қайтарган гап бундай экан: «Ўғлим, бу хотинни қўйсанг, энди барибир сенга бокира қиз тегмайди. Битта ёки иккита эрдан чиққан хотинга уйлана сан. Эҳтимол, сен уйланадиган хотин эридан чиққанидан кейин чакки юриб, яна қанча эркакларни кўргандир. Сен «хотиним битта одам билан юради», деб гумон қиляпсан. Гумонинг тўғри чиққанда ҳам шу хотининг кейин келадиганидан покизароқ бўлиб чиқади-ку? Ундан кўра гумонни бошингдан чиқариб ташла. Хотинингнинг чин сўзига ишон. Худо ҳам шунга буюради». Отахоннинг донолиги шундаки, бу гапни кўпчиликнинг орасида айтганида эр қулоқ солмаган бўларди. Аксинча «Ҳали қараб турасиз, онаси ўпмаган қизга уйланаман!» деб кўкрагига урган бўларди. Гаплардан хулоса шуки, исботсиз гумон тухматга яқиндир, тухмат эса гуноҳдир. Шунини ёддан чиқармаслик керак. Яна бир хулоса шуки, бир-бирини билиш – бир-бири ҳақида ҳамма нарса ни билиш эмас. Бу бир-бирига нисбатан ишончли ва ёқимли муносабатда бўлиш, бир-бирига ишониш демакдир. Одам бошқа шахснинг руҳий оламига бостириб киришга уринмаслиги керак. Аёл билан танишиш учун бир неча дақиқа етарли, уни яхши билиш учун эса йиллар керак. Айрим «доно»ларнинг фикрича, аёлни тўлиқ билиш учун у билан ажралиш керак экан. Албатта, биз бу фикрни ҳазил маъно-

сида қабул қиламиз. Лекин, айрим эр-хотинлар ажралишиб кетишганларидан сўнг, айниқса бошқа оила қурганларидан кейин бир-бирларининг қадрларига ета бошлайдилар. Аксарият яхши эрнинг қадрига етмаган хотинга Аллоҳ янада золимроқ эрни, солиҳа аёлнинг қадрига етмаган эрга эса куйдиргувчи хотинни рўпара қилиб қўяди. Чунки эр ёки хотин шайтон васвасасига кириб, Раҳмон йўлини унутганлари учун шундай жазони олишлари тайин. Аллоҳ буюрадики: «Эй иймон келтирганлар! Улар, яъни хотинларингиз билан тотув турмуш кечиринглар. Агар уларни ёмон кўрсаларингиз билиб қўйингки, балким, сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ сизлар учун кўпгина яхшилик пайдо қилар». Аллоҳ иймон келтирганлар, деб мурожаат этипти. Демак, иймон келтирдингми, энди иймон шартларидан бири бўлмиш оиланг ҳаққига риоя қил, тотув яша. Бўлар-бўлмасга жанжал чиқарма. Хотинни янгилашга ёки бошқа эрга тегишга ошиқма. Оилани қайта-қайта бузиш иймонсизларга хосдир.

Диний идора вакили сукут сақлаб, “гапларим таъсир қилдимиз экан, тош қалблари салгина бўлса-да, юмшадимиз экан”, деган фикрда ўтирганларга бир-бир қараб чиқди. Йиғилганлардан садо чиқмагач, ёшларга ҳаловатли оила саодатини тилаб дуо қилди. Ажралиш масаласини узил-кесил ҳал қилиш мақсадида чиққанлар хайрли дуодан сўнг тарвузлари қўлтиғидан тушгандек хафсаласизлик билан ўринларидан туриб, хайрлашмаёқ чиқиб кетдилар. Келин томон эса Умаржонга ҳам умид, ҳам “бу ёғи энди нима бўлади?” деган савол назарида қарашди.

– Яна озгина сабр қилинглар, – Умаржон шундай деб вакилга юзланди: – Гапим тўғрими, домлажон?

Вакил тасдиқ ишорасида бош ирғаб, уни қувватлади:

– Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло: “Эй Одам фарзанди, сабрли бўл, ва ўзингни паст тут. Ўзим сени олий даражага кўтараман” деб марҳамат қилади. Яна Бақара сурасида таъкид этадики: Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф этмайди”.

Вакил бу сўзлардан кейин келинни дуо қилгач, ҳамма тарқалди. Котиба қоғозларини тартибга келтириш билан банд бўлди. Умаржон ташқарига чиқиб, вакилни кузатгач, орқа томондан кимдир салом берди. Ўгирилиб, таниш одамни кўрди-ю, энсаси қотди. Ҳозирги гаплардан кейин бу одамни кўришга ҳеч тоқати йўқ эди. Шу боис саломига истамайгина алик олди.

– Мени танидингизми?

– Танимадим.

– Дарров унутдингизми? Ўтган ҳафта шу идорангизда менга ярим соат насиҳат қилувдингиз-ку?

– Яхши одамлар унутилмайди, ёмонларни эсдан чиқариб, мияни тозалаб туриш керак.

– Сизнинг назарингизда хотин қўйганларнинг ҳаммаси ёмонми?

– Гап кимни, қандай қўйишда. Болаларни тирик етим қилганларнинг ҳаммаси ёмон. Менинг аксиомам мана шу.

– Ўтган ҳафта “хотиним менинг минталитетимга тўғри келмайди”, деганимда “минталитетинг нимаси?” девдингиз. “Аксиомангиз нима” десам бўладими?

– Бўлади. Болаларини тирик етим қилган нодон оталарнинг ёмонлиги исботга муҳтож эмас, демоқчиман. Яхши эсимга солдинг, ўтган ҳафта бир гапни айтмабман, энди айттай: сен тўрт йил Воронеж деган шаҳарда ишлаб келиб, икки ўғлингнинг онасини “минталитетимга тўғри келмайди” деб катта кетдинг-а? Агар Москвада бирон университетда дарс бериб келганимда ё бирон қурилиш идорасида муҳандис бўлганимда, индамас эдим. Билиминг бўлмаса, хунаринг бўлмаса, бир овлоқдаги фермада молнинг тезагини тозалаб юриб, минталитетинг ошиб кетдими?

– Аввало тўрт эмас, беш йил ишладим. Иккинчидан...

– Бўлди, гапни кўпайтирма, менда ишинг борми?

– Бор! Сиз мақтаган, сиз ёнини олган хотин қип-қизил ўғри экан.

– Ўғри деб сени айтса бўлади, сен ёш хотиннинг беш йиллик умрини ўғирлагансан.

– Энди ўзингиз гапни бошқа ёққа бурмай, гапимни эшитинг: мен қайнотамникига ҳақимни талаб қилиб келувдим. Итни қувгандай қилиб қувишди. Чорсуда мени милиса тўхтатди. Шумтака қайничам машинамининг орқасига эски супурги билан тешик челак боғлаб қўйган экан. Бу нима дегани, биласизми?

– Билмайман.

– Улар мени хорлашмоқчи.

– Сени булар хор қилишмаган, ўзинг ўша Воронежингда хор бўлгансан.

– Кеча буларингиз хотинимнинг нарсаларини олиб кетиш баҳонасида уйимга келиб, келинсаломда адам қўйган гиламни ҳам “шумо” қилиб кетишибди.

– Аданг келинсаломда қўйган бўлса, демак, гилам хотинингники. Совға қайтариб олинмайди.

– Хўп, унда янги костюмим-чи? Масковда тўрт юз долларга сотиб олган эдим. Икки мартагина кийганман. “Костюмни бу ёққа чўзларинг”, десам, анави эгов қайнонам “сизга куёв сарпода бунданам зўр костюм қилганмиз, буни ўшанинг ўрнига олдик”, деб вайсади.

– Битта гилам билан билан битта костюмнинг ўзими?

– Бу камми?

– Икита ўғлингизни ташлаб кетишибдимми?

Бу саволдан ажабланган одам дарров жавоб бера олмади. Кейин “Нега ташлаб кетишаркан?” деб ғўдиранди.

– Икита матоҳдан ажраб югуриб келибсан. Икита ўғилдан ажраганинг билан ишинг йўқ, а? Мен сени оддий аҳмоқ деб ўйлаган эдим, олий даражадаги аҳмоқ экансан.

– Ҳақорат қилманг.

– Менга қара, “минталитет”, тўғрисида айтавер, Воронежда хотининг бор, а?

– Бор бўлса, сизга нима?

– Боланг ҳам бордир?

– Ишингиз бўлмасин, сиздан ош-нон сўраётганим йўқ.

– Эртами индин ўша ёққа жўнаб қолсанг керак. Сенга маслаҳатим: энди қайтиб келма, ўлсанг ҳам ўша ёққа кў-

мишсин. Мабодо келсанг ҳам, бу маҳаллага қадам босма, суратингни чапани йигитларимга бериб қўяман. Қадам босишинг билан анави ёнғоқнинг энг баланд шохига оёғингдан осиб қўйишади.

“Минталитет” ғўдираниб сўкинди-ю, шарт ўгирилиб жўнаб қолди. Бу онда Умаржон бир вақтлар отасидан эшитиб юрган сўкишларнинг аллақанчасини айтиб ташлашни истади. Аммо зиёлилик фазилати бунга йўл қўймади.

Уйига руҳи эзилган ҳолда қайтди. Хотинининг хиёл чимирилиб қарашига жавоб бергиси келмади. Холида кун бўйи йиғиб келаётган норозилик ўқларидан озгинасини бўлса-да отмаса, ёрилиб кетиши мумкин эди. Шу сабабли эрининг юзидаги чарчоқ булути соясини илғаса-да, ўзини тутиб туролмади:

– Ҳа, эсон-омон ажратиб келдингизми?

– Хоним, мен лазерчи физикман, менинг вазифам ажратиш эмас, балки нурларни жамлаш.

– Жамловчи физикни бузилмай жамланган оилада меҳмон қилишдими?

– Меҳмон қилишмоқчи эди, лекин жамловчи физик хотини тилидаги захардан баҳраманд бўлмагунча иштаҳаси очилмайди, деб келавердим. Агар иштаҳа очиш маросимини тугатган бўлсангиз, хоним, ош совуб қолган бўлса ҳам олиб келаверинг.

– Ўғлингиз келганини билувдингизми? “Қани?” деб сўрамайсиз ҳам.

– Ўғлимми... меҳмон билан ошни еган, уни уйда қолишга таклиф қилган, у эса унамаган, хориждаги беш юлдузли меҳмонхоналарда тунашга ўрганганлар бунақа уйда бир соат ҳам тура олишмайди. Демак, менинг одобли ўғлим калондимоғ меҳмонини меҳмонхонага узатиб кетган. Хиёбонни айланиб, суҳбат қуришлари ҳам эҳтимоллик назариясида кўрилади. Ошни еб тугатгунимча ўғлимнинг етиб келиши эса аксиома!

Эрталаб Холида дастурхонни ҳафсала билан тузган бўлса-да, меҳмоннинг келишини кутиб, нонуштани бошлашмади. Умаржон устози билан саломлашиб, унинг елкаларини, қўлларини силагач, аравачасига ўтқазиб, меҳмонхонага олиб чиқди-да, дастурхон атрофига ўтирмай, оромкурсидан жой олиб, эрталабки севимли машғулотини бошлади. Ширгуруч солинган косани кўтариб кирган Холида кроссворд ечишни бошлаган эрига норози қиёфада қараб қўйди-ю, енгил хўрсиниш билан норозилигини ифода қилди. Ҳовлида меҳмонни бошлаб кирган ўғли кўринган заҳоти эрига яқинлашиб, қўлидаги қалам билан газетани тортиб олди.

– Туринг, кутиб олинг.

Умаржон одобли бола каби ўрnidан туриб унинг амрини бажарди.

– Хўжа афандим, сизга биздаги илм аҳлининг кўп-кўп саломлари бордир, – деди Озодий у билан кўришгач.

– Саломат бўлишсин. Икки ойдан кейин улар билан симпозиумда учрашсам керак. Маърузамнинг тезисларини юборганман.

– Бундан хабардорман. Лазернинг янги авлоди хусусидаги таклифларингиз аҳамиятли.

– Билишимча, доктор Мюллер симпозиумда қатнашмас экан, ростми?

– Шунақага ўхшайди.

– Қуёш нуридан космос шароитида лазер олиш устидаги илмий ишлар ҳарбий сирга айлангани учунми?

– Шундайлиги эҳтимолдан ҳоли эмасдир. Нединким, космос шароитинда олинмиш лазер қудратли қуролга айланажаги сир эмасдир... коинот кемаларин сарёғ каби кесиб, эритиб юбормоғи ҳам ҳақиқатдир.

– Ҳа... ҳар қандай кашфиёт ҳарбийлар хизматига ўтса, даҳшатли қуролга айланади, – деди Умаржон афсус билан.

– Бошқа мамлакатларда ҳам бу иш маҳфийлик йўлига қўйилмоқни бошламишдир. Сизларда-чи?

– Биздами? – Умаржон истехзо билан кулимсиради. – Биз коинотдаги кемаларни эритиб юбормоқчи эмасмиз. Лазер одамларга хизмат қилиши лозим. Қириши керак эмас.

– Фикрингизга мутлақ қўшилурман. Аммо ҳар бир илмий кашфиётнинг икки хизмати мавжуд, буни инкор этиб бўлмас. Мингларча йиллардан буён бу ҳақиқат кишилиқ қалбини поралаб келажақдир. Қадим юнон донишманди Софоклнинг “Инсон учун хизмат қилмаган тафаккур ниҳоятда даҳшатлидир”, дейилмиш ҳикмати ҳали хануз эскиргани йўқ, чамамда.

– Хиросима билан Нагасакида атом бомбаси портлагандан кейин дунё физикларининг нақадар ташвишга тушганликларини унутмаслик керак. Лазер тарихида бу фожиа такрорланмаса яхши бўларди. Симпозиумда мен шу масалани кун тартибига қўймоқчиман.

Ҳовли ўртасида бошланган бу суҳбат Холидага ёқмади. Бир оз кутгач, сабри чидамай, айвонга чиқди:

– Адаси, чой совумасин, – деб уларнинг суҳбатини узди.

Нонуштадан сўнг ҳамшира келгач, Жаҳонгир устозни нариги хонага олиб чиқди. Озодий унинг изидан қараб олди-да, мамнун чехрада Умаржонга юзланди:

– Муҳтарам хўжа афандим, сиза шуни қувонч ила маълум этурманким, ўғлингиз доктор Жаҳонгирнинг илмий маърузалари университетимиз аҳлинда кўп олқишлар олди ва қизиқишлар уйғотди. Таассуф шулким, доктор Жаҳонгир университетимизга келиб хизмат қилмоқ таклифини рад этдилар. Ҳолбуки, доктор Жаҳонгирни университетта таклиф этмоқдан мурод аввал бошдан шул эди.

– Доктор Жаҳонгир... – Умаржон шундай деб жимиб қолди. Меҳмоннинг гаплари ёқмаганини яшириб ўтирмай, сўради: – Нима учун унга қизиқиб қолдинглар?

– Университетимизга доктор Жаҳонгир сингари иқтидорли ёшлар керак.

- Шунақами? Иқтидорли ёшлар ўзимизга ҳам керак.
- Лекин... илмий изланишлар учун шарт-шароит...
- Сиз айтаётган шарт-шароит ўзимизда ҳам мавжуд.

Бунга ҳали ўзингиз гувоҳ бўларсиз. Сизлар нозик томондан илиб олишни яхши кўрасизлар. Чиройли қизни ясашиб, кўз-кўз қилгандай шарт-шароитни дастак қилиб оласизлар. Илмий қарашларимизда яқинлик бўлиши мумкин, лекин бу борада мен билан сизнинг дунёқарашларимиз зид ва мурасага мутлақо ўрин йўқ.

– Етти йил муқаддам Гарвард университети таклифни рад этганингиз хусусинда эшитганимиз бор. Демак, бу борада доктор Жаҳонгирни ҳақиқий ота ўғил демоқлик жоиздур?

– Шундай бўлса, Худога шукр қиламан. Ўғлим илмда қаддини тиклади. Биринчи галда туз ҳақини адо этиши шарт.

– Сизнинг ҳузурингиздами?

– Туз ҳақи фақат ота-онага хизмат қилишни англатмайди. Унинг бундан юксакроқ тушунчаси бор. Ҳар бир инсон Ватан олдидаги туз ҳақини оқламоғи шарт... Хафа бўлманг-у... сиз буни тўла англамасиз, деган ўйдаман.

– Нима учун?

– Жаҳонгир менга қўнғироқ қилганда сизни сиртдан таништириб, “ватандошимиз” деди. Бу мен учун ажаблаларли ҳол. Уч ёшида бобонгизга қўшилиб ватандан чиқиб кетган отангиз менга ватандош бўлиши мумкин. Сиз Олмонияда туғилдингиз, ўша ернинг нонини еб улғайдингиз, ўқидингиз, қолаверса, ўша мамлакатнинг гражданисиз, унга хизмат қиляпсиз, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Сизнинг фарзандларингиз тақдири ҳам шу. Ҳорижда яшайдиган бир ватандошимизга отаси жон бераётганида “ўғлим, мен сенга бойлик қолдираётганим йўқ, Ватан соғинчини мерос қилиб қолдирыпман”, деган экан. Отангизнинг умри узоқ бўлсин, лекин у шундай дея оладими? Борми сизда шу соғинч?

– Хўжа афандим, сиз бу масъалада бир оз хатога йўл қўймишсиз. Нединким, бизларнинг қалбимиз тубиндаги хасратдан беҳабардирсиз. Ватан соғинчи бизим қалбимиза она қони ва они сути ила кирмишдир.

– Адашаётган бўлсам узрлиман. Ўтмиш жамият даврида Ватанни соғиниб яшаётганинлар ҳақида гап-сўзларни эшитиб турардик. Сизларга ҳамдарад эдик. Чунки биз Ватанда яшаётган ватангадо эдик. Тушуняпсизми? Озод Ватаннинг гадоси эдик. Бу ҳам оғир дард.

– Хўжа афандим, сиз улуғ эътиборли алломасиз, каминан сизин ҳузуринизда бир жўжуқ кабидурман. Бу хусусда икки ўзбакнинг баҳслашуви муддаодин наридир, деб фикр қиляпман. Сизин бунда, бизим унда ҳижрон дарди ила қалб азобини тортмоғимиза на сиз, на биз айблимиз.

– Яхши гапирдингиз. Фақат “Ватан, Ватан!” дегувчи одам Ватанга хизмат қилишни ўрганиши керак. Советлар замони михлаб ташлаган эшиклар очилгач, соғинганлар келдилар. Қариндош-уруғлари билан топишдилар. Кўз ёшларини тўқдилар. Бирлари тиш доктори экан. Биздаги аҳволни кўриб, “тиш шифохоналари алмисокдан қолган анжомлар билан иш юритар экан, биз Америка ва Олмонининг энг сўнгги анжомлари билан даволаймиз”, деди. Мен: “Ўша анжомларингиздан олиб келиб, Ватанингизда шифохона очмайсизми?” десам, “Иложи йўқ, сизда жуда оз ҳақ тўланар экан”, дейди. Тушуняпсизми?

– Англадим, хўжа афандим, аммо дунёқараш бобинда барча баробар эмасдир. Барчага бир ўлчамда тўн бичмоқ ҳам дуруст ўлмас.

Кўча эшиги қўнғироғи чалиниб, уларнинг қизий бошлаган баҳси узилди. Ташқарига чиқиб келган Холида эрига ажабланиб қараганича: “Участковойингиз келибди, милисахонага тез боришингиз керак экан”, деди.

– Нимагалигини айтмадимми? – деди Умаржон туриб.

– Айтадиган одамми ўша?

Умаржон Озодий билан хайрлашиб, ташқарига чиқди. Халқда “участковой” деган ном олган профилак-

тика инспектори унинг “тинчликми?” деган саволига елка қисиб, “хўжайин чақиряптилар”, деган қисқа жавоб билан чекланди.

Туман милицияси бошлиғи, ҳали қирқни қораламаган майор ёши эликдан ошган, дунё танийдиган олимни очикчасига менсимай қаршилади. У жиноятга доир қонунларни ақли етганича биларди, мўлжалга аниқ уролмаса ҳам, тўппонча тепкисини боса оларди, лекин физика илми нима-ю, лазер нури нима, тушунчаси йўқ эди. Шунга кўра, унинг ҳузурида олим одамнинг мартабаси йўқ даражада эди. У алҳол олимни эмас, ўзидан паст даражада ҳисобланмиш бир маҳалла раисини қаршилаган эди. Лутф ҳам шунга яраша бўлди. Ҳарҳолда озгина одоби бор экан, пешвоз чиқмаса-да, ўрнидан туриб кўришди.

– Ҳа, оқсоқол ака, маҳаллада нега шов-шув қилиб юрибсиз? – деб ўрнига ўтирди.

– Маҳаллада қанақа шов-шув бўлибди, эшитмадим, – деди Умаржон унинг рўпарасидан жой олиб.

– Маҳаллани обод қилмоқчи бўлган одамни эксковаторга осиб қўйганмишсизлар?

– Буни ҳам эшитмадим.

– Мен эсам ўз қулоғим билан, сизнинг оғзингиздан эшитдим. Ҳокимга қўнғироқ қилганингизда мен ўша ерда эдим.

– Ҳа, уми... – Умаржон кулимсираб қўйди. – Менга шунақа хабар келувди, суриштирмай айтворибман. Бу бир одамнинг қуруқ пўписаси экан.

– Бунақа пўписалар учун ҳам қонун олдида жавоб беришга тўғри келади. Сиз эса бунақа жиноятнинг олдини олиш ўрнига рағбатлантиргансиз. Маҳалла аҳолисини қўзғотгансиз. Қонунга кўра, рухсатсиз равишда митинглар қилиш ҳам жиноят ҳисобланади.

Умаржон унинг мақсадини фаҳмлаб ғашланди, қошларини чимирди. Унинг олдида паст келишни истамади:

– Қанақа митинг? Бир одам чала қурилган боғчани бузмоқчи бўлган. Атроф қўшнилар томоша қилгани чиқишган. Текин томоша кимга ёқмайди.

– Сиз айтган томошатаалаблар бир одамга тахдид қилишган.

– Ўртоқ майор, сиз пеш қилаётган қонунларни бошқалар ҳам билишади. Исботсиз даъво тухматга киради ва бу ҳам жинойт ҳисобланади.

– Исбот дедингизми? Исбот бор. Гувоҳларнинг кўрсатмалари бор. Вақти келганда таништирамиз, – у шундай деб стол устидаги папкани кўтариб қўйди. “Жинойт иши” деб ёзилган папкада Умаржон ўзининг номини ўқиб, бу учрашувга жиддий тайёргарлик кўрилганини англади. Кўрсатма берган гувоҳнинг ким эканлигини ҳам тахмин қилди. Лекин сир бой бермади. Майорга истехзо билан қараб кулимсиради:

– Ўртоқ майор, ўзингизни қийнаманг, бу ишнинг хомлигини ўзингиз ҳам билиб турибсиз. Мақсад нималигини айта қолинг. Тўйхона қурилишига қаршилиқ қилмасак басми? Ё оқсоқолликни топширайми? Топширишга тайёрман. Лекин биринчи шартни бажариш менинг қўлимдан келмайди. Маҳалла аҳолиси нима деса, шу бўлади.

Майор фош бўлганидан ғашланса-да, очик мақсадга ўтишдан бўйин товлади. Чунки бу хусусда музокара юриштишга унинг ваколоти йўқ эди. Унинг вазифаси Умаржонни бир оз сиқувга олиш, қолган гап ҳокимиятда ҳал бўлиши керак. Майор папкани столи тортмасига солиб, Умаржонга тикилди:

– Бу ер бозор эмас, мен қонунбузарликка қарши курашаман, даллол эмасман, – шундай деб Умаржонга бир варақ тоза қоғоз узатди: – ёзинг.

– Нимани?

– Берухсат шаҳардан чиқмаслик ҳақидаги тилхат.

– Ёзмайман.

– Нега ёзмас экансиз?

– Шунинг учунки, менинг асосий ишхонам шаҳар ташқарисида – Паркентда жойлашган. Ҳозир хорижий олимлар меҳмон бўлиб келишган, истасам-истамасам шаҳардан чиқишга мажбурман. Бормасам, халқаро жанжал чиқиши мумкин, бунга жавоб бера оласизми? Иккинчидан, ўртоқ майор, сиз аввал жиноят иши очинг, гуноҳимни исботланг, суд қарорингизни маъқулласин. Ана ундан кейин хоҳласангиз, уч-тўрт кунга қаманг, марҳамат қилсангиз, эҳтиёт чорасини ўзгартиринг, ана ўшанда тилхатни ёзиб бераман.

Умаржон шундай дегач, майорнинг жавобини кутмай ўрнидан турди-да, эшик томон юрди. Майор уни тўхта-тишга журъат этмади, аламини қўлидаги қоғоздан олди: ғижимлаб-ғижимлаб унинг изидан отди.

* * *

Умар институтга келиб, хонаси томон йўналганида узун даҳлизнинг у бошида ўзи томон келаётган ўғли билан Озодийни кўриб, тўхтади.

– Танишяпсизми? – деди Умар уларнинг саломига алик олгач.

– Доктор Жаҳонгир ўзлари мансуб ўлмиш илм салтанати ила танишмоқни бошладилар, – деди Озодий кулимсираб.

– “Салтанат” дедингизми? – Умар эшикни очиб, уни ичкарига таклиф қилди, Озодий “аввал ўзлари марҳамат этсинлар”, деган маънода лутф ила енгил таъзим қилгач, остона ҳатлади-да, гапини давом этди: – Чиройли ўхшатиш. Илм даргоҳини салтанат дейиш ўринли. Чунки жамият қудрати айнан шу салтанат қудратига боғлиқ.

Умарнинг хонаси дабдабадан ҳоли: телевизор, ором-курси деган матоҳлар йўқ эди. Умар ортиқча мулозимат кўрсатмай ўз ўрнига ўтирди, меҳмон эса қаршисидаги стулдан жой олди. Жаҳонгир қаҳва тайёрлашга киришди.

– Доктор Жаҳонгир менга дедилар-ки, ўтмиш асрнинг етмишинчи йилларидамикин, физика факультасининг тўрт талабаси оламшумул кашфиёт қилмиш эканлар.

– Қандай кашфиёт экан? – деди Умар ўғлига норози нигоҳда қараб олиб.

– Гелиобатарейалар билан ҳаракатланувчи электромобил синаб кўрилган экан?

– Жаҳонгир яна битта кашфиётни айтмабди: сув билан ҳаракатланувчи авто ҳам синалган.

– Ажиб, қандай экан?

– Оддий. Сув икки ҳисса водород, бир ҳисса кислороддан иборатми? Автотинг махсус двигателида сув парчаланди, водород ёниб, автотинг ҳаракатга келтиради, кислород эса ҳавога чиқарилади.

– Бу ҳам ўша уч талабанинг кашфиёти эдимми?

– Йўқ, бу кимёгарлар билан автомобилчи талабаларнинг иши эди.

– Улуғ ишлар бўлган экан-у, сахрога ёмғир томчилари ёққани каби изсиз кетибди-да, афсус.

– Афсусга ўрин йўқ. Илмда ҳеч нарса изсиз кетмайди. Гелиобатарейалар билан сувда ишловчи двигателнинг ғоят қимматга тушиши кашфиёт йўлига ғов бўлган. Муҳими – исботини топган илмий ғоя бор.

– Талабалар-чи? Ҳафсалалари пир бўлиб, илмдан нари кетмаганларми?

– Илмда “ҳафсаласи пир бўлиш” деган гап бўлмайди. Илмда садоқат, сабр деган фазилат бор.

– Қани ўша тўртлик?

– Жаҳонгир айтмадимми?

Озодий кулимсираб, Умарга ишора қилди:

– Бирлари маълум.

– Иккинчиси билан бугун-эрта танишасиз. Иккинчизимиз ҳозир шу институтнинг директори. Учинчисини кўрмоқ истагингиз бўлса, Бухорога борасиз. Учинчизимиз Ѓиждувон деган жойдаги лицейда физикадан дарс беради.

– Лицейда? Ажиб...

– Нега ажабланияпсиз?

– Иқтидор эгасининг бошкентдин анча йироқда муаллимлик қилмоғи...

– Ота-онасининг ёлғиз фарзанди эди. Университетни битирганда рўпарасида икки дилемма кўринди: илмга содиқликми ё ота-онага хизматми? Иккинчисини танлади. Лекин илмга хиёнат қилмади. Ўша ерда туриб, болаларда физикага муҳаббат уйғотяпти. Ҳар йили унинг ҳеч бўлмаса уч-тўрт ўқувчиси физика факультетига ўқишга киради. Улар орасида Жаҳонгир билан бирга ўқиб, ҳозир бирга ишлаётганлари ҳам бор, ҳали танишасиз.

– Тўртинчиси-чи? Унинг сизларга хиёнат қилгани хусусинда эшитганим бор.

– Зальцбергми? – Умар ўғлига яна норози қиёфада боқди. Энди бу норозилик ниқоби ортида “Буни бекорга айтибсан” деган маъно зоҳир эди. – Зальцбергни бу тўртликка қўшмаса ҳам бўлади. Чунки у илмий изланишга ҳисса қўшмаган. Ҳар турли идораларда танишлари кўп бўлгани учун бизга керакли ашёларни арзонга, ҳатто текинга топиб берарди. Ҳозиргиларнинг тили билан айтганда “мененжер” эди.

– Лекин... узрлиман, хўжа афандим, у боболарининг юртига кетгач, ишларингиз тўхтаб қолган, илмий фаразлар битилмиш ҳужжатлар ҳам йўқолган?

– У кетгач, ишнинг тўхтаб қолиши бир тасодиф. Қоғозларнинг йўқолишига Зальцбергнинг мутлақо алоқаси йўқ. Ҳисоб-китобларимизни ўғирлашга у муҳтож эмасди. Агар “қоғозларни ўғирлаб четга олиб кетиб сотган”, деган фикрга келган бўлсангиз, янглишасиз. Чунки унинг хотираси ўткир эди. Қоғоздаги барча тенгламалар ечимини ёддан биларди. Четга сота олганига ҳам ишончим йўқ. Чунки бундай тадқиқотлар хорижда ҳам олиб бориларди, бизнинг илмий ғоямиз улардан кескин фарқ этмас эди. Демак, хориж олимларини қизиқтириши эҳтимолдан узоқ нарсасиз. Зальцберг Исроилга боргач, физикани ташлаган. Қандайдир тижорати бор. Миллионер бўлгани йўқ, лекин

оч ҳам эмас. Ҳар йили бир келиб... – Умар кулди, – бизга ош қилиб беради. У ердаги халтапаловга қоникмас экан. Сизни қизиқтирган саволга мукамал тарзда жавоб бера олдимми?

– Ҳа... лекин қоғозларнинг йўқолишида бир сир кўрмайсизми?

– Тасодиф бўлиши мумкин. Кимлардир “бу ҳасадгўй дўстларнинг иши, олишгану ёқиб юборишган”, дейишди. Гувоҳ бўлмагандан кейин мавҳум гумон билан яшашнинг фойдаси йўқ. Мен лазерга қизиқиб кетганимдан кейин бу нохуш воқеани унутганман.

Умарбўёлғонни гапираётганда Озодийга қарамасликка уринди. Зальцберг хорижга кетиш ҳаракатида юрганида Давлат хавфсизлиги қўмитаси вакили уни бир неча марта сўроққа чақирган эди. Сўнг эса бу илмий изланишга доир барча дафтари қоғозларни “атрофлича танишмоқ” учун олиб кетган, бу ҳақда лом-мим демаслик хусусида ундан тилхат ёздириб олган эди...

Умар нигоҳини яширишга уринган бўлса ҳам, Озодий ундаги ўзгаришни сезиб узрли оҳангда деди:

– Афсус, хўжа афандим, кераксиз қизиқишим ила, ярангизни янгилабман.

Умар унга ялт этиб қараб, сир бой бермаслик учун кулимсиради:

– “Яра” деганингиз нимаси?! Ҳеч қандай яра йўқ. Фақат ёшлик хотираси бор. Қани, марҳамат, қаҳва совумасин.

– Хўжа афандим, кеча оқшом доктор Жаҳонгир маҳалла хусусинда ҳам ажиб гаплар айтдилар. Гарчи ташрифимдан мақсад чегарасинда маҳалла билан танишмоқ режаси бўлмаса-да, қизиқиб қолдим.

– Қизиқишингиз қонингизда бор-да. Боболарингиз маҳалла-маҳалла бўлиб, ахил жамоа бўлиб яшашган. Сиз яшаётган юртда бунақа афзаллик йўқ. Сиз оқшомга қадар, режангиз бўйича иш юритинг. Оқшомда бирга қайтамиз.

Иш вақти тугагач, улар ҳовлида учрашдилар. Жаҳонгир кўчага чиқиб машина тўхтатмоқчи эди, Умар “автобусда кетаверамиз”, деб қайтарди. Жаҳонгир қайсар отасининг бу қарорига қарши бўлса ҳам, индамай бўйсинди.

Маҳалла идораси гузарнинг тўрида жойлашган, ҳовлига чойхона сўрилари қўйилган эди. Идорага бир юмуш билан келганлар ошхўрлар ўтирган сўриларни оралаб ўтардилар. Бу хотин-халажни анча хомуш қиларди. Умар раисликка сайлангач, сўриларни олдириб ташламоқчи бўлди, лекин кўпни кўрган бир-икки қария “ўзингизга душман орттирманг, яхшиси, кўча томонга ҳашар йўли билан битта идора биноси қурдирамиз”, дейишгач, аҳдидан қайтган эди. Бугун сўрининг иккитаси банд: бирида ҳар доимгидай “хожи ота”лар қарта ўйнаб ўтиришибди. Яна бирида беш-олти йигит ош тадоригини кўряпти.

Умар хожи оталарга қараб салом берди. Уларнинг иккитаси қартадан бош кўтариб, алик олди. Бошқалари ўйиндан узилгилари келмади. Уларнинг ўрнига ошхўр йигитлар саломлашдилар.

– Ҳа, бекорчилар, эрталабдан далада байрамми? – деди Умар ҳазил оҳангида.

– Унақа деманг, Умар ака, кеча йўлдан келдик. Бугун чарчоқбосди қилмасак, жа-а эзилиб кетдик-ку? – деди уларнинг бири.

– Қозоғистоннинг чўлидан ўтиб келишнинг ўзи бўладими? – деди иккинчиси дўстининг сўзларини қувватлаб.

– Ҳазиллашяпман, омадларингни берсин.

Идорага кириб ўтиришгач, Озодий дераза оша ҳовлига қараб сўради:

– Булар нима қиляптилар?

– Буларми?.. Шу ерда палов пишириб ейишади.

– Бу ерда? Нима учун уйда эмас?

– Чойхонанинг палови бошқача бўлади, гашти ҳам.

– Демак... улар ҳар куни бу ердалар? Ажиб! Ёшлар илм олмоқ ўрнига ҳар кун ош ошаласалар? Ҳамма жойда шундайми?

Ёшлар тақдирини ўйлаганда Умарни қийнайдиган дард айнан шу эди. Озодийнинг саволи ўринли бўлса ҳам, “Тўппа-тўғри айтасиз!” дегиси келмай, гапни ҳазил оҳангига буриш билан қутулмоқчи бўлди:

– Аҳолининг ярмини ёшлар десак, ўн беш миллион йигит-қиз ҳозир китоб ўқиш билан банд. Фақат олтитаси шунақа такасалтанг.

Кинояни фаҳмлаган Озодий ўнғайсизланди:

– Мен ножўя саволга ўрин бердимми экан?

– Савол ножўя эмас. Лекин сиз яшайдиган мамлакатда такасалтанг ёшлар йўқми? Ҳамма бараварига вақтини илм олиш билан банд қиладими? Кечаси билан тунги ресторанларда умрини совураётган ёшларингизга ҳеч кўзингиз тушмаганми? Нега бу ерда дам олаётган олти-та йигитга қараб ажабланасиз? Булар катта автоларнинг ҳайдовчилари. Минг-минг чақирим йўл босиб келишиб, бугун-эрта дам олишади. Кейин яна йўлга тушишади. Топганларини тунги ресторанларда совуришмайди. Сизларнинг ҳисобингиз бўйича бир евродан ўртага ташласалар, ҳордиқ чиқаришларига кифоя.

Изоҳ Озодийга кифоя қилиб, бу хусусдаги қизиқишини бас қилди. Умар унга маҳалла ҳақида гапирди. Унинг сўзлари кеча Жаҳонгирдан эшитганларининг қайтариғи бўлди. Шу боис суҳбат узоққа чўзилмади. Умар дўстининг тўйига бориши керак эди, узр сўради. Жаҳонгир “Тўйга ҳам олиб борсакмикин?” деган эди, Умар унамади. “Миллий боққа олиб бориб томоша қилдир”, деб хайрлашди.

Умар бир баҳона билан тўйга бормаслик йўлини қидирарди. Лекин маҳаллага оқсоқол бўлгач, бу ҳунари иш бермай қўйди. Хоҳласа-хоҳламаса, боришга мажбур эди. Айниқса, оқсоқоллигини иззат қилибми, тўйни очиб беришни сўраганларида қийналарди. “Мен физикман, гапга чечан эмасман”, дейиши узр ўрнига ўтмасди. Тўйма-тўй юравериб, аста-секин бу борада гапга чечан ҳам бўлиб олди. Бугунги тўй маҳалладан ташқарида, зиёфатни

очиб бериш масъулияти йўқ эди. Лекин беш йил университетда бирга ўқиган дўстининг тўйида хизмат қилиш ҳам тақдирида бор экан. Тоғасининг суяши туфайли физика факультетига “илиниб” қолган бу дўсти беш йил давомида “илиниб” ўқиди. Мактабда физикадан дарс беришга етарли билим олди. Бир йил муаллимлик қилди ҳам. Кейин тижорат саройининг дарвозалари ланг очилгач, унда ўзига бир “саройча” тиклаб олди. Гарчи дипломига “мутахассислиги физик” деб ёзилган бўлса-да, “тадбиркор” деб эъзозлаша бошлашгач, бу иззат-икромлар булутида роҳатланиб, дунёда физика фани борлиги ёдидан кўтарилди. Лекин сабоқдошларини унутмади. Ўғлини уйлаш муносабати билан уларни яна йўқлаб, дастурхоннинг тўрига ўтқизди. Умар ярим соат, узоғи билан бир соат ўтириб кетарман, деган ўйда эди. Лекин дўсти келиб “курсдошлар номидан ўзинг табриклайсан”, деб ипсиз боғлади.

Сўз берилгач, тўйга йиғилган хотинларнинг чувир-чувирлари остида табригини бошлади:

– Бу қутлуғ тўйга барчамиз яхши тилаклар билан келганмиз. Лекин барча баравар дуо қилгани билан ёшларнинг ўзида бахт саройини қуришга интилиш бўлмаса, бу муқаддас иморат қурилиши чала қолиши мумкин. Дунёда ҳамма нарсанинг формуласи мавжуд. Шунга ўхшаш, ҳаловатли, фариштали, бахтли оиланинг ҳам формуласи бор. Бу оддийгина формула, унга амал қилиш жуда осон, амал қилган ёшларнинг бошига бахт гуллари ёғилади. Бу формуланинг номи – бир гапдан қолиш! Ҳар бир оилادا майда-чуйда гап бўлади. Келишмовчиликлар чиқади. Шу пайтда формула ишга тушса, эр ҳам, хотин ҳам битта гапдан қолса, тамом, барча масалалар осонлик билан ҳал этилади. Табригимнинг охирида, ўзимнинг тажрибамдан келиб чиқиб, куёв боланинг қулоғига битта гап айтаман, Санжар, эшитяпсанми, мен жуда бахтли одамман. Ўттиз йилдан бери кеннайинг бир марта ҳам аразламаган. Бунинг сабаби: кеннайинг битта гапдан қолган пайтда, мен

иккита гапдан қолганман. Учта гапдан қолган пайтларим ҳам бўлган. Бахтли бўлинглар.

Умар кулги ва қарсақлар остида микрофонни тўйбошловчига бериб, ташқарига йўналди. Тўйбошловчи миннатдорчилик билдиргач, унинг гапини давом эттирди:

– Раҳмат, Умар ака, менам худди сиз айтган формулага асосан яшайман. Менам тажрибамга асосланиб, укахонларга маслаҳат бермоқчиман: хотинларни эҳтиром қилиб, ҳамиша елкаларингизда кўтариб юринглар, шунда тез орада сизларни овора қилиб ўтирмай, ўзлари бошингизга чиқиб олишади.

Ташқарига кула-кула чиққан Умарни тўй эгаси, дўсти Шониёз мамнун кутиб олди.

– Маҳаллага оқсоқол бўлганингдан бери анча сўзамол бўлиб қолдинг, кўз тегмасин. Авваллари гапингни физикадан бошлаб, математика билан тугатиб, бошимизни қотириб юборардинг.

– Маҳалла қайта тарбиялади, демоқчимисан? Кўпнинг ичида юргандан кейин шунақа бўлади-да. Тўйнинг жуда чиройли бўляпти. Камтаргина, ширингина. Мен бошқача бўлар, деб очиғи, оёғим тортмай келувдим.

– Катта тўйхонада миллион одам бўлади, девмидинг?

– Сен учун бу ҳам камтарона бўларди.

– Нима демоқчисан?

– Никоҳ тўйини Берлиндаги энг зўр ресторанда ўтқизиб, келинсаломни Париждаги ресторанда, чарларини Италияда, чақирдини Вашингтонда ўтқизишингни кутган эдим, – деди Умар унга айёрона боқиб. – Шунақа қилганингда, баҳонада дунёни кўриб олардик-да.

Ҳазил оҳангидаги бу гап Шониёзга ёқмай, қошларини чимирди:

– Тилинг заҳар сенинг. Мени пул топиб, ақл топмайдиган нодон деб ўйлайсанми? Менга тўйнинг дабдабаси керакмас, боламнинг тўйдан кейинги бахти керак.

– Ҳазиллашдим, ошна. Гапинг тўғри: ҳар қанча кучансанг ҳам, тўйнинг дабдабаси икки-уч кунда учиб кетади. Ёшларнинг бошига қўнадиган бахт қушини сақлаб қолиш қийин.

– Нега чиқиб олдинг, ўтирмайсанми?

– Вазифамни бажардим. Ўйин-кулги ёшларга ярашади. Мен Зухурникига бормоқчи эдим.

– Қайси Зухур?

– Математикада ўқиган Зухурни айтяпман, пахтага чиққанимизда ашула айтиб гуллашиб юборарди-ку, эсингда йўқми?

– Э, ҳа... жингалаксоч болами?

– Ҳа, дуруст, эсингда экан.

– Тўйга олиб келмабсан-да, нега кеч бўлганда бормоқчисан?

– Бола пақирнинг белига шамол текканми, ё умуртқасига туз йиғилганми, билмадим, ҳар ҳолда беланги бўлиб юролмай қолган. Бу ёқда болалари етилиб турибди. Ўғлини уйлантириш ҳаракати бор эди. Қизига совчи келаётганини эшитиб кирсам, “орзу ҳавасим бошқача эди” деб йиғлаб ўтирибди. “Дадил бўлавер, иккала тўйни баравар ўтқизамиз, маҳаллада саҳоватли одамлар бор”, десам, бировдан ёрдам олмайман, деб қайсарлик қилади. Ҳозир бориб, яна гаплашаман.

Умар шундай деб кетишга шайланган эди, Шониёз биллагидан ушлаб тўхтатди:

– Шошмасанг-чи! Шунақа қийналиб қолган экан, маҳалладан саҳоватли одам қидирмай, ўзимга айта қолсанг бўлмасмиди? Бегона эмасман-ку?

– Ҳа, бегона эмассан... Бир одамнинг уйига дўсти қарз сўраб келибди. У одам дўсти сўраган пулни бериб, йиғлай бошлабди. Хотини “ким пул сўраса бераверасизми, энди кетган пулингизга ачинманг”, деса, у одам “Эй нодон хотин, мен пулга ачиниб йиғлаётганим йўқ, бу одам менинг яқин дўстим эди, унинг бу ҳолга тушганини билмай, ғафлатда

қолибман, агар яхши дўст бўлганимда ўртоғимнинг оғир аҳволини билиб, пулни уйига ўзим олиб бориб беришим керак эди. У пул сўраётганида қанчалик қийналганини сен сезмадинг, мен сездим”, деган экан.

– Мени ўшанга ўхшатыпсанми?

– Афсуски, сенам менам ўша одамга ўхшаб дўстимиз учун куйина олмаймиз.

– Унақа дема. Сен бугунча Зухурниқига бормай тур. Эртами-индинми, бирга борайлик. Ўғлининг тўйини мен кўтарай. Ўғлимниқидан битта ушоқ ҳам кам бўлмайди, шу тўйхонада ўтқизамиз. Қизининг сепини ҳам менга юклай-вер. Яхшиликка атаб қўйганларим бор.

– Билмадим... кўнармикин...

– Кўндир... ёшлигимиз хурматини ўртага сол.

* * *

Озодийни олиб келгани кетган Жаҳонгир қўнғироқ қилиб, Паркентга боражакларини билдиргач, уччовлари дастурхон атрофига ўтирдилар. Чойни ичиб бўлган Ҳусниев дафтарчасига нимадир ёзиб, ғўдираган овоз чиқарди. Умар дафтарчани олиб, “Сен ҳақиқат талаб қилиб, катталар билан олишаверма. “Ўйнашмагин арбоб билан” – мана бу ҳақиқат” деган ёзувни ўқигач, бош чайқади.

– Яна шу гапми? Сиз шуни мақол деб бошига ҳақиқат қалпоғини иляпсизми? Йўқ! – Умар шундай деб қўлига қалам олди-да, ёзув устига сўроқ белгисини қўйди. Мақсуд эса бош чайқаб қўйиб, ёнига “аксиома!” деб ёзди. Умар эса ундов белгиси устига сўроқ белгиси қўйди-да гапини давом эттирди: – Асло! Асло! Хўп, шу мақол тўқилган пайтда балки ҳақиқат бўлгандир, боринг, ана сиз айтгандай аксиома ҳам бўлгандир. Лекин... у замон йўқ энди. Мана шу аксиома!

Кўча қўнғироғи чалиниб, ўша заҳоти эшик қия очилиб, Тўлавойнинг боши кўринди. Дераза ёнида турган Холида уни кўриб шошиб қолди.

– Адаси, бўлажак қудангиз.

- Қайси бири?
- Бўладигани ҳозирча битта-ку? Кеча кечки пайт телефон қилувди, тинчликмикин?
- Нима девди?
- “Ўғлингиз Германиядан қайтиб келибди. У ерда ишлаб қолмайдими?” деб сўровди.
- Шунақами? Кутилган ашула-ку? Нима дединг?
- Нима дердим... мени сўроқ қилавермай, чиқа қолинг.
- Чиқмасам ҳам кириб келяпти-ку, – Умар эринибгина ўрнадан туриб, чақирилмаган меҳмонга пешвоз чиқди. Айвон зинасида кутиб олди-да, “Келинг, келинг, Тўлавоё, азизим, меҳрибоним. Қадамингизга ҳасанот”, деган ясама лутф билан уни ичкарига бошлаб кирди.

Тўрдаги стулга ўрнашиб ўтириб олган Тўлавоё икки кафтини кўтариб баланд овозда дуо қилгач, Мақсудга юзланди:

– Домла, саломатмисиз, Худо сизга шифо берсин. – Мақсуд кўз қараши билан миннатдорлик билдиргач, энди Умарга қараб давом этди: – Жаҳонгиржон эсон-омон келибдилар, кўриб қувондик.

– Сизни кўриб, биз ҳам қувондик. Гапнинг индаллосига ўтаверинг, бўлажак қуда.

Мақсуд ҳам Холида ҳам унга норози қиёфада қарашди. Тўлавоёнинг ташрифидан асл мақсади нима эканини англаб тургани учун ғашланган Умар бу қарашларга парво қилмай, меҳмонга тикилиб, жавоб кутди.

– Гапнинг индаллоси... йўқ. Аввал совчилар боришганда, Жаҳонгиржон катта олим, немислар унинг олимлигига қизиқиб чақиринган, уч ой университетда дарс ўтади, кейин ўша ерда доимий ишда қолади, дейишган эди. Кеча эшитсам, бутунлай қайтиб келибдилар. У ерда қолиб ишламас эканлар. Шу ростми-ёлғонми... деб...

– Рост. Гирт рост! Совчилар алдашмаган, вазият ўзгариб қолди.

– Германияда ишламайдиларми?

– Йўқ, ўғлимнинг аксириши немисларга ёқмабди.

Бу кинояни эшитган Холида сесканиб кетди:

– Адаси!

– Хоним, газдаги чойнак эриб кетмасин, қаранг.

– Унақамасдир... гапга ҳам чопон кийдириб юборасиз-а! – деди Тўлавоё кулимсирашга уриниб. – Эшитишимча, сиз рухсат бермаганмишсиз.

– Бу гап ёлғон. Ўғлим нима қилишни ўзи билади. Уни халқ боқди, ўқитди. Энди хизматини қилиб бериши керак.

– Халққа ўша ерда туриб хизмат қилса бўлмайдими?

– Илмда унақаси бўлмайти.

– Бормасликлари узил-кесилми?

– Ҳа, узил-кесил! Мен мақсадингизни билиб турибман. Агар Германияга бориб ишлайдиган йигитни куёв қилиш ниятида бўлсангиз, ниятингизга етмабсиз. Агар қизингизни чет элда келин бўлиб яшашини истасангиз, сизга зўр бир таклифим бор: Англия қироличасининг малика Диана туғиб берган иккита набираси бор. Биттаси яқинда уйланди. Биттаси ҳали бўйдоқ. Ўшани куёв қила қолмайсизми?

Бу киноядан ташвишланган Холида Ҳусниевга нажот кўзи билан қаради. Киноя Мақсудга ҳам ёқмаган эди. Шу боис қошиқчани пиёлага уриб-уриб қўйиб, танбеҳ берган бўлди.

Умар бу танбеҳга парво қилмай, бўлажак кудага ҳужумини давом эттирди:

– Тўлавоё, шу таклифни ўйлаб кўринг, маъқул келса, мана ўзим совчиликка бориб келай. Ажабланманг, инглисларда қиз томон совчи юборади. Шахзода куёв қўлдан чиқмасдан вақтни бой бермай, бора қолинг.

Бошқа гап-сўзга ўрин қолмаганини англаган Тўлавоё аччиқланиб, шарт ўрнидан турди-да, хайрлашмай чиқиб кетди.

– Адаси, бу нима қилганингиз? – деди Холида йиғламсираб.

– Устоз, сиз айтинг, нотўғри қилдимми? – Умар устозидан тасдиқ ишорасини кутган эди. Лекин “ҳа, нотўғри қилдинг”, деган ишорани кўриб бир нафас жимиб қолди, лекин бўш келгиси келмай, давом этди: – Тўғри қилдим. Бунақалар билан бошқача гаплашиб бўлмайди. “Фисқу фасод гапларга ишонманг, ёшлар бир-бирини ёқтирса бўлди, бир-икки йил шу ерда ишлаб турсин, Германияга бориш қочмас”, дейишим керакмиди? Йўқ, меҳрибонларим, мен иккиюзламачилик қила олмайман, бу биринчидан, иккинчидан, қизини бозорга соладиганлар билан ҳеч қачон қуда бўлмайман.

– Сиз қуда танлайверсангиз, ўғлингиз сўққабош бўлиб қолаверади.

– Худо сақласин. Уйда вой-войлаб ўтиравермай, совчиликка юр, кўча тўла яхши қиз.

– Юряпман. Биттаси кўнгандай бўлувди. Маҳаллага суриштиргани келиб, Хуринисага учрабди. Нима дейиши маълумку унинг. Оқсоқоллигингизни топширмасангиз, душманларингиз кўпаяверади.

– Бу нима деганинг? Хуринисанг менга душман эканми? Ичингдаги гапнинг тўғриси айтиб қўя қол. Сенам ўғлингнинг четда ишлашини хоҳлайсан.

– Четда обрў-эътибор топса ёмонми?

– Менга қара: Тўлавоёғига берган маслаҳатимнинг ярмисини сенга берайми: Америка президенти Барак Обаманинг иккита қизи бор экан. Совчиликка борсанг-чи? Ўғлинг ҳам обрў-эътиборда, ўзинг ҳам шоҳсупадасан.

Мақсуд қошиқча билан пиёлага зарда билан уриб-уриб қўйгач, Умар чегарадан чиққанини сезиб, “ишга кечикяпман”, деган баҳонада хонасига кириб кетди.

* * *

Шошилаётгани рост эди. Бугунги ишни Паркентдаги Қуёш тажрибахонасида бажариши керак эди. Шогирдларини ҳам ўша ёққа жалб этган эди. Етиб борганидан то шомга қадар иш билан банд бўлиб, анча хориди.

Чиқаверишда шу ерлик қишлоқ оқсоқолини кўриб чехраси ёришди. Ёши саксонга борса-да, юришлари, гапиришлари тетик, оппоқ соқоли нурли чехрасига янада файз берган бу оқсоқолни кўрган ҳар қандай одам у билан икки оғиз суҳбат қуришни исташи аниқ. Умар бу табаррук кишини биринчи кўрганидаёқ ёқтириб қолган эди. Умар у билан кучоқлашиб кўришди-да, ичкарига таклиф этди, оқсоқол унамагач, қатор арчалар ёнидаги ўриндикдан жой олдилар.

– Ўтган куни ҳам келган экансиз, чиқсам, кетиб қолибсиз. Идорангизга ҳам бордим, – деди Умар оқсоқол фотиҳа қилгач.

– Узр домлажон, сизни овора қилибман-да. Бир пиёла чойингизни ичайин деб, йўл-йўлакай кирувдим. Бизнинг бекорчи вақтимиз кўп, сизни ҳам ўзимизга ўхшатамиз-да. Кечаги сафар бундан чиқиб Сўқоққа кетувдим. Бизнинг бир қизимиз Сўқоққа келин бўлиб тушган. Ҳафта-ўн кунда кўзининг ёшини оқизиб келаверади. Жиддийроқ аралашмасак, оиласи бузилиб кетадиган.

– Ҳа... бу сиз билан бизнинг юрагимизни тилиб турган бир дард.

– Тўғри айтдингиз, ёмон дард. Суриштириб келсангиз, арзимаган гап билан оила бузилиб кетай деяпти. Қаранг, охирги араз: келин овқатга гўшт тўғраяпти. Қайнота “кўп тўғраб юбордингиз”, деб танбеҳ беради. Келин “ўғлингиз топиб келяптилар-ку?” дейди. Қайнотанинг атом бомба каби портлашига шу гап кифоя: “келиним тушмагур ўйламай гапириб юборди”, дейиш йўқ. “Нима, эрим боқяпти, деб миннат қиляпсанми?!” Бомбани портлатган гап шу! Баъзи оилаларнинг ишларига аралашиб бошим тарс ёрилиб кетай дейди. Келинни кўндирсанг, эр “ажрашаман”, деб туриб олади. Эрни кўндирсанг ё қайнота, ё қайнона “ўғлим бу хотинни қўяди, мен унга онаси ўпмаган қиз олиб бераман”, деб катта кетади. Қайнонанинг калта ўйлашига кўникиб қолганман, қайноталарга нима бўляпти? Домлажон, шаҳарда ҳам борми шунақа гап?

– Дока рўмол ҳамма жойда бор, – деди Умар кулимсираб.

– Дока рўмол дейсиз-у, қуриши қийин бўлиб кетди-ку бу дока рўмолнинг. Нега шунақа?

Хаётнинг ҳар турли аччиқ-чучугини татиб кўрган до-нишманд қариянинг бу саволига “сиздай одамни қийнаган бу жумбоқни мен қандай ечиб берайин?” демоқчи бўлди-ю, жавоби кўполроқ жаранглашини мулоҳаза қилиб, ўзгача оҳангда гапирди:

– Менам буни кўп ўйлайман. Хизматимдаги илмий муаммоларни ечишдан кўра, сизнинг саволингизга жавоб топишим қийинроқ.

– Лекин... жавоби бўлиши керак-ку? Этак қоқиб, ча-пак чалиб ўтиб кетавермаймиз-ку, дунёдан. Биздан кейин кимлар қолади?

– Сиз билан биз битта маҳалладаги дарддан ташвишда-миз. Атрофга қарасак, ташвиш чекаётганлар кўп. Бемор касалликни ўтқизиб юборса, даволаш қийин бўлади. Биз шу қийин аҳволдаги дўхтирга ўхшаймиз. Тарихдаги уруш ҳақида сўз очилса, фалон йили фалон куни, фалон соатда уруш бошланган, дейишадими? Ҳолбуки, урушга тайёргар-лик анча йиллар олдин бошланган. Эр-хотиннинг уруши ҳам шундай. Икки ёшнинг турмуши бузилса, мен бунга асо-сий айбдор уларнинг ота-оналари дейман. Ота-оналар даб-дабали тўйга обдон тайёргарлик кўради-ю, фарзандларини оила қуришга тайёрламайди. Оилани шоирлар бахт саро-йига ўхшатишадими? Яхши. Том маънодаги яшаш жойи-ни ота-она қуриб, жиҳозлаб беради, мажозий саройни-чи? Фақат ва фақат ўзи қуриши керакми? Ҳа, баракалла. Бахт саройини қуриш бўйича мутлақо тушунчаси йўқ йигит-қиз қандай қуради? Лой чангалламаган одамга тўртта ғишт бе-риб, тер, денг-чи?

– Бу гапингизда жон бор. Меҳнатга, одобга ўргата-диган ота-оналар роҳатда яшаяптилар. Келин ҳовли-жойга, мол-ҳолга қараса, нон ёпса, сигир соғса... яна нима керак?

– Биз томонларда супур-сидирни билмайдиган келин-пошшалар ҳам бор. Лекин супуришни билмаслик оилани бузилишига сабаб бўлмаслиги керак-да.

– Бош қотираман, десангиз, гап қайнаб чиқаверади. Домлажон, мен ҳасратга келганим йўқ, маслаҳатли гап бор. Вақтингизни олганим учун узр сўрайман.

– Бемалол, бехижолат айтаверинг.

– Ҳов бирда тепа томонда қуриб қолган боғ борлигини айтган эдим.

– Ҳа, айтувдингиз.

– Асли ўша боғ ўрни қишлоғимизнинг ярми эди. Эсимда бор, шаҳардан чиқиб дам олиб кетишарди. Чўл ўзлаштиришга оилаларни кўчириш бошланганида, қишлоқнинг бу қисмида яшаш хатарли, тоғ кўчиши мумкин, деб баҳона қилишган. Одамларни кўчиришди, чўлни боғ қилишди-ю, бундаги боғ хароб бўлди. Ҳатто булоқ ҳам қуриб қолди. Тоғ кўчса, шунча йилдан бери кўчарди. Энди шу боғни асл ҳолига келтиришни маслаҳат қилганмиз.

– Яхши ният.

– Ният-ку, яхши. Ҳокимият ҳам маъқуллаб турибди. Лекин сув масаласи чатоқ. Ширинўрик қишлоғида ҳам шунақа муаммо бор эди, осон ҳал қилишди. Шу қишлоқда туғилиб ўсган бир йигит геолог экан, асбоб-ускуналарини олиб келиб, сув очиб берибди. Бизнинг қишлоқдан геолог чиқмаган... иккита машҳур шоиримиз бор, тўртта ашулачи ҳам бор-у, лекин улар бир челак сув чиқариб беришолмайдди. Суриштирсак, бизнинг бу дардимизни сиз осон тузатиб бера оларкансиз?

– Мен? Биз қуёш нурини ишга солиб темирни темирга улаб беришимиз мумкин. Лекин қудуқ қазийдиган ускуна-миз йўқ.

– Буни биламиз. Лекин сизнинг маҳаллангизда геологларга гапи ўтадиган бир одам яшар экан.

– Ҳа, бор... Мақсадингизни тушундим. Ваъда-ку бермайман, чунки унинг имконияти менга аниқ эмас. Лекин ҳаракат қилиб кўраман.

– Имкониятини биз билдик, бор экан. Фақат битта қўнғироқ қилса бас экан. Биз яна бир маслаҳатни ўйлаяпмиз. Худо хоҳласа, сув чиқариб олиб, боғни обод қилсак, кунботарда эски чойхонанинг ўрни бор. Ўшани сизнинг маҳаллангизга берамиз. Ўзинглар обод қилиб, дам олгани чиқаверасизлар. Илгари биродарлашган шаҳарлар бўларди, биз биродарлашган маҳалла бўламиз-да, нима дедингиз?

Оқсоқол шундай деб кафтини очди. Умар унинг бу таклифидан ҳузурланиб, худди ёш бола каби қўл ташлади.

* * *

Институт директори йўқлаганини билиб, хонасига ўтмай, қабулхона томон бурилди. Расмий мажлисларда ёки учрашувларда бир-бирига “Умар Исматович”, “Қобил Ҳакимович” деб сизлаб мурожаат қилувчи икки олим, ёлғиз қолишганда “Умар”, “Қобил” деб сенсирашга ўтишар, баъзан талабалик йилларидагидек гаплаша кетардилар. Қобил хонасида ёлғиз бўлса, дўстини “Кел, Умар”, деб қаршиларди. Бугун “Кел, Дон Кихот”, деб айёрона кулимсиради.

– Ходимларингга лақаб қўйишни ўрганияпсанми? – деди Умар кўришмоқ учун қўл узатиб.

– Бу лақаб эмас, сендақаларни ҳамма ерда шу ном билан аташади.

– Мендақаларнинг қайси иши Дон Кихотнинг қайси нодонлигига ўхшаркан?

– Шамол тегирмонини вахший аждаҳо деб найза билан ҳужум қилишини айтяпман.

– Исбот?

– Ҳоким билан нимани талашяпсан? Сен уни курук найза билан енгмоқчимисан?

– Ҳа... гап бу ёқдами? Сенга ҳам етиб келдимми? Вазифанг мени инсофга чақиришми? Инсофга юрмасам-чи? Ишдан ҳайдайсанми?

– Жизиллама! Ҳайронман, сенга керакми шу оқсоқоллик?

– Менга керакмас. Маҳаллага керак. Шунинг учун кўярда-қўймай сайлашди. Энди шу ҳурматларига яраша ишлашим керак. Чала ҳокимингнинг дағдағасини мен сариқ чақага ҳам олмайман.

– Эртага бутун ҳоким бўлиб қолса-чи? Барибир сенга кун бермайди.

– Ҳоким бўла олмайди.

– Нега ишонч билан айтяпсан?

– Пули етмайди.

– Умар! Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир, деган мақол бор?

– Хўп, адашдим. “Ақли етмайди”, демоқчи эдим. Қарагин, “пул” ва “ақл” иккаласи уч ҳарфдан иборат, охириги ҳарфи “л”. Лекин иккови икки оламнинг маъносини беради. Қизиқ-а?

– Сенда ақл етарли. Шунинг учун шамол тегирмони билан олишма.

– Мен олишаётганим йўқ, мансаб талашаётганим ҳам йўқ. Ҳозир десанг, ҳозир топширай шу оқсоқоллигини. Бу ишга нима мақсадда кўнганимни айтайми? Мен аслида шу маҳаллага маърифат олиб кирмоқчи эдим. Мен бир ҳолат билан чиқиша олмайман: жамиятда илм аҳлининг мартабаси баланд дейишади. Маҳаллада-чи? Академик тўй қилса, тўртта яқин қўшнисини чиқиб хизмат қилса қилади, бўлмаса йўқ. Мактабни аранг битирган, лекин пул топиш йўлини билган бой тўй қилса, ҳокимлар чой ташиб юришганини кўрмаганмисан?

– Хўп, маърифат олиб кирдингми маҳаллангга?

– Ҳозирча йўқ.

– Қачон олиб кирмоқчисан?

– Дастлабки илмий тадқиқотлар пучга чиқди, тўғри ечимни ҳозирча тополганим йўқ.

– Топишингга ишонасанми?

– Ишончим сўнган куни сен айтгандай, оқсоқолликни икки қўллаб топшираман.

– Сен барибир Дон Кихотсан. Ҳар тонг ош, кундузи эҳсону худойиларга, чарлару бешик тўйларига кўниккан одамларнинг қулоғига маърифат кирармикин?

Қобил Умарнинг оғриқли жойидан тутди. Бошқа ҳолатда бошқа киши билан суҳбатлашар бўлса, Умар “Э, нимасини айтасан, дўстим, менинг дардим ҳам шу”, деган бўларди. Ҳозир дўсти олдида мағлуб бўлишни истамади. Буни сезган Қобил мавзуни бурди:

– Меҳмон билан танишдим, суҳбатлашдим.

– Хўш, фикринг қанақа?

– Фикримми? – Қобил Умарга синов назари билан тикилиб кулимсиради: – Бунақа докторлар ўзимизда ҳам етарли. Фақат биз уларга докторлик унвонини беришга шошилмаймиз.

– Баҳони оширвординг. Агар шу йигит бизнинг университет магистратурасига кириб ўқимоқчи бўлса-ю, мен ундан имтиҳон олсам...

– Энди сен жудаям пастга урвординг. Илм бор унда. Фақат бизни хайратга соладиган даражада эмас.

– Ҳа, ана энди ўзингга келдинг. Келиб овора бўлмагани ҳам яхши эди.

– Нима ҳам қилардик, икки томонлама келишув бор.

– Менга алам қиладигани шуки, у томондагилар бизларни ҳали ҳам ғоят қолоқ деб ўйлашади. Учинчи курсда-лигимизда филология факультетидаги йигитлар билан Арнасойда пахта терган эдик. Бир шоир бола бор эди, Эломон деган, эсингдами?

– Эслолмаяпман, гапиравер-чи?

– Ўша айтувди, қирқ олтинчи йилда инглиз лорди бизларни “ёввойи қабила” деб атаган экан. Бу ҳақоратга чи-долмаган шоиримиз жавоб ёзган экан. Эломон алам билан ўқиб берган эди. Шеър ёдлашга тоқатим бўлмаса ҳам, баъзи жойларини эслаб қолган эдим.

– Агар учинчи курсда бўлса... мен Арнасойга бормагандим, комсомол ишлари билан шаҳарда олиб қолишганди. Бу ҳақда энди эшитяпман. Ёдлаган бўлсанг, айт-чи.

– “Қадим ўзбек халқисан, асл Одам авлоди,
Миср эхромларидан тарихинг қарироқдир.
Хоразмнинг ҳар ғиштида – боболарнинг ижоди,
Англо-саксонлардан анча юқорироқдир.
Бизда логарифманинг мушкул муаммолари
Қўлдаги бармоқлардай оддий қилинганда ҳал,
“Олий ирқ” даъвогари Черчилнинг боболари,
Ҳатто санай олмасди ўн бармоқни мукамал!”¹

Умар “қойилмисан!” деган маънода дўстига қаради.

Қобилга шеър таъсир қилди.

– Боплабди. Ким ёзган, ўша Эломонми?

– Кимлиги эсимда йўқ, балки ўшадир. Муҳими ҳақиқат ёзилган. Эсингдами, Туркияга талабалар жўнатиш ҳақида гап қўзғолганда мен ўғлимни рўйхатдан ўчиртириб ташлагандим. “Турклар келиб, физикани биздан ўргансин”, дегандим. Ҳозир ҳам шу фикрда қатъийман. Бизга ўргатмоқчи бўлганларнинг биздан ўрганиши керак бўлган анча нарсалари бор. Мени афсуслантирадиган нарса – илм бойлигимиз худди тупроқ остига кўмилган уранга ўхшайди. Тўла очолсак эди, дунё атом қудратига тенг илмимизга тан берарди. Озодий сингари “доктор”лар бизнинг магистратурамизга келиб ўқирди. “Англия фани, Германия фани... тараққий этган” деймиз. Ким тараққий эттиряпти? Ўзининг фарзандларими? Дунё бўйлаб кезиб юриб қобилиятли олимларни териб олишиб, энди керилишади. Ҳинд олимнинг кашфиёти Ҳиндистонники эмас, нон бериб боқаётган Англияники! Жаҳонгирнинг тақдири ҳам шундай бўлиши керак эди.

– Бу масалада сенга тан бердим. Қойилман.

– Бу менинг қарорим эмас, ўғлим ўзининг ақли билан виждони буюрганини қилди.

– Демак, ақл бойлиги билан виждон қуввати тарбияси яхши олиб борилган бўлиб чиқади.

– Сен мени мақтайверма. Четга чиқиб ишлаш ҳақида гап кетса, менинг дардим қўзийди.

¹ Ғафур Ғулумнинг “Шараф қўлёзмаси” шеъридан.

– Яна қанақа дард?

– Ҳозир жамиятда қанақа муаммо кўтарилса, албатта иқтисод тақайдиган бўлишди. Ёшларнинг четга чиқиб ишлашга интилиши ҳам иқтисодимиздаги қийинчилик туфайли эмиш. Сен шунга ишонасанми? Фан қачондан бери чўнтакдаги пул билан баҳоланадиган бўлиб қолди? Тарихдаги қайси улуғ олим миллионер бўлган? Кеплерни эслагин: буюк кашфиёт соҳиби вафот этганида ундан иккита кўйлак, битта уринган плаш, бир неча мис тангалар қолган экан. Бу унинг иқтисодий “бойлиги”. Илмий бойлиги-чи? Эллик еттита жадвал, нашр этилган йигирма еттита илмий ишлари, беҳисоб қўлёзмаларини шогирдлари тўплаб, вафотидан сўнг йигирма иккита китоб нашр қилдирдиларми? Энг муҳими у олимларнинг кейинги авлодларига сайёралар ҳаракатига доир учта қонунни қолдирди. Инсоният учун қай бири қадрли?

– Умар, сен бу гапларни менга айтяпсанми? Бу масалада ҳамфикрмиз, шекилли?

– Ҳамфикрмиз... Афсуски, ғайри фикрлар ҳам бор. Бошқа гапинг бўлмаса, мен ишимдан қолмай.

– Айтмоқчи, Жаҳонгир меҳмонни эртага Чорвоққа олиб бормоқчи. Пирамидада икки кун дам олиб кела қолишсин. Бирга бормайсанми?

– Эртага якшанба, сенга ўхшаганларга дам. Менга эса иш, бир қоп ташвиш. Маҳаллада белгилаб қўйган тадбирим бор.

* * *

Умар институт ректори билан суҳбатлашиб ўтирганда Жаҳонгир даҳлизда Озодий билан кетиб борарди. Рўпарада келаётган қизни кўриб, гапи оғзида қолди. Тўхташни ҳам, индамай ўтиб кетишни ҳам билмай, тараддудланди. Озодий ундаги ўзгаришни сезиб, ажабланди. Қиз билан йигит орасида қандайдир муносабат борлигини англаб, ўнғайсизланди. Қиз яқинлашиб салом бергач, алик олди-ю, тўхтамай, йўлида давом этди. Қиз ҳам ўтиб кетмоқчи эди, Жаҳонгир уни чақириб, тўхтатди.

– Шоҳиста... адам учун кечирим сўрайман. Сал ошир-
ворибдилар, – деди Жаҳонгир унга яқинлашиб.

– “Сал оширворибдилар”? Шу сал оширворишга кира-
дими? Деярли ҳайдаб чиқарибдилар-ку?

– Албатта, бу ёмон ҳолат... кечиринглар. Лекин...
қўйилган масала...

– Нотўғрими? Кетаётганингизда менга бошқача гапи-
рувдингиз? Адангиз масалани ўзгартириб юбордиларми?
Сиз ота ўғилсиз, масаланинг бошқа ечимини еча олмай-
сизми?

– Шоҳиста... бу масалани оилага боғлаб бўлмайди.

– Нега?

– Демак... сиз ҳам?..

– Ҳа, сиз ота ўғли бўлсангиз, мен ота қизиман. Илти-
мос, энди бу ҳақда гаплашмайлик.

– Адашяпсиз.

– Олдин адашган эдим. Энди адашмайман. Мен Анг-
лия қироличасининг келини бўлмоқчиман. Нима, малика
бўлишга ҳаққим йўқми? Биз бу ерда сиз билан фақат бирга
ишлаймиз, орада ҳеч қандай гап-сўз бўлмаган, хайр. Чет
эллик дўстингиз кутиб қолди, муштоқ бўлмасин.

Ғазаб отига астойдил жойлашиб ўтириб олган Шоҳиста
шундай дегач, жаҳл билан бурилиб кетди. Жаҳонгир шаш-
ти паст бир аҳволда Озодийга яқинлашди.

– Ким у гўзал хоним, бўлажак келин эмасмилар?

– Афсуски йўқ... шунчаки кичик илмий ходим. Кичик
бўлса ҳам, даъвоси баланд.

– Ажиб... бунга қай маънода тушунмак керак?

Жаҳонгир меҳмонни сирдан огоҳ қилгиси келмай гап-
ни бурди:

– Гелиобатарейларнинг янги авлоди ҳақидаги ғояни
қабул қилгиси келмайди.

Озодий гап тагида гап борлигини англамай, тўғри маъ-
нода тушунди:

– Ўзларининг янги ғоялари борми экан?

– Афсуски йўқ... узр, хато айтдим... бор, аммо ҳеч нарсага ярамайди. Хато ғоя.

* * *

Уйига яқинлашган Умар дарвоза яқинида турган йигитчани кўриб ажабланди.

– Ҳа, Ботиржон, кимни кутяпсан? – деди унинг саломига алик олгач.

– Сизни. Тест саволидаги битта масала ҳеч қанақасига чиқмаяпти. Холида опамга келувдим, барибир чиқмаяпти. Мақсуд амакимнинг мазалари бўлмаётган экан, Холида опам сизни кутишимни айтувдилар. Кеча ҳам келувдим, Паркентда қолган экансиз.

– Ҳа, шунақа бўлиб қолди оғайни, қани уйга юр-чи.

Умар уни ҳовлига бошлаб кириб ўриндикдан жой кўрсатди.

– Ўқиш масаласини ҳал қилдингларми? Адангни енга олдингми? – деди кулиб.

– Йўқ, кимдир Турин университетини роса мақтаганга ўхшайди. Вестминистрни эшитгилари ҳам келмаяпти. Кеча амаким келиб, Сингапур университетига кирсин, деб авраб кетдилар.

– Унда сен енгилга қол. Биласанми, бу масалада биттагина формула бор, буни аксиома десак ҳам бўлади: қ а е р д а ўқиш унчалик муҳим эмас, муҳими қ а н д а й ўқиш! Қани, масалангни кўрсат-чи, – йигитча қўлидаги дафтар қаламни олиб, саҳифадаги рақамларни синчиклаб текшриа бошлада. – Умуман... бошланиши тўғри. Ҳатто ечими ҳам тўғри. Сен хайрон бўлма, бу масала ечимининг икки, ҳатто уч йўли бор. Учинчисини савол тузган азаматларнинг ўзлари ҳам билмасалар керак. Иккинчиси эса мана бу... – бўш саҳифага шошилганича формулаларни ёза бошлади. – Тест саволларини тузганлар шу йўлни назарда тутган бўлсалар керак.

– Буни ҳам тўғри деяпсиз, имтиҳонда нотўғри, дейишса-чи?

– Албатта шундай хулосага келишади. Бунга ўхшаган чалабилимлик бошқа фанларда ҳам бор экан. Балки ча-

лабилимлик эмас, эътиборсизликдир. Бу эътиборсизлик сенга ўхшаган болаларни қийнаб қўйиши мумкин, шуниси чатоқ. Лекин сен ташвишланма, баҳоинг пастроқ чиқса, бориб текшириш, баҳслашиш имкони бўлади. Ўзим “Тест маркази”га бирга бораман.

Умаржоннинг бу гапи Ботиржонни қониқтирмади, умидсизлик чоҳидан тортиб чиқара олмади. Маъюс аҳволда қоғоздаги рақамларга тикилиб тураверди. Умаржон буни сезиб унга далда бериш мақсадида мисолни узоқдан бошлади:

– Сен битта тенгламадаги хатоликдан куйиниб ўтирибсан. Ўқишга кириб олганингдан кейин ўзинг тарихдан ўрганасан. Фандаги хато ғоялар йиллар эмас, узоқ асрлар мобайнида яшаган. Эрамизнинг иккинчи асрида Александрияда яшаган Клавдий Птоломей Гиппархнинг илмий қарашларига асосланиб, сайёраларнинг мураккаб ҳаракатларини осмон харитасига жойлаштирган. Ўша харитада Ер сайёраларнинг марказидан ўрин олган эди. Бу хато ғоя Европа фанида қарийб ўн тўрт аср ҳукмронлик қилди. Николай Кооперник харитани ўзгартирди – марказга Қуёшни қўйди. Ой сайёра эмас, Ер йўлдоши эканини аниқлади. Ўн тўрт аср ҳукмронлик қилган ғоянинг хатолигини исбот этиш учун қирқ йиллик умрини сарф этди. Унинг қандай ўлим топганини билсанг керак. Кооперник гелиоцентрик назарияни яратган бўлсада, у ҳам хатога йўл қўйди: сайёралар ҳаракатини доира шаклида кўрсатди. Бу хатони Иоган Кеплер тузатди. У сайёраларнинг эллипс бўйича ҳаракат қилишини кашф этди. Бугун бу назарияларни сенга ўхшаган қобилятли ёшлар бир неча кун ёки ой давомида ўрганиб, ўзлаштиришлари мумкин. Лекин бу ҳақиқатга олиб келувчи йўлнинг ғоят тиконли, машаққатли эканини ҳамма ҳам билавермайди. Фан йўлининг азобдан иборат эканини ҳис этган, бунга чидашга иродаси етадиган ёшлардан улуғ олимлар етишиб чиқади. Мен сени иродали бола деб ҳисоблайман. Қийинчилик олдида ҳеч қачон бошингни эгма.

– Қийинчилик адолатсизлик оқибатида юзага келган бўлса-чи?

– Барибир бош эгма, курашиб, енгишинг керак.

* * *

Институт директорининг Чорвоққа бориш ҳақидаги таклифини рад этиб, “Якшанба куни тадбирим бор”, деганда шунчаки баҳона қилмаган эди. Шу кунга кўпчилик кутмаган ғалати тадбирни белгилаб қўйган эди. Эрталаб маҳаллага чиқиш учун отланаётганда Холиданинг кочиримли гапига жавобан:

– Сенам бирга юргин, икки қисмли ғалати шоу бўлади. Бўлажак қайнонасан, сенга ҳам нафи тегиб қолар, – деди.

Холида тўғри маънода айтилган таклифни киноя ўрнида қабул қилиб, юзини буриб олди.

Умарнинг “икки қисмли шоу” дегани бежиз эмасди. У ўйлай-ўйлай фариштасиз оилаларни ҳаловатли оилаларга айлантириш йўлини топгандай бўлган эди. Бунинг учун феъли чиқишмаётган эр-хотинларни мактаб залига тўплади. Ўнг томонга жувонларни, чап томонга эрларни ўтқизди. Нима учун чорланганларини билмаган эр-хотинлар “сен мен ҳақимда ёмон гап айтмаганмидинг?” деган маънода ўғринча қараб олишиб, маҳалла оқсоқолининг гап бошлашини бетоқат кутишарди. Умар эса таклиф қилинганларнинг ҳаммаси тўпланишини кутаётган эди. Жувонлар шивир-шивирларини, эрлар гўнғир-гўнғирларини бошлаган дамда улардан бири тоқатсизланиб ўрнидан турди:

– Умар ака, тезроқ бошлай қолинг, ошга гуруч солишим керак, улфатларнинг ичаклари чўзилиб кетади.

– Ҳамма шошса ҳам бугун сен шошмайсан. Сен билан алоҳида гаплашамиз. Биринчи хотинингни ёмон дединг, ишондик. Энди иккинчиси ҳам ёмон чиқдимми?

– Унақа деганим йўқ. Эрталаб бесўроқ чўнтагимдан пул олибди. Шунга жаҳлим чиқиб қўлим сал тегиб кетибди.

– Пулни нимага олибди, онасига берганими ё сут олганими? Ярим кечада келиб чарчаганлар, уйғотмай деб пул олса ҳам ўғримми? Хотинингга раҳмат дегин сен, қўли сал тегиб кетгани учун эр неча йилга қамалади, биласанми?

Бу гапдан чўчиб тушган жувон ўрнидан туриб кетди:

– Умар ака, бўлди, уялтирманг, ярашиб олдик-ку?

– Ярашиб олганларинг яхши. Лекин менинг гапим тугагани йўқ. Хўп, йиғилишни бошладик, бўлмаса: қани, она қизларим, кимнинг эри ёмон, шу ерда ўрнидан туриб очиқ айтсин! – Жувонлар кутилмаган саволдан ажабланиб, ўзаро шивирлашишга тушдилар. Ҳеч ким жойидан жилмади. Умар бир оз кутди-да, кейинги саволни ўртага ташлади: – Яхши, кимнинг қайнонаси ёмон? – Яна ўша ҳолат такрорланди. Умар учинчи саволни берди: – Кимнинг қайнотаси ёмон? Ҳа, ёмони йўқми? – Умар бундай ҳолат юз беришини кутган, шунга яраша гапларини пишитиб олган эди. Шу боис, сукут сақламай, эрларга юзланди: – Кўрдиларингми, ҳамманг яхши экансан! Сўксаларинг ҳам яхшисанлар, урсаларинг ҳам. Раҳмат, она қизларим. Сукут ризолик аломати, а? Агар эрларинг яхши бўлса, энди улардан ҳеч кимга шикоят қилмайсанлар, қайноналарингнинг устидан мағзава ағдариб, оналарингга ҳасрат дастурхонини очмайсанлар. Уйларингга кулиб бориб, кулиб келасанлар. Хў-ўп... додахўжа эржонлар, энди сенлар айтларинг: қайси бирингнинг хотининг ёмон?

Жувонлар ўртага ташланган саволга жавобан шивирлашиб олишган бўлишса, эрлар ўша заҳоти норозиликларини баён қилдилар:

– Умар ака, шу ҳам гапми? Эркак одам ҳам хотинидан нолийдими?

– Ҳа, ана энди ўзларингга келдиларинг. Чойхоналарда ош устида нолийдиганни ким деймиз? Улар ҳам эркакми? Агар мард бўлсаларинг, ҳозир туриб “менинг хотиним ёмон”, дейсанлар. Шу ернинг ўзида ажратиб қўя қоламиз. Демайсанларми? Ҳа, сенларга ҳам раҳмат. Биронтанг “хотиним ёмон” десанг, “ўзинг ёмонсан”, деб исботлаб ҳам берардим. Хўп, энди менга ҳамманг айтларинг: ёмон хотин бўлмаса, ёмон эр бўлмаса, ёмон қайнона бўлмаса, ёмон қайнота бўлмаса... нега маҳаллада қўйди-чикди комиссияси ишлаб турибди? Бу йил

нега иккита оила бузилди? Балки маҳалла оқсоқоли ёмондир? Уйларингга бориб, шуни бир ўйлаб кўрларинг.

Пешиндан сўнг “шоу”нинг иккинчи қисми қайнона ва қайноталар иштирокида бўлди. Эрталабки йиғилиш тартиби ва мазмунидан хабар топган қайноталар, айниқса қайноналар ўзлари томон танқид тоши отилгудай бўлса, жавоб қайтаришга шай бўлиб келишган эди. Умар буни ҳам ҳисобга олгани учун йиғилишни бошқа ўзанда олиб борди.

– Опахонлар, мен бир нарсага ҳеч-ҳеч тушуна олмайман: ўғилларингизга қизларни ўзингиз топасиз. Совчилика юра-юра чарчайсиз. Топганингизда қувонасиз. Ўғлингизга ёқмаса ҳам зўрлаб уйлантирасиз. Кейин эса ўзингиз норозиликларингизни бошлайсиз. Дий-диё қилаверасиз. Келинингизнинг ҳали бу иши ёқмайди, ҳали бу гапидан энсангиз қотади. Нега шунақа? Менимча, ўғлингизни келинингиздан қизғонсангиз керак...

– Астағфируллоҳ! – деб юборди бир хотин.

– Ўйлаб гапиряпсизми? – деди иккинчиси.

Сўнг хотинлар норозиликларини бараварига баён қила кетдилар. Умар бир оз уларни кузатиб турди-да, кейин кўлини кўтариб тинчитди:

– Бу менинг гапим эмас, шу соҳани узоқ кузатиб ўрганган рухшунос олимларнинг хулосаси. Ҳар ҳолда қадимдан қолган мақолда бекорга “Қизил оёқ келиб, қизил юздан жудо қилди”, дейилмаган.

– Ўша олимларингиз бекоргиналарни айтибди!

– Бу гапингизга мутлақо қўшиламан. Олимларнинг фикри кўпинча ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмайди. Ўрганган мингта оиладан биттасида шунақа ҳол кузатилиши мумкин. Лекин қолганларида-чи? Ахир сиз “ўғлим бирикки йил яшаб, кейин ажрашиб кетсин”, демайсиз-ку? Ширин-ширин набиралар кўрганингизда қувонасиз, борингизни тўкиб бешик тўйи қилиб берасиз. Орадан кўп ўтмай эса, келинингиз кетиб қолиб, набираларингиздан тириклайин ажралиб қолганингизда юракларингиз эзилиб кетади-ку? Ана шу набираларингиз тақдири ҳаққи ке-

линингизнинг айбларини кечирсангиз бўлади-ку? Ўйлаб қарасак, айблари ҳам ажралишга арзийдиган даҳшатли эмас: бирингиз “чала супуради”, дейсиз, бирингиз “ювилган косаларни артмайди”, дейсиз, бирингиз “уйга гап ташийди”, дейсиз... Ҳа, булар айб. Лекин бу камчиликларни тарбия билан тузатса бўлади-ку? Невараларингизни тирик етим қилиб, кўз ёшларини оқизиб, келинни ҳайдаганингиз учун Худо сизга фариштадай келин берадими? Уйингизга алвасти кириб келса-чи?

Бу тахмин энди қайноталар томонни ҳам қўзитиб юборди. Улар ҳам хотинларнинг чувир-чувирига қўшилдилар.

– Худо сақласин!

– Тавба денг!

– Ҳа, шунақасидан асрасин. Лекин алвастига дарс берадиганлари ҳам учраб қолади, эҳтиёт бўлиш ҳам керак. Майли, мен гапни майдалаштирмай, мақсадга ўта қолай: муҳтарам қайнотажонлар, қайси бирларингизнинг келинларингиз ёмон. Ёмонлигини ҳозир шу ерда айтинг.

– Умаржон, қайнотанинг ҳасрат қилганини қаерда кўргансиз?

– Яраштириш комиссиясида бундан баттарларини эшитганмиз. Хўп, сизлар нолимайсизлар, биламан. Қайнонажонлар, қайси бирингизнинг келинингиз ёмон?

– Яхшими-ёмонми келин бизники, бунақа маза-бемаза сафсаталар билан бошларимизни оғритманг. Шундан бошқа гапингиз бўлмаса, биз кетдик!

Бир-икки хотин шарт ўрнидан турди. Қолганлари аста-аста уларга эргашди. Қайноталар “Маҳалла оқсоқолининг яна гапи бормикин?” дегандай қараб ўтирдилар-да, сўнг улар ҳам жилдилар.

Умар бу икки йиғиннинг ижобий самара беришига амин эди. Лекин айрим хонадонларда “оқсоқол бизни назарда тутиб гапирди, келин чаққан бўлса керак?” деган гумонлар уйғонганини ҳисобга олмади.

Умар уйга қайтганида Холиданинг чехрасида парижонлик булутининг соясини илғагандай бўлди:

– Нега шаштинг паст, тинчликми? – деди.

– Амаки-дадам “сигирим туғса “оғиз” олиб келаман”, деб кетувдилар. Устозга дори-дармон ҳам олиб келмоқчи эдилар. Дараклари йўқ, телефонлари жавоб бермаяпти.

– Эртага ўғлингга ишдан жавоб олиб бераман, бориб кела қолади.

– Ўзингиз борсангиз-чи? Қишлоққа қачон борганингиз эсингиздами?

Бу танбех таъсир қилиб, Умарнинг кўнгли оғриди. Ўзидан ўзи ранжиди. Хавотир уйғониб, ўрнидан туриб кетди. Ҳозирги кунда киракаш машиналар кўпайиб ярим тунда ҳам йўлга отланса бўлади. Ҳолбуки, кун асрга яқинлашган, бетўхтов отланса, хуфтонга қадар қишлоққа етиб боради. Эрталаб эса хизматга етиб келиш имкони ҳам мавжуд эди. Умар шуни ўйлаб, отлана бошлади.

– Яна қаёққа? – деди Холида ажабланиб.

– Ўзинг нима дединг? Қишлоққа бориб келаман.

Холида бугун йўлга чиқишни назарда тутмаган бўлсада, уни қайтармади.

– Қуруқ бормай, новвойдан саккизта патир олволинг, – деб тайинлади.

Умаржоннинг мўлжали тўғри чиқиб, муаззин хуфтон намозига азон чақираётган маҳалда қишлоққа кириб келди. Устозининг эшигига ҳеч маҳал қулф тушмаган. Эшик бегона мол-ҳол кириб кетмаслиги учун ўрнатилган, одамлар учун ҳамиша очик эди. Шу боис Умаржон тақиллатиб ўтирмай, “Олим ака!” деб чақириб, ҳовлига кирди. Айвондаги чироқ ёниқ, ичкари қоронғи эди. “Устоз масжидга чиққандирлар”, деган хаёлда уйга кириб чироқни ёқди. Одатдагидек саришта уйга беихтиёр кўз югуртирган Умаржоннинг нигоҳи тоқчада сочилиб ётган тўрт-бешта минг сўмлик пулда тўхтади. Уй соҳиби рўзғор харажатла-

ри учун ишлатадиган пулни шу ерга қўярди. Бошқаларга ўхшаб кўрпалар орасигами ё бошқа жойгами яширмасди. Бу ердан фақат бир марта пул ўғирланган... Ҳозир Умаржон шуни эслаб, юрагида бир дард уйғонди-ю, пойгакка чўкди.

* * *

Сталин ўлгандан кейин қамокдан чиқиб келган Мирзаолимни, гарчи оқланган бўлса-да, қишлоқ мактабига ўқитувчи қилиб олишмади. Алгебра, физика муаллимига эҳтиёжлари бўлса ҳам собиқ “халқ душмани”дан чўчишди. Мирзаолим бундан оғринмади, ҳақ талашмади, шаҳарга тушиб, ёз бўйи мардикорлик қилди. Кеч кузда мактаб директори марҳаматини дариғ тутмай, уни гўлаҳ лавозимига ишга олди. Мирзаолимнинг вазифаси ҳар куни тонгда мактабга келиб биринчи галда директор хонасидаги печга ўт қалашдан, сўнг эса синфларни иситишдан иборат эди. Биров айтмаса ҳам, ҳовлидаги қорни кураб қўядиган, синган парталарни тузатадиган бўлди. Аёзли кунларнинг бирида рангпар бола титраб-қақшаб синфга кириб келди. Мирзаолим думалоқ чўян печга эндигина ўт қалаган эди. Бола печни иссиқ деб гумон қилиб, қўлини тутди. Ёрилиб кетган қўллар иссиқ-совуқни ҳис қилмаётганини Мирзаолим сезди. Боланинг пешонасини ушлаб:

– Иссиғинг баланд-ку, бояқиш, нега келдинг? – деб қучоғига олиб иситмоқчи эди, бола чинқириб юборди. – Нима бўлди, қаеринг оғрияпти?

Бола инграб қорнини кўрсатди. Мирзаолим унинг қирқ ямоқ пахталигини, сўнг кир қўйлагини ечиб, киндиги атрофидаги иккита чипқонни кўрди.

– Отинг нима?

– Умар...

– Кимнинг ўғлисан?

– Исмат аканинг...

– Нуралининг неварасимисан? Ота-онанг кўрдими бу ярани?

Бола ночорлик билан бош ирғади. Боланинг бобо-си болаликдаги дўсти эди. Урушда ҳалок бўлибди. Ўғли қишлоқда майхўрлик билан ном чиқазибди. Бадмаст одам боласининг ярасига малҳам излармиди?! Мирзаолим шундан изтиробга тушиб, болага ачинди. Авайлаганича кийимни кийдирди.

– Умаржон, сен исиниб тура тур. Мен ишларимни ба-жариб олай, кейин бизникига борамиз. Ярангни ўзим тузатаман. Икки-уч кунда отдай бўлиб кетасан.

Ўқувчилар йиғилиб дарс бошлангач, Мирзаолим директорга учраб, Умаржонни олиб кетаётганини билдирди.

– Чипқоннинг урғочиси бўлса, ҳамма ёғига тарқаб кетади, дўхтирга олиб борганингиз дуруст.

– Доктор яра пишишини кутмай, дарров кесади. Бунақа ярани даволайдиган эски табобатимизнинг яхши усуллари бор.

– Агар яра болалаб кетса, отасидан балога қоласиз.

Мирзаолим директорнинг эътирозига парво қилмай, болани уйига олиб келди. Умаржонни танчага ўтқизиб, ўзи қўлига теша олди-да, айвоннинг бир четини кавлади. Дўппидек чуқурча очгач, иккита пиёзни ташлаб, кўмди, сўнг устидан олов ёқди. Ҳозир ярани ғоят оғритадиган бир иш бошланишини қўрқув билан кутаётган Умаржон унинг ҳар бир ҳаракатини ҳадик билан кузатиб ўтирди. Мирзаолим боланинг қўрқувини сезиб, кулимсираб қўйди-да, танча чўғи устидаги чойнакни олди. Сўнг токчадаги халтачадан уч-тўрт қуриган баргни олиб, эзиб кукунга айлантиргач, чойнакка солиб, уч марта қайтарди. Кейин пиёлани тўлдириб қуйиб, Умаржонга тутди. Бола қайноғи ўлган доричойни афтини буриштирган ҳолда ичди. Айвонда ёниб турган олов ўчиб, чўғи ҳам сўна бошлаган пайтда Мирзаолим чиқиб, ўрани очди-да, иссиқда илвиллаб қолган пиёзларни олди. Ичкарига кириб, боланинг ярасини очди, пиёз қатламларини аста ажратиб уни яра устига оҳиста қўйди. Оғриқни кутган болага иссиқлик ёқиб, қўрқуви кўтарилди. Азоблари чекиниб,

танчанинг иссиғи танасига ёйилгач, ухлаб қолди. Кўп ухламади, яра лўқиллаб оғриб, инграганича уйғонди.

– Лўқиллатяптими? Демак, йиринг тўплашни бошлабди, – деди Мирзаолим унинг пешонасини силаб. – Озгина чида. Йирингни тез йиғса, яра тез ёрилиб, бу азобдан бира тўла қутуласан.

Иккита яра тузала бошлагач, ёнида янгилари кўринди. Мирзаолим ўз боласига қарагандай қаради. Исмат майхўр эса боласининг кўринмай қолганидан ташвишга ҳам тушмади. Умаржон тузала бошлагач, дарслардан қолиб кетаётганини афсусланиб гапиргач, Мирзаолим муаллимлардан бир ҳафталик топшириқларни олиб келиб, уни ўзи ўқита бошлади. Ана шунда боланинг алгебра ва физикага бўлган қобилиятини кашф этди.

Бу кунлар ичи Умаржон отасидан кўрмаган меҳрни бу кишидан кўриб, унга боғланиб қолди. Уйига боргиси келмади. Баҳорга чиқиб икки хонадоннинг боласига айланди. Ўз уйида одамийликка хос бўлмаган пасткашликларни кўриб руҳи эзилиб, баъзан саваланиб танаси азобланиб яшаса, Мирзаолимни кига келиб яйраб кетарди.

Бир куни эрталаб Исмат кечаги кайфи кучи билан Мирзаолимни кига келиб ундан пул талаб қилди:

– Ўғлимни малай қилиб ишлатяпсиз, пулини тўлаб қўйинг, – деди.

Ўғлига билим бераётган устоздан бу тарзда пул талаб қилиш нодонликнинг ўзи эди. Мирзаолим бу нодон билан гап таллашишини истамади.

– Агар ичишни ташласанг, ҳар ойда маошимнинг ярмини сенга бериб тураман, – деб гапни қисқа қилди.

– Ичаманми, ичмайманми, менинг ишим. Менга ақл ўргатадиган отам ўлиб кетган.

– Отанг сени калтаклаётганини кўриб қолсам, ёнингни олардим. Аслида қўшилишиб урсам бўларкан. Бу юришинг отангнинг руҳига иснод. Ошнамнинг руҳи ҳурмати, агар одам бўлмасанг, отанг ўрнига яхшилаб калтаклаб, эсингни киритиб қўяман.

Бу пўписани эшитган Исмат унга тикилганича масха-
раомуз кулди:

– Шунақа кучлимисиз? Қамоқнинг ювиндиси зўр қилиб юбордими?!

Исмат гапини тугатишга улгурмади: Мирзаолим у томон бир қадам ташлади-ю, кучли бармоқлари билан ёқасига чанг солди. Исматнинг кўзлари олайиб, типирчилай бошлади. Мирзаолим уни судраб кўчага олиб чиққач, ёқасини бўшатди. Исмат жонҳолатда тисарилди. Кейин ўгирилиб, гандираклаганича узоқлаша бошлади. Сал нари бориб, ўгирилди-да, Мирзаолимни бўралаб сўка кетди.

Умаржон каптарга ишқибоз эди. Ўша куни мактабдан келиб қараса, отаси иккита каптарни икки қўлида чангаллаб, айвон зинасида ўтирибди.

– Дада, каптарларимни қўйиб юборинг, – деди у йиғламсираб.

– Агар бир сўм топиб келсанг, қўйиб юбораман. Олиб келмасанг, ғижимлаб-ғижимлаб ўлдириб, шўрвага соламан.

Бир сўм топиш бола учун катта муаммо эди. Бу талабни эшитиб гангиб қолди.

– Қаёқдан топаман! – деб йиғлаб юборди. Кейин каптарларни қутқариб олиш учун отасининг қўлларига ёпишди. Исмат уни тепиб юборди. Болдирида қаттиқ оғриқ турган бола чинқириб йиқилди. Исмат унга парво қилмади. Ўрнидан турди-да:

– Кимникида малайлик қилаётган бўлсанг, кунига бир сўмдан берсин, бўлмаса. Ҳамма каптарларингни қозонга ташлайман, – деган дағдаға билан уйга кириб кетди.

Умаржон бир оз инграб ётгач, ўрнидан турди-да, оқсоқлана-оқсоқлана кўчага чиқди. Мирзаолимнинг уйининг учун нажот қалъаси эди. Ўша томон юрди. Мирзаолим боланинг аҳволини кўриб, “Нима бўлди?” деб сўрамади. Шимини ечдириб, суякни аста силади.

– Суягинг лат емабди, этинг сал эзилибди, – деди-

да, шўрпахта қилиб боғлаб қўйди. Сўнг қандайдир тахир суюқликни ичирди. Умаржон унинг ҳузурига бунинг учун келмаган эди. Мақсади – пул сўраш эди. Тили бормади.

– Сен ёта тур, мен гузарга чиқиб келай, – деб Мирзаолим уни ёлғиз қолдиргач, Умаржон токчага қаради. Иккита бир сўмлик яна аллақанча тангалар сочилиб ётибди. Бир сўмликка тегмади. Отаси олтмиш тийинлик мусалласни ҳам ичаверарди. Шунга ярашасини санаб олгач, устозининг қайтиб қолишидан кўрқиб, шошилганича уйдан чиқди. Оёғининг оғришига чидаб, тез юрди. Уйга кириб қараса, отаси тахмон яқинида чалқанча ётганича хуррак отяпти. Сал берида иккита каптарнинг ўлиги. Умаржон яқин одамидан ажрагандай хўнграб юборди. Қушларни авайлаб қўлига олди. Худди жон қайтармоқчи бўлгандай авайлаб силади. Кейин отасига нафрат билан қараб турди. Унинг устига ташлангиси, бет-кўзларини юмдалаб-юмдалаб ташлагиси келди. Лекин фарзандлик одоби уни бу ёмонликдан сақлади. Шарт бурилиб ҳовлига чиқди. Нима қилишини билмай гангиб турди. Кейин нарвондан томга кўтарилди-да, каптархона эшигини очиб, қушларнинг ҳаммасини учириб юборди.

Айрилиқ азоби юрагини эзиб, томда бир неча дақиқа ҳаракатсиз қотиб турди. Кейин пастга тушиб, кўчага чиқди. Сал олдин бу томон тез-тез юриб келган, оёқдаги оғриқни сезмаган эди. Энди оғир-оғир қадам босди, оёқ оғриғи авжига чиқди. Ҳовлига оқсоқлана-оқсоқлана кириб келган болани кўрган Мирзаолим:

– Уйда тинч ёт, девдим-ку, қаёққа санқиб чиқа қолдинг?
– деб танбех берди.

Умаржон бошини эгганича унга яқинлашиб, чўнтагидаги тангаларни чиқарди.

– Олган жойингга қўй, керак бўлса, сўраб олиш керак...

Мирзаолим бошқа гап айтмади. Агар “Ўғри!” деб уриб юборса, ҳеч бўлмаса бир тарсаки урса, Умаржонга енгилроқ бўларди...

Ҳозир Умаржон ўша воқеани эслаб, бир энтиқди. Ташқарида шарпа сезилиб, ўгирилди. Ҳовлига кириб келаётган қўшнини кўриб, айвонга чиқди:

– Ассалому алайкум, Турсунхўжа ака, – деб қўш қўллаб кўришди.

– Сенмидинг? – деди қўшни саломга алик олиб, кўришгач. – Масжидга кетаётганимда уй қоронғи эди, келишимда чироқ ёниб турибди. Ким экан, деб ҳайрон бўлдим.

– Айвондаги чироқ ёниқ экан, киравердим.

– Чироқни мен ёққанман, бугун пайшанба, чироқларни ёқиб қўйиш керак, жума оқшомида арвоҳлар келади.

– Олим акам қанилар, масжидда қолдиларми?

– Масжидда қолганини кўрганмидинг? Нима қилади қолиб?

– Бирга бориб келардинглар... шунга айтяпман-да.

– Бирга бориб келардим. Бир ҳафтадан буён ўзим бориб-келяпман.

– Олим акам қаердалар? – деди Умаржон хавотир билан.

– Эшитмадингми? – деди қўшни унга ажабланиб қараб.

– Нимани эшитаман?

– Оғажон балнисада. Худо бир асради. Дўхтирнинг гапига қараганда пича оғир экан.

– Нима бўлди? Юракларими?

– Қанақа юрак? Оғажон мендан йигирма ёш катта бўлсалар ҳам, мендан бақувват эдилар. Бир палакат бўлди, эшитмабсан-да?

– Кимдан эшитаман, айтинг, нима бўлди?

– Ўтган ҳафта Тошкентдан бир автобус бола чиқиб, сой бўйидаги ялангликка чодир тикиб дам олди. Тўққизинчи синфни битирган болалар экан. Сал шўхликни ошириб юборишган эди, оғажон бориб дакки бердилар. Кейин икки кун меҳмон қилдилар. Болалар қайтадиган бўлишганда, автобусида жой бор экан, шаҳарга етиб олай, деб чиқдилар. Устозингга бир дори олиб бормоқчи эканлар. Хуллас, тепа-

ликдан тушишда бурилиш бор-ку, ўша ерда шопур бола ухлаб қолганми ё автобуснинг тормози ишламай қолганми, ишқилиб, мошин ағдарилиб, катта палакат бўлди. Ўлганлар ўлди. Тирикларини Тошкентга олиб кетишди. Оғажон ўзимизнинг балнисада қолдилар.

– Бир ҳафта бўлибди... Нега хабар бермадингиз?

Умаржоннинг аччиқлана бошлаганини сезган қўшни паст келишни истамай, шоп мўйловини бураб қўйди-да, овозини баландлатди:

– Сенгами? Қанақасига хабар бераман? Телпон номерангни билмасам, чўнтакка солиб юрадиган телпоним бўлмаса. Уйингга борайинми эди? Уйингни кўрсатиб қўйганмидинг?

– Турсунхўжа ака, Олим акам билан боргансиз-ку? Нега билмайсиз?

– Тўрт-беш йил олдин борган бўлсам боргандирман. Қанақасига топиб бораман? “Сўраб-сўраб Маккани топган эканлар”, деб йўлга отланганимда оғажон қайтардилар, “ишлари кўп, овора қилма, яхшиман, эрта-индин туриб кетаман”, дедилар. Хўп дейишдан бошқа иложим қолмади. Сен келмасанг ҳам, қаровсиз қолмадилар. Ўзим икки мартадан бориб турдим.

– Раҳмат, Турсунхўжа ака, раҳмат!

Умаржон шундай деб кўча эшиги томон юрган эди, қўшни тўхтатди.

– Ҳозир борма, шомдан кейин касал кўришнинг ҳосияти йўқ. Кун ботмай туриб бориб келганман, аҳволлари анча яхши. “Юз билан юзлашмай туриб дунёни ташлаб кетадиган аҳмоқ йўқ”, деб ҳазиллашиб ётибдилар. Эрталабгача сабр қил. Юр, бизникига, йўл чарчоғини чиқариб ол.

Умаржон таклиф учун раҳмат айтиб, шу уйда қолишини айтгач, қўшни изига қайтди-да, дам ўтмай дастурхонга ўроғлиқ нон кўтариб кирди. Кейин набираси чойнакда чой, сопол косада шавла олиб чиқди. Қўшнининг хабари

Умаржонни ташвиш тўрига ўраб ташлаган эди. Устозининг аҳволдан хавотири бир томондан, бир ҳафта давомида хабарсиз қолганининг руҳий азоби иккинчи томондан исканжага олди. Беоқибатлиги учун ўзини лаънатлай бошлади. Шундай аҳволда томоғидан таом ўтармиди? Бир пиёла чойни аранг ичиш билан чекланди.

“Юз билан юзлашиш”га аҳд қилган одамнинг гаплари тетик бўлгани билан руҳи синиқ эканини Умаржон сизди. Мирзаолимнинг кўзларида илгариги чўғ йўқ, сўнгги умидлар томирига илиниб турган юрак қарашларидаги маъюсликни яшира олишга қодир эмасди. Алҳол, у “юз билан юзлашиш”га эмас, ажал билан юзланмоққа ҳозир эди.

Аввалига Турсунхўжа гапирди. Мирзаолим қўшнисининг бир боғдан, бир тоғдан олиб айтаётган гапларини кулимсираганича тинглаб ётди. Турсунхўжа “гапларим оғажонга ёқяпти”, деб ўйлади. Лаблардаги кулимсирашнинг алдамчи эканини сезмади. Қўшнининг гапни гапга улаш учун озгина сукут қилганидан фойдаланган Мирзаолим унга миннатдорчилик билдирди:

– Турсунхўжа, сен қиёматли қўшнимсан. Умаржон юз ёшга кирган куним юбилей оши беришни ният қилиб қўйган. Мен сенга тўн атаганман. Сенинг рўзғор ташвишларинг етарли. Сен боравер. Умаржон билан бир оз отамлашай, агар дўхтирни кўндира олсак, шомга дўппидек ош дамлаб қўясан.

– Оғажон, ош қочмас, ҳадеб дўхтир болани қийинқистовга олавермай, яхшилаб тузалиб олинг. Умаржон, устозининг кўнглига қарама, дўхтир Тошканддан энг яхши дориларни олдириб келиб қараяпти. Яна бир ҳафта қимирламай ётишлари керак, деяпти.

– Дўхтиринг гапираверади, – деб эътироз билдирди Мирзаолим. – Энг яхши дорилар токчамдаги халталарда мени кутиб турибди. “Курорт”дан қайтганимдаги аҳволим эсингдами? Ўпкам илма-тешик бўлиб кетганди, нафас олсам, Сибирнинг шамоллари чийиллаб чиқарди. Ўзимнинг туркана дориларим одам қилдими мени? Дўхтирларинг-

га қаратганимда ўшандаёқ Шаҳидтепадаги ота-онамнинг ёнига жўнаворган бўлардим.

– Гап дориларда эмас, оғажон, ўзингиз биласиз-ку? Гап Худо берган умрда!

Яна бир-икки оғиз гаплашиш ниятида бўлган қўшнига Мирзаолим яна рўзғор ташвишларини эслатди. Турсунхўжа шоп мўйловини силаб қўйиб, ўрнидан турди.

У чиқиб кетгач, икковлари бир-бирларига тикилганларича жим қолдилар. Сукутни Мирзаолим бузди:

– Нега жимиб қолдинг? Ё... қулоғи оғир одам сингари мулзам бўлиб қолишдан чўчияпсанми? Ё овозим хаста чиқяптими?

– Қайси қулоғи оғир одамни айтяпсиз?

– Ҳали ҳам соддасан, а! – Мирзаолим шундай деб жилмайди. – Донишмандларнинг китобларини ўқимагансан, бу ҳикматни ҳам билмайсан, эшит:

– Анчадан бери хаста ётган одамнинг бир кар маҳалладоши бор экан. Дўстлари унга «хаста биродарингни шу пайтгача ҳам йўқламабсан-а?» деб танбеҳ берибдилар. Бу гап карга таъсир қилиб, дарҳол зиёратга отланибди. Йўлда бора туриб ўйланибди:

– Мен карман, у эса хаста – ғоят паст овозда гапиради. Ҳеч нарса эшитмасам, қандай гаплашаман?

Ўйлай-ўйлай «Беморнинг гапларини юздаги ифодадан билиб оламан, – деб қарор қилибди. – Уйга киргач «Қандайсан?» деб сўрайман. У хазин табассум қилади, шу жилмайиши «яхшиман», дегани бўлади. Шунда мен «алҳамдулиллаҳ, жуда ҳам хурсандман», дейман. Кейин «нима ичиб, нима еяпсан?» деб сўрайман. Албатта «шўрва» ёки «сут» деб бирон таомнинг номини айтади. Шунда мен «ош бўлсин», деб дуо қиламан-да, «қайси табиб қараяпти?» деб сўрайман. «Фалончи табиб», деб биронтасининг номини билдиради. Мен «У табибнинг ғоятда қўли енгил, яхши даволайди», деб кўнглини кўтараман», – деган тайёргарлик билан беморнинг уйига кириб борибди. Режаси бўйича

«Қалайсиз, қўшнижон», – деб сўрабди. Бемор шукр ва сабр қилувчилардан эмас экан. Шу боис кар кутгандай «Худога шукр, яхшиман», дейиш ўрнига маҳзунлик билан:

– Касалим оғир, ўляпман, – деди. Кар бу гапни эшит-маса-да, юзидаги хазин табассумдан ўзича хулоса чиқариб, аввалдан тузиб олган режасига мувофиқ суҳбатини давом эттирибди:

– Оҳ! Оҳ! Жуда хурсандман, Худога шукур!

Бемор бу одамнинг карлигини унутиб, гапидан ғазабланиди. «Бу одам душманим экан-да, билмай юрган эканман», деб ўйланибди. Кар эса давом этибди:

– Нима еб, нима ичяпсиз?

– Заҳар еб, заҳар ичяпман, – дебди бемор аччиқланиб.

– Ош бўлсин, – дебди кар. – Қайси табиб келиб турибди?

– Азроил келиб-кетяпти!

– Оҳ, оҳ! Унинг қўли жуда енгил-да, яхши даволайди.

Шундай деб ўзича беморнинг кўнглини кўтарган бўлиб, ўрнидан турибди. Унинг душман эканига қатъий ишонган бемор эса ғазаб ўтида қовурилиб қолаверибди.

Умаржон устозига қўшилиб кулган бўлди.

– Иккимиз куляпмиз-у, аслида айтганим латифа эмас. Ҳикмат! Дунёнинг энг зўр ҳикматларидан. Атрофимизни ўраб турган одамларнинг ярми хаста, ярми эса кар. Шунинг учун ҳам дунё ҳамиша нотинч.

– Карлик – касаллик, нодонлик эмас, – деди Умаржон.

– Жисмоний карлик шундай. Лекин бу ҳикматда маънавий карлик назарда тутиляпти. Бу оддий нодонлик эмас, фожиа! Сен илм одамисан. Кўп йиллардан бери илм одамлари билан юриб, илм олами ҳақида қандай хулосага келдинг? Илмнинг душмани нима экан, аниқлай олдингми?

– Бу икки карра иккидай гап: илмнинг душмани билимсизлик, жохиллик. Қисқаси, бу оддий аксиома!

– Ҳасадчи? Жохилликни маънавий касаллик десак, унга ҳасад аралашса, даволаш мумкин бўладими? Минг йиллар давомида ҳасад илони қанчадан қанча олимларни чақди, ҳасад туфайли улар подшоҳларнинг қаҳрига учра-

дилар, қувғинда сарсон юрдилар. Қанчалари хор бўлиб ўлдилар. Улар фақат ўзлари ўлмадилар, ўзлари билан буюк кашфиётларни қабрга олиб кетдилар. Агар илм олами ҳасаддан тоза бўлганида эди, бугун руслар билан америкаликларнинг кичкинагина орбитал станцияда олиб бораётган ишларидан фахрланмай, инсоният Альфа центаврга учган бўларди, – Мирзаолим енгил хўрсиниб, кафтини кўтариб қўйди: – Ке, иккимиз бу хастахонада биқиниб ўтириб, оламшумул масалаларни ҳал қилишга киришмай қўя қолайлик. Кечадан бери сени кўргим келаётган эди. Юрагимдан бир биотўлқин кўтарилиб, сенга етиб бориб безовта қилганга ўхшайди.

Умаржон “Мендан олдин келинингизнинг юраги безовта бўлди”, дейиши лозим бўлгани ҳолда, ҳақиқатни айтишдан уялди, бош ирғаб, тасдиқ ишорасини қилиб қўя қолди. Мирзаолим эса ундан нигоҳини узмаган ҳолда давом этди:

– Сен яхши олим бўлдинг. Эҳтимоллик назариясига ёки нисбият назариясига доир формулаларни ёзиб, бир пасда тўртта дафтарни тўлдириб ташлай оласан. Лекин ҳаётда ҳам нисбийлик, эҳтимоллик тушунчалари бор. Бунинг аниқ формулалари йўқ, сенам, менам буни эплай олмаيمиз. Лекин умримиз шу тенгламаларни ечишга уриниш билан ўтади. Бу ерда бекор ётавериб калламга турли ўйлар келаверди. Оқибатда сенга бир алламбало эртак тўқиб қўйдим. Болалигингда сенга ота-онанг эртак айтишмаган. Кейин китоб ҳам ўқимагандирсан. Мен ўйлаб қўйган эртакнинг алламбалологи шундаки, у фақат сен учун тўқилган. Бунақа илмий эртак дунёда йўқ. Эшит: берилган – беш дўст. Эртакнинг бош қахрамони “Z” – (зет) деб белгилаймиз. Унинг уч дўсти содиқ – “У” – (игрик) деймиз. Биттаси хоин “X” – (икс). Вазифа – (икс)ни аниқлаш. Бу тенгамани ечишга киришингдан олдин мен сенга битта ҳикмат, кейин битта ривоят айтиб бераман.

Бу ҳикматни кўп китобларда ёзишган, суҳбатларда гапиришади, балки эшитгандирсан: Лукмони Ҳаким йўл-

да бораётсалар бир уйдан нола эшитилибди. Кирсалар оғриқларга чидай олмаётган хаста одам дод дер эмиш. Табиблар келиб, «муолажадан наф йўқ, бир-икки кун ичида узилади», дейишибди экан. Лукмони Ҳаким беморнинг билак томирини ушлаб кўриб дебдиларким;

— Дардингга даво бор. Илон захри сенга шифо бергай.

— Илон захрини мен қайдан топай? Бир бедаво бўлсам... Мени шу аҳволда ташлаб кетаверасизми? Аллоҳ менинг зоримни эшитиб, Лукмони Ҳакимга рўбарў қилганида эди, у мухтарам зот мени ташламас эдилар, — дебди хаста.

Лукмони Ҳаким бу нолани эшитгач «Зинҳор ташламасман», дебдилару илонзорга бориб ёшроқ бир илонни бўғзидан бўғиб тутибдилар. Шунда илон иттифоқо тилга кириб дебдики:

— Эй Инсон фарзанди, сен нечун мени бўғаётирсан? Аллоҳнинг менга берган жабрлари камми эди?

— Аллоҳ сенга қандай жабрлар қилди? — деб сўрабдилар Лукмони Ҳаким.

— Мени кўримсиз қилиб яратди, одамлар кўрсалар мендан қочадилар. Мени ертубан қилиб қўйди, судралиб юришга маҳкум этди. Энди сен мени бўғиб жонимни оларсанми? — дебди илон.

Лукмони Ҳаким дебдиларким:

— Шундай қилмасам, бир одам ҳаётдан кўз юмар.

— Ажаб! Бир одамни сақлаб қолмоқ учун мени ўлдирасанми? — дебди илон. — Ахир у ҳам Аллоҳнинг бир махлуқи, мен ҳам. Бир жонни сақлаб қолмоқ учун иккинчисини маҳв этмоқ шартми? Эй Инсон боласи, сен айт: мен бировни чақсам, менинг захримни даф эта олармисан?

— Ҳа, — дебдилар Лукмони Ҳаким, — даф эта оларман.

— Унда менинг захрим кучли эмас экан, — дебди илон. — Дунёда шундай кучли захар борки, сен уни зинҳор даф эта олмассан.

— Қандай захар? Қора қуртникими? — деб сўрабдилар Лукмони Ҳаким.

— Э, йўқ, — дебди илон, — дунёда энг кучли заҳар — ОДАМНИНГ заҳри. Бунга даво йўқтур. Одам одамни чакса — албатта ўлим ҳақдир! Аллоҳ биз — илонларни тубан қилиб яратди. Аммо биз бир-биримизни чакмаймиз. Сиз — Одам болаларини юқори қилиб яратди, сиз бир-бирингизни чақиб ўлдирасиз. Сен жонини сақлаб қолмоқчи бўлаётган хастага менинг заҳрим даво эмас, янглишма. Уни ўзининг ишонган дўсти чаққан. Унинг заҳрига даво топа олмассан. Бунга ҳатто Луқмон ҳам даво топмагай. Қўй, ўлаверсин, азобларидан қутула қолсин...

Ўшанда ҳазрат Луқмони Ҳаким чорасиз қолган эканлар...

Мирзаолим гапдан тўхтаб, тамшанди. Кейин “Хастани ўзининг дўсти чаққан. Дўст чаққан маҳалда хастага даво йўқ” ... деб чуқур уф тортди-да, шогирдидин кўз узмай давом этди:

– Тенгламани ечишингда шу ҳикмат сенга ёрам беради. Энди замонавий бир ривоятни эшит: Худди бизнинг қишлоққа ўхшаган жойда бир бечора болача бор эди. Она си вафот этгач, табиийки, отаси бошқага уйланди. Бу хотин ёқмай, бошқасини олди. Хотин олиб, хотин қўйиши ўз йўлига-ю, болага меҳри йўқ эди. Урарди, оч қўярди. Шунда бола шаҳарда етимхона борлигини, унда меҳрибон одамлар яхши боқиб, яхши кийинтиришларини эшитди-ю, уйдан қочди. У бола сенга ўхшаган сабрли эмасди, қочди. Сен отангининг зулмига чидаб яшайвердинг.

– Мени ҳимоя қиладиган меҳрибон одам бор эди.

– Сен гапимни бўлмайд эшит: хуллас, етимхонада яшадди, ўқиди. Кейин катта ўқишхоналарда билим олиш учун Тошкентга келди. Шаҳарда биринчи кўриб ҳайрон бўлгани – ўзи тенги бир бола гул сотиб юрган экан. “Ие, гулни ҳам сотадиларми?” деб ажабланди. Кейин бир қўлида чойнак, иккинчисида алюмин кружка кўтариб сув сотаётган қизчани кўрди: “Воҳ, сувни ҳам сотадиларми?!” деб хайратланди. Эрлар билим юртида ўқиб юрганида унга алгебра ўқитувчисининг меҳри тушиб қолди. Лацис деган

одам бу ёқларга подшоҳ замонида Латвиядан келиб қолган экан. Болакайни уйига олиб келиб, меҳмон қиладиган бўлди. Ёлғиз яшаркан, ўша болани асранди қилиб боқиб олди. Ўсмирликдан йигит ёшига ўтганда қирқкокил бир қизни севиб қолди.

Ўша йиллари Эрлар билим юрти билан Қиз-жувонлар билим юрти ўртасида бирлашган ҳаваскорлик драмтўғараги ташкил этилган эди. “Z” деганимиз у йигитча бир неча дўстлари билан бирга тўғарақда иштирок қиларди. Ўшанда жуссаси ўзига ўхшаган кичкинагина, кўзлари ўйнаб тургангина, ўзи оқишдан келгангина бир қизни севиб қолди. “Z” ундан севги тўла кўзларини асло узолмас, ёнига бориб ишқ дафтари очишга эса ҳеч ботинолмас эди. Қиз ҳам майлдор боқишлар ва жон олғувчи жилмайишлар билан йигитнинг севгисини ардоқлар, саҳнада ўйинга тушатириб пинҳона ташлаган нигоҳлари билан унингсиз ҳам ёниб турган қалбини бешбаттар ёндиради. У ошиқликнинг кўзга кўринмас чайир иплари билан кун сайин маҳкамроқ боғланиб борарди. Қалби севгисини икки йил ўз бағрида пўпалаб ўстирди ва ниҳоят, ёзги таътилда иқрорга келтирди. Йигит билан қизнинг севгиси, майли ҳаммага ошкор бўлди. Ана шунда, улар учун ҳеч кутилмаганда бу севгини, бу бахтни кўролмаган, уларни бир-бирларидан айиришга ҳаракат қилган кишилар ҳам пайдо бўлди.

Уларнинг севгисига қаратилган ҳужум замирида маҳаллийчилик чўғи мавжудлиги йигитни тамоман гангитиб ташлади. Миллатни хароблик ботқоғига айнан маҳаллийчилик ботиришини у устозларининг суҳбатлари орқали англади. Англагач, Билим юрти талабалари орасида айнан шундай хасталик борлигини билиб, юраги эзилди. Тошкентлик фарғоналикни, самарқандлик хоразмликни, термизлик бухороликни кўролмаслиги уни афсус булутти билан ўраб турарди. Бугун билим олиб, эртага халқни жохиллик ва ғафлат уйқусидан уйғотиши лозим бўлган йигитларнинг бу аҳволи миллат келажагига қора

парда тортаётгандай бўларди. Айнан шу хасталик билан оғриётган йигитларнинг ўзига ҳужум қилиб қолишларини эса ўйлаб кўрмаганди. Ҳа, шундай бўлган эди. Севгилари ошкор бўлгач, Яқуб деган йигит биринчи бўлиб бош кўтарди. Бир у эмас, яна кўпгина йигит бу қизга ошиқ эди. Лекин улар орасидан биргина шу Яқуб ҳужум қилишга журъат этди. У “Мен бу қизни севаман!” деб майдонга чиқмади, номардлиги ҳам айнан шунда эди. Атрофига ўзига ўхшаган йигитчаларни тўплади-да: “Тошкентлик қизни келгинди олиб кетаверадими?” деган даъво билан чиқди. Бу шунчаки пўписа эмас, икки севишган қалбнинг ишқига очилган уруш эди. Улар аввалига йигитдан қайтариш учун қизга хилватда насиҳат қилиб кўрдилар. Қиз аҳдида қатъий тургач, йигит қора хатжилдларда мактублар ола бошлади. “Ўликлар” деб имзо чеккан мактуб эгалари қиздан дарҳол воз кечишини талаб қилар, кечмагани тақдирда ўзинигина эмас, қавм-қариндошлари ва уруғ-аймоқларини ҳам битта қўймай қириб ташляяжакларини ваъда этар эди. Бу аянч, айни замонда кулинч воқеа тез орада Билим юрти деворларидан ташқарига ёпирилиб чиқиб, комсомолларнинг га-зетида ҳам эълон қилинди.

“Ўликлар” ўз номи билан ўлимга маҳкум эдилар, улар севишганларни бир-бирларидан айиролмадилар. Қизнинг ота-онаси йигитни келгинди, уй-жойсиз, асранди деганига, “Ўликлар” ҳар қадамда севгиларига тўсқин бўлганларига қарамай, икковлари бирга яшаб кетдилар. Улар ўзларини ғолиб ҳисоблаб, масрур эдилар. Бироқ... масъудлик узоқ давом этмади. Улар учун ҳеч кутилмаганда комсомол ташкилоти бу масалани муҳокамага қўйди ва “шунча шовшув кўтаргани учун” йигитни комсомолдан чиқарди. Шовшувнинг асл сабабчиси, ишқ аҳлига суиқасд тайёрлаган “Ўликлар”нинг ташкилотчиси эса сувдан қуруқ чиқди.

Масаланинг бир ёқлама ҳал этилгани йигитни қаттиқ ранжитди. Комсомолдан чиқарилиши кўнглини оғритгани билан бу ҳолни фожа деб билмади. Бу ондаги жаҳонининг

қоронғулиги мажлисдаги адолатсизликдангина эмасди. У ғанимлар қўлининг баландлигидан эзиларди. Бундан бу ёғига қизнинг бадном бўлиши уни айниқса қийнарди. Ўйлай-ўйлай, қизнинг бахти-саодати ажралишда, деган қарорга келиб, унга кўнглини оғритгувчи оғир гапларни айтиб юборди. Ҳатто “Сени кўрарга кўзим йўқ!” деб бақирди. Қайси шайтоннинг измида эди ўшанда бу тил?! Юзлари ширмондай чиройли севгилисига шундай дейиши адолатсизик, инсофсизлик эканини била туриб айтди-я! Қиз бечора юм-юм йиғлаб, бир сўз ҳам демасдан уйига кетган эди. Аҳмоқлик булоғидан сув симирган ғурур яна ўз ишини қилди: йигитни ўрнидан туришдан, севгилисини ушлаб қолишдан тийди. Йигит қизни икки кун кўрмади, хужрасидан чиқмади: одамларга кўринишдан уялди...

Мирзаолим айтиб бераётган ривоятдан ўзи хижолат бўлгандай, нигоҳини дераза томон оғдирди. Хотира денгизини тўлқинлантираётган шамол ёқимли эмас, бутун вужудига игналар санчиб ташловчи изғирин эди. У узоқ йиллар давомида шу изғиринни ҳис қилиб яшади. Сибир ўрмонларининг совуғига, бўронига чидади. Аммо хотира изғиринига чидаш оғир эди. Айниқса, бошидан ўтганларни бировга айтмай, хотира қули бўлиб яшаш азоби забтига олганда инграб юборган пайтлари ҳам бўлган. Ҳозир ҳам шундай аҳволга тушди. Аммо Умаржоннинг олдида инграшдан ўзини тийишга куч топа олди. Аммо қалбида уйғонган фарёд икки томчи ёшга айланиб, кўзларини намлади. Мирзаолим титроқ овозда ривоятини давом эттирди:

– Хужрасига шом қиронғилиғи бостириб кира бошлаганда сурмаранг самога дераза орқали қараб қизга ғойибона бўзлади:

*Йироқлашдим, узоқлашдим бир неча кун сендан,
ҳол сўраб кўр мандан,
Нега мунча оғир келди бу йироқлик менга,
англатайин сенга!*

Мирзаолим болалик чоғидан то шу кунгача устозининг илмга доир кўплаб суҳбатларидан бахраманд бўлган, лекин унинг шеър ўқишини энди эшитиши эди. Мирзаолим ёшлигида адабиётдан узоқ бўлгани, Сибирда бир шоир билан дўстлашиб, унинг баъзи шеърларини ёдлаб олганини унга гапирмаган эди. Ҳозир негадир ўша шеърларнинг бири тилидан уча бошлади. Ҳолбуки, ўша дамда, севгилисидан айрилиб ўтирганда хаёлида бу сатрлар йўқ эди. Устозининг бу аҳволдан беҳабар Умаржон индамай тинглади:

*Чунки сенинг қаршингда мен айрилиқдан ўйламай,
кўзларингга тикилдим,*

*Ўзлимга, борлимга баҳо қўймай, санламай
ерга қадар эгилдим.*

*У кўзларинг тошқинида балиқ каби сузган мен,
айрилиқни ўйлайми?*

*Бошқа дунё, бошқа ўйдан боғланишни узган мен,
сенга қараб тўяйми?*

*Мана энди бир неча кун сендан йироқ қолдим-да,
қайғуларга кўмилдим.*

*Айрилиқда – қайғу ичра улушимни олдим-да,
кўзларингни хўп билдим!*

*Энди сенга кўнгил дардин буткул очиб берайми,
истайсанми сен шуни?*

*Истамасанг, қистамайман... олдин сени кўрайми,
сўнг айтайми мен уни?*

Яхши... энди қанотимни ростлайин,

*Учиб бориб олдин сени топайин,
сўнг дардимни очайин!..*

Охирги сатрлар дардли хўрсинишга уланди. Мирзаолим ютиниб қўйиб, сукут сақлади-да, сўнг ўзини зўрлаб, давом этди:

– Дардини очмоқ учун бормади... Боролмади... Қизнинг ўзи келди. Учинчи кун оқшом ғира-ширасида, эшиги аста тақиллади. Юраги қинидан чиқиб кетаёзди: бу уни икки

кундан бери интизор қилган таниш тиқиллаш эди. Ўрнидан сапчиб туриб, эшикни очди: остонада юзи сўлгин, ўзи ғамгин, кўзлари қизарган, қўлида рўмолчага ўроғлиқ бир нарса билан қиз турар эди. Буюк шодлик билан ичкарига таклиф қилди. Кирди, аммо юзидаги сўлгинлик кетмади. Қовоқлари солиқ, даҳшатли бир қарор билан келгандек эди. Ўтирмади-ю, тик турганича гапирди:

– Мен... тушундим... мени кўрмасликка ҳаққингиз бор... мендан нафратланишга ҳаққисиз... чунки... шунчалар шарманда бўлишингизга менгина сабабчиман... энди бу доғимни ўз қоним билан ювишга, сизнинг ҳузурингизда жон беришга келдим! – деди-да, рўмолчаси ичидан темир дастаси ялтиллаб турган қора “браунинг” чиқарди.

Бу аҳддан, бу ҳаракатдан йигит довдираб қолди. Бироқ, тезда ўзига келиб, қизнинг тўппончани ўқталишини ҳам кутиб ўтирмай, кескин човут билан қўлидан тортиб олди. Сўнг энг ширин сўзлар билан юпатиб, ноҳақ хафа қилгани учун узр истади. Гап орасида “тўппончани қаердан олдингиз?” деб сўраганида қиз титроқ лаблари билан “поччамники”, деб қўйди. Йигит қизил командирлардан бўлган бу одамни танирди. “Поччангизнинг тўппончасини қандай олдингиз?” деб сўрамади. Ўша куни бу сирни аниқлашга уриниб ҳам кўрмади. Узр-маъзурдан сўнг соғинч қалблар таскин топди. Тўппончадан ўқ отилмади... Лекин хоинлик замбараги ўқланаётганини улар билишмасди...

Мирзаолим гапиришга қийнала бошлаган эди. Икки марта чуқур-чуқур нафас олди. Сўнг стол устидаги чойнакка қаради. Умаржон шошганича пиёлага чой қуймоқчи эди, Мирзаолим “шундай бер”, деди. Умаржон бир қўли билан унинг бошини кўтариб, чойнак жўмрагини лабига тутди. Мирзаолим совуқ чойни ютоқиб-ютоқиб симирди. Умаржон унга дам бериш мақсадида суҳбатни давом эттирмоқчи бўлди:

– Чин севгининг душмани кўп бўлади. Айниқса қиз гўзал бўлса, қийин. Битта гўзалнинг висолига етишиш учун подшоҳлар бир-бирлари билан урушишган. Гўзалга етиша-

диган битта подшоҳ-у, у томондан ҳам, бу томондан ҳам мингларча одамлар қурбон бўлишган. Инсониятнинг нодонлиги шунчалик.

– Бу бошқа масала, – деди Мирзаолим. – Мен айтаётган замонавий ривоятнинг давоми ҳам, хотимаси ҳам бўлакча. Ҳа, севги бор, гўзал қиз бор. Лекин қурбонлар йўқ, дейиш ҳам мумкин. Хуллас, улар оила қурдилар. Лацис уйини асранди ўғлига берди. Йигит Ўрта Осиё университетининг физика йўналишига, қиз биологиясига ўқишга кирдилар. Йигит иккинчи курсдаёқ устозларининг назарига тушди. Тўртинчи курсга ўтганида ёзги таътилда Лациснинг тоби қочди. Асрандисига “Мени Москвага олиб бор, ўша ерда даволанаман”, деди. Бордилар. Аслида даволаниш баҳона эди. Лацис асрандисини Москвадаги катта олимлар билан таништирди. Йигит аспирантурада ўқишни бошлаганида унинг номзодлик иши қарийб тайёр бўлган эди. Баъзи илмий фаразлари ва бу фаразларни исботлашга қаратилган уринишлар Москвадаги олимларни, сен Капицани биласан, биринчи галда унинг диққатини тортди. Минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йилнинг ўн биринчи март куни “Z”нинг хонадони осмонида бирданига иккита саодат қуёши чарақлаб кетди. Москва унинг фаразларига юқори баҳо берди, бу илмий изланишларни энди Москвада катта илмий даврада давом эттириш деган гап эди. Иккинчиси, энг муҳими – у ўғил кўрди! Лекин бу иккала қуёш ҳам бир тунгина чарақлади. Тонгда сўнди: уни қамоққа олдилар. Нимагалигини ўзи ҳам билмайди. Яна икки дўсти ҳам қамалди. Улар ҳам айбларини билмай ўлиб кетдилар. Учинчи дўст Москвада эди. Икки кундан кейин келди. Икки кун аввал келганида уни ҳам қамаб, йўқ қилиб юборардилар. Яна бир дўст “X” бешикаст, омон қолди.

– У гўзалга ишқибоз бўлган “ўликлар”нинг бири эдими?

– Йўқ, қиз талашган “ўликлар” нодон эдилар. Буни ҳам “ўлик” десак бўлаверади. Чунки қалби ўлик эди. Аммо... ғоят ақлли эди. Ақллилига қарамасдан янглишди, уриниш-

ларидан ўзи наф ололмади. У бир ўқ билан икки қуённи урмоқчи эди: биринчиси қобилиятли тенгдошларидан қутулиб, ўзига кенг йўл очмоқни ният қилганди. Иккинчиси ва энг асосийси: “Z”нинг ҳисоб-китоблари ёзилган дафтарларга эга чиқмоқчи эди. Лекин хомлик қилди. “Z” дафтарларини Капицага бериб юборган эди. Москвадан қайтган учинчи дўст аҳволни билган заҳоти “Z”нинг хотини билан ўғлини туғруқхонадан олиб, қишлоғига элтиб қўйди. Уч йилгача умид билан кутишди. “Z”дан дарак бўлмагач, ўғилни ўз номига расмийлаштирди. Кейинроқ бориб, хотинни никоҳига олди. “Z” ўн етти йилдан кейин қамоқдан қайтди. Ўғли билан хотини бахтиёр эканликларини билиб, бу оилани бузишни истамади. Гулни ҳам, сувни ҳам сотиш мумкин бўлган шаҳарни тарк этиб, қишлоғида умр кечирди. У узок яшади. Шунчалик кўп яшади-ки... охири яшашдан ҳам чарчаб кетди. Хотини, дўсти вафот этди. Аммо ўғли тирик. Набираси ҳам бор. Лекин ўғлига ҳақиқатни айта олмайди. Жигаргўшаларини бағрига олиб, ўлимдан асраб қолган садоқатли дўсти хотирасига хиёнат қилгиси келмайди... Ривоятга яширинган масаланинг ечими оддий. “X”нинг кимлигини аниқлашга сен уринмай қўявер. Унинг кимлигини “Z” билгани кифоя.

Мирзаолим шундай деб кўзларини юмди. Умаржон киприklar намланганини сизди. Аммо гапиришга сўз тополмади. Каловланиб турганида у кўзларини очди:

– Бугун пайшанбами? Эртага жума... саййид-ул айём... Сен ҳозир уйингга қайтавер. Иложи бўлса, эрта пешинга қадар устозингни олиб кел. Кўргим келяпти...

Шундай деб яна кўзларини юмди.

– Москвадаги дўстингиз Нуриддин Хусниевмиди?

Мирзаолим қўққис берилган бу саволдан чўчиб тушди, кўзларини катта-катта очди.

– Мендан бошқа нарса сўрама... Уйингга бориб кел. Устозингнинг хориждаги ўғли билан учрашиб, уни илм йўлига қайтаришга уриниб кўр. Мақсудга тушунтир, ундан

воз кечмасин, насихат қилиб, бағрига олсин. Ўғлининг па- лаги тоза, одам қаторига киради барибир...

Шундай деб яна кўзларини юмди.

Умаржон бошқа ҳеч нимани сўрамади. Унга ҳамма нарса ойдин эди.

Бувужуддаги кичкинагина юракшунчалар дардни қандай сиғдирди экан? Одам қалбини ғижимлаб азоб берувчи дард оғирлигини ўлчаш мумкин бўлганда эди, бундай тарозининг бир палласига дунёдаги барча тоғлар қўйилса, барибир мит- ти юрак дарди оғирроқ чиқарди. Агар шу дард тоғларга бери- лганда эди, тошлар парча-парча бўлиб кетармиди...

– Умаржон, болам, бор, Мақсудни олиб кел...

Аянчли ялиниш оҳангида айтилган илтимос Умар- жонни ўрнидан туришга мажбур қилди. Мирзаолим билан хайрлашиб, ҳовлига чиқди-ю, суянчиқсиз ўриндикда ўтир- ган Турсунхўжани кўриб ажабланди.

– Кетмадингизми? – деди унга яқинлашиб.

– Қаёққа бораман, эмизикли болам акиллаб ётибди- ми?! Ўтир. Сени уйингга жўнатдимми? Шунақа бўлишини билувдим. Оғажон сени доим “зўр” олим, деб мақтайди. Қанақа олимлигингни билмайман-у, лекин ғўр одамли- гинг аниқ. Сен ота тарбиясини кўрмагансан-да. Ўша алкаш отангнинг тарбияси нима бўларди.

– Турсунхўжа ака, ўлганларни ёмонлаш гуноҳ эмиш, – деди Умаржон бу нохуш суҳбатнинг давом этишини иста- май.

– Мен ёмонладим нима-ю, ёмонламадим нима?! Уни Худонинг ўзи ёмонлаб бўлган. Олимликни сенга оғажон қиёмига етказиб ўргатди. Одамликни четдан туриб ўрга- тиб бўлмайди. Қонда бўлиши керак. “Қон билан кирган жон билан чиқади”, деб шуни айтадилар. Автобус ағанагандан бери бир нарсани кўп ўйлайман. Автобус йўл четида ағанаб ётибди. Тирик қолган болаларнинг қий-чуви оламни бу- зади. Ёрдамга шошиб бордик. Тирикларга ичирайлик, юзларига сепайлик, десак, атрофда сув йўқ. Ўтаётган мо-

шинларга қўл кўтардик, кўпи ағанаб ётган автобусни кўрди-ю, лекин тўхтамади. Тўхтаганларидан “сувинглар борми?” деб сўрасак, “Йўғиди”, деб афсусланиб кетаверишди. Шунда битта мошин тўхтади. Яшил номирасига қараганда хорижники, деб ўйладим. Ичидаги одамлар японми ё корейсми, билолмадим. Тилини билмасам ҳам сув сўрадим. Улар чулдир-чулдир қилдилару, жўнавордилар. Лекин сал ўтмай, қайтиб келдилар. Ярим чақирим нарида бозорча бор эмасми, ўша ердан ўнтача ўрам сувларни олиб келиб ташлаб кетишди. Биз сув сўраганлар ҳам ўша бозорчадан ўтишган, лекин сув олиб қайтиб келишга фаросатлари етмаган. Бошларига оқ ҳожидўппини кўндирганлар ҳам бор эди, улар ҳам парвосиз кетаверишди. Тили бошқа, дини бошқа одамларнинг дили бир экан, бунга нима дейсан? Худо жонимни олиб, Мункар билан Накирга рўпара қилганида “Дининг нима?” деб сўраса, “Алҳамдулиллах, мусулмонман”, дейман. Фалокатни кўриб тўхтамаганлар ҳам, “сув йўк”, деб кетворганлар ҳам ўлганида шундай жавоб беради. Ўша японларни ҳам саволга тутишса керак. Хўп, Худо қай бирига меҳрибонлик қиларкин? Мусулмонлик фақат пешонани саждага қўйишдами? Қайси бир йили ўрис монтерни ток урди. Бояқиш бир пасда кўмирга айланиб қолди. Оғажон “Зах ерга кўмилса, баданидан ток чиқиб кетади”, девдилар дўхтирлар имиллаб етиб келгунича икковлашиб ўра қазиб, бўғзигача кўмиб қўйдик. Дўхтирлар “ўлган” дейишгандан кейин ҳам тирилишга умид қилдик. Ўзимизнинг қабристонимизга қўйдик. Ўрисчасига кўмишга ўшанақа тобут бўлмаса, жанозасини ўқийдиган попи бўлмаса. Оғажон яна “зах ерда жон қайтиши эҳтимоли бор” дегач, лаҳад кавлатиб, мусулмончасига кўмдик. “Лаҳадга ҳаво кириб турсин, тирилиб қолса, овозини эшитайлик”, деб сопол қувурдан мўри ҳам чиқариб қўйдик. Оғажон икковимиз икки кун навбатма-навбат ухламай пойладик. Бир-икки нодонлар “Нега кофирни мусулмоннинг мозорига кўмасанлар?!” деб дий-диё қилди. Аммо оғажон гап

билан боплаб ташлади: “Шу ер, шу тупроқ Худонинг мулкими ё сеникими? Урушда ўлганларни Европага кўмганларми ё қишлоққа олиб келганмисан? Сенам Худонинг бандасисан, шу бола ҳам Худонинг бандаси. Сенам Одам алайҳиссаломдан тарқагансан, бу ҳам шундайми? Сен “кофир” деяётган йигит сен билан менинг ҳожатимни чиқараман, деб ўлдими?”

Турсунхўжа, чуқур хўрсиниб, икки кафти билан икки тиззасини уриб қўйди.

– Майли, ким нима экса, ўшани ўради. Сени “ғўр” деб туриб, гапни чалғитиб юбордим. Оғажон сени нега чиқариб юбордилар?

– Уйга бориб устозимни олиб келарканман. Кўргилари келганмиш...

– Шунақа десалар, шўппайиб чиқиб, уйингга ғўддайиб кетмоқчимисан?

– Астойдил илтимос қилдилар, йўқ деёлмайман-ку?

– Ўзинг боришинг шартми? Чўнтагингдаги телпонингни ол, ўғлингга, айт, олиб келади. Сен эса кетма... ёнидан жилма.

– Нега?

– Кўзлари билан бурнига диққат билан қарамадингми?

– Йўқ...

– Бугун кўзларидан нур қочибди. Бурун катаклари ҳам сал тепага тортилибди. Ишқилиб адашаётган бўлайин-у, лекин хабар келганга ўхшаб кўринди менга. Устозингни қачон олиб келишинг керак экан?

– Эртага пешинга яқин.

– Ҳа... – шундай деб сукут сақлади-да, ниманидир чамалаган бўлди, сўнг бир қарорга келиб, буйруқ оҳангида деди: – Ўғлингга телпон қил, бугун олиб келаверсин. Гапимга ишонмаётган бўлсанг, кириб дўхтир билан гаплаш, “аҳволлари яхши, хавотирли эмас”, деса гапини қулоғингга олма.

Умаржон унинг айтганини қилиб врачга учрашди.

– Сиз... кимлари бўласиз? – деб сўради врач.

– Шогирдлари... ўғиллари қатори бўлиб қолган шогирдлариман. Кеч хабар топибман.

– Ўғиллари қатори бўлсангиз... тўғриси айтишга умид қиламиз... – врач шундай деб фикрини қандай ифода этишни ўйлаб жимиб қолди, кейин ўрганиб қолган русча иборани айтди: – Стабильное, но крайне тяжёлое.

– Но шанс есть? – деб сўради Умаржон унга мосланиб.

– Шанс ближе к нулю.

– Унда уйга олиб кетайликми?

– Йўқ, бундай маслаҳат бермаган бўлардим. Надежда умирает последней.

Умаржон афтодаҳол равишда ҳовлига чиқди. Бир оз ҳаракатсиз турди-да, сўнг телефонини чиқариб, Жаҳонгирга кўнғироқ қилди.

Пешинда Мирзаолим томоғидан сув ҳам ўтмади. Турсунхўжа пахтани ҳўллаб, лабини артган эди, хиқичоқ бошланди. Мирзаолим кўзларини чирт юмиб олди. Каттиқ уйқуга берилганлай енгил хуррак ота бошлади. Турсунхўжа унинг иягини силаб, пичирлаганича калима келтирди-да, куф-суфлаб қўйди. Кейин билган оятларини ўқиб дам сола бошлади. Хуррак тинди. Хиқичоқ ҳам босилди. Лекин кўзлар очилмади. Турсунхўжа кафтини унинг пешонасига қўйиб мурожаат қилди:

– Оғажон, мен Турсунхўжаман, танияпсизми? Мен сиздан кўп яхшиликлар кўрдим, сиздан мингдан минг розиман. Сиз ҳам мендан рози бўлинг. Кўнглингизни ранжитган пайтларим ҳам бўлгандир, оғажон, рози бўлинг. Энди мен бутун қишлоқ номидан гапирай: сиз ҳаммага яхшилик қилгансиз, қишлоқнинг катта-ю кичиги сиздан мингдан-минг рози. Сиз ҳам ҳаммамиздан рози бўлинг. Қишлоқчиликда кимдир кўнглингизни оғритгандир, улардан ҳам рози бўлинг. Биз ожиз бандалармиз, қўлимиздан нима ҳам келарди, бу дунёда Худо ҳамсоя қилди, Қиёматда ҳам Ўзи бизларни жаннатда қовуштирсин...

Кейинги гапларни айтаётганда Турсунхўжанинг овози пастлаб, титради. Овоздаги титроқ Умаржоннинг қалбига

кўчди. Устозининг жон бераётганига ишонгиси келмади. Турсунхўжанинг рози-ризолик тилаши унга ҳукм каби эшитилди. У ҳам нимадир дейиши керак эди. Тили гапга айланмади.

– Сен ўғил қатори ўғил эдинг, – деди Турсунхўжа наманланган кўзларини унга тикиб, – розилик сўра.

– Ота... – шундай деди-ю, йиғи томоғини гип бўғди. Мирзаолим бир пайтлар “ота” дейишни таъқиқлаган эди. Ҳозир бу сўз ўз-ўзидан тилига келди. “Устоз” ҳам, “Мирзаолим ака” ҳам деёлмади, юраги “Отажон” дейишни истади. Бир ютиниб, бўғзидаги йиғини енгди-да, эшитиларли овозда “Отажон”, деди. Мирзаолим сесканиб тушгандай кўзини бир очиб-юмди. Умаржон энгашиб бетини унинг қуруқшаган бетига қўйди-да розилик сўради. Устозининг сушлашаётган нафаси бетига урилиб, вужуди вайрон бўлиб кетди. Уни қучоқлаб олиб, Азроилнинг чангалидан ҳимоя қилмоқни истади, бечоралик алаmidан фарёд урмоқни истади. Агар бу дамда мўъжиза юз бериб, ўлим фариштаси кўзга кўринса-да, “Мен устозингга яна бир кун мухлат бераман, аммо бунинг эвазига сенинг жонингни оламан”, деса, ўйлаб ҳам ўтирмай ризо бўларди. Аммо қани ўша мўъжиза?!

Мирзаолим ингради, нимадир деб ғўдиранди. Умаржон қадини кўтарди. Турсунхўжа яна дам солиб, оёқларини ушлаб кўрди. Кейин пешонасига кафтини қўйди.

– Қийналяптилар... кимнидир кутяптилар... жуда-жуда кутяптилар...

Кимни кутаётгани Умаржонга маълум. У аста хонадан чиқиб, Жаҳонгирга телефон қилди. “Ада, етиб қолдик”, деган жавобга қониқмай, “ҳайдовчига айт, тезроқ юрсин”, деб тайинлади-да, бетоқатланиб ташқарига чиқди. Ярим соатга қолмай етиб келдилар. Мақсуд аравачасига ўтира туриб Умаржонга ҳам умид, ҳам хавотир кўзи билан боқди. Ҳали Жаҳонгир кутилмаганда келиб, “опоқ дадамнинг товлари йўқмиш”, деганидаёқ вазият оғир эканини сезиб, хавотирга тушган эди. Умаржоннинг қарашидаги хомушликни кўриб, “Кечикдими?” деган ўйда юраги қалқиб кетди.

Кечикишмаган эди. Улар хонага кириб келишлари билан Турсунхўжа:

– Келдиларингми, етқизганига шукур, – деб Мирзаолим томон энгашиб, дона-дона қилиб гапирди: – Оғажон, Умаржоннинг устози келдилар.

Мирзаолимнинг юзлари учди. Кўзларини очиб-юмди.

– Отлари Хусниддинмиди? – деб сўради Турсунхўжа Умаржондан.

– Отлари Мақсуд. Мақсуд Хусниев.

Турсунхўжа яна Мирзаолим томон энгашди:

– Мақсуджон Хусниев деган устози келди...

Бу сафар Мирзаолим кўзларини катта-катта очди, нигоҳи хона бўйлаб кезиб, Мақсудни қидирди. Излаганини кўргач, қотиб қолди. Юзида мулойим жилмайиш зоҳир бўлди. Кейин худди нимадандир хижолат бўлгандай кўзларини аста юмди. Лаблари қаттиқ қимтилди. Турсунхўжа калима келтира туриб, тиззасидаги пешонабоғни олди-да, унинг жағини боғлаб қўйди...

Умаржон ўғил, Жаҳонгир набира ўрнида бел боғладилар. Хусниев дафтарчасига “менинг ҳам белимни боғла”, деб ёзди. Умаржон унга “Сиз ҳаммасини биласизми?” деган маънода ажабланиб қаради. Хусниев яхши одамнинг хотираси олдида бел боғлаб туришни истаган эди, Умаржонга буни тушунириб ўтиришга фурсати йўқ эди.

Жума намозидан сўнг жаноза ўқилди. Жаҳонгир Хусниев ўтирган аравагани кавланган қабрдан берида, шийпон соясида қолдирмоқчи эди, у ишора билан яқинроқ олиб боришни билдирди. Майит лаҳадга қўйилгач, гўрков тутган кетмон юзига у ҳам Жаҳонгир олиб берган бир сиқим тупроқни ташлади...

Қабристондан қайтишаётганда Турсунхўжа Умаржонни елкасини силаган бўлиб деди:

– Худо сенга устоздан берган экан. Мақсуд устозинг қанақа олимлигини билмайман-у, аммо яхши одам экан. Лекин ўғлингга соядек илашиб юрган меҳмонингга тушуна олмаяпман. Уни ўзбек дединг, ҳеч қовушмаяпти-ку?

Озодий бу томонда айрилиқ ташвишига гувоҳ бўлишини тасаввур этмаган, Жаҳонгир “устозни тоғ ҳавосига олиб чиқиб сайр қилдириб келаман”, дегани учун эргашиб келаверган эди. Бундаги воқеаларни аввалига ажабланиб кузатди. Жаноза маросимига тўпланган тумонат одамни кўриб, хайратланди. Қабристондан қайтгандан сўнг ҳам одамларнинг тарқалишмай мотамсаро аҳволда ўтиришларини таажжубланиб, “булар ростдан ҳам марҳумга бегона одамларми?” деб сўраб олди.

– Қоғозлардаги ҳужжатлар бўйича бегона, аммо юраклари бир-бирига боғланган, – деди Умаржон.

Кечки салқинда Мақсуд Ҳусниев билан Озодийни кузатдилар. Умаржон ўғли билан қолди. Уч кунгача лозим маросимларни адо этиб турди.

Озодийнинг сафари охирлаган эди, тўртинчи куни ота-бола шаҳарга қайтиб, тўғри меҳмонхонага бордилар. Умаржон Озодий билан меҳмонхона ҳовлисида хайрлашди. Меҳмон уни бағрига босиб хайрлашди.

– Сиз билан Берлин симпозиумида дийдор кўришмак умиди ила кетажакман.

– Ишқилиб биздан ранжимадингизми? Олий даражада лутф кўргаза олмадик.

– Асло, асло, хўжа афандим, менинг бошим кўклара етмишди. Жаноза намозига гувоҳ бўлганимдин сўнг бурая қайтиб кўп фикр қилдим-ки, Қуёш физикаси ҳам, лазер ҳам, гелиобатарейлари ҳам бу алоҳида масала экан. Илмга хос бўлмиш бу каби янгиликларни бошқа жойларда ҳам учратмоғимиз аниқдир. Мен бунда улардан-да муҳимроқ нарсани кашф этдим-ким, сизлар “меҳр-оқибат” демиш экансизлар. Мен эсам, аждодларга тақлидан “Шамсул меҳр” дегим келди. Сўзамол эмасман, бу меҳр-оқибат бундан-да гўзал сифатга лойиқ. Сабабки, биз ердан туриб Қуёшнинг ҳароратини ўлчаб бера оламиз. Аммо Қуёшни уялтира оладиган меҳр-оқибатнинг ҳароратини ўлчашга ҳеч ким қодир эмасдир. Бу – аксиома! Хўжа афандим, дастлабки суҳбатимизда фикримиз айри туюлиб эди, аммо бунда

юриб-кўриб, хорижда истиқоматда бўлмиш ватандошларнинг кўп нарсадан мосуво эканликларини англадим. Ватан соғинчи билан ўтган аждодларимизнинг нолаю фиғонлари бежиз эмас экан. Ул фиғонларни қалбим ила ҳис этдим. Мен сизлардан қуёш физикасига оид илмий маълумотларни олиб кетяпман. Уни илм аҳли орасида тарқатажакман. Афсусим шуки, бундаги одамзотнинг энг буюк кашфиёти – ўзаро меҳр-оқибатини олиб бориб тарқата олмасман. Бу ҳам аксиома!

Озодий шундай деб бош эгди-да, маҳзун жилмайиш билан хайрлашди.

* * *

Умаржон меҳмонни кузатгач, тўғри уйга келди. Хусниев билан кўришиб, унинг елкаларини силади. Лекин кўзларига қарашга журъат қилолмади. Мирзаолим унга қалбини темир тирноқлар каби қийнайдиган жумбоқни айтиб кетган эди. Ўзи бу сирни узоқ йиллар сақлади. Умаржон ҳам сир сифатида қалби кемтигида сақласинми ё устозига “Мирзаолим ака сизнинг отангиз эдилар”, деб бу оғир юқдан оппа-осон қутулсинми? Ўзи-ку қутулар... лекин бу юкни устози кўтара олармикин?

Пешинда овқатланиб ўтиришганда ҳам устози томон қарамасликка уринди. Эрининг маъюслигини айрилиқ ўтидан деб билган Холида унга ортиқча гап айтмай ўтирди. Уй телефони жириглагач, истамайгина гўшакни кўтарди. Кейин “маҳалладан”, деб узатди.

– Ҳали келмадилар, деб қўя қолмайсанми?

– Котибангиз тўртинчи марта қилиши.

– Ҳа, Муҳайёхон, тинчликми? – деди Умаржон саломга алик олгач.

– Сизни ҳоким сўраяпти. Тез борар экансиз.

– “Чала ҳоким” денг?

– Йўқ, чинакам ҳоким.

– Қанақасига? Ҳоким янги бўлдими?

– Янгимас, ўша кишини кеча сайлашибди.

– Сайлашибдими ё тайинлашибдими?

– Бунисини билмайман. Боришингиз шарт экан.

Умаржон гўшакни жойига қўйиб, чуқур нафас олди-да, сохта жилмайиш билан Холидага қаради:

– Суюнчи беринг, хоним, эрингиз озодликка чиқадиган бўлибди. Ҳоким чақирибди. Учиб бораман. Қўлимга оппоқ қоғоз бериб, “ариза ёзинг”, дейди. Қувонч ила ёзиб бериб, оилам қучоғига қайтаман!

– Бошқача бўлиши ҳам мумкин, – деди Холида унга ўйчан қараб.

– У чала ҳокимлик пайтида мени қиймалаб ташлашга тайёр эди.

– Энди сизни бўшатмайди.

– Нимага?

– Нимагалигини ўйлаб кўринг.

– Физика муаллимасининг фалсафаси билан ўйлаб кўрайинми ё...

– Оддий одам фалсафаси билан ўйлаб, хулоса чиқаринг.

Эр-хотин гаплашаётган пайтда Ҳусниев дафтарчасига нимадир ёзиб, Умаржонни чақирди. Умаржон ёзувни ўқиб кулиб юборди:

– Устоз, энг зўр фалсафа шу! Энди ижозатингиз билан шу саҳифани йиртиб оламан. Менга керак бўлиб қолади.

Ҳоким Умаржонни қадрдонлардай кутиб олди. Бир пиёла чой қуйиб узатди.

– Устозингизни бериб қўйибсиз, бандачилик, ташкилий ишлар билан бўлиб кўнгил сўрагани боролмадик, узр. Мана, оғир вазифани елкага олишга тўғри келди. Халқ сайлайман деб тургандан кейин нима ҳам қила олардик. Энди сизга ўхшаган эътиборли устозлар ёрдамида бу вазифаларни бажарамизда-а? Маҳаллангизни “Обод маҳалла” республика кўригида қолиб чиқиши учун ҳаракат қилишимиз керак.

– “Обод маҳалла” кўригида қатнашиш учун маҳаллани аввал обод қилиш керак.

– Шунга айтяпман-да...

– “Мимино” деган кинода бир армани грузинга “Сенга бир ақли гап айтай, аммо сен хафа бўлма”, деганидек, мен

ҳам сизга бир ақли таклиф айтай, малол олманг: гап яна ўша чала боғча қурилиши ҳақида.

– Келинг, шуни эсламай турайлик.

– Сиз диққат қилинг: агар бу ўринда кўпроқ ишлайман, кейин яна тепароққа кўтариламан, десангиз, ишни шу қурилишдан бошланг. Биринчи галда, бу жойга даъвогар бўлаётган бойвачча танишингизни ўзингиз четлаштиринг. Шаҳар ҳокимиятидан боқча қурилишини кейинги йил режасига киритишни талаб қилинг. Қаттиқ талаб қилинг. Худди юрак-юракдан халққа хизмат қилиш аҳдида тургандай кўрсатинг ўзингизни.

– Бу осон битадиган иш эмас.

– Дунёда осон битадиган иш борми ўзи. Мени нимага йўқлаганингизни тахминан билиб турибман. Келинг, бошқаларга сир бўлиб қоладиган бир шартнома тузайлик.

– Қанақа шартнома?

– Сиз боқча қурилиши масаласини ижобий ҳал қилишига эришасиз. Бунинг эвазига мен кейинги йилда бўладиган оқсоқоллар сайловида номзодимни кўрсатмайман.

– Сиз доим масалани мураккаблаштиришга уринасиз.

– Бу мураккаб масала эмас. Муҳокама этмаймиз, чунки ечими кўнгилга ёқимли.

Умаржон шундай деб ўрnidан турди-да, кўкрак чўнтагидаги қоғозни ҳокимга узатди:

– Устозим ҳикматлар ёзишга қизиқиб қолганлар. Бугун эрталаб ёзибдилар. Мен ёдлаб олдим. Сизга бериб кета қолай. Бу шунчаки ҳикмат эмас, бу аксиома!

Умаржон шундай деб айёрона кўз қисиб қўйди-да, чиқиб кетди. Гапларидан ғаши келган ҳоким унинг изидан қараб турди-да, сўнг икки буклоғлиқ қоғоз парчасини очиб ўқиди, сўнг қоғозни ғижимлаб унинг ортидан отди-да, ғўдираниб қўйди.

Қоғозга: “Отдан тушса ҳам, тушмас эмиш эгардан, барибир лаҳадга қўйилади эгарсиз”, деб ёзилган эди...

Вассалом

ФАЛАК

(Асрларни боғлаб турган воқеалар баёни)

Мухтасар муқаддима

Муниса кампир бувисидан қолган ёдгорликни набирасига беришга мажбур эди. Унинг аждодлари неча юз йиллардан бери бу қоидага амал қилиб келишган. Бувидан набирага қолдириладиган бу фалак тўйдан кейин қирқ кун мобайнида деворда осифлиқ туради. Сўнг авайлаб олиб қўйилади. «Бу фалак дунё тургунча туриши керак» – неча юз йил илгари тилдан учган васиятга неча юз келин амал қилиб келган. Муниса бувисини кўрмаган. Фалакни онаси «бувингдан ёдгорлик», деб берган. Салкам олти юз йил мобайнида тилдан тилга кўчиб келган васиятни ҳам онасидан эшитган. Энди набирасига узатиши керак. Қувонч билан эмас, кўнгилхижжиллик билан беради. Лекин наилож, бошқа набираси йўқ. Набираси Нозима инглиз диёрида туғилган. Ота-онаси хориждаги хизматларини яқунлаб, юртга қайтдилар-у, лекин «қизимиз яхшироқ билим олсин», деб ўша Лондонда қолдириб келишди. Нозима ҳар таътилга келганида Муниса унинг ҳаракатларини зимдан кузатади, тилидан учган сўзларга диққат қилади. Ўғлига бир неча марта «қизингни энди четга юборма, шу ерда ўқийверсин, зеҳни бўлса, қунт қилса, қаерда ўқишнинг фарқи йўқ», деди. Гапларига эътибор бермадилар. «Беруний билан Фарғонийлар Лондонда ўқишмаган-ку?» деган гапидан кулиб, «ойижон, эскича ўйлайверманг, ахир йигирманчи аср охирляпти», дейишди, кейин «йигирма биринчи асрда яшаётганингизни қачон ҳис қиласиз?» деб маломат ҳам қилишди. Мунисага кўп нарса керак эмас. Онасидан юқтирган фазилатларни набирасида кўришни истарди холос. Оврупонинг маданияти борасида Нозиманинг ками-кўсти йўқ эди. Лекин...

Бувисини «эски хотин» дегувчи шу набирасига насли-насаби учун энг азиз бўлган ёдгорликни топшириши керак. Лекин... ноумид – шайтон. Балки хавотири ноўриндир. Набираси балки бу ёдгорликнинг қадрига етар, кўз қорачиғидай асрар, аждодлар робитаси узилмас...

Нозима Лондонга қайтадиган кунни Муниса жавондан фалакни олди-да, набираси қаршисида ёйиб кўз-кўз қилди. Нозиманинг ҳайрат билан «вой, мунча чиройли!» дейишини кутди. Нозима бир бувисига, бир матога қараб, совуққонлик билан «нима бу?» деб сўради. Бу совуқ руҳ кампирнинг баданини музлатиб юборди. Фалакни тахлаб, жойига қўйишни хоҳлади. Лекин бундай қилолмасди. Аждодлар анъанасига қарши чиқолмасди. Кўнгил чинниси дарз кетганини сездирмаслик учун чуқур хўрсиниб олди-да, набирасининг саволига жавоб берди:

– Бу – фалак, осмоннинг тасвири. Мирзо Улуғбек замонида яшаган катта бувимиз шу фалакни тикиб, подшоҳга совға қилган эканлар. Ёвуз одамлар катта бувимизни ўлдиришганда подшоҳнинг ўзи жанозага келиб, тобут устига шу фалакни ёпган экан. Катта бувимизнинг ўғиллари ўшанда гўдак эканлар. Яхши одамлар тарбия қилишибди. Бу фалакни ҳам эҳтиёт қилиб сақлашибди. Катта дадамиз улғайиб, уйланибдилар. Қизларини куёвга узатиш пайтида шу фалакни сепга қўшган эканлар. Ўшандан бери бу фалак бувидан набирарага ўтиб сақланади. Энди бу сеники. Куёвга чиққанингда қирқ кун мобайнида уйинг деворига осиб қўясан. Кейин эҳтиётлаб сақлайсан. Сўнг набира қизингга топшириб, мендан эшитганларингни айтиб, кўз қорачиғидай асраши кераклигини тайинлайсан. То қиёматга қадар шундай бўлиши керак. Қиёмат кунни жаннатда катта бувиларимиз билан дийдор кўришганимизда шу фалак бизга шафоат бўлар экан...»

Нозима бу гапларни ҳақиқат эмас, тўқилган афсона сифатида қабул қилгани учун ҳам ҳаяжонсиз тинглади. Фалакнинг олти аср давомида сақланганига ишонмади. Бувисини ранжитмаслик учун фалакни қўлига олиб, эътиборсиз тарзда тахлаб, «рахмат...» деб қўйди. Қўшни хонага чиқиб «шу ерда қолаверсин, кўтариб юраманми», деган эди, онаси «бунинг нима оғирлиги бор, олиб кетавер, Англияда шунақа эски нарсаларга ишқибозлар бор, сотиб бирон нимага ишлатарсан», дегач, ноилож олди...

САБОҚДОШЛАР

Қорабайирни етаклаб келаётган йигит мадрасага яқинлашиб тўхтади-да, бинога ҳайрат билан қараб қолди: тўрт гумбазли, тўрт минорали, икки қаватли иморат унинг ҳушини олди. Эртақлардаги мўъжизага дуч келган каби киприк қоқмай тикилди: мадрасанинг пештоқи гумбаз билан, мовий гумбаз эса осмон билан пайваста, йигитнинг назарида мадраса гумбази самони ушлаб тургандай, бино вазнидан эса гўё Ернинг умуртқаси қирсиллаб кетаётгандай эди. Девордаги нақшлар қуёш нурида кўзни олгудай товланарди... У маҳлиё бўлгани ҳолда устозининг таърифини ёдга олди: «Мадрасанинг тоғ шукуҳли ҳайъати устухонбанд мустаҳкамлигининг фалак биносидин тинчликни олғон, юксаклик жиҳати бўлмиш азаматиншон пештоқи оғирлигининг еру заминга зилзила солғон, анинг олий даражалик кунгираларини қудрат устаси фалак айвонининг муқарнаскорлиги бирлан бир хилда ёсоғон, ложувард кошинларини қазо наққош фалакнинг чароғон юлдузлари бирлан бир тартибда нақш қилуб, аларга дахлдор қилғон; қуёш каби жилваси, зарнигор нақшлари гўзал фалак гумбази бирла ҳамвазн эрур...» Иморат ҳайбатидан лол қолиб турган йигит беихтиёр, «мадраса азамати олдида бу таъриф денгиз саҳнига бир чизиқча тортилгани кабидир», деб қўйди.

Йигит мадрасадан чиқиб келган узун чакмонли, бошига катта оқ салла ўраган басавлат кишига яқинлашди. Салом берди. Киши мулойимгина, қироат билан алик олгач, ундан сўрашга жазм этди:

– Тақсир, айбга буюрмайдилар, мен толиби илмлардан бирини истаб келиб эдим.

– Кимни?

– Мулла Абдулваҳобни.

– Абдулваҳобними?! – Кишининг қоши сал чимирилди. Йигитга бошдан-оёқ разм солди. Ундаги бу ўзгаришни йигит сезиб, ноқулай аҳволга тушди. Киши эса ноҳуш оҳангда яна сўради: – У кимингиз, акангизми?

– Акам эмас, сабоқдошмиз. Падари бузрукворларининг дуоларини етказмоқ ниятида эдим.

– Шундай денг?.. – Киши тусини ўзгартирмай, яна бир оз жим қолди. Кейин яна ўша нохуш оҳангда сўзлади: – Абдулваҳобингизни бу ердан топа олмастиз.

– Сабаб?

– Дўстингиз бунда сабоқ олмоқ ўрнига кўрнамаклик қилди. Шаккоклиги учун жазога лойиқ эрди. Лекин Худо асраб, давлатпаноҳнинг марҳаматин насиб этди. Илм олиш истаги йўқ эркан, мадрасани тарк этибдир. Шукрим, мадраса бир нобакордан ҳоли бўлибдир.

– Уйига кетдимиз?

– Билишимча, у хонақоҳда кўринар эмиш.

– Манави ердами? – Йигит мадраса биқинидаги хонақоҳга қаради.

– Йўқ, у бу ерга келмайди. Шаҳристон этагидаги хонақоҳни қаранг-чи, эҳтимолки, учратиб қоларсиз.

Йигитга шу гапнинг ўзи кифоя қилмоғлиги лозим эди. Бироқ, бир ҳақиқатни аниқлаб олишга фикри ожизлик қилгани сабабли, нотаниш кишини яна сўроққа тутиш одобдан бўлмаса-да, хижолатдаги одам овозида сўрамоқни лозим топди:

– Тақсир, агарчи камина тўғри англаган бўлсам, мулла Абдулваҳоб ўзларини тариқат аҳли қаторида кўрмакликни афзал билибдиларми?

– Нима дедингиз? Тариқат аҳли? – У киши савол назари билан қараб, масхараомуз кулимсиради: – Тариқат аҳли кимлардир, билмасмисиз? Илмдан юз ўтирган банда тариқат аҳлидан бўлмоғи кулгили ҳол эмасми? Бировлар борким, дунёдан юз ўтирдим, дерлар. Бироқким, дунё ҳаловатларига берилмаслик, хусусан, алданиб қолмаслик бошқадир, илмдан юз ўтирмоқлик ўзга ҳолдир. Бундин шундай маъно чиқурким, сабоқдошингиз ҳаракати мўминликдин эмасдир.

От ниманингдир хавфини сезгандай, бурнини кериб, пишқирди. Йигит жониворнинг бўйнига эркалаб шапати

уриб қўйди-да, кишига ҳам ташаккур, ҳам узр айтиб, келган йўлига қайтди. Намозгарга ҳали вақт бор, шу боис у аввал карвонсаройга қўниб, кейин масжидга чиқишни ихтиёр қилди. Самарқандга йўл олганида Абдулваҳобни кўришни умид қилиб эди. Мусофирлик тузини энди тотаётган йигит учун шаҳристонда таниш кишисининг борлиги анча далда бўларди.

Абдулваҳобларнинг ери уларникига туташ, лекин уч-тўрт баробар катта бўлиш баробаринда серсув сойга яқин эди. Қишлоқнинг аксар аҳли Абдулваҳобларнинг ерида ишлаб, ризқини териб ерди. Андижон йўлидаги адирда ҳам, Ўш теварагидаги тоғларда ҳам Абдулваҳобнинг хонадонига тегишли чорва ўтлаб юрарди. Йигитнинг Абдулваҳоб билан сабоқдошлиги ҳам рост, улар далоилхонада бирга саводларини чиқаришган эди. Абдулваҳобнинг хотири заифроқ, уқуви ҳам мақтарли даражада эмасди. Мадрасага бормоқлик истаги бўлмаса-да, отасининг пўписасидан қўрқиб, Самарқандга отланган эди. Беш йил муқаддам ота-бола биргалашиб, Мирзо Улуғбек салтанатининг бошкентига йўл олишган эди. Бир ойдан сўнг бойбува оғзи қулоғида – қувонч булутлари устида сузиб қайтди. Энди унинг ўғли ҳақида гап очилса, «Мулла Абдулваҳоб» деб иззатланадиган бўлинди. Беш йил мобайнида Абдулваҳоб қишлоғига бир марта ҳам келмади. Бойбуванинг ўзи бориб-келиб турди, сафардан қайтгач, ўғлининг таҳсил билан банд эканини сўзлай-сўзлай чарчамади. Бу йил баҳорда йўлга отланган чоғида унга бир хасталик илашди-ю, юролмай қолди...

Болаликда бир қишлоқ чангини ютиб катта бўлган сабоқдоши наҳот мадрасани тарк этган бўлса? Бойбуванинг олқишлари қайда-ю, ҳозир эшитган хабари қайда?! Абдулваҳобнинг илм йўлидан юз ўгиргани мусофир йигит умидига соя солса ҳам, ҳамқишлоғи билан учрашиш ниятидан воз кечмади. Бир томони, бойбува бериб юборган омонатни топшириш вазифасини бажармоқлик бўлса, иккинчи томони, уни қаландарлик жандасида кўрмоқликка истак уйғонган эди.

Йигит қорабайирни отхонага боғлаб, ўзи қаршидаги ҳужрага жойлашди. Кейин ҳовуз лабида турган обдастани олди-да, унга разм солди. Ҳатто қорнига чертиб-чертиб қўйди.

– Ҳа, меҳмон, хуш ёқдимми? – деди елкасига сочиқ ташлаган яғриндор киши.

– Миси тоза экан, – деди йигит.

– Ҳа... мендаги молларнинг бари асл. Мисгармисиз, дейман-а?

– Йўқ, заргарман.

Намоз вақти яқинлашгани учун йигит гапни қисқа қилиб, таҳорат олди-да, кўчага чиқди. Масжидга бора-боргунича учраган қаландарларга қараб, Абдулваҳобни кўриб қолишдан умид қилди. Бироқ, истаган одамини учрата олмади. Масжидда одам кўп эди, шу боис намозини пойгакроқда ўқиди. Юзига фотиҳа тортиб, бошқалар қаторида ўрнидан тургач, минора тарафдаги икки қаландарга кўзи тушди. Абдулваҳобни шулардан билай-чи, деб ўша томон юрди. Сўрашга оғиз жуфтлаган ҳам эди-ки, қаландарлардан бири унга пешвоз чиқди:

– Шамсибек?!

Йигит унга ҳайрат билан қаради – Абдулваҳоб! Қорайибди, озибди. Ёноқ суяклари туртиб чиқиб, кўзлари киртайиб, қовоқлари салқиб қолибди. Бетларидаги кулгич ҳам йўқолган. Агар хорғин оҳанг инобатга олинмаса, овози ўзгармабди.

Кўришишди. Кейин бозор этагидаги чойхонага ўтдилар. Абдулваҳоб кутилмаган учрашувдан қувонди. Ҳар ҳолда Шамсибек ҳамқишлоғи, ундан ота юртининг иси келади. Шамсибек эса на хурсанд, на ҳафа эди. Сабокдошидан кўз олмай, ундан илгариги Абдулваҳобни қидирарди. Олти йил аввалги Абдулваҳобдан ҳеч нима қолмаса-я!..

Тикилиб қарайвериш ўзига ҳам ноқулай туюлиб, ўзини қизиқтирган саволни беришдан тийилмади:

– Мадрасани тарк этдингизми?

– Мен шариатни парда қилиб олиб, диннинг путурини кетказаётган дўзахилар даврасидан чекиндим. Охират андишасини деб, пирымнинг этакларини туттим. Бандаларга Ҳақдан иймон сўраб, умрни тоат-ибодат ила ўтказмоқдан улуғроқ савоб йўқтур.

Шамсибек мийиғида кулиб, чинни пиёладаги кўк чойдан бир хўплади. Кейин фонуснинг нурида ялтираётган ботик кўзларга қараб, деди:

*Ё Раб, лойимни-ку, қорган ўзингсан,
Ўриш-арқоғимни ўрган ўзингсан.
Ёмонманми, яхши, мен қандоқ қилай?
Тақдир манглайини берган ўзингсан...*

Буни эшитган Абдулваҳобнинг чойнак тутган қўли тираб кетди:

– Астағфируллоҳ! – деди овозини кўтариб. – Неларни демоқдасиз? Тавба қилинг, дарҳол истиғфор айтинг.

Нариги сўридагилар унинг овозини эшитиб, ажабланиб қараб қўйишди.

– Тавбага не ҳожат? – деди Шамсибек хотиржам равишда. – Бу ҳикматни Умар Ҳайём айтганлар. Мен гуноҳ иш қилмоғимиз ҳам, савобга қўл урмоғимиз ҳам Аллоҳ талонинг изнидадир, демоқчи эдим, холос. Ўзгалар тақдири учун ибодатга берилмоғингиздан, шу йўлда умрни хазон қилмоқликдан не наф бор экан, ақлим лол. Ҳамонки, ҳар банда лаҳадга ўз амаллари билан кирадир экан, ўз гуноҳи учун ўзи истиғфор айтиб яшамоғи дуруст эмасми? Бешикдан лаҳадга қадар илм олмоқлик фарз қилинганини унутиб, илмдан юз ўгириб, умрни жувонмарг қилмоқлик гуноҳ эмасми экан?

– Алҳазар! Тилингизни тийинг! Дўзахиларнинг сўзларини айтманг.

– Хўп, сизнингча, бу дўзахиларнинг сўзи, ҳаракатингиз эса тарийқат экан, унда аввалги йўлингиз-чи? Илм олмоқликни нимага асосланиб, гуноҳ санай бошладингиз?

Абдулваҳоб суҳбатдошига ёвқараш қилди-ю, жавобдан тийилди. Жавобсиз қолган саволдан сўнг улар жим қолишди. Шамсибек нариги сўрида гурунглашаётганларга қараб ўтирар, Абдулваҳоб эса қўлидаги тасбеҳ доналарига тикилиб қолганди.

Шамсибек сабоқдошининг сўзларида сунъийлик сездиди. Абдулваҳобнинг хайратини ифода этиш мақсадида ёқа ушлаб қўйиши, калима келтириши кимларгадир тақлид қилувчи масхарабозни эслатарди. Унинг «охират андишасини деб, бандаларга иймон сўрамоқ учун» қаландарликни касб этганига ҳам унча инонмади. Чунки патгиламлар устида югуриб катта бўлган, боши парёстикларга ўрганган Абдулваҳоб табиатида ўзгалар тақдири учун куйиниш фазилати йўқ эди. Унинг табиати отасига тортган эди. Турдибой қурдирган масжидда намоз ўқишни истамаган Бойбува боғи этагига ўз номидан бир кичик масжид қурдириб, усталарнинг ярим ҳақини уриб қолгани етмагандай, харажатни қишлоқ аҳлидан турли баҳоналар ила ундириб олган эди. Абдулваҳоб мактабга келганида қўйнида ҳамиша битта оқ кулча нон бўлар, болалар бор овозлари билан сабоқни такрорлашга тутинганларида у энгашиб олиб, тебранганича ўгринча нон кавшаб ўтирарди. Бунинг учун бошига калтак тушган пайтлар ҳам кўп бўларди. У ҳеч маҳал ўртоқларини сийламасди. Аксинча, хабаркашлиги учун барча уни ёмон кўрарди. Кунларнинг бирида отаси бериб юборган пайшанбалик пулининг бир чақасини яширганидан хабар топган болалар, ундан ўч олиш қасдида бу қилмишини дарҳол домлага етказган эдилар. Ҳам домласидан, ҳам отасидан жазо олган Абдулваҳоб сабоқдошларини ёмон кўриб қолди. Мадрасага кетадиган йили Шамсибекларнинг қўрғонига ўт тушган, ён қўшни бўла туриб на Абдулваҳоб, на Бойбува ҳаттоки бир марта девор ошиб қараб ҳам қўйишмаган эди.

Шу одам энди бандаларнинг охирати хусусинда ташвиш чекаптими?

Балки... ҳам ўзининг, ҳам отасининг ўтмиш гуноҳлари эвазига энди тавбага юз тутган бўлса, не ажаб?

Нахотки?

Оқ яктакли киши чойни янгилаб кетгач, Абдулвахоб энди нохуш оҳангда сўради:

– Келишингиз боиси нимадир?

– Давлатпаноҳ йўқлабдилар. Сабаби менга қоронғу.

– У ҳолда Кўҳакка бормоғингиз лозим экан. Тунда иблислар билан суҳбат қурмоқ қасдида Боғи майдонга йўл олишган.

– Сўзларингизни англамадим?

– Нега англамайсиз, бу барчага маълум нарса – юлдузларни санайдилар.

– Кўҳак деганингиз олис ердами?

– Йўқ, айтарли олис эмас.

– Ҳамроҳ бўла оласизми?

– Майлингиз...

Суҳбатлари қовушавермагач, Шамсибек олиб келган омонатини топширди-ю, сўнг совуққина хайрлашдилар.

Эртаси куни чошгоҳда шу ерда учрашиб, совуққина омонлашишди. Абдулвахобнинг улови бўлмагани сабабли икковлари пиёда йўл олдилар. То шаҳардан чиққунларига қадар Абдулвахобнинг қўлига ким бир чақа, ким нон берди. Шамсибек отини етаклаб, унинг ёнида бораверди. Йўлда Абдулвахоб дини исломни хокисор қилмоқ қасдидаги фосиқлар хусусинда сўзлай кетди. Сўз ораларида уларни қарғашдан ҳам тийилмади. Обираҳматга яқинлашишганда, йўл четидаги нақшинкор карвонсарой чойхонасида тўхташди. Ариқдаги тиниқ сувда юз-қўлларини ювиб, тол соясидаги сўрига ўтиришди. Дўпписининг пилтаси кўришиб қолган, сал оқсайдиган пучуқ бола чой-нон олиб келиб қўйди.

Ариқ лабидаги супада давра қурган қариялардан бири қўлига танбур олди. Майин куй таралди. Дўпписини тиззасига қўйиб олган кўзлари юмалоқ киши қўлидаги ликопчани чертганича куйга жўр бўлди:

*Ул киму гўзалларга хандон лаб бермиш,
Ишқ аҳлиға жигар қонин заб бермиш.
Қисматимиз шодлик бўлмаса не ғам,
Шодмиз, чунки ғамни минг-минглаб бермиш...*

Абдулваҳоб хонандага хўмрайиб қараб қўйди-да, «ношукр банда, осий банда», деб асабий тарзда пичирлади. Шамсибек унинг сўзларини яхши англамаган бўлса-да, кайфияти бузилганини фаҳмлади. Ёшроқ хонанда биринчи қўшиққа иккинчисини улади:

*Кўруб гултек кўзунг рангини кўздин юз чаман бўлди,
Ақиқ эрнингни кўргали кўзум ҳоли яман бўлди.
Тун оқшом тўлгану сунбул бикин зулфингдин оҳ урдум,
Ҳавони ғолия тутти жаҳон мушки хўтан бўлди.
Қилиб раъно қадинг ёдни саҳарда онча йиғлади,
Кўзумнинг жўйбори ичра сарви норвон бўлди.*

Хонанданинг ширали овозига хуши кетган Шамсибекнинг хаёлини Абдулваҳобнинг қаҳрли хитоби бўлди:

– Ё Аллоҳ! Булар қандай мусулмонларки, фисқу-фужурга берилиб, охиратни унутсалар?! Узлатга чекинишни истамаган осий бандаларингга иймон бер, ё Парвардигор!.. – Унинг овози пастлаб, нималардир деб пичирлади. Кейин яна овозини кўтарди: – Арвоҳларнинг қарғишига қоляпмиз... Қиёмат яқин... Қиёмат! Фосиқ бандалар рўзи маҳшарни эсламай қўйишди. – У бошини эгиб олди-да, тасбеҳ ўтирганича гапини давом қилди: – Давлатпаноҳингизга ҳазрат Қусом арвоҳларининг қарғиши тегди...

Мавзунинг тўсатдан бу томон бурилиши Шамсибекка ғалат туюлди. Султон Улуғбек одил бўлгани боис раияту, ҳабисаю, ятимчаю – барча мўъмину мусулмон эртаю кеч онинг дуосида бўлганлари ҳолда сабоқдоши тилидан учган бу гап заҳаролуд тиғ каби кўнглини тилиб, танбеҳ бермоқ мақсадида оғиз жуфтлади:

– Ундай демангиз...

– Танбеҳингизда асос йўқтур. Ҳар бир султон учун йилда бир марта ҳазратнинг қабрларини зиёрат қилиш фарз баробариндаги одат экани барчага маълумдир. Давлапаноҳингиз бу йили ҳам удумни яна бузди. Ҳазратнинг даҳмаларига бош қўйишдан оғринди.

– Буни сизга ким айтди?

– Муҳтасибимиз Саййид Ошиқ масжидда ёлғиз ўзлари таҳажжуд намозини адо этгач, тиловати Қуръон қилиб ўлтурганларида арзу само бирдан қисирлаб, Шоҳизинда томонда яшин чақнаб кетибди экан. Ҳазратнинг қабрлари устинда бир соя қад ростлабди-да, ҳазрати муҳтасибимизга қараб, хитобон: «Султон Улуғбек зиёрат қилмоқни лозим топмай, кибр отига миниб гуноҳкор бўлди. Бундан мусулмон аҳлини огоҳ эт. Самарқанд аҳли бу гуноҳни қон билан ювмас экан, бошлари кулфатдан чиқмас!» дебди...

– Яна кулфат уясини кавлашни бошладиларингми?

Нариги сўрида уларга орқа қилиб ўтирган қорувли кишига эътибор беришмаган экан. Маҳобатли бу сипоҳ Абдулваҳобнинг сўзларини эшитиб, ғазабга келган эди. Қовоғи уюлганидан пешонасидаги ажинлар йиғилиб, қалин қошлари туташиб кетганди. У яқин келиб, Абдулваҳобнинг елкасидан тутди:

– Қани, юр-чи, фисқу-фужурларингни ҳазрати шаҳриёр ҳам эшитсинлар!

Абдулваҳоб унинг чангалидан осонроқ равишда қутулиш учун «ё-ху», деб жазавани бошлади. Одамлар: «Қаландарга озор берма!» деб норози бўлишса ҳам, сипоҳ: «Қаландар бўлса, тоат-ибодат қилсин, сутоннинг муборак номларини булғамасин!» деб, уни турта-турта йўлга солди. «Сен ҳам юр», дегач, Шамсибек ҳам амрга ноилож итоат этди.

Бир тегирмон сув оқувчи ариқ ёқалаб анча юқорилашди. Кўҳак этагидаги боғ қўйнида қад ростлаган қасрга етиб келгунларига қадар асабий тарзда

юриб бораётган сипоҳнинг жағи тинмади. Авзойидан Абдулваҳобни калтаклаш истаги бор эди-ю, лекин бир андиша уни ушлаб турарди: у «Худонинг гадолари»га қўл кўтармоқлик гуноҳидан кўрқарди.

Сипоҳни Боғи майдон олдида турган дарвозабеги танир эди, шу боис улар йўли тўсилмади. Нозик дид билан бино қилинган зариф боғ оралаб бир оз юрилгач, ажиб иморат қаршисидан чиқдилар: устунлари тошдан бўлган ошиённинг тўрт тарафи айвон эди. Улуғ айвон ичида оқ мрамртошдан ишланган бир мўъжаз тахт бор эди. Абдулваҳобга бу ерлар таниш. У қирқ устундан иборат иморатнинг «Чилстун» дейилишини, сал нарида изораси тамом чиннидан бўлган «Чинний» қаср борлигини биларди. Шамсибек эса бундан беҳабар. У кеча Улуғбек мадрасасини қандай таажжуб, ҳавас, ифтихор билан кўрган бўлса, ҳозир ҳам бу ажабтовур иморатга шундай завқ билан тикилиб қолди. Атрофдаги зар тўнли одамлар эътиборни кўпам тортмади. Сипоҳ уларни боғ ичкарасига олиб ўтиб, бошқа бир сипоҳга топширди-да, изига қайтди. Намозни шу ерда ўқиб олишди. Намоздан кейин уларни олиб келган сипоҳ яна пайдо бўлди:

– Қани, ҳалиги фасод гапларингни шаҳриёрнинг ўзларига айт-чи!

Яна Чилстун қаршисидан чиқишди. Энди бу ер гавжум эди. Айвонда юрт акобирлари, улус амирлари ва доруғалари, тахтда эса эгнига самоваш тўн кийиб, бошига симоби салла ўраган мулойим чеҳрали бир киши ўтирарди. Шамсибек уни илгари ҳеч кўрмаган бўлса-да, давлатпаноҳ эканини англаб, тиз чўкиб, бошини эгганича таъзим қилди. Абдулваҳоб эса салгина эгилиб, салом берган бўлди.

Улуғбек индамади. Унинг ёнида ўтирган оқ соқолли қария сипоҳга юзланиб сўради:

– Буларни ҳайдаб келишинг боиси надир?

Сипоҳ таъзим қилганидан кейингина сўзлашга журъат этди:

– Тақсир, бу фосидхаёллар шахриёрнинг муборак номларини бўхтон балчиғига булғаётган эрканлар. Ўз қулоғим ила эшитиб, ғазабга миндим.

Қаландардан кўз узмай ўтирган Улуғбек бу изоҳдан сўнг кулимсираб қўйди:

– Қамариддин, эски танишни яна олиб келибсан-да, наҳот уни танимаган бўлсанг? – деди у.

Сипоҳ бир қаландарга, бир Шамсибекка қаради-ю, шахриёрнинг сўзларини англамай, жавобга тараддудланди.

– Сен Худонинг бу гадосини анча аввалроқ толиби илм либосида эканида олиб келиб эдинг. Таҳассурким, мулла-ваччалик йўлидан буткул қайтиб, ўзига мос асл либосини энди топибдир. Қани, сўзлайвер-чи, бу нималар деди экан?

– Арвоҳ қон тилаганмиш...

Сипоҳ шундай деди-ю, бу фасодни ўзи тўқиб чиқаргандай уялиб, бор гапни баён қилишдан истиҳола қилди. «Султон Улуғбек гумроҳ, даҳрий» деган сўзларни айтмоқликка тили айланмади. Бироқ, шахриёр шу қисқа баённинг ўзиданоқ гапнинг мазмунини уқди. Шамсибек унинг ғазабланишини, қаландарни жазога буюришини кутган эди, лекин не ажабки, султон боши узра дарғазаблик булуту кўринмади, аксинча, жилмайиб қўйди:

– Шугинами? Худонинг телба гадосини беҳудага овора қилибсан-да, – Улуғбек шундай деб, қаландарга юзланди:– Хўш, Абдулваҳоб, сен бу қулоҳу жандани қай мақсадда кийиб эдинг?

– Охиратни деб...

– Балли. Вазифанг – бандаларнинг гуноҳини Ҳақдан сўраб, ибодат қилиш. Аммоким, бандалар гуноҳини сўрайдурғон банда аввал ўзини поклаб олмоғи зарур эмасми? Фисқу-фужур ила банд банданинг ибодати ўз гуноҳини ювишга ҳам етмасмикин, валлоҳи аълам?!

– Фисқу-фужурдан Аллоҳнинг Ўзи асрасин, – деди Абдулваҳоб бошини кўтариб. – Мен охират осойишталиги-

ни кўзлаб, бандаларни арвоҳнинг талабидан огоҳ қилдим, холос.

– Аввали шуки, сен раият осойишталиги хусусинда қайғуриб, ўзингни уринтирма. Бу – султоннинг юмушидир. Сен арвоҳнинг сўзларидан қай ҳолда огоҳ бўла қолдинг, шуниси ажабланарли. Уни ўзинг кўрдингми?

– Йўқ... пирим кўрганлар.

– Арвоҳ фақат пирингга кўриниш берибди-да. Ажаб... ажаб! Арвоҳ яна нималар дебди? Ҳа, султон зиёратни лозим кўрмади, дегандир, а? Агар шундай деган бўлса, ул ҳам ёлғон сўзлабдир. Пиринг ҳам ёлғондин ўзни тута билмабдир. Сабабки, ул куни Барҳаёт шоҳ мақбараси остонасида тиловат қилганимга Қодири мухторнинг Ўзи шоҳид... Энди ўзинг айт, фисқу-фужурдан парҳез қилмаган қаландарнинг ёсоғи не бўлгай?

Абдулваҳобнинг ўрнига сипоҳ жавоб қилди:

– Ҳазрат шаҳриёрим, бул телбаниг ташҳизи хотири учун чўби ёсоқ зарурмикин?

Улуғбек унинг гапга аралашганидан норози бўлиб, «жим» дегандай ўнг қўлини сал кўтариб қўйди-да, Абдулваҳобга тикилиб, ундан жавоб кутди. Абдулваҳоб шаҳриёрга тик қарашдан ўзини тиймади:

– Менинг жоним – Аллоҳнинг омонати. Лозим бўлса, бул омонатни сизнинг қиличингиз тиғи ила олажак.

Улуғбек бу зардали гапни эшитиб, кулимсираганича бош чайқади:

– Йў-ўқ... Қиличим қонсираган эмас. Бобом Соҳибқирони акбар шамширини ҳар нарсага ҳам уравермас эдилар. Мен ҳам урмагайман. Қамариддин, уни кўчага узатиб қўй. Аммо, азият етказа кўрма. Унга Аллоҳ инсоф берсин. Инсофга юрмас экан, жазони ҳам Тангри таолонинг Ўзи бергай.

Шамсибек «Шаҳриёр Абдулваҳобни жазоламаса эди», деб хавотирланиб турган эди. Йўқ, у дўстининг аянчли қисматига ачинмас эди. Аксинча, қаландар жазолангу-

дай бўлса, султонга қарши янги фасоду иғволарнинг бош кўтаришидан хавфсирарди. Қамариддин Абдулваҳобнинг елкасига аста туртиб, дарвозага олиб борувчи йўлга имлади, кейин Шамсибекка қараб унга ҳам «юр» ишорасини қилди.

– Таксир, ҳазрат шахриёримизга бир арзим бор эрди,
– деди Шамсибек шошилиб.

– Қандайин арз? – деб сўради султон ёнида ўтирган қария.

Шамсибек кўйнидан мўъжаз пойгир чиқарди. Қамариддин ундаги мухрни кўриб, уни дарров йигит қўлидан олди-да, таъзим билан бориб, султонга узатди. Улуғбек пойгирни очиб, риқо билан ёзилмиш мактубга кўз югуртиргач, Шамсибекка бошдан-оёқ разм солди:

– Шамсибек Исмоил хожи ўғлиман, дегин... Нечун барвақтроқ айтмадинг?

Шамсибек жавоб ўрнига «ўзингизга кўриб турибсизку», дегандай таъзим қилди. Улуғбек эса пойгирни нави-сандага узатгач, яна Шамсибекка қаради:

– Қаландарга ҳамроҳи бўлиб қолишинг сабаби недир?

– Бу билан сабоқдошмиз, ҳазрат шахриёрим.

– Ажаб, икки дўстнинг бири давлатимнинг ажнихида иғво ила, яна бири раиятни алдаш ила машғул бўлса?– Улуғбек «бу ҳолга не дерсизлар?» дегандай атрофидаги аъёнларига қараб олди. Катта-кичик аъёнлар «бу нақадар ёмон аҳволдир», дегандай бош чайқаб қўйдилар. Давлатпаноҳ қаршисида таъзим қилиб турган Шамсибек бошини кўтариб, унга савол назари билан қарашга журъат этди.

– Сен мисни қалбаки олтинга айлантириш илмидан хабардор эмишсан? – деди Улуғбек йигитга синовчан тикилиб.

– Хабарим бор, ҳазрат шахриёрим. Мисни олтинга айлантира олишим рост, соч толаларидан кумуш ажратиб олишим ҳам ростдир.

– Шу макр ила фуқарони алдаб, бойлик тўплашинг-чи? Буни нечун айтмайсан?

– Агар шул гап чин десангиз, тўпланмиш бойлигим салтанатингиздаги ҳисобсиз икки хазинанинг бири, эҳтимолки, унданда зиёдроғи бўлмоғи мумкин эди. Аммо-ким, устодларим «Сирот кечмай, қаҳ-қаҳ кулма», деб каминани фуқаро ҳаққига хиёнат қилмоқликнинг нақадар гуноҳ эканидан огоҳлантиришган. Тавбалари қабул бўлгур бобом ҳар янги ишга қўл урганимда фотиҳа бериб, дердиларким:

*То қайғу қўлидан ичмасдан шароб,
Қувониб ичмадим асло майи ноб.
Ҳеч кимнинг тузига нон ботирмайман,
То ўз жигаримдан емайин кабоб...*

Бу ҳикматни эшитгач, Улуғбекнинг юзида мамнунлик кулгиси жилва қилди. Бундай ҳолларда унинг кўзлари яна ҳам меҳрли боқарди. У соқолини силаб, ёнидаги қарияга деди:

– Мавлоно, тахминингиз таҳсинга лойиқ. Йигит сиз айтгандай қобил. Ажнихимизга чақириб, янглишмабмиз.

Шамсибекнинг ёнида турган Қамариддин уни салгина туртиб қўйди. Шамсибек таъзим қилганича Улуғбек тахтига яқин келиб, тиз чўқди. Зангори дибога сариқ зар билан безак берилган тўннинг этагини ўпиб, кўзларига суртди. Шу аснода устозининг сўзларини эслади: «Охиратда Худо ёрлақагур соҳибқирони акбар ҳаёт эканликларида мирзо Улуғбек устозлари Қозизодайи Румий илмларини ҳурматлаб, ул зотнинг этақларидан ўпган эканлар. Шунда соҳибқирони акбар жуда ранжиб, «шаҳзодаларнинг этак ўпмоқликлари буткул ножўя, дунё сенинг оёғинг ўпмоғи лозим», деган эканлар. Шаҳриёр боболари сўзларини қулоққа олсалар ҳам, илм аҳлига бўлган эътиборларини камайтирмаганлар. Ажаб эмаским, сиз ҳам ҳазрати султоннинг паноҳида униб-ўссангиз...»

Улуғбек Шамсибекнинг елкасидан енгил ушлаб турғизди-да, ҳалигача қўл қовуштириб турган сипоҳга қаради:

– Қамариддин, меҳмонимизнинг адувбанди экансан, уни ўзингга топширай. Бир оз хордиқ чиқаргач, оқшомги суҳбатимизга бошлаб келгайсан.

Улар таъзим қилиб, тисланиб чиқишди.

АСЛ ОЛТИН ВА ИНСОН ҚОНИ

Оқшом чоғи Шамсибекни Чилстун томонга бошламадилар. Сўл томондаги гулзор ёқалаб, фаввора отилиб турган сахнга чиқишди. Қуёш уфқ сари бош қўйган, унинг кучсиз нури бир-бирига урилаётган марварид сув томчиларида акс этарди. Фавворадан сал наридаги шоҳсупада Улуғбек мутолаа қилиб ўтирарди. Шамсибек султонга ҳалал бермай, деган истиҳолада туриб қолди. Буни сезган Қамариддин унга секингина:

– Ҳазрати давлатпаноҳнинг ўзлари амр этганлар, бораверинг, – деди. Шамсибек илдам юриб, супага яқинлашди-да, тиз чўкиб қуллуқ қилди.

Улуғбек китобдан бош кўтарди. У оддий сариқ тўн кийиб олган, шу топда султонга эмас, кўпроқ мударрисга ўхшаб кетарди. Унинг бу ҳолатини кўрган Шамсибек ёдига устозининг гаплари тушди: «Султон Улуғбек «Улуғжон» деб эркаланган бола чоғларида боболари Соҳибқирони акбарнинг Кўксаройдаги кутубхоналарида мутолаага берилмоқни хуш кўрар эканлар. Гарчи, боболари сафарларда бирга олиб юрсалар-да, ҳарб илмига қизиқишлари, шунинг баробаринда, давлат ишларига рағбатлари ҳам йўқ экан. Бир куни ҳумоюн толеълик Соҳибқирони акбар «Кўзимнинг нури, салтанатимнинг умидли ниҳоли» деб эркалайдиган суюкли набирасини йўқлаганларида шаҳзодани кутубхонада эканини эшитиб, ёнларидаги Шоҳмаликка қараб: «Бул китоб жинниси охир-оқибат девони олийга ҳам

мунший бўлолмас, деб кўрқадирман», деб ҳазил гап айтгон эрканлар».

Шу воқеани эслаган Шамсибек тиз чўкиб, тўннинг барини ўпгач, Улуғбек кўрсатган жойга омонат ўтирди. Қамариддин суҳбатдан воқиф бўлмоқликка эҳтиёж йўқлигини англаб, таъзим билан изига қайтди.

Улуғбек тўрт оёғи шерпанжа усулида ишланган хитойи хон устидаги муковаси саҳтиён қизил теридан ишланган китоб билан қоғозларни эҳтиётлаб олиб кўйди.

– Бу тун Миррих Ерга яқинлаша бошлайди, – деди у йигитга қараб. – Расадхона аҳли шу учрашувга тайёрлан-япти. То юлдуз тошғунига қадар сен билан яқинроқ танишай деб эдим.

– Қулингизман, ҳазрат шахриёрим, – деди Шамсибек бош эгиб.

– Сен менинг эмас, Аллоҳнинг қулисан. Бул ҳақиқатни зинҳор унутма. Сени дастлаб таърифлашганда, улусни алдашингни айта туриб: «Ул иймонсиз гумрах ҳамдир» дейишиб эди. Бул таърифнинг боиси недир?

Шамсибек бошини кўтармади. Дарров жавоб қайтармади. У шариат тақиқлаган китобларни мутолаа қилгани учун шахриёрнинг қаҳри келар, деб ўйламасди. Аксинча, Улуғбекнинг шариат пешволари сўзларини кўпам инобатга олавермаслигини эшитган эди. Уни бошқа бир сир сукут сақлашга мажбур этган эди. Шамсибек ўзи ҳақидаги бу қадар батафсил маълумотнинг олампаноҳ қулоғига қай йўсинда ва кимларнинг саъй-ҳаракатлари туйфайли етиб келганини билолмай гаранг эди. У султоннинг тик назарига қарамоққа ботинмай, бошини эгиб гапирди:

– Мен «Махариқ ал-анбиё» билан «Хиёл ал-Мутанабийин»ни мутолаа қилиб, мазмунини баъзи биродарларга тушунтириб эдим.

– Ажиб... демакки, пайғамбарларнинг муборак номларига тил тегизибсан-да?

– Мен устозимнинг сўзларини фикри ожизим даража-сида ўзимча талқин этдим холос.

– Устод дедингми? Ар-Розий устодликка арзигулик аллома!

Шамсибек хонтахта устидаги китобларга кўз қирини ташлади. Уларнинг бири Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Масъудий», иккинчиси – Батлимуслининг «Ал-Мажистий»¹ асари эди. Шамсибек Батлимуслининг китобини кўрди-ю, хаёлига келган бир фикрни айтишга журъат қилди:

– Ар-Розий Батлимусли Афлотуну² Ақлидуслилар³ билан илм бобида беллашадиган аллома.

– Ахсанта! Ҳақ гапни айтдинг. Уни-ку, устод деб билибсан, шараф сенга. Вале, абу Али ибн Сино ҳам ар-Розийни устод деб билганини унутмагил. Таҳассурким, шундайин улуғ алломанинг йўлини тутганлар бу кунларда ғоят кам эрур.

– Аммо фалакиёт илмига сиз каби ихлос қўйганлар бисёр.

Улуғбек йигитга синовчан тикилди. Шамсибек, ножўя гап айтиб қўйдим шекилли, деб ўрнидан туриб, қўл қовуштирганича узр сўради. Улуғбек қўли билан ишора қилгач, жойига қайтиб ўтирди.

– Фикрингча, фалакиёт илми табобат ёки риёзиёт ёинки кимёдин пастроқ даражада турурми? – Улуғбек йигитнинг яна турмоққа ҳозирланганини сезиб, қўшиб қўйди: – илм хусусинда сўзлаш чоғингда ўзингни эркин тутгил.

Шаҳриёр эркин сўзламоқ ихтиёрини берган бўлса-да, Шамсибек фикрини очиқ баён этмоққа ботинмади, тилидан учар ҳар бир сўзни аввал ақл тарозисида ўлчаб, кейин айтди:

– Табобат ва кимёда ул замонлар устознинг тенги йўқ эди. Мен ҳам устоз каби кўпроқ Ер илмларидан баҳраманд бўлмоқликка ихлос қўйгандурман. Раият учун шу илмларнинг нафи бисёрдир, деган мулоҳазам бор. Айниқса, тиб

¹ Тахминан 170 йилда вафот этган юнон олими Птоломейнинг «Алмагест» асари. Шарқда «Ал-мажастий», баъзан «Ал-масжиди» деб ҳам юритилган.

² Платон – буюк юнон алломаси.

³ Эвклид – буюк юнон алломаси.

илми фуқаро офияти учун зарур. Устоз ар-Розийга қадар инсонлар чечак билан оғриб, кўп озорлар кўрганлари тарихда муҳрлангандир. Устоз чечакни қайтарувчи эм йўлин кашф этдилар-у, бу офат азоблари барҳам топа қолди. Тиб илми хасталикларни тарқатувчи инсу жинсларни кашф этди. Афсусим шуки, бани Одам бундан хануз беҳабардир. Инсонлар ҳақимлар сўзларин қулоққа олмайдурлар. Аллоҳнинг улуғ неъматини ҳисобланмиш офият қадрига етмайдурлар. Шу боис ўлим кўп, умр эса ғоят қисқа. Агарчи, давлатпаноҳнинг ихтиёрлари ила тиб илми билан кимё илми ривож топса, нур аланнур бўлур эди.

– Яъни?

– Яъниким, дорулшифоиялар қурилса, раият офияти бисёр хўб бўлурмикин, демоқчиман.

– Истагинг кўп маъқулдир. Бироқ, фалакиётни назарга илмаганинг чакки. Бир бармоқнинг кучи ҳеч қанча эмас. Илм ҳам шундайдир. Аллоҳ берган замин илмларининг барчаси бир-бири ила робитадир. Донишманд аллома бу илмларнинг барчасидан хабардор бўлмоғи даркордир. Устозинг шундай алломаи замон эди. У фалакиётнинг табобатга кўп таъсири мавжудлигини ҳам билган. Замин узра хасталик тарқаб, қирғин бошланишига фалакдаги ўзгаришларнинг сабаб бўлишини ўйлаб кўрмаган экансанда? Билки, гавҳари анжум¹ самога шунчаки сочиб юборилган эмас. Улар Аллоҳнинг иродаси ва улуғ мўъжизаси ила туркум-туркум бўлиб жойлашганларки, бир-бирларин инсон ақли бовар қилмовчи куч ила тортиб турурлар. Курраи арзни ҳам фалакдаги бўлак сайёралар ажиб бир қувват ила тортиб турурлар. Агарчи, тортиб тургувчи бу қувват бўлмас экан, юлдузлару сайёралар қоришиб кетиб улуғ бир фалокат юз берур эди. Шунингдек, бу қувват мавжудликдан йўқолгудай бўлса, осмонга қарата отилган тошдан тортиб, тўморигача² заминга қайтиб тушмас эди, тепамизда қуш пати сингари учиб юрар эди. Самонинг бул қуввати курраи

¹ Юлдузлар гавҳари.

² Ўқ-ёй

арз илмларини ҳам бир-бирига монанд тутиб турур. Бири-биридан узилса, муддаога етиб бўлмас. Хўш, айт-чи, фикрингча, табобат умрни узайтира олишга қодирми?

Улуғбек бу саволни атайин шу тарзда берди. У «ҳарқандай хасталикка шифо топа олурмен», дегувчи мақтанчоқ табиблар ҳақида эшитган эди.

– Умрни, истаса, Аллоҳ узайтиради. Қуръони Каримда яхшилар умрини узайтириши ҳақида ваъдаси бор. Табобат сабабчи холос.

Бу жавобни эшитган Улуғбек мамнун жилмайди.

– Аслида, умр одам боласи туғилмасидан илгариёқ тақдир ёзуғига муҳрланган. Агарчи, киши умри эллик йилу эллик кун, деб белгиланган бўлса, у бир соат ҳам ортиқча яшамайди. Белгиланмиш дақиқада омонатини топширади. Аллоҳнинг ваъдасини ўзгачароқ тушунмоқ керак. Банданомининг жисмоний ўлиmidан сўнг яшаб қолиши унинг умри узайишидир. Тарихда ўтмиш устодларнинг умри шу фикрга бир мисолдир. Улар жисмоний умрларини яшаб адо қилганлар. Хайрли ишлари учун эса ҳамон тириклар. Мен савол сўраганимда бу хусусни назарда тутмаган эдим. Фикрингни давом эт.

– Бирон хасталикка чалинган одам ёзуғига ўлим ёзилмаган бўлса, шифо топқусидир. Устодлар Аллоҳ марҳамати бўлмиш шифо йўлини кўрсатиб кетганлари ҳолда, нечундир ҳеч бир кимса бунга амал қилмайдир. Энг оддийси – устоз ҳакимларнинг асабни эҳтиётлаш хусусиндаги қоидаларини бажо келтирмоқлик имконсиз. Асаб томирлари аста-аста ишдан чиқиб бориб, оқибатда умрни эговлайди.

– Демакки, шифо истагидаги банданинг умиди синиқ экан-да?

– Аллоҳ марҳамат қилмаса, табобат ҳам ожиз. Ноумид бўлмаслик жоиз – бадбинликдан юз ўгириб, шифо бергувчи Аллоҳнинг мўъжизасига умид қилиб яшамоқ аълороқдир.

– Инша Аллоҳ!

– Унгача балки юз йил, балки ундан кўпроқ йиллар ўтар, ҳакимлар баракали умр кўрмоқлик сирларидан воқиф

бўларлар, бугун бедаво ҳисобланмиш хасталикларни шифолаш усуллари кашф этарлар. Айтайлик, танбур торлари ҳадеб чертилаверилса, оқибат соз бузилажак. Одам асаби ҳам шундайиндир. Бола туғилганида асаб торлари созланган бўлур. Йиллар ўтавергач, соз бузилур. Ана шу пайтда яна бир қайта созланса, хасталик чекинур.

– Баракаллоҳ! Табобатдаги зехнингни менга айтишмаган эди. Иқтидорингни фикрларинг ошкор қилиб қўйди... Сохта олтин қуйишингни хабарлаган эдилар. Аммоким, сен ишлаган бир узукни кўриб, таажжубда қолдим. Олтинни сохта десам, соҳиби иёр¹ бундай даражадаги соф олтинни то ҳануз учратмаганини айтди. Бу муаммога тушуна олмадим?

– Ҳазрат шахриёрим, дарҳақиқат, мен сохта олтин, сохта кумуш қуя олурман. Бу ҳам устозимнинг таъсири. «Китоб сирр-ал-асрор»да баён қилинган усулларни хўп англаб олгандирман. Устоз фуқарони алдаш йўли билан бойимоқликни ўзларига эп кўрмаганлар. Мен ҳам ул зот чизиб кетган қоида йўлларида чикмадим асло. Асл олтин ёки кумушга мухтож бўлмаган буюм безакларигагина сохтасини ишлатар эрдим. Сиздаги узукка ишлатилган олтинни ар-Розийнинг шоғирдигина олиши мумкин.

– Қай йўсинда? Ё бу сир эрурми?

– Шундай... ҳазрат шахриёрим... ровийлар демишларки, буни амалда кўрсатиб бермаганлари учун Хуросон ҳокими Абу Солиҳ Мансур устоз Розий бошларига китоб билан урдириб, ул мухтарам зот кўзларини кўр қилган экан.

– Донишмандни жазолаш иблисининг иши. Шоҳ нуфузи бирлан донишманддан устун бўлса, донишманд шоҳдан билими ила улуғдир. Донишманднинг шоҳга эҳтиёжи йўқ, бироқ, шоҳ донишманд илмига ҳамиша мухтождир. Алломага жазо бермиш султонда на ақл ва на иймон бўлади.

Орага сукут чўкди.

Соҳиби илм ва шоир Убайд Зоконий янги битилмиш рисоаларин форс подшоҳи Абу Исҳоққа тақдим этмоқ

¹ Олтин-кумушларнинг софлик даражасини аниқловчи.

мақсадида борсалар, эшикоға ул зотни саройга киритмаб-дур ва дебдурким: «саройга масхарабоз жаноблари таш-риф буюргонлар, подшоҳ айни шу пайтда онинг бирлан сухбат қуриб ўлтурибдир». Буни эшитиб, ул зот ўйлабдир-ларким: «Наҳотки, масхарабозлик бирлангина султонга яқинлашмоқ муяссар ўлса? Масхарабозлар мақбулу фозил-лар хилватда хор-зор эрканларда? Шундоқ бўлғоч, подшоҳ ҳузурига яна бормоқлик машаққатининг не зарурати бор-дир?»

Шамсибек ўз тилининг айбидан уялганича бош эгди. Хаёлига келмиш шу воқеа таъсирида Мирзо Улуғбекнинг ақл-заковатига таҳсинлар айтиб, сирни қисман бўлса-да, очишга эҳтиёж сизди. Зотан, Улуғбекнинг бу сирдан огоҳ бўлиши, Шамсибекнинг назарида, фойдадан ҳоли эмасди.

– Афв этинг, ҳазрат шаҳриёрим, менинг бундай фик-рим йўқ эди. Фақат... устоз фожиаси хаёлимга келганидан айтиб юборибман... Воқеан шундайки... асл олтин олмоқ учун инсон қони даркор.

Бу гап Улуғбекни ғоят таажжубга солиб, бир қимирлаб олди.

– Қон? – деб сўради қошларини чимириб.

– Ҳа, сизга юборилмиш узукнинг олтинини қайта қуйиб, қуритилган қон билан сифат бериб эдим.

– Қонни қаердан олдинг?

– Ўзимдан...

– Олтинга сифат бермоқ учун ўз қонингни тўкдинг-ми? Сен... – Улуғбек бир нафас сукут қилди, сўнг кес-кинроқ оҳангда сўради: – Ўз қонингни ҳамиша ишлата-вермайсан-ку?

– Мен асл олтиндан ҳамиша ҳам узук ясайвермайман.

Шу топда азон чақириви эшитилди. Аср намозининг вақти етган эди. Улуғбек юзига фотиҳа тортиб, ўрни-дан кўзғалди. Шамсибек ҳам туриб, қўл қовуштирганича шаҳриёрнинг юришини кутди. Улуғбек бир-икки қадам ташлаб, тўхтади-да, ҳалигача ҳурмат юзасидан қўл қовуштириб турган Шамсибекка юзланди:

– Бундан буён олтинга қон ишлатишни ман этаман. Инсон қонини тўкмак танбеҳга лойиқ ишдир. Ва бундай қилғувчи кишининг умри қисқа бўлур. Улуғбек салтанида инсон қони безак учун тўкилмаслиги даркор. Уқдингми?

– Амрингиз бош устига, ҳазрат шаҳриёрим.

– Эртага дам ол. Шанба нонуштадан сўнг заргарларга бош бўлиб, хазинадаги олтин-кумушларни саралайсан. Сўнг дорулшифоия учун дорилхалофатдин жон танла. Тиб илмига ихлос қўйганларни, энг зукко ҳакимларни тўплагаймиз ва алалоқибат фирдавсмонанд Самарқанд тиб илмининг ҳам маркази бўлғусидир, инша Аллоҳ!

– Амрингизни адо этмоқлик мен учун бир шарафдир.

– Қамариддинга ҳамроҳ бўлиб, шаҳар айлан, сўнг меъмор билан маслаҳат қил.

– Бажонидил, ҳазрат шаҳриёрим. Узрим шуки, жой танламоқ учун шаҳар айланмоғимдин аввал Қамариддин тақсиримнинг бир неча соғлом қўзи сўйдиришлари лозим бўлади.

– Сабаб?

– Гўшт бўлақларини шаҳарнинг барча даҳаларига, очиқ ҳавога илиб чиқамиз. Гўшт қайси даҳада секин бузилар бўлса, ўша ерга дорулшифоия қуриш мақсадга мувофиқдир.

– Ахсанта! Зеҳнинг таҳсинга лойиқ.

– Ҳазрат шаҳриёрим, яна бир узрим бордир.

– Айт.

– Амрингизни бажариб бўлгач, уйимга қайтмоғимга ижозат берсангиз.

– Сабаб?

– Сабаб шуки... кўгарчин¹ эркинликни севади.

– Маъқул ҳикмат... Аммоким, тоза осмондаги беозор кўгарчинга нодон қирғийлар ҳамла қилишини фикр тарозусига солиб кўр-чи?

– У ҳолда ота юртимга бориб-келмоққа ижозат берсангиз, аҳли байтимни олиб қайтсам.

– Бу қароринг маъқул. Қамариддин сафар анжомла-

¹ Каптар

рингни тайёрлаб, ўзи ҳам сенга ҳамроҳ бўлажак. Хазинадаги юмушларни сафардан сўнг бошлагайсан.

Шамсибек аср намозини сарой аҳли, хусусан Мирзо Улуғбекнинг шогирдлари қаторида ўқиди. Тун ёйилганда Қамариддин уни кўноққа узатиб қўйди. Йўл-йўлакай Шамсибек шахриёр билан бўлган шарафли суҳбатини ҳикоя қилди. Қамариддин буни эшитиб, кўнглига чироқ ёққан фахр оҳангида:

– Ҳа, бу фоний дунёда улуғлар кўп, аммоким, Улуғбек битта! – деб қўйди.

БЕКОР ҚИЛИНГАН ҲУКМ

Улар бомдод намозини Бибиҳоним масжидида ўқишди-ю, йўлга чиқишди.

Шамсибек кетиш олдидан Абдулваҳобни йўқламоқчи эди, тополмади. Масжидда ҳам учратмади... Шаҳар дарвозасидан чиқаверишда отнинг тизгинини тортди. Йўл четидаги пастаккина толга суяниб мудраб ўтирган Абдулваҳобни таниб, отдан тушди-да, унга яқинлашиб, салом берди. Абдулваҳоб кўзларини очиб, алик олгач, эринибгина ўрнидан турди.

– Уйга қайтяпман, истасангиз, бирга кетайлик, – деди Шамсибек.

– Юмушларингиз битдими?

– Юмушлар яқин орада битадиган эмас эркан, шу боис бориб, завжамни олиб келмоқни ихтиёр эттим.

– Завжамни? Уйланганингизни менга айтмовдингиз?

– Ҳа... бу хусусда сўз очишнинг мавриди бўлмади.

– Кимга куёв бўлгансиз?

– Шербек заргарга?

– Завжангиз... Маҳфузами?

– Ҳа...

Шамсибек Абдулваҳобнинг Маҳфузага совчи қўйганини биларди. Бироқ, Шербек заргар Абдулваҳобни хуш кўрмай, шогирдини – Шамсибекни куёв қилди. Самарқандда юрган

Абдулваҳоб, албатта, бундан хабарсиз эди. У Маҳфузани балоғат ёшида кўрмаган бўлса-да, кўнглида Шамсибекка нисбатан ҳасад уйғонди. «Маҳфузами?» деганида Шамсибек Абдулваҳобнинг кўнглига шайтон уфурганини, юригида ёмонлик уйғонганини сизди. Лекин сир бой бермади. Қамариддин уни шошириш мақсадида томоқ қириб қўйгач, гапни калта қилиш лозимлигини англаб, яна қайта сўради:

– Борасизми?

– Йўқ...

– Ота-онангизга, сўраган дўсту ёронларга нима деб қўяйин?

– Ҳеч нима... кўрмадим, денг.

Фуқаронинг гуноҳларини сўраб Аллоҳга муножот қилиб яшамоқни афзал билган бу қаландар киндик қони тўкилган жойдаги яқинларига дуойи жон, дуойи хайр йўллашни унутди...

Шамсибек отга минди...

Абдулваҳоб мунғайганича туриб қолди...

Унинг кўзлари олдини алам тутуни қоплади...

Осмонга тошган булутни шамол ҳайдаб, қуёш юзини очади. Ҳасад ўтидан ўрлаган тутун осон тарқамайди. Осмондаги булутдан ҳаёт томчилари ёғса, ҳасад тутунидан бало дўллари ёғади...

Доруссалтанатдан бироз узоқлашишгач, кичик карвонсарой яқинида водий сари йўлга отланаётган карвонга қўшилиб олишди.

Ўттизга яқин туя олдинда узоқ ва оғир йўл борлигини билгандай вазмин юради. Туялар ҳар оёқ ташлашганида бўйниларидаги кўнғироқлар зорли жаранглайди. Туякашлар аҳён-аҳёнда овоз чиқариб қўядилар, гўё бу билан жониворларга ихтиёрлари кимда эканини билдириб қўйгандай бўладилар. Қуёш ўзининг ўтли тиғи билан карвонни эринмай таъқиб этади.

Қамариддин билан Шамсибек тизгинни бўш қўйишган, отлар бошларини эгиб, туялар ёнида боришади.

– Ҳалиги телба гадони олиб кетмоқчи эдингизми? – деб сўради Қамариддин.

– Ҳа... Бу аҳволига ачиндим.

– Жуда кўнгилчан одам экансиз. Бу фоний дунёда, айниқса фосиқларга яқин борилганда ҳаддан зиёд кўнгилчан бўлиш ҳам ярамайди. Шаҳриёримиз меҳри иссиқлик қилиб, бу девонавашларни эркин қўйдилар. Мана оқибат: улар тухмату иғводан бўшамай қолишди. Султонимизга қарата фасод тошлари отилувиға мен чидай олмасман.

Қамариддин шундай деб, қўлини қиличдай сермаб, жимиб қолди. Бир неча нафасдан сўнг Шамсибекка қараб, яна сўз очди:

– Аммо, ҳазрат шаҳриёримиз муҳтасибни хўб мот қилган-да, эшитганингиз бордир?

– Йўқ...

– Ана холос... Ҳамманинг оғзида дув-дув гап-ку? Уч-тўрт ҳафта бурун ҳазрат шаҳриёрга қўшилиб, жума намозини адо этгали Бибиҳоним масжидига бордик. Намоздан сўнг аҳли муслим тарқалиш тадоригида турганида муҳтасиб давлатпаноҳнинг шаънига номуносиб сўзларни айтиб юборди. Бу гапларни эшитиб мени ғазаб олови ўраб олди, қўлим беихтиёр қилич дастасига югурди, ўзимни титроқ босди. Шаҳриёр эса бу гапларга эътибор бермай, итоб ўрнига кулимсираб ўтирибдилар. Муҳтасиб сўзларини тугатгач, ҳазрат шаҳриёр ўринларидан турдилар. Масжид қавми султон ҳозир муҳтасибни жазога тортсалар керак, деган хавотирга тушди. Бироқ, давлатпаноҳ барчани лол қолдириб, муҳтасибни саволга тутдилар: «Шундай бир гап эшитдимким, пирингиз мартабангизни ҳазрати Мусо алайҳиссалом даражасига қиёслабдилар, шу ростми?» Бу саволга Сайид Ошиқ тасдиқ ишорасини қилгач, шаҳриёр яна сўрадилар:

– Сиз ўзингизни ҳазрати Мусо алайҳиссаломдан устун деб билурмисиз?

– Йўқ, асло!

– Балли. Ҳеч бир мусулмон ўзни пайғамбардан устун тутмас, тенг ҳам қўймас. Энди айтинг-чи, Фиръавн улуғми ёинки менми?

Бу саволдан мухтасиб пича довдиради. Савол берилган, жавобни султонгина эмас, масжид қавми ҳам кутмоқда эди. Жонини суғуриб олгандай жавоб қилди:

– Сиз...

– Балли. Аллоҳ таоло «Фиръавнга қаттиқ-қаттиқ гап айтма, ҳатто у билан муомалани юмшоқ қил», деб ҳазрати Мусо айлайҳиссаломга фармойиш берганини билармисиз?

– Ҳа...

– У ҳолда сиз айтинг, қавм эшитсин: нима учун ҳазрат Мусо алайҳиссаломдан паст бўлган жанобингиз Фиръавндан баландроқ бўлган каминага бу қадар қўполлик қилияписиз? Мусулмоннинг мусулмонга қўполлик қилмоғи зулмдир. Аллоҳ таоло ўзига зулмни ҳаром қилгани ҳолда нима сабабдин жанобингиз бу ҳаромдин ўзин тутмас?»

– Султонимизнинг бу танбеҳларидан сўнг бечора мухтасиб оғиз очолмай қолди. Назаримда, ўша топ ер ёрилса-ю, жарга кириб кетса, қавм маломатидан осон қутулур эрди. Ҳар ҳолда мен халойиқ олдида мулзам бўлгандин кўра, ўлимни афзал билурман. Мухтасиб ўша он ақли қосирлигини шундай намойиш этди-қўйди.

Қамариддин яхши ҳамроҳ эди. Шамсибекни зериктирмади. Кези келганда илм бобида ҳам баҳслашди. Баҳс унинг мағлубияти билан якунланганида иягини қашиб, афсус билан кулимсираганича «ёшлигимда илм олишга рағбат қилмаганман-да», деб қўярди. Қамариддин гўзалликлар ва латифаларни нақл этувчи қаламдан фойдаланиш ўрнига сувдек нақшли ханжар ва олов сочувчи қилични ишлатиш, найзабозлик ва камондан ўқ отиш санъатини ўрганган, чунки чаққонлик билан бел боғлаб, олам очувчи шамшир ишга туширилмаса, билиш мумкинки, мамлакат қалам воситаси ила муҳофазат этилмагай. Султон Улуғбекка тобелик ва итоаткорлик ҳалқасини бўйнига осиб, хизматкорлик

камарини белга маҳкам боғламиш бўлган Қамариддиннинг мамлакат осойишталиги ва рифоҳияти хусусидаги фикри шундай эди.

Унинг илмдан бебахралиги тўғри, айна чоғда туғма полвон эканлиги ҳам ҳақиқат. Самарқанднинг манман деган шербилаклари ҳалигача унинг курагини ерга теккиза олмаган эди. Қамариддинни кўтариб ерга уриш учун ҳам унча-бунча куч кифоя қилмасди. Агар отга ўтирса, четдан қараган кишига жониворнинг бели синиб тушадигандай кўринади. Қамариддин курашлар, қилич чопишлар ҳақида гапиргудай бўлса, унинг қизиқарли баёни то манзилга етгунларича ҳам тугамаслиги мумкин эди. Лекин пурдил нечундир бу ҳақда гапирмади. Шамсибек бу мавзуда сўз очиши билан гапни буриб юбораверди.

Сойбўйи билан Жиззах оралиғидаги Илонўти деган тор йўлдан ўтаётганларида Қамариддин отни қоятош сари бурди. Шамсибек унинг мақсадини англади. Қамариддин кўрсатмоқчи бўлган қоятошдаги ёзувни у Самарқанд сари юрган чоғида ўқиб, таъсирланган эди. Ҳозир «Бу менга маълум», деб ҳамроҳининг шаштини сусайтиргиси келмади. Тошга зарб этилган ёзувни овоз чиқариб ҳайрат оҳанги ила ўқиди: «Улуғ Тангрининг қўллаб-қувватлаши бирлан улуғ султон, жамий подшоҳлар ҳукмдори, Тангрининг ердаги сояси, Ислом динининг туғдори, дин ҳомийси Муъиниддин Улуғбек Кўрагон, Тангри онинг салтанатини пойдор қилсун, Жете ва Муғулистонга юриш вақтида ушбу ердан ўтгандир. Ҳижрий секкиз юз йигирма секкиз».

– Ул вақт менда қўшин сафида бор эрдим, – деди Қамариддин соғинч оҳангида. – Ҳазрат шаҳриёрим қилич яланғочлаб, юриш қилмоқликни хуш кўрмайдирлар. Мўғулистонга, Шермуҳаммад ўғлонга юриш арафасида, зулҳижжанинг ўрталари, куз фасли эркан, мавлоно Абуллайсийга афсус блан дебдиларки: «Яна лак-лак одам ҳаракатқа келибдир, элу юрт саранжомлиги бузилибдир. Расадхона қурилиши эмди не бўлғай? Самарқанд,

Шахрисабз ва Ғиждувонга мўлжалланмиш қурилишларчи? Расадхона қурилишининг суръати сусаяжак, бошқа қурилишлар бўлса янада кейинга сурилажак. Хайрли ишларга ажратилатурғон маблағни бу ялмоғуз уруш ютажак эмди. Мана, ўша ҳамду санолар оқибати бу, «боракаллох, ота ўғил, рааё бирлан бароённинг бошини силасангиз кам бўлмагайсиз», деб мақташларнинг оқибатидир бу. Беклар ва амирлар атайлаб рааёни ҳам қўшиб қўюрлар. Аслидачи? Аслида алар бирламчи навбатда ўз ғамларин ейдурлар. Аларға мўмай ўлжа, беҳисоб бойлик бўлса бас. Ахир, аларнинг катта-катта ер-суви, беҳисоб молу мулки борку? Ўшал мулкдин келғон даромад етмасму эркан ўзи?! Йўқ, етмас! Камлик қилур. Алар ўзи тўйса ҳам кўзи тўймас маҳлуқдурлар. Алар ўзларин дунёга устун фараз қилуб, ўлимни кўз ўнгига келтирмайдирлар». Ҳазрат шахриёрнинг алам ила айтқон сўзларин тинглаб, мавлоно дебдиларким: «Ори, аълоҳазрат, аларға Қорун тоғи киби бойлик ҳам камлик қилур. То кўзининг усти хок бирлан тўлмагунича тўймаслар».

Қамариддин шу гапларни айтиб, афсус билан бош чайқади. Шамсибек эса қоятошдаги ёзувдан кўз узмаганича, худди ўзига ўзи гапираётгандай, паст овозда сўз бошлади:

*– Бешак билинг бу дунё барча халқдин ўтаро,
Ишонмағил молингга бир кун қўлдан кетаро.
Ота-она, қариндош қаён кетти фикр қил,
Тўрт оёғлиқ чубин от бир кун санга етаро.
Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро...*

– *Хўб ҳикматли гаплар экан, кимники? – деб сўради Қамариддин таъсирланиб.*

– *Султонимники... Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг васиятлари ўлароқ, авлоддин авлодга ўтиб, бизларга етиб келмишдир...*

Отларни буриб, яна карвонга қўшилдилар.

Карвон ҳамон илгарилайди...

Қўнғироқлар ҳамон зорли ва бўғиқ жаранглайди...

Шамсибек бир маромда шошилмай оёқ босаётган туяларнинг ҳаракатини кузатади. Уларнинг қатори, юриш тартиби бузилмайди. Жониворларнинг ихтиёрлари ўзларида бўлмаса-да, бошларини баланд кўтариб одимлайдилар. Фақат ўртадаги бир туя баъзи-баъзида тўхтамоқчи бўлади. Бўталоғи ёнгинасида кетаётган бўлса-да, безовталанари. Онасининг тақдиридан беҳабар бўталоқ эса елинга интилади. Она туя эса тўхтолмайди. Чунки бурундуқнинг арқони олдинги туяга боғланган. Бурундуқлар ҳамма туяларда бор. То биринчи туя тўхтамагунича бошқаларининг ҳам дам олишлари маҳол. Карвон бошида гердайиб оёқ босаётган туянинг изни ҳам ўзида эмас...

Шамсибек онасига талпинаётган бўталоқдан, боласига сутберолмай, юрак азобида осмонга қараб бўкириб қўяётган туядан кўз узолмай қолди. «Одамлар ҳам шундаймилар? – деб ўйлади ўзича. – Уларнинг бурунларидан ҳам кўринмас халқа ўтказилганмидир? Ҳалқалар боғланган арқоннинг учи ҳазрат шахриёрнинг қўлидадирми? Бирор кимса йўлдан тойгудай бўлар бўлса, тортиб-тортиб қўймоқлик унинг истаги ила амалга ошилурми? Мен-чи?.. Киндик қоним тўкилган жойни ташлаб, шахристонга келмоққа мажбур бўляпман-ку?! Наҳот одамнинг изми ўзида бўлмаса? Одамни боғлаган халқанинг номи «тирикчилик» аталурми? Одам шу тирикчилик важҳидан бошқа бир кимсага бўйин эгарми? Онадан туғилган онда гўдакларда фарқ йўқдир – яланғоч, бир парча жиш бўлиб туғиладир. Лекин кимнингдир фарзанди зарга ўралса, бошқасиники чурук лахтакка йўргакланур. Нечун шундай? Охир-оқибат лаҳадда ётар чоғларида либосларида фарқ бўлмас экан, у ҳолда бир чимдим умрда айри-айри мартабада яшамоқликларида қандай маъно бордир? Бу муаммога ҳазрат шахриёр ҳам жавоб беролмасалар керак... Ҳар нечукким... фуқаронинг барини зарга ўраб бўлмайдир...»

Андижонга яқинлашишгач, катта карвондан ажраб, йўлни боғ кўчага буришди. Қамариддин отдан тушиб, жониворни етаклаб бораверди. Бир маҳал тўхтаб, сал орқароқда келаётган Шамсибекка қаради:

– Ҳов ерда қасаба бор кўринадур, – деди у қамчин дастаси билан мағриб томонни кўрсатиб.

– Ҳа, бор, – Шамсибек шундай деб ўша томон тикилиб қолди. Ҳали қоронғи тушмай туриб, машъалалар ёқилганига ажабланди.

– Тўй бўляптимикин? – Қамариддин машъалалар ёқилганига қараб шундай фикрга келган эди.

– Йўқ... тўйда қишлоқ четида тўпланмаслар, машъала ҳам ёқмаслар, куёв бўлмишнинг ҳовлисига гулхан ёқарлар. Машъала ёқилгани бежиз эмасдир, қишлоқ нотинч кўринадир.

– У ҳолда борайлик, четлаб ўтмайлик...

Қамариддин чаққонлик билан эгарга ўтириб, отни йўрттириб кетди. Оломон тўпланган беш пахсалик девор олдига келиб, тизгинни тортдилар. Узокдан қараганларида деворнинг вазифасини англамаб эдилар, яқин келиб кўришгач, ташландиқ кўрғоннинг қолдиғи эканин билдилар. Яктаги йиртилган, юзлари калтаклар зарбидан мўматалоқ бўлиб кетган қорувли йигит девор пойида тиз чўкканича бошини эгиб ўтирарди. Юзини дуррачаси билан тўсиб, дир-дир титраганича йиғлаётган қизга дамодам қарайди-ю, далда бера олишга қодир сўз айтолмай, лабини тишлайди. Сал нарида эса катта оқ салла ўраган, узун қора соқолли пакана бир одам ниманидир безовта кутиб, тасбех ўгириб турарди.

Қамариддин отдан тушди-да, томошаталаб одамлар орасидан ўтиб, «нақиб шу кишидир», деган тахмин билан саллани кишига яқинлашгач, салом берди. Пакана одам унга бошдан-оёқ разм солиб олгач, беписандлик билан алик олди.

– Тақсир, бу тўпланишнинг боиси недир? – деб сўради Қамариддин.

– Қишлоқ аҳли гуноҳкорларга жазо бермоқ учун тўпланган.

– Гуноҳкорлар ким, буларми? – деди Қамариддин йигит билан қизга ишора қилиб.

– Ҳа, айна шу бадбахтлар... – деди узун соқолли киши тасбеҳ ўгиришдан тўхтамай.

– Жаройими недур?

– Буни қишлоқ аҳлидан сўрангиз, – пакана одам нохуш оҳангда шундай дегач, «сиз билан сўзлашмоққа тоқатим йўқ», дегандай бошини буриб олди. Бундан Қамариддин оғриниб, кескинроқ оҳангга кўчди:

– Мен сиздан сўрайдирман!

Тасбеҳ ўгираётган киши «астағфируллоҳ» деб пичирлаб чап қўли билан соқолини силади-да, ўгирилиб, Қамариддинга хўмрайди:

– Ўзлари ким бўлурларким, бу қадар қизиқиб қолдилар? Мусофир кўринадилар, шу боис, ҳар нарсани билишга қизиқавермаганлари маъқулмикин, валлоҳи аълам?! Мусофир ўз иззатини билмоғи маъқул.

Қамариддин унинг бу танбеҳидаги заҳарли оҳангни малол олса-да, ундаги кибрни мулойимлик билан енгмоқчи бўлди:

– Айбга буюрмайдилар, тақсир, биз ҳазрат шаҳриёрнинг амри олийлари билан Самарқанддин Андижон сари йўл тутганмиз. Бу оломонга кўзимиз тушиб, қишлоқда бир нотинчлик кўринадур, деган гумон ила тўхтаб эдик.

Қамариддин шундай деб яктагининг ич чўнтагидан олтамғали руқъани чиқарди. Ўпиб, кўзларига суртди-да, саллали кишига узатди. Пакана кишининг авзойи бирдан ўзгариб, муҳрланган ўрамни эҳтиётлаб олгач, у ҳам ўпиб, кўзларига суртди-да, очиб, ундаги сўзларни ўқимаёқ, икки букилиб таъзим қилди. Уларни кузатаётган оломон нима гап бўлганини англамасалар-да, улар ҳам таъзимга берилдилар.

– Биз ожиз бандаларни айбга буюрмайдилар, – деди пакана киши бошини кўтармай.

Ғамбода кишилар орасида турган Шамсибек бу манзари кўриб, кулимсиради. Ёнидаги қариядан аста сўради:

– Буларнинг жаройимлари нима эркан?

– Ажаб айблар қўйиляпти, – деди қария ҳасратли овозда. – Бу йигит шу музофотнинг паҳлавони эди. Қозикалоннинг жияни ҳам полвон экан, ўтган бозорда бел боғлаб, майдонга тушган экан, уни бир кўтаришдаёқ ерга қўйибди-да! Қозикалоннинг бу курашдан кўп нарса умид қилганини эшитганимиз бор. Пешиндан кейин бу бечораларни ҳайдаб келиб, қийнайдилар.

– Нечун?

– Зинокор, демокдалар, яна дейдиларки, ул никоҳдаги ожиза билан дон олишибди экан.

– Жаройимларини ўзларинг ҳам аниқ билмайсизларми?

– Ҳамманинг оғзида ҳар хил гап. Қай бирига инонмоғимизни билолмай гарангмиз. Аллоҳдан адолат бўлишин тилашдан ўзга чорамиз йўқдир бизларнинг.

Шамсибек «во ажаб!» деганича оломон орасидан ўтиб бориб, Қамариддинга яқинлашди. Қамариддин унинг маънодор қаршидан бунда қандайдир адолатсизлик зоҳир эканини англаб, катта саллали кишига ўткир нигоҳини қадаб, яна сўради:

– Тақсир, буларнинг жаройими не эканини айтишингизни кутяпман.

– Айбситмайсиз, ҳозир ҳамма гапни бир бошдан баён этурман. Кўриб турганингиз бу нобакор қиз чаҳоршанба куни Аҳмадбойваччага никоҳланиб эди. Кеча, тўй арафасида иблисга қул бўлган анави шайтонвачча қиз бошин айлантириб, олиб қочмоқни ихтиёр қилибди. Одамлар уларни ушлаб, ҳузуримга келтирдилар. Биз «зинокорлар деворга бостирилсин», деб ҳукм чиқардик.

– Уларни айб устида ушлашибдими? Зинокор эканликларига гувоҳлар борми? – деди Шамсибек унинг гапини бўлиб.

Катта саллали пакана киши «бунингиз ким бўлди?» дегандай Қамариддинга норози қиёфада қаради.

– Тақсир, бу йигит исмлари Шамсибек, ўзлари ҳазрат шахриёрнинг муборак назарлари тушган аҳли илмдан. Ҳазрат шахриёр бу кишини ўз ажнихлари остига олганлар.

Аввалги манзара такрорланди: аввал саллали киши, сўнг тўпланган оломон Шамсибекка таъзим қилди.

– Аҳмадбойвачча билан никоҳга қизнинг ўзи рози бўлиб эдимми? – деб Шамсибек саволига аниқлик киритди.

– Ҳа, мен ўзим гувоҳман.

Шамсибек унинг гапига ишонмай, қизга яқинлашиб, энгашди:

– Синглим, айтинг-чи, Аҳмадбойвачча никоҳига ўзингиз рози бўлиб эдингизми?

Қиз индамади. Қўрқув ва даҳшат ҳали ҳам унинг вужудини музлатиб турар эди. Шамсибек уни даҳшат тўридан тортиб олиш мақсадида меҳрибон аканинг овозида деди:

– Айтингиз, синглим, қўрқмангиз.

Қиз тузоққа тушиш хавфидан чўчигандай аста бош чайқади, кейин паст овозда «йўқ» деб қўйди.

– Дадангиз-чи, ўз ихтиёрлари билан ризо бўлганмилар?

– Қарзлари эвазига...

Яна бошқа сўз айтмоққа титроқ лабларнинг қуввати етмади. Шамсибек бу жавобдан қаноатланиб, изига қайтди.

– Тақсир, ожизанинг ризолигисиз ўқилган никоҳ инобатга ўтадирми? Отасининг ризолиги ҳам холисаниллоҳ бўлмаса-чи? Бу никоҳ шариатга хилоф эмасмидир? – деб сўради катта саллали кишидан.

– Хилоф эмасдир. Биринчи никоҳда қизнинг ризолигин олмоқ шарт эмасдир, отаси ёинки васийси ризо бўлса басдир. Ҳамонки, қизнинг отаси ризолик бермиш экан, никоҳга шубҳа билан қарамоқлик макруҳдир. Сизнинг шубҳангиз ўринли бўлгани ҳолда, бу нобакорларнинг ҳаракатини нима деб баҳоламоқ керак?

– Айбларидан ўтмоқлик мумкин эмасми? Ёш умрларини хазон қилмоқ ҳам гуноҳи азим саналур?

– У ҳолда динимиз поклигини қай ҳолда сақламоқ керак? Бандаларни зинодан қандай қайтармоқ лозим? – деди саллали киши норозилигини яширмай.

– Адолат йўли билан... – Шамсибек шундай деб у кишига синовчан тикилди: – Тақсир, ўзлари буларни зинокор деб ҳисоблайдиларми?

– Айни рост. Иккови белига қадар кўмилиб, сўнг устларига кўриб турганингиз девор йиқитилур. Зинокорлар шундай ўлим топгайлар.

– Тақсир, ҳукмингиз шариатга андак хилоф эмасми?

– Бизнинг қўлимиз шариат ҳукмида қатъийдур!

– Агар малол олмасангиз, шариат ҳукмига доир бир-икки саволни сўрасам... – Шамсибек шундай деб Қамариддинга бир қараб олди. Айни нафасда саллали киши ҳам «бу йигит ҳаддидан ошмаяптими?» деган маънода Қамариддинга норози қиёфада қаради. Қамариддин бу нигоҳни сезмагандай, Шамсибекка «сўрайверинг», дегандай имлаб қўйди.

– Тақсир, маълумингизким, шафиъул-музнибин Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бир одамни зинода айблаб ражмга буюрмоқдин аввал обдон сўраб-суриштирганлар. Бу хусусдаги шарафли ҳадисларни сизга эслатмоқнинг зарурати йўқдур. Бу бандаларнинг зино қилганлари, яъниким, шахватларини ҳаром йўл ила қондирганларига гувоҳларингиз борми?

– Бор, – саллали киши ишонч билан шундай дегач, сал нарида турган икки йигитни имлаб, ёнига чорлади. – Гувоҳлар – шулар.

Шамсибек яқинлашган йигитларнинг саломларига алик олгач, яна саллали кишига юзланди:

– Тақсир, гувоҳлик учун тўрт одил мусулмон эр лозимлигин унутганингиз йўқтур?

Саллали киши жавобдан бўйин товлаб, назарини олиб қочгач, Шамсибек йигитларга юзланди:

– Сизлар буларни қандайин шармандали ҳолда кўрдингиз?

Йигитлар «ким аввал жавоб беради?» дегандек, бир-бирларига қараб олишгач, мўйлови ўсиб, тепа лабини бо-саётган йигит, ўзига ҳам ишонмаган тарзда гап бошлади:

– Бой отам буюрдиларки... никоҳларига олганларини бир боши бузуқ олиб қочган экан... «Қувинглар», дедилар. Кейин «ушлангу ушлаган ерингизда ўлдилинг», деб буюрдилар. Омма биз ўлдирадағон жаллод эмасмиз. Буларни Ўш йўлида тутдигу изларига қайтардик.

– Шу холосми? – деб сўради Шамсибек.

– Ҳа, шу холос, – деди иккинчи йигит шеригини қувватлаб.

– Сизлар кўрганингизда булар қай ҳолатда эдилар?

– Қиз от устида... бу йигит пастда... жиловни ушлаб олган эди.

– Демак, буларни шармандали ҳолатда кўрмадингизми?

– Ие, тақсир, саволингиз жуда қизиқ-ку? Куппа-кундузи, яна одамлар ўтиб турувчи йўлда...

– Шу гапларингизни бу тақсиримга ҳам айтдингизми?

– Йўқ, булар сўрашмади, биз айтмадик.

Шамсибек «сизларга ижозат», дегач, йигитлар орқага қайтиб, осон қутулганларига шукр қилиб, оломон даврасига қўшилдилар. Шамсибек эса Қамариддинга «ҳали масала тўла ҳал этилмади», дегандай маънодор қараб қўйиб, саллали кишига юзланди.

– Тақсир, энди зинокор деяётганингиз йигитни чорланг-чи, бу ҳукмда гуноҳкорнинг иқрори ҳам даркор бўлур.

Саллали кишининг ишораси билан йигитни бошлаб келдилар. У Аллоҳнинг номини зикр этгани ҳолда қасам ичиб, қўйилмиш айбни инкор этгач, Шамсибек яна саллали кишига мурожаат қилди.

– Тақсир, аввало шуки, буларнинг зинокор эканликлари тасдиқ топмади. Яна шуки, йигит уйланмаган, қизнинг

никоҳи эса шубҳали, аввали – унинг никоҳга ризолиги йўқдир, сўнг эса никоҳлангани билан эр-хотин сифатида яшамаган, демакким, у ҳам оиласиз мақомидадир. Шундоқ экан, улар зинокор бўлган тақдирларида ҳам, сиз лозим топганингиз ҳукм – белга қадар кўмиб, сўнгра устларидан деворга бостирмоқлик буларга эмас, бесоқолбозларга хос-сатандир. Лут алайҳиссаломнинг лаънатланмиш қавмига Аллоҳ томонидан юборилган жазога кўра, шариатимиз ҳам айби исбот топган зинокорларни шунга муносиб топганлар. Яна шуки, булар ғўрлик қилиб номаъқул йўлга киришга уринибдиларким, бунга жазо – таъзирдир, ўн дарра кифоядир.

Қамариддин Шамсибекнинг бу мантиқий таҳлилига қойил қолиб, «Жавоби не бўлур экан?» деган маънода пакана кишига қаради. Саллали киши жавоб бермай, тасбеҳи доналарини айлантиравергач, Шамсибек Қамариддиннинг қулоғига пичирлади. Қамариддин ҳамроҳига ажабланиб қаради-да, сўнг саллали кишига юзланиб:

– Тақсир, бу йигит пурдил эмиш, шу ростми? – деб сўради.

– Ҳа, бу иблисда филнинг кучи бор, – деди саллали киши ғазабини яширишга уриниб.

– У ҳолда мен уни синаб кўрайин. Мен ҳазрат шахриёримиз амрларига кўра, пурдил йигитларни тўплаб юриб эдим. Агар чиндан ҳам филнинг кучи бўлса, сарой хизматига олинур.

– Ихтиёрингиз, – деди саллали киши ночор оҳангда.

– Йигитга оғирлик қилмасмикин, анча азоб чеккан, – деди Шамсибек.

– Пурдил азоб не эканин билмас, – Қамариддин кескин оҳангда шундай деб йигитга яқинлашди: – Бел олишмоққа чоғингиз борми?

Йигит Қамариддинга бургутқараш қилди. Қўл-оёқлари ечиб қўйилгач, билакларини уқалаб, чигилни ёзган бўлди.

– Қийиқ беринглар! – деди кимдир.

Кимдир белдаги қийиқни ечиб узатди. Йигит шошилмай, белини маҳкам боғлаб, Қамариддинга рўпара бўлди. Шамсибек шундагина унинг Қамариддиндан кам эмаслигини сизди.

Қамариддин ҳарифини бир неча муддат бўш қўйди. Йигит ҳам шошилмади. Икковлари бир-бирларининг белбоғларидан маҳкам ушлаганларича бир ерда айланишар, гўё даст кўтариб, ерга урмоқ учун фурсат пойлашарди. Майдончага яқинлашиб давра ҳосил қилган одамлар бир неча дақиқа аввалги ташвишли ҳолатни унутишган, энди барчанинг эътибори ўртадаги курашчиларда эди. Икки полвоннинг олишуви катта тўйлар ёки бўлак маросимларда бўлгучи курашга ўхшамасди. Одамлар «Қани, кўтар энди!», «Бўш келма, азамат!», «Ҳа баракалла, устозингга балли!» деб қичқиришмас, қувонишмас, баҳслашишмас эди. Кураш осойишта бошланиб, осойишта давом этарди. Халойиқ бу курашнинг нима сабабдан бошланганидан, ғолибни нималар кутишидан беҳабар эди.

Қамариддин уч-тўрт айлангач, йигитни ўзига тортди. Йигит хушёр эди – бели букилмади. Шунда Қамариддин даҳанини йигитнинг елкасига қаттиқ тираб, унинг белини бор кучи билан қисди. Бел букилмади. Қамариддин энди йигитнинг оёғини бир оз бўлса-да, ердан узиб, ёнбошга олмоқчи бўлди. Йигит гўё заранг дарахт каби эди, Қамариддиннинг усули бу сафар ҳам иш бермади. Қамариддин энди курашга астойдил берилган, йигит эса унга жавоб қилишга шошилмасди. Бу орада давранинг осойишталиги бузилди, айрим бетоқатлар «Нега қараб турибсан!» деб бақира бошлашди.

Бошини Қамариддиннинг елкасига тираб олган йигит яланг оёлари билан ерни пайпаслагандай бўлди. Сўнг бир нафас ҳаракатдан тўхтади. Қамариддин унинг ҳамлага тайёрланаётганини сизди. Ҳамлага вақтида жавоб бермоқ учун диққатини тўплади. Дарҳақиқат, кейинги нафасда йигит куч ишлатди. Бироқ, Қамариддиннинг

бели букилмади. Шунда йигит ўзини хиёл орқага ташлади-да, ҳарифини айлантирмоқчи бўлди. Эплай олмади. Бундан давранинг ҳаяжони ортди. Йигитга куюнганлар энди унга далда бера бошладилар. Курашчилар бир-бирларини дамодам тортиб-тортиб қўйиб, айланганларича майдонни халқадай ўраб турганларга яқинлашишди. Одамлар шошганларича тисландилар. Шу дамда йигит ўнг оёғини Қамариддин сари ташлаб унга яқинлашди-да, қаттиқ куч билан силтаб ўзига тортди. Бу сафар Қамариддиннинг бели бу силтовга дош бера олмади. Шунда йигит «ё пирим!» деб деб ҳайқирганича уни даст кўтарди. Оломон қувончдан қичқириб юборди. Қамариддин йигит қўлида – қаршилиқ кўрсатишга ожиз эди. У ерга қаттиқ урилишини кутди. Лекин йигит ёнбошга ҳам олмади. Майиб қилиб қўйишдан эҳтиётлагандай ҳарифини аста ерга қўйди. Полвонлар орасида бундай тантилиқни фақат ўзига ишонганлар қила олади. Қамариддин йигитга тан бериб, уни бағрига босди. Йигит унинг бағридан бўшагач, «жазоларингга тайёрман, мен марҳамат тиламайман», дегандай мағрур юриб, аввалги жойига – қиз ёнига қайтди.

– Масала ҳал, – деди Қамариддин саллали кишига қараб. – Мен бу пурдилни ҳазрат шахриёр ихтиёрларига олиб кетурман.

– Мен шариат ҳукмини буза олмайдирман. Ҳукмга аҳли ислом гувоҳ бўлган.

– Шундайинми? – Қамариддин унинг қайсарлигидан ранжиса-да, бошқа гап айтмай, оломонга юзланди: – Азиз фуқаро! – деди баланд овозда. – Булар ўз жигарбандларинг экан. Ғўр эканларки, гуноҳ қилибдилар. Айбларидан ўтса бўлурми?

Ҳар томондан «бўлади, айбидан ўтинг», деган овозлар келди.

– Ана тақсир, шариатга мос келмайдиган ҳукмингизнинг бекор бўлмоғига аҳли ислом рози, – деди Қамариддин. Шамсибек уни қўллади:

– Аллоҳ самиййул алийм – ҳар нарсани кўриб, билиб тургувчи буюк зот, айбсиз бандаларини ўзи ҳимоя қилади. Тавбаларни қабул қилишга ваъдаси бор Аллоҳ кичик бир гуноҳни кечар бўлса, сизнинг қайсарлигингиз ноўриндир. Билакс, ҳукмни ўз оғзингиз билан бекор қилар экансиз, ҳазрат шаҳриёрнинг марҳаматларидан баҳраманд бўлмоғингизга мана, биз кафил.

Шаҳриёрнинг марҳаматларини эшитгач, саллали киши тасбеҳ тутган қўлини баланд кўтариб:

– Гуноҳлари бўлса, Қиёматда Тангри таоло олдида ўзлари ҳисоб бергайлар! – деди.

Оломон аста тарқала бошлади. Қиз билан йигит олдига ҳеч ким яқинлашмади. Гарчи ҳукм бекор қилинган бўлсада, катта саллали пакана одамнинг норизо назарига тушиб қолишдан ҳайиқдилар. Шамсибек ҳукм бекор қилингани ҳамон тўдадан ота-оналарнинг отилиб чиқиб, фарзандлари томон интилишини кутган эди. Лекин бундай бўлмади. Катта саллали киши таъзим билан Қамариддинга юзланди:

– Тақсир, қадам ранжида қилиб, ғариб кулбамизни чароғон этсангиз, хизматингизда бўлсак, – деди тавозу билан.

– Қуллук, – деди Қамариддин бу таклифга жавобан енгил таъзим қилиб, – марҳаматингиздан бошимиз кўкка етди. Бу кеч манзилимизга етиб олишимиз лозим. Қўниб ўтарга фурсатимиз йўқ.

Яна бир қанча мулозаматлардан сўнг катта саллали киши ва унинг яқинлари ҳам қишлоқ томон йўл олдилар. Улар майдондан узоқлашишгач, дарахтзор томонда турган аёл ва икки мўйсафид гуноҳи азимда айбланган ёшларга яқинлашишга журъат этишди. Қиз юзини девор томон ўгириб, йигит эса бошини қуйи эгиб ўтирарди. Аёл қизнинг бошига юпқа қора тўн ёпди. Мўйсафидлар йигитни қўлтиғидан олишди. Қамариддин билан Шамсибек уларга яқинлашишгач, йигит қўлини кўксига қўйди-да, мағрур бошини эгди. Унинг бу таъзимида мағлублик нишонаси йўқ эди.

– Қуллук, тақсир, – деди йўғон овозда.

– Сизлар ҳар нечук бу ғўрларнинг волидларидирсизлар? – деди Қамариддин мўйсафидларга юзланиб.

– Йўқ, тақсир, – деди қариялардан бири, – кўриб турганингиз бу йигит бизникида кўноқ эди. Жойи жаннатдан бўлгур отаси биз билан улфат эди. Кўриб турганингиз бу ожиза аҳли аёлимиздир.

– Қизнинг волидаини нечук кўринмайдир?

– Тақсир, улар бу воқеани шармандалик деб билиб, қизларини оқ қилганлар.

– Исми-насабинг нима? – деб сўради Қамариддин йигитдан.

– Ғанимурод Тўхтамурод ўғли, – деди қария йигитнинг ўрнига жавоб бериб.

– Ғаниполвон, тонгга қадар йўл ҳозирлигини кўриб қўй. Бомдоддан сўнг йўлга чиқамиз, – Қамариддин шундай деб қарорини маълум қилгач, Шамсибекдан сўради: – Карвонсаройга ҳали кўп юрамизми?

– Ҳа, хийла бор.

– Тақсир, – деди гапга аралашмай, қўл қовуштириб турган қария, – айбга буюрмайдилар, биз ғарибларга илтифот кўрсатиб, кўнглимизни тоғдай кўтардингизлар. Карвонсарой хийла узоқда. Шу боисдан яна марҳаматларингни аямай, бизга кўноқ бўлсалар. Боримизни баҳам кўрсак.

– Бажонидил. Аммо сизларни безовталаб қўймасак эди...

– Камбағалнинг уйи тор бўлса ҳам, кўнгли кенг, тақсирим.

Ортиқча мулозаматга тоқати бўлмагани сабабли Қамариддин бу таклифни дарров қабул қилди. Қишлоққа етиб, чоғроқ ҳовлига киришди. Меҳмонлар учун қора чироқ ёниб турган, қизил шолча солинган уйга жой қилинди. Меҳмонларнинг бу хонадонга кўноқ бўлганларидан хабар топган қишлоқ аҳли бирин-сирин тўплана бошлади. Қўй сўйилди. Афтидан уй эгасининг кўни-қўшнилари ҳам

марҳаматли меҳмонларнинг ташрифидан қувонишиб, топган-тутганларини олиб чиқишган эди.

Уй эгаси ташқарига йўналиб, холи қолишлари билан Шамсибек ҳамроҳидан: «Тақсирнинг таклифини нечук ерда қолдирдингиз?» – деб сўради.

– У ҳам Сайид Ошиққа ўхшаган бир одам-да, сўзи ширину тилида заҳар бор. Кўнгли эса қорадир. Риё билан берган бир бурда нонини мен хазм қила олмасман.

– Ҳаракатингиздан шундайдир, деб тахмин қилиб эдим, тўғри чикди, – деди Шамсибек кулимсираб. Кейин эшик оғзида кўринган мўйсафидга қараб: «Эшигингизда тўй бўлиб кетди, шекилли?» – деди.

– Албатта, албатта, сизлардек табаррук зотлар келадилару тўй бўлмайдими?

– Сиз Ғаниполвонга волид ўрнида экансиз, шу издиҳомни унинг тўйига айлантирсак, ажаб иш бўлурмикин? – деди Қамариддин айёрона жилмайиб.

– Ажиб... Ажиб, – деди қария қувониб. – Агарчи, Ғанижонни олиб кетмоқлик фикрида собит экансиз, тўйини кўриб қолсак...

– Имом хатибни чақираверинг, – деди Қамариддин унинг сўзини бўлиб, – никоҳ ўқиб қўйсун.

– Тақсир, ўзлари мулло кўринадилар, – деди қария Шамсибекка мурожаат этиб. – Агар малол келмаса, никоҳни ўзингиз ўқиб қўйсангиз. Масжидимиз имоми бунга журъат этолмас.

Шамсибек бу кутилмаган таклифдан гангиб қолди. Дарров жавоб бермади. Унинг бу ҳолатидан ажабланган Қамариддин бетоқатланди.

– Айни онда мен ҳам журъат эта олмасман, – деди Шамсибек афсусли оҳангда.

– Сабаб? – деди Қамариддин.

– Бу ҳолатда никоҳ ўқимоқлик сизлар ўйлаганчалик осон эмасдир. Майдонда эканимизда қизнинг ризолигисиз ўқилган никоҳнинг кучи йўқ, дейишимдан мақсад, уни

ўлим жазосидан қутқариб қолмоқлик эди. Аслан, ўқилмиш никоҳ ҳалол, деб даъво қилмоқликка уларнинг асослари бор эрди. Айрим фикҳий масалаларни ечишга каминанинг ақли қосирлик қилиб қоладир. Хусусан бу масалада... Эҳтимол... никоҳига олмиш одам бу ожизани талоқ қилса...

– Муаммо шунинг ўзигинами? Ўша одамни олдириб келтирайинми? Эл олдида талоқни тилга олуснму?

– Тақсир, олиб келтиришнинг ҳожати йўқдир, – деди қария, – Аҳмадбойвачча қизнинг қочганини эшитибок, «бу бузуқ менга ҳаром, талоқ қўйдим», деганини эшитганлар бор.

– Ана, йўл очиқ экан-ку?

– Идда-чи? Талоқдан сўнг бир юз йигирма кун никоҳга ижозат йўқ.

– Никоҳ ўқилгани билан улар бирга яшашмаган?

– Тақсир, айтганимдай бу масалаларни мен ечолмайман. Энг маъқули... сабр қилганимиз маъқул. Икки ёшга саодат эшигини очамиз, деб фитна-ю фасодлар қопқасин очиб қўймайлик. Яна... Андижон қозисининг бу масаладаги фатвосини олайлик-да, қайтар маҳали бир ақллашайлик. Унга қадар Ғаниполвон шу ерда қизга номахрам мақомида тура турсинлар.

Қамариддин билан қария бир-бирларига савол назари билан қараб олишгач, бу маслаҳатни маъқул топдилар. Никоҳ хусусида бошқа сўз очилмади. Меҳмонлар шарафига бошланган зиёфат охирлаб, одамлар тарқалишгач, Қамариддиннинг ихтиёри билан ўрик дарахти панасидаги супага ўрин-кўрпа солинди. Қария ўзи учун супанинг четига якандоз солди.

– Ғаниполвоннинг волидларидан жой қолмаган эдими? – деб сўради Шамсибек ётар чоғида.

– Э, тақсир, бунинг тарихи узун, – деди қария якандозга омонат ўтириб. – Ғанижоннинг дадалари ҳам ном чиқозгон полвон эдилар. Эс-эс биламан, ҳатто буваларининг ҳам кураги ерга тегмаган. Тўхтамурад полвон кураш тушармиш, деса, музофотнинг одамлари ёғилиб келар

эди. Мард одам эди, омма! Ҳарифига сира шикаст етказмас эди-да...

Бу гапни эшитган Қамариддин майдондаги воқеани кўз олдига келтириб, бир қимирлаб олди. Мўйсафид унинг ҳолатини сезмай, ҳикоясини давом эттирди:

– Бир куни денг, шу Аҳмадбойваччани дадалари хатна қилдирган кунлари эди шекилли, улоқ бердилар. Тўйнинг дабдабаси-ю шуҳрати музофотга тарқалсин, деган ниятда энг зўр полвонларни ҳам чорлаган эканлар. Катта кураш бўлди. Тўхтамурод ўртага тушмай, ёнимизда жилмайиб туравердилар. Қарасак, курашга тушгилари йўқ. Полвонлар ҳам, одамлар ҳам шу кишига ажабланиб қарашади. Охири бойбуванинг ўзлари, майдонга туш, деб буюрдилар. «Айбситманг, бойбува, бугун тушолмайман», дедилар Тўхтамурод. Шунда бойбува кишининг иззат-нафсига тегадагон хунук сўзларни айтиб юбордилар. Тўхтамуроднинг ҳамиятлари кучли эди. Белбоғни маҳкам боғлаб, ўртага чиқдилар. Икки-уч айлантиришда давранинг зўри бўлиб турган полвоннинг курагини ер тишлатиб, белбоғни ечиб, елкага ташладилар-у, совринни ҳам олмай кетвордилар. Орқаларидан бордик. Курашга тушмай турганларининг боисини сўрадик. Тўхтамурод тўнни ечиб, яқтакларини кўтардилар. Белларига денг, ёнғоқдай келадиган иккита чипқон чиққан экан... Биз тўйга қайтдик. Полвоннинг совринни олмагани бойбувага малол келибди. «Мени менсимади», деб оғринибдилар. Кечаси полвонларни сархуш қилиб, Тўхтамуродга юборибдилар. Номардлар денг, у кишини аямай дўппослабдилар. Эрталаб борсак, Тўхтамуроднинг бошлари ёрилган, қўллари синган. Тўхтамурод нима бўлганини айтиб ўтирмадилар-у, «Энди бу қишлоқдан бош олиб кетмасам бўлмас, шаҳристонга бораман», деб қарор қилдилар. Уч-тўрт кундан сўнг кўчкўронларини аравага ортиб бердик. Тўхтамуроднинг иссиқлари баланд, кўзлари киртайган эди, сихатингиз маромига тушгунча шошилманг, десак ҳам кўнмадилар.

Аравага завжалари билан Ғанижонни чиқариб ўзлари отни етаклаб пиёда йўлга тушдилар. Ашинда Ғанижон атак-чечак қиладагон ёшда эди. У кишидан ўн олти ё ўн етти йил дарак бўлмади. Ўтган қовун пишиғида Ғанижон келдилар. Эски аравада волидалари хаста ётибдилар экан. Марғилондаги бир курашда Тўхтамуроднинг беллари қаттиқ лат еб, шу хасталик сабаб бўлибди-ю, қазо қилибдилар. Ғанижоннинг волидалари уч кундан кейин омонатларини топширдилар. Тўхтамурод қишлоқдан чиқиб кетгач, уларнинг эшикларини Аҳмадбойвачча ўзининг мулкига қўшиб оған эди. Ғанижон талашиб ўлтирмадилар. Бизникига қўноқ бўлдилар. Марҳумани ҳам шу эшикдан чиқардик...

Ховли ўртасида ёқилган гулхан аста-аста ўчиб борди. Бир-икки учкун сачрагач, қизил чўғ ҳам сўна бошлади. Сачраган учкунлар худди юлдузга айланишга шайлангандай, кўкка сапчиди-ю, лекин ердан бир қулоқ узилмай, енгил кулга айланиб, заминга қўнди. Борлиқ қоронғулик бағрига сингди. Анчагача ухлолмаган Шамсибек қишлоқ осудалигини бузаётган итларнинг хуришига қулоқ солиб ётиб, кўзи илинганини сезмади.

Бомдодга туришганда қария сафар жабдуқларини тайёрлаб қўйганди. Нонуштадан сўнг отларни етаклаб кўчага чиқдилар.

– Манзилингиз Андижонми, тақсир? – деб сўради қария.

– Андижондан беш фарсах йўл. Булоқбоши деган қишлоқ, – деди Шамсибек.

Хайр-хўшлашиб, қишлоқ аҳлининг дуосини олиб, йўлга тушдилар. Бир-бирига кўнгил қўйган қиз билан йигитнинг жонини асраб қолганларидан икковлари ҳам хурсанд эдилар.

ИЖРО ЭТИЛГАН ҲУКМ

Андижонга оқшом қўна бошлаган маҳалда кириб бордилар. Тунни карвонсаройда ўтказиб, вилоят подшоҳининг ҳузурига қайтар маҳали кирармиз, деган қарор билан тонгда Булоқбошини қоралаб, отларга енгил қамчи босдилар. Адирга яқинлашганларида Қамариддин жиловни тортди.

– Ҳеч нарса ўзгармабди, – деди у атрофга назар ташлаб.

– Бу ерларга илгари ҳам назарингиз тушиб эдимиз? – деди Шамсибек унинг ёнида тўхтаб.

– Тавбалари қабул бўлгур падари бузургворим шу ерларда шаҳид бўлганлар.

– Қайси муҳорабада шаҳид бўлиб эдилар?

– Солномачилар бу муҳорабани тарих саккиз юз ўн еттинчи йилнинг муҳаррамаси, деб зикр этганлар. Мен у дамлар норасида эрдим. Падари бузургворим мени ўзлари билан бирга олиб юрар эрдилар. Ҳазрат шахриёримиз мирзо Амирак Аҳмад устига қўшин тортиб эканлар. Аҳси қалъасининг муҳосара қилинганининг шоҳиди бўлиб эдим. Аҳси менинг кўзим тушган қалъалар ичинда энг маҳобатлиси эди. «Қалъа мезаналаридан фалак бошоқларини¹ термоқ мумкин, ундан арши аъзам элининг² гулғуласи эшитилур», дейилмиш таърифлар кўп маротаба қулоғимга кирган. Ҳазрат шахриёримизнинг ғалабаёр лашкари қалъани эгаллагач, амирлар ва ҳукмфармолар мавқе ва мансабларига яраша қимматбаҳо саруполар, мурассаъ шамшир ва ханжарлар, тилло ва кумуш камар, мурассаъ эгар-жабдуқ урилмиш арғумоқлар, нақдиналар ила суюрғол йўсининда сийланишгач, онҳазрат раиятга тинчлик майдони ва омонлик маконидан ўрин бериб, Андижон сари йўл олдилар. Мирзо Амирак Аҳмад давлатпаноҳнинг қаҳридан қўрқиб, тоғлардан макон топиб эркан. Ҳазрат шахриёримиз амир Мусако ихтиёрлари билан амир Муҳаммад Тобон-

¹ Юлдузлар

² Фаришталар

ларни аёлатни¹ идора этмоққа тайинлаб, Самарқандга қайтдилар. Падари бузургворим амир Мусако ихтиёрлари билан ул зотнинг хизматида қолдилар. Ой ораламай, мирзо Амирак Аҳмад Андижонга яна юриш қилибдир. Амирлар раиятга озор бермаслик қасдида шаҳардан ташқарига чиқдилар. Падари бузургворим муҳораба майдонидан омон қайтмадилар. Мирзо Амирак Аҳмад амирларни ҳам қатлга етказибди. Аммо амир Рустам Андижонни мирзога бермай, бизни ҳам омон сақлаб қолган эди.

– Бу воқеалардан менинг-да хабарим бордир. Шаҳидларни дафн этмоққа қабристон торлик қилди, деган гапларни ҳам эшитганим бор. Биз бу фожианинг фаҳмига кўпам етмас эдик. Ўликдан кўрқар эдик.

Қамариддин отни ниқтади.

– Падари бузургворим жасадларини менга кўрсатишган. Бошларидан қилич еган эканлар. Минг қатла шукрларким, султонимиз бесабаб қилич суғурмайдилар. Падари бузургворим «Мирзода соҳибқирони акбарнинг жангаралиқ расми кўринмайдур», деб айтардилар.

Қамариддин энди Улуғбекнинг юришлари ва ҳимматлари ҳақида сўзлаб борарди. Улар жиловни бўш қўйишган, отлар адир йўлларида кўп маротаба юриб ўрганиб қолгандек, аста юрардилар. Адирдан ошиб ўтилгач, узоқда дарахтларга бурканган қишлоқ кўринди. Ҳамроҳининг гапларини эшитиб келаётган Шамсибек унинг сўзини беихтиёр бўлди:

– Ана, келдик, – деди у ички бир ҳаяжон билан. Қамариддин унга қараб кулимсиради:

– Жаннатгами? – деди ҳазил оҳангида.

– Жаннат деб атамоққа арзимайдими? – деди Шамсибек қувлик билан.

– Бундай жойларни «жаннатнинг сояси» деб аташларини биламан.

Ҳамроҳининг уйга ошиқаётганини сезган Қамариддин отни тезлатди.

¹ Вилюят

Кун чошгоҳдан ўтган, қишлоқ сокин эди. Чуғурчуқларнинг чирқиллаши, тартаракларнинг овозларигина баланд ишкомлар орасида одамлар борлигидан дарак беради. Шамсибек отни ўзи яшайдиган уй томон бурди. Офтобда қизиб, билқиллаб турган тупроқни от туёқлари аёвсиз тўзитади. Қамариддин ҳовлиларни шийпон каби тўсиб турган ишкомлардан кўз узмайди. Яна хиёл юришгач, чоғроқ ялангликка чиқишди. Майдонча ўртасида булоқ қайнаб турар, сув илдиз каби таралган ариқчаларга тарқаб, қуёш нурида жимир-жимир қилиб оқарди. Булоқ бўйида икки бола лойдан қубба ясаб ўйнар, сочларини майда ўриб, пилик тақиб олган беш-олти қизалоқ эса қўл ушлашиб, чуғурлашишарди:

*Читтогулу читтогул,
Этагингга чит босай:
Қўлим қўлбоғда,
Белим белбоғда,
Ҳа-ю, читтогул,
Ҳа-ю, читтогул...*

Шамсибек уларга кулиб қаради-ю, отдан тушиб рўпарадаги эшикни итарди. Очилмагач, қамчинининг дастаси билан тақиллатди.

– Атта ҳич ким йўқ, – деди қубба ясаётган бола, лой қўлини иштонига артиб.

– Қаерга кетишди? – деб сўради Шамсибек, унга ажабланиб қараб.

Бола «билмасам», дегандай елка қисиб, бурнини тортиб қўйди. Шамсибек унга яқинлашиб сўради:

– Эшикларингда ким бор?

– Бувим...

– Даданг-чи?

Бола яна елка қисди.

– Югур, бувингга айт: Шамсибек акам келибдилар, дегин-чи.

Дам ўтмай ён эшик орқасида шарпа сезилди. Кейин аёл кишининг синиқ овози эшитилди:

– Келинг, эсон-омон қайтдингизми?

– Ассалому алайкум, буча¹, соғ-омонмисиз, акам саломатмилар? Бизникилардан хабарингиз йўқми?

– Улар сиздан кейиноқ Ширмонбулоққа кўчишдилар. Дадангизнинг бўлалари олиб кетдилар.

– Нимага?

– Невлай... Сизни «жодугар, кофир» деган гап тарқалиб қолди. Қайин отангизни Андижонга олиб кетишибди, деб эшитаман.

Шамсибек бу янгиликдан тамоман гангиб, яна сўради:

– Нимага?

– Невлай... Акангиз гапирмайдилар. Қўшнилари ай-тишяптики, қайин отангиз энди Андижонда хизмат қилар эмишлар. Подшоҳдан шунақа амр бўлганмиш. Меҳмонингиз борга ўхшайди, меҳмонхонага кира турунглари, акангиз ҳали-замон келиб қоладилар.

– Қуллуқ, буча. Ширмонбулоққа чиқа қолайлик.

Қамариддин гапларни эшитиб турган эди. Шунинг учун индамай Шамсибекка эргашди. Бу сафар отларини етаклаб, тупроқ йўлдан пиёда боришди. Тупроқнинг иссиғи этикдан ўтиб, оёққа нохуш илиқлик берди. Уларнинг ортидан бир зумгина қараб қолган қизалоқлар яна ўйинларини бошладилар:

*Бойчечагим хиллолик,
Ҳамён-ҳамён тиллолик.
Бойчечагим бонаси, бонаси,
Қулоғида донаси, донаси.
Олай деса, вой ўлай,
Югуриб чиқди онаси, онаси...*

Қамариддин орқасига ўгирилиб, қизалоқлар томон қаради:

¹ Кичик буви, кичик ая – ҳурмат маъносида.

– Ҳақ таолонинг қудратини қаранг, одамзотга шунча ташвиш билан бирга, кўзлари қувонсин, деб ажойиб неъматлар ҳам берган-а. Бу неъматларнинг одамзот билан иши йўқ, одам ўляптими, қоляптими, барибир ёғилаверади...

Шамсибек унинг бу гапларини эътиборсизлик билан тинглаб, худди ўзига ўзи сўзлагандай, паст овозда деди:

– Ҳа... бойчечакка етган етади, етмаган йўқ.

Дала ёқалаб кетган йўлга чиқишгач, отга минишди. Ярим йиғоч йўл юриб, яна жаннатмонанд қишлоққа кириб боришди. Бир арава сиққули тор, айланма кўчалардан тез ўтишди. Шамсибек бир эшик яқинида жиловни тортиб, узангига оёқ тираб турди-да, бўй чўзиб, девор оша ичкарига қаради. Пешайвонда эмаклаб юрган ўғлини, унга ҳай-ҳайлаб турган онасини кўрди-ю, кўнгли тинчиб, бетларига қизиллик югурди. Отдан чаққонлик билан тушиб, қамчи дастаси билан эшикни тақиллатган бўлди-да, ичкаридан жавоб кутмаёқ остона ҳатлади. Қамариддин уларнинг сўрашиб олишларини, аёлларнинг ичкари ҳовлига ўтишларини кутиб, кўчада қолди.

Шамсибекнинг дадаси бир юмуш билан Ўшга тушган экан, икки кундан сўнг қайтди. Шамсибек шундан кейингина шахриёрнинг амрини бажо келтириб, Самарқандга кўчиши лозим эканини оила аҳлига маълум қилди. Исмоилбек мошгурунч бўлиб қолган бир тутам соқолини силай туриб, аста хўрсинди.

– Султон Улуғбек шундай бўларин ихтиёр этган бўлсалар, биз нима дердик, «Аллоҳим, Ўзинг паноҳингда асра!» деб дуо қилиб қолишдан ўзга чорамиз йўқ.

– Ҳаммамиз бирга борсак-чи? – деди Шамсибек, ризолик жавобига умид қилиб.

Исмоилбек кулимсираб бош чайқади:

– Султонга сиз кераксиз, бизлардан не наф бўлур?

– Ҳар нечук...

– Йўқ, ўғлим, шунча ташвиш бизларга етиб-ортяпти. Дарахтни қариганда янги жойга кўчириб ўтқазсангиз

тутмайди. Укангиз таҳсилни яримлатди. Ҳали замон бағримизга қайтади, орзу ҳавасга етишимизга оз қолди.

– Укам доруссалтанада таҳсил олса, деб эдим.

– Самарқандга борди нима-ю, Андижонда таҳсил кўрди нима? Бари бир эмасми? Қайнатангиз энг баобрў мударрисларга ҳам дарс бера оладиган илмга эгалар. Мана ўзингиз, у муҳтарам зотдан илм олиб, кам бўлмадингизку? Ана, қаранг, мадраса тупроғини яламай туриб, султон назарига тушдингиз. Мадрасага борган Абдулваҳоб нима каромат кўрсатяпти? Одамлар «таҳсилдан юз ўгириб, дарвешликни касб қилганмиш», деб юришибди. Айтмоқчи, сиз уни учратмадингизми?

Шамсибек жавоб беришга тараддудланди. Отасига ёлғон гапира олмай, деди:

– Одамлар айтишаётган бўлишса, балки...

Исмоилбек ўғлини хижолатдан қутқариш учун гапини бўлди:

– Ноқобил бола бўлди. Фарзанднинг гарданидаги туз ҳақини унутиши – волидаиннинг шўри.

– Дада, бувимдан сўрамадим, кўққисдан бу ерга кўчишингиз сабабини билмоқчи эдим.

– Кўққисдан кўчмадик. Ҳамма нарса Аллоҳнинг хоҳиши билан навбатма-навбат келаверади. Сиз кетгач, қози баримизни дабдурустдан шаккокка чиқариб қўйди. «Ўғлинг иблиснинг тилини билади, иблислар билан тиллашади», деб тинчимизни бузди. Бир томондан қайин отангизга ҳам тошлар отилди. У киши Андижондан паноҳ топдилар. Келганингизда излаб юрманг, деб биз шу жойга қўноқ бўла қолдик. Ташвиш чекиниб, иш яхшилик томон бурилибди, инша Аллоҳ, яна қишлоғимизга қайтармиз энди. Султоннинг назарларига тушибсиз, Худо хоҳласа, кўксимизга офтоб ҳам тегиб қолар.

– Инша Аллоҳ, шундай бўлажак, – деди ота-бола суҳбатига жимгина қулоқ бериб ўтирган Қамариддин.
– Ўғлингиз назаркарда йигит. Қайтар маҳалимиз аёлат

подшоҳини бу нотинчликлардан воқиф қилиб ўтурмиз. Ҳазрат шахриёрнинг марҳаматлари бошингиз устидаги фитна булутларини ҳайдаб юборса, ажаб эмас.

– Шояд айтганингиз келса...

Шамсибекнинг кўчиши муҳокаматалаб воқеа эмасди. Шу боисдан аёллар овоз чиқариб йиғлаб юбормаслик учун лабларини тишлаб, унсиз кўз ёши тўкиб сафарга тайёрланишди. Исмоилбек ҳар намоздан сўнг қаъдада ўтириб, ўғли, келини ва ширинтой набирасининг номларини қайта-қайта тилга олиб дуода бўлди. Ҳақ таолога муножот қилиб, шафиқона марҳаматини аямаслигини илтижо қилди.

Куёвининг қайтгани ва Самарқандга кўчиб кетажани эшитган Шербек заргар Андижондан етиб келди. Қамариддин уларни шоширмас, унга сари Шамсибек хижолат чекарди. Ниҳоят, жума намозидан сўнг бир жонлиқ сўйиб, хайри-худойи қилишни, шанба бомдодидан сўнг, тупроқ уйғонмай йўлга чиқишни режалашди.

Эркаклар тунда бир оз мизғиб олишди. Аёллар ичкарида ивирсиб юришиб, тиним билишмади. Уларнинг тун бўйи қилган меҳнатлари самараси тонгда дастурхонда кўринди. Нонуштадан сўнг яна бир карра Куръон тиловат қилинганча, қўзғалишди. Шамсибек онасининг дуосини олиб хайрлашмоқ мақсадида ичкарига ўтди. Аёллар унинг елкасига қўлларининг учини теккизиб, юзларига фотиҳа тортишди. Пиқиллаб йиғлаганлар ҳам бўлди. Шамсибекнинг волидаси тандирда қизариб пишган нонни титроқ қўллари билан унга тутди:

– Тишлаб кетинг болам, насибангиз... шу ерда қоляпти, илоҳи бағримга эсон-омон қайтиб келинг...

Шамсибек нонни тишлаётганида кўзлари ёшланди. Лаблари енгил титради. Томоғини нимадир бўғиб, луқмани ютолмай қолди. Бир тишлам нон томоғида гўё тош каби туриб қолгандай бўлди. Лекин дарҳол ўзини босиб, хаёлини жойига йиғди-да, хайр-хўшлашиб, ташқарида кутиб турган эркаклар қаторига чиқди. Исмоилбек, ўғли чиққач,

остонани теша билан чўқилади-да, бир сиқим тупроқ олиб, халтачага солди.

– Юрагингизга мадад бўлади. Туморингизни йўқотсангиз ҳам, бундан ажралманг, – деб ўғлига узатди.

Шамсибек халтачани кўзларига суртган бўлиб, чап томондаги ич чўнтагига солди.

Икки арава ва икки отлиқ қишлоқни маъюс ҳолда ташлаб чиқиб кетди.

* * *

Шербек заргар вилоят подшоҳининг хизматига ўтган эди. То саройга борилгунча бир қанча одам уларга эгилиб салом берди. Шамсибек қайнотасининг Андижон аҳли хузуридаги мартабасини шу муомаладан билди.

Вилоятподшоҳигамирзо Улуғбекномасинитопширишгач, Қамариддин полвонлар курашини кўрмоқ мақсадида Марғилонга йўл олди. У шахриёрнинг истаги билан пурдил йигитларни Самарқандга олиб кетиши лозим эди.

Шамсибек эса аср намозини ўқиғач, мадраса томон йўл олди. У Ширмонбулоқда эканлигида отаси Андижонга хабар қилиб, кенжасини чақиртирмоқчи бўлганида «тахсилдан узилмасин, қайтишда кўришармиз», деб унамаганди. Шамсибек бир қаватли пастак иморатга жойлашган мадраса дарвозасидан ичкари кириб, туриб қолди. Саҳнда ҳеч ким йўқ. Бирор овоз ҳам эшитилмайди. У бир фурсат тараддудланди-да, кейин укасининг ҳужраси томон юрди. Ҳужра ҳам бўш эди. Нима қиларини билмай турганида ҳовлида чойнак-пиёла кўтарган йигит кўринди. У Шамсибекка яқинлашиб, салом берди.

– Агар хотирим фаромуш бўлмаса, сиз мулло Хуршидбекнинг акаларисиз?

– Адашмадингиз. Укамни йўқлаб келиб эрдим. Ҳужраларида йўқлар.

– Улар бу оқшом дўстлари билан илмий мажлис курганлар. Юринг, мен узатиб қўяйин.

Йигит шундай деб Шамсибекни ҳовли этагидаги хужралардан бирига бошлади. Шамсибек остона ҳатлаши билан муллаваччалар меҳмонни кўриб, ҳурмат юзасидан ўринларидан турдилар. Шамсибек укаси билан қучоқ очиб кўришди. Бошқалар билан ҳам алоҳида-алоҳида сўрашгач, унга давра тўридан жой бердилар. Хайрли дуо қилиниб, юзга фотиҳа тортилди. Шамсибекка ўтирганларнинг аксари таниш эди. Аввал келганларида бир-икки суҳбат ҳам қуриб, илм толибларининг саъй-ҳаракатларидан мамнун бўлиб эди. Ўртага ёзилган қуроқ дастурхон саҳобаларнинг дастурхонини эслатарди: у ер-бу ерга бир ҳовуч, бир ҳовуч туршак, магиз қўйилган, нон йўқ эди.

– Мен кириб, суҳбатларингизга ҳалал бердим шекилли? – деди у давранинг жимиб қолганидан ўнғайсизланиб.

– Асти ундай эмас, – деди муллаваччалардан бири.

– Суҳбатлари сир бўлмаса, давом этса, мен хижолатликдан қутулур эрдим.

– Нимаси махфий бўлсин! Сизнинг иштирокингиз биз учун айни муддао.

Шамсибекка гул туширилмаган сопол пиёлада чой тутдилар.

– Мулла Самад, сиз фикрингизни баён қилмоқ ихтиёрида эдингизми? – деди чой узатган йигит. Афтидан у хужра эгаси, даврабоши эди.

– Мен мулла Тўрабекнинг «Дунё ғам-алам билан бошланиб, ғам-алам билан ўтур ва тугаши ҳам шундай бўлур», деган фикрларини қувватлаш ниятида эдим. Бу ҳикмат айни ҳақиқатдир.

– Ғалат! Ғалат! Ундай эмас! – пойгакда ўтирган йигит дўриллаган овози билан унинг гапини узди. – Дунё Аллоҳнинг мўъжизаси билан бошлангандир, тугаши ҳам Аллоҳнинг улуғ мўъжизаси билан бўладур. Шундай эмасми, тақсир?

Баҳсга бу қадар тез чорланиши кутмаган Шамсибек пиёлани дастурхон устига қўйиб, ўйланиб қолди. Кейин савол берган йигитга қаради:

– Сиз ҳақ гапни айтдингиз, мулла. Аллоҳ таолонинг етук ҳикмат ва тўлиқ қудрати билан Одам алайҳиссаломни яратгани ҳам, унинг фарзандларидан айримларини расул қилиб, ҳақ йўлга даъват этсинлар учун халқ орасига юборгани ҳам бир мўъжизадир. Бу осмон бир тарзда айланавермайди. Қуёш ҳам айни шундай. «Ёсин» оятларидаги Аллоҳнинг бу хусусдаги каломини эслайлик: Худонинг қудрати ва мўъжизасига бандалар учун Ер юзида нишонлар кўпдир. Нишонлардин бири шуки, Аллоҳ кечадан кундузни зойил қилгандур ва чиқарур. Ногоҳ бандалар қоронғуликда қолурлар ва ухлаб роҳатланурлар. Офтоб эса ўз муайян қароргоҳи сари ҳаракатда давом этаверар. Бу ҳам ғолиб ва доно Парвардигорнинг муқаддароти, яъниким, белгиламиш тақдиридир. Ойга ҳам манзиллар муқаррар қилиб белгилаб қўйилмишдир. Ой бул манзилларда ҳаракат қилуб, то ўз жойига қайтгунча, қуриган хурмо шохидек эгилиб қолур. Аллоҳнинг ҳикматларидан яна бири шулким, офтоб ҳаракат қилиб, ойга жам бўлмайди, етишиб ҳам олмайди ва на кеча ҳаракат қилиб, кундуздин ўтиб кетмайдур, балки ҳар қайсиси ўз фалакида ҳаракат қилаверар. Фалак айланиши жараёнида бир банда шодликдан масрур бўладир, бошқаси ғам-алам булути остида яшайдир. Дунёда ғам-алам билан яшаб, қайғу кафанига ўралиб фоний дунёни ташлаб кетиш банданинг ўзига боғлиқ. Бу хусусда эътироз билдиришнгиз мумкинки, шодлик ҳам, қайғу ҳам тақдир ёзуғига ёзилмиш деб. Бу ҳам айни ҳақиқатдир. Аммо Аллоҳ таоло бандаси муқобилига икки йўлни қўймишдир. Раҳмон йўлини танлаб саодатга етишмоғи учун бандага ақл-заковат берилмишдир. Сарвари коинот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам дедиларки: «Аллоҳ таоло марҳаматини аямай сенга яхшилик қилган эркан, сен ҳам кишиларга яхшилик қилғил». Алалхусус, ҳамонки дунёда бирон киши боқий қолмас эркан, ундан фақат яхшилик ёдгор бўлгани маъқулдир. Яхшилик мавжуд экан, ғам-алам унут бўлур. Билакс, яхшилик ўрни-

га зулм ихтиёр қилинар экан, банданинг боши қайғудан чиқмас. Зотан, Аллоҳ таборак ва таоло «Эй Одам фарзанди, мен ўзимга зулмни ҳаром қилдим, бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар», деб огоҳлантиргани ҳолда банда зулмни касб қилиб олса, охираги не бўлур?

– Кўп маъқул гап айтдингиз, – деди хужра эгаси, – ҳожатмандларга инсоф ва адолат эшиклари очиқ бўлса, инша Аллоҳким, ғам-аламдин холи бўлғаймиз.

– Аммо «Бахтиёрлик ичра сен бахтсизликка учрашдин кўрққил», дейилмиш ҳикматни унутмоқлигимиз буткул ножўя, – деди Тўрабек исмли муллавачча.

Шамсибек кулимсираб кўйди. Кейин хужра эгасига қараб деди:

– Мулла, мени суҳбатдан баҳраманд этиб, бағоят қувонтирдингиз. Мен акбод пайвандимнинг¹ диллари субҳи содиқдек пок дўстлари борлигидан беҳад мамнунман. Энди маъзур кўрасиз. Хуршидбек билан бу файзли мажлисни тарк этсак, Худо хоҳласа, бундай иймонлашиш суҳбатлари бизларга яна насиб этгусидир.

Барчалари ҳурмат юзасидан туриб, уларни кузатиб кўйдилар. Шербек заргар «Хуршидбекни албатта олиб келинг» деб тайинлаган эди. Шу боис хужрага кириб суҳбат қурмай, шомга қадар манзилга етиб бориш учун йўлга тушишди. Хуршидбек акасидан беш ёш кичик, улар орасидаги уч фарзанд турмаган эди. Уч фарзанд доғидан сўнг дунёга келгани учун Хуршидбек эрка ўсганди. Шамсибек мактаб таҳсили якунлангач, бўлғуси қайнотасидан илм ўрганиб эди. Унинг мутолаага иштиёқи баланд, Хуршидбек эса акасининг акси эди. Шунга қарамай, отаси уни мадрасага берди.

Ака-ука ўтган-кетганлардан гаплашган бўлдилар, сўнг Шамсибек мақсадга кўчди:

– Истасанг, Самарқандга олиб кетай. У ердаги зукко ва доно мударрислардан сабоқ олсанг, нур-аланнур бўлурмикин?

¹ Жигаргўша

Аканинг хайрли таклифи укага ёқинқирамади, фикри-ни яширмай, очиқ баён қила қолди:

– Ҳожат бормикин? Илмга чанқоқлигим сизники-ча бўлганида ҳам бошқа гап эди. Мен ўзимни сиз каби илмга бахшида эта олмайман. Шунга мажбур қилинган тақдиримда ҳам бирор маъно чиқишига кўзим етмайди.

– У ҳолда мадрасада таҳсил олишингда қандай маъно бордир?

– Биласиз-ку, бу дадамнинг истаклари. Фарзанд эрки волидининг қўлида экан, мен бу истакни бажаришга мажбурман.

Шамсибек буларни яхши билади. Шу боис укаси билан баҳслашмади.

Заргарнинг дастурхони атрофида Андижонга келиб турғун бўлиб қолган уч ҳамқишлоғи бор эди. Заргар Мирзо Улуғбекнинг тенгсиз иқтидори хусусиндаги сўзларини узиб, уларга куёвини таништирди. Шамсибек сўрашиб, ўтиргач, меҳмонлардан бири: «Уста, ҳандаса тўғрисида сўзлаб туриб эдингиз?»деб суҳбатни давом эттиришга даъват қилди.

– Ҳа, воқеан шундай, азизларим. Ҳумоюн толелик ҳазрати шахриёримизнинг ҳандаса илмидаги салоҳиятларига биз томонимиздан баҳо бермоқлик ғалат туюладир. Шу боис улуғлар байтидан эсласак, муродимиз ҳосил бўлур:

Чун Улуғбек мирзо дар илми ҳандаса,

Натовон ёфт дар ҳазорон мадраса.

– *Дейилмоқчим, ҳандаса илмида Улуғбек мирзодек олимни минглаб мадрасадан ҳам излаб тополмассан...*

Бу таърифдан сўнг заргар илмий суҳбатни давом эттиришни лозим кўрмай, кундалик ташвишлар мавзуига кўчди. Шамсибек уларни яхши танимагани учун суҳбатларига аралашмай жим ўтирди. Хуршидбек эса хизматда бўлди. Палов сузиб келиниб, энди уч-тўрт ошамдан олинганда кўча эшиги тақиллади. Заргарнинг ўзи чаққон турди-да, эшик томон юрди. Бир оздан сўнг оқ кигиз қалпоқни бос-

тириб кийиб олган бир кишини бошлаб қайтди. Қишлоқ аҳли «Бойбува» деб муомала қилувчи бу одамни Шамсибек қорачироқ ёруғида дарров таний олмади.

– Тоғдаги чорва билан овора эдим. Қайтсам, Шамсибек ўғлим келиб-кетибдилар. Кишининг юзи иссиқ бўлар экан, истаб-топиб келавардим. Омма, уста, шаҳарнинг киши билмас кўчасидан эшик олган экансиз. Оқшомдан бери излайвериб, мадорим қуриб кетди.

Бойбува жойлашиб, гапларини айтиб бўлгунича Хуршидбек обдастада сув келтириб, унинг қўлига қуйди. Бойбува қўлини ювиб, сочиққа артаётганда ўғлидан гап очди:

– Абдулваҳобни кўргандирсиз?

– Кўрдим, дуо деди.

– Ўзи дурустми? Мадрасадами ё...

Шамсибек овқат устида нохуш гапнинг қўзғалишини истамагани учун унинг сўзини бўлди:

– Бойбува, ошдан олсинлар...

Заргар куёвининг гапини қуватлади:

– Аввал таом, баъд аз калом. Ош маҳтал бўлмасин. Олсинлар. Кеча узун, бафуржа гаплашаверамиз.

Шундан сўнг «олинг-олинг»дан бўлак сўз айтилмади. Дастурхондан товоқ олиниб, шукрона дуоסי ўқилгач, қўлга яна сув берилди. Шамсибек чой қуйиб меҳмонларга бир-бир узатди. Бойбува пиёлани олди-ю, чойдан хўпламай, бетоқатланиб, яна ўғлидан сўз очди.

– Фарзанду аржумандингиз шахристон пойидаги хонақоҳдан бошпана қилган экан, йўқлаб бордим, бир неча муддат гаплашган ҳам бўлдик, – деди Шамсибек босиқ овозда.

Бойбува бу гапдан кейин гангиб қолди. У ўғлининг қаландархонада эканини бошқа одамлардан эшитган, лекин буни тухмат деб билиб, ишонмай юрган эди. Ҳақиқатнинг бу даврада очилиши унинг миясига чақиндай урилди.

– Хонақоҳда нима бор экан унга? Мадраса-чи?

– Англашимча... илмдан юз ўгирган кўринадир.

Ҳамма балого Шамсибекнинг ўзи сабабчидай, Бойбува унга ғазаб билан тикилди:

– Сабаб?

– Сабаби Абдулваҳобнинг ўзига-ю, Аллоҳ таолога маълум холос.

– Сиз билан биргалашиб уйга қайтишга майл билдирмадими?

– Бу хусусда сўз бўлмади...

– Мударрисларини кўрдингизми? Улар нима дейишди?

– Бойбува, мени айбситманг, бундай сўровларга каминанада фурсат бўлмади.

– Унинг ўз майлича бундай қилмоғи маҳол, қайсидир иблиснинг васвасасига учган...

Шамсибекни бу нохуш сўроқдан қутқариш мақсадида меҳмонлардан бири суҳбатга аралашди:

– Бунча куюнмасалар, ахир қаландарлик гуноҳ юмуш эмас-ку?

Бойбува сўз қотган кишига жаҳл билан қаради:

– Менинг ўғлим аҳли дониш даврасига муносиб йигит!
– деди қатъий оҳангда.

Бойбува ғазабини яширмай, фотиҳага қўл очди. Қисқа дуодан сўнг мезбоннинг лутфига қарамай, «шу тонгдаёқ Самарқандга жўнайман, уни ўзим тўғри йўлга соламан», деб совуққина хайрлашганича чиқиб кетди.

Икки кундан сўнг Қамариддин Марғилондаги курашда саралаб олган пурдил йигитларни бошлаб қайтди. Андижонда тунаб, тонгда беш арава-ю, ўн тўрт отлиқ бир карвон бўлиб Самарқанд сари йўл олдилар. Шербек заргар билан Хуршидбек уларни анча жойгача кузатиб бордилар. Шербек заргар «Сиз туз ҳақини бажардингиз, илоҳи, фалакнинг айланиши сиз истаганча бўлгай», деб хайрли дуо қилиб қолди.

Бу кичик карвонга энди Ғанимурод билан унинг қаллиғи қўшилмоғи лозим эди. Кундузи офтобнинг тиғида

юриш, гарчи араваларга соябон тутилган бўлса-да, аёлларни қийнаб қўйди. Шу сабабли оқшом қўнмай работга қўнишди. Аёллар таом тайёрлашгунларича Ғанимуродни хабарлайлик, деб Шамсибек билан Қамариддин қишлоққа кетишди.

Ғанимурод қўнган қўрғон ҳувиллаб қолгандай эди. Ташқари ҳовлида ҳеч ким кўринмади. Қамариддин қамчи дастаси билан эшикни иккинчи карра тақиллатганидан сўнг ичкаридан мўйсафиднинг «Ҳозир!» деган хаста овози келди. Лекин ҳадеганда чиқавермади.

Бир маҳал ичкаридан енгил шарпа эшитилди. Эшик очилди. Қамариддин хайратда қотди: Ғанимуроднинг қаллиғи енгил кўйлақда, сочлари ёйиқ ҳолда кўзларини чакчайтирганича унга рўпара бўлган эди. Қамариддин киздан кўзларини олиб қочди. Қиз унга тикилиб қарай-қарай, бирдан чинқириб юборди-да, бетларини кафтлари билан тўсди. Кейин йиғламсираганича тисарилди. Сўнг яна бир қичқирганича кўча томон отилди. Қамариддин ҳам Шамсибек ҳам ҳеч нимага тушунмай, бир-бирларига савол назарлари билан қараб қолишди. Дам ўтмай, қиз югуриб кетган томондан унинг қаҳ-қаҳ отиб кулгани эшитилди. Шамсибек кизнинг ақлдан озганини англади, бироқ, «нима сабабдан?» деган саволига ўзи жавоб тополмади. Бу орада ичкарига олиб ўтувчи эшик оғзида хассага таянган қария кўринди. Шамсибек шошиб бориб, уни қўлтиғидан олди. Эски кигиз тўшалган супага ўтиришди. Фотиҳадан сўнг қария бошини ҳам қилди.

– Тинчликми? – деб сўради Шамсибек хавотир оҳангида.

Қария «қандай кунларга қолдик?» дегандай афсус билан бош чайқади.

– Юрагим сезган эди, – деди Қамариддин. – Ҳаромнамақлар томониндан бир фитна қилинган кўринадир.

– Ҳа, – деди қария, – аслида сизлар билан кетаверишса бўларкан. Мен бу одамларда иймон бордир, деб ўйлабман.

Ахир улар ҳам мусулмон бандалар-ку?! Нега Раббимдан кўрқишмайди?!

Қария аламли савол беришга берди-ю, жавоб кутмади. Меҳмонлар унинг қандай воқеа юз берганини айта бошла-
шини кутишди. Қария чуқур хўрсиниб қўйиб, гапини да-
вом эттирди:

– Аҳмадбойвачча йигитлари билан келиб шўримизни қуритиб кетди. Ғанимуродни Худо асради. Лекин... ҳали ҳам хушига келганича йўқ. Иссиғи баланд, фақат алахсирайди. Ур-йиқитда нима бўлганини билолмадим. Оёғим лат еган кўринади, шу боис дарров чиқолмай, сиз азизларни мунта-
зир қилиб қўйдим, айбга буюрмайсизлар.

– Арзга бормадиларингми? – деди Қамариддин.

– Кимга? Азозил қачон одамга раҳм қилибди экан?

– Қани почангизни химаринг-чи, – Шамсибек шундай деб шишиб қолган оёқ бўғинларини ушлаб кўрди. Тўпикни ва тўпикдан бир қарич юқори суякни ушлаганида қария оғриқнинг зўридан инграб юборди.

– Этик билан тепишганга ўхшайди?

– Эҳтимол шундайдир, тақсир, аёллар ётган уй остона-
сига йиқилганимни биламан.

– А? Аёллар хонасига ҳам киришдимми? – Қамарид-
диннинг ғазаб жоми қайнаб, тишларини ғижирлатганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Қария яна жимиб қолди. Кейин титроқ овозда давом этди:

– Қизнинг аҳволини кўрдингиз... Ўшандан бери шун-
дай: туз тотмайди, телбалик илашиб қолди, бечорага.

– Астағфируллоҳ! Бундан бўлак шаҳкорлик ҳам бўла-
димми?! Бокирани зўрламоқнинг жазоси – ўлимми? –
Қамариддин Шамсибекдан тасдиқ ишорасини кутди.

– Худо хоҳласа, Раббимнинг ғазабига учрайдилар, –
деди қария оғриқдан инграб. Лекин Қамариддин саволни Шамсибекка берган, жавобни ундан кутарди.

– Жазо бир – ражм! – деди Шамсибек, сўнг қатъий оҳангда қўшиб қўйди: – тошбўрон қилиниши шарт!

Қамариддин тушундим, дегандай ўрнидан турди.

– Работдагиларни олиб қайтаман. Келганимизни бошқалар билмай турсин.

Қамариддин кетгач, Шамсибек яна қариянинг қўлтиғига кирди. Уй эгаси овоз бериб, номаҳрам эркак кираётганидан хотинларни огоҳ қилгач, ичкарига қадам қўйдилар. Шамсибекнинг гапи билан мўйсафид кампирига от ёғи билан қўй пўстагини олиб келишни буюрди. Кейин Ғанимурод ётган хонага киришди. Йигит чалқанча тушиб ётар, ярим очиқ кўзлари маъносиз боқарди. Шамсибек унинг билагини ушлаб, томир зарбларига диққат қилди. Кейин мижжасини қайириб кўрди. Сўнг бошини эҳтиётлик билан силади.

– Бошига қаттиқ нарса билан уришибди, – Шамсибек шундай деб полвон йигитни мук тушириб ётқизди-да, умуртқа суяги бўйлаб қўл юргизди. Белга келганда кафтини бир-икки енгил босиб кўрди.

– Бели лат ебдими? – деб сўради қария хавотир билан.

– Ҳа... – бел синганини айтишни лозим кўрмай, – бир озгина, – деб юмшатиб айтди-ю, қариянинг хавотирли нигоҳига қарашга ботинмади. Бу орада кампир буюрилган от ёғи билан пўстакни остонага қўйиб кетди. Шамсибек қарияни ётқизиб, оёғини ёғ билан обдан силади-да, пўстакка ўраб қўйди.

– Энди камроқ юра турасиз. Пешинда бир муддат офтобга солиб, кун тиғга келганда кўчанинг кўпчиган тупроғига ботириб ўтирасиз. Шу тупроқ зарб захрини тортиб оладир. Йигитлардай чопқиллаб кетадиган бўлурсиз, – деди Шамсибек ҳазил оҳангида. – Кузнинг салқини тушгунча, яланг оёқ юраверингиз. Шунда бод деган иллат яқинлашмайди.

– Илоҳи кам бўлманг, тақсир. Устозингиз барака топсин. Ғанижонга ҳам дори-дармон қиласизми?

– Ҳа, албатта. Ғанижон муолажага муҳтож, – Шамсибек шундай дегач, ташқи ҳовлига чиқиб супага ўтирди. Кўз

олдига ўлимни бўйнига олиб, девор тагида мағрур ўтирган йигит, ҳарифини даст кўтариб, ерга урмай, аста қўйган танти полвон келди. Аллоҳдан унга шифо тилади. Кўчада арава ғилдиракларининг ғижирлаши эшитилгач, ўрнидан турди. Аёллар аравада, Қамариддин билан икки полвон йигит отда келишди. Қолган йигитларни Қамариддин нечундир қишлоқ пойида қолдирибди.

Қамариддин совут кийган, елкасига чочий камон, белига қизил чармдан тикилган садоқ ва мурассаъ ханжар осиб олган эди. У энди даврада кураш тушувчи полвонга ўхшамасди, афтидан, чинакам жангга шайланган эди. Полвонларнинг аёллари ичкари ҳовлига киришгач, қўшни қарияни чақириб, Ғанимуроднинг дўстларини хабарлашга жўнатдилар. Шамсибек Қамариддин билан икки полвон йигитни бошлаб Ғанимурод ётган уйга кирди.

– Жароҳати оғирми? – деди Қамариддин полвоннинг ҳаракатсиз ётишини кўриб.

– Хасталикка бундай ташхис қўйган ҳакимлар муолажани бенаф деб келганлар. Лекин... Аллоҳ ғайб хазинасидан шифо берар бўлса, ҳар қандай хасталик чекинади.

– Табобат ожизми?

– Аллоҳ шифо беражак бўлса, табобат бир сабабчи халос. Аллоҳ Ғанижоннинг жонини сақлаб қолибди, шунисига шукр, бу ёғига умид яна ёлғиз Раҳмон ва Раҳиймнинг Ўзидан. – Шамсибек шундай деб енгларини шимарди.

Унинг сўзи билан бир йигит полвоннинг оёқларини, иккинчиси елкасини ушлаб турди. Шамсибек Ғанимуроднинг бўйнидан бошлаб, умуртқа бўйлаб аста-аста силаб-силаб тушди-да, белга келганда ҳаракатни секинлатди. Ниҳоятда авайлаб-авайлаб силай туриб, кутилмаганда бир зўр берди. «Қирс» этган товуш эшитилди. Полвон қаттиқ бақириб юборди-ю, дарров тинчиди. Пешанасидан совуқ тер чиқди.

Шамсибек муолажани тугатгунга қадар қишлоқ йигитлари йиғилишди. Уларга қишлоқ пойида қолган полвонлар ҳам қўшилишгач, Аҳмадбойваччанинг қўрғони

томон юрдилар. Қўрғон атрофида ўн чоғли йигитни қолдириб, давозани қоқишди. Дарвозани очган хизматчи отлиқ сипоҳ ва нотаниш йигитларни кўриб, тезда орқасига қайтди-да, бойваччани чақирди. Аҳмадбойвачча машъала ёруғида Қамариддин билан Шамсибекни дарров таниди. Шаҳриёрнинг муҳри босилган ёрлиқ билан юрувчи бу зотларни кўриб, юраги ўйнаб кетди. Вужудини кўрқув босиб, қочишни хаёл қилди-ю, лекин чорасиз аҳволдалигини англаб, сир бой бермади. Меҳмонлар ташрифидан қувонгандай жилмайганича салом бериб, таъзим қилганича уларни ичкарига таклиф этди. Қамариддин билан Шамсибек бир-бирларига «қани, арқонни узунроқ ташлайверайлик-чи, бунинг қандай найранглари бор экан?» дегандай бир-бирларига маънодор қараб олдилар-да, остона ҳатлаб ичкари кирдилар. Аҳмадбойвачча эса хизматчиларини чорлаб, шийпонга жой қилиш, дарҳол қора кўчқорни сўйиш ҳақида фармон берди. Қамариддин ҳовли ўртасида туриб олиб фармойишлар бераётган бойваччага нафрат билан қараб турди-да, «арқонни узун ташлаш»га тоқати етмай, уни тўхтатди:

– Кўпам беҳаловат бўлмасинлар, бойвачча. Бизнинг вақтимиз зиқ. Қани, мундайроқ келинг. Сўрайдурган гапларимиз бор.

Совуқ оҳангда айтилган бу гаплардан кейин бойвачча яна қочишни хаёл қилиб, атрофга жавдираб қаради. Буларнинг чангалидан қутулиб қолиш маҳол келганини англаб, яна бўшашди.

– Бош устига, тақсир, – деди жилмайишга ҳаракат қилиб. Бу жилмайишда мамнунлик эмас, жазо арафасидаги талваса булутининг сояси бор эди.

– Ғаниполвонникига кимлар билан бординг?

Юқори мартабали зотнинг совуқ оҳангда сенсирашга ўтиши яхшилик аломати эмаслигини сезган бойваччанинг баданига титроқ югурди:

– Қачон, тақсир? – деди талмовсираб.

– Тулкилик қилма-да, номларини бирма-бир айт!

Аҳмадбойвачча унинг қахрли қарашидан чўчиб, озгина тараддудланди-ю, кейин тақдирга тан бериб, бир қанча одамларнинг номларини айтди. Ташқарида қолган полвонлар қочишга уринган икки одамнинг қўлларини қайириб, ҳовлига кириб келдилар. Қамариддин полвонларга «яна қочириб юбормаларинг», дегандай им қоқиб, сўнг ғазабли нигоҳини бойваччага қадади:

– Муслимхўжанинг қизи сенга зўрлаб никоҳ қилинган экан. Қочмоқчи бўлганини эшитиб, уни талоқ қилган эдингми?

– Ҳа, тақсир, шундай бўлиб эди. Мен шариат қоидаларидан четга чиқмадим.

– Демак, сиз у қиз учун номахрамсиз, шундайми? – деб Шамсибек сўроққа қўшилди. – Номохрам бўла туриб бокира қизга тегиниш ҳам сиз билган шариат қоидаларига кирадими? Жавоб беринг! – Бойвачча бош эгганича индамай тураверди: – Биз билган шариатда сиз жазога лойиқсиз. Қандай жазо эканини ўзингиз айтинг-чи?

Бойвачча бирдан тутқаноғи тутгандай ув тортиб, Шамсибекнинг қаршисида тиз чўқди.

– Менда айб йўқ, тақсир. Номус-оримни поймол қилгани учун полвондан ўчимни олишим керак эди, ичкарига кирмадим.

Қамариддин унинг талвасасига аҳамият бермай, баланд овозда, кескин оҳангда сўради:

– Бўлмаса кимлар?

Бойвачча яна ҳалиги исмларни қайтарди. Қамариддиннинг фармони билан йигитлар бойвачча тилга олган одамларни олиб кетгани кетишди. Қўшни чол эса қозининг уйи сари йўл олди.

Тун яримлаганда гуноҳкорлар ҳам, қози ҳам олиб келинди. Ҳовлида чақирилмаган одамлар ҳам пайдо бўлишди. Қамариддиннинг ҳайбати барчаларини саросимага солди.

– Тақсир, аввал бир сўроғимга дини ислом номидан жавоб бергайсиз, – деб Қамариддин қозига юзланди. – бокиранинг номусини булғаган кимса қандай жазога лойиқ?

Қози бир Аҳадбойваччага, бир Қамариддинга қараб, худди воқеалардан беҳабардай, салмоқлаб гап бошлади:

– Агар зинокор уйланмаган бўлса...

– Зинокорнинг иккита хотини бор, – деб унинг гапини кесди Қамариддин.

– У ҳолда... – қози ҳақиқатни айтса, Аҳмадбойваччадан балога қолишдан, айтмаса, Худонинг ғазабига учрашидан қўрқиб, чайналди. Сипоҳнинг қаҳрли нигоҳи тўғриси айтмоққа мажбур қилди: – Бундай зинокорнинг жазоси бир – ўлим.

– Дуруст, тақсир, у ҳолда нечун бу фасод дўзахилар ҳамон ҳаёт?

– Сўзингизни англамадим, тақсир?

– Яхши англаб турибсиз, – деб итоб билан давом этди Қамариддин. – Бу ҳаромнамакларнинг полвонни жароҳатлаб, яна номаъқул ишлар қилганини шу қишлоқда яшай туриб наҳот эшитмаган бўлсангиз? Агар бу воқеа узоқ шахристонда юз бериб, сиз хабарсиз қолсангиз, ажабланмаган бўлура эдим.

– Ўлимдан хабарим бор, омма бу гаплардан мутлақо хабарим йўқ, – деди қози қайсарлик билан.

– Бу қасамингизга мен ишона қолай. Хўп, аввал эшитмаган бўлсангиз, ана, хабар топдингиз. Булар айбларига иқрорлар. Сиз фатво беринг, ҳукм чиқаринг.

– Шу тобдами?

– Ҳа, айни шу тобда.

– Мен фатво беролмайман, тақсир.

– Нечун?

– Бундай фатвога қози ул-қузот ризолигини олмоғим даркор.

– Ғаниполвонга ҳукм чиқарганингизда ҳам ризолик олиб эдингизми?

Жавоб бўлмади. Қамариддин у билан баҳслашиб ўтирмай, ўз ҳукмини эълон қилди:

– Машъалалар ёқилсин! Қишлоқ аҳлини уйғотинг, ҳукмимизни барчага етказинг: мухтийларни ҳазрат шахриёр номлари ила қатл этгаймиз. Бокирага тегинганлар белига қадар ерга кўмилиб, сўнг тошбўрон қилинадир. Бегуноҳ бандага азоб бериб, жароҳат етказганларга юз дарра, мухтийларнинг жаройимини беркитганларга йигирма беш дарра...

Бу ҳукмни эшитиб, қозининг кўзлари олайиб кетди:

– Ҳуқуқингиз йўқ! – деди у жонҳолатда.

– Ҳазрат шахриёрим ноҳақлик содир бўлган ерда ҳақ ўрнатиш лозимлигини буткул лашкарларию уламоларига уқтирганлар. «Қозилар қўли шариат ҳукмлари ижросида бақувват бўлмоқлиги даркор», деган амри олийга бўйинсунмаганингиз учун сиз жаноб эллик даррага лойиқсиз!

Қозининг лаблари пирпираб, бир неча нафас худди тилдан қолгандай бўлди. Кейин бирдан кўзлари ёниб, жазавага тушиб бақира кетди:

– Мусулмонлар, бу осийлар султон Улуғбек номи билан дини исломни поймол қилиб, шариат ҳукмларига тил теккизмоқдалар. Қараб турманглар, мусулмонлар. Худонинг ғазабидан кўрқинглар! Ким осийни тўхтатмас экан, унинг ўзи ҳам осийдир!

Атрофда қозининг жазавасини қўллайдиганлар топилмади. У жазавани бемаврид бошлаганди. Унинг қутқусига учувчилар ҳали уйғонишмаган эди. Қамариддин унинг бақиришига парво қилмай, «боғланг» деб буюрди. Дам ўтмай ноғора овози янграб, қишлоқ уйғонди. Барча қишлоқ четидаги ўша майдончага тўплангач, айбдорларни ҳайдаб боришди.

– Ўртага гулхан ёқишсин, – деди Шамсибек.

– Нечун? – деб ажабланди Қамариддин. – Бу тўй эмас-ку?

– Тўй бўлмаса ҳам тўйга етқулик. Қишлоқ ножинслардан тозаланяпти.

Шамсибек айтгандай бўлди: гулхан ёқилди. Аввал даррага буюрилганлар насибасини олди. Кейин ўлимга ҳукм қилинганлар белларига қадар кўмилдилар. Шунда орага бирдан сукунат чўқди. Биринчи бўлиб тош отишга журъат қилувчилар йўқдай эди. Сукунат узоқ чўзилмади. Тўпланганлар орасидан ўрта ёшли бир одам чиқиб кўлига тош олди. Буни кузатиб турган бойвачча жон аччиғида ўқирди. Оломоннинг тинчлиги бузилиб, отилаётган тошларнинг кети узилмади...

Ҳукм ижро бўлгач, тошни биринчи бўлиб отган кимса Қамариддин қаршисига келиб, тиз чўқди.

– Тақсир, мен Муслимхўжаман. Мени ҳам ола кетинг.

– Қасбингиз нима?

– Наққошман, ўймақорман, тақсир.

Қамариддин Шамсибекка қараб олди:

– Сизни олиб кетиш-ку бизга малол келмайди, – деди у иккиланиб, – қизингизнинг аҳволи...

– Бўлмаса нима қилай? Қишлоқда бош кўтариб юролмаيمان. Эртага бу гап бутун музофотга тарқалади.

– Бир ақлашиб кўрайлик-чи...

Одамлар тарқалишди. Шамсибеклар ҳам қўнган уйларига қайтишди. Кампир супага дастурхон тузаб қўйган эди. Чой дамланди. Лекин томоқларидан ушоқ ҳам ўтмади. Бир пиёладан чой ичган бўлдилар.

– Ғанимуродни нима қиламиз? – деб сўради Қамариддин.

– Олиб кетмоқ лозим. Йўқса, нобуд бўлади, бунда муолажа қила олувчи ҳозиқи табиб йўқдур.

– Қизни-чи?

– Туни билан шуни ўйладим. Бирон нима демоққа фикрим ожиз. Агар Муслимхўжанинг кўчиш фикри қатъий бўлса, балки олиб кетармиз.

– Маъқул фикр...

Оқшом тушгунча шу ҳовлида дам олишди. Муслимхўжа сафар тадоригини бошлаб, қизини излади. Қиз ерда

ҳам, кўкда ҳам йўқ эди. Одамлар «кечаси қичқириб юриб эди-ку?» деб ажабланишар, чор атрофга юборилганлар ҳам қуруқ қайтишарди. Шом намози ўқиб бўлинган дамда гузарда шовқин кўтарилди:

– Муслимхўжанинг қизи топилди!

– Ўзини ҳовузга ташлаган экан...

– Шишибла кетибди, бечора...

Шамсибек билан Қамариддин то гузарга етиб боргунларига қадар шу гапларни эшитиб боришди.

Қиз шундайгина ҳовуз лабида ётар, тўзғиган сочлари юзини тўсган, онаси унинг кўксига бош қўйиб, дод соларди...

ДАВЛАТ АСОСИДЕК ПОЙДОР БИНО

Дафн маросимига бутун қишлоқ аҳли тўпланди. Тобут сермавж сойда сузаётган қайиқ каби сўнгги манзилга сузиб борди. Қабр устига чойшаб ёйилиб, мурда лаҳадга қўйилаётганда Муслимхўжа хушидан кетди. Ёлғиз қизининг қабрига бир ҳовуч тупроқ ташлашга қурби етмади. Тупроқ тортилиб, «Таборақ» ўқилётганда ҳам у нест бўлиб ўтирарди. Дуодан сўнг суяб турғизиб, уйига бошладилар.

Шамсибекни ҳам, Қамариддинни ҳам полвоннинг тақдири ташвишга соларди. Муслимхўжанинг кетиш ё кетмаслиги ҳам улар учун мавҳум бўлиб қолган эди. Эртасига Муслимхўжага бу хусусда сўз очганларида у бошини ҳам қилганича «Ёлғизимни қандай ташлаб кетаман, ҳеч бўлмаса қабрида танҳо қолмасин», деб хўрсинди. Шундан сўнг улар оқшомда Ғаниполвонни олиб, йўлга чиқиш қарорига келдилар...

Самарқандга етиб боришгач, барчалари карвонсаройга қўнишди. Фирдавсмонанд шаҳарнинг ғоят обод ва тўқ эканини кўриб, барчаларининг хайратлари ошди. Шамсибек шаҳар ҳақида билганларини айта туриб, «Маҳмуд Кошғарий бежиз «Семизкент» атамаганлар», деб қўйди.

Эртаси бомдоддан сўнг Қамариддин келиб, Шамсибекни Кўҳакка бошлаб кетди. Кўчаларда одам сийрак бўлгани учун отларини йўрттирдилар. Давлатпаноҳ суюрғоли бўлмиш кумуш камарли сипоҳни кўрганлар дарров четга чиқиб, қуллуқ қилишарди.

Улар Чинний қасрга киришганида сарой аҳли тахт мулозаматини бажо келтирмоққа шайланиб турарди. Ҳожиб чиқиб, онҳазрат ҳузурларига Шамсибек билан Қамариддинни чорлаётганини айтгач, уларнинг аксари соқолини силаб, «астаффируллоҳ!» деб қўйди.

Улар ичкари киришди. Тахт ва унинг атрофи бўш. Улуғбек сахндаги кичик фаввора ёнида беш чоғли одамлар орасида туриб сўз айтаётган, давранинг ёши бўлмиш нависанда эса супага омонат ўтирганича нималарнидир қоғозга ёзар эди. Афтидан, давлатпаноҳ вазифасини ўташга киришмаган, унинг зар тўнсиз юриши ҳам бунга далолат эди. Мирзо Улуғбек қуллуқ қилиб турган Қамариддин билан Шамсибекка қараб қўйди-ю, кейин яна нависандага ўтирилди.

– Кўриб турганингиз у йигит Афлотуну замоннинг¹ набиралари, ҳазрат Шаҳриёрнинг қобилиятли шогирдлари Мирам Чалабий бўладилар, – деди Қамариддин шивирлаб. Шамсибек ниманидир сўрамоқчи бўлиб гапга оғиз жуфтлаган эди, Чалабийнинг сўзлари хаёлини тортди.

– Курраи арзнинг Шамс атрофида айланажагини айтман, деб эдингиз. Бу ҳодисани қандай тафсир этмоқ керак?

– Курраи арз шамс атрофида айланадир, деб тафсир этсак, гўримизга яна ғишт қалашармикин? – Улуғбек шундай деб кулди. Унинг кимларни назарда тутганини англаб, бошқалар ҳам жилмайишди. Улуғбек бир неча нафас ўйланиб, Чалабийга юзланди: – қадим юнон ва кейинги насаро алломалари коинотнинг маркази курраи арз, деб тарихда хато баёнларни қолдиришган. Ўн сакиз минг оламни тўлиқ ҳикмати ила яратмиш Аллоҳ таоло Ўзининг кало-

¹ Мирзо Улуғбекнинг устозлари Қозизода Румийни шу сифат ила шарафлаганлар.

мида Шамсинг ўзи белгилаб берган йўналишда ҳаракатда эканини айтган бўлса-да, ақли қосирлар буни дуруст англамайдилар. Демакким, мундай деб тафсир этсак, у ақли ноқислар тушуниб етишмас, илм ақли англаб етар. Алқисса, шундай деб ёзгайсен: «Парвардигори олам яратган курраи арз мураккаб самовий ҳаракатлар учун таянч бўлгулик қулай нуқта бўлолмаса ҳам, ақли илм то ҳозирга қадар дунёнинг марказини шу деб билурлар...» Буларни хаттотларга элт. Оқшомга қадар оққа кўчирсинлар.

Улуғбек фармойишларини бериб бўлгач, атрофидагилар таъзим билан чиқдилар. Шундан сўнггина Шамсибек билан Қамариддин султон томон таъзим билан яқинлашишга журъат этдилар.

– Қайтганларингни шомда эшитиб эдим. Бугун хордиқ чиқариб, эрта келарсизлар, деган ўйда эдим. Сафар беҳатар ўтдимми? – деб сўради Улуғбек уларнинг саломига алик олгач.

– Аллоҳга беҳисоб шукр. Ўзининг паноҳида, сизнинг марҳаматингиз соясида эсон-осон бориб-қайтдик. Фарғона аёлотининг пурдил йигитлари навкарликни ихтиёр қилиб, бизлар билан бирга келдилар. Карвонсаройга қўниб, амрингизга махтал бўлиб турибдирлар. Аёлот подшоҳи сизга нома юбормишлар, – Қамариддин шундай деб пойгирни таъзим ила узатди. Улуғбек уни очиб, кўз югуртирди. Кейин Шамсибекка юзланди.

– Подшоҳ падари бузургворинг ва волидаи жаҳонингни паноҳига олажагини айтибди. Кўнглунг хотиржам бўлаверсин.

– Қуллуқ, шахриёрим.

– Қамариддин, йигитларга бошпана тайёрла. Маош тайинла. Токи менинг паноҳимда муҳтожлик сезишмагайлар. Жума куни майдонга чорлаяжакмиз.

– Ҳазрат шахриёрим, бир пурдил йигитимиз майдонга чиқа олмас, мажруҳ бўлиб қолгандир.

– Сабаб?

Шамсибек Ғанимурод воқеасини қисқа тарзда баён қилди. Улуғбек унинг сўзларини диққат билан эшитиб, қошларини чимирди.

– Бу хасталик яна қанча ғавғоларни бошлар экан? Бунинг шифоси борми экан? – деди Улуғбек тахт томон юрар экан.

Шамсибек Қамариддин билан кўз уриштириб олиб, сўнг сўрамоққа журъат этди:

– Қайси хасталикни айтасиз, олампаноҳ?

– Мутаассибликни айтаман. Ўлат сингари тарқаб, раи-ят тинчини бузаяпти.

– Фикри ожизимча, бу хасталик айни авж палласига кўтарилди, ортга қайтмоғи анча мушкулмикин?

– Ҳақ гап... Мулла Шамсибек, сен айтган усулга риоя қилиб дорулшафақа учун ер танламишлар. Меъмор ҳам саъй-ҳаракатини бошлабдур, бамаслаҳат иш юритилса, айни муддао бўлур. Аёлотларга хабар юборилмиш, қаерда тиб илмига иқтидори бўлган ҳаким бор экан, барчалари чорланур ва давлат ажнихига олинур. Бу ер шунчаки дорулшафақа эмас, боҳтардин то баҳоварга* қадарли донг таратгувчи дорулшифоия бўлсун. Бундаин савоб иш учун ганжина дариф тутулмас. Ҳузуримга истаган вақтингда, қимтинмай кела беришинг мумкин.

Улуғбекнинг кейинги гапларини қайтиш учун жавоб деб англаб, таъзим бажо қилганларича, тисарилишди. Лекин Улуғбек уларни тўхтатди.

– Дарвоқе, мулла Шамсибек, – деди у, – келар оқшом сен донишмандлар суҳбатидан баҳраманд бўлмоғинг даркор, буни унутма.

Шамсибек «бундай суҳбатдан баҳрамандлик мен учун улуғ бир саодатдир», деган маънода куллуқ қилиб, саройдан чиқди. Чилстун яқинида уни меъмор кутиб турган эди. Меъмор ихчам кўк салла ўраган, калта соқолли, ўрта бўйли киши эди. Шамсибек саломлашгач, «кўзим йўлингизда эди», деб изоҳ берди. У сал дудуқланиб гапирар, тили

хам чучукрок эди. Талаффузига қараганда у самарқандлик эмасди. Шамсибек унинг талаффузига диққат қилса ҳам, қайси музофотдан эканини аниқлай олмади, сўрашдан эса тийилди. Зотан, буни аниқлашга ҳеч бир ҳожат йўқ эди. Меъмор ўзини «уста Хидир» деб таништирди.

– Жой қаердан танланди? – деб сўради Шамсибек.

– Осиб қўйилган гўштлар дастлаб шаҳристон ичкари-сида бузилди. Энг сўнггиси шу ерда айниди. Шаҳриёр хийла этакроққа, Обираҳмат пойига қуришни амр этдилар. Худди расадхона сингари уч ошъёнлиқ қилиб тикламоқ ниятимиз бордир.

– Уч ошъёнлиқ дедингизми? Нечун бундай?

– Сабабики, у ҳам расадхона сингари савлат тўкиб турсин, шаҳристон чиройини очсун. Кўрганлар хайрат ила ёқа ушласунлар.

– Уста Хидир, сўраганимни айбга буюрмайсиз: бинони тикламоқдин мақсад недур?

– Сўровингиз ажабтур: буни мендин кўра жанобингиз дурустроқ билар? «Дорулшафақа» деб айтдилар менга. Шундайми?

– Айни шундай: бунга фуқаро хайратдан ёқа ушламоқ учун эмас, шифо умидида келадир. Меъморчилик илмига уқувим бўлмаса-да, бинонинг бир ошъёнлиқ бўлмоғи маъқул кўринадир.

– Уч ошъёнлиқда қандай қусур кўрмоқдасиз?

– Дорулшафақанинг бир ошъёнлиқ бўлмоғи хасталар учун ҳам, ҳакимлар учун ҳам айна муддаодир. Шунинг баробаринда атроф кенг боғ бўлмоғи ҳам зарурдир. Дарахтлар гўёки шамсия бўлиб қуёшнинг ўтли нафасидан асрайди. Уч ошъёнлиқда хасталар иссиқ кунлари яна бир қадар азобланурлар. Улар учун тепага чиқиб-тушмоқлик ҳам малолдир.

– Бир ошъёнлиқ бино ажиж-мажиж кунлари хасталарни қийнаб қўйса-чи? Совуқнинг ҳам тепадан, ҳам остдан, ҳам теразалардан кирмоғи бор. Уч ошъёнлиқ бинонинг

ўрта ошъёнида бирмунча исик бўладир. Совуқ фақат те-
разадан кирмоғи мумкин.

– Доно фикр, бироқ, ажиж-мажиж кунлари қисқа,
иссиқ кунлар эса узундир.

– Бу хусусда ўйлаб, мулоҳаза қилмоғимиз жоиз экан.

– Ҳақимлар хасталар ётатургон хоналарнинг кенг ва
шифти баланд бўлмоғин афзал биладирлар. Токи хасталар
тоза ҳавога муҳтож бўлмасинлар.

– Фикрингиз ўринлидир, тақсир. Расадхонага ҳеч йў-
лингиз тушганми?

– Фақат ташқари салобатини кўрдим холос, ичкари
кириш бахти ҳали-ҳануз насиб этмади.

– Шу топда фурсатингиз бўлса, кўрсатар эдим. Кейин
бамаслаҳат иш бошлар эрдик.

Бу фикр Шамсибекка маъқул келиб, улар боғнинг
юқори томонига, савлат тўкиб турган уч ошъёнлиқ тега-
рак иморат сари юрдилар. Мармар зиналардан кўтари-
лар эканлар, меъмор фахр билан: «Бино Қиёматда тоғлар
сайр қилгунига қадар йиқилишу нурашлардан омон
бўлгай», деди. То ичкарига киргунларича у расадхонанинг
афзалликларини гапириб борди. У «иморат давлат асоси-
дек пойдор, пойдевори эса салтанат қоидасидек устивор
қилиб мустаҳкамланган», деганида Шамсибек жилмайиб
қўйди. У бу сўзларни жаннатмонанд шаҳристон сари йўл
олганида қайнотасидан ҳам эшитган эди.

Расадхонанинг юқори қисмига айланма зиналардан
чиқдилар. Ҳар ошъёнда ўнлаб ҳужралар, ўртада эса издиҳом
аҳли учун кенг хоналар барпо этилган эди. Тўққиз фалакнинг
ҳайъатию тўққиз осмон шакллари – даражалар, дақиқалар,
сониялардан тортиб, то ошираларгача шу деворларда акс
эттирилган эди. Юқори ошъён деворларида эса айланувчи
фалаклар, саббаи сайёр, собита юлдузлар билан курраи арз
ҳайъатию, иқлимлар суратигача дилназир нақшлару беназ-
ир рақамлар билан чизилган эди. Хоналардаги илми нужум-
га оид асбобларни Шамсибек илк бор кўриши эди. Шу боис

меъмор «Бу зот ул-самт, буниси зот ул-сукъбатайн, наригиси зот ул-хадифа, анавиниси зот ул-халқа, бу эса зот ул-шуъ-батайн», деб изоҳ берса-да, ҳеч нарсага тушунмади. Унинг диққатини хитойи хон устида турган китоб тортди: «Китоб фи жавомеъ илм ан-нужум ва усул ал-ҳаракат ас-самовия». Бундан олти юз йил муқаддам ал Фарғоний томонидан битилмиш юлдузлар ҳақидаги илм билан осмон ёритгичлари ҳаракатининг асосини бир-бирига қўшувчи бу китоб таърифни қайнотасидан эшитган эди.

– Бул каби китобларни ҳазрат шаҳриёр ўсмир ёшларидаёқ хатм қилганлар. Соҳибқирони акбар кутубхоналарини янада бойитиб, китоблар сонини юз эллик мингдан оширмишлар, – деди меъмор.

– Расадхона қуриш режаси шу китоблар мутолааси вақтида туғилмиш эрканда?

– Қисман шундай. Носириддин Тусий ҳазратларининг «Зижи жадиди элхоний» китобларидан хўб таъсирланмиш эрканлар. Расадхона қуриш истаги Марофага борган онларида уйғонгандир, дейдилар. Каминага бул воқеани Мирам Чалабий сўзладилар, унга батлимису замон ҳикоя қилиб эрканлар. Қизиқар бўлсангиз, сизга ҳам баён этмоғим мумкин.

– Мени бағоят хушнуд этган бўлур эдингиз.

– Чағоту наҳрининг Урмия кўлига қуйилмиш ерига жойлашган Марофа шаҳри қадимда Озарбайжоннинг бошкенти эркан. Шаҳарнинг бир томонин баланд тоғ ўрамиш эркан. Ҳазрати Соҳибқирони акбар бир куни Сароймулкхоним ҳазрати олияларига дебдиларким:

– Марофа кўп баҳаво жойдур. Кўп қадим подшоҳлар қишни унда ўтказишни маъқул кўрмишлар. Шаҳзодалар билан биргаликда сиз ҳам наврўз айёмига қадар ўша ерда бўлингиз.

– Бош устига олампадох, – дебдилар ҳазрати олиялари, – Табризга келганимиздан бери Улуғжон ул кўҳна шаҳарни кўрайлик, деб қистайдир.

– Биламан, – дебдилар Соҳибқирони акбар, – менга ҳам айтибдир, Хулакухон қурдирган расадхонани кўрмоқ истаги тинчини олмишдир. Борсин, кўрсин.

Ҳазрати соҳибқирон Ширвон ва Гуржистон сафарига бораётиб қартайиб қолган қиссахонни Мароғада қолдириб кетмиш эрканлар. Мароғага келгач, Сароймулкхоним ҳазрати олиялари унга дебдиларким: «Бул шаҳарда осори-атиқалар кўп эрмиш, Ҳамза ила Улуғжонни томошо қилдириб келингиз». «Амрингиз айни муддаодир, бегимпошша, Улуғжоннинг ўзлари ҳам кечадан бери қистаб, ҳоли жонимга қўймайдирлар», деб ул қиссахон шаҳзодани кўл томон бошлабдилар. Баланд бир тепаликка чиққонларида доира шаклинда қурилмиш бир бино харобаларига кўзлари тушмишдир. Қиссахон тушунтириш бермаса-да, Улуғбек мирзо бу харобалар ўрнида бундан икки юз йил муқаддам расадхона бўлгонин ўқимиш китоблари орқали билардилар. Бунда юздан ортиқ мунажжим собита юлдузлар ва ўзга осмон ёритгичларининг ҳолат ва ҳаракатларин кузатганлариндан, бунда ўн нафар мукамал танжим асбоблари бўлганидан ҳам хабардор эрканлар. Бул асбоблар йигирма минг динор эвазига сотиб олингани ҳам ул зотга маълум эркан. Расадхонада бой кутубхона бўлгани, ундаги махтутотларнинг кўпи Бағдод ва Аламутдан келтирилганин Кўксаройдаги китоблар билан танишар чоқларида билган эрканлар. Ҳатто бундаги мунажжимлар орасинда чин-мочинликлар ҳам бўлғони, алар эронлик ва туронлик мунажжимларга чинийлар тақвимини тузишда ҳамнафаслик қилғонликларин ҳам билганлар. Ҳазрати шаҳриёр бул харобаларни кўрган онларида кўзларида ёш ҳалқаланмиш эркан. Расадхона қурилмасидан илгари Носириддин Тусий ҳазратнинг йигирма йил давомида зиндонда азоб чекканларини билганларида ҳам шу ҳолга тушган эрканлар. Аълоҳазрат, Тангри таоло анинг давлати ва салтанатини улуғласун, қиссахондан сўрабдиларки: «Шундай олам мўъжизаси не учун бул аҳволга тушмишдир?» Қиссахон дебдиларки:

– «Нузхат ул-қулуб» китобининг муаллифи Ҳамдуллоҳ Қазнавий ҳижрийнинг етти юз қирқинчи йили бул жойни бориб кўрган онларида расадхона вайроналикка юз тутмиш эркан. Ушбуга Султон Абу Саидхон фавт бўлғонидин сўнг эл-юртда бошланмиш ўзаро нифоқлар сабаб бўлғондир. Ёинки... зилзилалар оқибатидир, валлоҳи аълам.

– Зилзила вайрон этганига гумоним бордир, – дебдилар ҳазрати шаҳриёр. – Битта расадхона нима экан, бутун миллатни вайрон қила оладир бул ўзаро нифоқ.

Меъмор баёнини ниҳоясига етказиб, «қандай таъсир этди экан?» деган маънода суҳбатдошига қаради. Шамсибек бир оз ўйга толиб тургач, унга қараб дедики:

– Нафсиламр айтилар бўлса, ҳазрат шаҳриёрнинг бул гаплари тўлиқ ҳикматга йўғрилгандир. Иттифоқ йўқ эркан, миллат хорланур.

Меъмор бош ирғаб, бу фикрни тасдиқлагач, расадхона хусусиндаги гапини давом этди:

– Аълоҳазрат Мароға расадхонасининг харобасини кўрганлар холос. Лекин китобларда ўқиганлари бўйича тарҳини фаразан тиклай олганлар. Аҳли илм дейдики, Самарқандда тикланмиш бул расадхона барча жиҳатлари бирлан аш-Шаммосиядаги, Касиюндаги, хаттоки Мароғадагисидан кам эмасдир.

Меъмор фахр ила шундай деб Шамсибекни айвон томон бошлади. Айвонга чиқаверишдаги бир сурат Шамсибекнинг хаёлини олди. Фалак ва курраи арз тасвирлари билан банд бўлган расадхона деворлари ичида бу суратнинг чиқиши уни хайратда қолдирди. Расмда жанг майдони, шаҳидлар ва мажруҳлар тасвирланган эди. Олдинда мажруҳланган шоҳона кийимли кимса. Унинг ёнида яна бир шоҳона кийимли одам.

Меъмор Шамсибекнинг хайратини фаҳмлаб, изоҳ берди:

– Бу тасвир ҳазрат соҳибқирони акбарнинг улуғ зафарларидан бирига ёдгорлик бўлиб турсун, деб шаҳриёрнинг фармонларига кўра туширилмишдир. Соҳибқироннинг

қиёфалари аслан эмас, мажоз услуби ила берилибдур. Буниси Эдирна подшоҳи, турклар «қаҳрамонлар қаҳрамони», деб шарафлаган Йилдирим Боязиднинг Анқара жангида енгилиб, асирга олинган онлари. Соҳибқирони акбар бу ҳоқон билан зўр муҳораба қилганлари жанобингизга тарихдан маълумдир?

– Эшитганим бор.

– Соҳибқирони акбар муҳолифларининг бу кўйга тушганин билгач, ўзлари етиб келиб кўз ёши тўккан эрканлар.

– Нечун? – деб ажабланди Шамсибек.

– Ҳазрат соҳибқирони акбар дебдиларки: «Раббил оламийнга минг қатла шукрим, нуқсонларимизга қарамай, бизни танлаш назари билан тақдирлади. Сизга бўлган ҳурматим бисёр эди. Сиздек соҳибқудратнинг бу аҳволга тушишидан Тангрининг ўзи асрасин», деб эрканлар. Ҳоланки, Боязид соҳибқироннинг ҳурматига нолайиқ эрди. Муҳорабага ўзининг беодоблиги сабаб бўлмиш эрди. Боязид лашкарининг сардори соҳибқирони акбарга итоат этмай, исён қилгач, Озарбайжонга қадар таъқиб этиб бордилар. Исён барҳам топиб, ортларига қайтар маҳалларида Боязидни хасталик олиб кетди. Жон берар маҳалида ҳазрат соҳибқиронга мурожаат қилиб, хоқонлик тахтини ўз ўғлига васият қилди. Ҳазрат соҳибқирон, васиятга амал қилиб, шаҳзодани тахтга қўйиб қайтганлар. Бул султон хонадонига ҳам, раиятига ҳам ёмонлик соғинмагандилар.

Бу ҳикоядан мутаассир бўлган Шамсибек кўзи олдида мусаввир қилқалами билан тасвир этилган тарих манзараси жонлангандай бўлиб кетди. Яна бир оз тикилиб тургач, меъморнинг таклифи билан айвонга чиқди-да, чор атрофга назар ташлади. Бу ердан шаҳристон кафтдек кўриниб турарди. Улар шу ерда туришганида пешин намозига азон чақирилди. Пастга тушиб, расадхона аҳли билан намоз ўқидилар-да, шаҳристонга қайтдилар.

Қамариддин пурдил йигитларнинг оилаларини жойлаштириш билан банд эди. У Шамсибекка Шоҳизинда

дахасидаги бир уйни ҳозирлаб қўйганини, Ғанимуродни сарой хизматчиларидан бири паноҳига олганини айтди. Кўчлар аравага ортиб қўйилгани учун, карвонсаройда ортиқча тўхталмадилар. Шамсибек ички-ташқилик чоғроқ ҳовлига жойлашди.

Янги уй Маҳфузага ёқинқирамаса ҳам, эрига индамади. Хоналар тор ва паст, ҳовли саҳни йигирма-ўттиз одамни баъзўр сиғдира оладиган бу уйда унинг нафаси сиқилгандек бўлди. Шамсибек завжасидаги бу ўзгаришни сезди. «Кўни-киб кетажакдир, – деб ўйлади ўзича. – Қишлоқда кенг уйга, чорбоққа ўрганиб қолган. Бу тор ҳовлидаги биргина дарахт офтобда қовжираб турибдир. Қизиқ, Ҳақ таоло бандалари учун жаннатмонанд ерларни ато қилган. Бандалар эса шундайин жойларин ташлаб, тор, сиқик ерларда яшайверадилар. Шахристон оҳанрабоси бормикин? Бунда мен каби бир мажбурият ила кўчиб келганлар кўпмикин ё ўз ихтиёрлари ила яшамоқни афзал билганларми? Булар банданинг эмас, Яратганинг хоҳиш-истаги билан бўлар бўлса, на илож...»

Маҳфуза ҳамон тугунлар олдида ўтирар, бошидаги рўмоли елкасига тушган, чарос кўзларида ҳорғинлик бор эди... Иссиқдан безовта бўлиб, инжиқлик қилаётган ўғлининг бошини силаб, рўмолининг учи билан елпирди.

– Ичкарига кирайлик, уй салқинроқ, – деди Шамсибек катта бир тугунни кўтариб. Маҳфуза боласини кўтариб, унга эргашди.

...Шербек заргар Бухоро мадрасасида таҳсил кўрган донишманд киши эди. Соҳибқирони акбар ҳаётлик чоғида бир неча муддат Самарқандда ҳам истиқомат қилган, ундан сўнг кўтарилган низолару тўс-тўпалонлардан безор бўлиб, Булоқбошига қайтган, шу ерда оила қурган эди. Исмоилбек заргар билан бирга улғайган, шу боис тўнғичи Шамсибекни унинг тарбиясига инониб топширган эди. Шамсибек ҳазрат шаҳриёрнинг назарига тушган барча фазилатларини шу устозидан олган эди. Абдулваҳобнинг хонадонидан совчилар келган дамларда Шамсибек билан

Махфуза ширин орзулардан қанот қилиб, бахтиёрлик самосида учиб юрардилар. Эшикка совчилар қадами текканидан хабар топган қиз аждаҳо домига тушгандек оҳурди, «отамни адашишдан асра», деб Аллоҳга муножотлар қилди. Унинг бахтига биринчи сафар ҳам, иккинчи сафар ҳам заргар совчиларга рад жавобини бераверди. Биродари Исмоилбекнинг хонадонидан садо кутди. Бу қутлуғ хонадондан совчи келган куниёқ патир синдирилди. Қиз билан йигит чимилдиққа кириш онларини ҳам ширин қўрқув, ҳам соғинч билан кутган эдилар...

Орадан уч йил ўтгач, энди тақдир уларни бегона бир ерга олиб келиб ташлади. Махфуза бунинг яхши ёки ёмон эканини билолмайди. Яхши, деса, мусофирлик заҳматларидан чўчийди. Ёмон, деса, умр йўлдоши султоннинг қутлуғ назарига тушиш бахтига муяссар бўлган. Шунинг учун у нолиш ёки ношукр сўзлар айтиш билан эрининг кўнглини оғритиб қўйишни истамасди.

Улар бордон тўшалган уйга наमत солаётганларида офтобда қорайган бир болакай эшик оғзида кўринди. Қўлида коса. У ичкарига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай, иккиланганича турарди. Шамсибек ташқарига чиққанида, бола ёшига ярашмаган дўриллаган овозда салом бериб, косани узатди:

– Энам бердилар, – деди

– Эшикларинг қайси? – деди Шамсибек, унинг қўлидаги чиннини олар экан.

– Қайси эшик? – Бола Шамсибекнинг сўзига тушунмай, ажабланди.

Шамсибек Андижонда «ҳовли-жой»нинг «эшик» деб аталиши бу ердагиларга тушунарсиз эканини англаб, хатосини тузатди:

– Уйларингиз-да, – деди кулимсираб.

– Наригиси, – деб бола ўнг томондаги ҳовлини қўли билан кўрсатди.

– Раҳмат айтдилар, дегин, хўпми?

Бола «хўп», деб изига қайтди. Оқшомга яқин яна икки қўшнидан овқат чиқди. Шундан сўнг Маҳфузанинг кўнглига чироқ ёқилгандай бўлди.

– Қўшнилardan ёлчисак, мусофирлик тузи шўр ботмас, – деб қўйди.

Шамсибек тонгда рўзғор ташвишида бозорга кетди. Пўлотий нондан, мева-чевадан олиб, уйига қайтишда Абдулваҳобни кўрди. Ёнида отаси...

– Бир ҳафтадан бери кўзларимиз йўлингизда, – деди Бойбува салом-алиқдан сўнг. Соч-соқоли олинган, кулоҳ-жанда ўрнига дўппи ва оқ яқтак кийган Абдулваҳоб Шамсибек билан совуқроқ кўришди. Буни сезган бойбува ўғлига хўмрайди-ю, индамади. Кейин Шамсибекка жилмайиб қараганича деди:

– Қўлингиздагини уйга ташлаб чиқсангиз-да, сўнг бирга-бирга нонушта қилсак.

Шамсибек уларни уйга таклиф қилди. Бойбува «янги рўзғорсизлар», деб унамагач, қўлидагиларни ташлаб чиқди.

Улар карвонсарой этагидаги чойхонага боришди. Абдулваҳоб йўлда ҳам, келиб ўтиришганда ҳам оғиз очмади. Бойбува орадаги совуқ сукутни қувиш учун турли мавзуларда гап очар, Шамсибек эса жимгина тинглар, лозим бўлган тақдирдагина бир-икки жумла сўз айтиш билан чекланарди. У қаршисида тунд бўлиб ўтирган сабоқдошига қараб ўйланарди: «Унда ўз бахтидан бўлак барча нарса муҳайё. Мол-дунё бандага бахтиёрлик қасрини қуриб беришдан ожиз экан-да? Илгари у варрак яшашни билмасди. Уқувсизроқ эди. Аммо қишлоқдаги энг яхши варракни бир бурда зоғора нон эвазига сотиб олиб, кўз-кўз қиларди. Энг баландга кўтариладиган варрак Абдулваҳоб бойваччаники эди. Бахт варрак эмас экан. Уни сотиб олиб учирини ҳали ҳеч кимга муяссар бўлмаган. Бойбува муддаосини айтишга истиҳола қиляпти. Сезиб турибман... Мен улар учун ялангоёқ бир бола эдим... Ҳаёт катта шикорга-ю, бандалар эса сайёдга ўхшар эканлар. Сайдни қувишда ким баъзан ўза-

ди, ким ортда қолиб кетади. Кимнинг ўқи нишонга боради, кимники йўқ... Сайд ортидан қувишда қанча йўқотишлар бўлади... Абдулваҳоб қанча йўқотди? Яна қанча йўқотади? Мен-чи? Жавобга ҳисоб ожиздир... Аллоҳнинг ҳар бандаси дақиқа сайин ўзини йўқотиб, ҳеч ким билмаган бошқа одамга айланиб боради. Фақат шакли-шамойили билан бир-бировини танийди. Узоқ йиллар кўришмаса, танимай қолиши ҳам шубҳасиздир. Шу тобда қайта танишмоқ лозим. Нечун? Яна йўқотиш учунми? Абдулваҳобни, гарчи у мен учун азиз бўлмаса-да, икки марта йўқотдим. Бойбува бугун бизни қайта топиштирмоқчилар... Йўқ... ҳаёт сайд ортидан қувишга нисабатан анча мушкулроқ...»

– Мулла Шамсибек, келишимизнинг боиси сизга аён бўлса, эҳтимол. Сиз ҳам ўғлим қатори ўғлимсиз. Оппоқ соқолим ҳурмати, айтар сўзларимни инобатга олурсиз...

Бойбува муддаога ўтаётгани учун Шамсибек хаёллари оғушидан қутилиб, унинг гапларига диққат қилди:

– Мирзо Улуғбек Кўрагон ҳукмдорлиги кунларида Мовароуннаҳр раияти зулм зулматидан адлу эҳсоннинг оби-ҳаёт чашмасига етишди. Ва барча халойиқ омонлиқ бўстони ҳам фароғат чаманида ором олди. Бу Худога ҳам, бандасига ҳам маълум ва манзур. Ақли ноқис дўстингиз бу марҳаматни кўзларига тўтиё қилмоқ ўрнига гумроҳлик йўлини аёло топган экан, мени ризо қилмаса, Худонинг ғазабига учрагай, астағфируллоҳ! Ўтган гуноҳлари учун узр сўраса, аввало ёлғиз Тангри таоло иродаси, қолаверса, давлатпаноҳнинг истаги билан яна илм олмоқ бахтига етишурмикин?..

Бойбува жим қолди. Шамсибек жавобга шошилмади. Бир неча нафасдан сўнг бойбува яна гапира бошлади:

– Умрим афсонаси охирлаб қолди. Ажал шамоли умидим сомонини ҳам, умр донасини ҳам совуряпти. Кўзим очиклигида орзу-ҳавасим ушалса, деган ёлғиз умид билан яшаяпман. Яхшилик ерда қолмайди, ўғлим. Бизга кўрсатган лутфу карамингиз, Худо хоҳласа, ўн чандон бўлиб ўзингизга қайтади.

– Бойбува, қандай лутфу карамни айтяпсиз, муддаони англамай турибман?

– Муддао шулки, – Абдулваҳоб сўз бошлаб, ижозат сўрагандай отасига қаради, «гапиравер» деган маънодаги кўз ишораси бўлгач, ланжроқ оҳангда давом этди. – Мадраса таҳсилига қайтмоғимга мударрислар рўйхуш бермамишлар. Шаҳриёр ҳузурида ўзим узрхоҳлик қила олмайман. Орамизда воситачи бўлинг. Мен фарзанднинг бурчи – отанинг ҳиммат ва равишига яхши мутоибат қилиш эканлигини англадим. Буни амалга оширмаққа алҳол, ёлғиз сиз кўмак бера оласиз.

– Агар олампаноҳ ҳузурларига кириш насиб этса, фурсат топиб, мадрасага қайтиш истагингизни етказарман. Ҳоланки, илм олмоқликка фақат истакнинг ўзигина кифоя қилмас. Сиз бу хусусда ҳам фикр юритиб кўрдингизми?

Савол Абдулваҳобга қарата берилган эди. Лекин унинг энсаси қотиб, жавоб бергиси келмай, юзини бурди. Орага совуқлик тушиб қолишидан кўрққан Бойбува гапга аралашди:

– Ўғлим, ҳақ сўзни айтдингиз. Лекин мадраса эшигидан ҳар вақт зукко ва алломалар чиқавермайди-ку? Абдулваҳоб биродарингиз хатми кутуб қилса бас, алломаликка даъвоимиз йўқдир бизларнинг.

– Узрларингизни ҳазрат шаҳриёрга етказиш ҳаракатидан бўйин товламасман. Бироқ, Абдулваҳобнинг мадраса таҳсилига қайтмоғи хусусида бир сўз дея олишга алҳол ожизман. Шу тобдаги ваъда даштда овланмаган оҳуни сизларга бағишлаш каби бўлиб қоладир.

– Албатта, албатта, – Бойбува шундай деганича хуржундан халтача чиқариб, Шамсибекка узатди: – Ўғлим, бу тангаларни олиб қўйинг. Харажотларга яратарсиз...

– Шаҳриёр ҳузурида узрхоҳлик қилмоқликнинг қандай харажоти бўлмоғи мумкин? – деди Шамсибек ранжиб.

– Сўзимни тўғри англамадингиз, ўғлим, Абдулваҳобнинг каму кўстидан хабар олиб турармикинсиз, деб эдим. Биродарингизни сизга инониб ташлаб кетажакман.

– Бойбува, Абдулваҳоб сағир эмасларки, мен бир васий бўлиб, унинг каму кўстидан бохабар бўлиб турсам. Ўзларига қолдираверинг. Камхаржликдан қийналсалар, у ҳолда хабардор бўлиб туришимиз ўринли.

Бойбува унга савол назари билан қараб тургач, халтачани яна хуржунга солиб қўйди.

– Агар карвон йўлга чиқса, эҳтимол, бугун Самарқандни тарк этарман. Кузнинг нафаси келиб қолди. Сизга ишониб кетяпман.

Нонушта баҳонасида айтилмоқчи бўлган гаплар тугаб, ортиқча ўтиришга ҳожат қолмаган эди. Бойбува фотиҳага қўл очди.

Шамсибек уйга қайтгач, Маҳфуза Абдулваҳобларнинг муддаосини сўради. Воқеани билгач, «Шундай қилмасангиз бўларди», деди хавотирли оҳангда.

– Эски гиналарни унутмаслик гуноҳ, – деди Шамсибек, уларнинг совчи қўйганларига шама қилиб.

– Менинг кин-кудуратим йўқ. Қишлоқнинг каттаю кичиги уларнинг биронта хайрли ишини эсламайди. Диллари тоза эмас-да, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз-ку?

– Бу гапларга энди ҳожат йўқдир. У айбларига иқрор.

Шу билан тонгги меҳмонлар хусусидаги гапга нуқта қўйилди. Шамсибек пешинда Бибихоним масжидига чиқиб, ундан сўнг Кўҳак сари юрди...

Пуштаи Кўҳак доманасига яқинлашганида Қамариддинга дуч келди.

– Ҳазрат шаҳриёр бу кеча базм қуриш ихтиёридалар. Пурдил йигитларни майдонга чақирурмиз, – деди Қамариддин омонлаша туриб.

– Мен аҳли ирфон мажлисга тўпланар, деган хаёлда эдим, – деди Шамсибек афсус оҳангида. Дарҳақиқат, у султон зиёфатидан баҳраманд бўлишни ўйламаган эди.

– Бўлса бордир... Эҳтимол базм мажлисдан сўнгдир, – деди Қамариддин мавҳум қилиб. Кейин шошиб турганлигини баҳона қилиб, отига енгил қамчи урди.

Қаср атрофида Шамсибек танимайдиган одамлар кўп эди. У ётсираб, четроқда турган эди, ихчам салла ўраган хушрўй йигит яқинлашиб, салом берди. Шамсибек кечаги куни олампаҳоғга нависандалик қилган Мирам Чалабийни бир қарашдаёқ таниб, кўнгли чароғонлашди.

– Мен Маҳмуд ибн Муҳаммаддурман¹, шайх-ул-уламо² сизни кутиб олишни каминага топишириб эдилар. Узрким, ташрифингиздан беҳабар қолибман.

– Такаллуфингиздан бошим кўкка етибдир. Агар янглишмасам, ҳазрат шаҳриёр улуғ бир мажлис қурмоқни ихтиёр этган кўринадирлар.

– Айни рост, янглишмадингиз. Қани, марҳамат қил-сунлар...

Бу дамда бошқалар ҳам қаср томон йўл олдилар.

Қаср олдидаги майдончага бир доира қилиб гиламлар, гиламлар устига эса якандозлар ва дастурхонлар тўшалган, дастурхонлар усти шоҳона тарзда – ноз-неъматлар билан тўла эди.

Келганлар ўз иззатларига яраша жой танлаб, ўтирдилар. Шамсибек пойгақдан жой олди. Мирам Чалабий уни бироз ёлғиз қолдирди. Кейин қайтиб келиб, унинг ёнига ўтирди. Қаср томонда Мирзо Улуғбек кўриниши ҳамон барчалари ўринларидан туриб, саломга шайландилар. Олампаҳо саломларни қабул этгач, яна қайта ўтирдилар. Ҳамма шаҳриёрнинг сўз айтмоғини кутиб, сукут сақлади. Улуғбек жойига бориб ўтирди-да, даврага назар ташлаб, Али Қушчига кўзи тушмагач:

– Ўғлим Алоуддин Муҳаммад нечун кўринмайдир? – деб сўради.

Мирам Чалабий илдам ўрнидан туриб, қуллик қилди-да:

– Батлимуси даврон расадхонада андак тутилиб қолмишлар. Дақиқа ўтмай етиб келурлар, инша Аллох, – деди.

¹ Чалабийнинг асл исми.

² Олимлар устози.

Улуғбек «яхши» дегандек бош ирғаб, «дастурхонга марҳамат қилинсун», деб қўйди. Йиғилганлар гуруҳ-гуруҳ бўлишиб паст овозда ўзаро гаплаша кетдилар. Шамсибек Али Қушчининг келишини алоҳида қизиқиш ила кута бошлади. У хизматкорлик чоҳидан алломалик мартабасига кўтарилган донишмандни кўз олдига келтирмоқчи бўлди. Шу аснода Али Қушчининг ташриф буюрганини сезмай қолди. Мирам Чалабий «Келдилар», деб шивирлагандан кейингина, Мирзо Улуғбек қаршисида таъзимда турган сипо кийинган, қорачадан келган чайир кишининг Али Қушчи эканини фаҳмлади. Улуғбек алломанинг саломига алик олгач, ёнидан жой кўрсатди. Ўзаро гаплашиб олгач, Мирзо ўрнидан турди. Унинг сўз айтмоққа шайланганини англаб, давра аҳли гапларини бас қилди.

– Ҳазрати устоз, алломаи жаҳон, Афлотуну замон мавлоно Салоҳуддин Мусо Қозизодайи Румийнинг жаннат боғига рихлат қилғонларига олти йил бўлди. Шайхул-уламо, малойи аъзам, олам ҳақимларининг ифтихори Ғиёсиддин Жамшид, аларни Тангри таоло раҳмат қилсун, вафотларидан сўнг илм арки кўп қашшоқлашди. «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиуъун» – бизнинг барчаларимиз Аллоҳнинг бандаларимиз ва Унинг Ўзига қайтгумиздир. Бизлардан қолган осор-атиқалар бизларнинг ким бўлганимиздан дарак бергувси. Алалхусус, бизлардан кейин қолғучи осор-атиқаларга назар қилиш муддаосида сиз – аҳли идрокни тўпламиш бўлдик. Амри аъло шулким, бу кундан эътиборан, дорус-салтанада Байтул-ҳикма¹ жорий қилинсун. Аҳли ирфоннинг Байтул-ҳикма атрофида бирлашуви Тангрининг соф ҳикматидан умид қилинур. Тупроғимиз улуғ донишмандлар Абу Наср Фаробий, ал Хоразмий, ал Беруний, Ибн Сино қадамларидан мунаввар бўлмиш эканлари тарих зарварақларига зарб этилмишдир. Тириклик таъмининг ўзлари учун ширин ва роҳатбахш бўлмоғин истаб, бутун оламини ўзларидин паст

¹ Ҳикмат уйи. «Фанлар академияси» маъносида.

деб билмиш хоқонлар давронида улар ўз ота юртларига бегона бўлмишлар. Алалхусус, Тангри каромати ила ёруғ дунёда кўз очмиш алломаларни тўпламоқ бурчимиздир. Алломалар қувғин ва алам саҳросида саргашта юрмай, иззат-икром шоҳсупасида ўтирмоқлари лозимдир.

Улуғбек сўздан тўхтади. Ўтирганлар баён этилмиш амрдан мамнун бўлишиб, ўзаро сўзга тутиндилар. Мирзо давра аҳлига ўтқир нигоҳини бир-бир қаратгач, жойига қайтди-да: «Байтул-ҳикма хусусида ким сўзламак истар?» – деб сўради. Бу савол бир мунча муддат жавобсиз қолди. Шунда у сукут сақлаб, ўйга толган Али Қушчига қаради: – Бу хусусда ўғлим не дер экан?

Али Қушчи ўнг қўлини кўксига қўйиб, ўрнидан турди. Енгил таъзим қилганидан сўнг сўз бошлади. У шахриёрга нисбатан тезроқ гапирар, сўзлаш чоғида нигоҳи бир жойда турмас эди.

– Дорус-салтанада Байтул-ҳикма қарор топса, нур алан-нур бўлур. Байтул-ҳикма халифа Маъмун¹ фармони ила барпо этилмиш алломалар уюшмасига ўхшамай, илм аркининг норасидаларин ҳақ йўлга бошламиш бир даргоҳ бўлса.

– Маъқул, – деди Улуғбек мамнун бош ирғаб. Бунга жавобан Али Қушчи таъзим қилди-да, сўзини давом этди:

– Тангри таолонинг қудрати билан ёруғ дунёга бизлардан илгари келмиш алломалар илм арки хазинасини ноёб фикрлар дурдоналари ила бойитмишларким, бизлар бу дурларлардин ҳали-хануз баҳрманддурмиз. Аммо илм аркимизнинг норасидилари билмоқликлари шартдурким, бу фикрлар қанчалар ноёб бўлмасин, мутлақ эмасдур. Фалак айлангани сайин улар талқин, таҳлил ва таҳрирга муҳтож бўлуб борурлар. Аллома ал Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-арз»² деб аталмиш рисоласида Батлимус жуғрофиясига ўзгартишлар ва аниқликлар киритиши илм аркимиз норасидаларига ўртак бўлмоғи даркордир. Юноннинг улуғ алломалари яратмиш нодир асарларни дадил таҳрир қилгани

¹ 813–833 йилларда Бағдоддаги Байтул-ҳикмани ривожлантирган араб халифаси.

² Ернинг сурати.

боис ал Хоразмий улардин катта ноаниқликлар топди ва Тангрининг хоҳишу истаги бирлан ёзилмиш «Ал китоб ал мухтасар фи ҳисоб ал жабр ва муқобала»¹ зар андар зар² бўлмиш. Байтул-ҳикмада шулар четда қолмаса, деган умидларимиз бордир.

Али Қушчи Улуғбекка яна таъзим бажо келтиргач, сўзи ниҳоясига етганини маълум қилди. Мирзо унга «бўлак га-пинг йўқми?» дегандай савол назари билан қаради-да, кейин Мирам Чалабийни чақирди. Йигит илдам равишда ўрнидан тургач:

– Қулоғим сенда, – деди.

– Сизнинг бул амрингиз биздай илм арки норасидаларининг йўлларини офтоб янглиғ ёритгусидир. Устоднинг фикрлари ҳам кўп маъқулдир. Мен тавбалари қабул бўл-гур бобомнинг «Батлимусдан ўрган, аммо тақлид қилма», демиш ўғитларин тоабад ёдда тутурман. Истагим шулки, тенгқурларим ҳам насиҳатгўйликдан нари юрсалар. Яна бир истагим шулки, илм аркининг биз каби норасидалари ал Фаробий, ар Розий, ал Беруний, ал Хоразми, ал Фарғоний каби шайхул-уламолар йўлига йўлланса, яъниким, аллома Тангри яратмиш илмларнинг барчасидин бохабар бўлса. Фалакиёт, риёзиёт, ҳандаса, тиббиёт, жуғрофия, адабиёт илмидин хабар топсагина алломалик мартабасига лойиқ кўрилса.

– Маъқул. Яна кимнинг сўзлаш истаги бордир?

Қора соқол қўйиб, катта салла ўраган киши ўрнидан турди. Шамсибек унинг кимлигини билмасди. Мажлисга келар чоғида унга кўзи тушиб, сезиларли оқсашига эътибор берган, ўзича «туғма оқсоқ экан», деб қўйган эди.

– Қулоғим сенда, – деди Мирзо унга савол назари билан қараб.

– Байтул-ҳикма Сизнинг улуғ марҳаматингиз туфайлидир. Шу боис, унга бўлак юртлардин алломалар жалб қилинмаса.

¹ Тиклаш ва қарши қўйиш ҳисобига оид мўъжаз китоб.

² Зарларнинг зари.

– Нечун? – Мирзо Улуғбекка бу таклиф ёқмай, қошларини чимирди.

– Сизнинг марҳамат нурларингиздан бахраманд бўлаётган Мовароуннаҳр алломалари ҳам муддаога етмак йўлида кифоя қилурмикин, деган хаёлдамиз.

– Хаёлинг чакки! – деди Улуғбек унинг сўзини кесиб. – Байтул-ҳикма Ҳақ таолонинг истак ва хоҳиши билан бўлур, алалхусус, унга курраи арзнинг иқтидорли алломалари таклиф қилинур.

Байтул-ҳикма хусусида бўлак фикр айтувчилар чиқмади. Мирзонинг ишораси билан базм бошланди. Миррам Чалабий «Бу базм қарор топмиш Байтул-ҳикма шарафигадир», деб изоҳ берди. Шамсибек бу кеч шахриёр суҳбатидан бахраманд бўлолмаслигини англади.

Эртаси куни ҳам, икки кундан сўнг ҳам Мирзо ҳузурига кириш шарафига муяссар бўлолмади.

Бир ҳафтадан кейин меъмор дорулшафақа иморатининг тарҳи тайёр бўлганини маълум қилгач, олампадох даргоҳига юзлана олди. Бир ошъёнлиқ бино қуриш фикрини шахриёр маъқуллади. У атрофга мевали дарахтлар экишни таъкидлагач, меъморга деди:

– Янги ҳаммом учун нобоп жой танланибди.

– Бу жой кўпга маъқул бўлиб эди.

– Маъқул эмас. Тўрт кўчанинг боши беркилиб қолади. Шаҳристонда боши берк кўчаларнинг мавжудлиги меъморнинг ноқобиллиги ва ҳукмдорнинг эътиборсизлиги оқибатидир. Шуни инобатга ол.

Улуғбек қайтишга рухсат берди. Шундан сўнг Шамсибек Абдулваҳобнинг узрини айтишга журъат этди.

– Воситачи бўлмоғингга сабаб недур? – деди Улуғбек унга норози нигоҳини қадаб.

– Сабаби ўзингизга маълум, сабоқдошмиз, бир қишлоқданмиз...

– Шугинами?

– Ҳа, шугина холос.

– Илм олмоқ учун талаб этилғувчи иқтидорига кафил-мисан?

Шамсибек бундай саволни кутмагани учун бошини эгган ҳолда, айбдор одам овозида деди:

– Ожизман, ҳазрат шаҳриёрим.

– Балли. Шундайлиги менга ҳам маълум эди. У мадрасани тоат-ибодат учун эмас, ақли ноқислиги учун тарк этган. Таассуфки, тасаввуф аҳли орасига шундайлар ҳам кириб олиб, авомни кўп малул қилур. Дори дардга сабаб экан, шифога қандай умид бўлиши мумкин?

Шамсибек жавобга ожиз эди, бошини кўтара олмади. Унинг ночор аҳволга тушганини сезган Мирзо саволига жавоб кутмай, давом этди:

– Фақатгина сабоқдош бўлгани учун илм аркига етаклаб киришга интилоқлик масжидга эшак олиб кирмоқ билан баробардир. Шуни билки, бўлак сабаби билан эмас, балки ақли ноқислиги учун илм даргоҳидан юз ўгириб, унга қарата тош отмиш бўлганлар тубан ва жохилдурлар. Яна билки, кимки жохилга кўмак берар бўлса, Аллоҳ унинг устидин шул жохилни ҳукмрон қилиб қўядир. Сабоқдошинг жарималари саҳифасига авф рақамини тортмоққа нолойиқ. Бундан сўнг фикрингни бу қадар бемаъни ишлар ила банд этма.

Шамсибек қилган ишидан пушаймон еб, узар айта-айта чиқди.

Эртаси куни расадхона яқинида дорулшафақа биноси-ни қуриш ҳаракати бошланди.

ФАЛАК

Биринчи қор тушганида бинонинг пойдевори қўйилиб, девор ердан одам бўйи кўтарилган эди. Осмон ҳали жади буржидан оғмаган, совуқ бўш келмасдан тамом мавжудоду маҳлуқотни қақшатиб тургани сабабли иш сустлашди. Деярли ҳар куни қор ёғиб тизза бўйига чиқди. Томлардан куралган қор тор кўчаларни тўлдираёзди. Бу ҳам камлик

қилгандай ўн кундан бери қуёш юз кўрсатмайди. Гўё замин совуқ лаҳадга тушиб қолгандай. Фақат одамларнинг ҳаракатигина ҳаётнинг сўнмаганидан далолат беради.

Бино қурилиши бошланган кезлари Шамсибек хазинадаги олтин-кумушларни саралаб сифат беришга киришганди. У кун бўйи саройдаги дўкондан чиқмас, уйга қош қорайганда қайтарди. Завжаси сандал чўғини титиб қўйиб, ўзи бир чеккада чеварлик қилиб ўтирган, ўғилчаси эса ухлаб қолган бўларди. Шамсибек унинг нима тикаётганига аҳамият бермасди.

Самарқандга келган кунлари ёлғизликдан Махфузанинг дили хун бўлиб, турли ранг ипак олдирган, Булоқбошидаги одатича, дўппи, қийиқлар тикиб, ўзини овутарди.

...Шамсибек бугунга мўлжал қилган олтинларни қуйиб бўлиб, кетишга чоғланганида ганжур уни ичкарига чорлади. Ихчам сандиқлардан бирини очиб:

– Қаранг-чи, кеча Ҳиндистондан келтирдилар. Тилласи дурустмикан? – деди.

Шамсибек тилла безакларга ҳавас билан тикилиб қолди. Безаклар шу даражада нафислик ила ишланган эдики, тиллалиги учун эмас, нафислиги, гўзаллиги учун ҳам бебаҳо эди. Шамсибек тилладан шундай безак ишлай оладиган заргар бор, деб хаёлига ҳам келтирмаганди. У бир балдоқни олиб, машъала ёруғига тутди. Соч толаси йўғонлигидаги ҳалқачаларга мошнинг ярмича келадиган ёқут қадалган. Машъала ёруғида улар худди баргга қўнган шудринг томчисидай титрайди, ялтирайди.

– Бундан аълороқ санъат бўлмаса керак, – деди Шамсибек балдоқни жойига қўяр экан.

– Тилласи-чи? – деб сўради ганжур.

Шамсибек безакларни яна бир кўздан кечирди. Уларнинг юзаси сал хира тортган, тилласи пастроқ навли эди. Агар шундай деса, шубҳасиз, буларни ҳам эритиши керак. Лекин бунга унинг қўли бормайди. У фақат ўзи ишлай ола-

диган безак ёки буюмларнигина эритаётган эди. Шунинг учун ҳам у ганжурга ёлғон гапирди:

– Тилласи тоза, эритмоққа ҳожат йўқдир.

– Мен ҳам айна шу фикрда эдим, – деди ганжур сандиқни ёпиб, ташқарига йўл бошлар экан.

Шомдан кейин изғирин анча кучайган эди. Шамсибек телпагини бостириб кийиб, тез-тез юриб кетди. Дам ўтмай танаси қизиб, совуқ ҳам сезилмай қолди.

Маҳфуза бугун ҳам одатдагидай сандалда ўтирарди. Эри остонада кўриниши билан чаққон туриб, уни қаршилади-да, ошхонага чиқди. Шамсибек сандал четида кўрпага ўраниб, ширингина ухлаб ётган ўғлининг бурнини чимдиб, уйғотмоқчи бўлди. Кичкинтой бир қимирлади-ю, лекин уйғонмади.

Маҳфуза дастурхон ёйди-да, бир чинни овқат билан иккита нон келтириб қўйиб, ўзи ҳам ўтирди.

– Ғанимуроддан хабар олмадингизми? – деди Шамсибек.

– Бориб келдим, яна юролмаяпти эканлар. Оёқларида шиш бор эмиш.

– Бели-чи?

– Опоқбуви буни айтмадилар.

Шамсибек овқатни ичиб бўлиб, дастурхон устидаги нонлар олингач, юзига фотиҳа тортди-да, ўрнидан турди.

– Ўзим бориб, бир хабар олайин-чи. Аввалги куни юзидан хийла қон қочган эди. Қарашларидан ҳам хавфим бор, – деди у. Маҳфуза «майлингиз», деб қозикдаги тўнни олиб, тутди.

Ғанимурод сандалда ёнбошлаб ётарди. Ўртада мойчироқ пилиги милтиллаб ёниб турибди. Сандалнинг бир томонини Қамариддин эгаллаган. Уй эгалари қўшни хонада эдилар. Шамсибек кириб, бир оз ўтиргач, Ғанимуроднинг томирини ушлади. Кейин унинг шишган, кўқаринқираган оёғини кўрди-да соҳиби хонадонни чақирди:

– Бу кеч малҳам тайёрлаб, эртаман ташлаб ўтаман. Кун бўйи беш маротаба оёққа обдон суриб, яхшилаб силан-

гиз. Илло, совуқ тегмасин, – Шамсибек шундай деб, кетишга чоғланди. Қамариддин ҳам турди. Полвон йигит билан хайрлашиб, олдинма-кейин кўчага чиқишди.

– Оёғини кўриб, машқингиз пасайди, тинчликми? – деди Қамариддин.

– Пайқадингизми? – деди Шамсибек. – Энди оғир дард бош кўтарибди, шундан хавотирда эдим. Илоҳим адашган бўлай, унга қорасон илашган кўринади.

– Давоси мушкулми?

– Тиб аҳли бу саволга жавоб бермасликни маъқул кўрадир.

– Давоси йўқ, демоқчимисиз? Наҳот?

– Оёқни кесса, балки...

– Астағфируллоҳ!

– Бўлак шифо йўқ. Мен билганларимни ишлатиб бўлдим. Олдинга силжиш йўқ, билакс, суяк ирий бошлаган кўринадир. Ташхисда адашмасам... табобат ожиз.

– Ё Раббим! Ўзинг меҳрибонсан-ку! Бедаво дарддан Ўзинг асра! – шундай деб муножот қилгач, хўрсиниб қўйиб, Шамсибекка қаради: – Ғаниполвонга ихлосим баланд эди. Бундайин пурдил онадан камдан-кам туғилади. Пешонасида бахтсизлик бор экан-да... Наилож... Аллоҳга илтижо қилиб шифо тиламоқдан ўзга чорамиз йўқдир, бизларнинг. Асли бахтсизлик ёпишган киши охир бир кун унинг шарбатидан тотади, дердилар. Ғаниполвон бу шарбатдан хийла эрта тотиб қўйибди... аттанг...

Шамсибек индамади. Бир оз юришгач, Қамариддин яна сўз очди:

– Кеча анави қозини кўрдим, афти-ангори анча хароб.

– Қайси қозини?

– Андижон йўлидаги-чи?

– Сизни танидимми?

– Танимай-чи! Шарт тескари қараб олди. Юришига қараб туриб, эртами ё индинми девоналарга қўшилар, деб тахмин қилдим. Шунақа аламзадалар бир юмалаб

тақводорга айланади-қўяди. Қаландарликка қайтган жўрангизга рўпара бўлса, дарров қанотига олади.

– Нега ундай деяпсиз?

– Фарғона аёлотидин бунга келганлар тез топишиб олишлари сир эмас.

– Бошқалар ҳам шундай. Мусофирликда юз иссиқ бўлади-да.

– Нонкўр қаландар билан кўришиб турасизми?

– Ҳа... унда-бунда...

– У билан салом-алик ҳам қилманг. У нобакордан яхшилик чиқмайди. Назари совуқ.

– Шундай дейсиз-у, лекин у ҳам тирик жон. Худонинг бандаси. Мусулмон мусулмондан юз ўгирмаслиги жоиз.

Қамариддин индамади. Унинг бу сукути ризолик аломати эмас, аксинча эканини сезган Шамсибек ҳам бошқа гапирмади. Муюлишга етгач, уларнинг йўллари айри-айри бўлди. Шамсибек уйга қайтганида Махфуза ҳали ухламаган эди. Эри сандалга ўтириб, ёнбошлагач, беморнинг аҳволини суриштирди. Кейин эрининг хаёлга чўмганидан хавотирланиб, аста сўради:

– Яқин орада Абдулваҳобни кўрмадингизми?

Шамсибек алҳол Қамариддиннинг гапларини ўйлаб ўтирган эди. Назарида завжасига бу ўй-хаёллари аён бўлгандек туюлиб, қўққисдан берилмиш бу саволдан ажабланди.

– Нима эди? – деди ҳайронлигини яширолмай.

– Хавотирдаман. Кўпдан бери эшигимиз тагидан ўтишни одат қилган. Уч-тўрт мартамикин... кўплашиб ўтдилар. «Ё-ху!» деб қичқирганларича нималарнидир айтдилар, мен англай олмадим. Кўнглига бирон шумлик ораламаганмикин?

– Биз нима гуноҳ қилибмизки, кўнглига ёмонлик ораласа, – Шамсибек шундай деб кулимсирамоқчи бўлди. Бу гапларни эътиборга олмасликка тиришса ҳам, барибир завжасининг хавотири унга ҳам кўчди.

– Ҳазрат шахриёрнинг рад жавобларини сиздан кўрса-чи?

Шамсибек «йўқ», деб бош чайқади. Ўша узрхоҳликдан сўнг Абдулваҳобга олампаноҳнинг жавобини етказганида, у бирданига сенсирашга ўтиб: «Сен астойдил воситачилик қилмагансан, менинг илм олиб, баланд мартабага етишишим сенга ёқмайди, чунки сен қишлоқнинг ягона аллома-си бўлишни истайсан. Кўнглунг қора!» қабилдаги хунук сўзларни айтган эди. Албатта, бу гаплардан Маҳфуза беҳаббар. Шамсибек унинг хавотири ошмасин, деб билдирмаган эди. Шунинг учун ҳам ҳозир хотиржам равишда, «бу юриш уларнинг одати, авҳомга¹ берилманг», деб қўя қолди.

Маҳфуза эрининг мудраётганини кўриб қўлтиғига яна бир ёстиқ қўйди-да, «бир нарса кўрсатсам изза қилмайсизми?» деди.

– Нима экан?

Маҳфуза токчада ўроғлиқ турган матони олиб очди:

– Қаранг-чи?

Шамсибек қаддини ростлаб, матога тикилди – зангори матога зарҳал ипакда ажиб тасвирлар чизилган: ўртада кунгабоқарни эслатувчи доира. Атрофида доирачалар. Ипаклар тўлқинсимон қилиб тўқилгани учун доирачалар ёниқ юлдузлар каби жимирлаб турибди. Матонинг четлари икки қаторли зарҳал ҳошия билан ўралган.

– Қаердадир кўрганман, – деди Шамсибек ўйчан тарзда.

– Расадхонада эмасми? – деди Маҳфуза кулимсираб.

– Ҳа, ўша ерда! Аммо... сиз бу манзарани қайда кўриб эдингиз?

– Мен кўрганимча йўқ, айтиб берган ҳикоянгизни эслаб туриб тикдим. Ўхшайдими?

Шамсибек катта доира атрофидаги доирачаларни санади: олтита. Расадхона деворида ҳам шундай тасвир бор эди. Ранглар ҳам айнан кўчибди. Шамсибек илк марта расадхонани кўрганида шу манзарани сўзлаб берган эди.

¹ Ваҳима.

Не ажабки, завжаси буни қулоғига илиб, матога ипак билан туширибди.

- Фақат биргинами?
- Ҳа... яна бирини бугун бошладим.
- Жума кунига қадар битиринг.
- Мунча шошқич?
- Ҳазрат шахриёрга кўрсатаман.

Эрининг аҳдини эшитган Маҳфуза чинакамига чўчиб тушди.

– Вой ўлайн! – деб, тиккани олампаноҳга намойиш этилишини тасаввур ҳам қилолмай доврираб қолди: – Вой ўлайн... нима деяпсиз? Шу... арзийдиган нарсами?

- Арзийди, – деди Шамсибек ишонч билан.

Эрталаб Шамсибек Абдулваҳоб бошпана топган хонақоҳга йўл олди. Унинг ҳамқишлоғига айтадиган сўзи кўп эмасди. Шу сабабли ташқарида, кимсасиз кўчада, тик турган ҳолда гаплашдилар.

– Абдулваҳоб, сўнгги кунлар ичи кўчамиздан бот-бот ўтишингизнинг боиси нима?

Саволни эшитган Абдулваҳоб заҳарли кулди:

– Шахристонда Худонинг кўчалари кўп. Қай бирдан ўтишим ўз хоҳишим ила бўлади. Сизга бунинг сира-сира дахли йўқдир.

– Машойихлар «Ҳар қандай қилмишнинг миёнаси хўб бўлур», демишлар. Оқибатни унутмаслик зарур.

– Оқибатни? Хусрави беоқибатнинг¹ этагидан тутганингиз ҳолда бу ибратни тилга олмоғингиз ғоят таажжублидир.

– Тухмат ботқоғига янада тўлароқ ботибсиз. Беисбот сўзлардан тийилмоғингиз лозим.

– Беисбот дейсизми? Аллоҳ ўз мағфиратига чўмдиргур ҳазрат хоқони Саййид Мирзо Шохруҳга, яъни ўз падари бузургворларига суиқасд қилган шайх Қосим Анворни паноҳига олганига не деюрсиз?

¹ Оқибатни ўйламовчи подшоҳ.

– Ҳазрат хоқонга Аҳмад Лур суиқасд қилган. Шайх беайб.

– Аҳмад Лурнинг шайхга мурид экани-чи? Ёинки ул шайхнинг динимизни поймол этувчи илм билан машғул бўлиши-чи?

– Муридлик хусусиндаги даъвоингиз мавҳум. Илм хусусиндаги сўзларингизда эса маъно йўқтур. Ҳақ таоло Одам алайҳиссалом билан бирга илмларни ҳам яратган. Фалакиёт динни поймол этмай, билакс, динимиз равнақи учун хизмат қилғучи илмдир. Расад аҳли фалакдаги ўзгаришларга қараб намоз вақти, рўзаи рамазон дамлари, кун чиқиш ва ботиш вақти, ният ва фарзлар муддатини, Қуёш ё Қамарнинг тутилиши воқе бўлса, унинг вақтини аниқлаб берурлар. Қуръони Каримда зикр этилмиш тоғларнинг ерга қозиқ каби қоқиб қўйилиши, юлдузларнинг муайян тартиб ила сочилиши бир мўъжизадир. Илми нужум Аллоҳ мўъжизаларини ўрганиб, юлдузлар ҳикматини авомга етказурда бир василадир. Бунинг нимаси гуноҳ экан? Билингки, тушунишдан ожизликни эътироф этмоқ ҳам идроклиликдур.

– Шундайми? У ҳолда сиз ҳам билинг-ки, севган нарсангиз ўзингиз учун кулфатдир. Жодугарликни илм, дея англамоғингиз идрокданми экан?

– Бағоят ибратли сўз айтдингиз. Назарингиз тушган Расулиллоҳнинг шарафли ҳадисларидаги: «Сиз бирор нарсани ёқтирмассиз-у, аммо сиз учун хайрлидур», деган ҳикматга эътибор қилганингиз маъқулроқ эди.

– Худованди каримнинг Ўзи ҳақ-ноҳақни рўзи маҳшарда ажратиб олади. Менинг тавбаларим пули сиротда асқотади.

– Илоҳим асқотсин. Аммоким, ўрмонга ўт кетар бўлса, ҳўлу қуруқ баробар ёнажакдир.

Абдулваҳобнинг кўзларида ғазаб ёнди. У Шамсибекнинг шаҳриёр муборак номини ҳимоя қилаётгани учун ғазабда эмас, балки донишмандлик бобида ўзининг ҳамқишлоғидан анча паст эканини ҳис қилганидан аламда эди. Сабоқдошлар нохуш кайфиятда бир-бирларидан ажралдилар.

Жума намози олдидан Улуғбек диёр ақобирлари ва соҳибқирони ақбарнинг гўрига бориб, муҳтожларга дуою садақалар улашди. Сўнг Бибиҳоним масжидига йўл олди. Шамсибек унинг ўнг қанотида, шогирдлари қаторида турди. Намоз тугагач, ҳазрат шаҳриёр мадраса томон юрди. Жума намозидан сўнг унинг мадрасага бориши янгилик эмас, шу боис талабалар ҳам, мударрислар ҳам бу ташрифдан ажабланмадилар ҳам, ҳаяжонда шошиб қолмадилар ҳам.

Дорус-салтанада Байтул-ҳикма қарор топганидан бери гоҳ Улуғбекнинг ўзи, гоҳ Али Қушчи алломалар билан ҳамжиҳатликда талабалардан бир гуруҳини фалакиёт илмидан боҳабар қилар эдилар. Бу жума Улуғбекнинг ўзи сабоқ берди. У фалакиёт хусусида жуда босиқ ва оҳиста оҳангда сўзлар, тингловчилар унинг ҳар бир фикрини осон уқиб олиш имконига эга эдилар. Улуғбек устурлоб ва ундан фойдаланиш ҳақидаги сўзларини тугатгач, зийж тузмоқ илмидан сўзлай кетди:

– Зийж тузмоқ илм оламида милоддан бир юз ўттиз тўрт йил муқаддам расм бўлган. Юнон алломаси Гупарху Ақроб мажмуасини кузатар чоғи бир ёруғ юлдузни тасодифан кўриб, ҳайрат денгизига чўммишдир. Сабабки, ул аллома бу юлдузни илгариги кузатувларида учратмаган эди. Гавҳари анжумда бир кўриниб, бир кўздан йўқолувчи фалак бошоқларини назардан қочирмаслик учун у зийж тузмоқни расм қилди. У тузилмиш зийжига беш юз юлдузни жамлаб, ёруғлик даражаларини олтига бўлди. Шундан сўнг фалакиёт илмининг ақобирлари бу зийжга қадамбақадам ўзгартишлар киритдилар. Батлимус, Носириддин Тусий, Муҳаммад ал Батоний, Абдурахмон Сўфий каби алломалар зийж ганжига нодир гавҳарлар қўшдилар. Ҳикмат эгаси бўлмиш Носириддин Тусий офтоб ва бўлак сайёраларнинг тақвимини кузатиши оқибатида тузилмиш «Зийжи жадиди Элҳоний»даги ҳамда Абдурахмон Сўфий рисоласидаги офтоб ва бўлак сайёралар тақвимида йўл қўйилган тафовутларни инобатга олиб, Аллоҳнинг ҳукми билан, биз ҳам зийж тузмоққа бел боғлаб, Тангрининг марҳамати

ила муддаога эришдик. Зийжда бир минг ўн саккиз юлдузнинг ўрнини белгиладик. Абдурахмон Сўфий рисоласида баён қилинмиш саккиз юлдузни ҳамон изламоқдамиз. Ҳаракатларимиз то шу кунга қадар самара бермадиким, умидимизни узмадик. Мавлоно Сўфий бу юлдузларни ўзлари кўрмай, Батлимусдан олганлар. Инша Аллоҳ, уларнинг ўринларини белгилаш бизларга насиб этажакдур.

Мирзо Улуғбек мавзуни мухтасар тарзда яқунлаб, талабалардан «англай олмаган фикрларни қайта сўрангиз» дегач, садо кутиб, сукут сақлади. Сўровчилар чиқавермагач, мийиғида кулиб қўйди-да, деди:

– У ҳолда мен савол сўрайдирман: қани, аҳли толиби илм, айтинлар-чи, ҳижрий саккиз юз ўн саккизинчи йил ражаб ойининг учи бирлан ўн бешинчиси ўртаси, тўққиз юз ўн саккизинчи йил ражаб ойининг ўнинчиси бирлан ўн бешинчиси ораси қайси айёмга тўғри келур?

Саволни эшитиб, Шамсибек ҳам гангиб қолди. Саволга жавоб топмоқлик учун жуда кўп рақамларни ёдда сақламоқ талаб этиларди. Шу онда Шамсибек ўқишни истамаган укасининг қарори тўғри эканига ишонди. Бундай масалаларни ечиш учун кучли идрок талаб этилади. Укасида эса бундай идрок ўти кўринмайдир. Айни чоқда Абдулвахобнинг мадрасани тарк этиши сабабини ҳам англади. Бу илм ёнғоғини чақмоққа зехни ва тоқати етмагани сабабли қаландарликни касб қилгани ойдинлашди.

Мураккаб саволга жавоб бўлмагач, Мирзо Улуғбек кейинги жума кунига қадар муҳлат бериб, масалани уйга вазифа тарзида эканини таъкидлади-да, «яна бир масала бордир, диққат қилгайсиз. Масалани Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни масъудий» китобидан олажакмиз», деб Миррам Чалабийга юзланди. Йигит устознинг мақсадини англаб, қўлидаги китобнинг белгиланган саҳифасини очиб, ўқий бошлади. Шамсибек бу он ўзини талаба ҳис қилиб, диққат ила тинглади:

– «Батлимус Қуёшнинг афижиюни ўрнини, яъниким, Қуёшнинг Ердин энг йироқ бўлғондаги ўрнини

аниқлағондир. Ул ўз амалини Қуёш фалак ал-бурж чорақларини ўтғон муддатидоғи афижиюннинг ўринлариға биноан асослағондир. Сўнгра анинг фалак ал-буржда топғон афижиюн ўрни анингча, Хиппархнинг топқониға мувофиқ келғондир. Аларға тақлид қилиш ушбул фанда дуруст эрмаслиги жиҳатдин лоақал анинг баҳор муддатини тўқсон икки ярим кун топқони хусусинда айтгонининг тўғрилигини имтиҳон қилиш зарур. Чунки бунда иккиланиш бордир».

Чалабий белгиланмиш сатрларни ўқиб бўлгач, китобдан бош кўтариб устозга қаради. Талабчан мударрис тахтидаги Мирзо Улуғбек талабаларга синовчан тикилганича яна сўради:

– Хўш, улуғ бобомиз бу хусусда қандай йўл тутғондилар, вақт тенгламаси ҳақида неларни ёзмиш эрканлар?

Жавобга журъат этувчи топилмагач, Мирзо Улуғбек бу масалани ҳам уйга вазифа деб белгилаб, қайтишга чоғланганида Шамсибек ўрнидан туриб, қуллуқ қилди.

– Қулоғим сенда, – деди Мирзо ундан савол кутиб.

– Ҳазрат шахриёрим каминада савол йўқтур. Сизнинг ҳукмингизга бир нарсани кўрсатиш ниятида эрдим, – Шамсибек шундай деди-да, матолардан бирини олиб, Улуғбекнинг оёғи остига қўйди.

– Нима бу? – деб ажабланди Улуғбек.

– Каминанинг ожизалари тўқиган эканлар, мақбул бўлармикин, деб олиб келдим.

Чаққонроқикки мулозим уни олиб, шахриёр қаршисида очиб, ёйдилар. Улуғбек аввал матога, кейин савол назари билан Шамсибекка, сўнг яна матога тикилди.

– Ажаб! Бу фалак-ку! – деди у ҳайрат билан. – Бу расад деворига мухр этилган фалакнинг тасвири-ку?! Кимнинг иши бу? Ожизамниқидир, дедингми?

– Айни рост, ҳазрат шахриёрим.

– Шундайин мўъжизани яратмиш иқтидор эгасин «ожиза» демоққа тилинг қандай айланди? Машойихлар: «Онандан бош товлама, ошмасин дарди, ҳаёт тожи эрур оёғин гарди!» – демиш эканлар. Уқдингми?

– Гуноҳкорман, ҳазрат шаҳриёрим.

– Аёллар ҳам Аллоҳнинг бандаларидир. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи васаллам, вадо хутбаларида «хотинларингиз Аллоҳнинг омонати», деб эканлар, биз нечун уларни камситмоғимиз керак? Сен каби иқтидор эгаларини туғиб, тарбия қилар эканлар, нечун ўзлари «ожиза» ёинки ақли ноқис бўлсинлар?! Бу фалакка қарангиз, – Улуғбек энди атрофидагиларга мурожаат этди, – бу дибодаги шакллар шунчаки оддий морпеч эмас. Биз фалакдаги юлдузлар ўрнин топмоқ қасдида неча тунлар мижжа қоқмадик. Небахтким, фалакиёт илмини кулбахонадаги аёл чақиб кўрса... Муслималар ҳам «илм олмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир» шарафли хадисига кўра илмдан хабар топсалар не шод бўлур эрди. Курраи арз айланади, дейилганда «астағфируллоҳ!» деб ҳайрат ва ишончсизлик билан ёқа ушламасалар нур аланнур бўлур эрди... – Мирзо Улуғбек яна Шамсибекка юзланди: – Завжангга расадхонани қачон кўрсатиб эдинг?

– Завжамиз кўрмаганлар... Кўрганларимни мен ҳикоя қилиб эдим.

– Нур аланнур! Кўрмай-ки, шундай мўъжиза яратибдими, шараф унга. Бундай аёллар гардун қадар шарафланишга лойиқдирлар. Сен кундузи уни олиб келиб, расадхонани кўрсатгил. Сўнг чевар қизларни ёнига олиб, шундай фалак тасвирларидан яна ва яна тиксин. Фармоним шул: расад аҳли, сарой аҳли, мадраса аҳлига етиб маълум бўлсинким, Шамсибек Исмоил ўғлининг завжаси тиккан фалак тасвири барчанинг уйида бўлмоғи даркор. Расад аҳли, сарой аҳли, мадраса аҳли бу фалакларни бозордан харид қилмоққа мажбурдирлар. Фалакни раиятга кўрсатмоқ, танитмоқ мақсадида у фақат бозорга олиб чиқилсун!

Улуғбек «гап тамом», дегандай ишора қилгач, талабалар таъзим билан хоналари томон тисланишди. Улуғбек Шамсибекни саройга олиб кетди. Дорулшафақа қурилиши ва хазинадаги ишларни суриштириб, кўнглига таскин берувчи жавобларни олгач, яна сўради:

– Билишимча, Байтул-ҳикма қанотига ўтган ой Хоразмдан келган ҳозиқи ҳақим хасталик тарқатувчи инсу жинс билан ўзини эмлаб, бетобланибди?

– Айни рост, ҳазрат шаҳриёрим.

– Ўз-ўзин хаста қилмоқдин муддао недур?

– У хасталик бошланиши онлари, сўнг эса забтига олиш кунларини аниқлаб, кейин шифога киришмоқлик усулини топмоқ истагида эркан.

– Шифога умид борми?

– Инша Аллоҳким, яқин кунлар ичи оёққа турғуси. Дарди хатарли эмас.

– Шифо топгани ҳамон ҳузуримга келтурурсан. Бўлак ҳақимларга менинг фармонимни етказ: хоразмлик ҳақим сингари инсу жинсларни ўз баданида синаб кўрмоқлик жазо билан тақдирланур.

Шамсибек фармони олий бажо келтирилур, деган маънода таъзим қилгач, сўзлашга журъат этди:

– Ҳазрат шаҳриёрим, бир арзим бордир.

– Гапир.

– Дастлаб суҳбатингизни тингламоқ шарафига етканимда фалакдаги ўзгаришлар курраи арзга таъсир кўрсатур, деб эдингиз.

– Ҳа, айнан шундай.

– Маълумингизки, Андижондин қайтар маҳалимиз Ғанимурод исмли пурдил йигитни олиб келиб эрдик. Ножинслар уриб, майиб қилганини ҳам айтиб эрдик.

– Ёдимда бор. Қамариддин хўб таъриф бермиш эрди. Пурдилнинг шифо топиб, майдонга тушмоғини у интиқ кутмоқдами эркан?

– Ҳа... кутяптилар... Бироқ... афсусларким, пурдил майдонга туша олмагай.

– Сабаб?

– Сабаби... унга чанг солган хасталик олдида бугунги тиб илми ожиздир. Оёқни кесмоқлик ила ҳаётини сақлаб қолиш мумкин. Шу кунларда хаёлимга бир фикр келиб эрди.

– Қандай фикр?

– Фалакда бўладиган катта ўзгаришларни билсам, шу куни хос дору тайёрлаб, муолажа қилсам.

– Қайси ўзгаришларни назарда тутурсан, фалакда ўзгаришлар мўлдир.

– Айтайлик... хусуф ёинки, қуёш тугуладургон кун. Шу онларда ҳаво таркибида ўзгаришлар бўлмасмикин? Бўлар бўлса, дору таркибига таъсир ўтказмасми эркан?

– Фикрингда жон бор кўринадур. Бу кунлар уммонда тўфон кўтрилиши, заминнинг қай бир бўлагида бўрон кўтарилиши, бошқа ерда қаттиқ шамол эсиши, тоғларда сел келиши, ҳатто кучли зилзилалар бўлишини кўп китобларда зикр этмишлар. Ажаб эрмаским, Аллоҳ таборак ва таоло тиб илмига ҳам бу соҳада беназир кашфиётлар насиб этса. Ҳамалнинг ўн биринчи кечаси хусуф кунидир. Аммо... бу дамда сен тоат-ибодатда бўлмоғинг жоиз-ку?

– Раият учун менинг тоат-ибодатимдан кўра табобатдаги ишим кўпроқ наф берармикин? Қолаберса, курраи арз айланади, дедингиз. Ҳамонки шундай экан, Ойнинг ёришмоғи менинг ибодатимга муҳтож эмас кўринадир.

Улуғбек йигитнинг доно жавобини эшитиб, мамнуният ила жилмайиб қўйди.

ҚОТИЛЛИК

Султон Улуғбекнинг фармонидан сўнг Маҳфуза беш-олти чевар қизларни қанотига олди. «Фалак»нинг харидорлари кўпайиб, нархи ҳам ошиб кетди. «Фалак» савдоси шахриёрнинг фармони ила бўлаётгани ва чиройли гиламдан қолишмаслиги сабабли, кимдир давлатпаноҳнинг кўзига яхши кўринмоқ, кимдир шу баҳонада уйини безатмоқ, яна кимдир қизининг сепига қўшмоқ учун бир эмас, бир нечталаб сотиб оларди. Шаҳриёр хаёл қилганича «фалак»нинг барча уйлардан жой олишига имкон йўқ эди. У аҳли манолдан ортмай қолди. Дастлаб шов-шув кўтариб, «Бу фалакнинг тасвири

экан» деганлари унутилиб, уни оддийгина «Фалак» деб атайдиган бўлдилар.

«Фалак» талаш бўлган бозор кунларининг бирида Шамсибекнинг йўлини Абдулваҳоб тўсди. Салом-аликсиз, кўз уриштириш билан чекландилар.

– Мен пиримнинг истаклари билан Бухорои шарифга кетяпман, – деди Абдулваҳоб унга ҳиссиз нигоҳини қадаб.

– Сиз уйингизга кетсангиз дурустроқ бўларми эрди, – деди Шамсибек. Унинг самимий оҳангига сабоқдоши таҳдид билан жавоб қайтарди:

– Бу гапни мен сизга айтмоқчи эдим.

– Мен бунга волидайн ризолиги ила келганман.

– Волидайн ризо демоқлик, Худо рози, деган гап эмас.

Шариат ҳукмларини назар-писанд қилмай, ножинслар этагини тутганингиз камлик қилиб, эндиликда завжангиз ҳам кофир жинлар ила тиллашиб, иблис васавасига тушибдир. Бу йўлдан қайтмас экансиз, Аллоҳ таоло ғазабига учрамоғингиз аниқдир.

Абдулваҳоб шундай деб Шамсибекдан жавоб ҳам кутмай, шарт бурилди-ю, нари кетди. Унинг изидан қараб қолган Шамсибекнинг кўнглига ғашлик тушди. Йўқ, у Абдулваҳобнинг дағдағасидан чўчимасди. Билакс, ҳамқишлоғига ачинди.

Эртадан кейин хусуф куни – ярим кечаси Ой тўла тугилади. Шамсибек устодлари орзу қилган, бироқ, амалга оширолмаган иш – хос малҳам тайёрлаб, синаб кўриш ниятида.

...Кутилган кунга етдилар. Қамариддин Ғанимуродни олиб келиб, ташқари ҳовлидаги меҳмонхонага ётқизиб кетди. Қош қорайди. Шамсибек хуфтон намозини ўқиб бўлгач, Ғанимурод билан суҳбатлашиб ўтирди. Пурдил кўнгил ғашлигини фоний дунёни тарк этишига оз фурсат қолганидан дарак деб билгани учун очилиб гаплашмади. Шамсибек эса табобат тарихидан сўз очиб, бу тун улар учун саодат куёши порлаяжигига ишонтирмоқчи бўларди. Тили

гап билан банд, нигоҳи эса осмонда эди. Тўлин ой ҳовли тепасига келди. Енгил шабада эсди. Осмонга катта нурли чегара чизган Ойнинг мағриб томони қизара бошлагач, Шамсибек ҳовли ўртасига қалаб қўйилган ўтинларни ёқиб, малҳам тайёрлашга киришди. Ойнинг ярми қизарганида шаҳар аҳли уйғонган, атрофдан тарақ-туруқ овозлари кела бошлаган эди. Ойни иблис чангалидан қутқариб олишга жазм қилган одамлар қўлларига нима илинса, тарақлатиб урардилар. Бироқ, уларнинг бу жаҳдлари фойда бермади – кўп ўтмай, Ойнинг бутун сатҳи қонга бўялгандай тус олгач, дод-вой, нола, такбиру тасбеҳ авж пардасига кўтарилди. Самарқанд аҳли жам бўлиб, дунёни қиёмат қойимдан сақлаб қолишга азм қилган эди. Ой бир неча фурсат тусини ўзгартирмай, одамлар юрагидаги қўрқувни оширгандан оширди. Шаҳарга ҳукмини ўтказётган шовқин янада кучайди.

Бу даврда малҳамни тайёрлашга улгурган Шамсибек Ғанимурод ётган сўрини гулханга яқинроқ суриб, муолажани бошлади. Эшик тирқишидан эрининг ҳаракатларини қўрқибгина кузатиб турган Маҳфуза тинмай Аллоҳга нола қилаверди. Унинг пичирлаб ўқиётган дуоларини шаҳар шовқини босиб кетди.

Бир замон уларнинг кўчаларидаги шовқин кучайди. Шамсибек қандайдир хавотирни ҳис қилиб, ҳаракатдан тўхтади. Қаландарларнинг бор овоз билан бақирришларига қулоқ тутди. Кейин муолажани давом эттиришга киришганида эшигини кимдир тепиб, тарақлатиб очди.

Шамсибек чўчиганича ўша томон қаради: гулхан ёруғида оғзидан кўпик сачратиб бақираётган Абдулваҳобни кўрди. Унинг кетидан яна бир таниш башара кўринди. Шамсибек таниди – у қаландар либосидаги қози эди.

Ҳовлига ёпирилиб кирган қаландарлар гулхан атрофидаги манзарани кўриб, бир зум жимиб қолдилар. Кейин бир оқара бошлаган Ойга, бир Шамсибекка қараганларича аста бостириб кела бошладилар. Ичкари уйда боласини бағрига босиб, қўрқувдан дир-дир титраётган Маҳфуза, соғайиб кетиш

умидида гулхан ёнида ётган Ғанимурод ва ҳатто Шамсибекнинг ўзи ҳам бу лаҳзада хавотирга тушган эдилар. Маҳфузани даҳшат, Ғанимуродни иложсизлик афсуси чулғаган, Шамсибек эса нима қиларини билолмай гаранг эди. У гулхан атрофини ўраб олган қаландарлар орасидаги Абдулваҳобдан нигоҳини узмай, эҳтиётан ҳимояга шай турарди.

Ҳамқишлоқ ва сабоқдошларнинг бири шу онда ночор, бири эса ғолиб кишининг яширин қувончига эга эди. Тўқнашган кўзлар бир лаҳзада буткул низоларга ҳукм чиқарди:

– Мен қўлингиздан шундай ярамаслик келар, деб ўйламаган эдим, – деди Шамсибекнинг кўзлари.

– Мен эсам қулай фурсатни узоқ кутдим, – деди Абдулваҳобнинг масрур кўзлари.

– Агарчи, зулмдан қайтмас экансиз, гуноҳларга ботажаксиз. Маҳшар куни тавбаларингизнинг қабул бўлиши гумондир.

– Мен зулм қилгувчи эмасман. Шаккокларни Тангри таолонинг ўзи жазолайди.

– Жохиллик идрокдан устун бўлмаслиги лозим...

– Аммо идрок жохилликка барҳам беролмас...

Бир-бирига қадалган кўзларнинг лаҳзалик баҳси қозининг бақириви билан узилди:

– Мусулмонлар! Бу гумраҳ иблислар билан тиллашиб, қиёматни чақиряпти!

– Иблис билан тиллашувчи жодугарга ўлим!

Шамсибек, бошига қаттиқ нарса урилиб, гангиб қолди. Қаландарларга эргашиб кирган уч киши уни ўртага олиб, калтаклай бошлади. Бу томонга қўрқув билан қараб турган Маҳфуза завжини қутқариш мақсадида дод деганича отилиб чиқди. Лекин Шамсибекка яқинлаша олмади. Бостириб кирганлардан бири унинг йўлини тўсди. Маҳфуза уни ёнлаб ўтаман, деганда нимагадир қоқилиб, йиқилди. Бошига қаттиқ нарса урилиб, ҳушидан кетди. Ичкарида бола чинқириб йиғлай бошлади.

Бостириб кирганлар ўрнидан туришга интилаётган Шамсибекни аёвсиз калтаклашарди. Уларнинг назарида осмон фожиасига айнан шу одам айбдордай, гумрахнинг калтакланиши гўё қиёмат йўлини тўсадигандай эди. Қози ҳам, Абдулваҳоб ҳам ур калтак-сур калтакка аралашмай, четда туришар, ахён-ахёнда «Ҳақ дўст, ё Аллоҳ!» деб бақириб қўйишарди. Иккови ҳам жазо чорасидан мамнун эди. Шамсибек ур-сур орасида ҳам улардан кўз узмас, қаддини кўтариб, ҳамла қилишни истагандай, ўша томон интиларди. Пешонасидан оққан қон кўзларига қуйилиб, парда каби тўсди. Оёқларидан жон чиқиб кетгандай бўлди. Қозининг пурдил ётган сўрига яқинлашганини, Ғанимуродни гулханга итариб юборганини шу парда ортида кўрди. Пурдилни қутқариб олмоқ илинжида ўша томон интилди-ю, лекин қўл-оёқлари ўзига бўйсунмади. Димоғига куйган эт иси урилди.

Қоронғулик пардаси қопланган кўзлари олди бирдан ёришди: қўлида нон тутган волидаи жаҳони, остона тупроғини халтачага солиб берган волиди, қўлчасини силкитиб югураётган дўмбоқ ўғилчаси кўринди...

Ниҳоятда қисқа хотима

Нозима Лондонга келган кунийёқ бувиси совға қилган фалакдан тезроқ қутилиш чорасини излади. Кўхна буюмларни баҳолайдиган мутахассисга учраб, уч-тўрт юз фунт-стерлингга бўлса ҳам бериб юбора қоламан, деб ўйлаган эди. Мутахассис аввал матони ушлаб кўрди, сўнг катталаштириб кўрсатувчи қалин ойнак орқали синчиклаб тикилди. Ниҳоят, «бу антикварни баҳолаш учун махсус экспертиза ўтказиш керак, истасангиз қолдириб кетинг, натижасини маълум қиламиз», деди. Нозима яна кўтариб сарсон юрамани, деган фикрга келиб, фалакни ташлаб кетди. Йигирма кундан кейин уни чақирдилар. Экспертиза натижасини эшитиб, довдираб қолди. Ўн бешинчи асрга тегишли бу матонинг нархи у ўйлагандай уч-тўрт юз эмас, балки миллионнинг нарёғидаги

фунт стерлинг эди. «Узил-кесил нарх ким ошди савдосида белгиланади», дейишди.

Бир ойдан сўнг «Таймс» газетасида қисқа хабар босилди:

«Амир Темурнинг ўн бешинчи асрда Мовароуннаҳрда подшоҳлик қилган набираси Султон Улуғбек саройига тааллуқли деб тан олинган гобилен аукционга қўйилди. Тарихий гобиленни Германиялик миллиардер Генрих Бронштейн сотиб олди. Гобилен эгасининг истагига кўра, унинг исми ва гобилен баҳоси эълон қилинмайди».

Фалакнинг ҳозирги тақдири шундай. Лекин тарих шу билан якун топмайди...

*Сен тебраниб ўртангин,
 Мен йиқилиб инграйин.
 Сен ўтли ун чекарда
 Мен қонли ёш тўкайин.
 Абдурауф Фитрат*

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

*Эрта саҳарда мўминлар қаторида ўрнимдан тур-
 физган, кўзимга нур берган, онгимни тиниқлаштирган,
 қўлга қалам олишга имкон яратган Эгамга ҳамд айтмоқ
 билан ишга киришгумдир. Ё Тангрим, дилимда бир дард
 уйғонган, уни диндошларимга-да етказишга ўзинг мадад
 бергайсен. Эй Аллоҳ, бошига қилич келганида ҳам Сенинг
 муборак номингни тилдан қўймаган, Ватан ҳурлиги учун
 жон берган, аммо Ватан тупроғида ётиш насиб этма-
 ган шаҳидларни ўз раҳматингга олғайсен. Ул муборак
 зотларни Қиёматда “бандам” дегайсен, Расулulloҳ ша-
 фоатларига Ўзинг муяссар қилғайсен, омиён!*

*Ё Тангрим, Ўзингнинг ризолигинг билан, шаҳидлар
 руҳини шод этмоқ мақсадида шул асарни ёзмоққа жазм
 этдим. Биз гуноҳкор бандаларингга Ўзинг ҳидоят, инсо-
 фу тавфиқ бер...*

МУХТАСАР МУҚАДДИМА

Бу тонг Унет сайёраси ташвишли хабар билан уйғонди.
 Бир этаги денгизга туташ баланд тоғ сийнасига жойлашган
 кузатув маскани «1248» рақами билан белгиланган сайёрага
 етиб борган коинот кемасининг ҳалокатга учрагани ҳақида
 маълумот тарқатди. Кема нима сабабдан сайёра сатҳига
 қулагани номаълум эди. Унет олимларига маълум бўлган
 нарса — фазогирларнинг учтаси ҳалок бўлган. Бирови ҳаёт,
 аммо унинг-да қисмати қоронғи.

Ўша тонг унетликлар тақвимида 2419 йил, эрта куз ойининг ўн биринчи куни бошланди. Унетликлар «1248» сайёранинг номи «Ер» эканини, кемалари Ер вақти билан 1908 йил июнининг ўттизинчи тонгида ҳалокатга учраганини кейинроқ биладилар. Тирик қолган ягона фазогирнинг тақдири эса уларга узоқ йиллар номаълум бўлиб қолаверади.

ЎТТИЗ ЙИЛДАН СЎНГ...

1

Бу қамоқхона қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куймайдиган, аммо қушнинг ҳам, одамнинг ҳам етиб келмоғи мушкул бўлган узоқ ва совуқ бир ўрмонзорга жойлашган эди. Фуқаро урушида чапдастлиги билан донг таратган, Бухоро амирини Афғон чегарасига қадар таъқиб этиб борган, чавандозликда, қилич чопишда тенги йўқ одам келиб-келиб мана шундай овлоқдаги қамоқхонага бошлиқ бўлганидан хафа эди. У осуда ҳаётга тоқат қилолмасди. Сиёсий маҳкумларнинг мўъмин-қобиллиги унинг ғашини келтирарди. Нафсиламрни айтганда, бу ердагиларнинг барчаси у учун шунчаки сиёсий маҳкум эмас, балки халқ душманлари эдилар. Фуқаро уруши чоғида уларни тамоман қириб ташламаганидан афсуслар чекарди. Яхши ҳамки ақлли одамлар бу қамоққа ўғри-каллакесарларни ҳам юборишган. Бошлиқ дастлаб уларни ишга солиб, кўнгил хуморини ёзди. Ўғри-каллакесарлар биргина ишора билан сиёсий маҳбусларни дўппослаб қолишар, Бошлиқ эса бу манзарани ҳузурланиб томоша қилар эди. Бироқ, бу ҳам бора-бора кўнглига лаззат бермай қўйди. Чунки қуруқ томошабинлик Бошлиқнинг табиатига ёт, бундай дўппослашда ўзи иштирок этмаса, дили таскин топмас эди.

Кунларнинг бирида у кўнглига таскин-тасалли берувчи ажойиб бир ўйин ўйлаб топди. Бу ўйин оқибатида бошқармага ғалати маълумотлар бера бошлади: «Фалон

исмли, фалон рақамли маҳқум қочишга уринган пайтда отиб ташланди...» Бошқармадагилар бу қамоқхонадан ким қоча оларкин, қочиб қайга бораркин, деб ўйлаб ўтиришмасди. Улар учун энг муҳими — маҳқум тириклайин қочиб кетмабди — кифоя!

Икки кундан бери тинмаётган ёмғир қамоқхона бошлиғининг руҳини тамоман эзиб ташлади. Режаси бўйича кеча овга чиқиши керак эди. Ёмғир ерни атала қилиб юборди. Қадам босганингда этикка бир пуд лой илашиб чиққанданоёқни кўтара олмай қоласан. Туркистонинг иссиқ қуёшига, сара меваларига ўрганган Бошлиқ бу намгарчиликка, ёмғир тинганидан кейин ёпириладиган чивинларга тоқат қилолмас эди. У бирон юмуш билан шуғулланмаса, юраги тарс ёрилиб кетишини ҳис қилиб, тўққизинчи баракдаги айғоқчисини чақиртирди. Тумшуғи олдинга туртиб чиққан айғоқчи остона ҳатлади-ю подшоҳ қаршисида «Буюрсинлар, олий ҳазратлари», деб қўл қовуштирган мулозимдай ювошгина турди. Бу ҳолатда қамоқхона бошлиғи чиндан ҳам подшоҳ, у эса содиқ мулозим мақомида эди. Албатта, Бошлиққа «Сиз подшоҳсиз!» деган одам балоларга қоларди. Чунки Бошлиқ бу сўздан ҳазар қилар эди. Подшоҳу бойларга қарата ўт очган, жаҳон инқилоби учун қилич яланғочлаган одамни «подшоҳ» деб аташни энг улуғ ҳақорат санарди. Кимда-ким журъат этиб «Сен эшаксан!» деса, кечириши мумкин дир, аммо «Сен подшоҳсан!» деган тилнинг оқибатда кесилуви тайин эди. Шунга қарамай, Бошлиқ кичик бир мамлакат подшоҳи эга бўлган имтиёзлардан фойдаланарди. Унинг айрим қилиқларига қараб, у ўзини оддий подшоҳмас, Худо деб, қамоқхонадагиларни банди эмас, банда деб ҳисоблайди шекилли, дейиш ҳам мумкин эди.

У мушук боладай титраётган айғоқчисига ачинган-симон қараб турди-да, устол устидаги ароқдан истаконга тўлдириб қўйди. Айғоқчи илдам юриб келиб, истаконни қўлига олди-да, тўрт ютумда бўшатди. «Куф» деб қўйиб тилини чиқариб, лабини ялаб қўйди.

— Худо ёрлақасин сизни, — деди.

Бошлиқ унинг юзига тарсаки тортиб юборди.

— Бу хонада Худони тилга олма демабмидим?! — деди ғазаб билан.

Айғоқчи кутилмаган тарсаки зарбидан бир чайқалди-ю, ўзини тутиб олди.

— Билмай айтворибман, кечиринг. Мулланинг атрофида юравериб, тилим ўрганиб қолибди.

— Бунақа тилни кесиб, итларга ташлаш керак. Хўш, нима дейди мулланг?

— Кўнмаяпти, — айғоқчи шундай деб яна лабини ялади. Бошлиқ жавобдан қоникмаганини англаб, қўшимча қилди: — Индамай ётаверсак гуноҳ-ку, қочиб ҳам жиҳоднинг бир тури, деб ҳам кўрдим.

— Нима дейди?

— Кўп гапирмайди, бош чайқайди, холос.

— Бошқалар-чи?

— Бошқалар анча кўнган.

— Анча деганинг нимаси?

— Муллага қараб туришибди.

— Ўзларида калла йўқми?

— Мулланинг кўзи ёмон. Бир қараса, одамни ғалати қилиб қўяди.

— Ғалати деганинг нимаси?

— Қўл-оёқ бўшашиб, жон ҳалқумга келиб қолганга ўхшайди.

— Жонинг ҳалқумингга келдими? — Бошлиқ шундай деб унга қаттиқ тикилди. Сўнг жағига мушт туширди. Айғоқчи икки қадам нарига учиб тушди. Бундай муштан кейин тепкилаш бошланишини билгани учун ғужанак бўлиб олди. Бу сафар Бошлиқ марҳамат қилиб, тепмади.

— Ёмғир тинганидан кейин қочасанлар, — деб гапни калта қилди.

Айғоқчи чиқиб кетгач, минорадаги соқчилар ўрмонга қараб ўқ ота бошладилар. «Яна келдими?» деб ўйлади

Бошлиқ дераза оша ҳовлига қараб. Кейин ёрдамчисини чақириб «Нима гап?» деб сўради.

— Ўқ ўтмас буғу яна пайдо бўлибди, — деди ёрдамчи.

Эрта баҳорда қамокхона атрофида катта шохдор бир буғу пайдо бўлган эди. Унга қараб отилган ўқ изсиз кетарди. Ҳатто мерганлар ҳам пойлаб отишди — фойда бермади. Шундан сўнг буғуни кўрганда аскарларни саросима босадиган бўлди. Бошлиқ «Ўқ отишса, кўрқувлари камаяр», деган фикрда соқчиларга буғу кўриниши билан отишга рухсат берган эди.

2

Тоза ҳаводан нафас олишга кўниккан таъби нозик одам тўққизинчи баракка кириб қолса, бу жойнинг қўланса ҳидига тоқат қилолмай қочиб чиқиши тайин. Одам бўйидан икки қаричгина баландроқ қилиб солинган бу бостирманнинг белдан сал юқорисигина ер сатҳидан тепада. Икки шапалоқ ҳажмдаги дарчалардан хира нур базўр киради. Қўпол эшик очилган маҳалда тоза ҳаво ёпирилиб кириши мумкин. Ғўлалар тирқишидан сизиб ўтувчи ҳаво эса тамаки, тер ва яна алламбалоларнинг ҳидини ҳайдаб чиқара олмайди.

Раҳматуллоҳ бу баракка қадам босган дастлабки дақиқада кўп қийналди. Ўқчиқ тутавериб тинка-мадори ни қуритди. Бундан баттар балоларга чидаган одам боласи, тақдир экан, бу сассиқ ҳавога ҳам кўниқди. Раҳматуллоҳ билан бирга келган Мирҳосил барак остонасини ҳатлаш билан бурнини беркитиб:

— Худди лаҳадга ўхшайди-я, — деганида Раҳматуллоҳ:

— Ундай деманг, биродар, лаҳад бунақа сассиқ бўлмас, — деб эди.

Қишда ёққан қор барак бўғотигача босиб, Ғўлалар тирқишларидан кириб турувчи ҳаво йўли ҳам беркилганида, ўпкаси заифроқ маҳкум баҳорга етиб бориши-

дан умидини узади. Раҳматуллоҳ ёмғир ёққан кунлари қийналади. Бошқа маҳал, қор ёғиб турганида ҳам, ўрмонда ишлаб, кўнгли сал овунади. Туни билан қийналган ўпкаси роҳатланади.

Икки кун эзиб ёққан ёмғир уни сил қилиб юборай деди. Кеча оқшомда, жала авжига чиққан маҳалда Бошлиқ «зе-рикиб қолишмасин», деб раҳм қилиб, барчани ташқарига қувиб, югуртирди. Ўшандан бери баракдан чиқишга ҳеч кимнинг тоқати йўқ.

Раҳматуллоҳ ўрмондаги аллақандай ёввойи меванинг нўхатдек келадиган данагидан ўзи ясаб олган доналарни ўгириб, тасбех айтади. У Аллоҳга нолалар қилмайди. «Э Тангрим, не учун менга бундай азобларни раво кўрдинг, гуноҳим не эди?» деб фиғон чекмайди. Шундайгина ёнида жағини муштумига тираган ҳолда, кирланиб кетган дарча орқали ташқарига тикилиб юзтубан ётган Мирҳосил бир куни шундай деб зорланганида, Раҳматуллоҳ:

— Асти ундай деманг, биродар, неки кўргулик кўрган бўлсак, ўзимизнинг феълимиздан. Қолаверса, Аллоҳнинг имтиҳони ҳам бир марҳамат, — деган эди.

— Мен-ку, Худони унутаёзган бир банда эдим, менга бир оғир синовни раво кўрибдим, тақдиримга тан берай. Аммо сиздай тақво эгасини бунчалар хор қилмаса?.. — деган эди Мирҳосил.

— Астағфируллоҳ! Кимни қандай синашни ўргатмоқ ожиз бандаларнинг юмуши эмас. Кимни иймонга қайтарми ё йўқми, деб синаса, кимни иймони нақадар собит эканини аниқламоқдир, валлоҳи аълам...

«Йаъ Ибадии! Иза ъибталайту аъабдан мин ъибадии муъминан фаҳамидани ва сабара алайя ма ибталайтуҳу фаиннаҳу йақуму мин маджаъиҳи залика кайавма валадатҳу минал хатайаа».¹

¹ Мазмуни будир: “Эй бандаларим! Мен бандаларим ичидан бир муъмин кишини бирон мусибат етказиб имтиҳон қилсам, у менга ҳамд айтиб, менинг имтиҳонимга сабр қилса, у ўша жойдан турганида хатодан (гуноҳлардан) онаси туққан кишидек пок бўлиб туради” (Хадиси Кудсийдан Абу Муҳаммад Маҳбубий Марғилоний таржимаси).
Зикр этилмиш сатрлар улуг шоир Чўлпон қаламига мансубдир.

Табиатан жиззакироқ бўлган Мирҳосил Раҳматуллоҳ билан бу хусусда яна бир неча карра баҳс юритди. Мирҳосилнинг гаплари баъзан шаккоклик сари етакласа ҳам Раҳматуллоҳ унга ҳақиқатни сабр билан уқтирмоқчи бўлаверди. Устози шайх Исмоил унга шундай таълим берган: «Иймондан қайтганларга ёки кофирларга дуч келсанг, сабрли бўл, Ҳақ-таолонинг йўлини сабр билан тушунтир. Шояд, бугун бўлмаса эртага Аллоҳ улар қалбидаги қулфни очса...»

Аллоҳнинг зикри билан банд бўлиб ўтирган Раҳматуллоҳ хаёлини Мирҳосилнинг овози бузди:

«Мен энди худди бир сомон парчаси...

Локин зўр денгизнинг чексиз қўйнида,

Жимгина борадир кирсиз қўйнимда,

Эркин кўпакларнинг аллақанчаси...»

Раҳматуллоҳ тасбеҳ доналаридан кўзини олиб Мирҳосилга қаради. Унинг қимир этмай ётганини кўриб «ўзича гапиряпти», деб ўйлади-да, яна тасбеҳ доналарига тикилди. Шу онда Мирҳосил яна тилга кирди:

Қип-қизил қон бўлиб

Кунлар ботадир...

Ёмон ҳидга тўлиб

Тонглар отадир...

Оғир кунлар тушди менинг бошимга...

Мирҳосил қаддини кўтариб, чордона қуриб ўтирди-да, айбдор одамдай бошини эгди.

— Шеър туғилиб қолдимиз, шоир биродар? — деди Раҳматуллоҳ ҳилмли ила.

— Устознинг шеърларини эсладим. Ҳозир қайда эканлар, қайси сассиқ баракда ётибди эканлар?

«Эркин бошқалардир, қамалган менман...»

Ҳайвон қаторида саналган менман...»

— Шундай одамга жабр қилишди-я! — Мирҳосил алам билан бош чайқади. — Ўз ҳамкасблари қўлларига кишан уриб беришди-я! Тақсир, эрта-индин устоз қамоқдан чиқиб келсалар, уларнинг виждонлари азоб чекмасмикин?

— Виждонлари дейсизми? — Раҳматуллоҳ ажабланди.
— Мунофиқда виждон бўлади, деб сизга ким айтди?

— Улар дўзахимилар?

— Буни Қиёмат куни ёлғиз Аллоҳнинг ўзигина белгилайди. Биз ожиз бандалармиз. Ким дўзахга, ким жаннатга ноил бўлмоғи бизга қоронғи.

— Шунақа дейсиз-у, кўриниб турган аниқ нарсани тан олгингиз келмайди. Одам гўштини ейиш ҳаромми? Ҳаром! Ҳаром еганлар дўзахга тушадими? Тушади. Тухмат, ғийбат одам гўшти ейиш билан баробарми? Баробар... Дўзахдан бошқа ерга тушмайди у малъунлар. Аммо мен ҳам уларнинг кетидан дўзахга тушишни истардим. Уларнинг куйиб, жизғанак бўлиб, азоблар чекишларини кўриш учун ҳам дўзахда бўлишни истардим.

— Астағфируллоҳ! — Раҳматуллоҳ шундай деб тасбеҳ ўгирганича пичирлади: **«Ва ма-а алламноҳу-ш-шеърра ва ма-а йанбағйи лаҳу...»**

Раҳматуллоҳ шоирларнинг феъл-атворини билмагани учун шу пайтгача бу оятнинг моҳиятини дуруст англамас эди. Тўғри, устози бу хусусда ҳам таълим берган. Раҳматуллоҳ у зотнинг айтганларини яхши эслайди. Ҳозир ҳам тасбеҳ ўгира туриб, ёдга олди: «Муҳаммад алайҳиссалом модомики, Аллоҳ таоло томонидан юборилган пайғамбар эканлар, демак, фақат ва фақат рост сўзламоқликлари шартдир. Назм эса ўз эҳтироси, муболағаси билан ростгўйликни кўтара олмайдур. «Шеърнинг энг ширини ёлғонидир», деб шоирларнинг ўзлари ҳам эътироф этурларким, ўз умматларига бир умр амал қилинадурғон дин арконларини ўргатувчи, хусусан, ғайб олами, охират диёри ҳақида хабар берадурғон пайғамбарнинг шоир бўлиши чиндан ҳам дуруст эмасдур...»

— ---

Маъноси: Биз унга (Муҳаммадга) шеър ўргатмадик ва шоирлик унинг учун дуруст эмасдир... (Ёсин сураси, 69-оят. — Алоуддин Мансур таржимаси).

Раҳматуллоҳ Мирҳосилга кўз қири билан боқади. «Бу банданинг кўкрагида олов бор. Ёндиради, куйдиради... Буки юрт қайғусида бунчалар ёнса, устози қанчалар ёнар экан?» деб ўйлайди.

Мирҳосил гаплари Раҳматуллоҳга ёқмаганини фаҳмлади. Кўз қири ташлаб қўйганини ҳам сизди. «Тақсирга маъқул гап айтиш мушкул. Уни айтсанг, макруҳ дейди, буни айтсанг, шайтон васвасаси, дейди. Пичирлаб дуо ўқийверар, ўқийверар... Дуруст, Аллоҳни зикр этмоқ — муслим учун фарз. Аммо жиҳод деган тушунча ҳам бор-ку?! Нечун эсламайди буни?» деб хаёлдан кечиради. Тунов куни Комиссар шундай деганида Раҳматуллоҳ унга қаттиқ тикилди-ю, индамади. Сўнг холи қолиб, Мирҳосил буни такрорлаганида, «Жиҳодга қандай кўтариласиз? Чоратроф ғайри дин бўлса, фаросат эгалари оз, каллакесар-муттаҳамлар кўп бўлса, яна мунофиқлар...» деди.

Мирҳосил сезиб юрибди: Раҳматуллоҳ Комиссарни ёқтирмайди. Шундан бўлса керак, унинг таклифларига беписанд қарайди. Қочишдан кўрқадими ё Комиссарга ишонмайдими? Барақда уни ҳеч ким исми билан чақирмайди. Ҳамма «Комиссар» дейди. Мирҳосил унинг чиндан комиссар бўлган-бўлмаганини билмайди. Аммо катта папка қўлтиқлаб извошларда, сўнг автомобилда керилиб ўтирганини кўрган. Бу тақсир-ку, маълум — большевикларни ҳазм қила олмайди. Қизил командир-чи? У нимага ишонмаяпти? Раҳматуллоҳнинг ўнг томонида ғужанак бўлиб ётган сочу қошлари сап-сарик бу одамни «Қизил командир» дейишлари нотаниш кишига ғалати, ҳатто кесатиқ каби туюлади. Аслида эса у чиндан ҳам қизил командир бўлган. Фрунзе тақдим этган қиличини ўйнатиб, хўп давр сурган. Ҳақиқат деб қилич чопганида, раҳмат эшитарди, ҳақиқат гапни айтиб қўйиб, ўзини бу ерда кўрди. Кеча ёмғир остида маҳбуслар югуртирилганда яна бир ҳақ гап айтди, ўзи каби қилич чопган, ўзи каби қизил командир бўлган, бироқ, тилини тия олгани учун

махбус кийимини киймаган, аксинча, бу ернинг мутлақ хўжайини бўлган собиқ қуролдоши биргина мушт билан кўзи атрофини кўкартирди. Бу кўк кетар, аммо қоринга тушган тепкилар асорати кетмас кўринади. Кечадан бери оғриқ кучайса кучайдики, камаймади. Оғриқ забтига олганида беихтиёр инграб қўяди.

Ҳозир ҳам ингради. Раҳматуллоҳ тасбеҳ донасидан кўзини олиб, Қизил командирга қаради. Кафтани унинг пешонасига қўйди.

— Иситмаси борми? — деб сўради Мирҳосил.

Раҳматуллоҳ «Ҳа», деб бош ирғади. Қизил командир кўзларини очиб, қаддини сал кўтарди.

— Комиссар қани? — деди заиф овозда.

— Чақириб кетишди, — деди Мирҳосил.

— Унинг таклифини ўйладим, — деди Қизил командир. — Тўғри айтади: қочиш керак. Қутулиб кетолмасмиз балки, аммо ўлганда ҳам исён қилиб ўлиш керак. Бундай яшаш мумкин эмас. Бошқаларга сабоқ бўлсин. Таксир, бошқа йўл йўқ.

Кечаги кунга қадар қочиш ҳақида сўз кетса, Қизил командир қатъий рад этаётган эди. «Биз англашилмовчилик туфайли бу ерларга келиб қолдик. Ўртоқ Сталин бу номаъқулчиликларни шундайлигича қўйиб қўймайди. Мен доҳийга хат ёздим. Ҳадемай уйимизга кетамиз», деб ишонтирмоқчи бўларди. (Мактублари Бошлиқ хонасида умрини яшаб бўлганини у нодон банда қайдан билсин?) Кеча ёмғирда бўкиб, майдоннинг аталасини чиқариб югуришганидан сўнг Бошлиқ хонасига ҳақиқат излаб кирди. Киришда дадил эди, дам ўтмай чап кўзи хиралашган, тепки азобидан букчайган ҳолда чиқди. Ҳозир ухлаб ётгандир, деб ўйлашган эди. Йўқ, уйғоқ экан. Уйқусиз тун уни доҳийдан марҳамат кутиш бефойда эканига ишонтирибди. Дилида исён руҳини уйғотибди. Кимга, нимага қарши исён қилади? Нимага эришади? Бир марта исён қилиб-ку, кўрадиганини кўриб ётибди.

— Таксир, гапирсангиз-чи... — деди Қизил командир.

Раҳматуллоҳ тасбеҳ доналаридан кўзларини олмаган ҳолда:

— Мен сизга тўғри йўл кўрсатишга ожизман. Тўғри йўлни Яратганнинг ўзи кўрсатади. Бу ердан-ку қочиб қутуларсиз, кейин-чи? — деди. Сўнг пичирлаб қўшиб қўйди: — Иннаа лилаҳи ва иннаа илайҳи рожиъун¹...

— Сиз... ўзингиз биласиз... хоҳласангиз, ўтираверинг, — Қизил командир шундай деб Мирҳосилга қаради: — Булар ҳеч қачон биз билан бирга бўлишмаган.

— Командир, — деди Мирҳосил кескин оҳангда, — ўйлаброқ гапиринг.

— Ранжиманг, биродар, бу киши тўғри гапни айтдилар, — деди Раҳматуллоҳ хотиржамлик билан. — Биз фақат Аллоҳдан юз ўгирмаганлар билан бирга бўламиз.

— Ҳа... бирга бўласиз... — Қизил командир шундай деб ингради. Бу инграш тан оғриғи азобиданми эди ёинки руҳ азобиданми эди, ҳамсуҳбатлар фарқлай олишмади. Бир-икки нафас ўтмай, Қизил командир яна тилга кирди: — Аллоҳ «сабр қилгин», деган — сабр қилдик. Аллоҳ «бойликка берилма, кибрга берилма», деди. Аммо бойлар қулоқ солмадилар. Сабрлилар азобда юраверди. Аллоҳга бўйинсунмаганлар роҳатда яйрайверди. Шуми ҳақиқат? «Аллоҳ», «Аллоҳ» дейсиз... Аллоҳингиз сиздан юз ўгирган, шунга ақлингиз етмаяптими?

Раҳматуллоҳ пичирлаб истиғфор айтди, аммо Қизил командирга жавоб қайтармади, баҳсга киришмади. Мана шу одати маҳкум биродарларининг юрагини ёриб юборай дерди. Қизил командир ҳам, Комиссар ҳам, баъзан Мирҳосил ҳам уни баҳсга тортишга уриниб кўрарди. Бироқ, Раҳматуллоҳ улар бошламоқчи бўлган йўлга яқинлашмас эди. Бир куни Комиссар: «Сиз нима учун баҳсдан қочасиз, бизнинг ҳақиқатимиз олдида сиз ожизсиз», деганида унинг хаёлига дастлаб: **«Йа ибни Адама! Ила кам тажолисусу-**

¹ Албатта, барчамиз Аллоҳникимиз ва албатта, Аллоҳга қайтгумиздир (Бақара сурасидан).

с- солиҳийна ва ла такуну минҳум фаиза жаластаҳум ва лам такун минҳум фамато туфлиҳу?¹» деган калима келди. Аммо бу муборак сўзларга Комиссарнинг фаҳми етмаслигини эслаб, фикрини лўнда баён қила қолган эди: «Сизнинг қалбингизга шайтон ин қуриб жойлашиб олган. Сиз аввал қалбингизни покланг, сўнг ҳақиқат хусусида мен билан сўзлашинг».

...Комиссар кириб жойига чўзилди. У ҳар сафар навбатдаги «сўроқ»дан қайтгач, шундай қилади. Айниқса, хўжайин ароқ билан сийлаган дамда, ҳидидан пайқаб қолишмасин, деб бошини ҳам чойшабга ўраб олади. Раҳматуллоҳ буни фаҳмлаган, унинг қадам олиши бежо эканини сезган. Шу боис унинг гаплари, таклифларини эътиборсиз қолдирарди. Комиссар бошини чойшабга ўраб олган бўлса-да, Раҳматуллоҳнинг ўтқир нигоҳини ҳис қилди. У шарт чойшабни юлқиб, қаддини кўтарди — янглишмаган эди, Раҳматуллоҳ унга қаттиқ тикилиб турарди.

— Нимага менга бундай қарайсиз? — деди Комиссар титроқ овозда. — Гапиринг, мақсадингизни яширманг, айтинг!

Раҳматуллоҳ ундан нигоҳини олиб қочмади. Комиссар бундан баттар талвасага тушди.

— Қараманг менга, — деди бу сафар ялиниш оҳангида.

Соқчи кириб, Раҳматуллоҳни чақирмаганида охири нима бўлишини айтиш мушкул эди. Ҳарҳолда Комиссарнинг бу нигоҳга чидай олмасдан талваса оловида қоврилиб, оқибат портлаши ҳақиқатга яқин эди.

Раҳматуллоҳ ўрnidан тураётиб, Мирҳосилга бир қараб олди. Мирҳосил бу қарашнинг маъносини тўғри англаб, унга эргашди. Эшикка яқинлашганида Раҳматуллоҳ Мирҳосилга қарамаган ҳолда, худди ўзига-ўзи гапираётгандай деди:

¹ "Эй Одам фарзанди, қачонгача солиҳ бандаларим билан бирга ўтириб, ўзинг улардай бўлмайсан? Борди-ю, бирга ўтириб қолсанг ҳам, улар сафига қўшилмайсан, қачон нажот топа сан?" (Ҳадиси қудсийдан).

— Сиз эсли одамсиз, эҳтиёт бўлинг.

Бошқа гап айтмади. Ранда кўрмаган қалин тахталардан ишланган беўхшов эшикни очиб, ташқарига чиқди.

3

Айғоқчи чиқиб кетиши билан Бошлиқ унинг изидан тупурди. Гарчи Комиссар холис хизмат қилаётган бўлсада, Бошлиқ ундан нафратланар эди. «Сотилиши бу қадар осон бўлган одам қандай комиссарлик қилган, одамларни нималарга даъват этган, бунга эргашганлар қандай аҳмоқлар экан?» деб ўйлар эди. Ҳозир ҳам шу ўй хаёлига келиб, ғижиниб тупурди. Сўнг лабига папирос қистириб, қўлларини шимининг чўнтагига солган ҳолда, ғоз келбатида у ён-бу ён юрди.

Худди шу онда минорадаги соқчилар ўқ ўтмас буғуни кўриб қолиб, палапартиш ўққа тута бошладилар. Бошлиқ «Ўқ ўтмас буғу яна пайдо бўляпти», деган хабар билан кирган ёрдамчисига қаттиқ тикилди. Ёрдамчи бу қарашга дош беролмай, буғуни ўзи атайин бошлаб келиб гуноҳга ботган одамдай, бошини эгди.

— Тўққизинчи баракдаги муллани чақир. Туннелдан келсин.

Ёрдамчи «Хато эшитмадимми?» деган хаёлда бошлиғига савол назари билан қараб олди. Бошлиқ буни сезиб, кескин таъкидлади:

— Ҳа, туннелдан!

«Туннел» деганлари симтўр билан ўралган итхонанинг ўртасидан кесиб ўтувчи даҳлизмонанд йўл. Ҳамиша ярим оч ҳолда сақланувчи, «бос!» дейилса, ҳар қандай тирик жонни ғажиб ташлашга тайёр итлар орасидан ўтиб келишнинг ўзи бўлмайди. Бу ҳам Бошлиқнинг ихтироларидан бири. Жазога лойиқ маҳкумлар бошларига шундай кўргулик тушишидан кўрқишади. Бошлиқ эса «Халқ душманларидан ҳатто итлар ҳам ҳазар қиладилар», деб уларнинг

таланишларини ҳузур билан кузатади. Ёрдамчи мўъмин-қобил ҳолда юрувчи муллани билар эди, шу боис ҳам «У қандай гуноҳ қилибди?» деган ўйда бошлиғига савол назари билан қараган эди.

Раҳматуллоҳ Бошлиқнинг хонасига тўғри йўлдан эмас, орқа томондан боришларини билиб, туннелдан ўтишга ҳукм бўлганини фаҳмлади. Симтўр эшик очилмай туриб Яратганга муножот этиб, бу азоблардан қутқаришни сўраб эди, шу дақиқада қамоқхона девори ортидаги ўрмонзорда буғунинг узун ўкириқ овози эшитилди. Муножот билан банд бўлган Раҳматуллоҳ аввалига бу зорли овозга унчалик эътибор бермади. Иккинчи ўкириқ янада баланд овозда, бутун ўрмонзорни, ўрмонзорнинг покиза бағрига канадек ёпишиб турган қамоқхонани ларзага солгандек бўлди. Раҳматуллоҳ бир зум тўхтади. Унинг қулоғи остида буғунинг оддий ўкириғи эмас, «Аллоҳу акбар!» деган соф, жарангли овоз янграган эди. Бундай овозни у Каъбатуллоҳда эшитар эди. Улғайиб, Туркистонга қайтганидан кейин неча минг марта азон овозини эшитди, аммо Каъбатуллоҳдаги муаззин овозига ўхшаганини учратмади. Болаликда қулоғига қуйилиб қолгани учунми, бу соф, жарангдор овоз, бу оҳанг Раҳматуллоҳ учун қадрли эди. Нима учун буғунинг ўкириғи унга «Аллоҳу акбар!» бўлиб эшитилди — ўзи ҳам англамади. Аввалига, менга шундай туюлди, деб ўйлади, бироқ, бу ҳолат яна уч карра такрорлангач, калимаи тоййибани айтиб, беихтиёр осмонга қаради. Юзларини совуқ томчилар савалади. Минорадаги соқчилар ўрмонга қараб палапартиш ўқ отавердилар. Соқчи елкасига аста туртиб, уни туннелга йўллади. Раҳматуллоҳ «Бисмиллоҳ», деб остона ҳатлаб, калимаи шаҳодатни айтди-ю, сўнг «Оятал курсий»ни ўқиб, ўзи томон югуриб келаётган итларга тикилди. Орадаги масофа уч қадам қолганида «Шу қоқсуяк бандани эрмак қиламиз» деб вовуллаб югуриб келаётган итлар бирдан думларини қисиб, тўхтаб қолдилар. Сўнг орқаларига қайтиб, ин-инларига кириб кетдилар. Раҳматуллоҳ туннелдан ўтиб олгач,

худди бўри каби бўйинларини чўзиб, бир неча марта улидилар.

Бу манзарани кўрган соқчининг эси чиқиб кетаёзди. Дераза оша қараб турган Бошлиқ ҳам саросимага тушди. Саросима тўридан чиқишга улгурмай, эшик очилиб, осто-нада Раҳматуллоҳ кўринди.

Бошлиқнинг Раҳматуллоҳ билан гаплашиш истаги йўқ эди. Аниқроқ айтилса, унинг бус-бутун ҳолда, бирон ери ҳатто тирналмаган тарзда кириб келиши мумкинлигини мутлақо кутмаган эди. На илож қилсинки, эти устихонига ёпишган, қорачадан келган, ботиқ кўзларида қатъият зуҳур бўлган бу маҳкум рўпарасида турибди. Бир неча дақиқа муқаддам шу ерда турган айғоқчи каби кўзлари жавдирамайди, қадди эгилмайди. Бошлиқ унинг қорамағиз юзига қараб ажабланди: айғоқчи ҳам, ёрдамчиси ҳам оқ-сарикдан келган бўлса-да, юзи тунд кўринади. Бу маҳкумнинг қорамтир юзи эса ёришиб турганга ўхшайди. Бошлиқ бу муаммога жавоб топишга ҳаракат қилмайди. У маҳкумни чақиртирди. Маҳкум рўпарасида турибди. Энди нимадир дейиши керак.

— Сен нима учун аксилинқилобий ташвиқот билан шуғулланяпсан? — деди тўнг оҳангда. Бошлиқ бу саволни жазоламоқчи бўлган маҳкумига қараб, одатда бақириб айтарди. Тўққизинчи барақдан чақиртирилган бу муллага нима учундир бақиролмади. Бунга дастлаб ўзи ҳам ажабланди. Сўнг ўзидан ўзи нафратланди. Мулланинг саволга дарров жавоб бермай, киприк қоқмаган ҳолда туриши унинг ғазабини янада оширди:

— Айт, нима учун аксилинқилобий ташвиқот юрғизяпсан?!

Бу сафар одатини канда қилмади — овози баралла чиқиб, ҳовури бир оз кўтарилди. Бу сафар ҳам саволи жавобсиз қолгач, уришга шайланди-ю, аммо беихтиёр равишда ўзини тийди.

— Гапга тушунасанми ўзинг?

Раҳматуллоҳ унинг тилида сўзлашишни билмас эди. Фақат айрим буйруқларнинг маъносинигина тушунар, соқчилар, ишдаги назоратчилар пўписа қилиб қолса, Мирҳосил ўргатган икки сўзни ишлатиб, уларнинг дағдағасидан қутуларди. Ҳозир ҳам бисотидаги ўша сўзларни ишлатди:

— Нет понимаш.

Бошлиқ «Тфу!» деб сўқинди. Чиндан ҳам, ўзи бу маҳқумнинг тилини билмаса, бу маҳқум эса унинг гап-ларига тушунмаса, нима десин? У муллага нафрат кўзини бир оз қадаб турди-да, қимир этмаган ҳолда бақириб, ёрдамчисини чақирди:

— Бу маразнинг тилини биладиганлардан биттасини бошлаб кел!

Бунинг тилини ким билиши ёрдамчи учун қоронғи эди. Аниқроқ айтилса, ҳозиргина ҳаммани хайратга солиб туннелдан ўтиб келган бу одамнинг миллатини билмас эди. Қамокда осиёликлар кўп, аммо, уларнинг миллати ҳар хил бўлса... Бошлиқ ёрдамчисининг талмовсираб турганини кўриб, ғазабини унга сочди:

— Буйруққа тушунмадингми, галварс?!

— Тушундим, лекин...

— Нима, «Лекин»?

— Қайси тилда гаплашар экан?

— Бориб, баракдаги ҳамтовоқларидан сўрайсан. Шунга ҳам калланг ишламайдими?

Орадан кўп вақт ўтмай, хона эшиги очилиб, ёрдамчи буйруқ бажарилганини маълум қилди. Унга на Бошлиқдан, на Раҳматуллоҳдан садо чиқди. Бошлиқ нигоҳи ўтқир бу муллани нима деб қийин-қистовга олишни ўйларди. Мана шу қисқа фурсат ичида у ниҳоятда оғир вазифага тайин этилганини яна бир бор ҳис этди. Фуқаро урушида минг чандон дуруст эди. Бунақаларга нима десам экан, деб бош қотириб ўтирмасди. Қиличини яланғочлаб, бир силтар эди, тамом.

Раҳматуллоҳ Бошлиқнинг дўппослаб қолиш одати борлигини эшитган, шу сабабли ундан кўз узмай турарди. «Йа бани Адама! Инни ҳаррамту-з-зулма ала нафии ва жалтуху байнакум муҳарраман фала тазааламуу¹»... Бу ҳам одам фарзанди-ку, зулмга бунча ошна бўлмаса, — деб ўйлар эди у.

Хонага кириб келган Комиссар унинг хаёлини тўзи-тиб юборди. Хона ўртасида Бошлиқ билан юзма-юз турган Раҳматуллоҳни кўриб, Комиссар кўрқиб кетди. У тилмочлик қилажагидан беҳабар эди, шу боис «Бу мулла менинг ҳақимда ёмон гап айтдимиз?» деган ўй баданига совуқ титроқ тарқатди. Комиссарнинг хиёнатга мойил эканини гумон қилиб юрган Раҳматуллоҳ ҳам «Бу бирон нимани чаққан экан-да», деб ўйлади. Уларнинг гумонли ўйларига Бошилиқнинг ғазабли овози барҳам берди:

— Бунинг тилини биласанми?

— Биладан... — Комиссар Бошлиққа нажот назари билан бокди-да, пастроқ овозда қўшиб қўйди: — биттасини биладан.

— «Биттаси» деганинг нимаси?

— Бу кўп тилларни билади.

— Менга биттаси ҳам етади. Таржима қил: нима учун лагерда аксилинқилобий ташвиқот юргизяпти?

Комиссар таржима қилди. Раҳматуллоҳ саволни тushунмай, Бошлиққа қаради:

— Аксилинқилобий ташвиқот нима?

Бошлиқ яна ён томонга тупуриб, сўкинди:

— Худога сиғинасанми?

— Ҳа, мен ёлғиз Аллоҳга сиғинаман.

— Дарахт кесгани чиққанингда беркиниб ибодат қиласанми?

Бу саволдан сўнг Раҳматуллоҳ Комиссарга тикилди. Комиссар кўзини олиб қочди. Қамокхонада ким бўлсин —

¹ “Эй Одам фарзандлари, Мен ўзимга зулми ҳаром қилдим ва уни сизларнинг ўрталарингизда ҳам ҳаром қилдим. Бас, бир-бировларингизга зулм қилманглар” (Ҳадиси Қудсийдан).

мусулмонми, насронийми, яхудийми — фарқи йўқ, ибодат қилиш қатъиян ман этилган эди. Раҳматуллоҳ ичкарида эканида имо-ишора билан бўлса-да, намозини ўқир, да-рахт кесишга чиққанида эса буталар орасига яшириниб ибодат қилар, бундай дамларда ўзини сувга қайтиб тушган балиқдек роҳатда ҳис этар эди. Соқчилар кўришса ҳам ин-дашмас, Раҳматуллоҳ шунинг учун ҳам Яратганга шукрлар қилар эди. Унинг намоз ўқишини соқчилар Бошлиққа чақишмайди. Раҳматуллоҳнинг комиссарга қараб қўйиши шу важҳдан бўлди.

— Мен фақатгина омонатини Ўзига топширганимдан кейингина ибодатни қўяман, — деди Раҳматуллоҳ қатъий оҳангда.

— Омонати нима экан? — деб ажабланди Бошлиқ.

— Жонини айтяпти, — деди Комиссар, — ўлгунимча ўқийвераман, демоқчи.

Бошлиқ бу ўжар одамни фақатгина уриб хумордан чиқиш мумкин деган хулосага келди. «Булар билан мушт тилида гаплашиш керак. Тилмоч ҳам лозим эмас». У шундай фикрда қўл кўтарди. Раҳматуллоҳ унинг урушга чоғланганини кўрса-да, қилт этмади. Бошлиқ урмоққа хезланди-ю, аммо кутилмаганда қўлини орқага силтади. Бундан Комиссаргина эмас, ўзи ҳам хайратланди. Олдинга ўқдек учиши лозим бўлган муштни қандайдир куч орқага силтаб ташлаган эди.

— Бугунча урмайман, — деди Бошлиқ хайратини ошкор қилмасликка тиришиб. — Узр сўрамоқчига ўхшади, айт, тиз чўксин, узрини қабул қиламан.

Раҳматуллоҳ Комиссарнинг тилидан бу гапни эшитиб, кулимсиради.

— Нимага ишшайяпсан?

— Мен банда олдида тиз чўкмайман. Мен фақат Аллоҳнинг қулиман, бандага тавба қилмайман.

Бу гапдан Бошлиқнинг ғазаб дарёси тўлиб тошди. Яна урмоқчи бўлди, бироқ яна ҳалиги ҳолат такрорланмасин деган хавотирда ўзини тутди.

— Шунақами, кўрамиз, — деди ижирганиб. Сўнг ёрдамчисини чақириб, буюрди: — Туннелдан ҳайда буларни!

— Менинг нима гуноҳим бор? — деди Комиссар кўрқув билан.

— Ҳамманг бир гўрсанлар.

— Тил учида бўлса ҳам тавба қилиб қўя қолинг, булар билан ўчакишманг, — деди Комиссар Раҳматуллоҳга ялиниб.

— Мен мунофиқлик қила олмайман, биродар.

— Ахир, оч итларга талатмоқчи.

— Ўзингиз тиз чўкаверинг.

Раҳматуллоҳ шундай деб ёрдамчининг «Чиқ!» деган ишорасига итоат этди. Комиссар йиғламаса ҳам, йиғлагудек бўлиб унга эргашди.

Бу сафар манзара ўзгача бўлди — итлар думларини қисиб инларига кириб кетмадилар, аксинча, Раҳматуллоҳ билан Комиссар атрофида жон-жаҳдлари билан вовуллайвердилар.

Бошлиқ бу манзарани ҳам хайрат, ҳам ғазаб билан кузатди. Муштумини қаттиқ қисди — ҳатто бармоқлари қисирлаб кетди.

— Мен ит эмасман, мендан қочиб қутулиб бўпсан! — У ўзича шундай деди-да ёрдамчисини чақирди:

— Икки соатдан сўнг Комиссарга айт: операция эртага тонгга белгиланади. Тайинла: тош ёғса ҳам қолдирилмайди. «Айиқ»қа айтиб қўй: бугун уларни бир эрмак қилсин.

«Айиқ» қамоқхонанинг азроили ҳисобланади. У кимнидир эрмак қилдими — демак, у бечоранинг умршоми яқинлашибди. Бошлиқ тўққизинчи баракдагиларни бекорга «Айиқ»қа топширмади. Эртанги «ов» олдидан уларнинг силласини қуритиб, ўзининг юмушини пича осонлаштирмақчи эди. Ёрдамчи буни тушуниб, илжайиб қўйди.

«Туннел»дан ўтиб олишганидан сўнг Комиссар Раҳматуллоҳнинг чап елкасидан аста ушлаб, уни ўзига қаратди:

— У бадбахт билан ёмон ўчакишдингиз. Энди тинч қўймайди. Қочмасангиз, ўлдим, деяверинг.

Раҳматуллоҳ тўхтаб, атрофга қулоқ тутди: буғунинг зорли ўкириғи ҳам, қулоғи остида жаранглаётган «Аллоҳу акбар!» деган овоз ҳам тинган, ҳаммаёқ бирданига осудалик бағрига сингган эди. Раҳматуллоҳ Комиссарга қаради — унинг кўрқувданми ё изғиринданми, ранги оқарган, лаблари билинар-билинемас титрар эди.

— Яна ўша гапми? — деб елкасидан Комиссарнинг қўлини олди. — Сизга бир ҳикмат айтайинми? Сиз Қул Хожа Аҳмад исмли зоти бобарокатни биларсиз? У киши бола чоқларида мактабдаги устозлари илм толибларига бир юмуш буюрибдилар. Айтибдиларки, «Болалар, сизлар эртага биттадан хўроз сўйиб олиб келасизлар. Аммо хўрозни Аллоҳнинг назари тушмайдиган жойда сўйингизлар». Эртасига болалар устозлари вазифасини бажариб келибдилар. Бирови кўприк остида, бирови эса ошхонадами сўйибди-да. Қул Хожа Аҳмад эса хўрозни тиригича кўтариб келибдилар. Устозларининг «Сиз нима учун сўйиб келмадингиз?» деган саволларига у зоти бобарокат: «Мен Аллоҳнинг назари тушмайдиган жойни топа олмадим», деган эканлар. Комиссар, сиз бу ҳикмат ёнғоғини бир чақиб кўринг, маъқулми?..

Комиссар Раҳматуллоҳдан кўзларини олиб қочди.

Ўша қўланса ҳидли баракка олдинма-кейин кириб боришди. Қизил командир ҳамон инграб ётар, Мирҳосил эса чордона қуриб олган, тирсагини тиззасига, муштумини эса иягига тираганича ўйга ботиб ўтирар эди. Раҳматуллоҳни кўриб, чаққонлик билан ўрнидан турди-да, унга пешвоз чиқиб, узоқ сафардан қайтган одамни қаршилагандай, қучоқлаб олди.

— Бу чақирувнинг боиси нима экан, деб кўнглим бир алағда бўлди, тинчликми экан?

— Кўриб турганингиздек, — деди Раҳматуллоҳ уни қучоғидан бўшатиб. — Сўрайдирган сўроқлари бор экан. Уларнинг юмуши шу-да. Комиссар акангиз тилмочлик қилиб бердилар.

— Хайрият, зиён етказмабди, — деди Мирҳосил унинг елкаларини меҳр билан силаб.

«Зиён етказмабди, деб Бошлиқни назарда тутяпти, — деб ўйлади Раҳматуллоҳ. — Аллоҳнинг ўзи асраганини бу билмайди. Комиссар-чи? Унинг фаҳми етдимикан бунга?» Раҳматуллоҳ шу хаёлда орқасига ўгирилди. Комиссар ҳеч нарса англамагандай, кўзларини четга олиб, унинг ёнидан ўтди-да, жойига бориб чўзилди.

— Командир қийналяпти, — деди Мирҳосил Раҳматуллоҳ жойига бориб ўтиргач. — Бир нима қилсангиз-чи?

— Мен нима қилай? Табиблик қўлимдан келмаса... Мен ҳам Аллоҳнинг сиз каби ожиз бир бандасиман.

— Дам солсангиз-чи? Эм бўлмасмикин?

— Дам солсамми? — Раҳматуллоҳ бош чайқади. — Бу киши Аллоҳни тан олмасалар, ақидалари бўлак бўлса... Аввал иймонга калима келтирсалар эди...

Қизил командир кўзларини очди.

— Керакмас, — деди у хаста овозда. — Керакмас... Энди фойдаси йўқ. Таксир, Фиръавннинг қисматини эслайсизми? — Қизил командир «уҳ-ҳ» деб юборди. Сўнг қийналиб ютинди. — Ўлим олдида калима келтирганида, Худо «Бўлди, энди кеч», деган экан.

Раҳматуллоҳ унга ажабланиб қаради.

— Буни сиз кимдан эшитгансиз?

— Эшитмаганман... ўқиганман, — У бир оз тин олди. — Мен... мадраса кўрган одамман.

— Астаффируллоҳ! Шундай бўла туриб?..

— Ҳа... Николай подшони дуо қилиш, у фалокатнинг номини хутбага қўшиб ўқиш дуруст эмас, деганим учун

хайдашган. Мени ҳақ сўзим учун кўкрагимдан итардиларингми, мен энди сенлар билан бир динда қололмайман, деб худосиз бўлган одамман. Бу ёғига энди мен эмас, улар гуноҳкордирлар.

— Бу ёғи ёлғиз Аллоҳга маълум.

— Ҳа, маълум. Мен улар билан... — Қизил командир Раҳматуллоҳга қаттиқ тикилди. — Сиз билан ҳам бирга бўлмадим. То тирик эканман, бирга бўлмайман. Аммо... аммо... камбағалнинг қонини сўриб ётган бойларни сизларга ўхшаб дуо қилмадим. Сизлар Аллоҳнинг каломини бир тугунчадаги ноз-неъмат эвазига сотиб кун кўрувчи чайқовчисизлар. Бой елкангизга чопон ташласа «Эй Аллоҳ, мана шу сахий банданга жаннатдан жой ҳозирлаб қўй», деб эртаю кеч дуо қиласизлар. Ҳа... а, Мирҳосил, сиз яна бу зотга «Дам солиб қўйинг», дейсиз. Агар чопон ёпсам, иймон келтирганманми, йўқми, суриштириб ўтирмай оятларни ўқиб, дам солиб ташлайверардилар...

— Астағфируллоҳ! — Раҳматуллоҳ азоб исканжасидаги одам билан баҳслашишни ўзига раво кўрмади. Ўзини оқлашни ортиқча деб билди. Гуноҳкор одамгина ўзини оқлашга киришиб кетади. Қизил командир исботсиз, тузсиз гапларни айтди. Бир-икки оғиз гап билан унинг тошга айланган қалбини эрита олиш осон эканми?

Мирҳосил Раҳматуллоҳнинг сукут сақлашини ўзича тушунди. Раҳматуллоҳдан арзирли жавоб кутиб безовталанди. Жавобга Қизил командир ҳам илҳақ эди. Ўзи истамаса-да, баҳслашмоққа қуввати етмаса-да, қандайдир куч уни баҳсга даъват этарди. Раҳматуллоҳга захрини сочса, гўё дарди енгиллашадигандай эди.

— Жавоб бермайсизми, тақсир?

— Биродар, шу шароитда, шу ҳолатда баҳс жоизмикин?

— Жоиз! — Қизил командир шундай деб тирсагига суяниб, қаддини кўтарди. — Мен ҳақиқатни янада ойдинлаштириб олмоқчиман.

— У ҳолда жавоб шуки... — Раҳматуллоҳ бир оз сукут сақлаб, сўнг давом этди: “Йа ибну Адама! Аналлоху

холақту ъбадан би-илми фаман яратту биҳи хоран манах-туху хулуқан хасанан фаман аратту биҳи шаррон манахтуху хулуқан сайнан*». Мадраса кўрган экансиз, маъносини дуруст англагандирсиз?

— Менга ўз сўзингиз билан жавоб беринг. Ўз сўзингиз, ўз фикрингиз борми?

— Ўз сўзимми?.. Дейдиларки, «Бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдирма»... Сиз кўрпани эмас, иймонни куйдириб қўйибсиз. Қиёматда далилларингиз, узрларингиз инобатга олинмай қолса-чи, деган ҳадиқдаман.

— Уҳ-ҳ... — Қизил командир инграб, бошини қаттиқ ёстиққа қўйди.

**"Эй Одам фарзанди! Мен Аллоҳдурман. Бандаларни ўз қудратим билан яратдим. Бас, кимларгадир мен яхшиликни ирода қилиб, яхши хулқни бериб қўяман. Кимларгадир ёмонлик бўлишни ирода қилсам, унга ёмон хулқни бераман"* (Ҳадиси Қудсийдан).

— Бас қилинглар,— деди Комиссар ётган ерида.— Бу ер ҳақиқатни ойдинлаштирадиган жой эмас. Бекорга фалсафа сўқмай, жонни омон сақлаш чораларини ўйланглар. Биттагина йўл қолган. Ҳозир биз «туннел»дан ўтиб келдик. Итларнинг қорни тўқроқ экан, тегишмади. Бола-чақамга «Отанг итларга таланиб, ем бўлиб ўлди», деган хабар боришидан иснод қиламан. Ўлсак ҳам, одамга ўхшаб ўлайлик.

У шундай дейишга деди-ю, буларга қўшиб ўзини ҳам отиб ташлашлари мумкинлигини ўйлаб, ичидан қиринди ўтди.

— Одамлар қочишяпти, — деди у сир бой бермасликка ҳаракат қилиб. — Қувиб чиқишди. Аммо бўш қайтишди. Етиб олишса, ё тиригини, ё ўлигини келтиришарди. Бу ерлар овлоқ бўлгани билан йўл бор-ку? — У бир оз жимлик сақлади-да, қатъий қилиб қўшиб қўйди: — Ҳа, йўл бор!

Раҳматуллоҳ унинг гапларини эшитгиси келмади. Унинг мўлжалида аср намозининг вақти бўлган эди. Эски-

риб, титила бошлаган жунчойшабга кафтини уриб кўйиб таяммум қилди-да, девор томонга ўгирилиб, тиз чўкиб ўтирди. У намозни ўқиб бўлгунига қадар суҳбат узилди. Қизил командир бир-икки ингради. Комиссар қўлини бошига болиш қилиб, шипга тикилганича жим ётди. Мирҳосил яна чордона қуриб, қаддини букиброқ ўтириб олди. Раҳматуллоҳ намозни ўқиб бўлгач, ёнбошлади.

Аҳли муслим орасида эсини таниган бу одамнинг Аллоҳни унутган бандалар билан бирга сассиқ баракда ётиши инсон боласи учун оғир синов эди. Яратганнинг хузурига қайтиш куни яқинлашаётганини унинг кўнгли сезиб турарди. Вужудини аллақандай ғашлик тобора махв этарди. Унинг танаси бу овлоқдаги қамокхонада, юраги эса кўкрак қафасида тутқун. Фақат хаёли озодликда. Руҳи ҳам эркиндай гўё, аммо тутқун вужудни, кўкрак қафасида қон қақшаётган нотинч юракни ташлаб узоққа кета олмайди. Яхши ҳамки, тутқунликни билмас хаёл бор. Парвардигорнинг зикридан бўшади дегунча, хаёл унга аввал хузур бахш этади, кейинроқ эса исканжага олиб қийнайди.

Ҳозиргидай ёнбошлаган чоғида майлини хаёл ихтиёрига беради. Хаёл уни бир зумда киндик қони тўкилган Маккаи мукаррамага элтади. Паришон ўтирган завжасини кўради. Раҳматуллоҳ ота юртини қоралаб сафарга чиққанида у юкли эди. Яратганнинг иродаси билан эсон-омон кўзи ёриб олгандир, ҳозир фарзанди аржуманди югургилаб ўйнаб юрадиган ёшга етгандир... Раҳматуллоҳ аввалига уни ҳам бирга олиб кетмоқчи бўлган эди. Онаси ҳам «Хотинингни қолдирма», деб ялинди. Раҳматуллоҳнинг ўзи ўжарлик қилди. «Туғиладиган болам ўзимга ўхшаб мусофир бўлиб туғилмасин», деди. Ана шу гапи учун кейин юз афсус чекди, минг надоматлар қилди. Нодон экан. Унинг боласи ўзининг ота юртида мусофир бўлиб туғилар эканми? Ўжарликни, жаҳлни жиловлай олмади. Ақл ожизлик қилди ўшанда.

Раҳматуллоҳ тақдирдан нолимас эди, нолиш гуноҳ эканини биларди. Айни чоқда ҳаётидан кўнгли тўлмас

эди. Отаси ҳам савдо важҳидан, ҳам Аллоҳнинг фарзини бажарайин, деб йўлга чиққан, шу ниятда хотинини ҳам ёнига олган эди. Йўл азобими ё Маккаи мукаррамадаги об-ҳаво таъсир этдими — Раҳматуллоҳнинг онаси бетобланиб қолди. Бир томонда бетоблик, бир томонда ой-кунни яқинлашаётганидан дарак берувчи юздаги доғларнинг қуюқлашуви ортга қайтиш масаласини муаммо қилиб қўйди. Отаси бу ерда орттирган биродарлари — Маккада муқим туриб қолган ўзбеклар маслаҳати билан хотинини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Раҳматуллоҳ отаси кетгач, бир ойдан сўнг туғилди. Унга Раҳматуллоҳ ибн Иноятуллоҳ Андижоний деб исм беришди. Шу исм билан улғайди, камол топди. Аммо ота дийдорини кўрмади. У шунисидан доғда эди. Онаси Андижон томонлардан келувчи савдогарлардан эрини сўроқлаб, «Эсон-омон юрибди» деган жавобни оларди. Бир неча марта юртига отланди, бироқ, турли сабаблар билан бора олмади. Раҳматуллоҳ мадрасани ҳатм қилгач, мударрис уни хуш кўриб, елкасига куёвлик сарпосини ёпди. Ана шундан кейин онанинг кўнгли бир оз таскин топиб, андижонлик савдогарларга қўшилиб юртига бориб келмоқни ихтиёр этди. Раҳматуллоҳ онасини ёлғиз юбора олмас эди. Ҳам бу сабаб бўлиб, ҳам қон ота юртига тортиб, ҳам отани бир кўриш истаги устун келиб — барчаси тақдир ёзуғида мужассам бўлди-ю, туғилган муқаддас шахрини ўз назарида бир оз муддатга тарк этди. Тарк этиш у ўйлаганича бир оз муддатга эмас, балки (буни яна Аллоҳ билади!) умрбодга экан. Ота юртга келди ҳам, отани, ўғай укаларини кўрди ҳам. Бироқ, замон алғов-далғов бўлиб изига қайта олмади. Аҳли мўъминга ваъз айтиб юриб эди. Чустдаги биродариникида меҳмон бўлиб турганида ҳибсга олишди. Бир неча кун Наманган турмасида ушлашди, сўнг Тошкентга олиб кетишди. Қўрбошилардан биронтасининг хизматини қилмаган бўлса ҳам, «Босмачилар билан қандай алоқанг бор эди», деб қайта-қайта сўрайверишди. Қийин-қистовга олмай шунчаки сўраб-сўраб қўйишларидан ан-

гладики, кўрбошиларга алоқаси йўқлиги буларнинг ўзи-га-да маълум. Фақат ниманингдир илинжида уни сарсон қилишар эди. Ўша «нимадир» кўп ўтмай аниқ бўлди: унга бир неча саҳифа қоғоз беришди. «Эрталабгача муҳлат: Худо йўқ, деб ёзасан. Маккада ҳеч қандай муқаддас тош йўқ, ҳаммаси Муҳаммад деган савдогарнинг уйдирмаси, Қуръон осмондан тушмаган, ўша савдогар тўқиб ёзган, дейсан. Шуларни ёзсанг — озод бўласан. Ёзмасанг — суякларинг қамокда чирийдил...».

Раҳматуллоҳ бу буйруқни эшитиб, ўз қулоқларига ишонмади. Аллоҳнинг шериги бор ёки Ийсо масиҳ Аллоҳнинг ўғли, деб ёзишни талаб этишса, балки бунчалик хайратга тушмас эди. Қон-қонига сингиб кетган ҳақиқатни рад этиш, ёзиш у ёқда турсин, хаёлга келтиришнинг ўзиёқ учун бениҳоя даҳшатли ҳол эди. Улар айтганни қилса балки чиндан ҳам чиқариб юборишар. Яна йигирма йилми, ўттиз йилми яшар. Аммо Қиёматда ўзини Аллоҳга ширк келтирганлар, Расулуллоҳга қарши қилич кўтарганлар ёки ўз она-сини зино қилганлар қаторида кўрадимиз?! Шу фикрнинг ўзиёқ вужудини муз ҳолига келтириб, уни бир неча нафас мурдага айлантириб қўйди. У буйруққа итоат этайми ё йўқми, деб фикрлаб ҳам кўрмади. Чунки шундай фикрнинг ўзиёқ иймонини дарз кетказиб қўяр эди.

Буйруққа итоат этмагач, бу дахрий сўзларни уларнинг ўзлари ёзиб беришди. Имзо чекса бас — озодликка чиқади. У кўзларини чирт юмиб, Аллоҳга муножот этди: «Эй Аллоҳ, шунга имзо чекадиган қўлимни бу иймонсизларнинг ўзлари қайириб синдира қолишса, шу хатни ўқиган кўзларимга қум сепиб кўр қилишса яхши бўлмасмиди! Аллоҳ, Аллоҳ! Ҳозир кўзимни очганимда ҳеч нарсани кўрмайин, қўлларимни шол қилиб қўйгин, ақлимни ҳам олгин...» Ёлборишлари зое кетди. Аммо Яратган унга мадад берди — ақлини олмади, шайтонга қул қилиб қўймади.

Уни ота юртдан янада узоқроқ совуқ ўлкаларга жўнатишди. Киндик қони иссиқ тупроққа тўкилган эди, жони совуқ ўлкада чиқармикин?..

У шайтонга кул бўлмаганидан хурсанд эди. Қийинчиликларга учраганида мана шу қувонч унга далда берарди. Бироқ Аллоҳнинг бу содда бандаси бир нарсани билмас эди: имзо чекмаган куннинг индинига “Қизил Ўзбекистон” деган газетда Раҳматуллоҳ Иноятуллоҳ ўғлининг Худодан юз ўгиргани ҳақидаги мақоласи чоп этилди. Орадан ўн беш кун ўтгач эса унинг «мутаассиб руҳонийлар» томонидан ўлдирилгани ҳақида кичкина хабар чиқди...

* * *

Соқчи барак эшигини очиб, Комиссарни чақирди. Комиссар бу чақирувдан ажабланиб, эринибгина ўрнидан турди. Ҳаммалари «Бугун кўп йўқлаб қолишдимиз?» деган савол назари билан унга қарашди. Комиссар бу қарашларни сезмагандек, индамай эшик томон юрди.

Мирҳосил Раҳматуллоҳга яқинроқ сурилиб, фақат ҳамсуҳбати эшита оладиган паст овозда сўради:

— Ҳали нима учун «Эҳтиёт бўл», деб кетдингиз?

— Ҳеч нимани сезмаяпсизми? — Раҳматуллоҳ шундай деб Комиссарнинг бўш ўрнига қараб қўйди.

— Унга ишонмаяпсизми?

— Иймонсиз бандага ишониш мумкинми?

— Сотади, дейсизми?

— Мақсади менга қоронғу.

— Нимага пичирлашиб қолдиларинг?!

Иккаласи баравар овоз берган одамга қарашди. Улар қамоқхонада «Айиқ» деган лақаб олган, келбати чиндан ҳам айиқни эслатувчи, феъли эса қутурган итникидек бўлган бу бадахлоқ одамни шу томонга келаётганини кўришган, аммо нарига ўтиб кетар, деб ўйлашган эди. Чунки «Айиқ»нинг шу пайтгача улар билан иши бўлмаган эди.

«Айиқ» уларга заҳарли нигоҳини қадаб турарди:

— Мени иғво қияпсанларми?

Улар жавоб беришга улгуришмади. «Айиқ»нинг узун қўли чўзилиб, Мирҳосилнинг ёқасидан олди. Раҳматуллоҳ ҳай-ҳайлаб тургунича Мирҳосил бир-икки мушт еди.

Раҳматуллоҳ «Айиқ»нинг чайир қўлларига ёпишди. Лекин биродарини ажрата олмади. «Айиқ» сўкинди-да, тиззаси билан уни туртиб юборди. Раҳматуллоҳ тисарилиб йиқилди, чеккасини сўри қиррасига уриб олиб, бир неча нафас ҳушини йўқотди. Ўзига келганида «Айиқ» вазифасини адо этиб бўлиб, жойига қараб қайтиб борарди. Мирҳосил эса ёрилган лабидан оқаётган қонни артиш билан машғул эди.

5

Комиссар қайтганида Мирҳосилнинг лабидан оқаётган қон тўхтаган, Раҳматуллоҳ ҳам ҳушига келиб, жойида ўтирган эди. «Айиқ» ҳунарини кўрсатаётган дамда Қизил командир тирсагига суяниб қаддини кўтарганича қолди — жойига чўзилишга шошилмади. Уни ҳозир тан азоби эмас, ночорлик азоби қийноққа оларди. Ҳақсизликни кўрганида чидай олмайдиган Қизил командир биродарларига ёрдам бера олмаганидан эзиларди. «Ҳақиқат эгилади, букилади, бироқ синмайди», деб қаттиқ ишонган бу одам, Ер юзида адолат ўрнатиш қасдида болшевикларга кўшилиб қилич яланғочлаган сурурли бу кимса юрагида титраб турган сўнгги умид иплари шарт узилди. Умидсиз юрак эгаси, гарчи нафас олиб турса-да, мурдадан фарқ қилмай қолган эди.

Комиссар жойига қайтганида манзара шундай эди. Ундан биров «Яна нима учун чақиришибди?» деб сўрамади. У ҳам «Нима гап, тинчликми?» демади. Нотекис тахталардан ишланган каравотда худди омонат гапни айтиб изига қайтадиган одамдай оёқларини осилтириб ўтирди.

— Бугундан бўлак қулай вазият бўлмайди, — деди у ўзига ўзи гапиргандай. — Учинчи минорада ўзимизнинг ҳамшаҳар йигит соқчилик қилади. Унинг отаси бошига ҳам бизнинг қора кунимиз тушган. Буни бошлиқлари билишмайди. «То билиб қолишгунча ёрдам қилай, отам тушган жойда ҳам зора менга ўхшагани топилса», дейди.

Раҳматуллоҳ гапларини эшитгиси келмай, унга орқасини қилиб, ўгирилиб ётди. Қизил командир ҳам бошини ёстиққа қўйди. Мирҳосил баракдан ташқарига чиқиб ёмғир сувида юз-қўлини ювиб қайтганда Комиссар ҳам жойига ётиб олган эди. Уччовининг кўзлари юмуқ: худди ухлаётгандай, бир текисда нафас олиб ётишарди. Мирҳосил уларнинг ўртасидаги бўш жойга чиқиб чордона қуриб олди. «Уччови — уч олам. Қайси бирига ишонишни билмайсан, — деб ўйлади у. — Домла «Аллоҳ кўрсатган йўлдан чиқма», дейди. Ўзи шунга амал қилади. Мен ҳам Худога қарши бирон ножўя иш қилмадим. Одам ўлдирмадим. Ўғирлик қилмадим, ҳалол яшадим. Болаларни ўқитдим. Ватанни севишни, озодликни қадрлашни ўргатмоқчи бўлдим. Устоз тузумни ҳазм қила олмадилар. Менга ҳам ёқмади бу тузум. Аммо муроса қилдим. Биз-ку, шу тузумга ғаним эканмиз. Шу тузумнинг эгалари нима қилиб юришибди бу ерда? Биздай одамларнинг қанчасини у дунёга жўнатишди. Қанчасини бу ёқларга сургун қилишди. Охиरोқибат бизга ҳамтовоқ бўлишди. Озодликда юришганида биз билан бир дастурхон атрофида ўтиришга ор қилишар эди. Биздан нафратланишарди. Кўргилигимиз бир экан-ку? Энди бирга қочмоқчимизми? Қаёққа қочамиз? Яна ўша бузуқ юртгами? У ерда бизга кимнинг кўзи учиб турибди? Худонинг қарғиши теккан бу жойлардан қочиб хорижга ўтиб кетишнинг наҳот имкони бўлса?» Мирҳосил бу саволни ўзига-ўзи юз бора берган бўлса, юз бора, минг бора берган бўлса, минг бора жавобсиз қолдирар, жавоб топа олмас эди. Раҳматуллоҳ «Қиёмат куни қачон?» деган саволга жавоб беролмаганидек, Мирҳосил ҳам бу муаммони еча олмас эди. «Таваккал қилмоқдан ўзга чора йўқ!» — шу тўхтамадан нарига ўта олмасди.

Қизил командир кўзларини очиб, чордона қуриб ўтирган Мирҳосилга қараб ётди. «Бу бола фақирга қийин бўлди. Ҳали гўшанга кўрмай туриб бошини не азобларга тутиб берди. Устози-ку, нодон экан. Нима эди?.. — Қизил командир

Мирхосилдан эшитган сатрни эсламоқчи бўлди: — Ҳа.. «Эй, ҳар турли кулликларни сингдирмаган ҳур ўлка, нега сенинг бўғизингни бўғиб турар кўланка?..» Эси бутун бўлса, шунақа деб ёзадими? Бўлганда, шунақа ёшларга жабр бўлди. Шоир-ку, ўзи пиширган ошни ўзи ичибди. Бу болаларда нима гуноҳ эди? Айни гўшангада айшини сурадиган пайтда-я... Мен бу ёшда адолат деб қилич ўйнатиб, от суриб юрдим. Адолат фақат шу жамиятда қадр топиши мумкин эди. Булар нима учун ишонишмади? Биз тушунмовчилик қурбони бўлдик. Бузуқ фикрлилар рўйхатига ноўрин тушдик. Энди бирга қочмоқчимиз. Домланинг мақсади тайин. Бу ердан қутулса, хорижга қочади. Лекин бу ердан кетгиси йўқ. Шуниси ажабланарли. Нима учун қочиб қутулишига ишонмаяпти? Комиссарни оиласи кутиб турибди. Мирхосилнинг севгилиси бор. Нима эди?.. «Мен суйган суюкли шунчалар гўзал. Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!..» Мени ким кутяпти? Ўлсам ким аза очади?..»

Қизил командирнинг хаёлидаги бу саволга кимдир «Сени ким кутарди, Азроил кутяпти», деб шивирлагандай бўлди. Вужудини муз харсанги босиб ўтгандай, аъзойи бадани сесканди. «Бу ҳам тўғри, — деб тақдирга тан берди у, — бу ердан қочганим билан узоққа етмайман. Ҳар ҳолда қамоқда, сассиқ баракда хунук башаралар орасида ўлгандан кўра, эркинликда ўлганим дуруст-ку? Жоним кечқурун узилса, юлдузларни кўриб қоларман. Кундузи ўлсам, балки қуёшни кўрарман. Осмонни булут босса ҳеч бўлмаса ўша булутни, дарахт шохини, биттагина гиёҳни кўриб қоламан-ку? Балки юзимга биттагина покиза ёмғир томчиси тушар? Сўнгги нафасим чиқаётганда балки табиатнинг ўзи лабимга сув томизар? Аллоҳнинг менга кўрсатган марҳамати балки шу бўлар? Аллоҳ гуноҳларимни кечириб, мени шу мартабага лойиқ кўрар? Домла биз билан қочса яхши бўларди. Ўлсам, жанозамни ўқирди. Уч кунлик чақалоқлигимда қулоғимни азон айтиб очишган экан. Жанозасиз кетсам дуруст бўлмас.

Мен ҳалол яшадим. Худо гуноҳларимни кечиради. Мен Худодан эмас, нодон диндорлардан юз ўгирганман. Худодан юз ўгирганлар қанча? Юришибди ҳаммалари даври давронларини суриб. Мен улардай мунофиқ эмасман. Лекин домла мени айнан ўша мунофиқлар қаторида кўради. Унга ҳақиқатни тушунтира олмадим. Тушунтиролсам, инсофга келармиди...»

Хаёлидан шу гаплар ўтган Қизил командир Мирҳосилнинг елкасидан ушлаб, ўзига қаратди:

— Домлага айтинг, ўжарлик қилмасинлар, — деди мулойим овозда.

Мирҳосил унга жавоб беришга улгурмади, гапга Комиссар аралашди:

— Айтманг, зўрланг.

— Домла менга кераклар, — деди Қизил командир ўжарлик билан.

— Нимага?

— Йўлда ўлгудай бўлсам, жанозамни бу кишидан бошқа ким ўқийди?

— Бунақа бемаъни хаёлга борманг. Сиз командирсиз, ахир! Мен сизни ёлғизлатиб қўймайман. Комиссарлигимни унутганим йўқ. Қанча юрсак, сизни ўзим суяб юраман.

Қизил командир бир оз жим қолди. Комиссар ваъда бергани билан кўнгли тинчимади. Комиссар меҳрибон одам, чиндан ҳам суяб юради. Аммо ўлимга дуч келса, у ҳам ночор... Азроилнинг чангалидан сақлаб қола олмайди.

— Домла, — деди Қизил командир хаёлларидан чекиниб. Раҳматуллоҳ индамади. — Домла, уйғоқсиз, билиб ётибман. Агар сизга малол келмаса, жанозамни ҳозир ўқинг. Иссиқ жон, билиб бўлмайди.

Раҳматуллоҳ жавоб бермади, ҳатто қимирлаб ҳам қўймади. Унга жавоб бериш янги баҳс дарвозасини очиш билан тенг эди. Шу боис сукутни афзал билди.

Қизил командирнинг «Жаноза ўқиб қўйинг», дейиши Раҳматуллоҳ кўнглига бир жиҳатдан таскин берди. «Ҳар ҳолда иймонини бутунлай совуриб юбормаган экан, дилида Аллоҳ бор экан», деб қўйди. Аммо унинг илтимосини ерда қолдиришга мажбур эди. Мўлжалланаётган қочиш Аллоҳ йўлида жиҳод учун бўлса экан, буларга шаҳидлик мартабаси насиб этса экан, олдиндан жанозалари ўқиб қўйилса... «У Фиръавннинг қисматини бўйнига олиб ётибди, — деб ўйлади Раҳматуллоҳ, — шу дард жонимни олади, деган фикр хаёлини эгаллаган. Гофил банда! Эрта-индин ўла қолишини қаёқдан билибди? Дард берган Аллоҳ шифосини ҳам беради-ку?..»

Раҳматуллоҳ турли хаёлларга банди бўлиб узоқ ётди. Маҳбусларнинг у ёқдан-бу ёққа юришлари тинди. Ғўнғир-ғўнғир овозлар ҳам эшитилмай қолди. Бунинг ўрнини турли оҳанглардаги хуррак, алаҳсирашлар эгаллади. Тун яримлаганда Раҳматуллоҳнинг кўзи илинди. Ўн дақиқагина давом этган уйқусида ғалати туш кўрди. Тушида мударриси — қайнотаси уч бўлак оқ сурпни унга узатяпти. «Биттаси сенга, қолгани шерикларингга», дермиш. «Менам булар билан кетайинми? Унда тўрт киши бўламиз», дермиш Раҳматуллоҳ. «Биттангга лозим эмас». У шундай деб шохдор буғуга айланиб қолганмиш. Сўнг Раҳматуллоҳ унга миниб олганмиш. Буғу елдек учиб, уни тўғри Каъбатуллоҳга олиб борганмиш... «Хайрият, бомдодга етиб келдик», дермиш Раҳматуллоҳ. Кейин муаззиннинг овози эшитилибди: «Аллоҳу акбар!» Раҳматуллоҳ Маккаи мукаррамада эканида баъзан шу азон товушини эшитиб уйғонарди. Субҳи содиқда янграган азон овози унинг руҳига мадад берар, яхши бир кайфиятда бошини ёстикдан кўтарарди. Ҳозир ҳам қуш уйқусидан шу ҳолда уйғонди. Қулоғига азон товуши бошқа эшитилмади. Ўзини Каъбатуллоҳда эмас, яна сассиқ баракда кўриб, юраги эзилди. Комиссарнинг

«Бўлақолинглар», деган овозини эшитди. Қизил командир бир инграб, ўрнидан турди.

— Таксир билан хайрлашайлик, — деб пичирлади Мирҳосил.

— Уйғотманг, билмагани маъқул. Сотиб қўйиши мумкин.

Шивирлаб айтилган гап қиличга айланиб, Раҳматуллоҳнинг танасини қиймалаб ташлагандай бўлди. Хоинлик кўчасидан ўтиш мумкинлигини хатто хаёл қилмаган одам учун бундай гумон энг ёмон ҳақоратдан ҳам баттар эди. Комиссарга эса айнан шу керак эди. Сўнгги йўқловда у «Қандай бўлмасин Муллани олиб чиқасан», деган қатъий топшириқ олган, ўйлай-ўйлай Раҳматуллоҳнинг жиғига тегишни режа қилган эди. Режаси амал берди — Раҳматуллоҳ ўрнидан туриб уларга эргашди. «Шуларга қўшилиб жон бериш ёзуғимда бўлса, на чора», деб ўйлади.

7

Бошлиқ қоронғу хонада, дераза олдида ёрдамчиси билан турарди. Тўққизинчи барак эшиги очилиб, ҳовлида одам қораси кўрингач, мамнун жилмайиб кўйди.

— Умримдаги энг мароқли ов шу бугун бўлади, — деди-да, шарпаларга синчиклаб тикилди: — Кимни суяб юришибди, судралаётган ким?

— Кеча сиздан адолат талаб қилиб келган одам.

— Иккита тепкили ҳоли бор эканми? Шу аҳволда командирлик қилган эканми, э онасини... — Бошлиқ сўкиниб, ёнига тупурди. — Нима қиларди судраб, ўлса шу ерда ҳам ўлаверарди.

— Сир очилиб қолмасин, деб қўрқди.

— Ҳа, бўпти. Булари — сенга. Мулла — менга.

— Булар деганингиз... Комиссар ҳамми?

— Уми?.. Бугунча тегма унга. Яна керак бўлиб қолар. Уни кейинроққа олиб қўясан. Ўзига ўхшаган уч-тўртта

Қамариддин тушундим, дегандай ўрнидан турди.

– Работдагиларни олиб қайтаман. Келганимизни бошқалар билмай турсин.

Қамариддин кетгач, Шамсибек яна қариянинг қўлтиғига кирди. Уй эгаси овоз бериб, номахрам эркак кираётганидан хотинларни огоҳ қилгач, ичкарига қадам қўйдилар. Шамсибекнинг гапи билан мўйсафид кампирига от ёғи билан қўй пўстагини олиб келишни буюрди. Кейин Ғанимурод ётган хонага киришди. Йигит чалқанча тушиб ётар, ярим очик кўзлари маъносиз боқарди. Шамсибек унинг билагини ушлаб, томир зарбларига диққат қилди. Кейин мижжасини қайириб кўрди. Сўнг бошини эҳтиётлик билан силади.

– Бошига қаттиқ нарса билан уришибди, – Шамсибек шундай деб полвон йигитни мук тушириб ётқизди-да, умуртқа суяги бўйлаб қўл юргизди. Белга келганда кафтини бир-икки енгил босиб кўрди.

– Бели лат ебдими? – деб сўради қария хавотир билан.

– Ҳа... – бел синганини айтишни лозим кўрмай, – бир озгина, – деб юмшатиб айтди-ю, қариянинг хавотирли нигоҳига қарашга ботинмади. Бу орада кампир буюрилган от ёғи билан пўстакни остонага қўйиб кетди. Шамсибек қарияни ётқизиб, оёғини ёғ билан обдан силади-да, пўстакка ўраб қўйди.

– Энди камроқ юра турасиз. Пешинда бир муддат офтобга солиб, кун тиғга келганда кўчанинг кўпчиган тупроғига ботириб ўтирасиз. Шу тупроқ зарб захрини тортиб оладир. Йигитлардай чопқиллаб кетадиган бўлурсиз, – деди Шамсибек ҳазил оҳангида. – Кузнинг салқини тушгунча, яланг оёқ юраверингиз. Шунда бод деган иллат яқинлашмайди.

– Илоҳи кам бўлманг, тақсир. Устозингиз барака топсин. Ғанижонга ҳам дори-дармон қиласизми?

– Ҳа, албатта. Ғанижон муолажага муҳтож, – Шамсибек шундай дегач, ташқи ҳовлига чиқиб супага ўтирди. Кўз

олдига ўлимни бўйнига олиб, девор тагида мағрур ўтирган йигит, ҳарифини даст кўтариб, ерга урмай, аста қўйган танти полвон келди. Аллоҳдан унга шифо тилади. Кўчада арава ғилдиракларининг ғижирлаши эшитилгач, ўрnidан турди. Аёллар аравада, Қамариддин билан икки полвон йигит отда келишди. Қолган йигитларни Қамариддин нечундир қишлоқ пойида қолдирибди.

Қамариддин совут кийган, елкасига чочий камон, белига қизил чармдан тикилган садоқ ва мурассаъ ханжар осиб олган эди. У энди даврада кураш тушувчи полвонга ўхшамасди, афтидан, чинакам жангга шайланган эди. Полвонларнинг аёллари ичкари ҳовлига киришгач, қўшни қарияни чақириб, Ғанимуроднинг дўстларини хабарлашга жўнатдилар. Шамсибек Қамариддин билан икки полвон йигитни бошлаб Ғанимурод ётган уйга кирди.

– Жароҳати оғирми? – деди Қамариддин полвоннинг ҳаракатсиз ётишини кўриб.

– Хасталикка бундай ташхис қўйган ҳақимлар муолажани бенаф деб келганлар. Лекин... Аллоҳ ғайб хазинасидан шифо берар бўлса, ҳар қандай хасталик чекинади.

– Табобат ожизми?

– Аллоҳ шифо беражак бўлса, табобат бир сабабчи халос. Аллоҳ Ғанижоннинг жонини сақлаб қолибди, шуни-сига шукр, бу ёғига умид яна ёлғиз Раҳмон ва Раҳиймнинг Ўзидан. – Шамсибек шундай деб енгларини шимарди.

Унинг сўзи билан бир йигит полвоннинг оёқларини, иккинчиси елкасини ушлаб турди. Шамсибек Ғанимуроднинг бўйнидан бошлаб, умуртқа бўйлаб аста-аста силаб-силаб тушди-да, белга келганда ҳаракатни секинлатди. Ниҳоятда авайлаб-авайлаб силай туриб, кутилмаганда бир зўр берди. «Қирс» этган товуш эшитилди. Полвон қаттиқ бақириб юборди-ю, дарров тинчиди. Пешанасидан совуқ тер чиқди.

Шамсибек муолажани тугатгунга қадар қишлоқ йигитлари йиғилишди. Уларга қишлоқ пойида қолган полвонлар ҳам қўшилишгач, Аҳмадбойваччанинг қўрғони

томон юрдилар. Кўрғон атрофида ўн чоғли йигитни қолдириб, давозани қоқишди. Дарвозани очган хизматчи отлиқ сипоҳ ва нотаниш йигитларни кўриб, тезда орқасига қайтди-да, бойваччани чақирди. Аҳмадбойвачча машъала ёруғида Қамариддин билан Шамсибекни дарров таниди. Шахриёрнинг муҳри босилган ёрлиқ билан юрувчи бу зотларни кўриб, юраги ўйнаб кетди. Вужудини кўрқув босиб, қочишни хаёл қилди-ю, лекин чорасиз аҳволдалигини англаб, сир бой бермади. Меҳмонлар ташрифидан қувонгандай жилмайганича салом бериб, таъзим қилганича уларни ичкарига таклиф этди. Қамариддин билан Шамсибек бир-бирларига «қани, арқонни узунроқ ташлайверайлик-чи, бунинг қандай найранглари бор экан?» дегандай бир-бирларига маънодор қараб олдилар-да, остона ҳатлаб ичкари кирдилар. Аҳмадбойвачча эса хизматчиларини чорлаб, шийпонга жой қилиш, дарҳол қора кўчқорни сўйиш ҳақида фармон берди. Қамариддин ҳовли ўртасида туриб олиб фармойишлар бераётган бойваччага нафрат билан қараб турди-да, «арқонни узун ташлаш»га тоқати етмай, уни тўхтатди:

– Кўпам беҳаловат бўлмасинлар, бойвачча. Бизнинг вақтимиз зиқ. Қани, мундайроқ келинг. Сўрайдурган гапларимиз бор.

Совуқ оҳангда айтилган бу гаплардан кейин бойвачча яна қочишни хаёл қилиб, атрофга жавдираб қаради. Буларнинг чангалидан қутулиб қолиш маҳол келганини англаб, яна бўшашди.

– Бош устига, тақсир, – деди жилмайишга ҳаракат қилиб. Бу жилмайишда мамнунлик эмас, жазо арафасидаги талваса булутининг сояси бор эди.

– Ғаниполвонникига кимлар билан бординг?

Юқори мартабали зотнинг совуқ оҳангда сенсирашга ўтиши яхшилик аломати эмаслигини сезган бойваччанинг баданига титроқ югурди:

– Қачон, тақсир? – деди талмовсираб.

– Тулкилик қилма-да, номларини бирма-бир айт!

Аҳмадбойвачча унинг қахрли қарашидан чўчиб, озгина тараддудланди-ю, кейин тақдирга тан бериб, бир қанча одамларнинг номларини айтди. Ташқарида қолган полвонлар қочишга уринган икки одамнинг қўлларини қайириб, ҳовлига кириб келдилар. Қамариддин полвонларга «яна қочириб юбормаларинг», дегандай им қоқиб, сўнг ғазабнигоҳини бойваччага қадади:

– Муслимхўжанинг қизи сенга зўрлаб никоҳ қилинган экан. Қочмоқчи бўлганини эшитиб, уни талоқ қилган эдингми?

– Ҳа, тақсир, шундай бўлиб эди. Мен шариат қоидаларидан четга чиқмадим.

– Демак, сиз у қиз учун номаҳрамсиз, шундайми? – деб Шамсибек сўроққа қўшилди. – Номаҳрам бўла туриб бокира қизга тегиниш ҳам сиз билган шариат қоидаларига кирадими? Жавоб беринг! – Бойвачча бош эгганича индамай тураверди: – Биз билган шариатда сиз жазога лойиқсиз. Қандай жазо эканини ўзингиз айтинг-чи?

Бойвачча бирдан тутқаноғи тутгандай ув тортиб, Шамсибекнинг қаршисида тиз чўқди.

– Менда айб йўқ, тақсир. Номус-оримни поймол қилгани учун полвондан ўчимни олишим керак эди, ичкарига кирмадим.

Қамариддин унинг талвасасига аҳамият бермай, баланд овозда, кескин оҳангда сўради:

– Бўлмаса кимлар?

Бойвачча яна ҳалиги исмларни қайтарди. Қамариддиннинг фармони билан йигитлар бойвачча тилга олган одамларни олиб кетгани кетишди. Қўшни чол эса қозининг уйи сари йўл олди.

Тун яримлаганда гуноҳкорлар ҳам, қози ҳам олиб келинди. Ҳовлида чақирилмаган одамлар ҳам пайдо бўлишди. Қамариддиннинг ҳайбати барчаларини саросимага солди.

– Тақсир, аввал бир сўроғимга дини ислом номидан жавоб бергайсиз, – деб Қамариддин қозига юзланди. – бокиранинг номусини булғаган кимса қандай жазога лойиқ?

Қози бир Аҳадбойваччага, бир Қамариддинга қараб, худди воқеалардан беҳабардай, салмоқлаб гап бошлади:

– Агар зинокор уйланмаган бўлса...

– Зинокорнинг иккита хотини бор, – деб унинг гапини кесди Қамариддин.

– У ҳолда... – қози ҳақиқатни айтса, Аҳмадбойваччадан балога қолишдан, айтмаса, Худонинг ғазабига учрашидан кўрқиб, чайналди. Сипоҳнинг қахрли нигоҳи тўғриси айтмоққа мажбур қилди: – Бундай зинокорнинг жазоси бир – ўлим.

– Дуруст, тақсир, у ҳолда нечун бу фасод дўзахилар ҳамон ҳаёт?

– Сўзингизни англамадим, тақсир?

– Яхши англаб турибсиз, – деб итоб билан давом этди Қамариддин. – Бу ҳаромнамакларнинг полвонни жароҳатлаб, яна номаъқул ишлар қилганини шу қишлоқда яшай туриб наҳот эшитмаган бўлсангиз? Агар бу воқеа узоқ шаҳристонда юз бериб, сиз хабарсиз қолсангиз, ажабланмаган бўлурадими?

– Ўлимдан хабарим бор, омма бу гаплардан мутлақо хабарим йўқ, – деди қози қайсарлик билан.

– Бу қасамингизга мен ишона қолай. Хўп, аввал эшитмаган бўлсангиз, ана, хабар топдингиз. Булар айбларига иқрорлар. Сиз фатво беринг, ҳукм чиқаринг.

– Шу тобдами?

– Ҳа, айна шу тобда.

– Мен фатво беролмайман, тақсир.

– Нечун?

– Бундай фатвога қози ул-қузот ризолигини олмоғим даркор.

– Ғаниполвонга ҳукм чиқарганингизда ҳам ризолик олиб эдингизми?

Жавоб бўлмади. Қамариддин у билан баҳслашиб ўтирмай, ўз ҳукмини эълон қилди:

– Машғалалар ёқилсин! Қишлоқ аҳлини уйғотинг, ҳукмимизни барчага етказинг: мухтийларни ҳазрат шаҳриёр номлари ила қатл этгаймиз. Бокирага тегинганлар белига қадар ерга кўмилиб, сўнг тошбўрон қилинадир. Бегуноҳ бандага азоб бериб, жароҳат етказганларга юз дарра, мухтийларнинг жаройимини беркитганларга йигирма беш дарра...

Бу ҳукми эшитиб, қозининг кўзлари олайиб кетди:

– Ҳуқуқингиз йўқ! – деди у жонҳолатда.

– Ҳазрат шаҳриёрим ноҳақлик содир бўлган ерда ҳақ ўрнатиш лозимлигини буткул лашкарларию уламоларига уқтирганлар. «Қозилар қўли шариат ҳукмлари ижросида бақувват бўлмоқлиги даркор», деган амри олийга бўйинсунмаганингиз учун сиз жаноб эллик даррага лойиқсиз!

Қозининг лаблари пирпираб, бир неча нафас худди тилдан қолгандай бўлди. Кейин бирдан кўзлари ёниб, жазавага тушиб бақира кетди:

– Мусулмонлар, бу осийлар султон Улуғбек номи билан дини исломни поймол қилиб, шариат ҳукмларига тил теккизмокдалар. Қараб турманглар, мусулмонлар. Худонинг ғазабидан кўрқинглар! Ким осийни тўхтатмас экан, унинг ўзи ҳам осийдир!

Атрофда қозининг жазавасини қўллайдиганлар топилмади. У жазавани бемаврид бошлаганди. Унинг қутқусига учувчилар ҳали уйғонишмаган эди. Қамариддин унинг бақиршига парво қилмай, «боғланг» деб буюрди. Дам ўтмай ноғора овози янграб, қишлоқ уйғонди. Барча қишлоқ четидаги ўша майдончага тўплангач, айбдорларни ҳайдаб боришди.

– Ўртага гулхан ёқишсин, – деди Шамсибек.

– Нечун? – деб ажабланди Қамариддин. – Бу тўй эмас-ку?

– Тўй бўлмаса ҳам тўйга еткулик. Қишлоқ ножинслардан тозаланяпти.

Шамсибек айтгандай бўлди: гулхан ёқилди. Аввал даррага буюрилганлар насибасини олди. Кейин ўлимга ҳукм қилинганлар белларига қадар кўмилдилар. Шунда орага бирдан сукунат чўкди. Биринчи бўлиб тош отишга журъат қилувчилар йўқдай эди. Сукунат узоқ чўзилмади. Тўпланганлар орасидан ўрта ёшли бир одам чиқиб қўлига тош олди. Буни кузатиб турган бойвачча жон аччиғида ўқирди. Оломоннинг тинчлиги бузилиб, отилаётган тошларнинг кети узилмади...

Ҳукм ижро бўлгач, тошни биринчи бўлиб отган кимса Қамариддин қаршисига келиб, тиз чўкди.

– Тақсир, мен Муслимхўжаман. Мени ҳам ола кетинг.

– Касбингиз нима?

– Наққошман, ўймакорман, тақсир.

Қамариддин Шамсибекка қараб олди:

– Сизни олиб кетиш-ку бизга малол келмайди, – деди у иккиланиб, – қизингизнинг аҳволи...

– Бўлмаса нима қилай? Қишлоқда бош кўтариб юролмаيمان. Эртага бу гап бутун музофотга тарқалади.

– Бир ақллашиб кўрайлик-чи...

Одамлар тарқалишди. Шамсибеклар ҳам қўнган уйларига қайтишди. Кампир супага дастурхон тузаб қўйган эди. Чой дамланди. Лекин томоқларидан ушоқ ҳам ўтмади. Бир пиёладан чой ичган бўлдилар.

– Ғанимуродни нима қиламиз? – деб сўради Қамариддин.

– Олиб кетмоқ лозим. Йўқса, нобуд бўлади, бунда муолажа қила олувчи ҳозики табиб йўқдур.

– Қизни-чи?

– Туни билан шуни ўйладим. Бирон нима демоққа фикрим ожиз. Агар Муслимхўжанинг кўчиш фикри қатъий бўлса, балки олиб кетармиз.

– Маъқул фикр...

Оқшом тушгунча шу ҳовлида дам олишди. Муслимхўжа сафар тадоригини бошлаб, қизини излади. Қиз ерда

ҳам, кўкда ҳам йўқ эди. Одамлар «кечаси кичқириб юриб эди-ку?» деб ажабланишар, чор атрофга юборилганлар ҳам қуруқ қайтишарди. Шом намози ўқиб бўлинган дамда гузарда шовқин кўтарилди:

– Муслимхўжанинг қизи топилди!

– Ўзини ҳовузга ташлаган экан...

– Шишибла кетибди, бечора...

Шамсибек билан Қамариддин то гузарга етиб боргунларига қадар шу гапларни эшитиб боришди.

Қиз шундайгина ҳовуз лабида ётар, тўзғиган сочлари юзини тўсган, онаси унинг кўксига бош қўйиб, дод соларди...

ДАВЛАТ АСОСИДЕК ПОЙДОР БИНО

Дафн маросимига бутун қишлоқ аҳли тўпланди. Тобут сермавж сойда сузаётган қайиқ каби сўнгги манзилга сузиб борди. Қабр устига чойшаб ёйилиб, мурда лаҳадга қўйилаётганда Муслимхўжа хушидан кетди. Ёлғиз қизининг қабрига бир ҳовуч тупроқ ташлашга қурби етмади. Тупроқ тортилиб, «Таборақ» ўқилётганда ҳам у нест бўлиб ўтирарди. Дуодан сўнг суяб турғизиб, уйига бошладилар.

Шамсибекни ҳам, Қамариддинни ҳам полвоннинг тақдири ташвишга соларди. Муслимхўжанинг кетиш ё кетмаслиги ҳам улар учун мавҳум бўлиб қолган эди. Эртасига Муслимхўжага бу хусусда сўз очганларида у бошини ҳам қилганича «Ёлғизимни қандай ташлаб кетаман, ҳеч бўлмаса қабрида танҳо қолмасин», деб хўрсинди. Шундан сўнг улар оқшомда Ғаниполвонни олиб, йўлга чиқиш қарорига келдилар...

Самарқандга етиб боришгач, барчалари карвонсаройга қўнишди. Фирдавсмонанд шаҳарнинг ғоят обод ва тўқ эканини кўриб, барчаларининг хайратлари ошди. Шамсибек шаҳар ҳақида билганларини айта туриб, «Маҳмуд Кошғарий бежиз «Семизкент» атамаганлар», деб қўйди.

Эртаси бомдоддан сўнг Қамариддин келиб, Шамсибекни Кўҳакка бошлаб кетди. Кўчаларда одам сийрак бўлгани учун отларини йўрттирдилар. Давлатпаноҳ суюрғоли бўлмиш кумуш камарли сипоҳни кўрганлар дарров четга чиқиб, қуллуқ қилишарди.

Улар Чинний қасрга киришганида сарой аҳли тахт мулозаматини бажо келтирмоққа шайланиб турарди. Ҳожиб чиқиб, онҳазрат ҳузурларига Шамсибек билан Қамариддинни чорлаётганини айтгач, уларнинг аксари соқолини силаб, «астаффируллоҳ!» деб қўйди.

Улар ичкари киришди. Тахт ва унинг атрофи бўш. Улуғбек сахндаги кичик фаввора ёнида беш чоғли одамлар орасида туриб сўз айтаётган, давранинг ёши бўлмиш нависанда эса супага омонат ўтирганича нималарнидир қоғозга ёзар эди. Афтидан, давлатпаноҳ вазифасини ўташга киришмаган, унинг зар тўнсиз юриши ҳам бунга далолат эди. Мирзо Улуғбек қуллуқ қилиб турган Қамариддин билан Шамсибекка қараб қўйди-ю, кейин яна нависандага ўгирилди.

– Кўриб турганингиз у йигит Афлотуну замоннинг¹ набиралари, ҳазрат Шаҳриёрнинг қобилиятли шогирдлари Мирам Чалабий бўладилар, – деди Қамариддин шивирлаб. Шамсибек ниманидир сўрамоқчи бўлиб гапга оғиз жуфтлаган эди, Чалабийнинг сўзлари хаёлини тортди.

– Курраи арзнинг Шамс атрофида айланажагини айтаман, деб эдингиз. Бу ҳодисани қандай тафсир этмоқ керак?

– Курраи арз шамс атрофида айланадир, деб тафсир этсак, гўримизга яна ғишт қалашармикин? – Улуғбек шундай деб кулди. Унинг кимларни назарда тутганини англаб, бошқалар ҳам жилмайишди. Улуғбек бир неча нафас ўйланиб, Чалабийга юзланди: – қадим юнон ва кейинги насаро алломалари коинотнинг маркази курраи арз, деб тарихда хато баёнларни қолдиришган. Ўн сакиз минг оламни тўлиқ ҳикмати ила яратмиш Аллоҳ таоло Ўзининг кало-

¹ Мирзо Улуғбекнинг устозлари Қозизода Румийни шу сифат ила шарафлаганлар.

мида Шамснинг ўзи белгилаб берган йўналишда ҳаракатда эканини айтган бўлса-да, ақли қосирлар буни дуруст англамайдилар. Демакким, мундай деб тафсир этсак, у ақли ноқислар тушуниб етишмас, илм аҳли англаб етар. Алқисса, шундай деб ёзгайсен: «Парвардигори олам яратган курраи арз мураккаб самовий ҳаракатлар учун таянч бўлгулик қулай нуқта бўлолмасам ҳам, аҳли илм то ҳозирга қадар дунёнинг марказини шу деб билурлар...» Буларни хаттотларга элт. Оқшомга қадар оққа кўчирсинлар.

Улуғбек фармойишларини бериб бўлгач, атрофидагилар таъзим билан чиқдилар. Шундан сўнггина Шамсибек билан Қамариддин султон томон таъзим билан яқинлашишга журъат этдилар.

– Қайтганларингни шомда эшитиб эдим. Бугун хордиқ чиқариб, эрта келарсизлар, деган ўйда эдим. Сафар беҳатар ўтдимми? – деб сўради Улуғбек уларнинг саломига алиқ олгач.

– Аллоҳга беҳисоб шукр. Ўзининг паноҳида, сизнинг марҳаматингиз соясида эсон-осон бориб-қайтдик. Фарғона аёлотининг пурдил йигитлари навкарликни ихтиёр қилиб, бизлар билан бирга келдилар. Карвонсаройга қўниб, амрингизга махтал бўлиб турибдирлар. Аёлот подшоҳи сизга нома юбормишлар, – Қамариддин шундай деб пойгирни таъзим ила узатди. Улуғбек уни очиб, кўз югуртирди. Кейин Шамсибекка юзланди.

– Подшоҳ падари бузургворинг ва волидаи жаҳонингни паноҳига олажагини айтибди. Кўнглунг хотиржам бўлаверсин.

– Қуллуқ, шаҳриёрим.

– Қамариддин, йигитларга бошпана тайёрла. Маош тайинла. Токи менинг паноҳимда муҳтожлик сезишмагайлар. Жума куни майдонга чорлаяжакмиз.

– Ҳазрат шаҳриёрим, бир пурдил йигитимиз майдонга чиқа олмас, мажруҳ бўлиб қолгандир.

– Сабаб?

Шамсибек Ғанимурод воқеасини қисқа тарзда баён қилди. Улуғбек унинг сўзларини диққат билан эшитиб, қошларини чимирди.

– Бу хасталик яна қанча ғавғоларни бошлар экан? Бунинг шифоси борми экан? – деди Улуғбек тахт томон юрар экан.

Шамсибек Қамариддин билан кўз уриштириб олиб, сўнг сўрамоққа журъат этди:

– Қайси хасталикни айтасиз, олампаҳо?

– Мутаассибликни айтаман. Ўлат сингари тарқаб, раият тинчини бузаяпти.

– Фикри ожизимча, бу хасталик айни авж палласига кўтарилди, ортга қайтмоғи анча мушкулмикин?

– Ҳақ гап... Мулла Шамсибек, сен айтган усулга риоя қилиб дорулшафақа учун ер танламишлар. Меъмор ҳам саъй-ҳаракатини бошлабдур, бамаслаҳат иш юритилса, айни муддао бўлур. Аёлотларга хабар юборилмиш, қаерда тиб илмига иқтидори бўлган ҳаким бор экан, барчалари чорланур ва давлат ажнихига олинур. Бу ер шунчаки дорулшафақа эмас, боҳтардин то баҳоварга* қадарли донг таратгувчи дорулшифоия бўлсун. Бундаин савоб иш учун ганжина дариғ тутулмас. Ҳузуримга истаган вақтингда, қимтинмай кела беришинг мумкин.

Улуғбекнинг кейинги гапларини қайтиш учун жавоб деб англаб, таъзим бажо қилганларича, тисарилишди. Лекин Улуғбек уларни тўхтатди.

– Дарвоқе, мулла Шамсибек, – деди у, – келар оқшом сен донишмандлар суҳбатидан баҳраманд бўлмоғинг даркор, буни унутма.

Шамсибек «бундай суҳбатдан баҳрамандлик мен учун улуғ бир саодатдир», деган маънода қуллуқ қилиб, саройдан чиқди. Чилстун яқинида уни меъмор кутиб турган эди. Меъмор ихчам кўк салла ўраган, калта соқолли, ўрта бўйли киши эди. Шамсибек саломлашгач, «кўзим йўлингизда эди», деб изоҳ берди. У сал дудуқланиб гапирар, тили

хам чучукроқ эди. Талаффузига қараганда у самарқандлик эмасди. Шамсибек унинг талаффузига диққат қилса ҳам, қайси музофотдан эканини аниқлай олмади, сўрашдан эса тийилди. Зотан, буни аниқлашга ҳеч бир ҳожат йўқ эди. Меъмор ўзини «уста Хидир» деб таништирди.

– Жой қаердан танланди? – деб сўради Шамсибек.

– Осиб қўйилган гўштлар дастлаб шахристон ичкарисида бузилди. Энг сўнггиси шу ерда айниди. Шахриёр хийла этакроққа, Обираҳмат пойига қуришни амр этдилар. Худди расадхона сингари уч ошъёнлик қилиб тикламоқ ниятимиз бордир.

– Уч ошъёнлик дедингизми? Нечун бундай?

– Сабабики, у ҳам расадхона сингари савлат тўкиб турсин, шахристон чиройини очсун. Кўрганлар ҳайрат ила ёқа ушласунлар.

– Уста Хидир, сўраганимни айбга буюрмайсиз: бинони тикламоқдин мақсад недур?

– Сўровингиз ажабтур: буни мендин кўра жанобингиз дурустроқ билар? «Дорулшафақа» деб айтдилар менга. Шундайми?

– Айни шундай: бунга фуқаро хайратдан ёқа ушламоқ учун эмас, шифо умидида келадир. Меъморчилик илмига укувим бўлмаса-да, бинонинг бир ошъёнлик бўлмоғи маъқул кўринадир.

– Уч ошъёнликда қандай қусур кўрмоқдасиз?

– Дорулшафақанинг бир ошъёнлик бўлмоғи хасталар учун ҳам, ҳакимлар учун ҳам айни муддаодир. Шунинг баробаринда атроф кенг боғ бўлмоғи ҳам зарурдир. Дарахтлар гўёки шамсия бўлиб қуёшнинг ўтли нафасидан асрайди. Уч ошъёнликда хасталар иссиқ кунлари яна бир қадар азобланурлар. Улар учун тепага чиқиб-тушмоқлик ҳам малолдир.

– Бир ошъёнлик бино ажиж-мажиж кунлари хасталарни қийнаб қўйса-чи? Совуқнинг ҳам тепадан, ҳам остдан, ҳам теразалардан кирмоғи бор. Уч ошъёнлик бинонинг

ўрта ошъёнида бирмунча исик бўладир. Совуқ фақат те-
разадан кирмоғи мумкин.

– Доно фикр, бироқ, ажиж-мажиж кунлари қисқа,
иссиқ кунлар эса узундир.

– Бу хусусда ўйлаб, мулоҳаза қилмоғимиз жоиз экан.

– Ҳақимлар хасталар ётатургон хоналарнинг кенг ва
шифти баланд бўлмоғин афзал биладилар. Токи хасталар
тоза ҳавога мухтож бўлмасинлар.

– Фикрингиз ўринлидир, тақсир. Расадхонага ҳеч йў-
лингиз тушганми?

– Фақат ташқари салобатини кўрдим холос, ичкари
кириш бахти ҳали-ҳануз насиб этмади.

– Шу топда фурсатингиз бўлса, кўрсатар эдим. Кейин
бамаслаҳат иш бошлар эрдик.

Бу фикр Шамсибекка маъқул келиб, улар боғнинг
юқори томонига, савлат тўкиб турган уч ошъёнлиқ тега-
рак иморат сари юрдилар. Мармар зиналардан кўтари-
лар эканлар, меъмор фахр билан: «Бино Қиёматда тоғлар
сайр қилгунига қадар йиқилишу нурашлардан омон
бўлгай», деди. То ичкарига киргунларича у расадхонанинг
афзалликларини гапириб борди. У «иморат давлат асоси-
дек пойдор, пойдевори эса салтанат қоидасидек устивор
қилиб мустаҳкамланган», деганида Шамсибек жилмайиб
қўйди. У бу сўзларни жаннатмонанд шахристон сари йўл
олганида қайнотасидан ҳам эшитган эди.

Расадхонанинг юқори қисмига айланма зиналардан
чиқдилар. Ҳар ошъёнда ўнлаб хужралар, ўртада эса издиҳом
аҳли учун кенг хоналар барпо этилган эди. Тўққиз фалакнинг
ҳайъатию тўққиз осмон шакллари – даражалар, дақиқалар,
сониялардан тортиб, то ошираларгача шу деворларда акс
эттирилган эди. Юқори ошъён деворларида эса айланувчи
фалаклар, саббаи сайёр, собита юлдузлар билан курраи арз
ҳайъатию, иқлимлар суратигача дилназир нақшлару беназ-
ир рақамлар билан чизилган эди. Хоналардаги илми нужум-
га оид асбобларни Шамсибек илк бор кўриши эди. Шу боис

меъмор «Бу зот ул-самт, буниси зот ул-суқбатайн, наригиси зот ул-хадифа, анавиниси зот ул-халқа, бу эса зот ул-шуъбатайн», деб изоҳ берса-да, ҳеч нарсага тушунмади. Унинг диққатини хитойи хон устида турган китоб тортди: «Китоб фи жавомеъ илм ан-нужум ва усул ал-ҳаракат ас-самовия». Бундан олти юз йил муқаддам ал Фарғоний томонидан битилмиш юлдузлар ҳақидаги илм билан осмон ёритгичлари ҳаракатининг асосини бир-бирига қўшувчи бу китоб таърифни қайнотасидан эшитган эди.

– Бул каби китобларни ҳазрат шаҳриёр ўсмир ёшларидаёқ хатм қилганлар. Соҳибқирони акбар кутубхоналарини янада бойитиб, китоблар сонини юз элик мингдан оширмишлар, – деди меъмор.

– Расадхона қуриш режаси шу китоблар мутолааси вақтида туғилмиш эрканда?

– Қисман шундай. Носириддин Тусий ҳазратларининг «Зижи жадиди элхоний» китобларидан хўб таъсирланмиш эрканлар. Расадхона қуриш истаги Марофага борган онларида уйғонгандир, дейдилар. Каминага бул воқеани Мирам Чалабий сўзладилар, унга батлимису замон ҳикоя қилиб эрканлар. Қизиқар бўлсангиз, сизга ҳам баён этмоғим мумкин.

– Мени бағоят хушнуд этган бўлур эдингиз.

– Чағоту наҳрининг Урмия кўлига қуйилмиш ерига жойлашган Марофа шаҳри қадимда Озарбайжоннинг бошкенти эркан. Шаҳарнинг бир томонин баланд тоғ ўрамиш эркан. Ҳазрати Соҳибқирони акбар бир куни Сароймулкхоним ҳазрати олияларига дебдиларким:

– Марофа кўп баҳаво жойдур. Кўп қадим подшоҳлар қишни унда ўтказишни маъқул кўрмишлар. Шаҳзодалар билан биргаликда сиз ҳам наврўз айёмига қадар ўша ерда бўлингиз.

– Бош устига олампаноҳ, – дебдилар ҳазрати олиялари, – Табризга келганимиздан бери Улуғжон ул кўҳна шаҳарни кўрайлик, деб қистайдир.

– Биламан, – дебдилар Соҳибқирони акбар, – менга ҳам айтибдир, Хулакухон қурдирган расадхонани кўрмоқ истаги тинчини олмишдир. Борсин, кўрсин.

Ҳазрати соҳибқирон Ширвон ва Гуржистон сафарига бораётиб қартайиб қолган қиссахонни Мароғада қолдириб кетмиш эрканлар. Мароғага келгач, Сароймулкхоним ҳазрати олиялари унга дебдиларким: «Бул шаҳарда осори-атиқалар кўп эрмиш, Ҳамза ила Улуғжонни томошо қилдириб келингиз». «Амрингиз айни муддаодир, бегимпошша, Улуғжоннинг ўзлари ҳам кечадан бери қистаб, ҳоли жонимга қўймайдирлар», деб ул қиссахон шаҳзодани кўл томон бошлабдилар. Баланд бир тепаликка чиққонларида доира шаклинда қурилмиш бир бино харобаларига кўзлари тушмишдир. Қиссахон тушунтириш бермаса-да, Улуғбек мирзо бу харобалар ўрнида бундан икки юз йил муқаддам расадхона бўлгонин ўқимиш китоблари орқали билардилар. Бунда юздан ортиқ мунажжим собита юлдузлар ва ўзга осмон ёритгичларининг ҳолат ва ҳаракатларин кузатганлариндан, бунда ўн нафар мукаммал танжим асбоблари бўлганидан ҳам хабардор эрканлар. Бул асбоблар йигирма минг динор эвазига сотиб олингани ҳам ул зотга маълум эркан. Расадхонада бой кутубхона бўлгани, ундаги махтутотларнинг кўпи Бағдод ва Аламутдан келтирилганин Кўксаройдаги китоблар билан танишар чоқларида билган эрканлар. Ҳатто бундаги мунажжимлар орасинда чин-мочинликлар ҳам бўлғони, алар эронлик ва туронлик мунажжимларга чинийлар тақвимиини тузишда ҳамнафаслик қилғонликларин ҳам билганлар. Ҳазрати шахриёр бул харобаларни кўрган онларида кўзларида ёш ҳалқаланмиш эркан. Расадхона қурилмасидан илгари Носириддин Тусий ҳазратнинг йигирма йил давомида зиндонда азоб чекканларини билганларида ҳам шу ҳолга тушган эрканлар. Аълоҳазрат, Тангри таоло анинг давлати ва салтанатини улуғласун, қиссахондан сўрабдиларки: «Шундай олам мўъжизаси не учун бул аҳволга тушмишдир?» Қиссахон дебдиларки:

– «Нузхат ул-қулуб» китобининг муаллифи Ҳамдуллоҳ Қазнавий ҳижрийнинг етти юз қирқинчи йили бул жойни бориб кўрган онларида расадхона вайроналикка юз тутмиш эркан. Ушбуга Султон Абу Саидхон фавт бўлғонидин сўнг эл-юртда бошланмиш ўзаро нифоқлар сабаб бўлғондир. Ёинки... зилзилалар оқибатидир, валлоҳи аълам.

– Зилзила вайрон этганига гумоним бордир, – дебдилар ҳазрати шаҳриёр. – Битта расадхона нима экан, бутун миллатни вайрон қила оладир бул ўзаро нифоқ.

Меъмор баёнини ниҳоясига етказиб, «қандай таъсир этди экан?» деган маънода суҳбатдошига қаради. Шамсибек бир оз ўйга толиб тургач, унга қараб дедик:

– Нафсиламр айтилар бўлса, ҳазрат шаҳриёрнинг бул гаплари тўлиқ ҳикматга йўғрилгандир. Иттифоқ йўқ эркан, миллат хорланур.

Меъмор бош ирғаб, бу фикрни тасдиқлагач, расадхона хусусиндаги гапини давом этди:

– Аълоҳазрат Мароға расадхонасининг харобасини кўрганлар холос. Лекин китобларда ўқиганлари бўйича тарҳини фаразан тиклай олганлар. Аҳли илм дейдики, Самарқандда тикланмиш бул расадхона барча жиҳатлари бирлан аш-Шаммосиядаги, Касиюндаги, ҳаттоки Мароғадагисидан кам эмасдир.

Меъмор фахр ила шундай деб Шамсибекни айвон томон бошлади. Айвонга чиқаверишдаги бир сурат Шамсибекнинг хаёлини олди. Фалак ва курраи арз тасвирлари билан банд бўлган расадхона деворлари ичида бу суратнинг чиқиши уни хайратда қолдирди. Расмда жанг майдони, шаҳидлар ва мажруҳлар тасвирланган эди. Олдинда мажруҳланган шоҳона кийимли кимса. Унинг ёнида яна бир шоҳона кийимли одам.

Меъмор Шамсибекнинг хайратини фаҳмлаб, изоҳ берди:

– Бу тасвир ҳазрат соҳибқирони акбарнинг улуғ зафарларидан бирига ёдгорлик бўлиб турсун, деб шаҳриёрнинг фармонларига кўра туширилмишдир. Соҳибқироннинг

Юраги ёрилиб ўлди. Кейин сен аскарларинг билан келдинг. Дашноқларни қув, дедим. Сен бекларга қарши от сурдинг...

— Эслатманг у дамни. Адашганман. Мен ҳам Худонинг бир гуноҳкор бандасиман. Армон билан топшираяпман омонатимни. Жонимнинг қийналиши ҳам шундандир.

— Сен хун олмадинг.

— Ололмадим...

— Энди ким олади? Руҳимиз чирқираб қолаверадими?

— ...

— Гапир.

— Мени қийнаманг.

Шу пайт Оқсоқол ёнида Комиссар пайдо бўлди. Қўлида чегаланган косада заъфарон сув.

— Комиссар, келганингиз яхши бўлди. Ичим ёняпти. Юрагимдаги армонларим чўққа айланганга ўхшайди. Сувни менга олиб келдингизми, раҳмат.

— Сув сизга, аммо битта шартим бор: Худо йўқ, деб айтинг, пайғамбар алдоқчи, деб айтинг.

— Комиссар, қўйинг бу гапларни. Мен ҳеч қачон бундай демаганман.

— Демаган бўлсангиз, энди айтинг. Сувни ичинг. Ташналикни босинг. Ором олинг. Сувни ичсангиз қўзингиз очилади, шифо топасиз.

— Болам, бу шайтоннинг гапига кирма, — деди Оқсоқол.

Комиссар уни нари итарди. Талабини яна қайтарди. Шу дамда Қизил командир Раҳматуллоҳнинг овозини эшитди, аниқ эшитди:

— Ла илаҳа иллоллоҳ...

Раҳматуллоҳнинг овози эшитилиши билан Комиссар ғойиб бўлди.

«Сув» деди Қизил командир.

Унинг овозини ёнидагилар эшитмади. Биттагина ёмғир томчиси лабига тушиб, жони роҳатланди. Чуқур-чуқур нафас олди-да, жимиб қолди. Бурун катаклари керилди. Чангак бўлиб турган оёқларини узатди. Раҳматуллоҳ

сурилиб, Мирҳосил билан жой алмашди-да, Қизил командирга яқинлашди. Унинг нафас олиши яна тезлашди, кейин бирдан сусая бошлади. Раҳматуллоҳ кафтини унинг жағига қўйиб, дона-дона қилиб калима келтира бошлади. Қизил командир кўзларини очиб, ниманидир қидириб олазарак бўлди. Раҳматуллоҳни кўриб, жилмайди. Шу алпозда кўз қорачиғи ҳам қотди. Нафаси ҳам ўчди. Раҳматуллоҳ бир кафти билан унинг жағини ушлаганича иккинчи кафти билан очиқ кўзларини юмди.

Мирҳосил ич қўйлагини йиртди. Марҳумнинг жағини, тиззаларини боғлаб қўйишди. Қизил командирнинг устидаги калта тўнни ечиб, юзига ёпишди. Комиссар қунишиб ўтирганича уларнинг ишига аралашмади. Раҳматуллоҳ деворни тирнаб жасаднинг устига тупроқ тўкмоқчи бўлди. Бир неча марта таталагандан сўнг тирноқлари орасидан қон чиқди. Сонидан оқаётган қон ҳолдан кетказди. Пичирлаб «Таборақ»ни ўқий бошлади. Сўнгги оятларни ўқиётганида тепада шохдор буғунинг қораси кўринди. Раҳматуллоҳ дуо қилаётганида у ўқирди. Раҳматуллоҳ бошини кўтариб, тепага қаради. Қулоғига муаззиннинг ширали овози урилди — «Аллоҳу акбар!» Раҳматуллоҳ овоз чиқариб тасбеҳ айтди. Буғу яна чўзиб-чўзиб ўқирди. Раҳматуллоҳ қулоғига муаззин тасбеҳ айтгандай бўлди.

Буғу пастга тушишга интилгандай типирчилаб, ўра атрофида айлана бошлади.

— Тушмоқчига ўхшайди, — деди Комиссар унинг ҳаракатини кузатиб. — Тушса, ҳаммамизни босиб ўлдиради.

Буғу ҳам шуни ўйлабми, пастга тушишга ҳаракат қилмади. Олд оёқларини букиб ўра лабига чўккалади-да, бошини эгди. Раҳматуллоҳ ҳам, Мирҳосил ҳам кўп қон йўқотганлари сабабли ўринларидан қимирлашга мажоллари йўқ эди. Комиссар ўра деворига суянганича ўрнидан турди. Тепага қўлини чўзди. Қўли буғунинг шохига етай-етай деди. Ярим қадам ёнга сурилса, мурда устига оёқ қўйса етади. Шуни хаёл қилган дамда, Мирҳосил унинг мақсадини англаб қолиб, сурилди.

— Комиссар, елкамга қўйинг оёғингизни.

Мулозимат учун фурсат йўқ эди. Комиссар соғ оёғини йигитнинг елкасига қўйиб кўтарилди-да, буғунинг шоҳини маҳкам чангаллади. Буғу бошини осонлик билан кўтариб, уни ўрадан тортиб олди. Кейин яна чўккалаб бошини эгди.

— Эй жонивор, бизни чиқара олмайсан, — деди Мирҳосил унга қараб. — Тақсир билан қисматимиз бир экан. «Мангу тутқунликка кирдимиз ўлка, хаёлда порлаган шамларми сўнди?» Агар гапимизга тушунаётган бўлсанг, Комиссарни камоқхонага элтиб қўй. У бизни сотди.

— Сотганим йўқ! — деб бақирди Комиссар ўтирган ерида.

— Сотдингиз, Комиссар, ўлаётган дамда тўғри гапни айтиб қолай. Сиз узоқ умр кўришингиз керак. То ўлгунингизча шу ўрани эслайсиз. Эслаб қийналасиз. Мен узоқ умр кўришингизни истайман. Буғужон, унинг ҳаётини асра, ўлмасин...

Буғу унинг гапларига тушунгандай бўлди. Қаддини тиклаб, Комиссарга яқинлашди-да, бошини эгди. Комиссар аввалига унинг ҳаракатига тушунмади. Кейин шоҳига осилди. Буғу аста юра бошлади. Комиссар эртақлардагина содир бўлгучи бу кутилмаган ҳодисадан хурсанд эди. Судралаётган оёғида оғриқ турса ҳам кўнгли ёришиб борар эди. У ўлмай қолганига чиппа-чин ишонди. Буғу тўхтамасдан юрди. Комиссарнинг қўллари толди, аммо чидади. Анча йўл босиб ўтилгач, буғу тўхтаб, Комиссар ўзини ўра оғзида кўрди. «Шу жойга айлантриб олиб келдимиз яна?» деб ўйлаб, шошилганича пастга қаради ва... ҳаракатсиз ётган Бошлиқ билан Ёрдамчини кўрди-ю, қўрқувдан юраги кинидан чиқиб кетаёзди. Судралиб нари кетмоқчи эди, улгурмади. Буғу шоҳи билан суриб уни ўрага қулатди-да, чўзиб-чўзиб ўкириб қўйди.

Комиссар назарида ўрага қуламади, балки юмшоқ гилам устига юмалади, бу гилам уни осмонга кўтариб, сузиб

кетди. Анчагача сархуш кезди. Сўнг бир таниш овозни эшитди:

— Сени ўлдирган одам тўғри жаннатга тушади!

Кимники эди бу овоз? Ҳа... Бой отанинг кенжа ўғлиники... Мулклари мусодара этилгач, уч кундан кейин «Отам чақиряптилар», деб келганди. «Бормайман, — деган эди Комиссар. — Бойлар билан гаплашадиган гапим йўқ». «Отам қон сийиб ётибдилар. Сизга айтар гаплари бор экан». «Биламан нима дейишини отангнинг. Мени ўқитиш учун пул берганини пеш қилади-да. Тағин ҳам осон қутулдиларинг. Бойларнинг куни битган, отангга айтиб қўй».

Бойнинг ўғли бу гапга чидай олмасдан унга ташланган эди. Тўппончаси ёнида бўлмаганида Комиссарни бу хирсдай йигит бўғиб ўлдириши мумкин эди. Осмонга қараб бир ўқ узганида йигит қочди. Қоча туриб айтган эди бу гапини.

Орадан ярим соат ўтмай эшиклари олдида арава тўхтади.

— Бой отамнинг ўзлари келибдилар, — деди Комиссарнинг онаси. — Жон болам, уларнинг тузини тотганмиз, отанг ўлганларида кафанликни ҳам Бой отам берганлар. Туз ҳаққи бу кишига қаттиқ гап айтма, ранжитма, жон болам...

Кўча эшиги қия очилиб, Бой отанинг тўнғич ўғли кўринди.

— Ҳеч бўлмаса шу остонага келарсан? — деди у дағал овозда.

Комиссар онасининг зўри билан остонага қадар борди. Бой ота ҳолдан тойган бўлишига қарамай, тирсагига тиралиб, қаддини сал кўтарди.

— Болам, мен сендан бир нима талаб қилиб келмадим. Сендан сўрайдиганим битта — рози бўлгин. Эсингдами, қиморда ютқазиб пул сўраганигда юзингга бир тарсаки урган эдим. Ҳаққим йўқ эди уришга. Шунга рози бўлгин, болам. Айт, рози бўлдингми?

...Анча йил бурун бўлган эди бу воқеа. Бой ота чиндан ҳам тарсаки туширган эди. Аммо қарзни тўлаб, сўнг уни ўқишга жойлаб қўйганди...

Комиссарнинг онаси қулоғи остида шивирлади:

— Розиман, дегин, болам.

Комиссар индамади.

— Бой ота, болам мингдан минг рози, ҳаммамиз розимиз. Сиз ҳам...

— Ўз оғзи билан айтсин.

Комиссар индамади. Бой ота бошини ёстиққа қўйди...

Комиссар шуларни эслади-ю, кўз ўнгида Бой ота гавдаланди. Уни сўнгги марта бемор ҳолида, арава устида тирсагига суянган ҳолда кўрган эди. Ҳозир тоза кийимлар кийган, хушрўй ҳолда кўрди.

— Бой ота, мен ўшанда мажбур эдим, — деди Комиссар. Бой ота жилмайиб қўйди-ю, индамади.

— Мен сиздан рози бўлганман. Сиз ҳам рози бўлинг...

Бой ота яна индамади...

Комиссар кўзларини очди. Ўра оғзида булутли осмоннинг бир парчасигина кўриниб турарди. Буғу кўринмас, унинг овози ҳам эшитилмай қолган эди.

Ўрнидан кўзғолмоқчи эди, белида қаттиқ оғриқ туриб, бақриб юборди. «Нима бало, белим синибдими? — деб ўйлади. — Бир оз дам олай, кейин чиқишга уриниб кўраман. Мана буларни устма-уст қўйсам, чиқиб кетаман. Бу ўра пастроққа ўхшайди... Булар тирикми ё ўликми?..»

Дам ўтмай улар ҳам қимирлашди. Аввал Ёрдамчи, сўнг Бошлиқ кўзларини очди.

— Сенмисан? — деб ажабланди Бошлиқ ёрдамчисини кўриб. Сўнг Комиссарга ажабланиб қаради: — Бу қаердан келиб қолди?

— хайронман, бошқа ўрада эди.

Бошлиқ елкасини ўра деворига тираб турмоқчи бўлди. Аммо кўкрагида кучли оғриқ туриб яна йиқилди.

— Сен анави маразнинг устига чиқ, — деди Бошлиқ ёрдамчисига.

Ёрдамчи у айтгандай қилди. Бошлиқ тишини тишига қўйиб, оғриққа чидаб, чап оёғини Комиссарнинг юзига, ўнг тиззасини Ёрдамчининг елкасига қўйиб кўтарилмоқчи бўлди. Бироқ, қаддини кўтара олмади. Иккинчи марта уринишда оғзидан қон келди.

— Тамом, — деди Ёрдамчи. — Чиқ, устига.

Комиссар судралиб Бошлиқнинг жасади устига чиқди. Ёрдамчи ўрnidан туришга уринди. Уддалай олмади. Бир неча дақиқадан сўнг у ҳам жон бериб азоблардан қутулди. Комиссар уларни устма-уст қўйишга ҳаракат қилди-ю, уддалай олмади. Тобора ҳолдан кетаверди...

13

Буғу Раҳматуллоҳ билан Мирҳосил тушиб қолган ўра тепасига бир неча марта келди. Атрофни айланди. Бошини эгди. Ночорликдан эзилгандай тўхтовсиз ўкирди.

Пастдагилар бу жониворнинг сиридан беҳабар, бу жумбоқни ечишга ҳаракат ҳам қила олмас эдилар. Буғу учинчи марта келганида юқорига қарашга мажоллари етмади. Мирҳосил кўз ўнгида устози гавдаланди, уни бағрига маҳкам босиб «Кўришамиз деган эдим-ку, мана, кўришдик. Сенинг кўрганларинг бир туш эди... Бир туш эди...», дейди.

Раҳматуллоҳ эса хаёлан Каъбатуллоҳ атрофида зикру тасбеҳ айтиб юрарди. Маккаи мукарраманинг илиқ ҳавоси танасидаги музни ҳайдаб чиқариб, баданига ҳарорат берар эди. Муаззин овози эшитилди. «Аллоҳга шукр, субҳга етдик», деб ўйлади Раҳматуллоҳ. Шу ўй фикрини ёритдию жони узилди...

Буғу ўра лабида узоқ вақт қимир этмай турди. Сўнг шохлари билан лой тирнаб, ўрани кўма бошлади. Кейин Комиссар ётган ўрага бориб уни ҳам кўмиб ташлади.

Соқчибоши раҳбарлигидаги аскарлар эртасига кўрқаписа ўрмонга чиқдилар. Узоқ қидиришга юраклари бетламай орқаларига қайтдилар.

Шу воқеадан сўнг буғу қамоқхона соқчиларини безовта қилмай қўйди.

ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛДАН СЎНГ...

Бу ёруғ оламда тасодиф ила юз бергучи воқеалар кўп. Баъзан етти ухлаб бир тушда кўрмайдиган, ўз кўзингиз билан кўриб ҳам ишонгингиз келмайдиган ҳодисаларнинг гувоҳи бўласиз. Энди баён этилгучи воқеа ҳам шулар сира-сидан.

Ўқ ўтмас буғу шохи билан ер тирнаб, тутқун ҳолида жон берганларни дафн этганидан кейин олам неча бор турланди. Раҳматуллоҳ ётган ердан майсалар униб чиқди. Ўрмонзорда дайдиб юривчи буғу баъзи-баъзида бу ерга келиб, узоқ вақт маъюс кўринишда турар эди. Сўнг Бошлиқ ётган ерга бориб униб чиқмоқ илинжидаги майсаларни депсиб ташларди. Бу ҳол йиллар оша такрор бўлаверди. Шу тарзда орадан ўттиз беш йил ўтди. Буғу энди узоқларга кета олмайдиган бўлиб қолди. Унинг ўқириғи ҳам ўрмонни ларзага соладиган даражада эмасди. Буғунинг узоқларга кета олмаётгани фақат умр шоми яқинлашаётганидан эмас, балки бу атрофда одамларнинг кўпайиб қолгани, наъра тортиб ишловчи техниканинг ўрмон сукунاتини бузиши ҳам сабаб бўлаётган эди. Ўрмоннинг қоқ белидан темир йўл ўтиши лозимлиги, бу қурилиш “БAM” деб юритилиши, бу қурилишга Раҳматуллоҳнинг ота юртидан ҳам одамлар келгани, шубҳасиз, буғу учун номаълум эди.

Йигирма йилнинг нарёғида, қамоқхона бошқа ерга кўчирилгач, унинг ўрни харобазорга айланган эди. Қурилиш бошланиб, қолган-қутган бинолар таъмир этилди, идорага, ётоқхонага айлантирилди ва пештоқига «Штаб» деб ёзиб қўйилди. Бу ер гарчи «Комсомол зарбдор қурилиши»

деган номда зикр этилса ҳам, аслида унда оғир жазоси енгиллаштирилиб, мажбурий меҳнатга ҳукм қилинган жиноятчилар тер тўкишарди.

Уч кун эзиб ёққан ёмғир тунда тиниб, эрталабга яқин булут чоклари сўкилди. Ола чалпоқ булутлар орасидан қуёш кўринганда «Штаб» ҳали уйқуда эди. Икки кун бурун марказдан келган Вакил кўнгил хуморини ёзиш мақсадида бу ерда туни билан муҳим тадбир ўтказган эди. Оқшомда бошланган мажлис зарбдор қурилишда комсомолларнинг вазифаларини муҳокама қилиб олгач, зиёфат бошланган, сўнг сархуш Вакил истаги билан қарта ўйинига ўтиришган эди. Ўн тийиндан тикиб бошланган ўйин авжига минди. Қурилишнинг катта-кичик етакчилари қиморга уқувсиз эдиларми, ҳар ҳолда икки-уч мингдан ютқазиб, мўътабар меҳмон олдида «уялиб» қолишди. Ютуқ туғёнга келтирдими ё ичилган ароқ миқдори меъёрдан ошдими, Вакил уста қиморбоз эканига ўзи ҳам ишониб, «Лагернинг зўрини олиб келасан», деб туриб олди. Узун бўйли, қомати келишган, сочлари орқага таралган, кўзлари кибр билан боқувчи Вакилнинг истаги мезбон — комсомол зарбдор қурилиш отрядининг комиссари учун амри вожиб эди. Мезбон ҳам, меҳмон ҳам шу баҳорда ўттиз бешга тўлган эдилар. Шунданми, юриш-туришда ҳам, гап-сўзда ҳам, хурмача қилиқда ҳам бир-бирларига ўхшаб кетардилар. Комиссар Вакилнинг истаги яхшилик билан тугамаслигини билиб, у айтгандай «зўр»ни эмас, зўрлар орасидаги Дастёрни чақиртириб келди. Дастёр Вакилни ярим соатдаёқ шилиб олиши мумкин эди. Комиссарнинг имо-ишораларига итоат этиб, ўйинни тонготарга қадар чўзди. Сўнг «Бу ўйин ҳазил эди», деб ютганларини ташлаб чиқиб кетди.

Ана шу мароқли тундан сўнг Вакил ҳам, Комиссар ҳам ҳордиқ чиқаришарди. «Зарбдор қурувчилар» но-нушта қилиб, иш-ишларига тарқашганида ҳам «Штаб» уйғонмаган эди.

Комиссар пешинга яқин ланж ҳолда турди. Қабулхонасига чиқиб керишди. Эти жунжикиб, қўлларини бир-бирига ишқади. Шундагина эшик ёнида мўъминлик билан турган йигитга кўзи тушди.

— Ҳа, келдингми? — деди менсимаган тарзда.

Йигит салом берди-ю, унга яқинлашишга журъат этмади.

— Кеч қолдингми? Энди нима қиламиз?

Йигит бўйнини қисиб, қалин қоғоз қутиларга қаради.

— Нима бу?

— Ноз-неъматлар...

— Ўзинг келдингми?

— Акам бирга келдилар.

— Акангми? Аканг нима иш қилади?

— Айтувдим-ку... базада...

— Чақир акангни...

Йигитнинг акаси эшик орқасида турган эди, бир зумда Комиссар рўпарасида пайдо бўлди. У укасига ўхшаб ийманиб турмасдан, чаққон келиб Комиссар билан қўшқўллаб сўрашди.

— Уканг беш кун кечикиб келди. Бунинг учун нима бўлишини биласанми? Яна беш йил қўшиб беришса БАМ бит-гунча шу ерда моғорлаб юраверади, — Комиссар шундай деб оғзини баралла очиб эснаб, керишди.

Беш йил қўшиб берилиши ҳақида беписандлик билан айтилган гапни эшитган Йигит ҳам, унинг акаси ҳам чўчиб кетишди.

— Ҳазил қилманг, акахон, — деди Ака жилмайишга ҳаракат қилиб.

— Ҳазил онангнинг уйида бўлади. Бу ер давлатнинг идораси.

— Беш куннинг бир иложини топса бўлар, гуноҳни ювармиз. Акахон, ҳар ҳолда ошна-оғайниларимиз қараб туришгани йўқ.

— Сен чиқиб тур, — деди Комиссар Йигитга. Йигит буйруқни бажаргач, Акага қаради. — Гуноҳни ддатинг қисқаради. Бор, ишингни қилавер.

— Комиссар,— деди Вакил ётган ерида керишиб.— Ўзбекистонда бўлганимда менга кабоб маъқул келган эди. Икки кундан бери кутаман, кабобнинг иси чиқмаяпти. Нима, меҳмондўстликни унутиб қўйдингларми?

— Кабобни сайлга мўлжаллаб қўювдим. Ҳозир овга жўнаймиз. Йигитлар жой тайёрлаб кутишяпти. Шу атрофда буғу кўринган экан. Очiq ҳавода буғу гўштидан кабоб ейишга нима етсин, а?

Вакил мамнун жилмайди.

— Кечаги зўрни ҳам чақир. Кайфда мени алдади. Бугун бир бурнини ерга ишқай.

— Бугун ўзимиз ўтирайлик. Йигитлар суҳбатингизни соғинишган.

Вакил бу таклифга ноилож кўнди.

Улар тушган «Вездеход» кичикроқ бир яланглик ёнида тўхтади. Ялангликка гиламлар тўшалган, ўртада тўкин дастурхон меҳмонга мунтазир эди. Улар овдан олдин қизишиб олмоқни маъқул кўришди. «Қизишиб олиш» маросими мўлжалдагидан кўпроқ чўзилди. Вакил ширакайф бўлиб, ёнбошлаб олди. Комиссар хизматда бўлди. Бошқалар «Вездеход» панасида давра қуришди. Буғу гўшти насия бўлгани учун штабда зираланган гўштан кабоб қилишди.

— Урушдан илгари бобом шу ерларда хизмат қилган экан, — деди Вакил. — Аксилинқилобчилар ўқидан ҳалок бўлган экан.

— Қабрларини зиёрат қилдингизми? — деб сўради Комиссар.

— Қабрлари йўқ... Отишмадан сўнг жасадларини топиша олмаган экан. Ҳа, айтмоқчи, биз сен билан ҳамюртмиз, десам ҳам бўлади. Бобом юртингни босмачи ғаламислардан тозалашда қон тўккан.

— Шунинг учун ҳам биз сизни яхши кўраимиз-да. Ўзбекистон — сизнинг уйингиз. Қачон борсангиз, юрагимиз

шодликка тўлиб кутиб оламиз. Мана, қаранг, сиз келдингизу бу ерларда ҳам офтоб чарақлаб кетди. Яхши одамнинг набираси эканингизни Қуёш ҳам тасдиқлади.

Улар ўтган яхши одам учун ичишди.

Сўнг Комиссар тилга кирди:

— Мени бу ишга таклиф қилишганида, нима учун йўқ демаганимни биласизми? — У Вакилдан жавоб кутмай, давом этди: — Кўпчилик кўнмади. Мен учун эса бу ерлар қадрли. Менинг бобом ҳам шу ерларда ҳалок бўлган эканлар. Бобом фуқаро урушида комиссар бўлганлар. Менинг лавозимим ҳам комиссарлик...

— Биз ота-боболаримиз ишининг давомчиларимиз, — деди Вакил кўтаринки оҳангда.

Оталар ишини давом эттириш учун ичдилар.

— Сизнинг ўғлингиз бор экан, — деди Комиссар жўшиб. — Менинг қизим бор. Биз куда бўлишимиз мумкин. Ўғлингизни Ўзбекистонга олиб келасиз. Қизимнинг қулоғини тишлаб қўйсин. Бизда шундай удум бор.

— Унгача мен сенинг қулоғингдан тишлаб қўя қолай, — деб ҳазил қилди Вакил.

Ҳазилдан завқланиб, ўпишдилар.

Куда-андачилик учун ичмоқчи бўлишганида коржомадаги бир йигит уларга яқинлашди.

— Комиссар, қирқ иккинчи объектни қазийганимизда одам суяклари чиқди.

Йигитнинг гапи Комиссарнинг гашини келтирди.

— Чиқса нима бўпти, бир чеккага суриб ташла.

— Бир буғу пайдо бўлиб қолди. Ҳеч кимни йўлатмаяпти.

Буғу пайдо бўлиб қолганини эшитиб, улар бу ерга ов баҳонасида чиққанларини эслашди.

— Ўлжа ўз оёғи билан келибди-ку, кетдикми? — деди Комиссар Вакилга қараб.

Ширакайф Вакил ўрнидан турди-да:

— Буғу овлаш жону дилим, — деб ғудранди.

Экскаватор олдида уч киши турарди. Одам суяклари сочилиб ётган чуқурча лабида бошини эгиб олган буғу худ-

ди тош қотгандек эди. Комиссар шошиб милтиқни ўқлади-да, «Аввал сиз отинг», деб Вакилга мулозимат қилди. Вакил милтиғини шошилмай ўқлади, шошилмай нишонга олди. Тепкини босди. Биринчи ўқдан буғу қилт этмади. Вакил иккинчи тепкини ҳам босди. Буғу яна қимирламади. Вакил «Наҳот тегмади?» деган савол назари билан шерикларига қаради. Шошилганича милтиқни қайта ўқлаб яна тепкини босди. Буғу бошини кўтариб, ўкирди. Комиссар ҳам уни нишонга олиб ўқ узди. Буғунинг танасида жароҳат изи сезилмади. Ишчилар бу ҳолдан ажабланиб, экскаватор ортига чекиндилар. Буғу ҳам орқасига тисарилди. Кейин ҳеч кутилмаганда Комиссар сари сапчиди. Икки-уч сакрашда унинг рўпарасида пайдо бўлди. Аввал Комиссарни, сўнг Вакилни шохига илиб улоқтирди-да, дарахтлар орасига кириб ғойиб бўлди. Ишчилар Комиссар билан Вакилни суяб турғазиб, «Вездеход»га олиб борамиз деб туришганида буғу яна пайдо бўлди. У суяклар сочилиб ётган чуқурлик олдида бир оз турди. Кейин кутилмаганда ёнбошига шарт қулади. «Ўқ теккан экан-ку? — деб ўйлади Комиссар. — Унда нимага қон чиқмади?» Буғуга яқинлашишни ҳам, яқинлашмасликни ҳам билмай туришганида жонивор кичрая бошлади. Бир неча дақиқада дами чиққан пуфакдек ундан ҳеч нима қолмади. У ётган ердан енгил ҳовур кўтарилди. Бу ҳодисадан кўрқувга тушиб, тезда изларига қайтдилар. Яқингинада зиёфат еб ўтирган ерлари топталган, идиш-товоқлар синган, егулик-ичгуликлари сочилиб кетган эди. Хизмат қилиб юрган йигитлар эса кўрқиб, «Вездеход» ичида ўтиришарди. Улар бир баҳайбат буғу пайо бўлиб ҳаммаёқни яксон қилиб кетганини айтиб беришди.

Ҳамма нарса жой-жойида қолди. Барчалари машинага ўтириб, шошқич равишда штабга қайтдилар. Кечга бориб Комиссар билан Вакилнинг иситмаси кўтарилди. Рация орқали врач чақирдилар. Врач етиб келганида иккови ҳам хушини йўқотган эди. Уларни вертолётда олиб кетишди.

Шундан сўнг қирқ иккинчи объектдаги экскаваторга икки ҳафта давомида ҳеч ким яқинлаша олмади. Ўн беш кун деганда дадилроқ ишчилар бориб, суякларни қайта кўмишди. Лойиҳани бузиб, темир йўлни юз қадам наридан ўтказадиган бўлишди. Зиёфат бўлган жойга эса биров қадам ҳам босмади. Штабдан олиб келиб ёзилган гиламлар намгарчиликдан чирий бошлади.

Гиламлар тўшалган ер остида ҳам уч кишининг суяклари борлигини, бу ерда Вакилнинг бобоси — қамоқхона бошлиғи ва отряд комиссарининг бобоси — Комиссар мадфун эканликларини ҳеч ким билмади. Бу сирни буғу ўзи билан бирга олиб кетган эди.

Мухтасар хотима

«Унет» сайёраси «1248» деб белгиланган Ер аҳли саксон йил муқаддам Тунгус ерларида содир бўлган воқеа ечимига етолмай гарансиб юрганларида фалакда ғаройиб ҳодисаларга дуч келдилар. Ер сайёрасининг турли жойларида кўриниши улкан лаганни эслатувчи жисм пайдо бўла бошлади. Бировлар бу жисмни шунчаки одамлар кўзини алдовчи нур ўйини деб исботламоқчи бўлдилар. Бировлар эса узоқ сайёралар вакили деб ишондилар. Иккинчи тоифа одамлар янглишмаган эдилар. Чиндан ҳам бу жисм Унет элчиларини олиб келган иккинчи фазо кемаси эди. Улар ер атрофини айланиб, аввал сафар қилган фазогирларини излар эдилар. Уларга ҳали фалокат сабаби қоронғу. Лекин фазогирларнинг бири бераётган хабар оқими уларда илинж уйғотган эди. Аввалги кема бепоён ўрмон устида тўхтаганини, фазогирлардан бири шу ерларда кўп учрайдиган буғу жасадига кирганини, кутилмаганда кема портлаши натижасида ўз қиёфасига қайтолмагани ёинки ерликлар шаклига кира олмаганини ана шу хабар оқимидан билишди. Хабар ниҳоятда ожиз тўлқинда эди. Шунда улар бу оқим анча илгари тарқанган, фазогир эса ҳалок бўлган

деган тахминга боришди. Уларга Ер билан алоқа ўрнатиш ман этилган эди. Шу боис осмонда ёғду таратиб учишдан бўлак имконлари йўқ эди. Бепоен ўрмонзор устидан учишаётганда улар сўнгги хабар оқимини олишди:

«Мен ўзимиз каби мусулмон бандани учратдим. Уни қутқариб қола олмадим. Армон билан кетмоқдаман...»

...Унет сайёрасидан келган фазо кемаси изига қайтди.

Учинчи кема Ер вақти билан орадан элик тўрт йил ўтгач келади. Улар ерга тушадилар. Раҳматуллоҳ кўмилган, буғу жон берган жойни топадилар. Ўша ерда марҳумларга жаноза ўқилади. Биз ҳам фотиҳага қўл очамиз: «Аллоҳум мағфирли ҳаййина ва маййитина ва шаҳидина ва ғоибина ва соғийрина ва кабирийна ва закарина ва унсана. Аллоҳумма ман аҳйайтаху минна фа аҳйихи аълал Ислами ва ман таваффайтаху минна фатаваффаху аъла-л-ийман ва ҳусса ҳозалмаййита, бирровҳи варроҳати варраҳмати волмағфирати варридвон. Аллоҳумма ин кана муҳсинан вазид фи ихсонихи ва ин кана мусиан фатажоваз анҳу ва лоққихил амна валбушра валкаромата ваззулфа бир роҳматика йа архамар роҳимийн!» Омийн!

1995 йил.

* *Маъноси будир: “Аллоҳим, бизнинг тирикларимизни, ўликларимизни, ҳозирларимизни, йўқларимизни, улуғларимизни, кичикларимизни, эркакларимизни ва аёлларимизни афв ва мағфират қил. Ё Роббимиз, бизнинг ҳаётда бўлганларимизни Ислом дини ила яшат, ўлганларимизни иймонли ҳолида вафот қилдир. Шунинг учун ҳам бу майитнинг гуноҳини афв қилгин, уни ризонгга қовуштиргин. Билҳисса, бу майитни қулайликка, роҳатга, мағфиратга, ризонгга қовуштир. Ё Роббимиз! Агар бу майит муҳсин бўлса, гуноҳларини кечир. Унга Ўз раҳматингдан тинчлик, каромат бер, эй архамар роҳимийн!”*

МУНДАРИЖА

ЭНГ КИЧИК ЖИНОЯТ	3
Тинтув	3
Пушаймон пўртанаси (<i>Бир ой аввал Нью Орлеанда</i>)	12
Қарз	25
Дастлабки тергов	30
Довул (<i>Йигирма уч кун аввал, Нью Орлеанда</i>)	39
Безовталиқ	57
Олғиртой	67
Жиноятчининг шериги (<i>Яна Нью Орлеанда</i>)	84
Меросхўр	91
Саховат илинжи (<i>Яна Нью Орлеанда</i>)	117
Қуёш томон учган одам (<i>Ўша куни, Нью Орлеанда</i>)	131
Оқибат	147
Эгасиз ўлик (<i>Яна Нью Орлеанда</i>)	151
Муаллифдан	153
ХАЗОНРЕЗГИ	157
АКСИОМА	260
БАЛАК	103
ОВ	512

ТОҲИР МАЛИК

ОҚИБАТ

Қиссалар

Муҳаррир:	А. Абдужалилов
Нашр учун масъул:	А. Тилавов
Техник муҳаррир:	Ю. Ёринов
Мусахҳиҳа:	Н. Муҳамедова
Саҳифаловчи дизайнер:	И. Захидова


Наш.лиц. № АІ 245, 02.10.2013.

Теришга 02.01.2019 йилда топширилди. Босишга
11.02.2019 йилда рухсат этилди. Бичими: 70x10 ¹/₁₆.
Офсет босма. РТ Serif гарнитураси. Шартли б.т. 46.8.
Нашр б.т. 46.8. Адади: 10 000. Буюртма № 08.

Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.
Телефон: (371) 228-07-96, факс: (371) 228-07-95



Тоҳир Малик

Мазкур китобга ёзувчининг “Энг кичик жиноят”, “Хазонрезги”, “Аксиома”, “Фалак”, “Ов” деб номланган асарлари киритилди. Дастлабки қиссада ризқ излаб узоқ юртларга борган одамларнинг қутилмаган азобларга дуч келишлари тасвирланган. Одамзот айрим айбларини “арзимас” деб хас-пўшлашга уринади. Ўйламайдикки, ўша арзимас айби, арзимас туюлган гуноҳи ёки арзимас кўринган кичкинагина жинояти учун ҳаётини остин-устун қилиб юборишга қодир жазо тайин туради. Буни “оқибатул-амр” дейдилар. Қисса шу хусусда баҳс юритади. Бошқа асарларда ҳам адиб китобхонларни турли ҳаётий воқеалар ва фожиалар мисолида дунё муаммолари ҳақида баҳс юритишга чорлайди.



“Sano-standart”
нашриёти

ISBN 978-9943-5468-6-8



9 789943 546868